

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайриддин Султонов
Наим Каримов	Тўра Саидов
Иқбол Мирзо	Сирожиддин Саййид
Абдуваҳоб Нурматов	Тошпўлат Аҳмад
Баҳамдулло Нурабуллаев	Йўлдош Солижонов
Нурбой Жабборов	Шухрат Маткаримов
Ислом Ёкубов	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам  
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод  
Масъул котиб — Саъдулло Қуронов  
Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова  
Адабиётшунослик бўлими мудири — Раъно Ҳакимжонова



## УШБУ СОНДА:

*Эркин ВОХИДОВ*

### *ДАФНАЛАРДА ҚОЛСАҢ САЙРАЛАР*

*Шундоқ сўз айт, шоир укажон,  
Сўзинг қалблар тубига борсин.  
Бахтни ёзсанг, яйрасин жаҳон,  
Ғамни ёзсанг, додлаб юборсин.*

НАЪМ



*Наби ЖАЛОЛИДДИН*

## ТЕГИРМОН

*Романдан боблар*

Юлдузлар аллақачон сийраклашиб, хиралаша бошлаган, само тоқида биргина юлдуз чарақлаб турарди. Бу – Чўлпон юлдузи эди. Қанийди, шу юлдуздек чарақлаб, халқимнинг ҳаётини, тонгларини чароғон қилолсам! Шеърят, адабиёт осмонининг Чўлпони бўлиб порласам!

НАСР



*Софья ТОЛСТАЯ*

### *КҲНДАЛИКЛАРДАН*

Баъзан шундай ёруғ лаҳзалар бўладики, тирикликнинг, яшашнинг нақадар бахт эканлигини ҳис қиламан, англайман. Зиммамда нечоғлик масъулият борлигини кўраман. Шу масъулият, шу бурчнинг борлигига шукр ҳам қиламан, аммо ўша лаҳзалар ўтиб кетгач, яна бари ёдимдан чиқади. Ҳали ўша яхши кунлар келишини, батамом мен билан қолишини биламан, уларни интизорлик билан кутаман.

УЛУҒЛАР ҲАҚИДА





## САДОҚАТ КУЙЧИСИ

Зулфия шеърляти XX аср ўзбек адабиётида янги саҳифа очган, унинг бўй-бастини кўрсата олиш қудратига эга бўлган, китобхонга вафо ва садоқат, меҳр ва муҳаббатдан сабоқ берувчи шеърлятидир. Бу шеърлятнинг мавзу ва талқин доираси жуда катта қамровга эга бўлиб, биз унда ўз Ватанини севиш, ўзбек аёлининг шонли ҳаёт йўлини улуғлаш, бани-башарда тинчлик-омонликни орзу қилганлар мушоираси билан бирга, муҳим ҳаётий муаммолар ва инсоний дарду кечинмалар тасвирини ҳам кўрамиз.



## АДАБИЁТ – ТАРБИЯ ВОСИТАСИМИ?..

*(Суҳбат саволларига жавоблар)*

...анча сийқа, жўн бўлса-да, бор гап шу – адабиёт тарбия воситаси. Буни инкор қилиш тафаккурни, онгни, маънавиятни, инсонийликни, сўзнинг муқаддаслигини, умуман, инсоннинг муқаддаслиги ва уни илоҳият билан боғлаб турувчи ришталарни тан олмаслик, рад этиш билан баробардир.



## ЛОЙХЎРАК ОВИ

*Ҳикоя*

Тургеневнинг кўз олдидан қарийб йигирма йил олдинги ёрқин хотиралар сузиб ўтди. Унинг кўз ўнгида. Петербургдаги уйига уни тез-тез йўқлаб бориб турган, қачонлардир Некрасовнинг меҳмонхонасида юзингда кўзинг борми демай, Жорж Сандни танқид қилган, “Икки гусар”ни ёзиб тугатгач, у билан бирга ўрмонда сайр қиларкан, бир зум тўхтаб, ёзги булутларнинг гўзаллигига мафтун бўлган ўша Толстой гавдаланди.

## МУНДАРИЖА

Аҳмаджон Мелибоев. Улуғлари улуғланган юрт. ....	5
<b>НАЗМ</b>	
Эркин Воҳидов. Дафтарда қолган сатрлар. Шеърлар. ....	9
Ҳалима Аҳмедова. Кўзим кўзгусида кўринар офтоб. Шеърлар. ....	42
Жамолиддин Муслим. Юракдаги гўзал гулгунчам. Туркум. ....	46
Фароғат Камол. Чорлайди ҳаёт деб аталган дарё. Шеърлар. ....	62
Машғал Хушвақт. Ёрғучоқ тошидай айланар фалак. Шеърлар. ....	64
Озод Шарафиддинов. Эски ҳақиқатнинг янги талқини. ....	67
Абдуғани Сулаймон. Тўртликлар. ....	125
Ойгул Суюндиқова. Қорақалпоғистон. Манзума. ....	128
Уроз Ҳайдар. Ҳақнинг кўзгусида ҳар неки аён. Шеърлар. ....	140
Зокиржон Мамажонов. Дунёнинг дардига дунди дардларим. Шеърлар. ....	143
Хурсандбек Тулибоев. Юлдузлардан сўрайман сени. Шеърлар. ....	146
<b>НАСР</b>	
Чингиз Айтматов. Байдамтол соҳилларида. Ҳикоя. ....	48
Сайди Умиров. Асиллик. ....	60
Наби Жалолиддин. Тегирмон. Роман. ....	14
Шодмон Отабек. Дўрмон хангомалари. ....	177
<b>ДРАМАТУРГИЯ</b>	
Усмон Қўқор. Имом Бухорий. Тарихий шеърӣ драма. ....	68
<b>МУАЗЗАМ ШАРҚ ҲАЗИНАСИДАН</b>	
Ибн Сино. Қуш ҳикояти. ....	86
Имом Ғаззолий. Рисолат ут-тайр. ....	90
Маҳкам Маҳмуд. Даҳлар сув ичган дарёлар. ....	94
Зухра Мамадалиева. Ибн Сино ва Ғаззолий: анъана ва ўзига хослик. ....	96
Фаридулдин Аттор. "Илоҳийнома" асаридан парча. ....	152
<b>ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ</b>	
Замон, шоир ва ғазал. Абдулла Орипов билан суҳбат. ....	98
<b>БАҲС</b>	
Адабиёт – олдинда ёнган чироқ. Дилмурод Қуронов. Назар Эшонқул. ....	103
<b>ЁДНОМА</b>	
Иброҳим Ғафуров. Зулфия сиймоси. ....	114
Дамин Тураев. Садоқат куйчиси. ....	121
<b>ЁШЛАР ДАФТАРИДАН</b>	
Оқшомнинг бағрига сингир хаёллар. Шеърлар. ....	166
<b>КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ</b>	
Бахтиёр Назаров. Амир Темури тасвирот ва таассурот дунёсида. ....	131
<b>ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА</b>	
Баҳром Рўзимухаммад. Копеттоғ ортидаги сеҳрли диёр. ....	154
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Ойдин Турдиева. Замонавий Эрон насрининг модернистик тамойиллари. ....	158
Саъдулло Қуронов. Ойбек лирикасида бадий синтез. ....	163
<b>ШЕЪРИЯТ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА</b>	
Нурбой Жабборов. Зулфиқор руҳ орзуси. ....	148
<b>УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ</b>	
Робиддин Исҳоқов. Кенгликларда оппоқ тонг отар. Шеърлар. ....	180
<b>УЛУҒЛАР ҲАҚИДА</b>	
Софья Андреевна Толстая кундаликларидан. ....	184
<b>БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ</b>	
Зиёнур Ҳайдарова. Олисдаги манзил. ....	182
<b>МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ</b>	
Қодирқул Рўзматзода. Хувайдонинг бадий-фалсафий мероси. ....	195
<b>САНЪАТШУНОСЛИК</b>	
Элеонора Ғаниева. Экрanga чиққан асарлар. ....	202
<b>ЖАҲОН АДАБИЁТИ МАНЗАРАСИ</b>	
Рюноске Акутагава. Лойхурак ови. Ҳикоя. ....	172
Борис Пастернак. Қадимий муюлиш. Шеърлар. ....	206
Муқоовамизда. ....	208

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2015

1-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.

Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Обунага монелик кўрсатилса, Тошкент – 100000, Амир Темури тор кўчаси, 2. Республика "Матбуот таркатувчи" акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Обуна индекси – 911

**Манзилимиз:**

100127, Тошкент шаҳри, "Ўзбекистон" кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар: 227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
25.02.2015 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16,  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-қоғозга босилди.  
Босма тобоғи 11.

Шартли босма тобоғи 15,4.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.  
Адади 3200 нусха.  
Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 03.04.2009 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. Ўқитувчи НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳих:

*Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

*Ҳуришд Иброҳимов*

Copyright © "Шарқ юлдузи"



## ПУБЛИЦИСТИКА

2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ  
ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

*1946 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаган. “Бир заминда яшаймиз”, “Умидли дунё”, “Ёлғиз яшаб бўлмайди”, “Хуштакни ким чалади?”, “Умр – учар юлдуз”, “Торнинг чўмичдан фарқи”, “Суворо соғинчи”, “Қирқ бешинчи бекат”, “Қабоҳат тўри” публицистик тўпламлари муаллифи. Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ёзувчилар уюшмаси Бадший публицистика кенгашининг раиси.*

**УЛУҒЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ**

Ҳаёт чархи қуёш янглиғ тинимсиз айланади. Йиллар йилларга, воқеалар воқеаларга уланиб, моҳиятан бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисига йўл очиб бораверади. Ҳар бир авлод бу ёруғ оламда умргузаронлик қилиш эстафетасини ўз зурриёдига топширади, ўзи етмаган орзуларга уларнинг етишини, ҳаёт янада фаровон бўлишини ният қилади. Йиллар ўтиб, эстафета таёқчаси яна янги авлодлар қўлига ўтади.

Бугун биз мамлакат мустақиллигининг йигирма тўртинчи йилида яшамоқдамиз. Жаҳоний андозаларга мос эркин, жамият аъзоларининг тенг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган демократик жамият қуриш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек улуғ ният йўлига ўтганимиздан бери орадан шунча вақт ўтди. Шу фурсат ичида мустақил давлат мақомида қўлга киритган ютуқларимизни, сабр-бардош билан ортда қолдирган синовларни, таъминотдаги узилишлар, сунъий тақчилликларни, тинч-тотув ҳаётимизга, аҳил-иноқлигимизга қилинган тажовузларни эсласак, бу йилларнинг ҳар куни, ҳар дақиқаси кураш, интилиш, жасоратли меҳнат, келажакка умид ва ишонч билан ўтганига амин бўламиз, машаққатли, қуёшсиз туманли кунларда ҳам танлаган йўлимиздан оғишмаганимиз, бировнинг эмас, ўзимизнинг, халқимизнинг имкониятларига, иймон-этиқодимизга, бой ҳаётий тажрибамизга, ақлу идрокимизга таяниб иш кўрганимиз, пуч ваъдаларга учмаганимиз, истиқлолимизнинг илк қадамларидаёқ борар манзилимизни, чиқар чўққимизни белгилаб олганимиз истиқлол солномаси саҳифаларини маржондек безаб турган ютуқларимизнинг бош омили экани бугун барчага аён ҳақиқатдир.

Дунё давлатчилиги тарихидан маълумки, жамият ҳаётида эришилаётган ҳар бир ғалаба сақлаб қолинса, мустаҳкамлансагина муҳим. Шу маънода айтиш мумкинки, олдинга томон қўйилаётган ҳар битта қадам, меҳнат тонглари-нинг янги шиддати, мазмун-моҳияти, файз-баракаси, осуда оқшомлар таровати, онгу тафаккурда уйғонаётган “ҳар янги туйғу, ҳар дуо, ҳар ният, ҳар битта кулгу” миллий тараққиётга хизмат қилади. Ишонч туйғуси одамлардагина эмас, жамиятда, тузумда ҳам бўлади. Ўзига, ўз ақидасига, ижтимоий тамойилларини

маънавий-ахлоқий кадриятларга ишонган жамиятнинг йўлини тўсиш, шиддати-ни сусайтириш мумкин эмас. Чунки бундай жамиятнинг ирода ва эътиқод устунлари кучли мантиққа асосланади.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида давлатимиз олдида мустақилликни йўқотмаслик, иккиланмаслик, жамиятда тинчлик-тотувликни сақлаш, озик-овқат тақчиллигига барҳам бериш, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг онг-шуурига истиқлол ғояларини сингдириш, халқимизнинг руҳини кўтариш, шаъни, кадр-қимматини жойига қўйишдек мураккаб вазифа турар, вазият бир пайтнинг ўзида ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маданий-маърифий муаммоларни ҳал этиш, ҳар бир қарорда энг тўғри, оқилона ечимларни топиш, огоҳ ва сергак бўлишни талаб қиларди. Президент Ислон Каримов раҳбарлигида қисқа вақт ичида тараққиётнинг яқин келгусига мўлжалланган бош йўналиши, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига хос ривожланиш модели ишлаб чиқилгани дастлабки қадамларимизга залвор ва қатъият бахш этди, собиқ тузумдан бизга қандай майиб-мажруҳ мерос қолгани, иқтисоднинг парокандалиги халқимизга рўйи-рост айтилгани, бундан буён эскича, эски андозаларга таяниб иш кўриш мумкин эмаслиги, бу ҳолатдан фақат уюшқоқлик, интизомлилик билан, бир ёқадан бош чиқарибгина кутулиш мумкинлиги одамлар онгига етиб борди.

Яна шу нарса муҳим бўлдики, давлатимиз раҳбари дастлабки кезлариёқ инсоннинг онги, дунёқараш ва турмуш тарзини ўзгартирмай туриб, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам кутилган натижага эришиб бўлмаслигини исботлаб берди. Шу маънода янги авлод тарбияси, уларни янги кадриятлар руҳида камолга етказиш жамият олдида турган энг муҳим вазифа мақомига кўтарилди. Болажон халқимиз бу вазифани жон-дили билан қабул қилди.

Шарқона таълим-тарбияда ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, илм-маърифатга интилиш, шунингдек, ота-онага, табаррук ёшлиларга, устоз-мураббийларга ҳурмат, оила, сулола шаънини муқаддас билиш каби фазилатлар бундан минг йиллар аввал ҳам муҳим бўлган. Бундай эзгу фазилатлар асрлар давомида халқимизнинг қон-қонига сингиб, ҳаётининг маъно-мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланиб кетган. Айни шу фазилатлар эл-юртни ногаҳоний балоқазолардан сақлаб қолган.

Мустабид тузум даврида таъқиқлаб қўйилган, эскилик сарқити, хурофот дея камситилган, моҳияти қасддан бузиб талқин этилган ноёб миллий, диний ва маънавий кадриятларимиз мустақиллик боис ҳаётимизда, турмуш тарзимизда муносиб ўринга эга бўлди. Эзгулик ва инсонийлик, саховат ва адолатлилик тамойиллари билан йўғрилган Конституциямизда, шунингдек, миллий истиқлол ғоясида, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларда инсон, унинг эрки, шаъни-ғурури, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият даражасига кўтарилди. “Шу азиз Ватан — барчамизники” деган бағрикенг, саховатли умуминсоний шиор ўртага ташланди. Кўпмиллатли мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча ватандошларимизнинг тенг ҳуқуқи қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунга қадар тарбиялашлари миллий-маънавий кадрият сифатида конституциявий бурчга айланди. Бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлган истиқлол тамойиллари халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-интилишларини, жумладан, қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш, оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-она, маҳалла-кўй, умуман, жамоатга ҳурмат-эътибор, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, ҳаёт абадийлиги рамзи — аёл зотига эҳтиром каби улуғ фазилатларни ўзида акс эттириши билан ҳам эътиборлидир. Айни чоғда, бу тамойиллар қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик, турли миллат ва элат вакилларига, уларнинг миллий туйғулари ва диний эътиқодига ҳурмат каби кадриятларни ҳам эътироф этади.

Жамият ҳар бир авлоднинг ижтимоий фаоллиги, зиммасидаги бурч ва масъулиятини нечоғли тўғри тушуниши билангина муваффақиятларга эришади, халқнинг турмуш тарзи юксалади. Бу даража авлодлар алмашинуви билан тўхтаб қолмайди, аксинча, янада ривож топади, янги уфқлар очади. Шу боисдан ҳам, мамлақати-

мизда ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш Президент Исом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Ватанимизнинг эртаси, келажаги бўлган азиз фарзандларимиз учун зарур бўлган шарт-шароитлар, ота-оналари, устоз ва мураббийлари бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишлари, миллат шаъни, юртимиз шарафини янада баланд марраларга кўтаришлари учун лозим бўлган барча имкониятлар яратиб берилди. Ҳаётий тажрибалари ҳамда касб-кор сирларини ёшларга беминнат ўргатаётган устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, бандлик муаммосини ҳал этиш мақсадида меҳнат жамоаларида “Устоз-шоғирд” мактаблари, маҳорат устахоналари, турли касб-кор тўғараклари ташкил этилди. Бугунги глобаллашув шароитида, ёшлар онгини эгаллаш учун кураш дунё миқёсида кучайиб бораётган экан, бундай анъаналарнинг тикланиши катта аҳамиятга эга. Бу иш билан наинки ота-она, устоз ва мураббийлар, жамиятнинг фаол ҳар бир аъзоси, давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари сидқидилдан муттасил шуғулланишлари лозим. Чунки ёшларга эътибор қаерда суғулса, ўша ерда кутилмаган муаммолар келиб чиқади.

Ёшлар қалбига Ватан туйғуси, ватанпарварлик руҳини сингдиришда кекса авлод вакиллари, умри давомида ҳаётнинг не-не синовларини бошидан ўтказган, ҳам қувончли, ҳам ташвишли воқеаларга гувоҳ бўлган, маҳаллада, эл-юртда обрў-эътиборга эга нуруний отахон ва онахонларнинг ўрни бекиёсдир. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан, 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланишида чуқур ҳаётий мантиқ бор десак, хато бўлмайди. Чунки халқимиз ўз фарзандларини Ватанини севадиган, уни ҳимоя қилишга қодир, юрт бойликларини асраб-авайлашни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайдиган қилиб тарбиялашда кексаларнинг тажрибасидан, панд-насихатларидан фойдаланиб келган. Шу боисдан ҳам, кексалари эъзозланган, отахону онахонлар роҳат-фароғатда, шукроналик билан умргузаронлик қилаётган юрт ҳамиша бой ва қудратли ҳисобланган. Буни ҳатто босқинчи ва талончилар ҳам билишган.

Кексалик умрнинг донишмандлик даври ҳисобланади. Ҳаёт фаровонлашиб бораётгани сари инсоннинг нафақат жисмоний умри, балки ижтимоий умри ва фаоллиги ҳам узайиб боради. Буни мустақил мамлакатимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ёшларга ҳар жиҳатдан ўрнатилган бўлиб келаётган пиру бадавлат, обрў-эътиборли кишиларнинг халқимиз орасида кўпайиб бораётгани, бундай инсонлар оилаларда, маҳаллаларимизда тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишига, ёш авлод тарбиясига катта ҳисса қўшаётгани, айниқса, қувонарлидир. Ёшлар кексаларни эъзозлар эканлар, бу билан ўзлари учун ҳам пиру бадавлатлик пойдеворини қўйган бўладилар. “Ҳар ким эканини ўради” деганларидек, биз бугун отахон-онахонларимизни, устозу мураббийларни қанчалар ҳурмат қилсак, вақти келиб ўзимиз ҳам шундай улуғ эъзозга, ҳурмат-эҳтиромга муяссар бўлаемиз.

Аллома Исмоил Сомоний ўтмиш аждодлари шухратига маҳлиё бўлиб, ўзи бир ишнинг этагидан тутмай, уларнинг номларини пеш қилиб юраверган кишини ўлик, маънавий мероси ҳамон яшаб келаётган ўтмиш аждодларни эса тирик, деб ҳисоблаган экан. Бу муҳим ўғитни тўғри тушунган ёшлар аждодларга муносиб ворис бўлиш, буюк яратувчанлик ишларини давом эттиришга астойдил ҳаракат қилаётганлари, замонавий билимларни пухта эгаллаётганлари таҳсинга лойиқдир. Таассуфки, истиқлол йилларида вояга етган янги авлоднинг бундай ишлари баъзи ғаразли кимсаларга, бузғунчиларга ёқмайди. Уларнинг фикрича, ёшлар, асосан, ўзларини ўйлашлари, кексалар, ота-оналари тўғрисида ташвиш қилмасликлари, кексалар ҳам ўз фарзандларига ортиқча юк бўлмасликлари зарур эмиш. Бу “кўрсатма”дан кўзланган мақсад — ёшларни худбинлик, манманлик, ўзим бўлайчилик кўчасига бошлаш, тўғри йўлдан оздириш, оилани заифлаштириш, иймон-эътиқодини сусайтириш эканини сезиш қийин эмас. Худбинлик, иймонсизлик кўп ҳолларда хоинликка олиб келиши исботланган ҳақиқат.

Ёшлар онгига турли йўллар билан сингдиришга ҳаракат қилинаётган “янги замонавий қадриятлар”нинг аксарияти халқимизнинг собиқ тузум шароитида ҳам завоқ топмаган турмуш тарзига, дунё мамлакатларида деярли учрамайдиган ноёб анъаналаримизга мутлақо ётдир. Шундай экан, “оммавий маданият”нинг ахлоқий жиҳатдан

эркин бўлиш, ошкора айтганда, беҳаёлик, бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм каби номақбул ғоялари, нияти ҳасаддан иборат ташқи кучларнинг ўзга халқларнинг шахсий ҳаётига аралашилари худбинлик ва тажовузкорликдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир халқ, миллат ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлашга, миллий-маънавий қадриятларини сақлашга, келажак авлодларга мерос қилиб қолдиришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқни менсимаслик, оқни қора, тўғрини нотўғри дейиш мумкинми? Муқаддас динимизда инсонларни ўзаро меҳр-оқибатли, саховатли ва кечиримли бўлиш, савоб қилишни унутмаслик улўғ фазилат ҳисобланади. Мавлоно Бурҳониддин Марғиновичнинг дунёнинг кўплаб мамлакатларида бугун ҳам қизиқиш билан ўқиладиган “Ҳидоя” асарида одамлар ўртасидаги муносабатларга қасддан раҳна солиш, диний бетартибликни келтириб чиқариш энг оғир, кечириб бўлмас жиноят эканлиги айтилган. Бошқа манбаларда, масалан, “Қобуснома”да кексаларнинг ҳурмати жойига қўйиш, уларга иззат-икром кўрсатиш, ёлғизлатиб қўймаслик зарурлиги, бундай мурувват бор жойда фэйз, қут-барака бўлиши, турли бало-қазолар одамларни четлаб ўтиши ва аксинча, одамлар ўртасида ноиноқлик, мурувватсизлик, худбинлик юзага келган жойга эса турли фалокатлар ёғилиши уқтирилади. Яхши ният, дуо ва мурувват турли офатлар йўлини тўсади, деган гап ҳам бежиз айтилмаган.

Шундай экан, маънавий тарбияни янада кучайтириш, оиладаги соғлом муҳит, ота-она меҳри, маҳалладошлар ҳурмати, бирор фойдали иш билан шуғулланиш, касб-ҳунар эгаллаш, илмми-маърифатли бўлиш ғаразли кимсаларнинг чоҳига илиниб қолмасликнинг ягона тўғри йўлидир. “Душман илиб айтади, ота-она билиб айтади”, “Қари билганни пари билмас”, деган ҳикматлар замиридаги ҳаётий маънолар ёшларимизни огоҳ этиши керак. Токи улар бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнларнинг маъно-моҳиятини, кимнинг кимлигини тўғри англаб, қандай улўғ зотларнинг ворислари эканликларини унутмай, она-Ватанларига садоқатли, иймон-эътиқодда мустаҳкам, илмми, зиёли инсонлар бўлиб етишсин. Ана шундагина биз учун мутлақо бегона ғоялар, мағзи пуч даъватлар уларни ўз домига торта олмайди. Кексалар қўлларини дуога очиб, ёшларни тўғри йўлларга бошлаётган, касб-ҳунарга, одоб-ахлоққа ўргатаётган, ширин-шакар набиралари билан боғ, гулзор яратаётган, қўлларига китоб тутаётган эканлар, бу ёвуз ниятлар ҳеч қачон амалга ошмайди.



# НАЪМ

## Эркин ВОҲИДОВ

1936 йилда тугилган. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини битирган. "Тонг нафаси", "Қўшиқларим сизга", "Юрак ва ақл", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Муҳаббат", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб", "Бедорлик", "Куй авжида узилмасин тор", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" номли шеърӣ тўпламлари, "Рухлар исёни" достони, "Муҳаббатнома" ва "Садоқатнома" номли икки жилдлик сайланма, "Олтин девор", "Истанбул фожиаси" драмалари муаллифи.

## ДАФТАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

### КЎНГИЛ ДЕСАМ, КЎНМАЙДИ КЎНГИЛ

Вақт ўз ишин қилар.  
Вақт золиб.  
Бунга кўнар инсоннинг марди.  
Кексаликни бўйнимга олиб,  
Уйимда тинч ётсам бўларди.

Қариганда ҳаловат керак,  
Арзир мен ҳам тин олсам енгил.  
Лекин бунга юрмайди юрак,  
Кўнгил десам, кўнмайди кўнгил.

### ЮРАК

Дардлар тоши ёғди, юрак –  
Шишасининг дарзи кўп.  
Синмай турсин, ҳали керак,  
Элдан унинг қарзи кўп.

Булар – турли даврда, турли ҳолатда, турли муносабат билан ён дафтарга ёзилган сатрлар. Бири тугал шеър бўлиб улгурмагани учун, бири замон кўтармагани учун дафтарда қолиб кетган эди. Шуларни тўплаб, баъзиларига андак қалам уриб, баъзиларини қандай қоғозга тушган бўлса, шундай ҳолда сиз, азиз ўқувчиларга тақдим этмоқчиман. Уларнинг бир қанчаси ёшлик – ғўрлик йилларидан менга эсдалик. Ўта жўн бўлса, айб этманг.

Муаллифдан

**ШЕЪРИЯТНИ АНГЛАШ**

Мен кимёгар бўлмасдим,  
Мактабдаёқ билардим.  
Менделеев жаadwalини  
Ёдлаб нима қилардим?

Қани эди газал ўқиб,  
Айтиб юрсам яллани.  
Ньютоннинг биномига  
Тулдирмасдан каллани.

Беш баҳо деб Хўжа Ҳофиз,  
Фузулийдан кечибман.  
Ёрлиқ учун болхонадор  
Формулалар ечибман.

Барин билдим, ҳеч бир дарсни  
Ҳеч бир қанда қилмадим.  
Шоир бўлдим охир, лекин  
Шеър ёзишни билмадим.

Машиқим битди, ўқиб бердим,  
Эшитганлар дедилар:  
Бир вақт устоз Миртемир ҳам  
Шундай деган эдилар.

Бас, татаббуъ экан шеърим,  
Ё назира, не илож?!  
Фақат устоз лутф қилганлар,  
Мен рост айтдим бемажоз.

**БЕГУНОҲ ОДАМ**

У отдан қуласа, гуноҳ жиловда,  
Тойиб йиқилса айб қорда, қировда.  
Бошига ҳар неки кўргилик келса,  
Айб ўзида эмас, доим бировда.

**ЕНГИЛ ИШ ҚИДИРМА**

Енгил иш қидирма,  
Енгил иш йўқдир.  
Жон чексанг енгиши бор,  
Енгилиши йўқдир.

**ҚУДУҚ**

Эр – битмас-туганмас қудуқ бўлади,  
Гоҳида қудуқ ҳам қуруқ бўлади.  
Шунда сайраб кетар тилсиз хотин ҳам,  
Энг бийрон эркак ҳам дудуқ бўлади.

**БИЗНИНГ ЖОН**

Одамзод мизожни тўрт яралибдир,  
Жон шу тўрт ичида мўрт яралибдир.  
Мўртлар ичида ҳам энг мўрти бўлар,  
Бизнинг жон охирги сорт яралибдир.

**ШОШҚАЛОҚ ОДАМ**

Ўзига хос эди дўстимиз,  
Бошқалардан бошқароқ эди.  
Орамиздан эрта кетди у,  
Бирозгина шошқалоқ эди.

**ОШНОЛАРИНГ**

Биров ошно бўлар сени бой билиб,  
Валинеъмат билиб, Ҳотамтой билиб.  
Бировга хуш келар хулқинг, одобинг,  
Миниб юрмоқ бўлар сени той қилиб.

**ДЎСТЛИК ШАРТИ**

Кел, бизлар дўст бўлайлик,  
Келишайлик олдиндан.  
Кейин хафа бўлиш йўқ:  
Сен менадану мен сендан.

Меҳмонингман – бой бўлсанг,  
Яйраб ейман, ичаман.  
Лекин омадинг кетса,  
Дарҳол сендан кечаман.

Бугун баланд мартабам,  
Сен ҳам бағринг очиб қол.  
Эртага ишдан кетсам,  
Тирақайлаб қочиб қол.

Айшни бирга сурайлик,  
Майни бирга тотайлик.  
Сўнг: мен сени, сен мени  
Беш тийинга сотайлик.

Аҳду вафо – эски сўз,  
Эскиликдан кечамиз.  
Сиртда зарбоф тўн ёпиб,  
Ичда кафан бичамиз.

Кўрганда дўст, кўрмасак  
Танимайман, дейиши бор.  
Элдан номус қилиш йўқ,  
Бир-бировни ейиши бор.

Бугун дўстлик расми шу,  
Айтиб қўйсак олдиндан,  
Кейин ранжиб юрмаймиз:  
Сен менадану мен сендан.

**КАМОН ВА ЎҚ**

Аёл зоти камон бўлар, эркак зоти – ўқ,  
Ўқ камонга илинади, бошқа илож йўқ.  
Камон ўқни тортиб маҳкам қучмоқ бўлади,  
Ўқ тортилган сари йироқ учмоқ бўлади.

**АСКАР ЁДИ**

Қурбон бўлган жангчи падарнинг  
Қабрин излаб кезар дунёни.  
Йигирма беш ёшли аскарнинг  
Етмиш олти ёшли ўғлони.

Тарк этиб у азиз Ватанни,  
Оврупони кезади сарсон.  
Йигит ёшда кетган отани  
Излаб юрар қартайган ўғлон.

Ортада етим болалик қолди,  
Ёшлик қолди, армонли юрак.  
Қариганда аланга олди  
Дилни чўздек куйдирган тилак.

Дейди: – Жону умр омонат,  
Аҳд қилганман, шояд топарман.  
Ёрда уни қилмай зиёрат,  
Кўкка етгач қандоқ боқарман.

Фарзанд излар.  
Кезар овора.  
Замин очмас дил асrorини.  
Кучиб ётар она сайёра  
Болам деб, ўз халоскорини.

**БИЗДАН ҚОЛГАНИ**

Имкон йўқ дунёда мангу қолгани,  
Таскин – биздан ҳам бир ёдгор қолгани.  
Яхши иш, яхши сўз ва яхши фарзанд –  
Қолари шу. Ўтди-кетди қолгани.

**ҚИЗ ТАНЛАШ**

Тўйга бордим – париларга кон,  
Қиз танлашининг хонаси экан.  
Қарангки, мен танлаган жонон  
Бир парининг онаси экан.

**ҲАМЛЕТ**

Отам қуёш эди, волидам – турбат,  
Куёшим заволнинг уфқига ботди.  
Уни адо қилган амаким – зулмат,  
Вафосиз онамни қучоқлаб ётди.

Энди менга олам, тириклик абас,  
Тилагим – йўқ бўлиб кетай дафъатан.  
Қотил бағридаги она – онамас,  
Ватанмас зулматга ёр бўлган Ватан.

**ҚАРИГАНДА**

Қариганда юрак толади,  
Соғлиқ, ҳусн, куч йўқолади.  
Улар бари бевафо, фақат  
Оғриқларинг содиқ қолади.

**БИРОВНИНГ ҚИЗИ**

Ёшликда насиҳат эшитдим кўп бор:  
“Кўнгил кўчасига беҳуда кирма.  
Тўғри юр, тўғри тур, зинҳор-базинҳор  
Бировнинг қизига кўз олайтирма”.

Кўз олайтирмадим, қарадим, холос,  
Соҳир нигоҳига илиндим-қолдим.  
Агар гуноҳ бўлса ишқу эҳтирос,  
Мен ўша гуноҳни бўйнимга олдим.

Туташидик, боғ бўлдик, биз – икки ниҳол,  
Мевалари тотли, теран илдизи.  
Ёлғиз ҳаётимда ягона иқбол,  
Жонимга жон ўша – бировнинг қизи.

**АРМОНЛАР КЎП**

Осмон номи – чархи кажрафтор,  
Замин исми кемтик оламдир.  
Бу оламда одамзодки бор,  
Дардга ёр кўп, бахтга ёр камдир.

Бу – Саъдийни куйдирган фироқ,  
Бу – Маширабни ўртаган ғамдир.  
Ёруғ дунё дейдилар, бироқ,  
Зулмати кўп, ёғдуси камдир.

Юртлар кездим,  
Турфа хил олам,  
Хоҳ арабдир, хоҳи ажамдир,  
Энг фаровон ўлкаларда ҳам  
Нола кўпу шукрона камдир.

Букун энди ўзгача даврон,  
Одамзод ҳам янги одамдир.  
Лекин шундоқ экан бу жаҳон –  
Армонлар кўп, комронлар камдир.

**ПАРИШОН ДЎСТЛАР**

– Хотин тугилган кун эртага, ўртоқ,  
Гулдаста олишини эсимга солгин.  
– Албатта, эсинга соламан, бироқ,  
Эсинга солишини эсимга солгин.

**ТАНГРИГА ИЛТИЖО**

– Тангрим, менга бер дардларинг,  
Гамларингда куйдиргин.  
Лекин тўймас бандаларинг  
Кўзларини тўйдиргин.

Сандиқларга мўл-кўл қилиб  
Зар тўлдиру очиб қўй.  
Япроқларни яшил пул қил,  
Бошларидан сочиб қўй.

Сув ўрнига кумуш оқсин  
Ёнларида ариқдан.  
Улар тун-кун териб ётсин,  
Тошларни қил ақиқдан.

Не истарлар, бахш эт бекам,  
Токи, улар тўйсинлар.  
Мулк бериб қўй олам-олам,  
Юрт талашини қўйсинлар! –

Шундоқ дея, тўлиб ўпкам,  
Кўкка қилдим илтижо,  
Бир хўрсиниқ келди кўкдан,  
Эшитилди бир садо.

Тангрим деди:  
– Менга бошқа  
Тилагингни айт, болам.  
Оч кўзларни тўйдирмоққа  
Ожиздирман ўзим ҳам.

Ҳар неъматни қилдим ато,  
Очиқ қилдим қўлимни.  
Инсон тўйса, унга раво  
Кўрармидим ўлимни?!

Бағишласам қанча кўпроқ,  
Чопар яна кўпроққа.  
Яралишдан жисми тўпроқ,  
Тўяр фақат тўпроққа.

**ШУНДОҚ СЎЗ АЙТ**

Шундоқ сўз айт, шоир укажон,  
Сўзинг қалблар тубига борсин.  
Бахтни ёзсанг, яйрасин жаҳон,  
Гамни ёзсанг, додлаб юборсин.

Шундоқ сўз айт,  
Кўкка сол жаранг,  
Ер юзини ҳайратларга сол.  
Шундоқ сўзни топаолмасанг,  
Укажон, шеър ёзмай қўяқол.

**АҚЛ ТОПМАДИНГ**

Кўз-кўз қилиб, уй қурдинг баланд,  
Том ёпдинг, нафс оғзин ёпмадинг.  
Наф кўрмади сендан бир дардманд,  
Пул топдингу ақл топмадинг.

Камхарж дўстни масхара қилдинг,  
Мулзам қилдинг, қадрин топмадинг.  
Бой бўлишининг йўлини билдинг,  
Пул топдингу инсоф топмадинг.

Кўлинг китоб ушламади ҳеч,  
Театрга қиё боқмадинг.  
Ҳирс учун жон чекдинг эрта-кеч,  
Пул топдингу фикрат топмадинг.

Ой, йилларинг югурар иштоб,  
Ҳаётнинг чин завқин тотмадинг.  
Яшамадинг дунёда ҳисоб,  
Пул топдингу ҳикмат топмадинг.

**ЧЕРЧИЛНИНГ ҒИШТЛАРИ**

Черчилнинг тўрт юзта ғишти бор эди,  
Ҳар кун одат қилган иши бор эди.  
Дафъи хумор керак, дерлар, эркакка.  
Черчилль ғишт таширди кунда эрмакка.

Масофа – қирқ қадам, канда қилмай ҳеч,  
Тонг элтиб, жойига қайтарарди кеч.  
Сафарда ҳам қўймай бу турфа ишни,  
Олиб юрар эди тўрт юзта ғиштни.

Черчил бардам юрди тўқсонга кириб,  
Май ичди, ёр севди, муродга етди.  
Буюк ишларини юртига бериб,  
Бизга ғишларини қолдириб кетди.

**ҚОРА ЛАМА**

Шеърим ҳали мусаввада – қоралама,  
Мунаққид, сен уни ўқиб қоралама.  
Қалам ҳақи учун шошиб нашир  
эттирдим,  
Бизнинг ёрга пальто керак – қора лама!

**КАФТГИР НАВОСИ**

Машишоқ оч меҳмонга танбуру дутор,  
Ғижжак чалди.  
Меҳмон эшитиб туриб,  
Дедики, дунёда энг яхши куй бор,  
Чалинар кафтгирни қозонга уриб.

**ҲАЗИЛКАШЛАР ҚИШЛОҒИ**

Бизнинг қишлоқ – ажойиб ер,  
Халқи қувноқ ва дилкаш.  
Бунда ҳамма аскиябоз,  
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

Мисол, бўзчи қассоб дўстдан  
Мантибон гўит сўрайди.  
Қассоб кафтдек чандир билан  
Муштдек суяк ўрайди.

Бўзчи қарздор бўлиб қолмас,  
У ҳам тўла “ҳиммат”га.  
Қассоб келса бўзни сотар  
Уч баробар қимматга.

Икковидан ошиб тушар  
Қувноқликда сартарош.  
Сочга сал тиғ тегизса, бас,  
Юриб бўлмас ялангбош.

Шифокор ҳам қувноқ одам,  
Ҳазилларни кечирар.  
Кўзи оғриб келганларга  
Сурғи дори ичирар.

Бизнинг қишлоқ – ажойиб жой,  
Халқи қувноқ ва дилкаш.  
Бунда ҳамма аскиябоз,  
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

Апрел боши – алдоқчи кун,  
Элимиз зап қув элдир.  
Бизларда йил ўн икки ой  
Кун биринчи апрелдир.

Алдоқчисан демас ҳеч ким  
Тилимиздан оқса бол.  
Оқсоқолни биз алдаймиз,  
Бизни алдар оқсоқол.

Уста девор қурса, гишитни  
Қингир-қийшиқ теради.  
Хўжайин ҳам ҳазил ишига  
Ҳазил маош беради.

Талабалар китоб кўрмас,  
Очмас бирор саҳифа.  
Домла – қувноқ, дарс ўрнига  
Айтиб берар латифа.

Бизларда бор қизиқ-қизиқ  
Оламда йўқ одатлар.  
Шамолларга пул созуриб,  
Биз қиламиз роҳатлар.

Тўй қиламиз, ашуладан  
Қулоқ келар қоматга.  
Ҳофиз ўзи ёқа ушлаб,  
Ҳайрон бизнинг тоқатга.

Бари ҳазил, биз ҳазилсиз  
Зерикамиз, озамиз.  
Ҳазиллашиб юқорига  
Юмалоқ хат ёзамиз.

Тегажоқмиз, оёқ чалиш,  
Йўлга чуқур кавлаш нақд.  
Қоқилганни кўриш маза,  
Йиқилганга қараш бахт.

Биз куламиз, қўшимиздан,  
Дўстимиздан куламиз.  
Маза қилиб ўзимизнинг  
Устимиздан куламиз.

Бизнинг қишлоқ – ажойиб ер,  
Халқи қувноқ ва дилкаш.  
Бунда ҳамма аскиябоз,  
Бунда ҳамма ҳазилкаш.



НАСР



### Наби ЖАЛОЛИДДИН

1962 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Ялғизли кеча”, “Хур нидо”, “Сен билан қолмайман” каби шеърӣй, “Ўлимнинг ранги”, “Эркаги бор уй” каби насрий тўпламлари ва “Хайём” номли романи нашр этилган.

## ТЕГИРМОН

Романдан боблар

Биринчи қисм

Биринчи боб

1

1932 йил. Куз совуқ келди. Октябрнинг охирларида ёғин-сочин бошланиб, тузуккина аёз тушди. Табиатдаги рутубат одамлар қалбига, турмушига ҳам кўчгандай – бошларини хиёл эгиб, кундузи ҳам тунги шарпалардек ғимирлайдилар...

Москвада куз...

Биринчи Мешчанлар кўчаси, 115-уйнинг иккинчи қаватидаги каттагина хона гардероб билан иккига бўлинган. Сўл томондаги бўлмада думалоқ стол, учта қадимий стул ва битта симкаравот бор. Каравот остида ва кунгурадор деразаларнинг тоқчасида тахлам-тахлам китоб. Стол устидаги чойнак атрофида учта чинаёқ,<sup>1</sup> битта эскироқ пиёла билан кружка териб қўйилган. Бурчақдаги “керосинка” ёнида усти сочиқ билан ёпилган қошиқ ва ликоплар. Унинг ўнг тарафида тортмали тошойна. Хона ўртасини эгаллаган ягона палос анча ўнгиган. Бу ердаги энг ҳашаматли нарса ҳали айтилган нақшинкор, лекин пардасиз деразалар эди. У бинонинг жўшқин ҳаётга тўла ўтмишидан хабар берарди...

Бино қадимий эди. Қалин, ҳозир анча-мунча жойларидаги сувоғи кўчиб тушган девори эскича услубда қурилганди. Шифтдаги нақшинкор шакллар моҳир усталарнинг сабр-бардоши, моҳир қўллари санъатидан далолат. Агар ўртадаги гардероб олиб ташланса, ёнбошдаги бесўнақай қилиб урилган янги девор йўқ деб ҳисобланса, хонанинг катталиги янада намоён бўлади. Инқилобдан аввалги ўрис киборларининг феъл-хўйдан хабардор одам бу хонада эркагу хотин аралаш рақс тушиладиган кечалар, тонготар зиёфатлар ўтганлигини пайқашни мумкин. Эҳтимол, бир пайтлар улкан дарпардалар тутилган, ҳозир эса улар осиладиган темирларнинг қорайиб, кўзга хунук кўринган тешиқларигина қолган анави маҳобатли деразалардан бирининг ёнида, қўлларида виноли аёқ<sup>2</sup> тутганча қоринларини қаппайтириб, умуртқаларининг сўнгги имкониятигача гердайган икки завўдчи бой ўз қору ҳоллари борасида суҳбат қургандирлар, ўзаро битимлар тузгандирлар. Балки...

<sup>1</sup> Чинаёқ – чашка.

<sup>2</sup> Аёқ – май ичиладиган идиш.

Ҳа-ҳа, балки, мабодо, симкаравотда ётган манави хаста инсоннинг шоир эканлигини ҳисобга олсак, гоҳо тақдирлар туташиб ва ҳатто такрорланиб туриши рост бўлса агар, умуман, Ўрусиянинг яқин ўтмишини тасаввур қилинса ҳам, яна ўша деразалардан бирининг ёнида жингалак соч, ўсиқ бакенбардли Пушкин тамаки тутатганча шаҳар зимистонига боқиб, илҳом оғушига ғарқ бўла, бу шовқинли оломон – даврани тезроқ тарк этишни кўзлаб хаёллар сургандир. Ва эҳтимолки, сийрати сокин шоир Блок маҳзун нигоҳлари ила қоронғилик қаъридан ойни ахтараркан, кеча тунда тагин бир майхўрлигу шеърхўрликдан сархуш қайта туриб, соҳибжамол “тунги капалак”ка йўлиққанини ва уни ўз хонасига бошлаб келиб, ваннахонада ювиниб чиққунича қиз диванда ухлаб қолганини, унинг бошини тиззасига олиб, юзу сочларини оҳиста силай, бу кеч “кўп ишлаган” бечора гўзалга анчагача тикилиб ўтирганини ва у мудроқ кўзларини туйкус очганда уларда уялиш жилваларини кўрганини, бу гўзал хилқатга шундайин тақдир ато этилганидан маъни излаганини эслагандир... Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Тобора вайронага айланиб бораётган бу маҳобатли бинонинг ўтмиши бировни қизиқтирмас, бунинг устига, улкан шаҳарда сон-саноксиз оч-наҳор, бошпанасиз одамлар изғигани сингари мана бунақа бир вақтлар борлиққа кўрк бўлган, айна дамда эса девонанинг шарманкаси каби яғир кўринган бинолар ҳам кўплаб топиларди. Зеро, мамлакат ичра қилич яланғочлаган ҳаҳатчилик балоси кўҳна бошкент узра ҳам ўзининг мудҳиш кўланкасини солиб, кун сайин қамровини кенгайтирар, одамларнинг турмуши ва ҳатто кўнглини қоронғиликка чулғаганидек шаҳарнинг умумкўринишини ҳам аянчга йўғирарди.

Хонанинг иккинчи бир қисми, яъни гардероб ортида шоирга нотаниш бир оила яшар, кўпинча икки боласининг ғишаваси аниқ-тиниқ эшитилиб қолар, ҳозир уларнинг бири тиркичилик важдан иш-пишига, бошқаси ўқишгами кетган шекилли, у томон жим-жит эди.

Каравот ғичирлади. “Катя қайтмади-я”, дея ўйлаган шоирнинг беҳол мижжалари бир-биридан узоқлашиб, нигоҳи атрофни бир сидра айланди. Куруқшаган лаблари гўё дунёни ямлаётгандек тамшанди-да, кўзларини қаттиқ қисди. Ютинди. Чанқаганидан қўллари шошиб, ёнбошидаги табуретка устида турган шиша идишдаги сувга чўзилди. Сув қайнатилганди, энди эса анчагина совиб, бўғзига муздек урилганидан ўқчиб кетди – томоғи қирилиб, бир-икки йўталди. Заъфарон тусли юзи салқиганидан, жағи остидаги эт-устихон кекирдаги қалқиб, уни нотавон, нажотсиздек кўрсатди. Туни билан ухлолмади, бутун вужуди, айниқса, белдан пасти, оёқлари зирқираб, бошини тушунисиз, ёқимсиз бир сезим азоблаб чиқди. Томоғи қақраб, лаблари қақшаганидан тинмай сув ичди... Чанқоғи босилмади, бошини хиёл кўтариб, томоғи ғилқиллаб, тагин бир неча қултум сув ютди, энди сувнинг совуқлиги унчалик билинмади. Бошини яна ёстиққа ташлади, энтикканидан кўкси шишди. Катя қачон қайтаркан, деган ўй ўтди хаёлидан, шўрлик қўлидаги чақалар билан бирон егулик излаб юргандир-да. Ё бугун ҳам карам кўтариб келармикин? Тавба, бу савил касалликка карам шифо бўлармиш. Анави аҳли тиб эса “кучли-кучли овқат енг”, деб ҳам кўяди. Аслида, кучли овқатнинг ўзи йўқ-куя, аммо нима бўлганда ҳам, бақувват овқат есинми ёки карам ямласинми – ана шуниси қизиқ... Ҳаҳ, шоири нотавон-а, овқат-овқат, дейсан, яхшиям, бахтинга шу бечора хотининг бор, акс ҳолда, мусофирликда, бу улкан шаҳарда аҳволинг не кечарди? Ё ёлғизликда оч-наҳор ўлиб кетардинг, ёки... Йўқ, бошқа ҳеч қанақа “ёки-покиси” йўқ, ўлиб кетишинг аниқ эди. “Тезроқ келақолсанг-чи, Катенька!”, деди шивирлаб ва хотинини дарров соғинганлигини ҳис қилиб, йиғлагиси келди... Дарвоқе, кечаси ғалати бир фикр хаёлидан ўтганди: яна тегирмон ҳақида. Ҳа-ҳа, тегирмон ҳақида...

### Муқаддима

Хўтанариқнинг уларнинг ҳовлисига туташ жойида шовва ҳосил қилиниб, тегирмон ўрнатилганди. Шунинг учун у бу сувтегирмонни болалигидан билади. Гоҳо ҳафсала билан томоша қилиб қоларди: шовванинг тезоб суви тегирмоннинг зил-замбил тошини осон айлантираётгандек туюлади. Уннинг гардидан уст-бошию юз-кўзигача оқариб кетган тегирмончи қоплардаги буғдойларни тош остига мунтазам қисм-қисм ағдариб туради. Тош остига тушиб бораётган буғдой басма-басига дод солаётган каби қисир-қисир қилади. Бу “фарёдлар” адоқсиздай. Тавба, меҳнатдан елкаси яғир, бунинг устига, фариштадек оппоқ тегирмончи қатлгоҳдаги жаллодга ўхшайди-я!..

Шу-шу, тегирмон ҳақида кўп ўйлайди. Дунё, ҳаёт ҳам гўё тегирмон. Одамлар эса

буғдой доналари. Ҳозир бу тегирмоннинг шашти баланд, шитоб. Одамзод ўз қисмати ҳақида ажаб фалсафалар, ҳикматлар тўқиган: тупроқдан бино бўлганмиз, яна тупроққа айланамиз, қайтамыз, барибир, бир куни ҳаммамизни ер ютади, дейишади улар. Аммо ҳаёт тегирмонга ўхшайди, деб ҳеч ким айтмаган. Элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди, эҳтимол, битта-яримта айтса-айтгандир, лекин одамзоднинг ҳалиги гапларидек тилнинг учида турмайди. Аллақайси файласуфнингми, шоиру ёзувчинингми ёхуд тутқуннингми, қоғоз-поғозига чапланиб, тортмасидами, юрагининг қаърию шууридами, қолиб кетган. Жиддийроқ, жўялироқ қилиб, бошидан ўтказиб, деймизми, айтаётганларнинг, йўқ-йўғ-а, ўйлаётганларнинг бири, боринг ана, яккаю яғонаси эса у.

Хуллас, ҳаёт – тегирмон...

Бу тегирмон кенгроқ. Ундаги зим-зиёлик чор тарафи – девору шифтидаги тўқ қизил ранг туфайли бироз ёришгандек кўрингани билан, аслида, зулумотга тўла. Одамнинг бош чаноқларига ўхшаб кетадиган буғдой доналари тегирмоннинг япалоқ тоши остига бирин-кетин суриларкан, худди шағал тўкилган йўлдан бораётган араванинг ғилдираги тагидан чиқаётган сингари мияни эговловчи аянчли товуш эшитилади. Қизиқ, ҳосил бўлган ун қип-қизил – қон тусида эди. Уни қизил бўлгач, гарди ҳам қизил эмасми, демак, шунинг учун ҳаммаёқ алвон-алвон экан-да. Энди тегирмончининг афт-ангорини тасаввур қилиш қийин эмас – уст-боши, юз-кўзи, бошдан-оёғи қип-қизил бўлиши аниқ. Бироқ тегирмонда тегирмончи кўринмасди. Тошини тезоб сув айлантиргани, бош чаноқмонанд буғдойлар унинг остида ғачир-ғучир қилиб эзилаётгани ва қип-қизил унга айланаётгани билан қопдан буғдой ағдараётган тегирмончи – қизил тегирмончи кўринмасди.

У тегирмонга ҳайрат ила боқаркан, қизил тегирмон ҳам бўларкан-да, дея хаёл қилдию юраги увишиб кетди...

## 2

1916 йилнинг сунбуласи. Сулаймонқул баззоз бомдод намозидан қайтиб, дарров нонуштага ўтирмади. Одатдагидек дўконларига ҳам ўтмади. Пешвоз чиққан хотини Ойшабибига салласини бериб, унинг кўлидаги тақясини олиб бошига кўндирди.

Катта қизи Комила ариқча лабига чўнқайволиб, чойнак-пиёлаларни ювар, кейинги қизлари Фозила ва Фоика эса ойимсупургида тош ётқизилган ҳовлининг икки ёғидан тушиб, супуришарди. Отасини кўргач, қадларини ўнглаб, бирин-кетин салом бердилар.

– Тешавой ҳалиям турмадими? – деб қўйди хотинига “жавоб бермасанг ҳам майли” қабилида ортига қайтаркан.

Хотини ҳам эрининг сўзидаги маънони тушундим, индамай қўя қолди.

Баззоз кулранг енгил чакмонининг ўнг пешини қайириб, қўлларини ортида қовуштирганча ташқи ҳовлида кезинди. Унинг бу одати ёшлигидан қолган: отаси боғбон бўлганидан боғда кўп ишлар, кетмонни кўлига олди дегунча отасига тақлид қилиб, яктагиниям ёки тўнниниям икки пешини дарров ҳимариб, белбоғига қистириб оларди. Энди унақа кетмон чопмаса-да, уйда ёхуд боғида юрса, албатта, беихтиёр бир пешини ҳимариб, орқасида қовуштирган қўлларининг остига қистириб олади.

Оҳиста қадамлар билан ишқом тарафга ўтди. Ўйчан кўринса-да, субҳий тароват ёхуд намознинг файзиданми, хаёлдан йироқ, шуури ойдин эди.

У елкадор, виқорли эди. Катта калласи, думалоқ юзи, қалин соқоли унга янада салябат бахш этар, аммо катта япалоқ бурни алоҳида ажралиб, ярашмагандай кўринади. Қорни гавдасига монанд бўртган, вазни оғирлигидан йўғон оёқларидаги ғарчсиз қовуши ҳам ғичирлаётгандай туюлади.

Эрталабданоқ ишқом узра олақанотлар<sup>3</sup> сайри бошланган, ҳатто бир-иккиси узум чўқишга ҳам киришиб кетганди. Буларнинг дастидан биронта мева соғ қолмайди-я, ўйлади баззоз ва сўртук устунига ўраб қўйилган ипни олиб, бир-икки қаттиқ-қаттиқ силтади. Ишқомнинг у ер-бу ерига илинган эски-туски пақир, сатилу кўра сингари буюмлар бир-бирига тегиб, шақирлади. Чўчиб кетган узумхўр қушлар қочиб қолдилар. Йирик-йирик бошли, олтиндай товланган узумларга боқаркан, яна отаси раҳматлини эслади. Қиблағоҳи бағоят четин,<sup>4</sup> миришқор одам эди. Ота-боболари деҳқон, боғбон ўтганидан

<sup>3</sup> Олақанот – афғон майнаси.

<sup>4</sup> Четин – покиза, ҳар бир ишни ўз ўрнида, маромига етказиб қиладиган (шева).



ернинг, экину мева-чеванинг оби-тобини, у кишини билганларнинг айтишича, тилини яхши тушунарди. “Юнус бобо мевалар билан гаплашади”, дейишарди ярми ҳазил, ярми чин оҳангда. Ўшанда мана шу ишком остида отасига кўмаклашиб юрганди. Отаси шира тушмасин учун узумларга намакоб урарди. Олақанотлар галаси осмонда тўзғир, ёқимсиз овози оламни тутиб кетганди. Бир қисми эса сўртоннинг нариги бошида узумларга “ҳужум” бошлаганди. Сулаймонкул қийқириб, ҳайдашга тушди. Шунда отаси:

– Қўявер, улар ҳам Оллоҳнинг бир махлуқи-да, ризқини ейди, – деди одатдагидек босиқ овозда. – Бу дунёда ҳеч ким ўз ризқидан ортиғини ё бўлмаса, бировнинг ризқини еёлмайди, болам. Қушлар бизнинг узумни ейишмаса, оч қолишади-ку!

У эса болаларча жириллади:

– Уларга индамасангиз, ҳаммасини чўқиб ташлайди-ку, ота, бозорга нима обчиқамиз унда?!

– Бизгаям қолади, болам, – деди отаси кулиб.

Чиндан ҳам, олақанотлар қанча чўқилашмасин, олам-жаҳон ҳосил олишарди. Улғайгач, билдики, отаси ҳақиқий мўмин, таваккулли<sup>5</sup> инсон бўлган экан. У бўлса, шу ёшидаям “пишмади” – кап-катта одам хизматкори Матқовул осиб қўйган шалдиқроқларни силкитиб ўтирибди-я! Ҳаҳ, волаи расво-я!.. Хаёлан ўзини маломат қилиши ортидан билнар-билинмас жилмайиб кўйди. Қушлар аллақачон тагин узум чўқий бошлаганди. Баззоз энди уларга парво қилмай, юришда давом этди.

Абдурасул бобоси Ўш тарафларга бориб, бир неча йил деҳқончилик қилгач, ҳамёнига тузуккина кўр киради. Ўғли Муҳаммад Юнусни оёққа турғизади. Ўша ёқларда туз-насибасини териб, оламдан ўтади. Бобосининг қазосидан сўнг отаси кўр-қутини йиғиштириб, Андижонга қайтди. Шаҳарнинг Қатортерак маҳалласидан ер сотиб олиб, уй-жой қилди. Кейинроқ бўзчилик ортидан ерини, уй-жойини кенгайтирди, икки ўғли ва қизини ўқитди, қаддини тиклади. Бир ёнга иморат солиб, катта ўғли Сулаймонкулни, иккинчи ёнга кичиги Абдурахмонни жойлади. Сулаймонкул йигирмага тўлганда уни шаҳарнинг энг бообрў кишиларидан бири Қипчоқбойнинг қизи Ойшабибига уйлаб қўйди. Ойшабиби хат-саводли бўлмаса-да, эпчил-чаққон, оёқлигина, тиллигина, чиройлигина эди, шунинг учун шоиртаъб Сулаймонкулнинг кўнглига осон йўл топди. Отасининг ишини тутиб олган Сулаймонкул эса уйлангач, янада руҳланиб, тирикчиликка астойдил киришиб кетди. У ўзини савдога урди. Савдода барака бор, деганлари чин эканми, тез орада ўз ишига ғазнабон бўлиб, бойлик орттирди. Шаҳарда, бир неча қишлоқларда дўконлар очиб, Сулаймонкул баззоз номини олди. Силаи раҳмни тутиб, уруғ-аймоғини бағрига тортди, ували-жували бўлиб, шаҳар ичра обрў топди.

Оллоҳнинг иродаси экан, аввалги икки фарзанди гўдаклигидаёқ нобуд бўлди. Ниҳоят, ўғли Тешавой туғилди. У мийиғида кулиб қўйди: урф-одатларимиз, ирим-сиримларимиз ҳам ўлмасин-да. Ўша ирим-сиримни деб ўғлининг исми иккита бўлиб қолди. Қўқонқишлоқлик соҳиби иршод пир Миён ҳазратнинг муриди, китоб кўрган, умр бўйи дини ислом шаритатидан оғмасликка саъй этган, янаки замона тараққийсидан-да бохабар ва унга хайрихоҳ Сулаймон баззоз ўғлига Тешавой дея исм қўйсалар, индамай ўтирибди-я. Бир томони, олдинги икки боласини Тангрига топшириб, юрак олдириб қўйганидан, ҳам янги меҳмоннинг ўғиллигидан мутаассир бўлганмиди, қулоғига Абдулҳамид деб азон айтилган бўлса-да, ҳамон хотин-халаж, гоҳо унинг ўзи ҳам Тешавойлаб қолади.

Мингтепалик Муҳаммад Али халфа ўрисга қарши бош кўтарган алғов-далғовли йилдан олдинги йил жавзонинг аввали эди. Ўша куни Ойшабибининг ой-куни етиб, бирдан тўлғоғи тутиб қолади. Сулаймон баззознинг онаси Тожибиби келиннинг тепасида андармон турганда, ҳовлига тиланчи лўли алланималарни сайраб кириб келади. Шу пайт Ойшабибининг чинқириғи ортидан чақалоқ йиғиси оламни туттади. Бу кўҳна дунёнинг ҳикматли китобини анча-мунча ўқиб қўйган Тожибиби буни ўзича кароматга йўяди. Икки набираси сут эмдисида “кетган” эмасми, юраги зириллаб, бунисининг жони қаттиқ бўлсин, дея лўлининг қўлига теша тутқазди. Лўли чақалоқни остонага ётқизиб, киндигини теша билан чопади. Ҳамма “ана Тешавой бўлди”, дея қичқиради. Ирим-сиримдан сўнг дуои фотиҳалар қилинади. Лўли жувон эса Муҳаммад Юнус бўзчининг сахий хотини Тожибибидан мўмайгина ҳадяларни олиб, чиқиб кетади. Ўша лўли яқин-яқинлардаям кириб, садақа баҳона Тешавойни сўраб турарди. Негадир кейинги пайтда

<sup>5</sup> Таваккулли — Оллоҳга таваккал қилиб, тақдирга ишониб яшайдиган сўфий дил.

кўринмай қолди, ким билсин, ўлиб-нетдими ё кўчиб кетдими?.. Ана шу киндиги тешада чопилган жинқарча Тешавойи – Абдулҳамиди бугун кап-катта йигит бўлган, газет-пазетларга ёзиб ҳам туради. Баззоз яна отасини эслади: раҳматли ҳам жуда савлатли одам эди. Елкалари кенг, кўкрақдор, калласи катта, қовоғи кўзларини босиб турганидан тузукроқ қарамаган киши кўзларини кўра олмасди. Бадқовоққа ўхшарди-ю, лекин кўнгли тоза, саховатпеша одам эди. Боғидаги қайси мева пишса, дўконга олиб чиқишдан олдин кўни-кўшни, маҳалла-кўйга, даргоҳидаги хизматчиларга улашарди. Унинг ана шу феъли ўғлига ҳам ўтганди.

Отаси Абдулҳамидни бўлакча кўрарди. Умрининг охирида оқсоқ бўлиб қолганидан Абдулҳамидни ёнига ёки тиззасига олиб, узоқ-узоқ ўтирар, унинг қилиқларига, гоҳо кўзига – қарашларига тикилиб, ўзича маънолар чиқарар, баъзан эса набирасининг тақдири ҳақида башоратлар қилиб қоларди.

– Бу болангдан биннаса чиқади, ўғлим, – дерди Абдулҳамиднинг бош-кўзини силаб. – Кўзларини, қарашини қара, нигоҳи жа чуқур-да. – Кейин болакайни қўлтиғидан олиб, у ёқ-бу ёққа силтаб, эркалатарди. – Худо хоҳласа, буни ка-атта қори, ҳофизни Қуръон қиламиз, а, болам?!

Афсуски, отаси набирасининг камолини кўролмади, у етти ёшга кириб ўқиш-ёзишни ўрганганда бу дунёни тарк этиб кетди. Баззоз чуқур бир хўрсиниб қўйди: ота эр киши учун давлат бўлар экан, манаман деган зўрлар ҳам отаси ўлганда бир салқиб кўяркан.

Сулаймонқул баззоз ичкарига юрди. Ичкари улкан омборхонадан бошланган узун пахса девор билан тўсилган, омборхонанинг бир эшиги боққа қараган бўлса, иккинчиси ичкарига очилгандики, кўчадан келган одам ҳар икки тарафга ҳам кириши мумкин эди. У ерда орқасини кун ботишга қилиб чиғаноқ шаклида уй солинганди. Уй серхона эди. Ҳовлида бир неча мевали дарахтлар бўлиб, Хўтанариққа ўрнатилган чархпалақдан сув олгучи ариқча устига сўри – шийпонча қурилганди. Бир ёнда деворга бақамти тандир, ўчоқ кўринади. Биқинида ўтинлар саржини. Шу деворнинг ортида кўчага қараган катта дарвозаси бор отхона, молхона, қўйхоналар жойлашган. Тасвирланган ҳудуднинг уч тарафида баззознинг қон-қариндошлари туради.

Баззоз сўрига кўтарилди. Чакмонини ечиб, хонтахтага тузалган дастурхон ёнига оёқларини узатиб ўтирди. Чой ичаётган кенжатоийи Фоиқа шўхлик қоришган ҳаракатлар билан шошиб, отасининг оёқларини уқалашга тушди.

Баззоз энтикиб:

– Баракалла, она қизим, асалим, – деркан, сўрига кўтарилиши ва қориндорлиги боис, ўтириши мобайнида нафас олишида пайдо бўлган ўзгаришни меъёрга солиш учун бир-икки кескин нафас чиқариб, аллақайси манзилга тикилганча тин олди.

Хотини чойнақда чой олиб келиб, рўпарасига ўтирди. Чойни қайтариб, дам есин учун чойнақ устига гулли матодан тикилган “қалпоқча”сини ёпди, сўнг:

– Яхши айланиб келдингизми, отаси? – дея сўради очиқ юз билан боқиб.

– Ҳмм, Оллоҳга шукур. Тонг ҳавоси жа бўлакча бўлади-да, – баззоз энди дастурхон томон қайрилиб, қўлларини хонтахта устига қўйди. – Абдулҳамид турдимми?

– Турди-турди. Ҳозир чиқади. Ювиниб кириб кетувди.

Ойшабиби эрига чой узатди.

Баззоз пиёлани олиб, чой ҳўплаганда аёли нон синдирди, пиёладаги қаймоқ ва ликопларга солинган пашмак билан икки дона арчилган тухумни эрига яқинроқ сурди.

– Олинг, отаси...

Баззоз бир пиёла чойни ҳузур билан ичиб бўлгачгина, арчилган тухумнинг бирини кўлига олди.

– Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм, – тухумни ямларкан, бирон нарса ёпишмадим, дея қалин соқол-мўйловини чап кафтида силаб қўйди. – Назаримда, бу йил ҳам дон-дун қиммат бўлади, шекилли. Қишга яқин қимматлашини билишганми, ҳозирданоқ каппонлар ҳувуллаб ётибди.

– Вой, ўлсин-ей!.. – дея юзига хавотир ёйди эрининг ҳар бир сўзини ҳукм деб билган аёл. – Яна халққа жабр бўларкан-да...

– Ҳа-а, онаси, – баззоз хотинини гоҳ “сиз”лаб, гоҳ “сен”лаб гапирарди. – Бу уруш деган бало на қонга тўяди, на жонга, – у сўнги сўзларини пастроқ овозда айтди.

Уй остонасида Абдулҳамид кўринди. У басавлат, бўйи салкам уч газ келадиган, ел-

калари кенг ўн саккиз ёшлардаги кўркем йигит эди. Юзи думалоққа товун,<sup>6</sup> калта қалин сочини силлиқ тараб, яшил духоба дўппи кийган. Эғнидаги ўзига ярашган оқ сурп ятагининг акси тушиб, ҳам ариқчадаги муздек сувда ювинган шекилли, сувнинг тароватидан юзи янада тиниқ кўринади. Лекин кўзлари қизаринқираган.

– Ассалому алайкум, – у отасининг ўнг ёнига ўтирди. – Яхши ётиб турдингларми? – Кейин кўзлари чақнаб, Фоиқага қаради. – Сенам яхши дам олдингми, ҳов, ойкулча?

Отаси бош ирғаб, алиқ олдию, индамай чой ҳўплайверди.

Бу орада ўчоқ боши тарафда бошига оқ рўмол танғиган хизматкор аёл кўринди. Яқин келиб, Ойшабибига иккита оппоқ сочиқ узатиб, ортига қайтди.

– Ҳалимаҳон, – чақирди уни Ойшабиби. – Бугун-эрта уйларни бир кўтарсакми-а? Кир-чирларниям ювиб олардик. – Одатда бунақа ишларни хизматкорлар қилар, бу гапи эса феълидаги синиқликдан эди. – Сабоқдан қайтгач, қизлар ҳам кўмаклашади. – У қизларини кўзи билан қидириб, гўё санаб қўйди.

– Хўп бўлади, опа, – итоаткорона бош силкиди Ҳалима. – Мен идиш-аёқларни йиғиштириб тураман.

– Намозни тарки одат қилибсизми, ўғлим? – сўради дастурхондаги нон ушоқларини бармоқларида тўплашга уринаркан баззоз.

Абдулҳамид нон чайнарди. Жағлари бир лаҳза тиниб, қуйига боққан кўйи хиёл жилмайиб, деди:

– Намоздан муҳимроқ нарсалар борга ўхшайди, ота.

У бу гапни беихтиёр ва ҳатто шунчаки кулги яшаш учун айтди. Айтишга-айтдию, қалтис ҳазиллашганини, отаси бир томоқ қириб қўйганидан сўнг эса хато қилганини англади.

Аслида, ота-бола ўртасида бунақа тагдор, серлутф, ҳазиломуз гаплар азалдан бўлиб тургувчи эди.

Ойшабиби эрининг озурда бўлганини сезиб, Фоиқани туришга ундади:

– Қани, қизим, опаларингизнинг олдига кириг-чи!

Шунинг ортидан эри билан ўғлига хавотирли назар ташлаб қўйди.

Абдулҳамиднинг ҳазил аралаш айтган гапида Туркистонга тобора кенгроқ кириб келаётган янги даврнинг, янги муҳитнинг нафаси сезиларди. Замонанинг ирфонли кишилари турфа мажлислар, жамоатлар туза бошлагандиларки, миллатнинг эртаси ҳақида қайғурувчилар пайдо бўлаётганди ва улар илғор дунёқарашлари ила робита ўрнатмоққа саъй этардилар. Кўҳна Андижон ичра ҳам бир ўзгариш кечар, авом аро ўзгача кийиниш тугул ўзгача сўзлагувчи, фикрлагувчи қавм бинога келганди. Уларнинг жамоатлари газетлар чиқариб, ажаб томошалар кўрсатиб, ўзларича маърифат зиёсини таратмоққа тушгандилар. Абдулҳамид ана шуларнинг таъсирида эди.

– Намоздан муҳимроқ нарсани изламаганингиз дуруст, ўғлим, – деди ниҳоят баззоз овозига салобат бағишлаб. – Нажот ҳам, халос ҳам намоздалигини билурсиз.

Абдулҳамид итоаткорона бош эгиб, ер остидан деди:

– Узр, ота, ҳазилим дағал чиқди. Тун бўйи мутолаа ила банд бўлганимдан тонгга яқин кўзим илиниб, ғафлатда қолибман.

Отанинг чеҳраси ёришди.

Бадқовоқдай кўрингувчи падарининг юзидаги ўзгаришни кўрган ўғил узр айтиб, нишонга тўғри урганини пайқади. Қаддини бироз тикларкан, Янги шаҳардаги ўрис-тузем мактабида ўқиб юрган даврида нўғай муаллим билан бўлган суҳбати ёдига келди.

Янги мактабга эл турфа назар ила қарарди: биров у дерди, биров бу, ундан бошига чопон ёпиниб қочганлар ҳам бор эди.

Янги шаҳардаги мактабда ҳаммаси бўлиб йигирманинг нари-берисида бола ўқирдию, бу адад гоҳ озайиб, гоҳ ортиб турарди. Шунинг учунми, уни жуда оз одам тамомларди: болаларнинг баъзилари ўз чидамсизлиги ёки лаёқатсизлиги, ўқишни шунчаки ҳавас, деб билганликлари, у ердаги сабоқлар қийин, ўрис тилини ўрганиш оғирдек кўринганиданми, ора-сира мактабни тарк этиб турардилар.

Рус-тузем мактабларининг сабоқлари ҳам тез-тез ўзгарувчан ва бу, асосан, муаллимларнинг савия ҳамда ўқувига, ўзбек тилини қай даража билишига, охир-оқибат, оладиган маошига боғлиқ бўларди. Мактабда, асосан, ўрис тили, бутун сонлар билан

<sup>6</sup> Товун – ўхшаш (шева)..

тўрт амал доирасида ҳисоб илмидан, тарих, жўрофия, асосан, Ўрусия жўрофиясидан ва табиёт илмидан бошланғич маълумотлар ўқитиларди. Шунингдек, туркий-ўзбекча арабий имло ва ислом динининг асосларидан ҳам сабоқ бериларди. Дарсликлар махсус тузилган эса-да, бағоят содда бўлиб, табиат, одамлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳаётидан бошланғич, ибтидоий маълумотлар жамланган, Пушкин, Лермонтов, Крилов, Толстой ва Некрасовлар ижодидан қисқа-қисқа парчалар киритилганди. Шу айтилганларнинг ўзиёқ мазкур мактабларнинг асл муддао-мақсадлари борасида узук-юлуқ манзара кашф эта оларди. Аммо Абдулҳамид у пайтлар бу ҳақда ўйламасди, балки ўйлашга ҳам қодир эмасди.

Бу мактабда ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари ўқир ва асосий мақсади ўрис тилини ўргатиш эканлиги боис муаллимлар талабалар билан узок-узок суҳбатлашишга рози бўлардилар. Абдулҳамиддай билимга ташна, тиришқоқ, бунинг устига, ҳамма нарсани билишга уринувчи ўсмир учун бу айни муддао эди. Ушанда ҳам нўғай муаллим билан тутилиб-сутилиб бўлса-да, ўрисча гаплашганди. Муаллим эса ора-сирада унинг хатоларини тўғрилаб турарди.

– Афу этгайсиз, устоз, – деганди чақнаган кўзлари саволга айланган Абдулҳамид. – Намоз ўқийсизми?

Оқ-сарикдан келган, бир қарашда ўрисга ўхшаган, бироқ узунчоқ қалпоғи мусулмонлигидан нишонадай кўринган муаллим бунақа саволларга кўникиб қолганиданми, хиёл жилмайиб, татар лаҳжасида деди:

– Алҳамдулиллаҳ, мусулмонмин. Мусулмонлик намоз бирле гўзелдир.

Муаллимнинг ўзини тутиши, озода кийим-боши, ҳаракатларидаги ишонч ва виқор Абдулҳамиднинг ҳавасини кўзғарди.

– Биз туркистонликлар ҳам намозга ёпишиб олганмиз, – деди у ўша ҳавас етовида кўнглини ёриб. Аслида, сўзидаги, феълидаги ҳурликка мана шу мактаб муҳити, муаллимларнинг озод хўйлиги боис эдики, акси бўлса, ёхуд бошқа бирон даврадами, мадрасадами, бундайин сўзларни айта олмас, айтса-да, тушунгучи топилмас, устига-устак, ёмон отлик бўлиши аниқ эди. – Иккита сурани тузук-куруқ билмаймиз-у, ақлпешалик, муллолик даъво қиламиз. Менимча, фақатгина намоз ёхуд Қуръон ўқиш бирла муддаога етиб бўлмас. Акс ҳолда, аҳли Туркистон бугунги аҳволига тушиб қолмасди...

Муаллим туркистонликлар, хусусан, ўзбеклар, янаки Андижон ўзбеклари, уларнинг турфа тоифа кишилари – бою боёнлари, муллою омийлари ила кўп муомалада бўлган, демакки, уларнинг феълу хўйларини яхши биларди. Уларнинг хиёл жиззакилиги, анчамунча нарсани тушунмаганлиги сабаб кўп ҳолда ожиз қолишлари, бунинг ортидан келгучи омийона қиёфалари, охир-оқибат, нима қилишларини билмай, жириллай бошлашлари унга маълум эди. Шунинг учун улар билан тил топишиш қийин кечарди. Лекин манови ўсмир бошқача эди: унинг кўзидаги олов ва ҳатто исён, қалбидаги туғён бошқа талабаларда йўқ. У нима қилишини биладигандай туюлса-да, ўзида, сўзида, фикрида, ҳаракатларида йўл изларди. Нажот билимда, маърифатда эканлигини биларди-ю, билим-маърифат қаерда ёхуд нимадалигини тўла англаёлмаётгандай эди.

– Сен ҳақсан, Абдулҳамид, – деди муаллим мулойим боқиб. – Аҳли Туркистон кейинги икки-уч асрда анча тубан кетди. Нега? Чунки Туркистонда билим-маърифатга ташналик сўна борди. Тўғри, намоз ҳар бир мусулмон учун фарз қилинган ва намозсиз нажот йўқ. Лекин бола-чақаси оч-наҳор ўтирган, бунинг устига, ўзи бир ҳарф танимайдиган оми киши ўқиган намоз билан маърифатли мусулмон ўқиган намозда осмон билан ерча фарқ бор-да.

Абдулҳамидга муаллимнинг мана шу гапи ёқиб кетганидан бетоқатларча бир кўзғалиб қўяркан, кўзлари баттарроқ чақнади.

Муаллим эса унинг ҳолидан завқланиб сўзларди:

– Яна аниқ биламанки, ҳозир барча мусулмонлар ҳам намоз ўқимас ва аксинча, эркаклар орасида шаробхўрлик тобора авж олиб бормоқда. Инсон, аввало, ўзини топиши керак, ана ундан кейин Худони топади. Маърифат сари ташланган ҳар бир қадам Худо сари ташланган қадамдир.

Гўзал сўзлар, дея ўйлади Абдулҳамид, аммо булар фақатгина сўзлар-да.

– Унда нажот қаерда? – деб юборди беихтиёр.

Муаллим пича сукутдан сўнг ишонч билан деди:

– Маърифатда!

Абдулҳамид ҳам шундай ўйларди, унга бу хулосани китоблар берганди. Бироқ айна дамда бу жавоб уни қониқтирмади. Бағридаги ўт авжланди:

– Ахир!.. Ахир, Худо мен... – ҳам ўзга тилда сўзлаётганидан, ҳам гапларини муаллим ёки атрофидагилар тўғри тушунмасликларини ўйлаб, чорасиз турганидан ва ниҳоят қалбидаги туғённи, шууридаги фикрлар исёнини сўзда ифодалай олмаслигини англаганидан тутилиб, бир нима деёлмади.

Муаллим унга меҳр ила боқиб, ўнг кўлини елкасига қўйиб, деди:

– Ҳали кўп ўқишинг керак...

Абдулҳамид ўша куни уйга келиб, шийпончадаги якандозга чалқанча чўзиларкан, илк бора ғалати бир ҳолатни бошидан кечирди: аввалига йирик қора пашша кўзларию бурни атрофида ғашига тегар даражада роса ғинғиллади-да, бирдан ғойиб бўлди. Абдулҳамид шунинг ортидан нигоҳини қуйилатиб, беихтиёр рўпарадаги деворга тикилиб қолди. Тикилиши асносида девор ортидаги гўё кўзлар четидаги киприқлардай кўринган дарахтларнинг юқори қисмидан маъно қидира бошлади. Юқорида эса шийпон томининг чекка қисми нигоҳига урилди. Негадир ҳар иккиси ҳам ёйсимонроқ кўринди. Ўртада осмон, тип-тиниқ осмон – худди кўз оқидай. Тавба, кўзга ўхшайди-я, ўйлади у, улкан кўз. Эҳтимол, Худонинг кўзидир. Ҳа-ҳа, осмон – Худонинг кўзи, шунинг учун у ҳамма нарсани кўради. Биз эса кўз остида яшаймиз-ку!.. Унинг бағри ўртанди, мижжалари ийиб, бўғзи қалқиб, ўртанди. Гуноҳларимни ўзинг кечир, ё Оллоҳ!..

Абдулҳамид орзиқиш ила бир энтикиб кўяркан, совиб қолган чойини хўплади.

Баззоз ҳар доимгидек хиёл паришонҳол ўтирган ўғлини зимдан кузатар, шу билан бирга, унинг тақдирини ўйлаб, қалбида хавотир туярди.

– Олтинкўлда халқ тагин ғалаён кўтарибди, – деди баззоз ўйчан, гўё бу гапни ўзига айтаётгандай. Уғлининг феълини билганидан, буни гапирмоқчи эмасди, бироқ ҳаммиша эл дардига қайишиб ўрганмаганми, умум ташвиши етовида тилидан беихтиёр учди.

Абдулҳамид оқпошшонинг “мардикор олди” сиёсатига қарши дам у, дам бу ерда бўлаётган ғалаёнлардан бохабар эди. Шунданми, “нима учун” демадию, “Олтинкўлнинг қаерида?”, дея сўраркан, юз-кўзида изтироб ва хавотир зоҳир бўлди.

– Сувюлдуз, Ҳиндимозор деган қишлоқларида бўлганмиш. Масжидда шунақа дейишди, – баззоз оёқларини ёнбошга узатиб, тиззаси аралаш силади. – Олтинкўлнинг бўлиси<sup>7</sup> Мулла Ҳакимбек деган одам билан иккита йигитини ўлдиришибди...

Абдулҳамиднинг юзига қайғу соя солди.

– Ўзимизнинг гўштимизни ўзимиз еб ётибмиз, – деди у тишлари орасидан. – Ғаним эса...

– Ҳей, бола!.. – отанинг овози бироз таҳдидли чиқди.

– Олтинкўлга бориб келаман, – тараддудланди ўғил ва қафтларини очиб, отасидан дастурхонга фотиҳа қилишини сўради. – Бу ҳақда газетга ҳам бир нарсa ёзиб беришим керак.

– Нима қиласан бошингни ғалвага тикиб, болам!.. – деди баззоз ўтинч билан. – Ҳалиям бурнингга сув кирмадими? Замон нотинч, ахир!..

Абдулҳамид одатига кўра, ичида қизишаётган бўлса-да, овозини кўтармасликка уринди.

– Агар сиз бўлмаганингизда мени ҳам аллақачон ўша ёқларга жўнатиб юборишарди, ота! Лекин... – У бошини эгиб, ер остидан деди: – Лекин ҳамманинг ҳам бой отаси йўқ-ку!

Уларнинг бунақа оҳангдаги гап-сўзлари биринчи бора эмасди. Шунинг учун ўғлининг сўзлари бағрига тиғдай ботса-да, баззоз улар замиридаги ҳақиқат шиддатини ҳис этиб, ўзини сокин тутди.

– Ҳаҳ, ўғлим-а, ўғлим-а!.. – деди хўрсинаркан, бошини тебратиб. – Ҳеч бўлмаса, ёлғиз бормагин!..

– Хўп бўлади, отажон! – дея юзига фотиҳа тортган ўғил туришга шайланди.

<sup>7</sup> Волост – маъмурий ҳудуд. Волост бошлиғини халқ бўлис деб атаган.

## Иккинчи боб

Мана, уч асрки, кўҳна Туркистон рутубат ичра эди. Кейинги қирқ йил ичида осмондаги қора булутлар тобора қуюқлашиб борди. Иқлими, дарё ва боғлари не-не ҳукмдорларнинг юрагига ўт солган гўзал водий – Фарғона, хусусан, Андижон буткул тун қўйнида қолгандек эди. Бу замин, бу эл бошига ёғилган турфа шўришлар уни қашшоқлик, маърифатсизлик, адоват, тушкунлик ботқоғига ботириб, қалбу шуурини аянчли ўй ва ҳисларга тўлдириб ташлаганди. У бир замонлар чор тарафга ҳукмронлик даъвосини қилган, энди эса хасталаниб, ўлим олди ҳарсиллашини бошидан кечираётган улкан шерга ўхшарди. Қалбида исёни бор-у, ўрндан туришга, борлиқни кўрқувга солиб, наъра тортишга ҳоли келмасди.

Туркистон йил сайин, кун сайин қуллик исканжасига тушиб, базўр нафас олар, осмонларга маъюс термилиб, ҳеч йўқ бир тола нур кўрмоққа умидланар, мискин-мискин ингранарди. У ер-бу ерида пайдо бўлаётган янгича ўй-тафаккурли янгиликка ташналар, уларнинг интилишлари боис юз кўрсатаётган зиёпешалар, жамоату газетлар аҳён-аҳёнда булутлар аро жимирлаб қўйган ой ёхуд юлдузларнинг ожиз нурлари, унинг умидлари янглиғ эди.

Сулаймон баззоз юрт истибдодининг аввали ҳақида отасидан эшитганди. Отаси ёлғиз қолганларида гоҳо ул қаро кунларни кўп ёдга оларди...

1875 йилнинг декабрь ойи охири. Ўша йили қиш оғир бошланди. Чор-атрофда турфа миш-мишлар юрарди: Фарғонани олган ўрис бутун хонликни залолатга ботириб, аҳли муслимни қирғинбарот этиб, иймонга путур, аҳли аёлга зиён етказаётган пайтлар. Қўқон хони Насриддинхон ўз ўрдасида яшириниб олганча Яратганнинг ёзиғини кутар, Марғилонни ва Наманганнинг бир қисмини эса мужоҳидликни ихтиёр этган Пўлатхон ўз измига олиб, тасарруф қиларди.

Ўрис лашкарининг Фарғонадаги пешвоси генерал Скобелев йўллаган қўшин Учқўрғон ва Норин орқали, ниҳоят, Пойтуққа етиб келди. Пойтуғ олов ичра қолди, элнинг бир қисми қирилди, бошқаси бошпанасидан айрилди. Ёғий нафас ростлаш учун муваққат кўналға барпо этди. Ем-хашак жамғарилиб, отларга дам берилди. Аскарлар қурол-яроғларини тозалаб, мойлашга тушди.

Бу қўшинга йўлчилар батальони аскарлари бежиз жалб этилмаганди. Чунки улар оғирдан-оғир тўпларни, ўқ-дори, озик-овқат ортилган зил-замбил аробаларни ва қўйинги, отлиқ қўшинни беталофат олиб ўтиш учун йўл-йўлакай тор, ўйдим-чуқур йўлларни кенгайтириб, текислаб, халақит берган девору уйларни бузиб, омонат кўприкларни мустаҳкамлаб борарди. Бусиз замонавий қуролланган лашкарнинг қурол-яроғи от-уловига табиий тарзда зиён-заҳмат етиши мумкин эди.

Аввалроқ Тўрткўл, энди эса Жонобод, Мойгир қишлоқлари аҳлининг қочиб қолишни удалай олмаганлари ёки уй-жойини ташлаб кетишга кўзи қиймаганлари ғаним лашкарига бош этиб чикди. Пойига йиқилиб, оҳ-воҳ ила омонлик тилади. Бир-икки бор намойишкорона қатллар бўлгач, эл маълум бож-хирож эвазига жонини сақлаб қолди.

Бўсағада Сорбош қишлоғи ва Муслмонқуларик турарди. Ариқ ва йўл бўйидаги одамлар не-не умидлар билан эккан терак ва толлар кесилиб, ҳар икки қирғоғига устунлар қилинди, уларга хари қоқилиб устига йўғон-йўғон ходалардан узунасига тўсинлар ташланди. Шохларини қисм-қисм қилиб, тахлаб, ҳар бир боғнинг уч жойидан боғлаб, кўндалангига устма-уст босилди. Аскарлар бу юмушларини йўл бўйи неча бор такрор-такрор бажарганликлари учун кейинги кўприклар тез битарди. Бу эса қўшиннинг юришини жадаллаштирарди.

Муслмонқуларик ҳам, бир мунча хувуллаган Сорбош қишлоғи ҳам ортда қолди. Қорадарё соҳилига етишгач, қўшиннинг бир қисми Чувама, Қўқонқишлоқ томон йўл олди. Ундан олдинроқ ёғий лашкари раҳнамолари Пойтуғдан Чўнғбоғиш, Лўғумбек тарафларга ҳам бўлак-бўлак отрядларни йўллаган эдилар. Умуман, ғанимнинг ўзига хос ҳарбий усули мавжуд эдики, жамики кичигу катта қишлоғу кентларга қўшин йўллар, уларни ишғол этиб, аҳлини бўйсундиргач, кичик-кичик кўналға-қароргоҳлар барпо этиб, маълум адад аскар қолдирарди. Бу мазлум авомни асоратда сақлашнинг синалган усули эди.

Қиш эмасми, Қорадарёнинг суви “қочганлиги” боис ундан ўтиш қийин кечмади (Ўқувчи оддий ариққа кўприк қурилсаю бутун бир дарёга қурилмаса, мантиқ қани, дея

хаёл қилиши мумкин. Чунки ариқ чуқур ва нисбатан тор бўлади, яъни ундан лашкар ҳамда унинг яроғи кўприксиз ўтиши ақлга зид. Дарё эса кенг, қишда сув озайганлиги сабабли саёз, соҳиллари ясси бўлади). Нариги соҳилдаёқ Андижон шаҳрига яқин турган тепалик ва дўнгликлар кўзга ташланди. Кенг шудгорлар оша ўтган йўлларнинг бири Бўтақора, бошқаси Миробод қишлоқларига элтарди. Қўшиннинг аввали мис тангадек кўринган мухтасар Дўнқишлоқда тўхтади ва уфққа боқиб, муддао илинжида нафас ростлади.

Илк тепаликдаёқ изғирин авжланди. Бегона қора совуқ ғаним лашкари бошини ҳам этди, антиқа бош кийимларини жағларига танғиб, ўзларини кучоқлаганча мундир ва шинелларига маҳкамроқ буркандилар.

Андижон шаҳри деворига туташ, айна дамда, яланғоч боғ ва шудгорлар кўринди. Ғаним лашкари орзиқиш ила ютинди. Улар учун Андижон олинса, у ёғи осон кечадигандек эди. Аслида, улар бу забун ва ювош юртга дахл қилиб, унчалик азият чекмадилар. Қай томон ёхуд қай манзил сари юрмасинлар, шу замин тупроғидай қора-қура, унинг кун кўришидай ориқлаган ва шунинг ортидан журъати қочиб бораётган одамларга рўбарў бўлдилар.

Бирор офат келса, одам, ҳеч шубҳасиз, энг аввало, ўзини ва бола-чақасини, яқинларининг тақдирини ўйлайди. Ундан ошсагина, хаёли кўни-қўшни, боринги, Ватан тақдирига кўчади. Нотинчлик, ҳаловатсизлик, бир бурда нон қайғуси юрт пешволарининг тадбирсизлиги ва худбинлиги боис яралган ишончсизлик бу элни шу аҳволга солганди. У ҳар бир онини асрлардек яшарди.

Ғаним лашкари асосдан яна икки томон айрилди: бир ёғи Миробод қишлоғи, сўл ёғи Андижонсой ёнбағри аро Найман, Эскилик, Экин-тикин қишлоқлари сари. Қўшиннинг асосий қисми Дўнқишлоқ оша тўғри Андижонсойнинг қайрилишига – шаҳарнинг асосий дарвозаси томон юрди.

Ёғий босган томонлардан қочган эл – хотин-халаж, болалару кексалар кўлига илинган кўч-кўронини кўтариб ёки хаширу уловларига ортқилаб, шаҳарга ёпирилди. Шунинг учун шаҳар ичкарасидан саросимага қоришган овозлар ва ҳатто қий-чувлар эшитилди. Оллоҳдан паноҳ тилаган оломон учун шаҳар сўнги нажот қалъасидай туюларди. Сарбозларнинг бақир-чақирлари, яроғларнинг шақир-шуқурлари элнинг мардлари шаҳар мудофаасига тайёргарлик кўраётганидан далолат берарди. Девор ортидан эшитилаётган ёвқур шовқин халқнинг руҳи кўтарила бошлаганидан нишона эди. Буни неча фурсатдан буён музаффарият нашидасини суриб келаётган ғаним ҳам ҳис этди.

1876 йилнинг совуқ, изғиринли январни давом этарди. Ғаним қорли ўлкадан келгани ва узундан-узоқ чўзилгучи қиш қандай бўлишини билгани билан бегона юрт – Туркистоннинг қора совуғига тоқат қилолмасди. Унвонли зобитлар-ку бир нави, аммо аскарларнинг кўпчилиги титраб-қақшарди. Улар бош кийимларининг ипларини жағларига танғиб, пеши ёрма мундирларининг ёқаларини кўтариб, юз ва қулоқларигача ёпишга уринишар, тор иштонлари ёпишган сонларини тез-тез кафтлари билан ишқаб кўйишарди. Кундузи югур-югуру турфа юмушларга андармон бўлиб, жон сақлашса, кечга яқин узун беўхшов милтиқларини шақирлатиб, у ер-бу ерларда олов ёқиб, атрофида тизилиб қолишарди. Шундай пайтда аскарларга қўмондонлик томонидан тақсимланувчи ароқ асқотар, оз-моз ютиб олинса, танлари қизиб, жон кирар, кайфияти кўтарилиб, гоҳо қўшиқ куйлашга тушиб кетишарди...

Шаҳар ҳамон нотинч эди. Аср намозидан сўнг халойиқ Эски шаҳар бозори олдидаги майдонга оқиб кела бошлади. Атроф қишлоқлардан қочган, энди шаҳарда бошпана тополмай, кўчада қолган хотин-халаж, қари-қартанглару болалар ҳам совқотганларидан алламбало эски-туски латта-путталарга ўраниб, майдон томон талпинади. Нажот излаган аянчли нигоҳлари ўртадаги арава устига кўтарилаётган одамга қадалган. Ортида тартибсиз тизилган, гўё денгиз тўлқини каби тўлғона-тўлғона турган, кети узоқларга чўзилган сарбозлар қўлларидеги яроғлари – қилич, пилта милтиқларини ва баъзилари кетмону бешликларини юқорига силтаб, тинмай шақирлатишади.

Арава устидаги одам ўнг қўлини баланд кўтариб, “Халойиқ!” дея ҳайқирди. Биринчи ҳайқириқдаёқ овози шақир-шуқурлар аста-секин тина бошлади. Энди у икки қўлини карнай қилиб, овози ҳар тарафга ёйилиши учун гоҳ у, гоҳ бу ёнига қайрилиб, шиддат ила сўзлашга тушди:

– Азиз фуқаро! Мен – Оллоҳнинг қули амирул лашкар Абдурахмон офтобачиман! Насриддинхон Қўқон, Пўлатхон Марғилон ҳимоясида турганларидек, мен Андижонни ҳимоя этишга амр қилинганман. Мусулмон биродарлар! Кофир ёв шаҳар бўсағасида турибди. У шафқатсиз, қонсираган. Қурол-аслаҳаларию жанг санъати бизникидан чандон зўр. Агар шаҳарни босиб олса, дину иймонимизга, ор-номусимизга ғорат солади. Болаларимизни қул, хотинларимизни чўри қилади. Бироқ биз Оллоҳга ишонамиз, ундан паноҳ тилаймиз.

Абдурахмон офтобачи қўлларини дуога очди:

– Омин! Она шаҳримизни кофирларга бермаймиз! Барча шаҳар ҳимоясига отлансин! Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! Оллоҳу акбар.

“Оллоҳу акбар” хитоби осмону фалакни тутди. Сарбозлар қалъа деворлари сари чопдилар...

Худди шу онда, кечки тановулга ҳозирлик кўраётган ғаним лашкари шаҳар томондан эшитилган хитобдан бир қалқиб тушди. “Оллоҳу акбар” каби ҳайқириқлар аниқ-тиниқ эшитиларди. Зобиту аскарлар нафас ютиб, бир муддат бир-бирларига қараб қолдилар. Ҳар тугул юрт ҳимоясига отланган мазлум халқнинг олов қоришиқ овози ёғий кўнглига кўрқув солгани рост эди.

– Ёввойилар қутурмоқда, – деб қўйди кичик даврада турган бир аскар қалтироқ қўлидаги думалоқ идишидан ароқ ҳўплаб.

Эрталабданоқ бир зарбдор отряд Миробод томонга йўл олди. Тунда қалъанинг шарқий дарвозасидан хуфиёна чиқиб, ғанимни пойлаб ётган мудофаачилар туйқусдан бош кўтариб, зарбдор отрядни жиддий талофат билан ортга чекинишга мажбур қилдилар. Бу Фарғонадан эндигина етиб келган генерал Скобелевнинг пешонасини тириштирди. У тўпчиларга тўпларни Миробод қишлоғига ҳамда қалъа деворига тўғрилашни амр этди. Бу шом андижонликлар учун қаро бўлди. Шаҳарнинг шарқий томонида қиёмат кўпди: ҳар бир тўп отилганда қанчалик гумбурлаб, дилларда ваҳшат уйғотса, қалъа деворига урилиб ёки шаҳар ичида портлаган оғир снарядлар икки ҳисса даҳшатлироқ гумбурларди. Ҳадемай қий-чув, дод-фарёдга тўлган шаҳарда катта-катта аланга тиллари кўринди. Бироқ девор мустаҳкам бўлгани боис жиддий шикастланмади. Миробод эса ер билан яксон бўлди.

Шарқдаги қўшин Андижонсайдан ўтиб, шаҳарга яқинлаша бошлади. Шимолдан Найман қишлоғи орқали Эскилик, Экин-тикин қишлоқларини эгаллаган бошқа қўшин эса бирваракай ҳужумга ҳозирлик кўрарди. Энди шаҳар икки тарафдан бериладиган зарбага тайёр туриши лозим эди. Шундай ҳам бўлди – мудофаачилар қалъа деворлари узра тизилдилар. Ғаним аввалига яна тўпларни ишга солди. Даҳшатли портлашларга дош беролмаган сарбозлар девордан сакраб, шаҳар ичкарасига қочдилар. Бу пайтга келиб, шаҳарнинг ярми олов домида қолганди. Кўчалар ўликларга, пана-пастқамлару уйлар ярадорларга тўлди. Чор-атрофдан хотинларнинг оху ноласию гўдакларнинг чинқириб йиғлаганлари эшитиларди.

Ўшанда Сулаймонқулнинг отаси Юнус бўзчи ҳам сарбозлар орасида эди. Шаҳарнинг шимолида жанг қиларди. У мудофаачиларнинг мардона олишувларини, дастлабига ғанимни анчагина саросимага солганини ўз кўзи билан кўрди ва бир умр эслаб юрди. Ватан учун жон тикмоқлик улуғ фазилат ва у шунчаки қуруқ гап эмаслигини ўша кезларда англаб етди.

Мудофаачилар ҳар қанча мардона турмасинлар, ғаним кучли ва маккор эди. Ҳарб илмида суяги қотган зобиту аскарлар одам ўлдиришнинг ҳадисини олганликлари каби ўз жонини сақлашни ҳам билардилар. Шунинг учун уч кунлик қақшатқич ва узлуксиз жангдан сўнг мудофаачилар сафи анча сийрақлашди. Ғаним эса ҳамон ҳужум қилишдан толмасди.

Уч кунлик олишувда кўплаб сарбозлардан айрилган мудофаачилар сафига баъзи жасоратли аёллар ҳам қўшилдилар. Бу жанг тарих саҳифаларига ана шундай, яъни Андижон аёлларининг мардлиги таърифи билан ҳам ёзилди.

Қалъа деворининг шимолий бир қисми қулатилгандан сўнг амирул лашкар Абдурахмон офтобачи шаҳар бой берилганини фаҳмлаб, бир қисм қўшин билан шаҳар ичкарасига чекинди. Ғанимнинг қилич яланғочлаган отлиқлари шаҳарга ёпирилдилар. Отлиқларнинг дуч келган одамни аёвсиз чопаётганини кўрган мудофаачилар, жумладан, Юнус бўзчи ҳам жон қайғусига тушиб, қуролларини ташлаб, ҳар тарафга қоча бошладилар.



Юнус бўзчининг ягона умиди тезроқ болаларининг ёнига етиб олиш эди. Шаҳарда кўча жанглари бошланиб кетди. Ғаним отликлари ортидан энди пиёдалар юриш бошладилар. Улар милтиқларининг учига найзаларини ўрнатиб, кўзига кўринганки одамни отар, яқин келганларига ғарчиллатиб найза санчардилар.

Ёв Гултета, Оқчақмоқ, Бувасаъддин маҳаллалари орқали ўтмоқни ва шаҳар марказига чиқмоқни кўзлаб борарди. Қадим қабристонга яширинган эркагу хотин, уларга эргашган болаларни ҳам аяб ўтирмадилар: барчаларини отиб ёки чопиб, ҳатто қўлда отиладиган бомбаларини иргитиб, тилка-пора қилдилар. Қабрлар ҳам ост-уст бўлди.

Юнус бўзчи ҳам мозорда эди. Ғаним ҳамласидан сўнг қабристон орқасидаги девордан ошиб қочди. Пана-пастқамларда гоҳ энгашиб, гоҳ эмаклаб чопа, Оқгўрга чиқиб олди. Аллақачон ҳарсиллаб қолган бўлса-да, жонини ҳовучлаб, яна югурди, тезроқ болаларини кўришга ошиқди.

Абдурахмон офтобачи ярим-ёрти қўшини билан Асака томонга қочди. Ёв эса қувишини қўймади. Ахийри, у Қувага ўтиб кетди. Шаҳар ғаним қўлида қолди. Андижонга виқор билан кириб келган генерал Скобелев ўз аскарларига талон-тарож, жазо ва қатллар учун уч кунлик муҳлат берди. Қонсираган маст-аласт аскарлар уч кеча-кундуз эл бошига офат солди. Айниқса, кечаси кўчага чиққанки одамни сўраб-суриштирмай отиб ёки чопиб ташлайверди. Гоҳ тўда-тўда бўлиб, уйларга бостириб киришар, ҳовлиу хонадонларни остин-устин қилишар, кўзларига хунук кўринган эркакларни аёлу болаларининг оху ноласига қарамай, гиппа бўғиб, олиб чиқиб кетишар, баъзиларини ўлакка бўлгунча дўппослашса, баъзиларини қўлбола авахталарига қамашарди. Андижонликлар эса уйларида нафас ютиб, оч-наҳор ўтиришар, ҳатто олов ёқиб, пишириб-куйдиришга ёки исинишга ҳам кўрқишар, чунки мўридан чиқаётган тутунни кўрган ғайридин аскарлар эрмак учун-да бостириб кириб қолишлари мумкин эди.

Бу кўргиликлар Юнус бўзчи хонадонини ҳам четлаб ўтмади: иккинчи куни кечаси давангирдай тўрт ширакайф аскар уларнинг ҳовлисига бостириб кирди. Бақир-чақир билан тимирскиланиб, алланарсаларни ағдар-тўнтар қилиб, гўё нималарнидир ахтаришаётганда, катта уй ичида бир ярим яшар Сулаймонқулни бағрига босиб, титраб-қақшаб турган хотини, онаси ва болаларини ортига олиб ўтирган Юнус бўзчи ҳам кўрқув, ҳам нафрат аралаш қўлидаги болтани қаттиқроқ чангаллади. Агар болаларига ҳамла қилишса, ҳеч йўқ биронтасини чопишга улгурар. Кейин нима бўлса бўлар, уёғи Оллоҳга таваккал. Ғаним аскарларининг дупур-дупури дахлизда эшитилганда онаси унинг қўлидан болтани тортиб олиб, ёнидаги тўшак остига яширди. Юнус бўзчи бирон сўз айтиб улгурмай, уй ичида мойчироқнинг хира нурида ваҳимали девлардай кўринган тўрт аскар пайдо бўлди. Уларнинг кўзлари ялтирар, тишлари орасидан ўз тилларида нималардир дея ғудраниб, масхараомуз тиржайишарди. Юнус бўзчи қулочини ёзиб, болаларини ҳимоя қилишга тараддудланди. Буни кўрган аскарларнинг олдинроқда тургани милтигининг найзасини унинг кўксига қадаб, чап қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқларини бир-бирига ишқаркан, ёвуз ишшайиб деди:

– Золото?... Ал... Алтин бар?... – Бу ўша “Ёввойилар қутурмоқда”, дея ароқ симирган аскар эди.

Юнус бўзчи беихтиёр меҳробдаги сандиққа қараб қўйди.

– Бар-бар... – деркан, ҳалиги аскар сандиққа ташланди. Кўрпа-тўшакларни у ён-бу ёнга иргитиб, сандиқни очди-да, ичидаги латта-путталарни ҳар ёққа улоқтирди. Ниҳоят, турфа тангалар солинган халтачани топиб, кафтида бир неча бор шақирлатаркан, “бар-бар”, деб қўйди яна ёвуз ишшайиб. Аскарларнинг қолганлари эса кўзига илинганки нарсани тепиб, улоқтириб, синдириб ташлайверди.

Халтадаги Юнус бўзчининг бор бисоти эди. Не-не заҳматлар ила топган бойлигидан айрилиш алами жонини ҳалқумига қадаган бўлса-да, елкасини қаттиқроқ чангаллаб қўйган онасининг қўлини ҳис этиб, тишини тишига босди: жонлари омон қолса, бас!

Уйдан охирида чиқиб бораётган бояги аскар ниманидир унутгандай кўққисдан ортига ўгирилиб, қўлидаги халтани қўйнига тикди. Юнус бўзчига бирпас ғалати тикилиб турди-да, унинг хиёл чўзилиб турган чап оёғига қаради. Шаҳд унга яқинлашиб, милтигининг қўндоғи билан унинг болдири аралаш илигига зарб урди. Суякларининг қисирлаб сингани аниқ-тиниқ эшитилди. Бўзчи даҳшатли оҳ урганда ортидаги яқинлари чинқириб юбордилар.

Аскар бўлса, яна ёвуз тиржайиб:

– Это хорошо... – деркан, ташқарига чиқиб кетди...

Бир умр оқсоқ бўлиб қолган Юнус бўзчи умри поёнида ўшанда бир неча жойидан синиб, онаси сўраб-суриштириб, аранг топган, буёққа келишга ялиниб-ёлвориб базўр кўндирган табиб томонидан чоки-чокига тўғриланиб, тахтакачланган, қиш ичи азоб берган ва барибир, қийшайиб битган оёғини уқалаб ўтириб, бўлиб ўтган воқеаларни тез-тез ёдга олар, Сулаймонқулга гапириб беришдан толмасди. Кичкинагина Тешавой – Абдулхамид ҳам бобосининг аламли хотираларини жимгина тинглаб ўтирарди.

Уч кунлик муҳлат ўтиб, шаҳар хийла осудалашди. Ҳамон у ер-бу ерларда ўқ овозлари эшитилади, одамлар қўрқа-писа кўчага чиқиб, тирикчилик пайига тушдилар. Шаҳарнинг олди одамлари – пешволари совғаю инъомлар билан генерал Скобелевга пешвоз чиқиб, раҳм-шафқат тиладилар, ҳатто Абдурахмон офтобачининг бир неча сарбозларини ғаним ихтиёрига топширдилар.

Ўша куни кечқурун ўрис аскарларидан бирини кимдир сўйиб кетибди. Шундан кейин шаҳарда яна қиёмат кўпди: чор тарафни одамлар қалбини қўрқувга солиш учун отилган тасир-тусур ўқ овозлари тутди. Гўё бир неча йиртқич тўда наъра торта ҳушига келган ишни қилишга тушди: уйларга бостириб кириш, одамларни калтаклаш, зўравонлик тагин янгитдан бошланди. Бу душманнинг жазаваси эди. У ютаётган нафаси қўрқувга айланган одамларни уриб-суриб, Эски шаҳар бозори бошидаги майдонга тўплайверди. Неча кеча-кундуз дўзах азобига солган оёғи тахтакачланган Юнус бўзчи ҳам толходадан қилинган қўлбола қўлтиқтаёғига таяниб, ҳансираб-сансираб, ихраб-сиҳраб, майдонга келди ва жияклари зарҳалли кийими ўзига ярашган серсавлат, серсоқол Скобелевни илк бор кўрди. У татар тилмоч кўмагида сўзлади.

Юнус бўзчи шу-шу бутун умр ўйлаб ўтди: одамнинг одам устидан босқини нечун? Тил, дин, миллат, ер ўзгалиги учунми? У одам ёки қавм бу одамнинг нимасини ўзиники қилмоқни истайди? Нима учун? Умуман, босқинда не маъно бор? Наҳотки, урушда, босқинда ҳам эзгулик бўлса?! Шундай ўйлагувчилар, яъни босқинчиларни тараққиёт олиб келди, дея ўйлагувчилар бор-ку, ахир! Ҳолбуки, ҳар бир қавмнинг устун ёхуд аксинча, ожиз тарафлари бор. Дунёнинг ярмига эгаман, куч-қудрат, тараққий мен томонда, деган қавм ўзи хонавайрон қилган қавмнинг оддий бир ишидан ёки одатидан, ҳеч бўлмаса, қоп-қора лойни оловда тоблабми, пиширибми, қип-қизил, бунинг устига, тошдек қаттиқ ғишт тайёрлаганини кўриб, хайратга тушиши ҳеч гап эмас. Босқинчи ҳам, мазлум ҳам, бир-бировидан нимадир ўрганади. Ана ўшанда тарихлар, маданиятлар, урф-одатлар ва ниҳоят, тараққиётлар қовушади, икки ирмоқ каби башариятнинг улкан дарёсига қуйилади. Дунё шундай яралганлиги рост, аммо наҳотки, инсон шунинг учун уруш қилса, босқинлар уюштирса? Наҳотки, урушдан эзгулик излагувчилар ҳам ҳақ бўлиб чиқса?

Юнус бўзчининг кичик ўғли Абдурахмон илм шикорини тутди.<sup>8</sup> Фақат китоб титкилаб улғайган ўғил кейин-кейин отасига ажаб қизиқ гапларни гапирадиган, Туркистонни изнида тутиб келаётган ўрисларнинг асл муддаолари, аввал-бошдаги режалари ҳақида ажабтовур ҳақиқатларни сўзлайдиган бўлиб қолди. Эмишки, Турон аталмиш қудратли ва ҳадсиз-худудсиз давлатни барпо этган Амир Темур ўзининг юришлари даврида, қолаверса, мўғилнинг қолган-қутганларини қува бориб, ўрус юртига ҳам қадами етган экан. Юрти вайрону пайҳон бўлиб, афтодаҳол кун кечираётган бу эл мўғилларнинг зулмидан бошини кўтара олмаган пайтлар экан. Амир Темур уларга раҳми келиб, мўғилларни қувиб кетган ва у ёқларга қайтиб бормаган. Энди эса бу қавм бўлакча қиёфада келиб, қашшоқдан-қашшоқ Туркистон элини босди. Дунё айланади, деганлари шу бўлса керак-да.

Искобил (Скобелев) деганлари қўқонарава устига чиқиб, дағдағали ваъз айтди. Шаҳар мудрофаасида қатнашган сарбозларни тутиб берганларга янги ҳукуматнинг бошқарув мансабларини ҳадя қилди. Тутқунлар эса ўша жойнинг ўзида намоийшкорона осиб ўлдирилди. Шу-шу кўҳна Андижон ва унинг аҳли ўрис пойида қолди.

## Учинчи боб

### 1

Андижоннинг 1898 йилги қиши Мингтепанинг бедорлиги боис оташли эди гўё. Бу юртга қайдан келди бу оташ, недан келди? Бунча ёндирар, бунча қовураб. Бир пайтлари чор тарафдан босиб келган ва шаҳарни олов ичра солган ёғийнинг олов пуркар

<sup>8</sup> Илм излади, овлади.

аждаҳолари ҳам уни бугунги кўйга сополмаганди. Кимнингдир хаёлига қафасдаги шер келар: у ўкиради, ўзини ҳар томон уради, темир қафасни ёриб чиқиб кетишни, ҳатто тишлари билан ғажиб ташлашни истайди. Аммо бу эл...

Ғанимнинг қаҳридан тузуккина оқсоқ бўлиб қолган Юнус бўзчининг ақлини хийла топиб, кўзларига маъно кирган ўғли Сулаймонқулга қилган илк насиҳати шу бўлди:

– Болам, ғаним шу қадар маккор. Не-не босқинларни бошдан кечирган Туркистон бунақасини кўрмаган. У енгилиб туриб, енгади. Шундай экан, унинг ташидамас, ичида бўл...

Бу хат-саводи бор, аммо оддийгина бўзчининг, деҳқонзода инсоннинг йиллар ҳаётидан кеша қашфул ҳақиқати, англаган ҳикмати эди...

Мингтепадан мазлум Фарғона бўйлаб номалар тарқаларди. Юрт ўз эрларидан нажот кутарди. Бу мактублар элнинг ўзига тўқ, ихтиёрли, соҳиби имкон фарзандларига етар, лекин улардан на олтин тилло, на давлату сарҳад тиланмас, фақат забуну хор маконнинг ожиз, вале умидли илтижоси мужассам эди, холос. Номалар соҳиби дину иймон, юрт ва миллат эрки йўлида бирлашмоққа, агар Оллоҳ қодир қилса, эрк йўлида кўзгалмоққа чорларди. Мингтепалик Муҳаммад Али халфа томонидан гўзал ҳуснихат ила таъсирли битилган номалар Асака, Андижон, Шаҳрихон, Пойтуғ, Наманган, Марғилону Қўқон, Ўш кентларининг номдор кишиларига етиб борарди. Бундай мактубларни олган юрт арконларининг ҳар бири улардаги сўзларни, таъбир жоиз бўлса, даъватни ҳар турфа, яъни ўзича тушунарди.

Бундан йигирма икки йил зиёд олдин эл бошига тушган шўришлар – ёв босқини, таъқиб қатллар, қирғину маҳрумийатлар заҳри кўнгишларни ҳали бутунлай тарк этиб улгурмаганиданми, бир қадар унутилган эса-да, одамлар ҳар тугул тинч-осуда ҳаётга кўникиб, уни бой бериб қўйишдан безиллардилар. Кўп нарсалар чекланган, бунинг устига, қашшоқ турмуш, тирикчиликнинг тошдан қаттиқлиги, ҳам қалқиб турган замон, мана-мана, рўй бериши мумкин бўлган нотинчлик қошида у тўтиё кўринарди. Шаҳарда, атроф қишлоқларда аллақачон урчиб улгурган ва тирикчилигини “катта холасининг уйида” юргандек тузуккина йўлга солиб олган ўрислар ва уларнинг амалдорлари билан апоқ-чапоқ бўлган, оғиз-бурун ўпиша бошлаган, ўзбаки бою боёнлар эса бепоён Ўрусиянинг катта-катта шаҳарларига қатнаб, ҳам савдо-сотик, гоҳо завўдчилик ила шарғулланардилар. Уларнинг бу машғулликлари қашшоқ ва башар тараққийидан улкан қарвон ортида кўтарилган чанг янглиғ олисда қолган улус учун ҳайратли янгилик, ҳатто мўъжиза бўлиб кўринарди. Эл ана шундай мўъжизаларнинг яна ва яна янгилари пайдо бўлишини кутиб, кўрганлари ҳақида бир-бирларига ошириб-тошириб сўзлаб, ҳам баъзан бундан завқланиб яшарди. Авомнинг бу ҳайрати, бу андармонлиги замона соҳиби давлатларининг завқини икки ҳисса зиёдалаб, бурунларига қурт туширганидан тобора шишиб, киборлашиб бораётганлари кўпчилик эди. Шундай экан, ҳалиги номалар уларнинг аксариси учун оддийгина қоғоздан ўзга нарса эмасдики, қумга сепилган сув каби изсиз, таъсирсиз йўқ бўлиб кетарди. Уларнинг “қайғуси ё” эди.

Мингтепадан учган номаларга биров парво қилди, биров қилмади. Кимдир Муҳаммад Али халфага ишонмаган бўлса, бошқаси ҳайтовур барқарор ҳаловатини ва унинг ортидан топаётган бир бурда нонини йўқотишни истамасди. Ўша кунлари китоб кўрган, бу кўҳна ва тушуниксиз дунёнинг, демакки, башарнинг тарихи умумиясидан боҳабар кишиларнинг кечагина, боринги, бундан йигирма йил аввал шу юрт – Ватан дея жон олиб, жон берган мана шу халқмиди, дея пинҳона ҳайратланганликлари, изтироб чекканликлари ҳам рост. Бу элнинг феъли қачон эврилиб улгурди? Ёки азали шундай-миди?..

Қишнинг адоғида энди-энди Андижоннинг нуфузли одамлари орасига кириб бораётган Сулаймон баззоз ҳам Эшондан (Муҳаммад Али халфадан) ана шундай мактуб олди. Олдию дарров отасига маслаҳат солди. Ўриснинг босқинидан хотира – чўлоқ оёғининг тиззасини сандал ичида кафти билан уқалаб ўтирган отаси хийла қариб қолган, таъясини четидан кўринган сочларини соқол-мўйлови оқарган, зотидаги кишилардан аксил ўлароқ серажин юзида йиллар ҳикмати яққол зухурланганди. У эл ичидаги миш-мишлардан, тўғрироғи, кейинги вақтларда пайдо бўлаётган хуфия мажлислардан, карвонсарою бозорларда тобора авжлироқ эшитилаётган гап-сўзлардан хабардор эди. Шунинг учун ўғли узатган номани олдию унга ҳатто қараб ҳам қўймади-да, бошини қуйи солиб, бир муддат сукутга толди.

– Ўғлим, – деди ниҳоят тилга кириб, ҳамон боши эгик ҳолда. – Ўриснинг кимлигини жуда яхши биласан. Аввал ҳам айтганман, у от-аравада ўтирволиб, қуён овлайди. Бунинг мағзини чақ, болам. Устига-устак, ўша Эшоннинг эшонлигига ҳам, юрт дея жони ёнганлигига ҳам, эл оғзидаги мўъжизаю кароматларига ҳам шубҳа бор. Тагин Оллоҳ билгувчи...

Отаси яна сукутга чўмди.

Сулаймонкул одоб юзасидан пича жим ўтирди-да, отасидан сас чиқавермагач, оҳиста деди:

– Сўзларингизнинг маъносини англаб турибман, отажон. Сизга қарши бормоқликка ихтиёрим йўқ. Фақат бир кори ҳол бўлса, элдан ажраб қолмасмикимиз. Мактубда дин, юрт ва эрк учун кўзғалинг, деб чорланмоқда?

Отаси шунда ҳам анчагача гапирмади. Сўзларнинг таъсирчанроқ чиқишини кутди, чоғи.

– Эшонинг ҳам, бошқаси ҳам ҳеч нарса қилолмайди, – деди сўнг бошини кўтариб, ўғлига қаттиқ тикиларкан. – Ўрис юртимизга эга чиқиб, ўрнашиб бўлган. Туркистоннинг энг сара кишилари унинг измида, бу балони, фурсати етиб Оллоҳнинг ўзи даф қилмаса, бандаси ожиз. Охир-оқибат яна эл бошига офат ёғилгани қолади... Дасти корингга анча барака кириб қолди, Оллоҳга шукур. Мен эса қаридим. Онангни, оилангни, жигарларингни ўйла. Ёлғиз ўғлингни ўйла. Ахир, иккита гўдагинг буюрмади. Мактубни эса ёқиб ташла!..

Бу падарининг сўнги ҳукми эди. Баззоз бош эгди:

– Хўп бўлади, ота.

Отасининг юзи тиришиб, кўзларида изтироб пайдо бўлди. Энкайиб, икки қўллаб сандал ичидаги оёғини силади.

– Қиш ичи жонимни олиб оғрийди-я бу қурғур, – деб қўйди ихраб.

– Ўрик ўтинининг чўғидан солишдимми? – баззоз отасига ачинди, сандалнинг чўғига назар ташлади. – Ҳозир янгилаб беришади...

Ўчоқ бошида уймалашиб юрган Ҳалимага отасининг сандалига чўғ солиб беришини буюраркан, қўлидаги мактубни ғижимлаб, оловга улоқтирди. Қайтиб уйга киргиси келмай, боғ сари юрди.

Ҳаво очик, куёш чарақлаб турган бўлса-да, одам бирпасда жунжика бошлайди. Дарахтлари қақшаб, тупроғига ҳали тафт кириб улгурмаган хувуллаган боғ унга баттар совуқ туюлди. Лекин ортига қайтгиси келмади, чопонига тузукроқ ўраниб, тунда музлаган, энди эса ожиз ҳароратда эригудай хиёл юмшаган тупроқни басма-бас қисирлатиб босиб, боғ бағрига сингди. Ўйчан нигоҳи гоҳ тарам-тарам бўлиб, гўё нола қилаётгандай осмонга чўзилган шохларда, гоҳ баъзи хайбатлироқ мевалар остида қолган кирлаганроқ қор уюмларида тентиди. Ўрисларни ғайридин деймиз, хаёл қилди у, босқинчи, деймиз, лекин баъзи тутумларини, элимизда жорий қилган қонун-қоидаларини, тобора инсофга кириб бораётганини кўриб, босқинчилигини ҳам унутамиз. Ахир, улар янгича мактаблар, шифохоналар очмоқдалар. Муаллимларининг билими, юриш-туриши бизникилардан анча аълодир. Ўрис табиблар эса шу қадар тадбирлики, муомаласию шифо усули ҳам кишига хуш ёқади. Бойлари Янги шаҳарда қанча-қанча оврўпоча бинолар қурмоқдалар. Ҳатто шаҳардаги йигирмадан зиёд мадрасаларимизда ҳам тартиб-интизом ўрнатиб, таъмагир мударрисларнинг танобини тортилар. Янги усул сабоқлар жорий этдилар. Ҳар ҳолда, эл улардан яхшилик кўрмоқда, буни авом билмаса ҳам, баззоз кабилар яхши биладилар. Аммо бу бир жиҳати. Аслини олганда, ҳар қанча қашшоқ, билимсиз, ранг-туси кимларгадир ёқмайдиган бўлмасин, ҳар бир халқ озод яшашга ҳақли. Эркин орзуламаган, унга интилмаган қавм жаҳолатга, абасликка юз тутиши тайин. Бу ҳақда илм истаб Арабистонни ихтиёр этган иниси Абдурахмон кўп гапирарди: бизнинг билимсизлигимиз, тараққийсизлигимиз, лоқайдлигимиз ва айниқса, фарзанд тарбиясига эътиборсизлигимиз ҳали бошимизга кўп кулфатлар солади, дерди у. Ўриснинг зулмини кўрганимиз ҳам ҳолва. Дунёда эрки барбод неча қавм бўлса, уларнинг бари билимсизлиги, тарқоқлиги боис шу кўйга тушган. Шу кетишимизда бизни ҳам тубсиз чоҳ кутиб турибди. Босқинчи ўз номи билан босқинчи, у қўлоштидаги элга ҳеч қачон рўшнолик бермағай. Янгиликдай туюлган тизимлари, низомлари, кураётган биналари ва ҳоказолар бу – шунчаки сурат, кўзни шамғалат қилувчи жимжима, холос. Агар мазлум эл ўз туриш-турмушини ўзи ихтиёр этганда ҳам ўшал кун, тараққийнинг

ўшал босқичи келиши муқаррар. Моҳиятан эса босқинчи ё ўшал элнинг ҳар турфа бойликларини ташиб кетаётган бўлади, ёки қавм сифатида йўқ қилиш пайидадир. Шунинг учун юрт озодлиги йўлида қилинган ҳар бир ҳаракатни ёқламоқ лозим. Фақат бу режаги, узоқ ўйланган тадбир ортидан бўлса, нур узра нурдир.

Бу инисининг сўзлари. Отаси эса бу балони Оллоҳнинг ўзи кўтармаса, бандаси ҳеч нарса қилолмайди, деб турибди. Қай бирлари ҳақ? Бироқ ўриснинг зулмини, бузғунчилигини билмаган одамни, инсоф билан айтганда ҳам, аҳмоқ дейиш мумкин. Улар бутун-бутун қишлоқларни вайрон қилиб, текислаб ташлади. Ўрнида ўрис деҳқонлари – мужиклари учун қишлоқлар барпо этдилар. У ерларда ароқхоналар, чўчкахоналар очишди. Айниқса, Ўш тарафларда энг унумдор ерларни ўрис мужиклари учун бўлиб бердилар. Улар тез орада хожага айланиб, қирғизу ўзбекни отбоқар ва заминкорга айлантирдилар. Ўзлари бўлса, ароқхўрликдан ошинмай қолишди. Буни, балки авом билмас, кўрмас, аммо баззоз каби юрт пешлари аллақачон англаб етган. Мана, шундоққина шаҳар елкасидаги Хакан қишлоғини не аҳволга солдилар: ўрис босиб келганида эркагу хотин Ватан ҳимоясига чиққанди. Кейин – юртга соҳиб бўлгач, ўрис аскарлари Хакан аҳлини қувғин этди, адирларга ҳайдаб, уй-жойларини эса ер билан яксон қилди. Шуларни кўра-била туриб...

Мингтепада исён овозалари эшитилмоқда. Эл бир бўлиб, босқинчига қарши бош кўтармоқчи. Нима қилмоқ керак? У ҳам исёнчиларни ёқласинми ёки?.. Агар бу исён натижасиз қолиб, бегуноҳ қонлар тўкилса, отаси юз карра ҳақ. Лекин юрт тақдирини ўйласа, халқ борки, бир куни эркисизликка қарши бош кўтармоғи аниқ...

## 2

Ҳамал кириб, кунлар илий бошлаганида шаҳар ичра кезинган тунги шарпалар серлашиб, авом орасидаги висир-висирлар авжланди. Уларга кўчаларда, айниқса, кечалари, миршаб ва қуролли аскарларнинг кўпайгани ҳам қор қилмаётгандай. Мазлум элнинг оташ нафасидан яралаётган тўфон кимларгадир ғуруру журъат бахш этгани ва бу адолатли бўлгани билан, тағин ўзга бир тоифанинг хаёлидан туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр қабилидаги ўйлар ўтиб, молу жон ташвишига тушиб бораётгани ҳам рост. Мозористонда кириб азон садосини бирон кимса эшитмас-у, аммо кўрғонга ўт тўкса, ҳўлу қуруқ олов ичра қолиши аниқ.

Аслида, ўрис билан муомала, олди-берди қилиб юрган одамлар унинг устомонлигини, мўлжални узоқдан олишини яхши билар, кўпайиб бораётган шарпаларга, мишмишларга гўёки бепарво қараётган миршаб ва аскарларнинг бу ҳаракатида ҳам бир режа яширинлигига ақллари етиб турарди. Чунки ғанимнинг хуфиялари бағоят динг қулоқ, бунинг устига, нафси ҳакалак отганлиги ортидан ўта садоқатли эди. Шаҳарнинг шимолидаги қир устига қурилган қалъадан Эски шаҳаргача қовланган пинҳоний ер ости йўлидан халқнинг ўзидан чиққан бало – хуфиялар тез-тез қатнаб туришар, бу ғанимнинг жаллод ойболтаси сопини Қатортерак маҳалласи толидан чиқарганлигидан далолат эди. Хуллас, юрт осмонида қалъа ичра ароқ тутган ғаним учун ҳам ва ҳатто ўз ерида елка қисиб юрган тупроқ тусли мазлум эл учун ҳам хатар ёғинини ёғдиргувчи қора булут кун сайин қуюқлашмоқда эди.

Саврнинг охирларида Тешавой – Абдулҳамид бир ёшга тўлди. Икки норасида ўғлини эгасига топширган Сулаймон баззознинг шодлиги бениҳоя бўлса ҳам, юртдаги безовталиқдан мушдек тош бағрига ботиб турарди. Ўша кунлари отаси уни ҳузурига чорлади.

– Мингтепада ғалаёнлар тинмаётганидан хабардорсан, – деди ўз одатича ўғлининг юзига боқмай. – Бало-офат яқин, энди тўхтатиб бўлмаслиги аён. Аши Муҳаммад Али халфа деганлари жиловни кўлдан бериб, нима қилаётганини англамай ҳам қолган.

Отаси пича жим турди-да, кўзларига чуқур ўй чўкиб, деди:

– Бу ишлардаям ўриснинг қўли бор кўринадур. Демак, бу охири вой иш. Шунинг учун ўзингни ҳар ёққа урма-да, аҳлингни ўйла!

Отаси қайтиб гапирмади. Баззоз эса кўп кўргиликларни кўрган, боши юртга ёғилган офатларда оқарган падарининг ташвиши боисини тўлалигича ҳис этиб турганидан ортиқча сўз айтиб, дилига яна ғам солгиси келмади.

– Хўп, ота, – деди-да, ўз юмушига кетди.

Юнус бўзчининг башоратлари тўғрилиги кўп ўтмай аён бўлди. Жавзога ўтар тун-

ларнинг бирида Мингтепа томондан денгиз тўлкинидай гувуллаш ила ҳадсиз оломон шаҳарга ёпирилди. Бир қисми отлик, асосий қисми пиёда бўлган оломоннинг кўлида милтиғу қиличдан тортиб, кетмону бешликкача бор эди. Эшоннинг дуою фатвосидан жунбишга келган исёнчилар Андижонга етгунча йўлдаги қишлоқларда учраган бир неча ғаним аскарларини ўлдириб, журъатига журъат қўшилганидан яроғларини шақиллатиб, “Юлдуз Андижон осмонида!” дея ҳайқирардилар. Тинсиз бу ҳайқириқ, шаҳарга ёпирилган жонли тўфон ғанимни чинакамига таҳликага солиб кўйди. Шаҳар ташқарисидаги атроф манзилларда, ичкаридаги кўналғаларда жойлашган зобиту аскарлар яроғларини кўтариб, қалъа томон қочдилар. Ана энди қалъага беркиниб, дарвозаларни тақа-тақ ёпган ўрис лашкари девор узра очилган туйнукларга ўрнашди. Милтиқларини ичкари сари кенгайган туйнукларга тикиб, нишонни бехато ура бошладилар. Замбараклар эса исёнчилар бошидан олов сочди.

Ёвнинг қочишидан, ўзларининг ёппа ҳужумидан қувват олган кўзғолончилар аввалига сафлари тутдай тўкилиб, камайиб бораётганларини ҳам сезмадилар. Бир-бирларига урилиб-сурилиб, туртиниб-суртиниб, қалъа девори томон чопаетган оломоннинг манзили гўё девор ости бўлаётган эди. Ҳарб илмидан буткул беҳабар бу қавм “ур, ҳо-ур”лардан куч олиб, фақат чопар, аслида, чопишдан кейинги ҳаракатларини мулақо англамасди, жон ҳалпида югуришларини музаффарият, деб биларди.

– Юлдуз Андижон осмонида!..

– Мусулмонла-ар, юлдуз Андижон осмонида-а!..

Қалъанинг мустаҳкам деворлари пойида уч кеча, уч кундуз ғимирлаган исёнчилар бир хилликка кўникиб, ғолиблик нашидасини сурмоққа тушдилар: ҳадемай, ғаним таслим бўлиб, қурол-яроғини ташлаб, кўлини кўтариб чиқадигандек ва шу билан юрт узра эрк байроғи тикиладигандек эди. Улар қалъадан ўзга манзилни кўзламасдилар ҳам, ўйламасдилар ҳам.

Учинчи куннинг кечида Ҳаққулбод ва Пойтуғдан зарбдор кўшин етиб келиб, шаҳарга бостириб кирди. Қалъа ичра ҳам бир кўзғолиш кўпиб, аллақачон ўз режасини тузиб, қулай фурсатни пойлаб турган, гўё қамалда қолгандек туюлган кўшин исёнчилар устига милтиқ ва тўплардан ўқ ёғдира бошлади. Қалъа қир устида, устига-устак, деворлари баланд бўлганидан ғаним кўзғолончиларни – чумолилардек ғимирлаб, лекин дона-дона кўринган одамларни бехато нишонга оларди. Икки ўт орасида қолиб, тутдай тўкилаётган исёнчилар саросимага тушиб, жон қайғусида тўғри келган тарафга қоча бошладилар. Бирови қуролини ташлаб, шаҳар ташқарисига – ўз қишлоғи томон чопса, бошқаси киндик-ковак кулбаларга, кўздан пана хилватларга ўзини урарди. Бунақа олатасирлардан юрак олдириб қўйган шаҳар аҳлининг асосий қисми эшигу дарвозаларини ичкаридан тамбалаб, уйларига биқиниб олди. Қари-қартанг, бола-бақра, хотин-халаж бирваракай нола қилиб, Худодан тезроқ тинчлик қайтишини, ўрисга инсоф, шафқат беришини тилар, ора-сира мана шу урушни бошлаган исёнчиларни қарғарди. Баъзи хонадонлар дарвозаларини бузғудай бўлиб, тўхтовсиз дупурлата паноҳ сўраган исёнчиларни ичкарига киритмас, жон ҳалпида девор оша тушганларини калтак билан қувиб соларди. Одамлар бир бурда қора нонини, ярим коса ёвғонини тинчлик-ҳаловатда еб-ичишни истарди. Бу кейинги йилларда бошига ёғилган балою офатлар боис юрак олдириб қўйгани туфайлимиди ёхуд тобелик дилига сингиб улгурганмиди, англаш мушкул. Лекин ўрис босиб келганда, эрлари қаторида, хотинлари ҳам жангга кирган шу эл эди...

Қалъа ичидаги кўшин ўқ ёғдириб, ҳайқирганча ташқарига ёпирилганда чинакам қиёмат кўпди. Энди юраклироқ кўзғолончилар ҳам тирақайлаб қочмоққа тушдилар. Ғаним уларни отиб, чопиб, Асака томон қува кетди...

### 3

Кўзғолон бостирилди. Ғаним ўлдирилган йигирма икки нафар аскар учун аёвсиз ўч олмоққа тушди: аввалига шаҳар ичра кўринганки одамни отиб, чопаверди. Кейин остидаги замин айни дамда ўзига тегишли эканлигини англаб қолди шекилли, кўчадагиларни пўписа-дўқ билан уйга ҳайдайверди. Мингтепа томон қочган исёнчиларни тўпга тутди, отди, чопди...

Жавзонинг ўрталарида Муҳаммад Али халфани ҳам тутдилар. Уни ўз қавмдошлари Қўқонқишлоқда ушлаб беришди. Эшақда қочиб бораётган шўрликни ўн бир шериги билан банди этдилар ва оёқ-қўлларини боғлаб, ғаним пойига элтдилар...

Кунларнинг бирида туйқус ўрусий дўлногоралар жунбишга келиб, момагулдуракдек гум-

бурлай бошлади. Халқ ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий қалъа пойидаги майдонга тўпланди.

Ўшанда у ерга баззоз ҳам борганди. Ёдида, яқинлашаётган саратон қуёши оламга қўшиб одамларни ҳам ёндираман, дейди. Майдон четида ярим доира ҳосил қилиб турган халойиқ узра ғўнғир-ғўнғир сас таралади. Офтобда қорайган юзлар, мунг, аянч чўккан кўзлар ялтирайди. Оломон ичидаги аёллар чачвонларини хиёл қайириб, кўрқапаса, болалар эса бўйлари паст эмасми, кўзларини катта-катта очиб, рўпарага тикилган ўн иккита дорга ҳам қизиқиш, ҳам хавотир ила боқадилар.

Бир томонда ялтироқ погонлари ҳарбий либосларига ярашиб, ўзларига виқор ва салобат бағишлаган катта унвонли зобитлар қатор қўйилган ўриндиқларда думалоқ шляпа ва оппоқ кўйлак кийган аёллари билан ўтирибдилар. Барчаларининг орқаларида биттадан соябон тутган аскар ғоз турибди. Аёллари тинмай елпинади, зобитлар эса гоҳ-гоҳида бўйин терларини артиб қўяди. Уларнинг икки ёнида турли унвонли зобитлар чап қўлларида қилчлари сопини ушлаганча, гўё ўзларини жазирамага ҳам парво қилмаётгандай тутишга уринадилар. Орқа томонда шаҳарнинг ўрис билан “тил топишган” казо-казолари заррин чопон ва дастори саллаларини, олачипор соқол мўйловларини кўз-кўз қилгандай гердайишади. Сулаймон баззоз ҳам ўшалар орасида эди. Майдоннинг чор атрофини қуролли аскарлар ўраб олган, уларнинг яқиндагина рўй берган қора халқ исёни туфайли нафрат ва қасос ўтига тўла нигоҳлари оломоннинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, қаттиқ тикилади.

Кўп ўтмай, оломон бир қалқди, барча майдоннинг очиқ тарафига қаради. Ғала-ғовур кўтарилиб, “обкелишяпти, обкелишяпти!”, деган овозлар эшитилди. Чиндан ҳам ўша томонда қилч яланғочланган отлиқ ва милтиқ тутиб, икки қатор саф тортган аскарлар кўринди. Саф ўртасида иккитадан от қўшилган тўртта арава келар, уларнинг ҳар бирида уч маҳкум бир-бирларига орқа қилиб ўтқазиб қўйилганди.

Аравалар майдонга кириб, дорлар ёнига келганда дўлноғораларнинг овози бирдан тинди. Аскарлар маҳкумларнинг қўл-оёқларидаги оғир кишанларни ечишга саъй этдилар, бироқ ҳадеганда ечилавермагач, болта билан узиб, муддаоларига етдилар. Сўнгра уларни гоҳ турткилаб, гоҳ қўлтиқларидан кўтаргудай бўлиб, дорлар тикилган тахта сўрининг остига қаторлаштириб ўтқаздилар. Аравалар майдонни тарк этди. Бу орада маҳкумларнинг иккиси хушдан кетди. Бир неча муддатли оворагарчиликдан кейин уларни ҳушига келтирдилар.

Маҳкумларнинг афт-ангори жуда аянчли эди: юз-кўзлари шишиб, моматалоқ бўлиб кетган, уст-бошлари кир-чир, баъзилариники йиртиқ-сиртиқлигидан бағоят забун кўринадилар. Шу туришларида кимнинг ким эканлигини таниш мушкул, аммо айримларининг кўрқув ичра олазарак боқаётган кўзларидаги маънони англаш қийин эмас. Улар бир-бирлари билан гаплашмас, ёнидагиларга ҳамдардлик қилиш тугул шунчаки қараб ҳам қўймасдилар. Барчалари бир қарашда қилиб қўйган ишларидан афсусланаётгандек, энди тақдирга тан бераётгандек туюладилар.

Ўртада қандайдир нуфуздаги амалдор пайдо бўлди ва ўрисчалаб суд ҳукмини ўқиди, татар тилмоч уни таржима қилиб турди. Ҳукм ўқиб бўлингач, саллали мулла супага кўтарилиб, ҳар бир маҳкумга иймон калимасини айттириб, қўлидаги Қуръонни ўптириб, кўзларига сурдирди. Бу охират тадоригидан мутаассир бўлган кўнгли бўшроқ маҳкумларнинг кўзига ёш келиб, бўғзига йиғи тикилди. Мулланинг ортидан аскарлар ҳам супани тарк этиши ҳамано уларнинг ўрнига оддий кийимдаги кишилар (аввалдан тайинлаб қўйилган шекилли) чиқиб, маҳкумларнинг ёнида қойим бўлдилар. Баззоз отасининг гапларини эслади: “Ўрис жуда устомон, тадбири пухта. У от-аравада юриб, қуён тутуди”. Мана, жаллод болтасининг сопиниям ўзимиздан чиқарибди.

Жаллодга айланганликларини англамай, ўз юртдошлари қатлига киришган кимсалар маҳкумларнинг қўлларини боғлаб, бошига узун бўз қоп кийдира бошлаганда бирдан Эшон тилга кириб, баланд овозда деди:

– Эй мусулмон биродарлар, гувоҳ бўлинглар, мен ноҳақ тухмат билан кетиб турибман. Бола-чақаларим... майда-чуйда... кўп эди! Бу ҳоким ва тўралар яхши адолат қилмади. Тўғри ҳақиқат қилмади! Мендан рози бўлинг, мусулмонлар! Нима бўлаётганлигини ўзим ҳам билмай қолдим!.. Дуо қилинглар, шу золимларни... – дейиши билан “жаллод” ўрис тўранинг ишораси билан Эшоннинг бошига қоп кийдириб, курсига чиқаргач, уни тепиб юборди, сўзининг давоми бўғзида қолди. Бошқа “жаллод”лар ҳам унга эргашдилар.

Томоғи хиппа бўғилган маҳбусларнинг бир-иккиси буралиб, оёғини типирчилатиб, тезда тинчиди. Бошқалари эса жон талошида пириллаб айланиб, тўлғониб, ёндаги дорларнинг ёғочларига урилиб, кўп қийналдилар. Халойиқ ичра бу даҳшатни кўриб турган ёш болалар “дод, ота”, “дод, она”, дея йиғлаб юбордилар. Баъзилари ҳушдан оғиб, йиқилди. Айримлари дод солиб, ўзларини четга урдилар. Майдонда тўполон турди. Катталар ҳушидан кетган болалар билан овора бўлганда, дордагилар тинчиб қолганди.

Исёнчиларнинг мурдалари кечгача осилиб турди. Агар ёз иссиғи бўлмаганда, эл дилига қўрқув солиш учун уларни бир неча кунлаб шу аҳволда қолдиришлари тайин эди. Хандаққа оҳак солиб, мурдаларни устма-уст ташладилар ва тагин оҳак солиб, тупроқ тортдилар. Бош кўтарганларнинг ҳатто суяги ҳам қолмасин, дедилар.

Ғанимнинг жазаваси шу билан тўхтамади: яна қанчалаб кишилар қатл этилди, узоқ ўлкаларга сургун қилинди, авахталарга тиқилди. Халқ эгасини туйқус чўқиб қўйган хўроз каби жазога тортилаверди...

Бир куни тонг саҳарда Мингтепа бирдан тўпга тутила бошланди. Одамларнинг аксар қисми ғафлат уйқусида эди. Гумбур-гумбурдан уйғонгач, кийим-бошини ҳам унутиб, ёш болаларини кучоқлаб, аёллар бешиқдаги гўдагини ечиб ёки шунга ҳам улгурмаганлар бешиги билан кўтариб ҳар тарафга қоча бошладилар. Андижонда омонлик йўқлигидан Наманган, Марғилон, Ўш томонлардан паноҳ изладилар.

Тўплар тингач, энди қишлоққа аскарлар бостириб кирдилар ва кўринганки одамни чопиб, отавердилар. Ҳатто эрмак учун товуқ, итларни ҳам аямадилар. Бу ваҳшийлик уч кун давом этди.

Қишлоқда ҳеч ким қолмагач, уйлардаги кўрпа-тўшак, кигизу палос ва идиш-товоқлар бир жойга жамланди-да, ўт қўйиб юборилди. Сўнгра атроф қишлоқларнинг мингбошиларига амр этилиб, икки мингдан зиёд мардикор тўпланди. Улар кетмону белкурак билан ўн беш кун ичида Мингтепани текислаб ташлашди. Ғаним бу қишлоқ ўрнида қадим Довон давлати бўлганлигини ва ўз даврида оламга довуғ солганлигини билармиди ёки йўқми, номаълум. Аммо ўшанда Довон давлати қалъаси қолдиқлари – тарихий ёдгорликларга ҳам катта шикаст етди.

Сўнгра Мингтепани мужикларга чек қилиб бўлиб бердилар. Тарх асосида кўчалар очиб, уйлар қурдилар. Эшоннинг уйи ўрнида черков тикладилар. Халқни масхаралашнинг яна бир усулини топиб, ўрисча “Милость” сўзини таржималаб, қишлоққа Марҳамат, дея ном бердилар...

Баззоз у кунларни мудом унутолмайди...

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН. ТЕГИРМОН. РОМАН

### Тўртинчи боб

Абдулҳамид Матқовулга файтунни ҳозирлашни буюриб, уйга кириб, қайтиб чиқди-да, сўрида дастурхон йиғиштираётган Фозилани, отасига сездирмай, имлаб чақирди. Қиз ортиқча бир саяйсиз, қўлида чойнак, пиёла билан катта уй бўсағасида унга рўбарў бўлди.

– Ҳмм?..

– Бугун сабоқ олгани бораслами? – сўради Абдулҳамид сўри томонга бирров қараб кўяркан, қарийб шивирлаб.

– Ҳмм... – деди акасининг муддаосини англаб турган Фозила гўё зарда қилгандай.

– Мановни кичик муаллиманга бериб қўй, – ака нигоҳини атрофда тентиратиб, буклоғлиқ қоғоз узатди.

Сингил мийиғида кулди.

– Обида опам яна қайтарса-чи?

Ака хиёл қизишди:

– Сен бериб қўёвур-чи!..

Фозила хатни олиб, нари кетаркан, Абдулҳамид дарвоза томон йўналди.

– Бир балони бошлаб келмагин тагин, – деганча қолди онаси.

Абдулҳамид катта дарвоза олдида файтунга ўтириб, жиловни кўлига олди. Матқовулга “Раҳмат, ака, отамга индамай қўйовринг”, дедию отни Янги шаҳар томон бурди...

Рафиқий бир армани савдогар бойнинг меҳмонхонасида ижарада турарди. “Рафиқни



олволсам, юрагим бутун бўлади, – ўйлади у. – Эл аро кечаётган бу ғалаёнларда, албатта, бир рафиқ<sup>9</sup> даркор”.

Рафиқий асли Бухоро тожикларидан. Хийла таъби назми бор. Шунинг ортидан қаламга ошно бўлиб, газетчиликка қизиқиб қолган. Турфа газетларга кичик-кичик хабарлар ёзиб туради. Абдулҳамид билан Тошкентда танишган. Бухоронинг янги фикрли ёшларига бир қур қўшилиб, амирнинг таъқибини ҳис этгану Тошкентга қочиб қолган. У ерда ўрис охранкасига рўбарў келгану...

Абдулҳамиддан тўрт ёш катта бўлса ҳам, тез тил топишиб, дўстлашиб кетди. Ниҳоят, унинг таклифи билан Андижонга келди. Гоҳ тилмочлик қилиб, гоҳ камбағалларга хату шикоятлар ёзиб бериб, яна бир томони, газетлардан олган қалам ҳақи ҳисобига кун кўриб юради. Баъзида Абдулҳамиднинг ҳимматидан – ҳадяларидан ҳам бенасиб қолмайди.

У зерикиб ўтирганмиди, Абдулҳамид билан оғзи қулоғида кўришди.

– Бормисиз-ей, жўро! Не қиларимни билмай ўтиргандим. Манга олтину кумуш на даркор, дўстлар дийдори бўлса бас, – деди сўзининг сўнгини тожикча лаҳжага солиб.

– Шитоб кўзғалғайсиз, жўро, – Абдулҳамид унинг кайфиятига ҳамоҳанг хитоб қилди. – Бизни буюк ишлар кутмоқда. Файтун сизга мунтазир!

Икковлон ҳазил-хузул ила Олтинқул томон йўл олдилар. Ўйдим-чуқур, чангу ғубор тўпикча ургувчи йўлларда от чоптириб, чошгоҳ қариётган маҳалда Сувюлдуз қишлоғига етиб келишди. Ғалаён авжида эди. Қишлоқ гузари одамга тўла, шовқин-сурон ҳам шунга яраша. Одамлар фойтунни ҳар куни ҳам кўраверишмаганидан уларга қизиксиниб қарадилар. Шунда Абдулҳамид одмироқ кийиниб олмаганидан афсусланди: тирикчилик, қадр-қиммат, дея жон талашаётган қашшоқ оломон ичра оҳорли либосда ялтираб туриш ҳар икки тараф учун ҳам номақбул эди. Лекин энди кеч, анча-мунча нигоҳларга эътибор бермай, муддаога ўта қолганлари дуруст.

Мундир кийиб, милтиқ тутган ўн чоғли миршаблар, кеча ўлдирилган бўлис бошқарувчисининг уезд таркибидаги уч қуролли йигити ва бир-икки оҳорлироқ кийинган саллалли одамлар оломонга рўпара турарди. Улар Абдулҳамид билан Рафиқийни кўриб, хиёл тараддуланиб қолишди.

Халойиқ зулм ва ҳақсизликдан тўйиб бўлганидан бир-бирига гал бермай, шовқин соларди. Миршабларнинг сусайганини пайқаб, ҳаракатлари янада шиддатли тус олди. Абдулҳамид одатига кўра, чор-атрофга, одамларга бир-бир назар солди: ана, анови ранги ноаён бўз яктаги устидан минг ямоқ тўн кийган озғин одам бўйин томирлари бўртиб, салкам ҳайқиради:

– Мардикорларга бериладиган пул нега бунчалар оз?! Ахир, улар бола-чақаларини, ўйларини ташлаб кетишяпти-ку!..

У қоқсуяк жағидаги бир тутам кўнғир соқолини силади ёки тутамлаб юлмоқчи бўлди. У соқоли узун отасигами, бир пайтлар ўлиб кетган бобосигами ҳавас қилармиди ёки тезроқ ҳамма ҳурматлайдиган одамга айланишни истармиди, кучанганидан бўйни ингичкалашиб борарди.

– Нега бойларнинг боллари мардикорликка олинмаяпти? – бу ғижим оқ яктакли, чоки ситилган дўпписини гоҳ-гоҳ ўнг қўлининг бош ва синчалоқ бармоқларига бошқа бармоқларини эргаштириб, тутамлаб қўяётган одамнинг овози эди. Унинг қорайган юзи, сертомир қўллари офтобда ялтирарди. У гўё “ҳей дунё, мен ҳам, болаларим ҳам тўйиб овқат ейишни, хотиржам ухлашни, Оллоҳнинг биз камбағалларга ҳам қарашини истаймиз”, деётгандек бўларди. Кийимлари эски-туски, йиртиқ-ямоқ бу одамларнинг юзюю оёқ-қўлларининг туси ўрик танасини, унинг шохларини эслатар, туришлари, гапиришлари, ҳатто нигоҳлари жуда аянчли эди, ягона илинжи сабр ва ниманидир (нима бўлмасин) кутмоқдан иборат эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Абдулҳамид уларга боқаркан, қалбини уятга қоришиқ ачиниш ҳисси исканжага олаверди. Наҳотки, шунча китоб титкилаб, илм қувиб, бир нималарни ёзиб-чизиб ҳам хору зор мана бу одамларга – ўз халқиға ёрдам бера олмаса? Наҳотки, нажот йўқ? Нажотнинг ўзи нима ва у қаерда? Шуурига туйқус эрталаб отасига беихтиёр айтиб юборган гапи урилди: “Намоздан муҳимроқ нарсалар чиқиб қолди”. Дилидаги уят, чорасизлик ҳисси зиёдалашди. Наҳотки, намоз мана ви шўрлик одамларнинг дардига малҳам бўлишдан ҳам муҳимроқ, савоблироқ бўлса? У миясининг қайсидир бурчагида бу ўйларининг куфр эканлигини билиб турса-да, тан олгиси келмасди. Шу одамлар ҳам намоз ўқирмикан? Унинг саволлари чувалашавер-

<sup>9</sup> Рафиқ арабча – дўст.

ди: агар ўқишса, Оллоҳдан нималарни сўрашаркин? Албатта, энг аввало, сабр сўрашса керак-да. Бу халқни ана ўша битмас-туганмас сабри еб битирмасмикин? Намозлари сўнггида шукрона ҳам келтиришармикин? Нимага шукрона – мана шу азобу уқубат, но-чорлиги қашшоқлик тўла ҳаётга келганликлари, зўр-базўр кун кўраётганликлари, эртанги кунга, болаларининг тақдирига ишонмаганликлари учунми?..

Рафикий унинг аҳволини тушунганиданми, бир сўз айтмай, оломонга тикилиб тураверди. Абдулҳамид эса одамларга бирма-бир назар ташларкан, ҳар бирининг ҳаракатларидан, юз-кўзларидан турлича маънолар чиқариб, уларнинг нафрати, шиддати ва жазаваси даражасини илғашга, яъни халқнинг паймонаси ростдан тўлганми ёки шамолда ўчган шам каби миршабларнинг дағ-дағасидан дарров сўнадими, билишга уринарди.

Шу пайт ўн етти ёшлар чамасидаги бўйчан бир йигит қора, чайир қўллари билан ўзбек миршабнинг ёқасидан олиб, силтаркан, ўшқира кетди:

– Менинг тоғам қани?! Тоғамни қўйвор! – у миршабни оломоннинг оёғи остига ётқизиб, тепкилаб ташламоқчи бўлди. Ҳамма кўргиликларининг сабабчиси мана шу миршаблар деб, уларни бурдалаб ташлашга тайёр турган одамлар мундирсиз, ўрисга ёлланган, тўн кийган миршабни оёқлари остида кўриб, беихтиёр ортларига тисландилар.

– Тоғамни қўйиб юборларинг! Ахир, унинг олтита боласи бор! – Йигит миршабларнинг ҳаракатсизлигидан, оломоннинг чекинанидан рағбат олдим, яна тупроққа беланган миршабга ташланди. – Тоғам айбсиз, қўйворларинг!..

Шундагина ўрис миршаблар гўё уйқудан уйғонгандек, бирлари оломонни четлатишга, бошқаси ёлланма миршабни йигитнинг чангалидан кутқаришга интилди.

Абдулҳамид ҳис этди: самимият қаршисида ҳар қандай куч ҳеч экан. Акс ҳолда, йигитнинг фақатгина ўзигагина тегишли бўлган дарди, ҳатто журъати қошида ўз эли чекинмаган, ғаним лол қолиб, эсанкирамаган бўларди. Демак, эрк истаган эрк, демакки, ким нима истаса, ўшани олади – бу ҳақиқат.

Йигит баттар жазавога тушди:

– Санларга нима ёмонлик қилдим, кофирлар?! – У уч-тўрт миршабнинг чангалида тобора эгилиб-букилиб, синиб бораркан, имкон топиб, елкалар, қўллар, башаралар аро одамларга ҳайқирди: – Тоғамни қайтарсаларинг бас!.. Нега қараб турибсиз, халойиқ?! Бироқ энди оломон негадир жимиб қолди. Бир-бирларининг ортида оёқларини қўйиш

учун қулай жой қидирган одамлар ҳайрат, кўрқув, умидворлик ботган нигоҳларини йигитга қадаб, сўзсиз қотдилар. Фақат орқа тарафлардан, эҳтимол, нима бўлганини англамаганлар ичра умум фўлдираш, “нима гап, нима гап?” қабилдаги гап-сўзлар эшитилди, холос.

Абдулҳамид бу эврилишни пайқади, эҳтимол, ҳис этди. Агар шамол турса, дарахт япроқлари турфа жилпанглайдилар: бири ўнг, бири сўл ёққа. Кимдир шамол бир томондан эсгани боис барглар ҳам ўша ёққа оғади, ҳилпирайди, деб ўйлайди. Аммо шамол – бу шамол, япроқ думалоққа мойил енгил бир нарса, яъни шамолнинг шашти унга ҳар тарафдан урилади, зеро, унинг жилпанглашдан ўзга иложи йўқ. Айни пайтда оломоннинг кўйи шунга монанд эди.

Энг аввало, соҳиби ҳолат – миршаблар “уйғондилар”: йигитни баттароқ эгиб, қайриб, нари олиб кета бошладилар. Бошқалари ҳаракатсиз турган оломоннинг йўлига тўсиқ бўлгулик алпозда қуролларни шайлаб, саф тортдилар. Шунда оломон ҳам уйғондими, аввалига журъатсизлик билан, кейин эса миршабларнинг турткилашларидан жунбишга келиб, “бор таваккал” маъносига “жонли девор”га урилмоққа тушди: яна ғала-ғовур, ур-сур, ҳақ талашиш авжланаверди.

Абдулҳамид Рафикийни “мен билан юр”, дегандай бир туртди-да, аллақачон четга олиб чиқиб кетилган бояги йигитнинг ёнига шошилди. Сўлга қайрилган муюлиш гузардаги талотумларга нисбатда хилватдай гап эди: уч барзанги миршаб тепкилагани ҳам етмай, энди йигитни милтиқларининг қўндоғи билан уришга шайланарди. Ҳали йигит гирибонидан олган ўзбаки миршаб эса унинг типирчилаётган оёқларини ушлашга ва ўрисларнинг ниятларига имкон яратишга уринади. Бу оломон феълининг энг юқори оқибатини намоиш этгувчи даҳшатли ҳолат эди. Агар Абдулҳамид етиб келмаса, ҳалитданоқ бир истикон ароқни сипқориб, қўйнинг чала пишган лаҳм гўштини еб улгурганидан мудом тишини шимиб-шимиб кўяётган ўрис миршаблар йигитни ўлдириб қўйиши мумкин эди. Абдулҳамид тап тортмай миршабларни ҳар томонга суриб, итариб ташлади. Ўзига нисбатан миқтироқ ўзбаки миршабни белидан

олиб, нарига улоқтира, йигитни елкасидан тутиб, турғазганда Рафиқий қулоч ёзиб, миршабларга юзланди:

– Бу нима қилганингиз?! – деди ўрисчалаб, қақчаяркан. – Ахир, у инсон!..

Миршабларнинг йилтираган кўзлари бир-бирига урилиши асносида лаблари қайрилиб, ёвуз жилмайишаркан, кетма-кет такрорлашди:

– Нима, нима?!.

Рафиқийнинг нафаси ичига тушиб, бўшашди, қўллари шалвиради. Йигитни қўлтиғидан тутиб, турғазган Абдулҳамид уни елкаси билан суяб, ўрисчалаб:

– Ахир, уям инсон!.. – дея ўқрайди.

Миршаблар унинг нигоҳига дош беролмадими ёки томоқлари “тақиллаб” қолганмиди, бирин-сирин шалвиради.

– Майли, обкетинлар бу сартни, – деб кўзларини яширишга уринди. – Қайтиб бунақа ишларга қўшилмасин.

Абдулҳамид билан Рафиқий йигитни қўлтиғидан олиб, файтун сари етаклади.

Йигит юзини тепага қилиб, қон оқаётган бурнини чимдиб-чимдиб қўяр, ҳансираб нафас оларди. Ўнг оёғи лат еган шекилли, чориғи ҳам оғирлик қилаётгандай судраб боса бошлади.

Уни файтун ғилдирагига суяб, ўтқазди. Йигит уст-бошидаги чанг-тупроқни қоқшига уринганда Абдулҳамид кафти билан унинг бошини тозалади ва чўнтагидан дастрўмолини олиб, йигитга тутди.

– Бетингиз ҳам шилинибди, иним, манг, – дея унинг рўпарасига чўнкайди. – Жароҳатингизга босинг. Кейин савол оҳангида қўшиб қўйди: – Сизни дўхтирга кўрсатиш керак...

Йигит дастрўмолни аввал бурнига, сўнг юзига босиб, артган бўлди. Энди у ўзини хийла босиб олган, ҳансирамас, аммо оёғидаги, умуман, танасидаги оғриқ туфайли аҳён-аҳёнда юзи бужмайиб, ихраб қўярди, орада чапаниларча бўралатиб сўкинарди.

– Қанақа дўхтир, ака?! Онангни... Қишлоқда дўхтир нима қилади! – У оломон сари ишора қилди: – Анови одамларнинг кимга кераги бор? Сийнингни... санларни, онағарлар!.. – У ўнг қўлининг муштини ғазаб билан ерга урди. – Унақабас-да, ака, шуям инсофданми?.. Кўрсатиб қўяман ман уларга ҳали!..

Абдулҳамиднинг наздида, йигитнинг бўйни шишиб, йўғонлашиб, гавдаси ҳам тобора йириклашиб бораётгандай туюлди. У юрагидаги, вужудидаги ғазаб, нафрат ва эҳтимолки, исён туфайли шиддатланарди. Абдулҳамид ич-ичидан завқланди, кўзлари чақнаб, Рафиқийга қараб қўйди. Унинг нигоҳида “мана шулар Ватаннинг истиқболи”, дегандай маъно бор эди.

– Қўқонликмисиз, дейман? – сўради Абдулҳамид унинг шеvasига ва ҳатто жангариллигига шаъма қилиб.

– Ҳа, ака. Тоғанни кўриб кел, деб, бияғдаги тўполонлардан хавотир олиб, онам жўнатувди. Келсам, бу аҳвол – тоғамни қамаб қўйишибди.

– Тоғангиз бўлис билан йигитларини ўлдиришда қатнашибдими?

– Қаяғда... – йигит лат еган оёғини силади. – Тоғам ювош одам, манга ўхшамайди. Ўғил бола тоғасига ўхшайди, дейишади – бекор гап экан. Омма тўполонда бўлган экан. Миршаблардан қочиб қочиб эплалмабди.

Абдулҳамид қалбида қанча алам, изтироб бўлмасин, йигитнинг гапларидан сўнг жилмайди.

– Исмингиз нима?

– Шамсиддин.

Шу пайт оломон ичра маломатли хитоб қилган бири пахтали тўн, иккинчиси чоки ситилган дўппи кийган одамлар уларга яқинлашди. Уларнинг кийим-бошини, ранг-тусини яқиндан кўриб, Абдулҳамиднинг кўксига аянч янада зиёдалашди. Юзлари захил, тўйиб овқат емаганидан силласи қуриб турибди. Сарғимтил тишлари, устидаги шалвираган рангпар кийимлари уларни ундан-да афтодаҳол кўрсатади. Бу Абдулҳамиднинг ёдига Тошкент Янги шаҳаридаги оҳорли, бунинг устига, кўплари оврўпоча кийинган, юзлари ялтираган одамларни солди. Нечун бунча фарқ, бу қадар тафовут? Яна-тагин бу шўрлик Туркистон бағридаги икки макон нисбати. Инқироз нафақат қорин-курсоққа, ҳатто кишилар руҳиятига ҳам ўтди. Она Туркистон бемор, оғир хаста. Умуман, юртда одамларга, уларнинг тақдирига бепарволик, лоқайдлик, айтилган сўзга вафосизлик авж олмақда. Одамлар, нафақат туркистонлик, ўрис ҳам тобора ўз қобигига ўралиб

бормоқда. Қувваи ҳофиза, дунёқараш тораймоқда. О, девона, не чиройли, осмоний ўйларни ўйлайдурсан-а?! Сен яхшиси, манови шўрликларга боқ! Абдулҳамид ичида ўзини ғадаблаб, ёнига келган кишиларга савол назари билан қаради.

– Сиз... Сизлар газетчимисиз? – сўради ситилган дўппи кийгани.

Унинг сўровидан сўнг Абдулҳамиднинг хаёлига энг аввало “наҳотки, бу одам газетни, газетчини билса?”, деган гап келди. Шунинг ортидан атрофга, оломонга ва ёнидаги кишиларга бир қур назар ташлаб қўйди.

– Ҳа, – дедию негадир Обидани кўргиси келиб кетди. Наҳотки, ўзимдан оғаётган бўлсам, деди ичида. – Нима гапингиз борийди, ака?

– Шуям инсофданми, иним? – Абдулҳамиднинг нигоҳидаги самимиятми ёки ўзидан бошқа, балки юқори табақадаги одамнинг тенг туриб, аслида, оддийгина гаплашганими, унга дадиллик бахш этди. – Укамни бойнинг ўғлини ўрнига жўнатиб юборишди. Энди меням обкетишмоқчи. Болаларимни ким боқади? Буларингизнинг ўрисида шафқат, мусулмонида инсоф қолмади, иним.

– Бўлис каттасини нимага ўлдиришди, билассими? – бўйин томирлари ўқловдай бўлиб, гапга қўшилди ёнидаги шериги. – У ноинсоф оқпошшо мардикорларга ажратган пулнинг ярминиям бермай қўйди. Бу олди-олдиларнинг хузурини машилар кўряпти!..

Сўл қўлини силтаб, миршабларнинг ёнида турган дастор саллалиларга ишора қилди: – Манаша кетиш бўлса, менам буларнинг биронтасини бошини ейман!..

Абдулҳамид акашақдай бу икки миллатдошига боқиб, сўзларини тингларкан, бобоси айтиб берган гаплар ёдига тушди.

Андижоннинг Эски шаҳаридаги жомеъ масжид-мадрасаси қурилаётган йиллар. Ишбоши – Муҳаммадали бой. У ҳар куни ўрикнинг остидаги сўрига ўтириб оларкан. Бино халқ хашари билан қурилаётгани учун иш анча йилларга чўзилган. Ўшанда масжиднинг минораси қурилар, бу анча мураккаб ва оғир иш бўлганидан катта меҳнатни талаб қилган. Баландлиги эллик газ бўлиши мўлжалланган минорага лой, ғишт олиб чиқиш осон бўлмаган. Шунда Муҳаммадали бой антиқа усул ўйлаб топган: бир одамни чақа тўла халта билан миноранинг остига ўтқазиб қўйган. Аёлу эркак, бола-бақра борми – ким истаса ёки муҳтож бўлса, келаверган. Эркаклар яктагининг пешини қайириб, паранжили аёллар ва болалар елпиштовок ёки белбоққа икки-учта ғиштми, бир-икки кетмон лойни солиб, миноранинг ичидаги зинапоялар орқали тепадаги усталарга элтиб берган. Қайтишда минорадан чиқаётиб, бир миридан олган. Хоҳлаган одам ишни яна давом эттираверган, хоҳламагани бир мирига егулик олиб, уйига кетган. Аммо минорага чиқувчиларнинг сафи сира бузилмас, худди занжирдай чўзилаверарди, дерди бобоси. Ана ўша шўринг қурғур қашшоқ халқ мудом қашшоқ, ўйлади Абдулҳамид. Нима қилмоқ керак? Бу йўқсилликнинг, чорасизликнинг чораси борми?! Юраги эзилди, ловуллаб ёнди. Бундан қутулиш ниятида шуурининг бир четига Обиданинг хаёлини жойлади: не жавоб ёзаркин?

У икки арзчининг исм-шарифини ёзиб олаётганида бояги тўн кийгани исмини сўраши билан бир-икки қадам ортига чекиниб, “отимизни ёзмай қўя қолинг”, дейишга тушди, бироқ шериги турткилаб мажбурлагач, айтди. Шу асно улар томон келаётган икки ўрис миршабга Рафиқий пешвоз чиқиб, нималардир дея нарироқданоқ қайтариб юборди. Буни Абдулҳамид пайқамади.

Қайтишда Ҳиндимозор, Дўнқайма қишлоқларига ҳам кириб, одамлар билан учрашдилар. Шаҳарга шом қоронғисида қайтдилар.

## Бешинчи боб

### 1

У отнинг жиловини Матқовулга тутқазиб, ичкига ўтди. Отаси шийпончада ёнбошлаб ётар, шифтдаги фонар ёруғи қандайдир соялар қоришган юзидаги маънони кўрсатишга ожизлик қиларди. Абдулҳамид салом берди-да, ортиқ бир сўз айтмай, ўз хонасига кириб кетди. Бироздан сўнг кийимларини алмаштириб, қайтиб чиқди. Ариқчадаги сувда таҳорат олди, ювинди. Ўша жойнинг ўзида артинаркан, отасининг одатдагидек нимадир дейишини, сўроққа тутишини кутди ва ўзича жавоблар ҳозирлади. Бунақа пайтда отаси, албатта, “нима қилдинг, қайга бординг”, деб сўрагучи эди. Лекин ҳозир лом-мим демади. Ўғлининг ортидан таҳорат олиб, хуфтон намозини ўқиш учун масжидга чиқиб кетди. Абдулҳамид уйга кираётганида қўлида коса, елкасида сочиқ тутган онасига рўпара келди.

– Овқатийни қайга олиб борай, ўғлим? – сўради фарзандининг бўй-бастидан, тана-сидан уфураётган софлик ва навқиронлик ифоридан кўнгли ийиб.

– Хонамга обкира қолинг, она, – негадир у шоирона қилиб “она”, деди. Аслида, анди-жонликлар онасини “буви” дерди, жумладан, Абдулҳамид ҳам. – Отам хуфтонга чиқиб кетди, иккаламиз бир ўтирайлик.

Бу онасининг кўнглига қараб айтилган гап эди, аслида, айна дамда ёлғиз қолишни истарди.

Сочиқни илгакка илиб, оёқларини узатиб ўтирди. Юз-кўзидаги, димоғидаги чанг-ғубор ариб, руҳи енгиллаганидан, шури тиниқлашганидан чўзиб хўрсинди, шу билан чарчоқлари чиқиб кетгандай бўлди. Сарғимтил чироқ ёруғида аввал хонтахта устидаги қоғозу китобларига, сўнгра меҳроб жавонига терилган китобларига қайта-қайта маъносиз қараб кўяркан, томоғи бўғилаётгандай изтиробли ютинди. Нигоҳига яна қоп-қора озгин одамларнинг суратлари тўлаётганда, эшик ортида ўғлининг артиниб-нетиб олишини кутиб турган онаси кириб келди. Қўлидаги нарсаларни дастурхон ёзилган хонтахтага қўйиб, “ол, болам, ҳозир чой обкелам”, дея қайтиб чиқиб кетди.

Абдулҳамид сирланган ёғоч қошиқни косага солди: совиган мастава илитилганидан хийла куюқлашган, салкам шавлага айланганди. Овқатни ковлади, бир қисм гуручни оғзига олиб, гўё азоб билан ямлади-да, жуда қийинчилик билан ютди, кекирдаги узилиб кетган деди, наздида. Қошиқни косага кўяркан, тагин кўз олдида Сувюлдуздаги одамлар намоён бўлди. Ютган уч-тўрт дона гуручи мисоли уларникидай, кекирдаги силтаниб, қайта-қайта ютинди, кўнгли ғилқиди. Халқ бу аҳволда бўлсаю, биз тўйиб, бўкиб-бўкиб овқат есак! Паришон ҳолда овқатни тагин ковлаганди, қошиққа бир тишлам гўшт илинди. Пича унга тикилиб тургач, кўнгли баттароқ ғилқиб, косани нари сурди.

Чойнак-пиёла кўтариб, онаси кирди.

– Овқатийни ичмабсану, болам? – деди ўғлининг юзига синчков назар ташлаб, шунинг асносида чойни бир-икки қайтарди.

– Қорним тўқ, – фарзанд бошқа нима ҳам дерди. Аслида, у эрталабдан буён туз тотмаганди. – Оммалекин чой ичаман, – бу гапни яна онасининг кўнглини ўйлаб айтди.

Она чой узатди. Ўғил пиёлани олдию, бир қур лабларига теккизиб, дастурхонга қўйди.

– Агар хапа бўлмасанг, бир гап айтмоқчийдим, болам, – деди онаси узрона оҳангда.

– Нега хапа бўлам, буви, айтаверинг, – ҳамон дилу шуурига зил солаётган хаёлларини қувишга уринди ўғил.

Онаси ненингдир истиҳоласида бир пас жим турди. Сўнг:

– Отанг сени уйлантирсаки, деяпти, – деди дастурхон четини бураб, ер остидан.

Абдулҳамид жилмайиб, негадир жуда тез жавоб қайтарди:

– Ниятларингиз муборак бўлсин, буви. – У онасининг кўзларига табассумли нигоҳини қадади. – Шу бир-икки кунда жавобимни айтаман.

Бу унинг ёлғиз қолишини истаганиданмиди ёки чиндан ҳам бу борада режаси бормиди, тушунарсиз эди. Онаси “аммо-о”, деркан, коса билан нонни олиб, кўзгалди.

– Майли, айтарсан, болам...

Онаси остона ҳатлаши биланоқ бағрида бир бўшлиқни, ёлғизликни ҳис этди. Шу пайт хонтахтада улкан денгиз бағридаги кичкинагина оролдай турган бир парча буклоғлик қоғозга – мактубга кўзи тушди. Юраги хиёл сапчигандай бўлди, бироқ қоғозни олишга шовилмади. Обиданинг жавоби бўлса керак, сингиллари келтирган. Ўтирган кўйи хонтахта томон сурилди. Ҳали мактубни тутмай туриб, хаёлига “сингилларим ўқишмадимикан?”, деган савол келди. Йўқ, улар одобли, ҳеч қачон бировнинг нарсасига бесўроқ тегишмайди. Улар исломий ҳаё ва ахлоқ тимсоли бўлган онаси – Ойшабибининг тарбиясини олишган. Обида не жавоб ёздийкин? Мактубни қўлига олганда юрак уриши тезлашди...

Қатортерак маҳалласининг бошида қизлар мактаби бор эди. Унда Асҳоба Жамол исмли татар аёл отинойилик қиларди. Лекин маҳалла аҳли негадир уни “Надя”, “Надя опа” дея атарди. Бу мактабда замона зайлини фаҳмлаган, истиқболни кўра билган тараққийпарвар, илмпарвар кишиларнинг фарзандлари ўқирди. Абдулҳамид отасини кўндириб, сингилларини ҳам шу мактабга элтиб берганди. Ўшанда Надя опани ва унинг икки кўмакчиси – Обида ҳамда Моҳирўя отлиғ татар қизларни ҳам кўрганди. Улар ўзбек аёлларига ўхшаб паранжи-чачвон тутишмас, этаги ва енги узун, ёқаси ёпиқ кўйлак кийиб, оқ рўмол билан пешонасини сириб, сўнгра қулоқлари устидан ўтказиб, бўйинлари аралаш боғлаб олишарди. Юзлари шу қадар нурли, кўзлари мовийга мойил, айниқса,

Обиданики ўзгача ёқимли, фируза ранг эди. Қизлар татар лаҳжасида сўзлашар, бу қулоққа ҳуш эшитилар, уйғоқ кўнгилли эр кишининг жонига оташ соларди. Ўрчисчада ҳам заҳматсиз лутфга қодир, бурро тиллари ҳуснларига ортиқ ҳусн бахш этарди. Назокат, дилга ғулу солмоқ бобида Обиданинг зиёдалиги бор эди.

Абдулҳамид мактабнинг талабу қоидалари, тўлови ҳақида Надя опа билан келишаркан, орада Обидага қараб-қараб қўярди. Қиз буни сезди – йигитнинг нигоҳидаги олов унга ҳам аён бўлди.

Абдулҳамиднинг қалбига ишқ ана шундай кириб келди. Кейин кўп ўйлади: уни ром этган Обиданинг фақатгина чиройимиди? Наҳотки, атрофида ундан гўзалроқ қизлар йўқ эди? Йўқ, энг аввало, қиздаги ҳурлик, эркин-озод муомаласи ёқиб қолганди, ёқиб қолгандигина эмас, уни мубтало, асир этганди. Обида юзидаги ҳарир табассумни нигоҳи сари ҳимариб, тик, аммо мулойим боқиб, тинглайди. Нигоҳидан юрак ҳаловат топади, гўзал ва уқувли суҳбатдош. Абдулҳамид уни қўмсайдиган бўлиб қолди: ўтирсатурса, тушу ҳушида, гоҳо қаламида ҳам Обида. Баъзан эрта, баъзан кеч, сингиллари баҳона ихтиёрий, ноихтиёрий Надя опанинг даргоҳига интилади. Қизнинг ҳам унга майли бордек...

Мактубни очди: арабий имлода гўзал ҳуснихат ила татарча лаҳжада битилган нома одатдагидек салом билан бошланганди. Фонарга яқин бориш учун ўрнидан туриб олган Абдулҳамиднинг кўзлари мактуб сўнгги сари боқаркан, туси тобора ўзгариб борди: аввалига юз рангининг бўзаргани ҳатто чироқ ёруғида ҳам сезилди. Кейин қошлари чимирилиб, бурнининг тугаш қисмида тугун пайдо бўлди, лаблари хиёл титради. Титроқ бармоқларига ҳам кўчди. Унга айни дамда севгисининг рад этилиши ножоиз эди. У ҳозир кун бўйи кўрган нарсаларини унуттишни, бир ҳуш андармонликни истарди. Бу андармонлик – Обида эди, унинг хаёли билан ўзини ўнглаб олишни хоҳларди. Лекин қизгина унинг севгисини қойиллатиб рад этганди.

Вужуди салқиб, палос устига беҳол чўқди. Юрагини кимдир қаттиқ ғижимлагандай, қисирлаб кетди гўё, тани, юзи, кўзларининг ичи ҳам қизиди. Обиданинг муждали боқишлари кўз олдида келиб, нолавор орзиқди, киприклари намланмай туриб, тишлари орасида олов – оҳ пайдо бўлди.

Сизаётган ёшни қайтариш учун кўзларини кафтлари билан ишқалаб, кескин нафас чиқарди, ортидан бурнини тортди. Нигоҳини китобларга бурди. Кўнгли Бедилни тусади. Китобни топиб, чироқ ёруғига суриларкан, кўзига илинган илк рубойини ўқиди.

У Мирзо Бедилни севарди. Кўпинча юпанч ёхуд чора, кўнглига таскин истаганда унинг рубойларидан малҳам топарди. Китобни варақлади.

Ҳавас таркин этмоқ кўп маҳол бунда,  
Эркинлик фақат бир эҳтимол бунда.  
Нимага боқмайин, дил бўлур асир,  
Кўнгил узмоқ эса бўш хаёл бунда.<sup>10</sup>

Кўп ўтмай, “нимага боқмайин, дил бўлур асир” сатри шуурида қайта айланди-да, инсоннинг бандилиги азалий эканлигини яна бир бор англаш бағрини ўртади: эркинлик эҳтимолу шундан ҳам кўнгил узмоқлик хом хаёл. Демакки, одам ўз эркинлигини севади. Унга ўзининг беихтиёр фалсафа сўқий бошлагани ёқмади. Ҳозир юраги ўзга туйғуларни истарди, ҳеч йўқ ишташни истарди.

Ҳа, у ёруғ бир ишқни, муҳаббатни соғинарди. Соғинчининг манзили, тўғрироғи, жавоби Обиданинг қалбида эди. Энди билдики, қизгина унинг севгисини ҳам, соғинчини ҳам қалбига киритмаган экан. Унинг ўтли боқишлари, севгисидан мужда бераётгандай сўзлашлари, бутун вужудидан ёғаётган назокат, балоғат ифори, эҳтирос уни умидлантирганди. Ҳар сафар учрашганларида гаплари қовушиб, кўзланган муддатдан ҳам кўпроқ туриб қолишар, беихтиёр кечгувчи суҳбатлари мавзуси ўз-ўзидан тўғилаверар – адабиёт, шеър, кўнгил хусусида бўларди. Айниқса, унга татарча, ўрчисча газетларни ёхуд бирон истаган китобини олиб бориб берганда кўзлари чақнаб, ўзида йўқ севиниб кетарди. Бу кўйи Абдулҳамидга жуда-жуда ёқар, такрор-такрор кўргиси келаверарди. Қизнинг муносабатларини севги деб ўйлаб, янглишибди. Аслида, шунчаки самимиёт, гўзал қизларга хос жозиба, оҳанрабо экан.

<sup>10</sup> Рубойилар Шоислом Шомухаммедов таржимасида берилмоқда.

Юраги сиқилди. Бугун кўрганлари хусусида ёзмоқчи бўлган мақоласини, дафтаридаги қораламалари ва қайтаётиб калласида пишитган ўй-фикрларини ҳам унутишни истади, наздида, улар арзимас, кераксиз нарсадай туюлиб кетди. Ташқарига чиққиси келди. Китобни хонтахтага қўйиб, эшикка йўналди. Тун авжланиб, ўзининг чин мақоми сари оғиб борарди. Кузнинг аввали эмасми, кундузги иссиқ тафтини қайларгадир қувиб ташлаган салқин ел олдини танага хуш ёкса-да, маълум фурсатдан сўнг кишини бироз жунжиқтириши мумкин. У кўксини тўлатиб, чуқур-чуқур нафас оларкан, юлдузли осмонга боқди. Юлдузлар тиниқ ва ёқимли жимирларди. Ўзингни юлдуз атаб эдинг, қани, анави қавмдошларингга ўхшаб бир чарақла-чи! Қаёқда, энди сен чарақлаш тугул, биргина қизнинг ишқига ҳам сазовор бўлолмай, қисматнинг қаро булутлари ортида қолгайсан!..

## 2

Тунларни тонгларга улаб, шеър ёзган, китоб титкилаб, уйқусиз ўтказган ўн олти ёшли дамлари эди. Ўшанда тун бўйи мутолаа қилганидан кўзлари ачишиб, тонгга яқин ҳам уйқуси келмади. Бироз ҳаво олиш мақсадида ташқарига чиқди. Тонг ҳавосини тўйиб симираркан, бағрига кириб кетгудай тип-тиниқ осмонга ютоқиб тикилди. Юлдузлар аллақачон сийраклашиб, хиралаша бошлаган, само тоқида биргина юлдуз чарақлаб турарди. Бу Чўлпон юлдузи эди. Наздида, юлдуз аслидан ҳам каттароқдек, ёрқинроқдек туюлди. Қанийди, шу юлдуздек чарақлаб, шўрлик халқимнинг, эзилган, мазлум миллатимнинг ҳаётини, тонгларини чароғон қилолсам! Шеърят, адабиёт осмонининг Чўлпони бўлиб порласам! Юраги ҳаприқиб, ўзини коинот кўксига ботиб бораётгандек ҳис этди... Тошкентга боргач эса...

1914 йили Уфада чиқадиган “Вақт” жариди<sup>11</sup>сида унинг мақоласи босилди. Унда Андижонда замонавий мактаблар, шифохоналар йўқлиги, мавжуд мадрасалар эса тараққийдан орталлиги, юртнинг сармоядорлари ўз халоватлари, маишатларининг тўқислиги ҳақида ўйлашлари ҳақида ёзганди. Шаҳарнинг энг катта бойи Миркомилбойнинг Ўрусия қолиб, Оврўпонинг Париж, Вена, Берлин каби кентларини кезиб, Ватанига олиб келгани бир автомобиль бўлганлигини, бу эса мақтанчоқликдан ўзга нарса эмаслигини танқид бўронига олганди. Исмоил Ғаспирали бу мўъжаз мақолани ўқиб қолиб, Абдулҳамид билан аввалдан ғойибона танишлиги борлиги ва маърифат оламида милтираганки чўғдан умидворлиги боисми, уни “Ойна” жаридасида ҳам бостирди. Андижонлик йигитчанинг ҳақ сўзи бутун оламга таралди. Бундан илҳомланган йигит жаридага “Андижондан мактуб” номи иккинчи мақоласини йўллади. Унда юртнинг қоқлигини, бойлар ўз сармояларини фақат кўнгилхушлик, айш-ишрат ва нафсларини қондириш учун сарфлаётганликларини, халқнинг аҳволи ҳақида зигирча қайғурмаётганликларини, мисол учун, Миркомилбой Оврўподан олиб келган автомобили билан шаҳар кўчаларини чангитиб юришдан бошқасига ярамаётганлигини фош этди. Аммо...

Қаердаки куч, давлат бўлса, ўша жойда қудрат, ўшанга яраша хоҳишу унинг силқиндисидан умидвор хушомадгўйлар, маддоҳларнинг бинога келиши тайин. Миркомилбойни газет ўқимайди, дейиш нотўғри бўлар-ку лекин у газетларда ёзилган нарсаларни кўпроқ гумаштаю хушомадгўйларидан эшитар, асосан, дунёдаги қайси бой ёки подшо нима қилганию не бўлгани, дейлик, олмон бойининг қанча пули бору, у қаёққа оқаётганлиги ва умуман, шунга ўхшаш нарсаларни билишга уринарди. Китоб титкилаб юрган бир “тирмизак”нинг фикрлари уни мутлақо қизиқтирмас, авом ўзича, у эса ўзича фикрлаши қонуниятдек туюларди. “Ит ҳурар – карвон ўтар”, дерди у қошларини чимириб. Аввал ўша “тирмизак” дунё кўрсин, тараққий тижорат ва саноатда эканлигини билсин, бир пучмоқда ғимирлаб, минғирлаши элга ушоқ бермас, деб қўярди ичида ёхуд ишончли кишилари даврасида. Аммо ишончли кишилар “тирмизак”нинг ёзганини бу сафар бўлакчароқ етказишди:

– Бу болани отаси Сулаймон баззоз қайрайду! – дейишди улар. – Эл олдида сизни беобрў қилиб, Андижонда биринчи бўлмоқчи ўша бўзчининг ўғли!..

Давлатмандларнинг кайфияти кирим-чиқимга ёхуд кишиларнинг муносабати, тўғрироғи, хушомадига қараб ўзгариб туради. Бирови чекади, бирови ичади, бошқаси... Наздида, дунёни улар тебратади ва ҳамма гап-сўзида, юриш-туришида, ҳатто нафас олишида уларни ўйлаши шартдек. Бунақа кайфиятли одамга бировнинг ёмонлигини

<sup>11</sup> Жариди арабча – журнал.

исботлаш қийин эмас: “Бу “тирмизак” отаси билан бирга сизнинг ўрнингизни олмоқчи”, бунга қўшиб, “отаси фалончи ўрис билан апоқ-чапоқ бўлиб қопти”, дейилса бас. Қолган хулосани эшитгувчининг ўзи чиқариб олади.

Миркомилбой хушомадгўй чақимчиларнинг гап-сўзларига гўё парво қилмади. Сулаймон баззозга индамади. Фақат рўпара келганда бироз қовоқ-тумшук қилиб қўйди, холос. Баззоз ҳам анойи эмас, буни тушунди...

Лекин кейингиси ортиб тушди.

Абдулҳамид Миркомилбойнинг саройидаги йиғин ҳақида эшитиб қолди. Миркомилбой қайси мамлакатга борса, айниқса, Ўрусияда, кўрган биноларининг аксини Андижонда кургиси келарди. Шаҳарда иккита бино қурган. Уларнинг бири Эски шаҳарда Петербургдаги савдо мажмуи – “Торговий двор”га тақлидан қурилган савдо растаси бўлган. Иккинчиси, Ўрусия Давлат Думасига қиёсан тикланган, аммо ўхшамаган, каттакон сарой эди. Миркомилбой турли йиғин, маслаҳатларини шу ерда уюштирарди ва бундан ўзича фахр-ифтихор этарди. Бу сафар шаҳарнинг казо-казолари, уларга эргашган савобталаблар қачонлардир Хакан қишлоғига келиб қолган, муслмонликни қабул қилган бир ўрис “мужик”ни ҳаж зиёратига жўнатмоқчи бўлибдилар. Бунинг учун хайр-ҳадоя ила пул йиғилибди. Тўрда оппоқ эҳромга ўранган, малларанг соч-соқоли ҳам ўзбек сартарошларининг “маҳорати”дан рисолага келган “мужик”, унинг ёнида юрт эгаларининг посонгиси ёки ҳукумат олдида обрў топиш илинжида бўлган катта-кичик саллали одамлар. Миркомилбой эса улардан ва қуйидаги элдан айро четроқда оромкурсида думалоқ кўзойнаги ортидан барчани кузатиб ўтирибди. Одамлар савобли ишга ҳисса қўшиш илинжида жонсарак, безовта тараддудланади. Ким биров бунинг ортидан ҳам савоб, ҳам обрў топишга интилади, кимсан фалончи бой билан бирга ўтирганлигидан ва юртнинг энг олди одамлари сафида турганлигидан ифтихор қилади.

Ўрис эса ҳам ҳайрон (кимларнингдир гапига кириб адашмаганидан), ҳам шунчалик обрў топаётганидан шод. У қачонлардир кимларнингдир қийин-қистови билан буёқларга келиб қолганди, энди бу содда, соддадан ҳам содда, бечора, бўлаётган сир-синоатга тушуна олмай, ўзини хўжайин ҳис қилиб ўтирарди. Чунки юртнинг манаман деган хос кишилари шу ерда эди, ҳатто Сулаймон баззоз ҳам. Ўрисга Миркомилбой бошчилигида фатво берилаётганида остонада Абдулҳамид пайдо бўлди. Барча бойга, унинг оғзидан чиқувчи сўзга илҳақ эди, шунинг баробарида ҳаж зиёратига кетаётган янги муслмонни олқишлардилар, шу билан кўнгилларига таскин, савобга дохил бўлмоқликни истардилар. “Муштдеккина” Абдулҳамид жамоат ортида турганда биров эътибор берди, биров бермади.

– Ассалому алайкум, – деди бирдан баланд овозда олдинга юраркан.

Ҳамма унга ўгирилди. Миркомилбойнинг нигоҳи ҳам унга қадалди. Ёнидаги гумаштаси қулоғига нимадир деб шипшиди шекилли, унинг кўзлари ғазабли чақнаб, йигитчага қаттиқроқ тикилди.

Баззознинг нигоҳида эса “бу бола яна нима қилмоқчийкин”, деган саросима, бир ўғлига, бир Миркомилбойга қарайди.

Абдулҳамид олдинга ўтиб, ортига ўгирилди.

– Аввало, мени афу этгайсиз, муҳтарам жамоат! – деди сўзларини дона-дона қилиб. – Аммо сизларнинг уринишларингиздан маъни тополмаётирман. Юртимиз болалари саводсиз, бир тузук янги усул мактабга, шифохонага ёхуд кичкинагина бўлсин театруга муҳтож турган бир пайтда алифни калтак деёлмагувчи манави кишини муслмон этиб, ҳажга жўнатмоқ учун маблағ тўплашингиз нечун? Бундан кимга наф?

Унинг овози қатъий ва шиддатли эди.

Жамоат Абдулҳамиднинг сўзларини тинглаши асносида нигоҳидаги маънони уқиш учун Миркомилбойга тикиларди.

– Сизлар Анжаннынг устунларисиз, – дея давом этди Абдулҳамид. – Бунинг ўрнига, шундайин ихлос ва шундайин ҳиммат билан ўз миллатимизнинг тараққийси учун, яъники янги усул мактабу хастахона ёки газет очмоқ учун маблағ тўпласангиз бўлмасми, эй муслмонлар?!

У яна гапирмоқчийди, бироқ Миркомилбойнинг авзойини кўрган отаси жамоат ичра аста-секин авжланаётган норозилик ғала-ғовурларидан саросимага тушиб, шахд ўрnidан турди-да, унинг қўлтигидан олиб, эшик томон судради.



– Нималар деяпсан, эси йўқ бола? – дея гадаблади тишлари орасидан. – Ўт билан ўйнашма!..

– Ахир, отажон!.. – тушунтиришга уринди ялинчоқ оҳангда Абдулҳамид.

Аммо баззоз гапиришга қўймади:

– Ўчир овозингни!.. Йўқол беттан!.. – ўғлини эшик ортига чиқариб, орқага қайтаркан, узр сўради: – Эси йўқни кечиринг, азизлар. Ёш бола-да, оғзига нима келса, алжирай-веради.

Жойига ўтираётиб, Миркомилбойга узрхоҳ қараб қўйди.

Ҳалитдан буён индамай ўтирган бой виқор ва салобат ила ўрнидан туриб, икки қўлида зарбоф тўнининг четидан тутди.

– Азиз жамоатул муслимин! – бой сокин, аммо ҳаммага эшитилгулик сўзларди. – Дарҳақиқат, бола оғзига келганни айтди, – бой Абдулҳамидга қараб ўқрайди. – Отангизнинг хурмати... афу этдик!

Баззоз зил кетди. Ҳозир қиличдан кўра тил ўткирроқ. Айна дамда бойнинг бағоят дамли “қиличи” баззознинг танини тилкалаб ташлади. Ёлғизгина ўғлининг тақдирини ўйлаб, жону жаҳони ёнди. Ахир, у кимсан Миркомилбойга қарши турмоқчи. Миркомилбой қудратли, у ўриснинг қўйнига қўл солиб, юрак уришини эшитиб турадиган одам, хоҳласа, ўғлига қўшиб баззозни ҳам йўқ қилиб юборади. Ақлсиз ўғли мана шундай одамнинг ёқасидан олиб турибди.

– Эртагаёқ Анжанни тарк этасан, – деди кечкурун ўғлининг юзига қарамай. Бир томони, унинг жасоратидан ичида ғурурланарди ҳам. – Агар ғиқ этсанг, аяб ўтирмайман, бола! – баззоз Миркомилбойнинг номини тилга олмади. – Сенинг жойинг Тошканда, ашяққа жўна!

У ҳукмини айтдию мийиғида кулиб қўйди: тап тортмаслиги, барибир, менга ўхшайди...

### Давоми бор



# НАЗМ



## Ҳалима АҲМЕДОВА

1960 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Шоиранинг “Кўзимнинг тили”, “Тунги марваридгуллар”, “Эрк даричаси”, “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси”, “Шафақ ибодати” номли шеърӣ китоблари нашр этилган. Айни пайтда, Ўзбекистон телерадиокомпаниясида муҳаррир вазифасида хизмат қилмоқда.

## КЎЗИМ КЎЗГУСИДА КЎРИНАР ОФТОБ

### ЎЗИМГА МАКТУБ

Шабнамнинг кўзига чўмилади нур,  
Лола уругида қайнайди баҳор.  
Уфқнинг ёнида сени саргайиб кимдир кутяпти,  
Унинг ҳузурига ўзингни юбор.  
Сен эса мудрайсан таъбирсиз тушдай,  
Қонингнинг ичида гуллайди фарёд.  
Ва чексизлик билан ўйнаб юрибди,  
Сендан қочиб кетган орзулар озод.  
Нега гарқ бўляпсан ўзингга-ўзинг,  
Ўпқон ютаётган чумоли мисол?  
Исмингни гуллаган дарахт тилидан  
Ўчириб ташлади ложсувард шамол.  
Эсингдами, қишлоқ, болалик пахса деворни  
От қилиб минганча куйларди ҳар кун.  
Тилига келганинг кир-чир девона.  
У дерди: – Дунё, дунё – азобхона,  
Мени нега туғдинг, она?!  
Қиқирлаб кулардинг сен унга қараб  
Ва ҳайдардинг туш деб деворимиздан,  
Девона урма деб ялинган сари.  
Уни кўрқитардинг узун чўп билан.  
Йиғлаб югураркан девона, қиққирарди:  
– Мен сени Худога айтиб бераман!  
– Мен сени Худога айтиб бераман!  
Сен эса кулардинг унинг гапига,  
Аммо дилингда йўқ эди, ёсуман.  
Бугун толиққансан, гўё жонингни  
Аёвсиз парчалар Фарҳод тешаси.

Ва яна оташин саҳро ичинда  
 Сувсиз қолгандайин руҳинг решаси.  
 Сароб шуъласига тўлган кўзингни  
 Мажҳул сояларга тикасан лоқайд.  
 Қарайсан, атрофда гарчи дўстинг йўқ,  
 Ҳеч курса кўнглингни дарахтларга айт.  
 Гоҳо шивирлайсан йўлсиз шамолдай:  
 – Богларнинг қалбига бир кун қайтаман.  
 Ва ҳаётнинг маъносиз кўзига ёниб қарайсан,  
 Ўша девона каби дейсан:  
 – Мен сени Худога айтаман!  
 Қара, кўчаларни сайр қилар соғинч,  
 Шабнам кўзгусини синдирар сабо.  
 Ва синган кўзгунинг ҳар парчасидан  
 Жилмайиб боқади меҳрибон Худо!  
 Бозорлар шовқини, мазор жимлиги  
 Дунёни тўлдириб турган шу чоғда,  
 Нега сен ўзингни кўрмайсан, ахир,  
 Кўнглинг ичидаги қоп-қора доғда.  
 Уша доғ эмасми, ўлган шодлигинг,  
 Умид бўғзидаги энг сўнги нафас?  
 Қачондир ёлгоннинг сояларида  
 Ҳақиқат қонидан бўлган эдинг маст.  
 Ва юракни экдинг нафс даласига,  
 Ганж кутдинг ганиму дўстлардан пинҳон.  
 Ва бор-йўзинг тилка-пора айлаган  
 Тикон ўсди унда, бешафқат тикон.  
 Тавба қил, руҳингни эзган гам ҳаққа  
 Ва бошингни кўтар, вақт бўлди энди.  
 Қара, мовий кенгликларнинг қорачигига  
 Сени ташлаб кетган нимадир инди.  
 Инди шафақларнинг қасидасига  
 Таланган умрининг маҳзун байтлари.  
 Нега бунча эзгин ва абгордирсан  
 Йўлнинг четидаги гадо сингари?  
 Дарахтга суяниб, атрофга ютоқиб қарайди,  
 Сўнги кунларини яшаётган жувон.  
 Хаёллар суради, хаёллари ҳур,  
 Ҳол сўрасанг дейди:  
 – Яхшиман, яхшиман! Худога шукур!  
 (О, унинг умиди нақадар сўлим!)  
 Наҳотки шу аёл умидичалик  
 Бир умид топмасанг жисму жонингда?  
 Қайгу қаҳқаҳаси, аянч носаси  
 Жаранглаб туради ҳануз қонингда.  
 Бас, етар, кўнглинга осмоннинг уругини эк,  
 Кўёшининг руҳига айлагин сафар.  
 Бинафшанинг нозик хаёли билан  
 Пок айла дунёни ўзингга қадар.  
 Шодлик – бу сабода тебранган нозбўй,  
 Ииқ – дарахт япрогин ўпаётган нур.  
 Сендан кетиб қолган орзуларингни  
 Ўзингга чорлагин, ортидан югур.  
 Ҳавонинг ям-яшил томирларида,  
 Бахтнинг зарралари оқиб ётибди.  
 Ахир, чап кўксингда, юрак ўрнида,  
 Энг чиройли бир тонг илдиз отибди.

Мискин хотиралар гирдобидан чиқ,  
 Хатолар ҳаққи-чун азоб-ла тўладинг хирож.  
 Энди кўзларингга ин қурмоқ учун  
 Сендан изн сўрар таниш қалдирғоч.  
 Кўзларинг куйлашни ўргансин ундан,  
 Кипригинг устида бола очсин шод.  
 Токи, бахт манзилин менга айтгин деб,  
 Ҳар кун пешвоз чиқсин сенга бу ҳаёт.  
 Руҳингдаги қайғу либосини йирт,  
 Кийдир қуёш берган шойи кўйлакни.  
 Жунуннинг базмига юбор ҳар лаҳза  
 Дарё тушларидек тоза юракни.  
 Эшитаяпсанми, кимдир кўнгироқ қилар,  
 Бор, ўрнингдан туриб гўшакни кўтар.  
 Бўззингга тиқилиб қолмай бир нима,  
 Ҳайқир: Ҳа-ҳа, Ҳалимаман, боиқча Ҳалима!

### ЎВВОЙИ ШАВҚ

Сен қайдадир олмаларнинг ифоридан маст,  
 Кўнгил билан бу дунёга боқиб турган чоғ.  
 Мен дилдаги умидларнинг қуйқаларидан  
 Адашмаслик учун тунда ясардим чироқ.  
 Ва қачондир ишқнинг нафас йўрақларига  
 Тиккан эдим бир дона гул ва қуш суратин.  
 Ҳозир ўша рангин ипак ила битган каштани  
 Сўтаяпман юрагимда недир олди тин?  
 Ва ёдимга тушар яна қўшни йигитнинг  
 Девор оша улоқтирган севги номаси.  
 Унда нозбўй ва ялпизнинг ҳиди бор эди,  
 Ва келарди ундан турфа қушларнинг саси.  
 Мен ўшанда осмоннинг бир парчаси эдим,  
 Тушунардим юлдузлару ойнинг тилини.  
 Ариқларда тўлиб оққан сув билан бирга  
 Куйлар эдим кенгликларнинг шаффоф дилини.  
 Саратонда пишган шамол устозим бўлиб,  
 Ўргатарди менга ёниш фалсафасини.  
 Балки, ҳаёт битди шунда менга сездирмай  
 Юрагимга азоб отлиғ қасидасини.  
 Ҳеч нарсадан кўрқмас эдим, фақат баъзиди  
 Чўчитарди гулбутанинг остидаги сирли ажина.  
 Гул узардим шамолдаги япроқдек титраб,  
 Мени гўё кузатарди совуқ бир нима.  
 О, билмасдим ҳаёт мени бир куни келиб,  
 Дуч қилишин оғу тўла, кўзёш тўла сўнгсиз хатарга.  
 Тонгимни тунларга арзон пуллаган  
 Шодлигимга боиқоронгу ажиналарга.  
 Бир кун бибим кафтларимга хинолар боғлаб,  
 Деган эди: "Ётгин энди, тушларингга малаклар кирсин.  
 Сана, токи, мингта юлдуз мингта кўз билан,  
 Сенга ором бағишласин, сени ухлатсин".  
 Бугун ўша кунлар ёди ёруғ ложувард,  
 Юрагимга ҳар тун хино боғлайди ҳаёт.  
 Мингта эмас, миллион юлдуз санасам ҳамки,  
 Оромим йўқ, қарорим йўқ, не учун, ҳайҳот?!  
 Аммо, ҳали умидимнинг қуйқаларида

Қиқирлайди ёввойи мавж девонасимон.  
 Юрагимнинг зарбларини ишқ дарахтига  
 Пайванд этар қўллари гул илоҳий боғбон  
 Ва Лайлининг зулфидаги байтни ўқийман:  
 “Гарчи ҳажри эди жонимга пайваст,  
 Жунунда яшарман унга қасдма-қасд...”  
 Шунда кўк кафтида руҳим бўлар маст.  
 Кўзим шуъласини ўйнар парвона,  
 Олис чироқларга ташлайман нигоҳ.  
 Ва менинг хаёлим кўчаларида  
 Кимдир қоқилади ё йиғлар ногоҳ.  
 Мен унинг овозин чизарман тунга,  
 Юлдузлар аразлаб кетар осмондан.  
 Ва ўша соғинчининг, ўжар соғинчининг  
 Қадам товушлари келади жондан.  
 Биладан, жуда ҳам яқиндадир тонг,  
 Жийда гулларида жилвали ифор.  
 Сазаман, майсаларнинг маъсум таронасида  
 Мен учун аталган янги недир бор.  
 Кўнглимни ювामан шудринглар билан  
 Ва нур арқонига қўяман илиб.  
 Ҳаётнинг кўзига қўрқиб қарайман  
 Унга малол келмасин-да ишқилиб.  
 Ишқилиб кимнингдир орзуларига  
 Менинг тоза кўнглим солмасин соя.  
 Ва кимнингдир йўлин тўсиб чиқмасин,  
 Жоним ичидаги қадим ҳикоя.  
 Мен худбин эмасман, кўнгилпарастман,  
 Шафақ илдиз отар томирларимда.  
 Яшашни дарахтдан ўрганиб олдим,  
 Гарчи кеч бўлса-да, умрим ярмида.  
 Кўзларимда айланади ишқнинг ҳалқаси,  
 Ухшаб кетар никоҳ узугига қайғунинг.  
 Мен уни синдириб ташлаб кетаман,  
 Ортидан порлаётган олис ёғдунинг.  
 Ошиқман, мен ҳануз ошиқман,  
 Шаббодани куйлаётган райҳонга.  
 Ҳозир айланаман, айланаман рост,  
 Ҳу-увв, ўша бир парча осмонга.  
 Ана, тонг бошини қўйди кўксимга,  
 Энди кўзим кўзгусида порлайди офтоб.  
 Эй қаримсиқ дунё, эй эзма дунё,  
 Мингта саволингга бир ўзим – жавоб.  
 Кел, ўзимга бошпанасиз қолган ҳақиқат,  
 Кел, ёшликнинг боғларида адашган афсун.  
 Бугун шодлик номи билан қўтарар исён,  
 Аллақайси ганим солган дилимдаги хун.  
 Мен ишқ бўлдим оёғимдан сочимга қадар,  
 Тонг дилимни, мен тонг дилин симирганим дам...  
 ...Ўзимни нур деган куйга солай бир,  
 Эй дўст, мен томонга йўлинг тушса гар:  
 Менга жунун тўла кўнглингни келтир,  
 Менга жунун тўла кўнглингни келтир!

## НАЗМ

**Жамолиддин МУСЛИМ**

1965 йилда туғилган. Наманган Саноат технология институтини тамомлаган. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раҳбари бўлиб хизмат қилади. Унинг “Кўкка ўрлаётган изтироб”, “Қалб истеҳкоми”, “Муҳаббатли манзиллар”, “Биллур навқиронлик”, “Камолот фасли”, “Шаффоф булоқлар” номли шеърӣй ва насрий китоблари нашр қилинган.

## ЮРАҚДАГИ ГЎЗАЛ ГҶЛГҶНЧАМ

**ТУРКУМ**

Сен ўзингсан кўзим гавҳари,  
Сен ўзингсан дилим дилбари,  
Сенсиз абас ҳаётим бари,  
Ҳижронлари азал тугунчам,  
Юракдаги гўзал гулгунчам!

Ойсан, ҳамон кенг осмонимда,  
Қулгиларинг жон-жаҳонимда,  
Аламлардан хўб ёнгонимда,  
Согинаман сени мунча ҳам,  
Юракдаги гўзал гулгунчам!

Ўн саккизда кетдинг чўг ташлаб,  
Армон деган улкан тоғ ташлаб,  
Хотиралар йилма-йил яшаб,  
Сочга қиров кўнди – оппоқ гам,  
Юракдаги гўзал гулгунчам!

Орзуларим мана гуллади,  
Сенсиз менинг бахтим кулмади,  
Олиб қочии кўлдан келмади,  
Ҳаётимда оққушсан эркам –  
Юракдаги гўзал гулгунчам!

\*\*\*

Сайраб тила, қумрижон-қумри,  
Бутун бўлсин севгилим бахти,  
Узун бўлсин севгилим умри,  
Сайра-сайра, қумрижон-қумри!

Сайраб арит, дарду фироғим,  
Хуб ёндирди дилбар – чароғим,  
Уйқу билмас икки қароғим,  
Сайра-сайра, қумрижон-қумри,  
Узун бўлсин севгилим умри!

Сенда хониши, мендачи нолиши,  
Насиб бўлди бизларга ёниши.  
Адо қилди эй беозорим,  
Бир таббасум, бир қиё боқиши.  
Сайра-сайра, қумрижон-қумри,  
Узун бўлсин севгилим умри.

\*\*\*

Мен сени Лайлию танҳойим дедим,  
Ташина дилда оққан дарёйим дедим,  
Умид осмонимда Зухройим дедим,  
Қайрилма қошигим, айрилма мендан!

Нигоҳлари ҳузурбахшим ўзингсан,  
Барча санамлардан яхшим ўзингсан,  
Дилга муҳрланган сир – нақшим ўзингсан,  
Қайрилма қошигим, айрилма мендан!

Бевафо дунёнинг вафоси сен бўл,  
Жафосидан толдим, сафоси сен бўл,  
Зулматга чулғама, зиёси сен бўл,  
Қайрилма қошигим, айрилма мендан!

Ой каби жамолнинг ҳайрони менман,  
Кўнгли ярим, кўнгли вайрони менман,  
Ишқинг кўчасида сарсоним менман,  
Қайрилма қошигим, айрилма мендан!

\*\*\*

Кечир мени, кечир малагим,  
Хато қилиб қўйди юрагим,  
Юракдаги ёлғиз тилагим,  
Кечир мени, кечир, малагим!

Кўзларингда кўринганда ёш,  
Ранжиб дейман, муҳаббат бебош,  
Сен муниссан, ўзим бағритош,  
Кечир мени, кечир, малагим!

Кўнгли дедим, кўнмади кўнглим,  
Суйиб сендан тонмади кўнглим,  
Ўзгага ҳеч ёнмади кўнглим,  
Кечир мени, кечир, малагим!

Дунёда кўп ишқисиз юраклар,  
Ҳамдарди йўқ ҳиссиз юраклар,  
Тушимда ҳам юрак сўроқлар,  
Кечир мени, кечир, малагим!

\*\*\*

Ортингдан хаёлларим кетдилар учиб,  
Кўз қароғим яшар кулгингни қучиб,  
Ҳижроннинг аччиқ шаробин ичиб,  
Яшамоқдаман сенсиз, азизам!

Пок севгим – орзуим, ета олмадим,  
Сен кетдинг, унутиб кета олмадим,  
Муқаддас ишқимдан кеча олмадим,  
Яшамоқдаман сенсиз, азизам!

Ҳа, умр ўтаркан ортига қайтмай,  
Сен – қуёш, қалбимда яшайсан ботмай,  
Суратинг боқади менга сўз айтмай,  
Яшамоқдаман сенсиз, азизам!

\*\*\*

Томоша қил, эй фалак,  
Ишқим – олтин беланчак.  
Тебратади бир малак,  
Ишқи менга сир малак.

Юрак қурғур англамас,  
Ўзгани ҳеч йўқламас.  
Согинч айтар аллалар,  
Ҳижрон айтар яллалар.

Томоша қил, эй фалак,  
Ул қиз бўлди келинчак.  
Борми мендек куйинчак,  
Дил айрилиқ куйин чал.  
Ишқим – олтин беланчак...

\*\*\*

Сенга гул уздим эй ёр,  
Наманганнинг боғидан.  
Ранг олибди қара-эй,  
Юрагимнинг доғидан.

Гулга қўшиб кўнглимни  
Сенга бердим, эй сулув.  
Дардим кимга айтаман,  
Дилгинамда минг гулув?

Дардим ўзи минг тилло,  
Тополмадим харидор.  
Мушкул экан бу савдо,  
Ўзинг бўлгин вафодор.

Бўзлатмагин, бўзлама,  
Шунча қалам қош қани?  
Сен жафони кўзлама,  
Менинг умрим ёш каби.

Сенга гул уздим эй ёр,  
Наманганнинг боғидан.  
Ранг олибди қара-эй,  
Юрагимнинг доғидан.



## Чингиз АЙТМАТОВ

1928 йил Қирғизистоннинг Шекер қишлоғида туғилган. Адабиёт майдонига “Юзма-юз” қиссаси билан кириб келган. “Жамила” қиссасининг аввал француз, кейин рус тилида нашр этилиши уни жаҳонга танитди. “Бўтакўз”, “Момо ер”, “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопайтган олапар” қиссалари, “Асрга татиғулик кун”, “Қунда”, “Чингизхоннинг оқ булути”, “Кассандра тамгаси” романлари муаллифи. Адиб 2008 йилда вафот этган.

# БАЙДАМТОЛ СОҲИЛЛАРИДА\*

## Ҳикоя

Тоққа баҳор анча кечикиб келади, уни орзиқиб кутиш керак, бироқ у ўз ҳусн-жамолидан нишона кўрсатдимми – дарҳол ер юзини гул ва кўкатлар сепи қоплаб олади.

Пастда – водийда майсалар униб чиқади, қоматини ростлаб япроқ ёзиб, соя ташлай бошлайди. Ушанда баҳор навбатни ёзга бериб, ўзи эса ер бетини чулғаб олган кўк-яшил тусдаги гулдор кўйлак барини кўтариб судраганича тоғ сари йўл олади.

Тоғнинг баҳори ўзгача табиатга, ўзгача гўзаликка эга.

Эрталабдан қор ёғади, тушдан сўнг қуёш чиқиб, қорлар эриб буғланади, бир кунлик гуллар очилади, кечга келиб эса ер селгийди, тун бўйи ариқ ва жилғалар музлаб чиқади. Эртасига эрталаб чўққилардан қарасанг, кўз илғамас кенгликдаги мусаффо тоғ баҳорини кўриб, қалбинг қувончларга тўлади. Чарақлаб турган осмон денгизда кичкинагина доғ ҳам кўринмасди. Ер эса ёшгина қиз каби ясанган – ям-яшил, шабнам билан ювилиб, гўё уялиб кулиб турарди... Агар ҳийқирсанг, овозинг узоқ вақт жаранглаб чексиз ва юксак тоғ тизмалари бўйлаб тоза ҳавода йироқ-йироқларга таралиб кетади... Ҳеч қандай қор ҳам, туман ҳам, ёмғир ва шамол ҳам баҳорни тўхтата олмасди, у яшил олов каби алангаланиб тоғдан тоққа, чўққидан чўққига ёниб ўтиб, тобора юқорилашиб, мангу музликлар сари бормоқда эди.

Одамлар ҳамма ерда баҳорги экишни эртароқ тугаллашга уринарди. Тоғли ерларда бу айниқса, муҳим эди – муддатдан сал кечикдингми, экинлар пишиб етилмай қоларди ёки тунги совуқ уриб кетарди.

...Нурбек совхознинг узоқ участкаларидан бири – чегарадаги “Катта сой”га кечкурун етиб келди. У мотоциклдан тушмасданоқ, қия тепаликда тўхтаб қолган тракторни кўрди. Нурбек аччиқланиб тупуриб, мотоциклни ўчирди ва трактор томон югуриб кетди. Олисдан жажли чиқиб бақирди:

– Эй, сен тракторни нега ётқизиб қўйдинг? Яна буздингми?

Ёш тракторчи Жуман кўлидаги папиросни оёқ остига олиб тепкилаб ташлади.

– Тракторнинг ҳамма ери тахт! – ўзини оқламоқчи бўлгандай жавоб берди у. –

\* Чингиз Айтматовнинг “Байдамтол соҳилларида” ҳикоясининг айрим бобларини Асил Рашидов таржимасида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Таҳририят



Бироқ бу ерда ҳайдаш хавфли, оға.

– Нима деяпсан? – Нурбек унга томон ташланди. Сал бўлмаса мушти билан солиб юборгудай бўлиб. – Ақлинг жойидами сени?

– Э-э... Ўртоқ механик, тушунасизми...

– Ҳа, аниқроқ қилиб гапир! Трактор қачондан бери юрмай турибди? Сенга айтяпман!

– Бир соатдан бери...

Нурбек мушти билан ҳавони кесиб қичқирди:

– Ким рухсат берди сенга? Ким? Қайси аҳмоқ?

– Трактор ағдарилиб кетади деяпман-ку. Ишлаш хавфли!

– Қаёққа ағдарилади? Нега маҳмадоналик қияпсан?

Бунинг устига бригадир келиб қолди. Нурбек Трофимовнинг бошидан оёғигача ғазаб билан назар ташлаб олди ва афсуслангандай бошини чайқаб:

– Буни сиздан ҳеч қачон кутмаган эдим! Тракторнинг бўш турганлиги учун жавоб берасиз!

Катта, кенг гавдали Трофимов одати бўйича дағал мўйловини вазминлик билан силаб, бош ирғаб ҳаммасини маъқуллагандай:

– Тракторни тўхтатишга мажбур бўлдик, ўртоқ механик, – деди босиқ овоз билан. – Кутдик, сиз ёки агроном келиб қолсаларинг, маслаҳатлашамиз деб ўйладик... Машинани ҳайдашга рельеф имкон бермайди. Нишаблик... Қияликни бир кўринг-а... Трактор сирғалиб тушиб кетиши мумкин, кишиларнинг ҳам бошига етишимиз мумкин! Сезяпсизми, тракторнинг қандай туришини!

Нурбек тракторга ўтириб олиб ёнбағир муюлишга бир қараб олди-да, шошқалоқлик билан қўл силтаб:

– Ортиқча эҳтиёткорлик! Бу ғилдиракли трактор эмас, занжир ғилдиракли тракторлар бу қияликлардан юраверади, ҳеч қачон ағдарилмайди!

– Мен, худога шукур, тоғларда йигирма йиллар чамаси ишляпман, Нурбек Алиевич. Ҳар хил воқеалар юз берди. Сиз бўлсангиз бу ерларга яқинда келдингиз. Ишонинг менга, бу ерда трактор билан ишлаш мумкин эмас, жуда хавфли.

Менсимаслик ҳам эви билан-да! Демак, Нурбек ўз ишини эплаёлмаётган экан-да? Бунинг устига яна Жуман бригадирнинг сўзларини қўллаб қўшиб қўйди:

– Бригадир тўғри айтади. Ҳақиқатан ҳам хавфли!

– Агар хавфли бўлса ўтовда, уйда ўтиравериш керак эди! – тиш орасидан жавоб қилди Нурбек. – Қўриқ ерга кўрқоқларнинг кераги йўқ! Ўзингиз айтинг-чи, ўртоқ Трофимов, биз нима учун юборилдик бу ерга? Агар биз қандайдир кичкина бир тепаликка чиқишдан кўрқсак, топшириқни қандай қилиб бажарамиз?

– Йўқ, ўртоқ механик, – эътироз билдирди Трофимов. – Киши ўзини балога гирифтор қилиши эмас, балки оқилона иш тутиши керак. Ахир бу жиддий иш-ку.

– Сиз нимани таклиф қиласиз? Қўл қовуштириб ўтиришними?

– Нима кераги бор шунақа сўзларнинг, ўртоқ механик? Қачон биз қўлимизни қовуштириб ўтирибмиз? Бу ерни ҳайдаш ноқулай экан, бўлмаса бошқа ерга ўтайлик.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат! Демак, биз ер ҳайдаш ўрнига, у ердан-бу ерга кўчиб юришимиз керак экан-да? Вақт ҳозир қанчалик қиммат эканлигини ўйлаб кўрдиларингми? Иккинчи бир ерга кўчиб ўтамиз дегунча ўнлаб гектар ерни ҳайдаб қўйиш мумкин. Қолаверса, сизларга яна шуни эслатиб қўйишим керакки, ҳаммамизда ҳам режа, график ва маршрут бор. Ўзбошимчалик қилишга ҳақимиз йўқ.

– Нега? Режага тузатиш киритиш мумкин эмасми? Мен сизга яна эслатиб айтяпманки, бу тик тепаликда тракторда юришни ҳеч ким хоҳламаяпти. Истаган кишингиздан сўраб кўринг! – деди Трофимов тўпланиб турган тракторчиларга ишора қилиб. Уларнинг биронтаси ҳам чурқ этмай турарди. Аммо қовоқ осиб туришларидан механикнинг айтган гапларини маъқул кўрмаётганликларини уқиб олиш мумкин эди.

– Ҳар кимнинг жони ўзига азиз, – деди Трофимов тракторчиларнинг фикрини ифодалаб. – Бундай ёнбағирликда ҳазиллашиб бўлмайди, ўртоқ механик!

– Нотўғри айтасиз! Сиз бошқаларни ҳам кўрқоқ қилиб қўйибсиз. Мен совхознинг механигиман, қайси машинадан қаерда фойдаланишни менинг ихтиёрига қўйиб бераверинглар. Аминманки, бу ёнбағирликни ҳадиксирамасдан ҳайдайвериш мумкин. Бўлмагур гапларга қулоқ солмаслик керак! Ўртоқ Трофимов, қийинчиликлардан қочиш эмас, балки курашмоқ керак.

– Қийинчиликлар сен яшаб турган замонга нисбатан мен босиб ўтган даврда кўп эди, ёш йигит! – бригадир тутақиб кетди. У Нурбек томон яқинлашиб келаркан, ўзини ғазабдан аранг босиб кескин бурилиб одимлаб кетди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам кета бошлади. Нурбек ёлғиз ўзи қолди. Бу унга жуда қаттиқ ботиб, қалби алам ва изтиробдан ачишиб оғриётган эди. Нурбек ўрнидан сакраб туриб, Трофимовга етиб олди ва унинг енгидан ушлади:

– Мен сизга дарҳол тракторни юргизишни буюраман!

Трофимов Нурбекнинг бошидан оёғигача жимгина назар ташлаб олди-да, кейин ундан қўлини тортиб олиб, юришда давом этди.

...Аллақачон ярим кечадан ошиб қолган, тунамоқ учун баланд тоғ қоялари орасига булутлар сузиб келишмоқда, улар тўп-тўп бўлиб, ўзаро учишиб, эндигина уйқуга бош кўйган эдилар. Теварак-атроф сув сепгандай жимжит. Узоқ-узоқларда тракторнинг гуриллаган овози эшитиларди. Бригададаги кишиларнинг ҳаммаси уйқуга кетган. Фақат Нурбек ухлагани йўқ. Аччиқ ва чидаб бўлмас алам ўтлари унинг қалбини тирнаб ўртаётган эди. У илондек тўлғаниб, сездирмасдан хўрсиниб, алланималар деб ғўлдирарди. Ҳа, Трофимов уни бугун шарманда қилди, бутун халқ ўртасида шарманда қилди! “Йўқ, бунга жим туриб бўлмайди! Нима бўлса ҳам ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши керак, фақат шундагина ўз обрў-эътиборини тиклаб олиши мумкин!

Нурбек секин ўрнидан туриб овоз чиқармай палаткадан ташқарига чиқди. У ёқ, бу ёққа қаради, ҳеч кимса йўқ. Ўғриллардек энгашиб, нарига чопиб кетди ва жарлик соясида ғойиб бўлди.

Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг қия тепаликда, тракторнинг ёнида чўнтак фонари бир-икки ёниб ўчди. Бирдан тун тинчлигини бузиб пулемёт отилгандай “та-та-та!” деган овоз эшитилди. Бу тракторнинг овози эди. Орадан сал ўтмай, трактор бир меъёрда, сўниқ овозда тириллай бошлади. Бирдан чироқ ёнди-ю, бир вақтнинг ўзиде трактор ҳам ўрнидан кўзгалди. Нурбек ричагни босганича ҳаяжонланиб, илгарига тикилиб қаради. Трактор тепалик бўйлаб юриб кетди.

“Ҳа, техника инсон қўли остида, фақат уни бошқара билиш керак, шунда у инсон қўли қаерни кўрсатса ўша томонга кетаверади. Бунинг учун эса ботирлик ва қатъийлик керак! Мана бунинг яққол мисоли – бошқалар журъат қилолмаган ердан тракторни Нурбек ҳайдаб бормоқда!”

– Йўқ, трактор кулаб кетмайди! Бу беҳуда гаплар учун энди қизаришга тўғри келади! – хитоб қиларди Нурбек ҳаяжонидан титроқ босиб.

Трактор ҳақиқатан ҳалиги тик тепалик сари юриб бораётган эди. “Улар нимадан кўрқишди? – ўйлади Нурбек. – Тўғри, ҳадеб бир томонга энгашиб ўтиравериш осон гап эмас экан, аммо бунга чидаса бўлади!”

Олдинда ясси дўнглик кўринди. Трактор радиатори билан юқорига кўтарилди, у ҳозир ағдарилиб кетаётгандай, бироқ Нурбек тракторнинг юриш тезлигини ошириб, бир зарб билан бу дўнгликни ҳам босиб ўтди. Картанинг охирига етиб тракторни орқага бурди. Энди Нурбек ғалабага қатъий ишонч ҳосил қилган эди:

– Мен сизларга кўрсатиб кўяман ким эканлигимни! – қичқирди у чираниб. – Эрталабгача бу қия тепаликнинг ҳаммасини ҳайдаб кўяман. Агар зарур бўлса, бу тоғларнинг ҳаммасини чўққилари билан бирга кўшиб ҳайдаб ташлайман! Эртага кўриб ишонч ҳосил қиласан, Трофимов, қайси биримиз ҳақ эканлигимизни!

Нурбек иккинчи доирани ҳам босиб ўтди. Ўзида мислсиз куч пайдо бўлганини ҳис қилди, кўз ўнгида гўё трактор билан бирга кўшилиб қудратли пўлат гавда тургандай туюлди.

Олдинда яна тепалик кўзга ташланди.

– Ҳечқиси йўқ! – ўзини тинчитарди Нурбек.

Трактор зўриқиб-бўкириб юриб бораётган эди, бирдан ёнбошга қараб оға бошлади.

– Зарари йўқ, – ўзига далда берарди Нурбек...

Қўли ричагда, учинчи тезлик... Лаънати трактор эса ҳамон қийшайиб, оғиб бораётган эди. Тракторни эпчиллик билан бирдан юқорига буриб олиш керак эди, акс ҳолда у ағдарилиб кетарди! Нурбек олдинга ташланиб, ўнг томондаги ричагни куч билан ўзига тортди. Трактор занжирли ғилдираклари билан тупроқ ичида кескин бурилди ва бундай тепаликда юришга қодир эмасдай тумшугини осмонга кўтарганча туриб қолди. Нурбекнинг бошига гуп этиб қон урди: “Нима қилиш керак? Тезроқ моторни ўчир! Қани, тезроқ! Мотор жимиб қолди! Нима қилиш керак?”

Бироқ у кечиккан эди. Тўхтаб қолган трактор шу заҳотиёқ ғижирлаб овоз чиқариб, секин-аста плугни остига олиб эзиб, орқага тислана бошлади. У энди ағдарилай деган эди, Нурбек кабинадан сакраб тушди. Кейинги воқеалар эса ана-мана дегунча бўлиб ўтди. Трактор пастликка томон тезлашганидан-тезлашиб думалаб бораётган эди. Тоғ этагига етганда кучли зарб билан қояга бориб урилди.

– А-а-а-а! – деб бақириб юборди Нурбек, лекин у ўз овозини эшитмасди. Трактор катта тошга бориб урилиши билан лоп этиб олов чақнади, қоя ва машинадан отилиб чиққан парчалар хуштак чалиб атрофга сочилиб кетди. Ер ларзага келиб шу заҳотиёқ ҳамма ёқни зулмат қоплаб олди.

Нурбек оёқяланг, кўйлақчан кўлларига фонарь кўтариб чошиб келаётган одамларни кўрди. У гўё ер сурилиб чўкиб бораётгандай бир депсиниб олди. Одамлар бўлса яқин келиб қолишган эди, кўрқинчли бақирик-чақирик овозлари эшитилмоқда эди.

– Нега сакрадим мен? – даҳшат ичида шивирлади Нурбек. – Трактор билан бирга мажақланиб кетсам бўлмасмиди?

У қочишга жой тополмай гангиб турди-да, сўнг ҳовлиқиб, ўқдай югуриб кетди.

Нурбек орқасига қарашга ботинолмасди. У бошини елкалари орасига олиб, кўли билан яширар, қоқилиб кетиб, гурсиллаб йиқилар ва шу заҳотиёқ яна ўрнидан сакраб туриб, куён каби ғизиллаб чопарди.

“Тезроқ! Тезроқ югур! Этиб қолишди. Эшитяпсанми? “Ушла, ушла!.. Хоинни тут, маҳкамроқ ушла!..” деган овоз эшитилди.

Нурбек бор кучи билан қочарди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди, ўнқир-чўнқир демай чошиб борарди. Аммо оёқ, бу лаънати оёқ худди балчиққа ботиб қолгандек ердан ажралмасдан бир-бирига ўралашиб, нафас олиш ҳам оғирлашиб, аъзойи бадани ёниб ачишарди. Нурбек тоқат қилолмасдан кўйлақ ёқаларини йиртиб юборди.

\* \* \*

Эрталабдан икки бургут кўқда парвоз қиларди. Аҳён-аҳёнда эринчоқлик билан қанот қоқиб кўяр ва яна юксакликда айланиб юрарди. Улар чамаси таранг ва эгилмас қанотларини сал-сал тебратиб, ҳавода энгил ва эркин парвоз қилиб юришган эди.

Бу чексиз бўшлиққа фақат бургутларгина ҳукмрон эди. Улар бу ҳокимликка монанд ҳаракат қилгандай вазмин ва осойишта учишарди. Тоғу тошлар ҳам, қорлар ҳам, дарёлар ҳам унинг кенг қаноти остига жо бўлган. Улар ер узида бўлаётган жамики нарсаларни, ҳатто майда заррачаларга қадар равшан кўриб турадилар. Мана, тоғ оралиғида аллақандай кўғирчоқ катталигидаги жонзот пайдо бўлди.

“...Одам! Қара, одам-ку!” – қағиллаб товуш берди бургутлардан бири. “Кўряпман, бу одам”, – қисқагина жавоб қилди иккинчиси.

Сойликда одам пайдо бўлди, аммо бургутлар ҳамон вазмин ва осойишта парвоз қилишарди. Одамнинг пайдо бўлиши уларни безовта қилмади. Ахир у қушларнинг уясини буза олармиди? Йўқ, бу одам ўз соясидан ўзи кўрқади. У қочоқ ёки бўлмаса қандайдир йўлдан адашган бахтсиз бир киши. Бу унинг ишончсизлик билан омонат қадам ташлашидан, дайдиб юриши, кўрқув аралаш кўз қарашларидан аниқ сезилиб турарди. У сесканиб тушар, атрофга аланглаб қараб, яна жим қолар эди. Бундай киши чиқиб бўлмайдиган қоялардаги бургут инларига етиб бориб, улар билан яккама-якка кураша олармиди? Бу кишида мақсадга эришиш учун куч ва ирода бормикин, дадил курашишга қодирмикин? Йўқ, бургут уясига қўл солмоқ учун у кишининг ўзи ҳам дов-юрак бургут бўлмоғи керак! Ҳа, ғалаба очиқ курашда ҳал бўлади. Бургутлар юзма-юз олишишни ёқтиришади. Душман уларнинг уясига қўл солмоқчи бўлиб интилганда, улар душманга қарши: “Тўхта! Орқанга қайт!” – деб қичқиришади, сўнг дарғазаб бўлиб, кўр-кўрлашиб: “Тайёр бўл!” – дегандай бир-бирларига хабар қилишади-да, чексиз баландликдан тош каби қуйига отилади. Улар шувиллаганча ҳаво бўшлиғини ёриб ўтиб, душман кўкрагига чангал уради-да, уни ўлим ҳолатига келтиради. Сўнг бургутлар ўз уялари тепасида узоқ айланишиб, гоҳ қувонч, гоҳ ғазаб, гоҳ ачиниш билан анча вақтгача кўр-кўрлашиб айланиб учиб юришади...

Бу одам эса бундай жангни хаёлига ҳам келтирмасди, у ўз йўлида давом этаётган эди.

Кун ярим бўлганда у киши катта довонга етиб олди. Унинг узоқлашиб, тезда кўздан ғойиб бўлиб бораётганини кўрган бургутлардан бири: “Одам кетди!..” деб кўр-кўрлаганида, иккинчиси ҳам унга “кетди”, деб қисқагина жавоб қилди.

## VI

Нурбек довон тепасига чиқиб олгунча чарчаб кетган эди. У қалин қор кечиб, балки ҳали ҳеч қачон инсон оёғи етмаган ерларда юриб бормоқда эди. Довондан кучли ва муздек шамол эсарди. Мана унинг туз тотмаганига бир кеча-кундуз бўлай деб қолди. Иложи борича тезроқ тушиш керак, балки водийда чорвадорларнинг ўтовига дуч келиб қолар. Довондан бутун тоғ манзараси кўзга яққол ташланиб турарди. Пастда катта дарё оқмоқда. Бироқ Нурбек у ерда инсон яшаганлигини кўрсатувчи бирор белгини учратмади. У мадорсизланиб секин тошга ўтирди-да, қўли билан юзларини беркитди. “Бу хувуллаб ётган нотаниш тоғларда одам қаердан бўлсин, – ўйларди Нурбек. – Наҳотки, фақат менга ўхшаш аҳмоқлар яшаса!” У бошини яна ҳам қуйи солиб кўзларини беркитиб олди...

Кучли эсаётган шамолдан олов ё ўчиши, ёки яна ҳам алангаланиб ёниши мумкин. Аввалги қизишиб ёнган Нурбек ҳозир мойи тамом бўлиб қолган чироқ каби сўниб қолган эди. Энди у – қочоқ, бир бурда нон ҳақида, ўзини ҳимоя қилиш ҳақида хаёл сурувчи, хилват жой топиб, ўт ёқиб жон сақлашни ўйловчи киши.

“...Ойнагулимнинг тоғаси қаерда яшаркин? ...Районга қачон етиб оламан? – ўйларди Нурбек. – Айтишларига қараганда, мана шу доводдан кейин яна икки кунлик йўл. У ерга етиб борсам, озроқ бўлса ҳам пул қарз оламан-да, шаҳарга қайтаман. Ойнагул олдида энди қўриқ ер ҳақида ҳатто оғиз ҳам очмайман!” – деб қасам ичаман.

Нурбек ўрнидан турди ва пастга, дарё томонга қараб секин юра бошлади. Довон тепасидан пастга тушиш унчалик қийин эмасдай, ҳаммаси кўзга ташланиб турарди. Лекин бирмунча вақт ўтгандан кейин у ўзини устма-уст қалашиб ётган қоялар орасида кўрди. Кўзига шу улкан тошлардан бўлак атрофда ҳеч нарса кўринмасди. Нурбекни ваҳима босди. У бу тошли қоялардан тезроқ чиқиб олишга интилиб, деярли югуриб борарди. Ана-мана дегунча қоронғилик тушиб, кеч кириб қолди. Нурбек бошини кўтариб қаради, тепасида қовоқ осиб турган паст булутларни кўрди. У юришини яна тезлатди. Момақалди роқ гулдуради, тошларнинг устига йирик-йирик ёмғир томчилари шитирлаб туша бошлади. Изғирин шамол эсиб, унинг орқасидан кучли дўл ёғиб, селга айланди. Осмонни қоплаб олган, қалин булут оғирлашиб, пастга томон яқинлаб келганди. Ҳамма ёқни зулмат қоплаб олган. Нурбек ўзини қаерга олиб қочишни билмасди. Қулайроқ жой топиб олиш учун олазарак бўлиб безовталанарди. Яшин эса у қаерда, қай аҳволда дегандай қизиқиб, ёнгинасидаги қоялар ичига ёриб кириб, еру кўкни бир дақиқа ёритарди. Гўё дев қаҳқаҳа уриб кулгандай момақалди роқ гумбурларди.

Нурбек бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. У қаерга боришни, нима қилишни билмасди. Чўққидан кўчиб кетган улкан тош гулдураб шовқин солиб Нурбекнинг боши узра юмалаб келаётган эди. Унинг изидан эса яна бир қанча тошлар қўшилиб, йўлда учраган нарсаларни эзиб-янчиб борарди. Нурбек орқасига тисарилди-да, пастга томон учиб кетди...

## VII

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг Нурбек биринчи марта ҳовлига чиқди. Бироқ унинг шикастланган оёғи ҳали ҳам оғриб турарди. Нурбек оқсоқланиб юрар, йўтали ҳам ҳали қолмаган эди.

Тўпланишган ва кириб-чиқиб юрган кишилар Нурбекка ўша машъум воқеани ҳеч қачон эслатмасликка аҳдлашиб олгандек эдилар. Сўз очиш пайти келиб қолганда ҳам, унинг олдида шу вақтга қадар бу хусусда гапиришганларини эшитмади. Тўғри, Ася ўз фикрини тўғридан-тўғри унинг юзига айта қолди:

– Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, бундай қилмаган бўлардим! Кимки масъулиятдан кўрқар экан... – Ася айтмоқчи бўлган фикрини охиригача гапиролмади ва Нурбекка аянчли ҳолатда қаради-да, чуқур нафас олди. – Сиз ҳаммасини очиқ гапириб бердингиз, мен сизнинг шундай қила олганингизга сира ишонмайман!..

Нурбек ўзини бироз тетикроқ ҳис қилди. “Ася мени тўғри тушунди, – деб ўйлади у. – Демак, мен у айтгандай ёмон одам эмас эканман-да. У менга ишонади. Бошқаларга ҳам ишонармикан?”

Лекин бир зумдан кейин унда яна бошқача фикр туғилди: “Нега улар хабар қилишиб, мени тутиб беришмади? Ёки улар менинг соғайишимни кутишаётганмикан? Менинг

жиноятчи эканлигим нотўғрими ахир? Ҳа, мен тамом бўлган одамман! Менга раҳм-шафқат қилиб туришга ўрин йўқ, мен жазога тортилишим керак!..” Ойнагул ҳақида ўйлаганида миясига яна бошқа фикр келди: “Йўқ, мен бу ердан тезроқ кетишим керак. Бундай ҳаёт жонимга теги. Ойнагулнинг олдига қайтиб бораман, у билан тинч ва бахтли ҳаёт кечирамиз”.

Нурбек кечалари кўз юммай, рўй берган воқеани кишиларга қандай тушунтиришни, ўша пайтда моторнинг нега ўчиб қолганини ўйлаб ётарди. Оддий тракторлар баланд тоғли ерларда ишлай олмаслиги аниқ. Унда тоғли районларда ишловчи тракторларни такомиллаштириш борасида қандайдир фикрлар мавжуд... Ҳа, энди бунинг нима кераги бор... У энди ишга яна қайта оладими, кишиларнинг юзига қандай қарайди?

Ҳар куни эрталаб Ася билан гидротехник Бектемир йўғон сим арқонга ўрнатилган кажавага ўтириб лебёдканинг иккала томонидаги чиғириқни айлантриб, трос бўйлаб бир зумда дарёнинг нариги томонига ўтиб олишарди. Кейин улар дарё соҳили бўйлаб юқорига, Байдамтолнинг қорли ҳавзалари томон кетишарди. Ася у ерда ўзининг кузатиш ишларини олиб борарди. Нурбек уларни то дарёдан ўтадиган ергача кузатиб қўйиб, сўнг ўзи орқага қайтарди. У қарийб бутун кунни Асилбой билан бирга ўтказарди. Чол ўғли Бектемирга сира ҳам ўхшамасди. У жуда улфат, гурунқ қилишни яхши кўрадиган одам эди. Унинг ёши етмишларга бориб қолган бўлса ҳам, эртадан кечгача тиним билмасди, қачон қараманг гивирлаб, хўжалик ишлари билан банд бўларди. Бу новча, қотма, бироз букчайган чолнинг кўзлари худди ёш болаларнинг кўзларини эслатарди. Афтидан, улар қандайдир янги, ажойиб нарсалар излаётгандай оламга завқ билан боқарди.

Бугун Асилбой унинг кўлидан ушлаб олди-да, сирли қиёфада: “Юр-чи бу ёққа, сенга бир нарсани кўрсатаман”, – деди. У Нурбекни унча катта бўлмаган тепаликка олиб чиқди. Тепаликнинг қуёш тушиб турадиган томонида бир қанча ёш олма дарахтлари экилган, ниҳолларнинг бирида пушти гул очилган эди.

– Бу биринчи очилиши, – деди шивирлаб Асилбой. – Ниҳолларни шаҳардан Асянинг ўзи олиб келган. Ўшанда мен ҳайрон бўлиб, қизим, буларни нега олиб келдинг? Улар бу ернинг соғуғига бардош бера олармиди? Бекор овора бўлибсан, қизим, улар бу ерда яшай олмайди! – десам, у – сиз қаердан биласиз, нега ундай деяпсиз? Синаб кўриш керак, ўрганиш керак... – деди. Ўшанда мен роса уялиб қолган эдим... Мана энди кўряпсанми, орадан икки йил ўтди... Биринчи нишона кўрсатди... Ася ҳали буни билмайди. Кўрса борми, қувончдан боши осмонга етади... Бўлмасам-чи, бу чакана иш эмас-ку... Байдамтолга кишилар кўчиб келганда, уларнинг боғ-роғлари бўлади!..

Эрталаб, қуёш тоғ тизмаларидан эндигина мўралаб, унинг нурлари дарё юзидаги енгил туманга қадалганда Нурбек ҳар галгидек, Асяни дарё ёқасига кузатиб қўйишга чиқди. У Асянинг Байдамтолга яқинлашганда ҳар гал ҳам нимадандир ҳаяжонланишини энди аниқ сезиб олди. У бирдан ҳушёр тортиб, бошини секингина юқори кўтариб олиб, Нурбекни ортда қолдирганча соҳил сари чошиб кетарди. У дарёнинг қирғоғида ярми сувга ботиб турган харсангтошни яхши кўрарди. У тош олдига ғизиллаб чошиб борарди-да, унинг бир чеккасида туриб, қуёшнинг дастлабки нурларини қаршилаганча, дарё сувининг оқишини ҳавас билан тингларди. У одатдагидек Байдамтолнинг тўлқин отиб оқишини кўрсатиб, ниманидир айтиб қичқирарди. Лекин унинг сўзлари эшитилмас, товушини дарёнинг шағиллаган овози босиб кетарди. Баъзан унинг сўзлари узук-юлуқ қулоққа чалиниб қоларди: “Эй-й-й! Нурбек!.. Қа-ра... Байдамтол...”

– Нима деяпсан? Эшитилмаяпти, Ася!

Қиз кафтларини бир-бирига уриб, чапак чалиб қуларди.

Лекин Ася бугун ўша тош томон югурмади.

– Балки сен зерикаётгандирсан, Нурбек? – деди ва тўхтаб йигитнинг кўзларига диққат билан боқди. – Сен у китобни ўқиб бўлгандирсан? Бутунлай соғайиб кетганидан кейин биз билан қояга чиқасан. Мен олиб бораётган тажрибаларимни сенга кўрсатаман. У ерда кўп ажойиб нарсаларни кўриш мумкин. – Ася ўйланиб турди-да, кейин қўшиб қўйди: – Бугун эса сен Герценнинг “Кечмиш ва ўйлар” деган китобини топиб ўқи, у менинг сеvimли китобим. Мен курашчиларни, юсак мақсад сари интилувчи, кучли кишиларни севамман!

– Маъкул, Ася.

Ася яна бир нималар демоқчи эди-ю, лекин улар дарё ёқасига етиб қолишганди. Нурбек унинг кажавага чиқиб олишига ёрдам берди.

– Биз тезда қайтамыз! – кичқирди қиз. Улар дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олгач, Ася Нурбекка қараб: “Уйга бор! Бу ерда турма! Шамоллаб қоласан!” – дегандек қўл силтади. У узоқлашаркан, йўл-йўлакай яна бир неча бор тўхтаб, унга қўл силкиб қўйди.

Нурбек уларнинг муюлишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлиб кетгунга қадар дарё бўйида кутиб турди. Кейин орқасига қайтиш ўрнига тош қия бўйлаб дарё ёқасига тушди ва сув бўйидаги тошга бориб ўтирди.

Байдамтол одатдагидек шовқин солиб оқарди. Дарёнинг қирғоқ билан туташган саёз еридаги кичик-кичик тўлқинлар Нурбекнинг оёғига қадар ўрмалаб келарди. Гўё улар Нурбекка: “Кет, яқинлашма!” дегандек туюларди. Нурбек кўзғалмай ўтираверди. Асов тўлқинлар унинг этигига лойиқ кўпик қолдириб бориб келарди. Нурбек кулимсираб қўйди.

Байдамтол дарёси тизма тоғлардан бошланарди. У ерлар мангу қор ва музликлар билан қопланган. Агар инсон мангу музликларни эритишни эплай олганда эди, Байдамтолни ҳам бошқара оларди. Бу ҳали муаммолигича қолиб келмоқда, аммо кимки бу масалани ҳал қилишга бел боғлаган экан, у ҳақиқий жасур ва ботир инсон саналади.

Нурбек ўрнидан туриб, ҳаяжонланган бўйича дарёнинг сув ялаб кетган саёз еридан юриб, Байдамтолнинг саркаш тўлқинларига назар ташлаб борарди.

Ася бу тўғрида ҳикоя қилганда бутунлай ўзгариб кетарди. Унинг осойишта, ўйчан кўзлари чақнаб, ғайратга тўлиб алланималар ёрқин кўринаётгандай туюларди. “Сен бир кўз олдинга келтириб кўр-а, Нурбек! Шундай бир вақт келадики, деҳқонларимиз қизиби-ёниб ётган ҳаводан раҳм-шафқат сўраб, илтижо қилиб ёмғир кутмайдилар. Дарё оқимини ўз измига бўйсундирган инсон далаларга қанча сув керак бўлса, шунча сувни етказиб беради”.

Кекса Асилбой эса Байдамтолнинг келажаги ҳақида гап кетганда, ёқасини ушлаб ҳайратланарди.

– Вой тавба! – дея бошини чайқарди. – Ҳозирги ёшларнинг қилаётган ишининг чегараси йўқ! Сен бир ўйлаб кўр-чи, улар қандай катта ишларга қўл уришяпти. Худо насиб қилса, Асямиз айтганини қилади. Муқаддас кишилар йўқ дейишади, аммо у, менинг назаримда, кишилар учун муқаддас бўлиб қоладиганга ўхшайди... Қор ва сувларни ўз ҳукмига бўйсундирмоқ ҳазилакам ишми! Қулганлар кулаверсин, лекин мен Асяга ўхшаган ёшларимизнинг ҳар қандай ишларни амалга ошира олишига ишончим комил. Кимки халқ учун, халқ йўлида хизмат қилар экан, у ҳар доим ўз муддаосига эришади... Унга халқ кўмақдош бўлади...

Нурбек осма кўприк олдига келганда тўхтаб қолди ва: “Ася тезроқ қайтса эди! Вақт мунча секин ўтяпти-я”, – деб хаёл суриб қолди. Лекин ўз фикридан ўзи чўчиб кетди. У Ася ҳақида кўпдан бери ўйлаётганини эслаб қолди. “Нега? – ўздан-ўзи сўради Нурбек. – Наҳотки Асяни севиб қолган бўлсам? Нима, сен ақлдан озиб қолдингми, бундай бўлиши мумкин эмас! Мен унинг тўғрисида шунчаки ўйлаяпман, бу менга шундай туюляпти! Муҳаббат бундай келмаса керак. Мен уни жуда ҳурмат қиламан, ўз туғишган синглим, ўртоғимдек ҳурмат қиламан, лекин бизнинг ўртамызда севгининг бўлиши мумкин эмас... Ҳа, шундай! Жим бўл, эсиндан чиқар, хаёлингга ҳам келтирма бунди!”

Аммо улкан тошнинг кўчмоғи учун биргина кичик тош ҳам сабаб бўлаверади. Нурбек неча бор Ася тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Аксинча, қиз ҳақидаги хаёллари қайта-қайта такрорланаверди. У нима қилишини билмасди. Нурбек беҳуда чўчиб тушмаган эди. “Асилбойнинг ёнига бориб, у ёқ-бу ёқдан гаплашсам, балки ўтиб кетар”, – деган қарорга келди. Лекин чол билан унинг бугунги суҳбати сира ёпишмади.

– Нима бўлди бугун сенга ёки бирор нарсангни йўқотдингми? – деб сўради ҳайрон бўлиб, Асилбой йўнилган ғўлачаларни бир томонга олиб қўяркан, ҳаяжонланган Нурбекка диққат билан кўз тикиб.

– Йўқ! – Нурбек пўнғиллаганча хонага кириб кетди. У Герценнинг китобини олиб икки саҳифа ўқиди, кейин уни ёпиб қўйиб, деразадан тоққа томон тикилиб қолди. “Шу топда ниманидир йўқотгандайман, – деди овоз чиқариб Нурбек. – Нима эди бу? Қизиқ, эслаш керак!” Шу пайт:

– Ася қачон қайтаркин-а? – деган савол унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди.

– Бас! – Нурбек столни мушти билан урди. – Унинг ҳаёти ва ишига халақит беришга сенинг ҳақинг йўқ! Бундай қила кўрма, тинчлигини бузма.

Нурбек уйдан отилиб чиқиб, яна дарё томон йўл олди. У сув ялаб турган ўша саёз ердаги тошга ўтирди ва қўллари билан бошини қисди.

“Севаман деб айтишга қандай тилинг борди! – ўйлади Нурбек. – Ася бу кимсасиз тоғларда халқ учун бебаҳо иш қилиш истаги билан яшамоқда... Сен-чи, сен кимсан? Ася мени ҳеч қачон севмайди! Унинг учун бошқа, ўзига муносиб кишилар бор”.

Тўлқинлар, Нурбекнинг оёғига келиб урилган тўлқинлар яна “Кет, йўқол бу ердан!” – деяётгандай туюлди.

## VIII

Тун. Дара зулматдай қоп-қоронғи. Тоғларнинг тепасида ғуж-ғуж юлдузлар чақнамоқда, улар гўё атрофини кул босган лахча чўғ сингари эди. Пастда эса тиним билмай Байдамтол хайқиради.

Нурбек эшиқдан чиққанда, дара бўйлаб эсаётган шамол унинг қалпоғини учуриб кетди. У қалпоғини ердан олиб босиброқ кийиб олди-да, осма кўприк томон шошилиб юриб кетди. У кўприк олдида келиб, туриб қолди ва ўгирилиб қаради-да:

– Хайр, Ася! Индамасдан кетиб қолганим учун жаҳлинг чиқмасин. Шундай бўлгани маъқул.

Нурбек кажавага чиқди.

Асилбойнинг айтишига қараганда, дарёнинг соҳилига ўтиб олиб, оқим бўйлаб пастга томон юрилса, кейин дарага бурилиб доводдан ошиб ўтилса, икки кундан кейин тош йўлга чиқиб олиш мумкин бўларкан. У ердан эса катта йўл орқали тўғри шаҳарга бориш мумкин.

Нурбек кажавага жойлашиброқ ўтирди ва чиғирни айлантира бошлади. Роликлар ғижирлаб кажава ўрнидан кўзгала бошлади. Уни силжитиш унча осон эмас экан: чиғир икки кишига мослаштирилган эди. Нурбек ўзини тезда толиб қолгандай ҳис қилди. У нафасини ростлаб олиб, кажава четидан пастга қаради, кўрққанидан кўзларини юмиб, чиғирнинг тутқичига янада маҳкамроқ ёпишиб олди. Пастда қандайдир ақл бо-вар қилмайдиган алланарсалар кўзга ташланарди. Жарлик қоронғи, сув паст-баланд қирғоқларга урилиб, кўпириб, даҳшат билан гувулларди. Гўё дара тун зулмати билан курашаётгандек. Улар бир-бирини шапир-шупур сувга босишар, лекин иккаласи ҳам бир-бирига бас келолмаётгандай туюларди. Нурбек пастга бошқа қарамасликка қарор қилди ва чиғирни иложи борича тезроқ айлантирди. Мана, у ярим йўлни босиб ўтди. Дарёнинг нариги соҳили равшанроқ кўрина бошлади. Нурбек жуда чарчаб қолган бўлса ҳам ўзига сира дам бермасди. Яна бир зўр берди ва... нимадир қарсиллаб кетди. Чиғириқ секинлаб, кажава жойидаёқ тўхтаб қолди. Нурбек ўрнидан туриб, тросдан чиқиб кетмадимикин деган хаёл билан роликларни пайпаслаб кўрди, аммо ҳаммаси жойида эди. Нурбек қўл фонарни ёқиб чиғирни кўздан кечирди ва ҳолсизланиб ўтиргичга ўтириб қолди.

– Нима қилиш керак? – ғўлдиради у.

Кейин билса, трос ўраладиган барабаннынг ўқи синиб кетган экан. Бу чиғирни бир томонлама айлантириш туфайли юз берган экан. Агар асбоб бўлганда эди, уни тузатиш унча қийин эмасди. Лекин уни қаердан олиш керак? Кажава қутурган дарёнинг қарийб қоқ ўртасида тўхтаб қолган. Нима қилмоқ керак? Бу туришда эрта тонггача ҳавода лақиллаб ўтириш мумкин, аммо эрталаб... эрталаб бу ерга Ася билан Бектемир келади. Бу эса уят, шармандалик-ку! Уларга шу аҳволда кўрингунча ўлган яхшироқ. Нима бўлса ҳам дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олиш ва тезроқ бу ердан йўқолиш керак.

Нурбек кажавани қолдириб, юқориги осиглиқ тросни ушлаб қирғоққа ўтишга жазм қилди. Ҳа, ҳа, худди шундай қилиш керак, фақат юқори трос билан қуйи трос ораси унинг бўйидан баланд бўлмаса бас, акс ҳолда юқориги тросга осилиб, оёқ ости таянч-сиз қолиши мумкин.

Бироқ уят ўлимдан қаттиқ!

Нурбек ўрнидан туриб, тросни икки қўллаб ушлади ва кажава ичидан чиқди.

Унинг қулоғига дарёнинг шағиллаган овози эшитилар, айниқса, юрагининг гупиллаб уриши аниқ сезилиб турарди. Бахтига трослар ораси айна мақсадга мос экан. Фақат қўли толиб чиқиб кетмаса бўлгани, жуда оз – тўрт метрча қолди! Сим тилиб кетган кафтлари қонаб, ловуллаб ачишаётган бўлса ҳам шошма, секин ҳаракат қил!

Мана, қирғоқ. Нурбек сакраб ерга тушди.

– Ўтдим! Ўтиб олдим! – хурсанд бўлганидан қичқириб юборди ва ерни ҳидлаб меҳр билан шивирлади: – Ер, ер! Энди истаган жойга бора оламан.

Нурбек бир сакраб оёққа турди ва катта қадам ташлади. У осма кўприкка қараб олиш учун бир зум тўхтаб, жойида донг қотиб қолди, даҳшатли хаёлдан нафаси ичига тушиб кетди. Кошки ҳеч нарса юз бермаган бўлса, фақат кажава ўз ўрнидан силжиб, ёлғиз чўққайиб дарё устида тебраниб қолган бўлса.

– Бу қандай бўлди? – бўғиқ овоз билан шивирлади Нурбек ва ҳаяжон билан қоронғиликка тикилганча олға ташланди. – Бу нимаси, чиғирни синдириб кетяпманми? Улар мени ўлимдан сақлаб қолишди, даволашди, мен бўлсам миннатдорчилик билдириш ўрнига зарар келтириб қочяпман!

Нурбек ерга ўтирди, қўллари билан бошини ушлаб кўзини юмди. У эртага нима бўлишини тасаввур қиларди.

...Эрталаб гидрологлар осма кўприкка келишиб, кажаванинг дарё ўртасига бориб қолганини кўришади. Демак, кечаси кимдир ундан фойдалангану сўнг шу бўйича ташлаб кетиб қолган. Бироқ бу ким бўлиши мумкин? Ўзимизникиларнинг ҳаммаси шу ерда. Эҳ-ҳа, Нурбек қаерда?.. Тушунарли!.. Бўлмаса-чи, унинг йўли ҳам шу ёқдан... Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ишни бир дақиқага кечиктириш мумкин эмас!.. Улар қирғоқ чиғири ёрдами билан кажавани тортиб олишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Лекин у ўрнидан қимирламайди, чунки силжитувчи трос барабанга маҳкам ўралган. Барабан эса синиб қолган. Улар арқон кўприкнинг ишдан чиққанини кўриб қаттиқ хафа бўлишади. Буни ким қилди? Аблах, Нурбек!

– Мен ундан ҳеч қачон буни кутмаган эдим! – паст овоз билан дейди Ася лабини тишлаб.

– Ҳа уйинг куйгур, зоти паст! Нима қилиб қўйдинг-а? – оғир хўрсиниб олади Асилбой.

– Мен ўлдираман бу дайди итни! – отилади Бектемир ердаги тошни олиб.

Хўп, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ася ҳеч қачон ўз ишини тўхтатмайди. Бироқ у нима ҳам қила оларди? Фақат биргина йўл бор. Асбоб топиш керак-да, тросдан яна кажавага қайтиб бориш керак. Лекин бу айтишга осон, шунча масофани трос бўйлаб босиб ўтиб бўлармиди? Ахир у қирғоқдан то кажавага қадар ўттиз метрдан кам эмас, агар қўлинг бўшаб кетса борми, ўлиш ҳеч гапмас. Байдамтол шу заҳотиёқ тошларга олиб бориб уради, ҳа, уларнинг қайси бири бундай хавфли ишга бориши мумкин? Ася! У ҳеч нарса олдида тўхтамайди, у ишнинг бир дақиқа ҳам тўхтаб қолишига йўл қўймайди!

– Йўқ, мен уни ҳалокатга итармайман! – Нурбек ўрнидан ирғиб туриб, осма кўприк томон чопиб кетди. У ҳали чиғирни созлаш учун қандай тадбир кўриб, қандай тузатиш кераклиги ҳақида аниқ бир тасаввурга келолмаган бўлса-да, бироқ бу ердан кетиб қолиш мумкин эмаслигини сезиб турарди.

Нурбек кўприк олдида югуриб борди, оғир нафас олди-да, пешонасини металл устунга босди. Унинг миясида фақат бир фикр хукмрон эди: “Нима қилмоқ керак? Чиғирни қандай тузатиш мумкин? Қандай? Бирор кимса на жавоб беради ва на акс-садо! Байдамтол, бағритош дарё, ҳеч бўлмаса бир оғиз сўз айтсанг-чи? Йўқ, сен эшитмайсан, ёввойи ҳайқириғинг билан қулоқларинг битиб қолган! Нима қилай... Ахир мен инсонман-ку, менинг исми – Инсон!.. Мен буни тузатишим, йўл топмоғим керак!”

– Топдим! – хитоб қилди Нурбек. – Топдим!..

Ҳа, Нурбек тадбир топган эди! У ҳозир трос орқали дарёнинг нариги томонига ўтади. У дарёнинг нариги томонида яшиқда асбоблар турганлигини кўрган эди. Ундан керакли асбобларни олиб, белига боғлаши ва яна шу трос бўйлаб, кажавага қайтиб келиши, уни таъмир қилиб бўлгач, бу қирғоққа қайтиб келиши керак эди. У кўприкнинг ёнига бошқа яқинлашмайди, яхшиси, боши оққан томонга кетади, балки дарёнинг куйироғидан бирор саёз жой топилар... Эй, бу унча ўйлайдиган нарса ҳам эмас, ҳозир асосий масала у эмас, муҳими ҳозир – ўйланган фикрни амалга оширмоқ, бош масала – Асянинг улкан ишига ҳалал бермаслик!



– Ўз фикримдан қайтмайман, – деди Нурбек қатъий қилиб ва ишончсизлик билан қўшиб қўйди: – Бироқ билолмадим уддасидан чиқа олармикинман, бундай оғир ишни бажариш учун куч-қувватим етармикин?.. Бу ердан кажавагача олти-етти метр, бу йўлни босиб ўтганман, ҳозир яна у ердан ўтаман, бироқ кажавадан у қирғоққача трос бўйлаб ўттиз метр юришим керак! Бу жуда узоқ йўл! Жуда узоқ! Хўш, нима бўпти, ҳаммасига тайёрман, Ася!

Нурбек устунга чиқиб юқориги тросни ушлади. Пастки тросни эса оёғи билан пайпаслаб топди. Ўнг оёғи билан биринчи қадамни ташлади, кураш бошланди.

У биринчи қадамни ташлаганда пастдаги қутуриб оқаётган дарёнинг даҳшатли шовқин-сурони унга бозор жойида дорбозларнинг ўйинида чалинадиган ноғора, карнай-сурнайларнинг аралаш-қуралаш овозидек бўлиб туюлди.

Нурбек саёқ дорбозларни болалик кезларидаёқ кўрган эди. Улар қарийб терак бўйи баландликда арқон устида юришади. Уларга ҳар бир дақиқада ўлим таҳдид солаётгандай бўларди, аммо у довурак киши эса кукка сиғиниб: “Ё пирим, ё Олло!..” деб илтижо қиларди.

“Опа! – кўрқиб кетган Нурбек ўшанда онасининг кўйлаги барига яшириниб. – Кетамиз, опа, бу ердан кетамиз!” – деярдди. У ҳатто юраги дов бермай томоша ҳам қилолмаган эди.

Энди бўлса Нурбекнинг ўзи дорбоз. Нурбек ҳам дорбозчилар сингари ҳавода ўша дор арқонидан йўғон бўлмаган трос бўйлаб бормоқда.

Кажавага етиб борганда Нурбек мажолсизланиб ўзини ичкарига отди. Бир қисм йўл босиб ўтилди. Лекин шу кичкина ғалаба ҳам қанчалик қимматга тушди! Троснинг симидан тилиниб, юлқиланган кафтларидан қон оқар, ўпкаси кўкрагига сиғмас, худди пойгада чопавериб ҳансираб терга ботиб кетган отлар сингари қовурғалари бўртиб чиққан эди. Олдинда эса ҳали узоқ, бундан кўра юз чандон оғир ва уқубатли йўлни босиб ўтиш керак. “Орқанга қайт, бахти қора, ҳали ҳам кеч эмас, ҳалок бўласан!” – деди ички бир овоз унга.

– Йўқ, мен охиригача аҳдимда тураман! – қайтарди овоз чиқариб Нурбек.

У ўрnidан турди, камзулининг астарини йиртиб кўлини ўради. Яна кураш бошланди.

У биринчи қадамни босиши биланоқ чилдирманинг бака-банги, карнайнинг уввос тортиб жар солиши эшитилди.

Бироқ бу гал Нурбек аввалгига нисбатан тезроқ ҳолдан тоя бошлади. У кўрққанидан пастга қарай олмаса ҳам, тасодифан оёғининг остига кўз қирини ташлади. Дарёнинг бетизгин оқими тўхтагандек туюлди, унинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Гўё ҳамма нарса – тоғлар ҳам, тун ҳам, дарё ҳам, ҳаммаси улкан сув гирдобиди гир айланиб, ундан узоқлашар ва доира ҳосил қилиб яна унга яқинлашарди. Ҳар қанча бўлса-да, Нурбек ўзини тутиб олди. У бошини юқори кўтарди, лекин шамол уни юлиб кетаётгандек бўлди. Шамол тўсатдан унинг кўрагидан олиб, чалқанча ағдариб ташлади. Оёғи тросдан сиғалиб чиқиб кетди. Лекин у юз машаққатлар билан оёғини яна тросга қўйиб олди. Елкасидан иссиқ тер оқиб туша бошлади. Нурбек бош айланиши қолар деган умидда кўзларини чирт юмиб олди, аммо у яна кўзини очганда ҳеч нарса кўрмагандек, яна аввалгича ҳамма нарса гир айланиб, кўнгли айний бошлади, ўзини йўқотаёзди. У ўзини ажойиботлар дунёсига келиб қолгандай ҳис қилди. Бу янги дунёда у ўз ҳаётини қайтадан бошлагандек эди.

Ҳаммаси, ўтган ва янги юзага келган нарсаларнинг барчаси унинг кўз олдида сузиб юрар ва турнақатор бўлиб тизилишиб ўтар эди. Аммо унинг ўзи тўхташи мумкин эмас, олға, фақат олға интилиши керак, акс ҳолда ҳалокат юз бериши мумкин, деган ягона фикр ҳукмронлик қиларди. Шунинг учун у одимлай бошлади, секин, имиллаб бўлса ҳам олға силжийверди.

Аччиқ тер унинг юзидан оғзига оқиб тушарди. Қўлига ўраган латталари аллақачон титилиб кафтлари қавариб кетди, бармоқлари увиб қолди, гавдаси эса ҳаддан ташқари оғирлашиб пастга торта бошлади. “Агар дарёга ўзимни отсам нима бўларкин? – ўйлади Нурбек. – Барибир мен ўлган одамман, менга барибир эмасми”. Кўприк-чи? Уни ким тузатади? Демак, эртага Ася Байдамтолнинг бошига боролмайдами? Демак, унинг халқ учун қилган барча саъй-ҳаракатлари бесамар кетадими?”

Нурбек ўзини ўнглаб, яна бир-икки қадам олға босди.

– Ася, – ҳаёлан мурожаат қилди у қизга. – Сенинг жаҳлинг чиқмасин, хафа бўлма,

мен муносиб киши эмасман, жиноятчиман, иродасиз қочқинман, лекин сени севаман! Менга ишонгин, Худо ҳақи, мен сени севаман! Ҳа! Ҳатто ўзимдан яшириб юганимга ҳам иқрорман!..”

Нурбек дарёнинг ўртасига келгач, бошқа силжишга мажоли келмай қолди. Оёқ-қўлларининг мадори қуриб, хушдан озаёзган эди. Яна бунинг устига негадир пастки трос салқи бўлиб қолганди. У пона қоқиб маҳкамлаган эди-ку! Балки бу одамнинг оғирлиги билан бўшаб қолгандир. Нурбек оёғи остидаги троснинг секин-аста пастга тушиб кетаётганини сезиб сесканиб кетди, кўкрагини тўлдириб нафас олган эди, бирдан йўтал тутиб, уни яна оғир аҳволга солиб қўйди. Нурбекнинг кўкраги ачишиб оғриётганидан нафас олиши ҳам оғирлашган эди. Қонга беланган қўлларидан куч кетиб, оёқ остидаги трос борган сари пасайиб кетмоқда эди. Нурбекнинг ўзи сим устида тебраниб, у ёқдан-бу ёққа чайқаларди.

– Ажал! Ажал! – деб ғолиб келгандай Байдамтол шовуллаб оқарди, гўё ўз ўлжасини кутаётгандай эди. Нурбекнинг қўллари энди унга итоат қилмай қўйган эди. Тоқатсизланиб турган Байдамтол яна:

– Ажал! Ажал! – деб ғазаб билан ўшқирди.

– Сув, бир култум сув! – сўради Нурбек чанқоқдан қийналиб.

“Бошингни эг, дарёдан олиб ич сувни! Сув кўп, сенинг чанқоғингни қондиришга етади, бош эг”, – кимдир маккорлик билан қулоғига шипшигандек бўлди.

Нурбек охириги куч билан бармоқларини қисди. Шу пайт у қўлида соатининг чиқиллаб ишлаётганини эшитди. Бу ғайритабиий бўлиб кўринса ҳам, ҳақиқатда эшитилаётган эди. Дарёнинг қулоқни кар қилғудек гулдураган овозлари орасида бир меъёрда аниқ, жаранглаган “тик, тик, тик”, товуши ҳам равшан эшитилиб турарди. Ана шу ҳар бир сония уриши билан бирга ҳаёт ҳам ўтаётган эди. Ҳаёт! Киши ҳаёти! Шу қисқа бир дақиқа ичида у ҳаётнинг нима эканлигини уқиб олди...

Зўр ирода кучи билан у бошини бирдан кўтариб олди ва бутун дарага қараб тантанавор қичқирди:

– Мен яшайман!

...Нурбек қирғоққа чиқиб олганидан сўнг, ўзини ерга ташлаб, қарийб бир соатга яқин жонсиз киши каби қимирламасдан чалқанча ётди. У изига қайтишда асбобларни олди, йўқми, аммо асосий иш битди. Тортилиб қолган трос бўшади. Қирғоқда чиғириқ ёрдамида Нурбек кажавани жойига олиб келди. Тонгда у ишини тугатди.

Нурбек сув бўйига тушиб, этиги билан сув кечди. Фақат эндигина сув ичишга ўзини ҳақли деб билди.

У сувни катта-катта култумлар билан секингина ичаркан, болаларча кулиб қўйди. Бугун у ҳаётида биринчи марта чинакам кураш ва ғалабанинг лаззатини тушунди. Бу сафар у фақат ўзи учун, ўз шуҳрати ва қахрамонлигини қуруқ намойиш қилиш учун эмас, балки катта орзулар учун, юксак мақсадлар йўлида хизмат қилаётган Ася учун жасорат кўрсатди.

– Ҳа, мен бахтлиман! – деди Нурбек. – Эрталаб Ася Байдамтол ўзанлари сари йўл олади. Йўл очиқ, кўприк тузатилган!..

Нурбек завқланганидан кумлик ҳўл қирғоқдан чопиб кетди. У уйга келиб, қўлига қалам олиб бир варақ қоғозга эгри-бугри қилиб ёзди:

“Ася, мен қаёқдан келган бўлсам, ўша ёққа кетяпман. Балки биз ҳеч қачон учрашмасмиз, лекин мен сени қандай гўзал бўлсанг шундайлигингча умрбод қалбимда сақлайман. Жаҳлинг чиқмасин, мендан кулма, Ася, сен мен учун... Хайр, омон бўл... Ўзингни эҳтиёт қил... Ҳа, сал бўлмаса унутаёзибман, мен Герценнинг китобини ўқиб улгуролмадим, кечир, мен уни ўзим билан бирга олиб кетяпман, ахир бу сенинг севимли китобинг, курашчан инсон ҳақидаги китоб-ку... Менинг тасодифан сен билан бўлган учрашувим ҳаётимдаги энг қийин ва энг бахтли кунлар бўлиб қолади. Раҳмат сенга, Ася, барча яхшиликларинг учун... Сен менга кўп нарсаларни ўргатдинг... Сен мени Байдамтол устидан ғалаба қилишинг учун дунёда ҳаммадан кўпроқ тилак тиловчи дўстинг деб ҳисобла... Мен аминман, Ася, Байдамтол забт этилади!..”

## IX

Асилбой эрталаб барвақт туриб, ҳовлини айланиб юрди, отини сувнинг бўйига етаклаб келди ва уни чўмилтирмоқчи бўлиб пақирлаб сув қуя бошлади. Тоғ ортидан қуёш кўтарилди. Асилбой кўлини пешонасига қўйиб қуёш томон астойдил тикилиб қолди. У юзларига сачраган ариқ сувидан сесканиб кетди ва кўлидаги пақирни тушириб юборди. Асилбой Асянинг деразаси ёнига югуриб борди ва кучининг борича уни тақиллатди.

– Ася, тур тезроқ, у кетди!

Ҳеч нарсани англай олмаган Ася ҳовлига югуриб чикди:

– Нима гап, отажон?

– Қара-чи, қизим, у ёққа! – гурур билан деди Асилбой узоқлашиб кетаётган кишини кўли билан кўрсатиб. Одам доvon томон кетаётган эди. – Бу Нурбек! – тушунтирди Асилбой.

– Нурбек! Нурбек! – бор кучи билан қичқирди. Афтидан, у югурмоқчи бўлди, лекин шу заҳотиёқ тўхтаб, севинган, беихтиёр ва ҳаяжонланган тусда, худди ҳар галгидек эрталаб қоя тош олдига югуриб бориб, Байдамтолнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб тургандек, донг қотиб қолди. – Шундай бўлишини билган эдим, – шивирлади Ася.

Нурбек катта қоя орасига яширинди. Ася у билан фахрланар, айна чоғда уни қўмсаб юрак-бағри ўртаниб ёнаётган эди. У кўзёши қилмаслик учун юзини тескари буриб олди ва сўради:

– Ота, бу ердан совхозгача узоқми?

– Довондан нарида, ораси анчагина йўл, лекин баҳузур борса бўлади.



Сайду УМИРОВ

## АСИЛЛИК

Ўрта Осий Давлат университети (кейинчалик ТошДУ, ҳозирги ЎзМУ) филология факультетида журналистика бўлими иш бошлаганига (1949) олтимиш олти йил тўлибди (1967 йилда бўлим алоҳида факультетга айланган).

“Журналистика бўлимининг илк талабалари, дипломли мутахассислари кимлар бўлган?” – деган савол бериб қолишади баъзан бугунги талабалар.

1954 йил бўлимни йигирма саккиз йигит-қиз битириб чиққан, уларнинг кўпчилиги таниқли журналист, адиб, олимлар бўлиб етишди, анчалари ўтиб кетишди (жойлари жаннатда бўлсин). Кексаликка бўй бермай, қизгин ижодий иш билан машғулларидан Асил Рашидов, Жонрид Абдуллахоновлар жамоатчиликка яхши таниш.

Асил Рашидов ўқишни битириши билан севимли газетаси – “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”)га ишга киради, бирин-кетин катта-кичик нарсалари, таржималари чиқа бошлайди. “У ҳаловатсиз касбда жўшиб-ёниб ишлади”, – дейилганди унга бағишлаб таҳририят номидан ёзилган мақолада. Дарҳақиқат, Асил ака севимли касбига умр бўйи содиқ бўлиб келяпти – олтимиш йил хизмат қилган Низомий номидаги Давлат педагогика институти (ҳозир университети) кўп нусхали газетасини йигирма икки йил бошқаргани, матбуотда бот-бот босилиб турган мақола, очерк, эсселари бунинг далили.

Асил Рашидов публицистикасида қирқ йиллик қадрдон дўсти, ҳамкору ҳамдасти профессор Ғайбулла Саломовга бағишланган “Эзгуликка бахшида умр” портрет-эссеси ҳам муҳим ўрин тутаяди. Асил Рашидов ва Ғайбулла Саломовнинг кўпчилигининг ҳавасини келтирадиган дўстлиги “Русча-ўзбекча луғат”га биргаликда ёзган тақриздан, бири “Жамила” қиссасининг таржимасига қўл уриши, иккинчиси маслаҳат беришидан бошланади ва бу ҳамкорлик бир умр давом этади. Асил Рашидов узоқ йиллар давомида Чингиз Айтматовнинг деярли барча қисса ва ҳикояларини, романини ўзбек тилига ўғирди. Таржималар жараёнида дўстлар мунтазам маслаҳатлашиб, фикрлашиб туришди. Ғайбулла ака дўстига К. Юдахиннинг “Қирғизча-русча луғат”ини тухфа қилгани ва бу китоб жуда асқотганини мутаржим миннатдор бўлиб эслайди. Асарнинг қирғизча биринчи нашри “Обон” (русчада “Мелодия”) деб номланган экан. Дастлаб ўзбекчага ҳам, аслиятга риоя қилиш учун, “Наво” деб ўғирилади, лекин у ҳали эълон қилинмаганди, рус ва бошқа тилларда эса “Жамила” номида чиққан эди. Русча таржимонларидан А.Дмитриеванинг ва мутахассис Ф.Саломовнинг маслаҳатларига кўра ўзбекчада “Жамила” номи яхши жаранглаши маъқул кўрилади-ю “Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси” (Л.Арагон)ни ўғиришга даъват этган устози академик В.Зоҳидов таржимани биринчи бўлиб ўқиб, таъсирланиб “Офарин!” дейди, нашриётда учрашиб қолган А.Қаҳҳор қизгин табриклайди, шундай давом эттиришни маслаҳат беради, кейин ўқувчилардан “офарин”лар кўп ёғилади.

“Тополёк мой в красной косинке” қиссаси ҳам бошда “Қизил дуррачали сарвқоматим” дея айнан ағдарилади. “Иккинчи бор кўздан кечирилганда, – ёзади мутаржим, – дурра ўзи кичик нарса бўлса, яна унга “ча” қўшимчаси қўшишининг на ҳожати бор, деган мулоҳаза билан “Қизил дуррали сарвқоматим” тарзида ўзгартирдим. Учунчи бор нашр этилишида дўстимнинг маслаҳати билан “Сарвқомат дилбарим” деб номланишини маъқул кўрдик. Хуллас, асар шу номлигича қолди”.

“И дольше века длится день” романи таржимаси устида дўстларнинг баҳси ҳам ибратли. Дастлаб “Асрга татиғулик кун” деб ўғирилади. Бироз вақт ўтиб қирғизча нашри “Кўлум қаритар бир кун” (“Асрни қаритган бир кун”) номи билан нашр этилади. “Мен дўстимга, номини ўзгартирмаймизми, жуда яхши, жарангдор ном қўйишибди, дедим. У, ҳақиқатан ҳам чиройли ном, гапингизга қўшиламан, деди ва, асар шу ном билан мухлисларини топди, энди уни ўзгартирмайлик, деди. Бу гап менга ҳам маъқул тушди”. Асил ака А.Бек, Бауржон Момош Ўғли, М.Дўйсинаов асарларини ҳам ўзбекчага ўғирган, лекин у кўпроқ Чингиз Айтматовнинг собитқадам ва содиқ таржимони сифатида маълум. “Мен ихлос билан китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, адабиётшунос-таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки менинг асарларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қилди. Мана шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-қудратидир”, – деб ёзганди Чингиз Айтматов.

Асил Рашидов адабиётшунос, танқидчи сифатида мақола, суҳбатлари матбуот саҳифаларида мунтазам босилиб, китоб, рисолалари чоп этилаётганига олтмиш йилдан ошди. Олимнинг “Сўнмас юлдузлар”, “Леся Украинка”, “Герой – человек труда” китоблари, “Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири”, “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” монографияси ва бошқа асарлари ҳақида кўплаб мақола, тақризлар чиққани илмий, адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинганидан далолатдир. 2008-2011 йилларда икки марта нашр этилган “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” номли салмоқли монография асарларини суйиб таржима қилган машҳур қирғиз адибининг мақола, очерк, ҳикоя, қисса, романларининг барини, ҳар бирини нечоғлиқ кенг ва теран таҳлил, тадқиқ этганини кўрсатиб турибди.

“Леся Украинка” номли адабий портрет ўн бир ёшида суяк сили касалига дучор бўлиб, йиллаб тўшака михланиб қолган, метин иродали шоира Леся Украинканинг халқи эрки, озодлиги учун орзу-умидлари, интилиш-курашларини, Ватан меҳр-соғинчини шеър, дoston, драмаларида, эҳтиросли публицистикасида катта маҳорат билан ифодалаганига бағишланган.

Муаллиф Леся Украинканинг “Қўшиқлар қанотида”, “Қрим хотиралари”, “Ўйлар ва орзулар”, “Акс-садолар”, “Эрк ҳақида қўшиқлар” каби тўплам ва туркумлардан ўрин олган “Оҳ, менинг она диёрим”, “Хайр, севикли ўлка”, “Марварид ёшлар”, “Умид билан кутаман” каби юксак пафос, нозик лиризм билан битган шеърларини, “Самсон”, “Ой афсонаси” каби поэмалари, “Атиргул”, “Ойша ва Муҳаммад”, “Кассандра” каби драма, драматик этюд, диалогларини таҳлил қилади, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар маҳорат билан қилган таржималаридан намуналар келтиради.

Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Зулфия асарлари, таҳлили Асил Рашидовнинг мавзуни кенг ва чуқур ўрганганлиги, қўл урган ишига ўта масъулият билан ёндашиши натижасидир.

“Ўзбекистон” нашриётида 2010 йили чоп этилган “Асил Рашидов сафдошлари ва замондошлари нигоҳида” номли ўн икки босма табоқ ҳажмидаги тўпламдан қирқ нафар таниқли олим ва ёзувчининг мақола, эссеси ва тақризи ўрин олган. “Улкан дўст ва моҳир таржимон (Ч.Айтматов), “Сокин оқувчи дарё” (Э.Воҳидов), “Самимий инсон”, (Н.Каримов), “Шикаста нафслиқ ва кичик кўнгуллик” (С.Мели) ва шу каби мақолаларда ҳамкасб акаимиз тийнатиға хос камтарлик, хокисорлик, ҳалоллик, поклик, меҳнаткашлик, тўғрисиўзлик, принципиаллик каби фазилатлари эътиборға лойиқ мисол ва деталлар орқали очиб берилган. Китоб нашрдан чиққач, каминаға – тўпловчига “биз беҳабар қолибмиз, дилимизда анча айтадиган гаплар бор эди”, – дегувчивлар кўп бўлди.

Муаллим, мураббий, устоз, бир умр педагогик, ижодий фаолият билан шуғулланган, талай мукофот, совринлар соҳиби Асил Рашидовдан сабоқ олган филолог, қаламкаш шогирдлар ҳам бир талай.

Биринчи январда Янги йилни ҳамда ўзининг саксон беш ёшини кутиб олган Асил Рашидов қадди тик, тетик, бардам, аввалгидай меҳнатсевар. Ундан янги асарлар, таржималар кутамиз.

# НАЗМ



## Фарозат КАМОЛ

1959 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Осмон парчаси”, “Узоқ сафарлар”, “Баргизуб”, “Ҳолатлар китоби” номли шеърый тўпламлари чоп этилган.

## ЧОРЛАЙДИ ҲАЁТ ДЕЪ АТЛАЛАН ДАРЁ

### ТОНГ

Қандай нафас олар тонгда майсалар,  
Шабнам, балки, майса нафасимикан?  
Тонг билан уйғонган рангин капалак  
Оқ тонгларга менинг ҳавасиммикан?

Заминнинг кўнглими ёришаётган,  
Барча илдизларни босиб бағрига?  
Бу оламга ёруғ дард қўшаётган,  
Жимликми, дарёдай қудратга эга?

Гўё жуда секин мусиқа саси  
Олис ўлкаларнинг таратар бўйин.  
Билгисиз согинчлар кезар ҳавода,  
Тонг бошлар беадад согинчлар тўйин.

\* \* \*

Бир қушча уватда ўлтирар,  
Адирлар бағрида интизорлик бор.  
Мовий кўзларини тикади осмон:  
Хушбўйлар таралар ҳар томон.

Бунда элас-элас мусиқа саси  
Камалак рангларига кетар уланиб.  
Буталар ортидан қарайди шамол,  
Нурлар ифоридан сархуш ўт-ўлан.

Сувларнинг тусида осмон ранги,  
Жимирлаб туради сокин бир титроқ.  
Қирлар елкасида ҳаёт жаранги,  
Согинч каби тансиқ, кундуз каби оқ.

Минг хил ранглар бунда уфққа етган.  
Шу қирларда яшаб ўтказсам умр,  
Ватандайн кенглик тўярми юрак,  
Гуллардек эркини топарми кўнгил?

### УНУТИЛИШ

Сен мени унутдинг.  
Оҳ, бу кўр туйғу!

Юрак қирғоқдаги бир унут тошдай,  
тўлқинлар урилиб емирар уни.

Севги кетса, соя каби кетади,  
қуёшин йўқотиб кетади севги.  
Ўмидим йўқотиб кетмасайди у.

Сенинг овозингни асрар хотира.  
Қиёфангни топар дайидиган тушлар  
ва тун хаёлларин келар етаклаб.

Сен мени унутдинг.  
Бизга аталган  
бир қўшиқ бор эди шамол тилида,  
уфқлар ортида кетди йўқолиб.

\* \* \*

Жардан кўтарилиб келди бу одам,  
Кўнгил жарларидан, бир йўлчи монанд.  
Нега тушунмайсиз, нега билмайсиз?

Шунчаки излагай эмас бир манзил,  
Қай томон юрса-да, қай ён боқса-да.  
Нега тушунмайсиз, нега билмайсиз?

Чағир тошлар каби ботган туйғулар  
Фақат қолар экан юракда мангу.  
Нега тушунмайсиз, нега билмайсиз?

Энди яшамоқни сиз-ла ёнма-ён  
Ўзига берилган мукофот дейди.  
Нега тушунмайсиз, нега билмайсиз?

### ОЙДИН КЕЧАДА

Оқиб ўтаяпти юлдузли осмон,  
Дилимни тўлқинлар шаитига бериб.  
Чексизлик бағрига кираман ёлғиз,  
Руҳимда юлдузлар тўкилиб.

Нурлардай шарқираб оқади дунё,  
Оппоқ шуълалардан вужудим сармаст.  
Учиб бораяпман коинот аро,  
Кенгликлар шаитига басма-бас.

Сўроққа тутади туйғуларимни,  
Эркалик қилади менга шамоллар.  
Ойнинг шуъласига беланиб кулар  
Мен унутган ажиб хаёллар.

Шодману шодлигим сочилиб кетган,  
Кумуш кулгиларни тераман тундан.  
Борману борлигим қайгадир ўтган,  
Муаллақ сезаман ўзимни шундан.

Қанот бойлагандай ўйларим бехос,  
Туннинг рамзларими этган маҳлиё?  
Руҳимни юксакка ундар бир овоз,  
Чорлайди ҳаёт деб аталган дарё.

Оқиб ўтаяпти юлдузли осмон,  
Дилимни тўлқинлар шаитига бериб.  
Чексизлик бағрига кираман ёлғиз,  
Руҳимда юлдузлар тўкилиб.

\* \* \*

Шам ёқсам,  
чеҳрангиз жилваланса  
ёғдуларида.

Ҳар тола ёғдуда  
аён бўлаверса бир хислатингиз.

Сизни ёнгинамда ҳис қилмоқ бахти  
бир гўзал мусиқа бўлиб таралса.

Сокин мусиқага  
тирмашиб, ўралиб кўтарилсайди  
дарахтлар, буталар, гуллар.

Кўзларимни юмсам,  
кўзларим ичидаги қоронғуликни  
ёритса,  
ёдимни уйғотган ҳар бир сўзингиз.  
Шундай кўчирсайдим  
пинҳон белгиларни,  
сассиз умидларни  
тақдиримизга.

### ЧУЛҒАНИШ

Қизгалдоқлар сочган сенмисан, ҳаёт,  
Кафтингда майсадек ўсдимми орзу?  
Эшикларинг очган сенмисан, ҳаёт,  
Ундан юрагимга кўчдимми туйғу?

Қирларга боқаман, илҳом онлари,  
Самони қучибди баланд парвозлар.  
Юртимнинг мунаввар, эрка тонглари  
Юраклар торини чертмоққа созлар.

Совуқ кунлар ўтди, энди йўқ армон,  
Қайга учиб кетди кузги хазонлар?  
Бошимни кўтарсам кулади осмон,  
Тутсам, ҳовучимга ёғар найсонлар.

Бошимни қўяйми бағринга, ҳаёт,  
Қалдирғочлар каби инлар қурайми?  
Сўнгсиз қудратингга этганча имдод,  
Яшил япроқлардек титраб турайми?

Ҳамиша баҳорлар келсин шу юртга,  
Мовий осмонидан, қуёш, кетмагин.  
Табиат уйғониши берсин шу юртга,  
Илоҳим, меҳрингни дариг тутмагин!

# НАЪМ



## Машъал ХУШВАҚТ

1961 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Ҳозирда Асака туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабида адабиёт фанидан сабоқ бериб келади.

## ЁРҒУЧОҚ ПОШИМДАИ АЙЛАНАР ФАЛАК

### СОАТ

Хонамда мен билан яшайди бир қуш,  
Патлари забаржад, олмос тумшуги.  
Кечираётган оним – бу қушга емиш,  
Яшаётган лаҳзам – унинг озиғи.

У тинмай чирқиллар, гизо кутади,  
Қадаб вужудимга юҳо кўзини.  
Олдига ташласам бир-бир ютади,  
Бошимдан ўтказган ҳар бир лаҳзани.

Кунларимни бир-бир ютиб юборар,  
Ойларимни бир-бир ютиб юборар,  
Йилларимни бир-бир ютиб юборар,  
Шу тахлит, шу тахлит, шу тахлит.

Наҳотки, дунёга шу қуш деб келсам,  
Наҳот, шу очкўзни вазирам боқиши?  
Қўтарар бошини қачон билмасам,  
Ўзи қачон тўяр бу очофат қуш?



**ШАҲРИХОНСОЙ**

Шаҳрихонсой,  
Шаҳрихонсой,  
Каноранг хаёл каби.  
Муштипарсан, мунглисан,  
Мен севган аёл каби.

Сойгинам, уй қурганга,  
Ковуш-ковуш тош бердинг.  
Тўйиб-тўйиб йиғлаганга,  
Ҳовуч-ҳовуч ёш бердинг.

Хизр иши тушган сойсан,  
Муҳаббати тошган сойсан.  
Осмонлардан фаришталар  
Чўмилгани тушган сойсан.

Ботин уйим хароб бўлиб,  
Обод бўлса зоҳирим.  
Ҳузурингга дарров бориб,  
Нажот топдим, соҳирим.

Гуноҳдан паноҳ топдим,  
Густоҳдан бўлдим огоҳ.  
Қадамда гумроҳ топдим,  
Топдим фақат аҳли жоҳ.

Кўнглим арзи туроб ўлди,  
Титроқ – гулу райҳоним.  
Ашким дуру хушоб ўлди,  
Ошкор ўлди ниҳоним.

Сойгинам,  
Ҳой, сойгинам,  
Сув ур қобиқ-пўстимга.  
Чўмилтириб жимгина,  
Элт мени чин дўстимга.

**КУЗ ТАШБЕҲЛАРИ**

Бунчалар дардмансан,  
Бунчалар сўлгин,  
Бунча ҳам муштипар, кимсасизсан-а?!  
Мен сени жон-жон деб, қиз қилиб олгум,  
Мунисгинам, менинг кузгинам!

Қиёфангни кўриб эзилди жоним,  
Бўлди мунгли-мунгли жисмимда борим,  
Юзлари заъфарон, заиф беморим,  
Маҳзунгинам, менинг кузгинам!

Сен арзи саробим, баҳри хубобим,  
Ошиқлар рангидек ранги зардобим,  
Парвона умридек умри нобобим,  
Зарюзгинам, менинг кузгинам!

Тобора вужудинг совуб борар, воҳ,  
Маъюс табассуминг сўниб борар, воҳ,  
Метин юрагимни ҳасрат ёрар, воҳ,  
Маъюсгинам, менинг кузгинам!

**ҚАРЗДОРЛИК**

Қарзимни биламан,  
Тоғ суяк берган,  
Юлдузлар кўз берган,  
Яшин – кескир тил.  
Тахайюлни эса олдим самодан,  
Сабодан олганим – девона кўнгил.

Кўндуз шодлик берди,  
Ғуссани кеча,  
Шижоатни сўраб оловга бордим.  
То унинг ўзига керак бўлгунча,  
Шу азиз тупроқдан қонни қарз олдим.

**“ШОҲНОМА”НИ ЎҚИБ**

Оҳангар дўкони.  
Болта ясалар.  
Сандондан юмалаб тушар соққа чўқ.  
Ўчоқнинг нафаси тагин қисилар,  
Зувол босқонга боқар кўзи лўқ.

“Тақа-туқ!” “Тақа-туқ!”

Қишлоқ ухлайди.  
Зувол атрофга тўфлайди учқун.  
Фақат бу кўшиқни,  
Бу куйи зорни,  
Бироз ҳадик билан тинглайди юлгун,  
Бироз қўрқув билан эшиттар чинор.

Оҳангар дўкони.  
Ясалар қилич.  
Қишлоқда негадир менгина нотинч,  
Гўё мен гуноҳкор,  
Гўё мен осий.

Чўчитади мени босқон овози,  
Ёшим кўзларимга югуриб келар.  
Шошиб чўнтагимга кўлим беркинар,  
Эгилади бошим ўздан-ўзи.

\* \* \*

Бирдан чопқир сувлар қолди оёқдан,  
Кўёш – суворийнинг қамчиси синди.  
Яланғоч дарахтлар куйди совуқдан,  
Гулханида хоин шамол исинди.

Қаҳратон – сеҳргар, унинг кўз қири  
Тушган нарса борки, бари – муз демак.  
Ҳар олган нафаси эса – изгирин,  
Кўксигади соқол – сумалак.

Кун келиб...  
 Сеҳрдан атроф қутулар,  
 Юғургилаб кетар сувлар ҳам дарҳол.  
 Шунда далаларда вақт қор қурар,  
 Шунда кўчаларни супурар шамол.

Узоқлардан ҳориб келган бир қушни  
 Қучоғига боғ шошиб олар.  
 Дабдурустан бу жоҳил қишининг  
 Соқолига кимдир чанг солар.

\* \* \*

У туфайли қанча аламлар ютдим,  
 Қанча ғамга тутдим у деб юракни.  
 Уни ойлаб кутдим, йиллаб кутдим,  
 Йиртдим неча-неча кўйлакни.

Не ёмғирлар ёғди,  
 Не қорлар ёғди,  
 Кўксимда яшади тоқат асирдай.  
 Шўрлик юрагимни умидлар боқди,  
 Ишонч етаклади уни басирдай.

Минг шукур,  
 Ҳали ҳам айланар тилим,  
 Ҳали ҳам ўлимни ўйлаганим йўқ.  
 Пешонам остида қорачиқларим  
 Йўллар елкасини куйдираётган чўғ.

Ҳали уни яна узоқ кутаман,  
 Аламлар ютаман минг бора яна.  
 Йиллар, шошманг, сиздан зор ўтинаман,  
 Йиртгани кўйлагим бор ҳали, мана.

\* \* \*

Ёрғучоқ тошидай айланар фалак.  
 Аршдан макон излаб чиққан умрлар.

Эҳ, ана,  
 Бошқа бир оламга ўтар –  
 Мен ўттиз йил қидирган малак,  
 Сен ўттиз йил кутган баҳодир –  
 Бу дунёга келмаган кадар,  
 Бу дунёга тушмаган тақдир.

Андижон

## Эски ҳақиқатнинг янги талқини


Маишғал шу кунгача биронта шеърий тўплам чоп эттирмабди. Нима учун? Билмадим. Унинг шеърлари билан танишиб чиқиб, бунга афсусландим, холос. Маишғалбек ҳар нима ёзган бўлса, буни чуқур масъулият билан ёзган, ўз олдига жуда катта талаблар қўйган. Афтидан, у шеърларини эълон қилса, уларнинг шеърият уммони тубига чўкиб, изсиз йўқолиб кетишини истамаган кўринади. Агар шундай бўлган бўлса, уни мақсадига етган деб қарашимиз мумкин – унинг шеърлари ҳароратли, фикрлари теран, ҳис-туйғулари оҳорли. Уларда фалсафийлик ҳам, юмор ҳам, кинояю писандалар ҳам, чуқур дардлар ҳам бор. Албатта, Маишғалбек ҳам бошиқа шоирлар каби инсон ва Ватан, севги ва садоқат, инсон умрининг маъноси тўғрисида ёзади, лекин бу таниш мавзулар ҳақида ўз сўзлари, ўз туйғулари билан ёзади. Мен шоир шеърларининг ўзига хослиги, янгичилигини далиллайдиган кўпгина мисоллар келтиришим мумкин эди, лекин ўйлайманки, бунга ҳожат бўлмаса керак: эътиборингизга ҳавола қилинаётган шеърларни ўқисангиз, гапимнинг чинлигига амин бўласиз.

Маишғалбек шеърлари билан танишганимда, мен яна бир эски ҳақиқатнинг чинлигига тан бердим. Шеърият инсон билан бирга мангу яшайдиган, ўлмайдиган ҳодиса ва унинг имкониятлари ҳам чексиз, битмас-туганмасдир, чунки у чинакам истеъдодга эга бўлган ҳар бир одам учун саҳийлик билан ўзининг янги-янги тилсимларини очиб бераверади.

Ходи Тоқтошнинг “Муҳаббат ул эски нарса, аммо ҳар бир юракни янгарта”, деган чиройли гапи бор. Шунини биров ўзгартириб: “Шеърият ул эски нарса, аммо ҳар бир шоир ани янгарта”, деса ҳам бўлар экан. Маишғалбекнинг ижоди бунга яна бир далилдир.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,

17 октябрь 2000 йил



## ДРАМАТУРГИЯ

**Усмон ҚЎЧКОР**

1953 йилда тугилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Ҳаяжонга кўмилган дунё”, “Уйқудаги минора”, “Аксиз садолар”, “Оғир қарвон”, “Чамангул”, “Широқ” каби шеърлий китоблари чоп этилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони, “Шуҳрат” медали соҳиби.

**ИМОМ БУХОРИЙ****Тарихий шеърлий драма<sup>1</sup>**

Асар Ҳазрат Имом Бухорийнинг Нишопурга келиши, халқ уни юксак ҳурмат-эҳтиром ила қутиб олиши билан бошланади. Бироқ ўз нуфузининг пасайишидан чўчиган маҳаллий уламолар халқ олдидаги илмий савол-жавобларда уни шаккокликда айблайдилар. Бу шаҳарда туҳмат, бўҳтон остида яшаб бўлмаслигини сезган Ҳазрат она шаҳри – Бухоро сари йўл олади.

**Учинчи кўриниш**

**Бепоён сахро. Тун. Осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Фалакнинг бир четида ҳилол қийшайиб ётибди. Ёнаётган гулхан атрофида савдогарлар, мусофирлар ва бошқа йўловчилар давра қуришган. Ўртада нуроний бир қиёфада Бухорий ўтирибди.**

**Биринчи савдогар  
(Бухорийга)**

Ҳазрат имом, галати халқ биз аҳли тўжжор,  
На-да иссиқ, на-да совуқ қилгай бизга қор.  
Қайси элда нима танқис, қайда нима мўл,  
Сезадирмиз, биладирмиз мисоли беш қўл.  
Ақчамиз мўл, аммо йўқдир тайин гўшамиз,  
Уч кун ётсак зерикамиз, йўлга тушамиз.

**Иккинчи савдогар**

Ишимизда рост мўлжалдан кўндир таваккал,  
Битта сафар гоҳо этар тақдиримиз ҳал.  
Минг шуқурким, хавф-хатар ҳам этиб ортади,

<sup>1</sup>Журнал варианты.

*Ҳар настқамда қароқчилар пусиб ётади.  
Қароқчи ҳам ҳар хил бўлар: бирида қурол,  
Бири эса фармон билан ишлади ҳалол.*

### **Учинчи савдогар**

*Гоҳо ярим мол-мулкимиз хонларга тортиқ,  
Гоҳо кўрган фойдамиздан зиёнлар ортиқ.  
Бир ўлкада қаппаяди бўм-бўш ҳамёнлар,  
Бир ўлкада йўлинг пойлар мумсик аъёнлар;  
Туялар ҳам тортолмайди божу хирожин,  
Гоҳ қинғирлик ҳам қиламиз топиб иложин.*

### **Биринчи савдогар**

*Хўш, мана сиз шунча элу юртларни кезиб,  
Қани, нима орттирдингиз?..*

### **Бухорий**

*Турибман сезиб,  
Маним учун таассуф бор хаёлингизда,  
Жиндай таъна, жиндай ўкинч – саволингизда.  
Кўрдингизким, ҳеч вақом йўқ, на қанор, на қоп,  
Хўржунимда бору йўғи ўн-ўн беш китоб.  
Сизнигига ўхшаб кетар менинг касбим ҳам,  
Мен ҳам бойлик учун умрин тиккан бир одам.  
Худди сиздек эл-юрт кезмоқ мен учун ҳам хос,  
Сиздек менга бу касб Расулulloҳдан мерос.  
Мен ҳам кутиб ўтирмайман – иссиқдир, қордир...  
Сизнинг касбдан лекин жиндай фарқи ҳам бордир.  
Мен мулкимни туяларда юрмайман ортиб,  
Ўғри урмас, қароқчилар ололмас тортиб.  
Кимки менинг бу мулкимга тикар бўлса кўз,  
Бошим етар осмонларга, чекмайман афсус.  
Бизнинг касбда таваккалга асло ўрин йўқ,  
Минг бор ўлчаб бир кесаман, кесаман аниқ.  
Бу мулкимдан ҳеч ким хирож олабилмайди,  
Олса – тўлиқ олар, йўлда қолабилмайди.  
Кимдир барин олабилса, бир фазли шулким,  
Икки қарра ортиб кетар менинг бу мулким.  
Бу касбнинг ҳам баъзи нозик жиҳатлари бор,  
Сал қинғирлик қилиб қўйсанг, минг тавбанг бекор.  
Бу – шундай касб...*

### **Иккинчи савдогар**

*Сўйладингиз ажойиб чистон,  
Хўш, бу касбнинг оти недир?*

### **Бухорий**

*Бу – илму урфон!  
Бу дунёнинг чекиб жафо, меҳнатларини,  
Ҳадис йиғдим – Расулulloҳ суннатларини.*

**Учинчи савдогар**

*Жуда савоб, фойдали иш қилибсиз, қойил.  
Қанча фурсат кетди шунга?*

**Бухорий**

*Қарийб қирқ йил.*

**Биринчи савдогар  
(ҳайратда)**

*Йўғ-э, наҳот?!*

**Иккинчи савдогар  
(ҳайратда)**

*Бутун бошли бир умр демак?!*

**Бухорий**

*Худди шундоқ!*

**Учинчи савдогар**

*Хўш, бу ишда ким берди кўмак?*

**Бухорий**

*Бу нозик иш, бировга топшириб бўлмайди,  
Елғиз ўзинг эпламасанг, кўнглинг тўлмайди.*

**Биринчи савдогар**

*Хўш, қачондан бошлагансиз ҳадис йиғмоқни?*

**Бухорий**

*Эндигина ажратганда қорадан оқни.*

**(хаёлчан)**

*Оҳ, эсимда... Ўн олтига қўйганда қадам,  
Аҳмад акам ҳамда муҳтарам волидам –  
Ҳаже нияти, шукроналар айтиб Оллоҳга,  
Бухородан сафар қилдик Маккатуллоҳга.  
Ҳаждан кейин улар Бухорога қайтишди,  
Хушлашишди... Асли менга виро айтишди...*

**Иккинчи савдогар**

*Сўнг?*

**Бухорий**

*Сўнг Маккада, Мадинайи мунавварада,  
Миср, Басра, Куфа, Бағдод, Шом, Жазирада,  
Дехқон ҳар йил кутганидек богидан ҳосил,  
Машиғул бўлдим ҳадис йиғмоқ билан муттасил.*

**Учинчи савдогар**

Қай усулда йиғардингиз уларни, устод?

**Бухорий**

Ҳофизамга ёзар эдим – олар эдим ёд.

**Биринчи савдогар**

Қанчалар бор сиз ёд билган ҳадис ҳаммаси?

**Бухорий**

Ёд билганим олти юз минглардир чамаси...

*(Учала савдогар ҳам ҳайратдан ўзларини орқага ташлашади.)*

**Иккинчи савдогар  
(кўзи ола-кула бўлиб)**

Олти юз минг?!

**Учинчи савдогар  
(соқолини тутамлаб)**

Йўғ-э?!

**Биринчи савдогар  
(қўлини кўксига кўйиб)**

Биздан кулмангиз, тақсир.

**Бухорий**

Мўъминларнинг ёлгон гапи гуноҳи кабир.

**Иккинчи савдогар**

Тасаввурга сизмайди-да! Кўп буюк адад.

**Учинчи савдогар**

Бандасининг имконидан хориждир беҳад.

**Биринчи савдогар**

Олти юз минг ҳадис ёдлаш нарида турсин,  
Шу саноқни санаш учун – ухламай тун-кун,  
Емай-ичмай, турмай-юрмай, ростламай нафас,  
Санайверсанг, мўлжалимча, ўн кун ҳам етмас.

**Бухорий**

Одамзодга Оллоҳ берган имконлар чексиз,  
Биз-чи, унинг мингдан бирин англамай, эссиз,

Чўбин отга ортамузу олиб кетамиз,  
Қаро ерда газна каби қолиб кетамиз...  
Сиз сўрдингиз, мен борини айтдим рўйирост,  
Нечун энди бу шубҳаю бундоқ эътироз?  
Зотан, шундоқ ҳадис борким: Тангри наздида –  
Тўғри сўздан йўқдир ортиқ бирор садақа.

### **Иккинчи савдогар**

Афу этинг, тужжорлар сал бўлгай гумончи.

### **Бухорий**

Эътиқод-чи, диёнат-чи, дину иймон-чи?

### **Учинчи савдогар**

Ҳа, биламиз, шубҳа, гумон ўзи бир гуноҳ,  
Дин-иймонда собитдурмиз, алҳамдилуллоҳ!  
Рўза тутиб, намозини ўқиб юрибмиз,  
Минг шукурким, бир рўзгорни эплаб турибмиз.

### **Бухорий**

Гап эплашининг ўзидамас, қандоқ эплаида,  
Ҳаром-ҳариш қоришмасми дунё тўплаида.  
Ҳадис борким, келадики шундоқ замонлар,  
Унда ризқ-рўз топаётган жаами инсонлар –  
Ҳалолми бу, ҳаромми бу – фарқламас зинҳор...

### **(ўйга чўмиб)**

Ўша кунлар узоқмикан, ё Парвардигор?!

### **Биринчи савдогар**

Қайда, ахир, ҳалоллик деб аталган сарҳад?  
Мана, сиз бир дунё ҳадис тўплабон, Ҳазрат,  
Кўнглингиздан кечганми ҳеч шундай бир ҳаёл:  
Тўғримикан унинг бари, ҳақиқий, ҳалол?

### **Бухорий**

### **(огир ўйга ботиб)**

Ҳа, бу жуда огир савдо, ровийлар кўпдир,  
Қай ўлкага бормагинким, улар тўп-тўпдир.  
Ҳар таъмагир, дин ганими, нокасу нодон  
Расулulloҳ номларидан лоф урғай ҳамон.  
Қайси бири султонларга ёқмоқлик учун,  
Қайси бири шухрат гулин тақмоқлик учун,  
Кимдир биров – молу дунё орттирмак кори,  
Яна бири хиёнаткор – диннинг гаддори.  
Динимизнинг ганими ҳам кўп эрур ҳадис,  
Ўшалар ҳам тўқийдилар минг-минглаб ҳадис.  
Қайси бири ёлгон эрур, қайси бири чин,  
Чин бўлса гар, ул ҳадиснинг чинлиги нечун –  
Ўшаларни саралашга кетди бу умр,  
Бироқ зинҳор пушимоним йўқ, шукур, минг шукур!



**Иккинчи савдогар**

Томчилардан йиғибдирсиз буюк бир денгиз,  
Айтинг, Ҳазрат, қандоқ кечди машистингиз?

**Бухорий**

Рости, осон кечгани йўқ мен босган йўллар,  
Гоҳ бошимга селлар ёғди, гоҳида дўллар.  
Маломатнинг тигларидан ҳамон кўксим чок,  
Гоҳ бетимга лой чаплади номарду нопок.  
Гоҳ дўстларим, устозларим кетди аразлаб,  
Гоҳ кўнглимга пайкон санчди ҳасад, гаразлар.  
Қайга бормай, бир оқилу юз нодон кўрдим,  
Ҳикмат билан жаҳолатни ёнма-ён кўрдим.  
Қирқ йилдирким, қорин гамин емадим, ҳайҳот,  
Бир парча нон, бир қултум сув – мен учун ҳаёт.  
Гоҳ кўзимга дард илашди, кўролмай қолдим,  
Гоҳида тан заифлашди, юролмай қолдим.  
Ҳеч кимсага шикояту шиква айтмадим,  
Ўлимлардан қайтдим, аммо йўлдан қайтмадим.

**Шу пайт бирдан отлар дупури, шовқин-сурон эшитилади. Қора кийинган, қилич кўтарган бир неча қароқчи гулхан ёнига бостириб келади. Гулхан атрофидагилар ўринларидан туриб кетишади. Уларнинг ҳар бирини бир қароқчи кўлларини орқага қайириб ушлайди. Қароқчибоши уларнинг ҳар бири олдига бориб, разм солиб чиқади.**

**Қароқчибоши**

Хўш, танлангиз зудлик билан: мол керакми, жон?

**Биринчи савдогар  
(овсарларча)**

Менга қолса, иккиси ҳам бўлмасди ёмон!

**Қароқчибоши**

Мен учун ҳам!.. Лекин жонинг чақага қиммат!

**Биринчи савдогар**

Ундоқ бўлса, кўрсатсинлар ўзлари қиммат.

**Иккинчи савдогар**

Боягина гап бўлганди сиз ҳақингизда.

**Қароқчибоши  
(таажжуб билан)**

Мен ҳақимда?!

**Учинчи савдогар**

Ҳа, ҳа, яъни, касб-корингиздан...

**Қароқчибоши  
(тахдид билан)**

*Хўш, касбимга нима бўпти?*

**Биринчи савдогар  
(тасдиқ билан)**

*Шуни айтингиз!..  
Улпончилар орасида энг одили – сиз!*

**(Қароқчибоши қаҳқаҳа отиб кулади.)**

**Қароқчибоши  
(қизиқсиниб)**

*Қани айт-чи, менинг қандоқ одиллигим бор?*

**Биринчи савдогар**

*Ҳар ҳолда, сиз саҳроларда ётиб оч-наҳор,  
Йўл пойлайсиз, жой танлайсиз, заҳмат чекасиз.  
Лозим бўлса...*

**(томошабинларга қараб)**

*Туф, туф, шайтон!..*

**(Қароқчибошига юзланиб)**

*Лозим бўлса қонлар тўкасиз!*

**Қароқчибоши**

*Бошқалар-чи?*

**Иккинчи савдогар  
(бошини сарак-сарак қилиб)**

*О, улардан сақласин Оллоҳ!  
Билмагайлар – савоб нима, нимадир гуноҳ.*

**Учинчи савдогар**

*Сиз-ку молни ундирасиз анча ҳалоллаб,  
Хўш, улар-чи, ўз молимиз...*

**(Қўли билан кўрсатмоқчи бўлади. Лекин қўллари орқага қайрилгани эсига тушиб, ортга ўгирилади ва силтаниб, ортдаги қароқчига)**

*Кўйиб юбор!..*

**(Силтаниб қўлини чиқариб олади ва икки кафтини олдинга чўзганича)**

*Ўз молимиз шундоқ қўшқўллаб тутқизамиз...*

**Биринчи савдогар**

*Илжайганча, раҳматлар, деймиз.*

**Иккинчи савдогар**

*Таъзим қилиб, тагин нима хизматлар, деймиз.*

**(Қароқчибоши тагин қаҳқаҳа уриб кулади.)**

**Қароқчибоши**

*Фақат молмас, фаросат ҳам йиғибсиз, балли!*

**(шерикларига)**

*Бўшатишлар!*

**(Улар савдогарлар кўлини бўшатишади.)**

*Тужжор шундоқ бўлса, ақалли!*

**Учинчи савдогар**

*Кўп ташаккур!..*

**Биринчи савдогар**

*Олинг доим, олдирманг фақат!*

**Иккинчи савдогар**

*Ризқ-рўзингиз, касбингизга берсин баракот!*

**Қароқчибоши  
(Бухорийга яқинлашиб)**

*Тужжорларга ўхшамайди сенинг қиёфанг.  
Хўш, сен кимсан?*

**Бухорий  
(махзун)**

*Мен гурбатдан қутулиб аранг,  
Ватанига қайтаётган қисматнинг зори.*

**Қароқчибоши**

*Исминг бордир?*

**Бухорий**

*Муҳаммад Исмоил Бухорий!*

**Қароқчибоши  
(бирдан ҳайратга тушиб, ортга чекиниб)**

*Ёлгон! Нишопурда ҳозир ул Ҳазрат!*

**Бухорий**

Энди эса Бухорога йўллади қисмат.

**Биринчи савдогар  
(тасдиқ билан)**

Ҳа, ўзлари!

**Иккинчи савдогар**

Олиб чиқдик биз Нишопурдан!

**Қароқчибоши**

Афу этинг! Саҳв ўтмишидир мендек гофилдан!

**Бухорий**

Мени қайдан танийсан, сен?

**Қароқчибоши**

Тангрим, бу не сўз?!  
Оқиб тушсин сиздай зотни танимаган кўз!  
Ҳадис илмин энг сарбаланд аъломи-ку, сиз,  
Ҳазрат, ахир, имомларнинг имоми-ку, сиз.

**Бухорий**

Мен саҳрода гулу райҳон илк бор кўришим,  
Тажовузда илму урфон?! Илк бор кўришим.

**Қароқчибоши  
(ғамгин)**

Ажабланманг... Бухородир менинг ҳам юртим.  
Хат чиқардим. Савод олдим. Мадраса кўрдим.  
Фиқху ҳадис илмини мен ўргандим тоза,  
Ёш эрсам-да, шаҳар ичра тушиди овозам.  
Бахтми эди, бахтсизликми, билмам, ҳайтовур,  
Бухоронинг амирига бўлдим мушовир.  
Ва саройда тушиб қолдим ажаб савдога,  
Дуч келдим мен олий ҳасад, юксак игвога.  
Ҳеч гап экан диёнатун иймон дегани,  
Шунда кўрдим сўл кўзнинг соғ кўзни еганин.  
Ёқмас эди даъватларим ҳеч бир аёнга,  
Охир мени чиқардилар телба инсонга.  
Мен амирдан адолатни кутардим ҳали...  
Лек зиндонбанд қилди мени амир Зухалий.

**Бухорий**

Хўш, кейин-чи?

**Қароқчибоши**

Сўнг зиндонда қалбимни очдим,  
Уч-тўртта ҳаммаслак билан у ердан қочдим.  
Золимларга қарши кураш деб боғладик бел,

*Қўшин йиғдик, қурол йиғдик юриб элма-эл.  
Лаишкар тортдик шаҳар сари, қаттиқ жанг қилдик,  
Афсус, омад юз ўғирди, бизлар енгилдик.*

### **Учинчи савдогар**

*Ҳай, аттанг-а! Қолибди-да янчилмай илон?*

### **Биринчи савдогар**

*Ундан кейин?*

### **Қароқчибоши (ух тортиб)**

*Қолган-қутган йигитлар билан  
Ҳайё-ҳуйт деб чиқиб келдик ушбу диёрга.*

### **Бухорий**

*Энди “сабоқ бермакдасиз” аҳли тўжжорга!*

### **Қароқчибоши**

*Ҳазрат, қулманг, айблмангким бизни беасос,  
Ёниб ётур аламзада юракда қасос.  
Янги қўшин, янги қурол тўплаймиз тагин,  
Ўрнатамиз Бухорода адолат тугин.  
Биласизким, бунинг учун зарур сармоя.*

### **Бухорий**

*Даҳшатли бир маслакдир бу, ваҳший бир гоя.  
Разолатга қарши яна янги разолат,  
Жиноятга қарши ундан баттар жиноят?!  
Ёвузликни енгиб бўлмас бу ният билан,  
Жиҳод лозим урфон билан, маърифат билан.*

### **Қароқчибоши**

*Сиз-ку ҳикмат йиғдингиз жон чекиб жаҳонда,  
Лекин буни ким қадрлар бизнинг замонда?  
Бир томонда авом халқдир, тупроқдан ҳам наст,  
Бир томонда бою боён ишрат билан маст.  
Бир томонда тошиб турар қамчилардан қон,  
Бир томонда таланган эл чекади афгон.  
Қозилари қўлингга кўз тикиб туради,  
Низом сойин ўз чорбоғи томон буради...*

### **Бухорий**

*Одамизод минг кўчага кириб чиқади,  
Гоҳ нимадир олиб, гоҳ бериб чиқади.  
Кенга кенгдир ушбу дунё, торларга тордир,  
Минг йилларнинг панди бордир, ўғити бордир.  
Қобилининг қонин Ҳобил тўккан дунё бу,  
Мол-дунёси билан Қорун чўккан дунё бу.  
Иброҳимни гулханларга отган дунёдир,  
Нух аталмиш тўфонлари ботган дунёдир.*

Разолатга, жаҳолатга ботса, ниҳоят,  
Оллоҳ илми бандасига бўлган ҳидоят.  
Адашибон башар юм-юм тўққанида ёш,  
Илму урфон эшигига уриб келган бош.  
Бандасининг Раббисига қайтар куни бор,  
Ҳаммасига бир кун ҳисоб айтар куни бор.

**(осмонга қўл чўзиб)**

Бундан буён адаштира қулингни, ё Раб,  
Ҳадисларни мен тўпладим худди шу сабаб.  
Қуръондан сўнг турғувчи ул бир китоб бўлди,  
Ҳидоятга бошлагувчи офтоб бўлди.  
Ҳеч ким Расул суннатини қиллолмас инкор,  
Маҳшиаргача унинг нури сўнмагай зинҳор.

**Биринчи савдогар**

**(Бухорийнинг этагини ўпиб, кўзига суртади.)**

Ҳазрат имом, афу этинг биз бадгумонни,  
Танимабмиз тавофларга лойиқ инсонни.

**(Иккинчи ва учинчи савдогарлар ҳам унинг  
этагини ўпиб кўзларига суртишади.)**

**Бухорий**

Зотан, банда бир-бирини таниши шартмас,  
Эртами-кеч ўз Оллоҳин таниб олса бас.  
Расулин ҳам...

**Иккинчи савдогар**

Одамзодга менинг бор шубҳам,  
Қиёматга қадар қолгай у сирли, мубҳам.  
Ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик қалбидадир жо,  
Мудраб ётар юрагида Иблис ва Даҳо.  
Ҳар иккиси пайт пойлайди, кутади имкон,  
Қай бирининг даври келса, кўтарар исён –  
Ер бағрида уруғ янглиг...

**Учинчи савдогар**

Ҳа, худди шундоқ!  
Чунки унинг ийлангани нур ила тупроқ.  
Одамзодни фалакларга даъват этса нур,  
Тупроқ уни ўз қаърига – тубанга тортур.

**Бухорий**

Шул боисдан бандасига берилган иймон,  
Ишқ берилган, кўнгил деган нури жовидон.  
Юрагини тарк этмаса ишқий ҳарорат,  
Иймонини тутар бўлса солим-саломат,  
Ҳар қандайин ёвузликни енгиб ўтар у,  
Иблис эмас, Даҳоликнинг қўлин тутар у.

### Қароқчибоши

Бунинг учун жамиятдан чекинмак лозим,  
Тубан дунё аъмолидан бекинмак лозим.  
Қар бўлсинким, эшитмасин бўҳтон, извони,  
Кўр бўлсинким, кўролмасин чиркин савдони.  
Йўқса дунё оқимлари бошига етар,  
Дарёдаги тош сингари думалаб кетар.

### Бухорий

Йўқ, узлатдан нажот йўқдир башариятга,  
Тарки дунё бошлаб бормас олий ниятга.  
Барча ўзин хилватларга уриб кетса жим,  
Башарият ризқу рўзин етказди ким?  
Поклик – иймон, иродатга боғлиқдир, илло,  
Тоғларда ҳам, балчиқда ҳам тиллодир – тилло!  
Узлат аро инсон ўзин поклаши мумкин,  
Бироқ, менинг назаримда, ул инсон – худбин.  
Эл ичинда, юрт ичинда кезмасанг кушод,  
Покламасанг, покланмасанг, нечун бу ҳаёт?!  
Нафси бало орқасидан эргашмайин, бас,  
Диёнатнинг кўзи бўлиб боқмоғи лозим.  
Дарёдаги тош сингари думалаб эмас,  
Ҳар бир инсон дарё бўлиб оқмоғи лозим!

### Қароқчибоши

Ўз-ўзидан диёнатга кирмас ҳар бадкор,  
Уни зўрлаб диёнатга киритмоқ даркор.  
Жароҳатлар битмас панду ё мантиқ билан,  
Кўр кўзларни очмоқ керак фақат тиз билан.  
Куч-қудратда бу башарнинг дини, иймони,  
Фақат қилич интизомга солгай дунёни.  
Инишооллоҳ, бир куни мен қозонсам нусрат,  
Сиз ҳақмисиз ёки менми – кўрсатгай фурсат.  
Энди эса яхши қолинг!

### (шерикларига)

Отларга энди!

**Қароқчилар чиқиб кетишади. Отларнинг дупури  
аста-секин пасайиб боради. Бухорий ва савдогарлар  
бирпас сукутда қолишади.**

### Биринчи савдогар

Адолатли йигит экан, жасур ва танги!

### Бухорий

Юрагида қонлар тўкмак асъасаси бор,  
Кўзларида ҳокимият васвасаси бор.  
Қашиқрларга ҳомий, жаллодга мухлис,  
Шайтонни енгишига шайланган иблис!..

**Само бўзариб, тонг отиб кела бошлайди.**

**Иккинчи савдогар**

*Ҳазрат, зинҳор дилгир бўлманг... Тун бедор ўтди.  
Сафарга ҳам отланмакнинг фурсати етди.*

**Бухорий  
(ўзига келиб)**

*Ҳа, дарвоқе, кетмоқ керак, йўл олис, зотан,*

**(секин ортига боқиб)**

*Умр ортда қолиб кетди...*

**(олдинга қўл чўзиб)**

*Олдинда – Ватан.  
Юзларимга урилмоқда Турон шамоли,  
Тахайюлим кўзгусида Оллоҳ жамоли.  
Қани, кетдик!..*

**Тўртинчи кўриниш**

***Бухоро. Амир Холид аз-Зухалий саройи. Сарой дабдаба билан безатилган. Тахтда Амир ўтирибди, унинг бир томонида вазир Жаъфар ва муаррих Ғунжор, иккинчи томонида Харис ибн Абул Варқо ва Муҳтасиб қўл қовуштириб туришибди.***

**Амир Зухалий**

*Бухоронинг шон-шарафи – бизнинг ҳам шараф.  
Шаҳарларни баҳолашар халқига қараб.  
Мезон эрур иқлимю иморатлари,  
Хазинаси, эл хунари, тижоратлари.  
Шаҳримизда бу омиллар барчаси бордир,  
Бироқ ҳали қилинажак ишлар бисёрдир.  
Унинг шаънин нафақатким Хуросон аро,  
Ёймогимиз керакдурким кенг жаҳон аро.  
Сизлар бунга нима дейсиз?*

**Ғунжор  
(таъзим билан)**

*Изн берсалар...  
Тарихлардан келур шундоқ муқаддас хабар.  
Салмон Форсий бир ҳадисда этурким таъриф,  
Қиёматда Хуросондан уч шаҳри шариф  
Нур таратиб турар эмиш зийнатлар аро –  
Бири – Яшкард, сўнг Самарқанд, бири – Бухоро.  
Жабройилнинг ўзи ўтиб бундоқ гувоҳга,  
Пайғом бермиш Муҳаммадун-Расулulloҳга!  
Бул машварат учун сизга ташаккур, Амир,  
Юрт равнақин ўйламаклик – кўп савоб, ахир.  
Тагин бордир бул равнақнинг муҳим мезони.*

**Амир Зухалий**

*Сиз тарихни хўп ажойиб билурсиз, Ғунжор,  
Демак, яна биз билмаган муҳим мезон бор!  
Не экан ул?*



**Ғунжор**

*Шул ўлканинг илму урфони!*

**Варқо**

*Ҳаққаст ростдур. Илму урфон борасида ҳам  
Кўп тадбирлар кўрмакдалар Амири олам.  
Қутайбанинг замонида бўлса бир масжид,  
Ҳозир юзлаб масжидлар бор, ўзингиз шоҳид.*

**Муҳтасиб**

*Фикрингизга қўшиламан, муҳтарам Варқо,  
Қурилмоқда янги работ, янги хонақо.  
Қозихона ишларидан мамнун фуқаро,  
Хуросонда шариатнинг фаҳри Бухоро.*

**Жаъфар**

*Ҳа, Муҳтасиб, бу гапларнинг ростдир ҳаммаси...  
Биз мавзудан жиндай чалғиб кетдик, чамаси,  
Илму урфон борасида сўз очди Ғунжор,  
Муаррихнинг таклифларин эшитмоқ даркор.*

**(Амирга таъзим қилади.)**

**Амир Зуҳалий  
(Ғунжорга)**

*Хўш, Муаррих не дейдилар?*

**Ғунжор  
(таъзим билан)**

*Маълумингизким,  
Шаҳримизда нашъу намо топмиш кўп олим.  
Лекин бир зот келдиларким, сўз индаллоси,  
Жаҳон аро ул ҳазратнинг йўқдир қиёси.  
Бухорийдир! Тангри ёзмиш юрт иқболига,  
Бутун шаҳар кўчиб чиқди истиқболига.  
Бамисоли излаб келди беморин табиб,  
Дарё оқиб келди гуё ўзанин топиб.*

**Муҳтасиб  
(киноя билан)**

*Табиб келди?! Жуда оғир экан-да бемор?*

**Варқо  
(ўша оҳангда)**

*Дарё келди?! Демак, энди тошқин хавфи бор?*

**Жаъфар  
(Муҳтасиб ва Варқога)**

*Амиримнинг ташвишлари – Бухоро шағни,  
Сизнинг бундоқ киноядан не мақсад, яъни?*

**Амир Зухалий  
(Жаъфарга)**

*Имом ҳозир не иш билан машғулдир, Жаъфар?*

**Жаъфар**

*Сабоқ берар мадрасада, китоблар битар.*

**Амир Зухалий**

*Китоблар денг? Хўш, қандайин китоблари бор?*

**Жаъфар**

*Мендан кўра буни яхши билади Ғунжор.*

*(Амир саволомуз Ғунжорга қарайди.)*

**Ғунжор**

*Ҳазрат ҳадис борасинда мумтоз, беназир,  
“Ал-жомий ас-саҳиҳ”ларин этмишлар ҳозир.  
Умрларин фидо айлаб, кезиб юрт, олам,  
Энг ишончли ҳадисларни айламишлар жам.*

**Варқо**

*Энг ишончли ҳадис дейсиз, аслида, бироқ,  
Бу ҳадислар саҳиҳлиги сал шубҳалироқ.  
Бизга етган хабарлардан шу нарса аён,  
Басраликлар билдирмишлар Имомга гумон.*

**Жаъфар**

*Зотан, гаввос уммонлардан олиб чиқар дур,  
Лекин унга ўзга каслар эғалик қилур.*

**Амир Зухалий**

*Басраликлар нега гумон этмишлар, ажаб?*

**Варқо  
(таъзим билан)**

*Элда юрар Имом жиндай шаккок деган гап.  
Айтишарким, шаккоклигин пайқамоқ мушкул,  
Сирли имо-ишоратлар айлар эмиш ул.  
Англайвермас бул маънони ҳар қандай гофил,  
Ҳар сўзида минг бир ийҳом, минг бир тагофил.*

**Ғунжор**

*Бу бўҳтону игволарга ҳасаддир боис,  
Ҳали жаҳон кўрмагандир бундоқ муҳаддис.  
Ровийлардан бири шундоқ қилмишиким баён:  
Бир туш кўрдим, Расулulloҳ бўлмиш намоён.  
Сал норози қиёфада тикилиб, алҳол,*

Сўнгра менга айламишлар шундоқ бир савол:  
 Шофейидан тобакай дарс берурсиз, бироқ  
 Нега менинг китобимдан бермайсиз сабоқ?  
 Бул дашиномдан довдирадим, ўзни йўқотдим,  
 Нурлар аро шамдай эриб зўрга сўз қотдим:  
 “Ё Расулим, сизнинг китобингиз қайсидур?”  
 Дедиларким: “Муҳаммад ал-Бухорий зотнинг  
 “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ” номлиг асари эрур”.

### Муҳтасиб

Балки илми бўлса бордир Имомнинг, Фунжор,  
 Бироқ илми бошқа, дили бошқалар бисёр.  
 Нишопурда чекланмайин илм-урфон ила,  
 Халойиқнинг юрагига солиб гулгула,  
 Ҳатто аҳли уламони менсимасдан то –  
 Ул зот олий мансабларни этганмиши даъво!

### Амир Зуҳалий

Наҳот олий мансабларни?..

### Варқо (таъзим қилиб)

Шундоқ, ҳазратим!  
 Келган хабар рост бўлса гар Ҳижоз, Басрадин,  
 Ул ҳар юртда шогирд йиғмиши мансаблар довлаб,  
 Аввал улар авом халқнинг кўнглини овлаб,  
 Сўнг Имомни этармишлар шу юртга даъват,  
 Халқ чиқармиши унга пешвоз беҳад, беадад.

### Жаъфар

Тоғ қанчалар юксак бўлса, бўлса пурвиқор,  
 Унинг боши узра ёғур шунчалар кўп қор.  
 Юмронларни чўчитгайдир бургут парвози,  
 Шабпарақлар қуёшдан бир умр норози.  
 Гулханга ҳеч яқин келаолмас бўрилар,  
 Лекин зулмат оғушида яниб ириллар.

### Муҳтасиб

Вазир аъзам! Бундоқ кескин ташибеҳлар нечун?  
 Ел бўлмаса силкинмагай дарахтнинг учи.  
 Дин ва давлат юмушлари нозик ва масъул,  
 Шошқинликни, эҳтиросни ёқтирмайди ул.  
 Идрок лозим...

### Варқо

Балли, лозим совуқ тафаккур!  
 Эслайдирсиз, Амиримиз саройга бир қур  
 Ёш мударрис чорлаб, бериб масъул вазифа,  
 Ишондилар! Ўшал манфур мударрис эса  
 Қўшин тўплаб, қонлар тўкиб кўз тикди тахтга,  
 Оллоҳ ўзи жазо берди ўшал бадбахтга.

**Муҳтасиб**

Энди эса саҳроларда бўри каби оч –  
 Ўтган-кетган карвонларни айлармиш тароҷ.  
 Шоҳлик келмас, ахир, қароқчининг қўлидан,  
 Ўз чодирин чопгай ботир чиқса дўлидан.

**Ғунжор**

Бухорийга лавозимдан кетмаётир гап,  
 Ундан оқил маслаҳатлар олмоқлик – матлаб.  
 Ким чўчиса Бухорийдан, кўнгли бўлсин тўқ,  
 Ҳазрат юртга мансаб излаб келганлари йўқ.  
 Ёнгинангда дарё оқиб ётсаю бекор,  
 Ундан боғлар яратмасанг, не фойдаси бор?!  
 Имом китоб битмишларким аълодан-аъло –  
 Тарих, ахлоқ борасинда то ҳамон якто.  
 Амиримиз айласалар бир эзгу-ният –  
 Имом берса наслимизга сабоқ, тарбият.

**Амир Зухалий**

Маъқул таклиф. Аммо чорлаб саройга аввал,  
 Синаб кўргач, масалани сўнг этайлик ҳал.  
 Эшитганмиз Бухорийнинг таърифин, бироқ,  
 Юз бор эшитгандан бир бор кўрган яхишироқ.  
 Варқо билан Муҳтасибга бериб ваколат,  
 Жўнатайлик, зеро Имом Бухорий ҳазрат  
 Табаррук зот, ул кишига эҳтиром лозим,  
 Ярашмагай биз юборсак оддий мулозим.

**(Варқо билан Муҳтасиб таъзим қилишади.)**

**Жаъфар**

Кам бўлмангиз, олампаноҳ!

**Ғунжор**

Маъқул бу, албат!

**Амир Зухалий**

Биласизким, менда ҳам бор илмга рағбат.  
 Бухорийга етказинглар менинг дедигим,  
 Олиб келсин ҳадис ила тарих битигин.  
 Биз саройдан Имом учун ажратайлик жой,  
 Тор хужрада ётгандирлар тутаб, ҳойнаҳой.  
 Ўқисинлар келиб бунда бир-бир, бобма-боб,  
 Билайликким, Имом битмиш қандайин китоб.  
 Саройдаги фарзандлару қавму қариндош –  
 Барчасига сабоқ берсин Имом бўлиб бош...

**(Жаъфар билан Ғунжорга)**

Вазир аъзам, Ғунжор, энди сизларга рухсат.

**(Улар таъзим ила чиқиб кетишади.)**

**(Варқо ва Муҳтасибга)**

Ҳали Имом борасинда сўз кетган маҳал,  
 Шаққоклиги бор дедингиз. Мансабу амал  
 Ҳирси баланд деб айтдингиз. Ва лекин алён  
 Буни элдан тутмогингиз шарт эрур пинҳон.  
 Чунки элнинг орасида унинг нуфузи  
 Жуда юксак. Ижобатга ўтгай ҳар сўзи.  
 Боз устига, бўлиб ўтган галаёнлардан  
 Юрт нотинчдир. Ҳушёр турмоқ лозимдир ҳар дам.  
 Ҳузурига бораркансиз сизлар Имомнинг,  
 Амиримиз ҳомийси, денг, диннинг, иймоннинг.  
 Иниооллоҳ, Имом боис, юртда бизнинг ҳам  
 Нуфузимиз бўлғусидир собит, мустаҳкам.  
 Назокатли бўлинг. Тилга берманг ихтиёр!  
 Энди боринг, азизларим, омад бўлсин ёр!

**(Варқо ва Муҳтасиб таъзим қилиб, эшик олдида  
 келишаркан, бир-бирига)****Варқо**

Бухорийга сарой сари йўл очиб берсак,  
 Нуфузимиз анча пастлаб кетади, бешак.  
 Шаҳримизда Фунжор каби мухлиси бисёр,  
 Саройда ҳам Жаъфар янглиг ҳомийлари бор.  
 Биз шундай йўл тутайликким, ягона матлаб –  
 Кирилмасин Имом сарой остонин ҳатлаб.

**Муҳтасиб**

Ғап Амирнинг амримас, иш битказмакликда,  
 Бу амрни қай йўсинда етказмакликда.  
 Оёқ билан эмас доим, фақиҳи аъзам,  
 Тил билан ҳам юриб кўрса бўлади баъзан.

**(Чиқиб кетишади.)****Амир Зухалий**

Кўп оғирдир бу муаммо. Бухоро халқи,  
 Имом деса, севинчдан бир тушади қалқиб.  
 Мўъжазгина бир инсонда не хислат аён,  
 На мол-дунё, на салтанат, на ҳукму фармон –  
 Ҳеч бири йўқ. Ўнгиб кетган бир сидра уст-бош,  
 Тор бир ҳужра. Нечун унга эргашур авбош?  
 Ҳечқиси йўқ, саройимга келаркан ул зот,  
 Илму урфон ҳомийси деб чиқараман от.  
 Бажарилгай мен чиқарган фармону аҳком,  
 Эл жилловин қўлларимда тутгайман маҳкам.  
 Мабодо мен саройда у билан мураса  
 Қилолмасам, топажакман ўзга ҳулоса.  
 Йўқ, ҳеч қачон сарой илму урфонга эмас,  
 Илму урфон саройга бош эгмоги шарт. Бас,  
 Баским, дунё кўзларига суриб турган зот –  
 Келиб сургай пойимни ўз кўзига, ҳайҳот!..

**Давоми бор**

## МУАՅՅԱМ ШАРҚ ХАՅИНАСИДАН

*Абу Али Ибн СИНО*

### ҚУШ ҲИКОЯТИ

Менинг қайғуларимдан бирозини эшитишга лойиқ даражада қулоқ тутадиган биродарларимдан бирортаси бормикин?! Агар менга ўртоғлиқ қилиб, у шундай қилганида менинг баъзи оғирликларимни кўтаришга шериқ бўларди. Шунда ҳақиқатан ҳам чин дўст шод ва ғамгин пайтларингда ўз дилини кудуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қололган ҳисобланарди. Шундайлигини билмай туриб мен сени қандай қилиб кўнглида кири йўқ, холис дўст дея оламан?

Агар дўстлик савдо-сотикқа ўхшаб, эҳтиёж талабига қараб исталса, унга зарурат бўлмаганда назарга илинмай тарк этилса, унда қандай дўстлик бўлади? Дўст ўз дўстини бирон кулфат юз бергандан ўзга вақтда ҳеч зиёрат қилмаса, зарур бўлиб қолгандагина эслаб, бошқа вақт эсламаса, шу ҳам дўстлик бўлдимиз, ахир?

Эй, Худо, майли, ахир илоҳий яқинлик бирлаштирган, ораларини олий меҳрибонлик яқинлаштирган дўстлар бор-ку! Улар ҳақиқатга тик қарайдилар, кўнғилдан ифлослик ва шак-шубҳа зангини кетказадилар, уларни бир-бирлари билан, холисанлиллоҳ, дўстликдан бошқа ҳеч нарса бирлаштирмаган.

Эй, биродарлар! Ҳақиқатни ёйинглар, баҳамжиҳат бўлинглар. Баъзиларингизни баъзи нарсаларни ўрганишларинг ва баъзиларингизни баъзи нарсалар билан камол топишларинг учун орангиздаги ҳар бир киши ўз биродарига нисбатан дилидаги пардани холис очиб ташласин.

Эй, ҳақиқий биродарлар! Кирпилар бошини ичига тортгани каби, сиз ҳам бошингизни ичингизга тортинг. Ботинингизни юзага чиқаринг, зоҳирингизни эса, ичингизга олинг. Худо ҳаққи, ботинингиз равшан кўришиб турибди-ю, бироқ сиртингиз яширин.

Эй, ҳақиқий биродарлар! Илонга ўхшаб ўз пўстларингиздан чиқинглар ва қуртлар судралиб юргандек судралинглар. Душманга қарши думида қуроли бўлган чаёндек бўлинглар. Чунки агар шайтон одамларни орқадан алдай олмаса, у ҳеч қачон алдашга муяссар бўла олмайди.

Ажал захрини ютинглар, яшаяжаксиз; ўлимни севинглар, тирик бўлажаксиз. Қўнадиган уя тутмай, учиб юринглар, чунки қушларнинг овланадиган жойлари инларидир. Агар қанотсизлик парвоз қилишингизга тўсқинлик қилса, қанот ўғирланг, мақсадга етасиз. Учишга ким моҳир бўлса, ўша энг яхши фазилатли саналади. Қизитилган тошларни ютадиган туяқуш бўлинглар. Қаттиқ суякларни ютиб юборадиган илондек,

оловнинг ичида дадил юрадиган самандардек,<sup>1</sup> ёруғликка чиқмайдиган кўршапалақдек бўлинг, чунки паррандаларнинг энг яхшиси кўршапалақдир.

Эй, ҳақиқий биродарлар! Одамларнинг ботири келажақдаги мушкулотдан кўрқмайди. Камолга етишдан четланган киши одамларнинг энг кўрқоғидир.

Эй, ҳақиқий биродарлар! Фаришта ёмонликка юз тутса ёки ҳайвонлар хунук иш қилса, ажабланиш керак эмас. Мабодо, агар инсоннинг вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватларга берилсаю бу йўлда ўз инсонлигини йўқотиб, тоатини тарк қилган бўлса, бундай инсонга ажабланиш керак бўлади. Ўлай агар, ҳеч шак-шубҳа йўқки, одам фариштаси шаҳвоний ҳисларни йўқотишда собитқадамдир. Унинг оёқлари жимога юрмайди. Агар кишидаги инсонийликнинг ёмонликка тортадиган шаҳватни қайтаришга қурби етмаса, у ҳайвондан ҳам паст туради.

Энди сўз бошига қайтаман. Буни мен (Ибн Сино – А.И.) айтяпман. Бир гуруҳ овчилар пайдо бўлиб, тузоқлар қўйиб, тўрларини ёйишди. Кейин уларга дон селиб, ўзлари ўтлар орасида бекиниб туришди. Бу вақтда мен паррандалар галаси орасида эдим. Шунда овчилар бизни кўриб қолиб, қушларга ўхшаб ҳуштак чалиб чақиришди. Биз у ерда жуда кўп донларни ва ўзимизга ўхшаш қушларни кўрдик. Кўнглимизда бунда бирон ёмонлик бор, деб шубҳа ҳам туғилмади, иккиланиб, у ерга боришдан тортиниб ҳам турмадик. Биз ўша қушлар томонга боришга шошилдик ва ҳаммамиз – тўпимиз билан бирга тузоққа тушдик. Шу пайтда ҳалқалар бўйнимизга ўралиб, тўрлар қанотларимизга ёпишар, оёқларимизга эса, тузоқлар илашар эди. Қутулишга шунча ҳаракат қилиб кўрсак ҳам, лекин барибир уринишимиз зое кетди, қийинчиликдан бошқа нарсани орттирмади. Ҳалок бўлишга кўзимиз етди. Ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, оғайниларимиз ҳолидан хабар олиш ва қайғуришни ҳам унутиб қўйибмиз. Ҳаммамиз бир лаҳза қутулиш йўлида ҳийлалар топиш учун бош қотирдик. Ҳатто бу ҳақда ўйлаб, ўзимизнинг тузоқда эканлигимиз ҳам эсимиздан чиқиб кетибди. Тузоққа кўникиб, қафасларда ором олдик. Бир кунни тўр орасидан бир гала қушларни кўриб қолдим. Улар бош ва қанотларини тўрдан халос этиб, қафаслардан қутулиб учиб келишар, оёқларида эса ҳамон тузоқ қолдиқлари осилиб турар эди. Лекин бу қолдиқлар учиги нажот топишга тўсқинлик қилмас эди. Тўсқинлик қилмаганига қарамай, учиб қутулиш осон эмасди, тинчгина ҳаёт кечиртирмас ҳам эди. Ана шу ҳолат унутган нарсамни ёдимга туширди. Шу билан бирга, кўникиб қолган нарсанинг ёмонлигини ҳам кўрсатди. Бўшайман, деб уринавериб, уринавериб, жуда тавбамга таяндим, ҳатто, ҳасрату надоматдан куйиб, ўлай дедим. Кейин мен, зора улар менга яқинроқ келиб роҳат топиш йўлини кўрсатсалар, деган умидда қафас ичида туриб уларни чақирдим. Ахир, қафасда узоқ туриш мени қийнаб юборди-да. Улар овчиларнинг ҳийлаларини эслашиб, қайтанга мендан баттар қочдилар. Кейин мен уларга қадимги дўстлигимиз ва ҳаммамиз бир гуруҳданлигимизни айтгач, уларнинг дилларида яна шубҳа пайдо бўлди. Мен эса қасам ичиб, гапимнинг ростлигига уларни ишонтирдим. Шундай қилганимдан кейингина улар менинг олдимга келишди. Мен улардан ҳол-аҳвол сўраган эдим, шунда ўзим мубтало бўлган нарсамга улар ҳам мубтало бўлганликларини, кейин умид узиб шу уқубатга кўникиб қолганликларини гапириб беришди. Сўнгра менга ҳам ёрдам қилишди; бўйнимдан тузоқ, қанотларимдан тўрни узоқлаштиришди, қафас эшигини очишди. Кейин менга: “Ғанимат билиб, қутулиб қол!” – дейишди. Мен улардан оёқларимни ҳалқалардан озод қилишларини сўрадим. Улар: “Агар биз бундай ишга қодир бўлганимизда, аввал ўз оёғимизни бўшатиб олган бўлардик, касал табиб касални даволай олармиди”, дейишди. Қафасдан чиқиб, учмоқчи бўлдим. Улар менга шундай дейишди: “Сенинг олдинда жуда кўп буқъалар<sup>2</sup> бор. Агар у буқъалар устидан бўлиниб-бўлиниб ўтмасак, қийинчиликдан қутулолмаймиз, бизнинг изимиздан уч, биз сени кутқарамиз ва сенга тўғри йўлни кўрсатиб юборамиз”.

Серўт, серҳосил водий, йўғ-е, аксинча, қуруқ хароб водийдаги бир юксак тоғнинг икки баланд чўққиси оралиғидан учдик. Ҳатто водий орқамизда қолиб, халиги тоғ чўққисига етдик. Бирдан олдимизга қарасак, яна саккизта баланд тоғлар турибди, буларнинг чўққиларини кўз илғамас эди. Шунда орамиздаги баъзилар, бу тоғлардан тезроқ, шошилиб ўтиб олмасак, биз ҳеч омонлик тополмаймиз, дейишди. Шундан кейин тез учиб, олти чўққидан ўтиб, еттинчисига етдик. Еттинчи тоғ чегарасига киргач, баъзи қушлар, ҳеч тоқат қилиб бўлмапти-ку, ором оласизларми-йўқми?! Ахир, бу қийинчиликлар

<sup>1</sup> Афсоналарда айтилишича, оловда ёнмайдиган, фақат тупроқ еб узоқ яшайдиган қуш.

<sup>2</sup> Ер, муайян жой. Бу ўринда эса водий маъносида.

тинкамизни қуритди-ку. Биз билан душманларимиз ораси узоқ бўлиб қолди, баданларимизга ҳам бироз ором беришимиз керак-ку, ахир, дам олиб-дам олиб учиш тўхтовсиз учишдан кўра нажотга тезроқ етказди, дейишди.

Шундай қилиб, ўша тоғ чўққисига келиб қўндик. Бундай қарасак, кўз олдимизда ҳаммаёғи кўм-кўк, обод, мевазор, анҳорлар оқиб турган боғлар турибди. Унинг неъматлари ўз кўриниши билан кўзларни қамаштириб, фикрларни ҳайратда қолдиради. Қулоқларингга ашула куйлари, мунгли нағмалар эшитилди; на ўткир мушқда ва на анбарда бўлмайдиган ҳидлар димоғингга урилиб туради. Биз у боғ меваларидан едик, сувларидан ичдик ва то ҳордиқ чиққунча шу ерда турдик. Баъзилар, шошилайлик, чунки хотиржамликдек алданиш, эҳтиёткорликдек қутулиш йўли ва шубҳа қилишдек маҳкам кўрғон йўқ, дейишди.

Бу жойда гафлатда қолиб, узоқ туриб қолдик, орқамиздан душманлар изма-из биз турган жойни ахтариб келяпти. Гарчи бу жойда туриш биз учун яхши бўлса ҳам, лекин саломат қолишимиз қийин. Шунинг учун, келинглр, бу буқъани ташлаб, тезроқ кетайлик. Шундай қилиб, ҳаммамиз учишга қарор қилдик. У ердан учиб, саккизинчи тоққа етиб келдик. Бундай қарасам, чўққиси осмон бағрини ёриб кириб кетган баланд тоғ, унинг теварагида қушлар учиб юрибди. Мен умримда бундай хушнаво, гўзал, хушсурат, дилкаш қушларни учратмаганман. Уларнинг ёнига қўнганимиздан кейин, биз илгари ҳеч кимдан кўрмаган ва эшитмаган эҳсон, лутф ва инсофни кўрдик, самимий ёрдамни ҳис қилдик. Ҳатто биз умр бўйи уринсак ҳам, борингки, умримизга бир неча бор умр кўшиб берилганда ҳам, уларнинг бизга берган ёрдамларининг кичик бир улушини бажо келтиролмаймиз. Улар билан танишиб бўлгач, биз уларни ўзимизга азоб бераётган воқеадан огоҳ қилдик. Шунда улардан бири сўзимизга эътибор бериб: “Мана шу тоғнинг орқасида бир шаҳар бор. Ўша ерда буюк подшоҳ истиқомат қилади. Ҳар бир зулмдийда унга сиғинса ва таваккул қилса, унинг қудрат ва мадади билан бахтсизлик ундан йироқлашади”, деди.

Биз уларнинг ишорасига биноан подшоҳ шаҳрига равона бўлдик. Ниҳоят, унинг даргоҳига қўниб, ижозатига мунтазир бўлиб турдик. Кейин киришга рухсат берилди. Бизни унинг қасрига олиб кирдилар. Бундай қарасак, биз шундай саройга тушиб қолибмизки, унинг кенглиги ва гўзаллигини тавсифлаб бериш қийин. У саҳндан ўтганимиздан кейин кенг ва ярақлаган яна бир саҳн дарвозаси очилди. Бу саҳнни кўрганимизда бундан олдинги кўрган саҳнимиз ҳам анча торроқ, ҳатто кичикроқ ҳам кўринди. Ниҳоят, биз подшоҳ ҳужрасига етдик. Парда кўтарилиб, подшоҳ жамолига кўзимиз тушгач, унга кўнглимиз тушиб, ҳаммамиз ҳушимиздан кетиб, шикоят қилишга ҳам қодир бўлмай қолдик. Ҳайтовур, унинг ўзи бизнинг дардимиздан огоҳ бўлиб, ўз лутфи билан ҳушимизга келтирди. Ниҳоят, у билан гаплашишга журъат этиб, унга ўз кечмишларимизни гапириб бердик.

Кейин у айтди:

– Оёқларингиздаги тузоқни уни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким ечолмайди. Мен уларга бир элчи юбораман. У элчи сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилади. Гап тамом. Шоду хуррам бўлиб тарқалинглр.





Ана шундан сўнг биз элчи билан бирга йўлга тушдик. Биродарларим подшоҳнинг гўзаллиги ва унинг даргоҳи ҳақида ҳикоя қилиб беришимни мендан қаттиқ туриб талаб қилдилар. Мен унинг васфини қисқача иборалар билан тўла-тўқис таърифлаб бераман: у подшоҳ шундай бир подшоҳки, қачон сен дилинга завола аралашмаган бир жамолни, нуқсонни бўлмаган бир камолни келтирсанг, ундаги бор жамол ва камолга дуч келган бўласан.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир камолот унда пайдо, ҳар бир нуқсон, гарчи мажозий бўлса ҳам, ундан узоқ. Камолнинг ҳаммаси унинг хусни учун юз, эҳсонини учун қўлдир. Кимки унга хизмат қилса, у энг олий бахтга эришади. Кимки ундан узоқлашса, дунё ва охирада зиён кўради. Қанчадан-қанча биродарларим менинг ҳикоямни эшитиб:

– Сенинг эсинг оғиб қолибди, – дейишди. – Ақлу ҳушинг учиб, девона бўлиб қолибсан. Худо ҳаққи, сен учмаган экансан, балки сенинг ақлинг учган экан, сен овланмаган экансан, балки сенинг ақлу ҳушинг овланган экан. Кишилар қачон учгану, қуш қачон гапирган! Гўё мижозингда сафро ғалаба қилганга, димоғингни қуруқлик эгаллаб олганга ўхшайди. Сен энди девпечак<sup>3</sup> қайнатмасини ичиб тур, сучук сувли иссиқ ҳаммомга вақт-вақти билан тушиб тур, нилуфар ёғини<sup>4</sup> ҳидлаб тур. Кейин яхши овқатларни танлаб, шошилмай егин, шаҳват ва уйқусизликдан сақлан ва камроқ фикрла. Ахир, биз илгари сенинг ақллигингни кўрган, сенинг фатонат ва заковатинга қойил қолган эдик. Кўнглимиздан Тангрининг ўзи огоҳдир. Энди сенинг бу аҳволингни кўриб, биз сендан ранжидик. Аҳволингга халал етгани сабабли бизнинг аҳволимизга ҳам халал етди.

Уларнинг гаплари қанча кўп бўлса, фойдаси шунча оз эди; сўзнинг энг ёмони амал қилинмай зое кетганидир. Тангридан мадад, одамлардан айбга буюрмасликни сўрайман. Ундан бошқага ишонган киши охирада ҳам, ундан аввал ҳам зарар кўради. Зулм қилганлар келгусида қаерга ағдарилишларини билишади.

### *Араб тилидан Абдусодиқ Ирисов таржимаси*



<sup>3</sup> Савдодан юзага келган касалликларни даф қиладиган ўсимлик бўлиб, кимнинг мижозидида сафро ғолиб бўлса, уни ичган одам қайт қилиб касалликдан халос бўлади.

<sup>4</sup> Нилуфар табобатда димоғ қуруқлашини даф қилишда шишларнинг иссиғини пасайтириш учун ишлатилади.



*Имом ҒАЗЗОЛИЙ*

## **РИСОЛАТ УТ-ТАЙР**

*(Қуш рисоласи)*

### **Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман**

Турли хилдаги ва турфа феъл-атвордаги қушлар тўпланишиб, ўзлари учун бир подшоҳ излашга қарор қилдилар. Бунинг учун Анқодан<sup>1</sup> ҳам муносиброғи йўқлиги ҳақидаги фикрлари бир жойдан чиқди. Анқонинг мағриб томондаги бир оролда яшагани билиб олдилар. Унга нисбатан қалбларида пайдо бўлган завқ қушларни бир ерга жамлаган эди. Тезроқ унинг висолига етиб ҳимоя қанотлари остига кирмоқни ва хизматида бўлиб саодатга эришмоқни ният қилдилар. Барча қушлар жўровоз бўлиб шу кўшиқни куйламоққа тушдилар:

*Юринг дўстлар, юринг, йўлга тушайлик,  
Лайлонинг юртини бир-бир сўрайлик.  
Не хуш эрур буни билган топилса,  
Таъзим қилиб ҳузурига борайлик...*

Шу лаҳзада кўнгилларидаги яширин туйғулар ларзага келиб: “Ай подшоҳ, сенинг бирон нишонинг бўлмагач, васлингни қайси диёрдан излайлик?” – дея нолон бўлдилар.

Шу он ғайб пардаси ортидан: “*Ўзингизни ҳалокатга ташламанг!*” (“Бақара”, 195-оят)<sup>2</sup>. Ўтирган жойингиздан жилманг, у ердан қимир этманг! Ватанингиздан айриладиган бўлсангиз, мусибатингиз чандон ортади. Бошингизни балога суқмоқчимисиз ё ўлим хумори тутаяптими? – деган сас келди.

*Тикон оёғимга ботмасин десанг,  
Тиконли водийдан йироқ бўл, дўстим!*

Буюк қудрат томонидан келган огоҳлантиришни эшитиб, қушларнинг шавқу хайрати, қатъияти янада ошди. Ниҳоят, муддаоларини шундоқ ифода этдилар:

*Йўлингда жон берса ошиқ сазодир<sup>3</sup>,  
Лайлонинг ҳар сўзи жона шифодир.  
Ўзига буюрсин табиб доруси,  
Заҳар келса дўстдан биза даводир.*

<sup>1</sup> Анқо – Қоф тоғида яшайдиган исми бору жисми йўқ афсонавий қуш. Тасаввуфда боқийлик ва мутлақ борлиқ рамзи.

<sup>2</sup> Қуръони карим оятлари Алоуддин Мансур таржимасида берилди.

<sup>3</sup> Сазо – ярашади, арзийди.

Сўнгра ботинларидаги орзу ва телбавор ҳислар оловланиб, мақсадга етмоқ учун дарҳол йўлга тушдилар.

Қушлар шундоқ огоҳлантирилдилар: “Олдингизда бош-охири йўқ саҳролар, ўткир, тик қояли тоғлар, бўронли денгизлар, аёвсиз совуқ ва жазирама минтақалар бор. Мақсадга етмасдан ҳалок бўлишингиз, танлаган йўлингиз ҳам сароб бўлиши мумкин. Сизлар учун энг тўғриси, таъмагирилигингиз умрингизга соя солмасидан бурун, уянгизга қайтмоқликдир”.

Лекин қушлар бу насиҳатларга кўнмадилар, йўлларида давом этиб, шундоқ дедилар:

*Ёлғиз эрур ошиқ барча диёрда,  
Дунёга беписанд, ақли ул ёрда.  
Буюк ҳадаф, муддаоси йўлидан  
Қайтмаслар, қолса-да бошлари дорда.*

Қушларнинг ҳар бири ғайрат уловига миниб, шавқ жиловини тутдилар ва унга ишқ кувватидан қўшиб шундоқ дедилар:

*Водийда ўтпаган туямга бир боқ,  
Нақадар тезкордир, яна шиддаткор.  
Ўйноқлаб юради узоқ кетгунча,  
Роса толиққунча, ҳолдан тойгунча.  
Қўшиқлар куйласам, бирдан жонланур,  
Оҳанг оғушида юрур, солланур.  
Юзингдаги нур-ла туя йўл топур,  
Лутфинг-ла туячи уйга хуш чопур.*

Бу орада иссиқ ўлкалардан келган қушлар совуқ мамлакатларда, совуқ ўлкалардан келган қушлар эса иссиқ мамлакатларда ҳалок бўлдилар. Чақмоқлар ва бўронлар уларнинг умрига зомин бўлди. Шу боис подшоҳ оролига етиб олганлар сони ниҳоятда оз эди.

Подшоҳ ҳимоясига кирмоқни истаганлари учун саройга яқин жойга қўндилар ва етиб келганларини шоҳга етказадиган кимсани изладилар. Подшоҳ саройи таҳликалардан бағоят йироқ ерда жойлашган эди. Келганларини хизматчиларга хабар қилдилар. Сарой аҳлидан бири, қушлардан нечун бу ерга келганларини сўради. Қушлар:

– Бизларга подшоҳ бўлишингизни ўтиниб келдик, – дейишди.

Улар:

– Беҳудага оввора бўлибсизлар. Сизлар истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам, келсангиз ҳам, келмасангиз ҳам, биз – подшоҳмиз. Бу ерда сизларга эҳтиёжимиз йўқ, – дея рад этишди. Уларнинг бу қадар бепарволарча қилган муносабатлари қаршисида қушлар ҳижолатда қолдилар. Умидсизликка тушиб, хаёллари пароканда бўлди. Азим қудрат қошида нима қиларларини билолмай, дедилар:

– Куч-қувватимиз соб бўлиб, қийинчиликларга енгилдик. Энди оптимизга қайтолмаймиз. То ажалимиз етгунча оролингизда қолишимизга ижозат беринг, – дея шу байтларни ўқий бошладилар:

*Рум аҳлидан йўқми, йўқми зиёфат?  
Бу кеч қаноаткор меҳмонлар келди.  
Илинжлари эса фақат илтифот,  
Очиқ чеҳра, дилкаш ёронлар келди.*

Бу ҳавас қушларни хасталик мисол ўраб олгач, тоқатлари тоқ бўлиб, дуога қўл очдилар ва ушбу байтларни ўқий кетдилар:

*Ишқинг қадаҳидан ичдилар бир-бир,  
Оға-уни бўлиб кўчдилар бир-бир...*

Ниҳоят, қушлар шу қадар умидсизлик ёғида қоврилдиларки, оқибат нафаслари сикилиб кетди. Ўша чоғ унсият – дўстлик нафаси уларнинг ўзларига келиб олишларига ёрдам берди ва қушларга деди: “Йўқ-йўқ, ноумидларга йўл йўқ. Оллоҳнинг раҳматидан фақат зиён кўргувчиларгина умидларини узарлар. Ўтакетган манманлик ҳар қанча ғурур ва инкорни тақозо этса-да, баланд саховат эгаси бўлишлик инсонни очиқ чеҳра ва сертавозеъ бўлишга ундайди. Бизнинг мартабамиз, қадр-қимматимиз қаршисида ҳаддингиздан ошмай, ўз ожизлигингизни англасангиз, илтижоларингизни қабул қиламиз. Бу маскан эзгулик, жўмардлик ва сархил неъматлар юртидир. Бу маскан йўқлик аро кўчиб келган мискинларга толибдир. Шундоқ бўлмаганда эди, Муҳаммад

алайҳиссалом: “Менга мискин каби (фақир бўлиб) яшамоқни насиб айла!” демас эди.

Шу тахлит қай бир қуш ўзининг ул даргоҳга муносиб эмаслиги гумонига борса, подшоҳ – Анқога ярашадиган иш – ўшани ўзига яқинлардан қилмоқ, паноҳига олмоқдир.

Шундай қилиб қушлар умидсизликдан сўнг мададга, бадбинликдан кейин ҳаловатга эришдилар. Жўмардлик файзига ишониб, сархил неъматлардан баҳраманд бўлгач, ярим йўлда ҳалок бўлган ақраболари ҳолини сўрадилар:

– Чўлу биёбон ва водийларда нобуд бўлган кимсаларнинг ҳоли нима кечади? Уларнинг қонлари беҳуда кетадими ёхуд бадали ўталадими?

– Ҳа, албатта, ўталади, – дейишди. – Зотан: “*Ким уйдан Оллоҳ ва Унинг пайғамбари сари муҳожир бўлиб чиқиб, сўнг (шу йўлда) унга ўлим етса, муҳаққақки, унинг ажри-мукофоти Оллоҳнинг зиммасига тушар*” (“Нисо” сураси, 100-оят), дея амр қилингандир. Кўкка совурилган имтиҳон изларини, қудратли қўл жойига қайтаргай. “*Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида: “Булар ўликлар”, демангиз! Йўқ, улар тириклардир*” (“Бақара” сураси, 154-оят).

Қушлар дедилар:

– Пўртаналар ичра бўғилиб, бу ўлкага етолмай, тубсиз уммон қаърига ғарқ бўлганлар ҳамми?

– Ҳа, – дейишди. “*Оллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар, деб ўйламане! Йўқ, улар тириклардир*” (“Оли Имрон” сураси, 169-оят). Сизларни бу ёққа келтирган, уларни ҳам у ёқда тирилтирди. Сизларда шавқ ҳиссини ғолиб қилиб, улуғ мақсад йўлида ожизлигингиз ва ўлимни писанд этмай, мардона боришингизни истаган ул қудрат, уларни ҳам чорлаб, ўзига яқин қилди. Энди улар қудрат ва азамат пардасининг ортидадилар. “*Улар Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар*”, (“Қамар” сураси, 54-оят).

Қушлар:

– Ҳалок бўлган дўстларимизни кўриш имкони борми? – дея сўрашгач,

– Йўқ! Сизларда башарий тўсиқлар бор ҳамда ажалга тутқунсиз. Қачонки, муродингиз ҳосил бўлиб, уяларингизни ортда қолдириб келсангиз, ўшанда улар билан кўришиб, уларни зиёрат қиласиз, – дедилар.

Қушлар:

– Ёмонлик ва ожизлик уларга ғов бўлиб, ёнимизга чиқолмасалар-чи? – деб сўрадилар.

– Йўқ! “*Агар улар (жиҳодга) чиқишни истаганларида, унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдилар. Лекин Оллоҳ чиқишларини истамай, уларни дангаса қилиб қўйди*” (“Тавба” сураси, 46-оят). Биз истасайдик, уларни чорлар эдик. Аммо уларни маъқул кўрмадик ва қувдик. Сизлар ўзингиз келдингизми ё биз чақирдикми? Орзу ва иштиёқ этган сизларми ёки бунга биз илҳомлантирдикми? Сизларни биз жидду жаҳд эттириб, уларни ҳам, сизни ҳам қуруқлик ва денгиз сари ўзимиз йўлладик, – дея жавоб бердилар.

Қушлар булардан воқиф бўлиб, илоҳий иноятнинг камоли ва ҳимоясидан ҳаловат топдилар ва ҳаяжонлари босилди. Энди ишончу ҳузурлари мутлақ сукунатга қовушди. Аломатсиз тадбирлар ила асл ҳақиқатларни излай бошладилар. Давомли ҳузур ҳаловат ва ишонч соясида ҳоллари барқарорлашди. “*Албатта, сизлар унинг (илоҳий ваҳий эканлиги ҳақидаги) хабарни (озгина) вақтдан сўнг билиб олурсизлар*” (“Сод” сураси, 88-оят).

## Фасл

Нима деб ўйлайсан, у оролга қайтганлар ва йўлга эндигина тушганлар орасида тафовут борми? Йўлни энди бошлаган йўловчи фақатгина: “*Подшоҳимизга келдик*”, дейди. Асл ҳаётига қайтганларга қарата эса: “*Эй хотиржам сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигорингга қайт!*” (“Вал-Фажр” сураси, 27-28-оятлар), дейилади. У эса бу чорловни эшитгани учун келади. Шундай экан, унга қандай қилиб “*Нимага келдинг?*” дейиларди. Зеро, у ҳам: “*Сен чорлаганинг учун*”, дейди. Йўқ-йўқ, балки у: “*Мени ўшал яқинлик (қурбият) ўлкасига нечун олиб келдинг?*” деб сўраган бўлурди. Жавоб саволга кўра берилади. Савол ҳам зехнга кўра. Тушунча ва ғам-ғусса эса шижоат ва ҳимматга кўра тортиқ этилади.

### Фасл

Бунинг каби масалалар атрофида кезинган кимса Оллоҳ-ла бўлиб ўтган Аласт кунидаги аҳдини<sup>4</sup> руҳониятдан оқиб келгувчи кўнгил ҳузури ила тозаласин. Қуш тилини фақат қушлар англайди. Аҳдни янгиламоқ таҳорат бирла, намозни ўз вақтида адо этмоқ ва танҳо зикр чекмоқ учун вақт ажратиш бирла бўлади. Бу – ғафлатдан уйғонган кимсанинг хуш аҳдидир ва икки йўлдан бирини танлашни тақозо этади:

*“Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман”* (“Бақара” сураси, 152-оят) ёхуд *“Улар Оллоҳни унутишгач, Оллоҳ ҳам уларни унутди”* (“Тавба” сураси, 67-оят). Кимки, мени ёд этса, мен ўша эслаганинг дўсти бўламан. Унутмоқ йўлини танлаганинг аҳволини эса: *“Ким Раҳмон эслатмасидан кўр бўлиб олса – юз ўғирса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз”* (“Зуҳруф” сураси, 36-оят). Одам болалари ҳамиша шу икки ҳолатдан бирида бўлади. (Ё эслайди, ё унутади – тарж.) Қиёматда улар икки хил кўринишлари билан ҳам ажралиб турадилар. Ё *“Жинойатчи-осий кимсалар сиймоларидан таниладилар”* (“Раҳмон” сураси, 41-оят) ёхуд солиҳ кимсалар *“Юзларидаги сажда изидан”* (“Фатҳ” сураси, 29-оят) таниб олинадилар. Оллоҳ ўз тавфиқи ила сени қутқарсин! Ҳақиқатни изламоғингда сенга шавқ ато этсин, бу мақсад йўлида йўлингни қисқа (осон) айласин! У буни ҳақиқатан ҳам рўёбга чиқаргувчидир!

Ҳамд оламларнинг Робби бўлмиш Оллоҳга хосдир. Оллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг барча яқинларини ўз раҳматига қовуштирсин. Омин!

### Раъно Ҳакимжонова таржимаси



<sup>4</sup>Аласт куни – Тангри одамзодни яратмасидан олдин уларнинг руҳларини яратиб: "Мен сизнинг Роббингиз эмасманми?" (Аласту би Роббикум?) дея сўраши ва руҳлар: "Ҳа, шундоқ!" (Қолу бало!) дея буни тасдиқ этишлари аҳди.

## ДАҲОЛАР СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

Вужуд ва руҳ шифокори, мутафаккир шоир, файласуф Абу Али ибн Синодан бир аср кейин, ҳукмдор Маликшоҳ ва унинг вазири Низомул Мулк даврида яшаган, калом, фикҳ, ҳадис, фалсафа ва ахлоқ илмлари соҳиби Абу Ҳомид Муҳаммад Зайниддин Ғаззолий “Мишкот ул-анвор фи ғурари-л-ахбор” (“Хабарлар, ҳадислар дурдоналаридан сочилган илоҳий нурлар”) асарида маърифат чўққиларига боришнинг уч хил йўлини кўрсатади. Бундай йўллардан бири – илоҳий билимлар манбаи Қуръон оятларининг ботиний маъноларини ўрганиш, тўғри маънода тушунмаслик. Бу йўлда хатолик бор. Иккинчи йўл – илоҳий оятларни фақат тўғри маънода тушуниб, ботиний маъноларни тушунмаслик. Бу йўлда ҳам хато бор. Учинчи йўл – илоҳий оятларнинг ботиний маъноларини ҳам, тўғри, сўзда ифодаланган маъноларини ҳам тушуниш бўлиб, бу энг тўғри йўлдир.

Рухлар оламида шундай ўлмас мавжудотлар (масалан, Қуёш, сайёралар, фаришталар) борки, улар сира завоул топмай, нурларини сочаверади, лекин сира камаймайди. Инсонлар қалбига оқаётган илоҳий билимлар манбаини ҳам водийларга оқаётган дарёларга ўхшатиш мумкин. Илоҳий билим, маърифат дарёлари, аввало, пайғамбарларнинг қалбига, сўнгра азиз-авлиёларнинг қалбига, сўнгра уламоларнинг қалбига етиб боради. Илоҳий билимлар шу қадар чексиз, чуқур, сирлики, поёнсиз уммонга ўхшайди. Қуръон сўзлари: “У осмондан сувларни ёғдирди ва ирмоқлар сувга тўлди”. (“Раъд” сураси, 17-оят.)

Тафсирчилар бу ерда сувни билимга, ирмоқларни одамларнинг қалбига ўхшатадилар. Абу Али ибн Синонинг “Тайр қиссаси”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Саламон ва Ибсол” фалсафий қиссалари, Муҳаммад Ғаззолийнинг “Тайр қиссаси”, Фаридулдин Атторнинг “Мантик ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonларини илоҳий илмлар ботиний маъноларининг поэтик ва фалсафий тафсири, дейиш мумкин. Ибн Сино “Тайр қиссаси”да бу дунё тузоқларидан қутилиш машаққатли эканлигини кўрсатади. Ибн Синонинг “Тайр қиссаси” бошланишида келтирилган замонадан шикоят, бегараз дўстлар камайиб кетганидан қайғуриш ҳақидаги матн асосий мавзуга боғланмагандай кўринади: “Агар дўстлик савдо-сотикқа ўхшаб эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди? Ахир, Худонинг Ўзи яқинлаштирган меҳр-шафқатли дўстлар ҳам бор-ку! Улар ҳақиқатга мулоҳаза билан қарайдилар, дилларида шак-шубҳа ғубори бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига холисанлиллоҳ дўст, аҳил...” Бу сўзлар бизга илк исломият даврида Мадинага ҳижрат вақтида муҳожирлар ва ансорлар – мадакдорларнинг қиёматли дўстликларини эслатади. Яна Арасту фалсафаси руҳида турли соҳаларда 53 та рисола ёзган яширин алломалар жамоаси – “Ихвон ус-сафо” уламоларининг дўстлигини ҳам эслаймиз.

Асосий матнда эса бир гала қушлар нафс эҳтиёжлари сабабли овчи қўйган тузоқларга ва тўрга тутилиб қоладилар, оёқларида тузоқлари билан овчидан (бу дунё ёмонликларидан) қочиб, учаётган қушлар янги тузоққа тушган қушни (муаллифни) тўрдан кутқазиб, энг гўзал, энг олий, энг адолатли, энг комил подшоҳнинг манзиллини излаб, йўлга тушадилар. Қушлар не машаққатлар билан етти тоғдан ўтиб (маърифатнинг етти манзили), саккизинчи тоққа етадилар. “Бундай қарасам, чўққиси осмон бағрини ёриб кириб кетган баланд тоғ, унинг теварагида қушлар учиб юрибди. Мен умримда бундай хушнаво, гўзал, хушсурат, дилкаш қушларни учратмаганман... биз илгари ҳеч кимдан кўрмаган ва эшитмаган эҳсон, лутф ва одамгарчиликни кўрдик, самимий ёрдамни ҳис қилдик. Улар билан танишиб бўлгач, биз уларни ўзимизга азоб бераётган воқеадан огоҳ қилдик. Шунда улардан бири сўзимизга эътибор бериб: “Мана шу тоғнинг орқасида бир шаҳар бор. (Бу шаҳар ҳам маънавий, руҳий камолот манзили.) Ўша ерда буюк подшоҳ истиқомат қилади. Ҳар бир зулмдийда унга сиғинса ва таваккул қилса, унинг қудрат ва мадади билан бахтсизлик ундан йироқлашади”, деди.

Муҳаммад Ғаззолийнинг “Қуш рисоласи” Ибн Синонинг шу номдаги рисоласидан анча фарқланади. Аввалги асарда қушлар Овчининг дон сепишига (бу дунё мол-мулки, зеб зийнатига) алданиб, тузоққа ва тўрга тушиб қолиб, тузоқдан кутқарувчи қудратли подшоҳни излаб, парвоз қилсалар, кейинги асарда қушлар Лайлога, гўзалликка ошику шайдо бўлиб, уни кўришга имкон берувчи қушлар подшоҳи Анқони излаб, парвоз қиладилар. Ўхшашлик шундаки, иккала асарда қушлар машаққатли, таҳликали манзиллардан ўтадилар. Фарқлардан бири – Ғаззолийда қушларни ғайбдан овоз огоҳлантиради: “Олдингизда бош-охири йўқ саҳролар, ўткир, тик қояли тоғлар, бўронли денгизлар, аёвсиз совуқ ва жазирама минтақалар бор. Мақсадга етмасдан ҳалок бўлишингиз, тан-

лаган йўлингиз ҳам сароб бўлиши мумкин”. Аммо қушлар бундай огоҳлантиришларга қулоқ солмай, ҳаёт севинчлари, дунёнинг гўзал манзараларини севишларини айтадилар. Водийда эркин ўтлаётган, завқланиб, ўйнаб, чопаётган туя рамзида муаллиф ҳаёт буюк неъмат экани, барча жонзотлар ҳаётни севишини, завқланишини билдиради. Ҳаззолийнинг бу ғоясида Ибн Синонинг “Ишқ рисоласи” билан ҳамоҳанглик сезилади.

Хавф ва ражо, қўрқув ва умид – Шарқ мусулмон фалсафасининг асос, тамал тошларидан, яъни инсон бу дунёда одамларга, барча мавжудотларга ёмонлик, жабр-зулм қилса, охиратда Худонинг қаҳру ғазабига, жазосига учрашдан қўрқиш зарур, шу хавфни англовчилар ҳеч кимга ёмонлик қилмайдилар. Умид эса қоронғида қолган йўлчи учун чироқдир. Ҳаззолий рисоласида қушлар адолатли подшоҳ излаб, “борган жойларида рад этилгач, умидсизлик ёғида шундай қоврилдиларки, нафаслари қисилиб кетди. Шу чоғ унсият – дўстлик нафаси уларни ўзларига келиб олишларига ёрдам берди ва умидсиз бўлмаглар”, деди.

Ибн Сино ҳаёти ва ижодини чуқур тадқиқ этиб, фалсафий қиссаларини араб тилидан ўзбекчага таржима қилиб, изоҳлар билан нашр эттирган устозимиз Абдусодиқ Ирисов “Ҳаким Ибн Сино” китобида буюк мутафаккирнинг Фараддон қалъасига қамалиши сабабини бундай тушунтиради: Дайламли Бувайҳий подшоҳларидан Ҳамадон ҳукмдори Шамсуддавла Ибн Синони ўзига яқинлаштириб, вазирлик мартабасига кўтарган. Амир Шамсуддавла вафот этгач, вазири Тоҷул Мулк алломанинг Исфаҳон ҳукмдори Алоуддавлага бошпана сўраб ёзган махфий хатини қўлга туширади. Вазир буни Шамсуддавланинг ўғли Самоуддавлага хиёнат, деб тушунтиради. Бу иш аниқлангунича, Ибн Синони Фараддон қалъасида 40 кун қамоқда сақлайдилар. А.Ирисов бу қалъада Ибн Сино “Китоб ал-ҳидоя”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Китоб ал-қуланж” (“Санчиқ ҳақида”) асарларини ёзган, дейди. XII аср муаллифи, Умар Хайём ва Ҳаззолийнинг замондоши Абул-Ҳасан Али Заҳридин Байҳақийнинг “Татимма “Сивон ал-ҳикма” (“Ҳикмат хазинасига қўшимча”) асарида Ибн Сино ўзи ва шогирди Абу Убайд Абдулвоҳид Жузжоний ёзган таржимаи ҳолда “Тайр қиссаси” ҳам Фараддон қалъасида, маҳбусликда ёзилгани айтилади. Ибн Синонинг бу қиссаси бошланиши бошқа мавзу ва оҳангда, қолган қисми бошқа услубда ёзилгани, тузоққа ва тўрға тушган қушлардан фақат биттаси – мен деб ҳикоя қилаётгани, бошқа қушлар ёрдамида парвоз қилган, тўр остидаги бошқа қушлар тутқунликда қолиб кетгани, адиб садоқатли дўстлик ҳақида сўз бошлаб, кейин ўша қуш тутқунликда қолиб кетган дўстларини ўйламаслиги – бу асарни муаллиф охирига етказмаган, деган таассурот қолдиради. Ибн Сино ва Ҳаззолий қиссалари шу жиҳатдан ҳам фарқланади. Шу маънода Ҳаззолийнинг “Тайр рисоласи” тугал асар ва мавзуси ҳам дунё ҳаётининг тузоқларидан қутулиб, эркин парвоз қилиб яшаш учун интилиш эмас, балки севиб ардоқлашга, илоҳий муҳаббатга муносиб адолатли подшоҳ излашдир. Бу икки асарнинг яна бир фарқи шундаки, Ибн Сино асарида чексиз машаққатлар билан ўз даргоҳига етиб келган қушларни Адолатли подшоҳ иззат-ҳурмат билан кутиб олади. Ҳаззолий асарида эса Олий зот не-не машаққатлар билан келган қушларга: “Сизлар истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам, келсангиз ҳам, келмасангиз ҳам, биз – подшоҳимиз. Бу ерда сизларга эҳтиёжимиз йўқ!” – деб рад этади. Қушлар умидсизликка тушадилар. Яна бир жиддий фарқ шундаки, Ҳаззолий асарида Ибн Сино асарида бўлмаган мужтаҳидлик, шаҳидлик мақоми мавзуга доир кўплаб оятлар келтирилади ва адолат, ҳақиқат манзилига етолмай, йўлда ҳалок бўлган қушларга мукофот борми, йўқми, деган масала муҳокама қилинади. Адолат ва ҳақиқат йўлида курашувчилар Ҳақ даргоҳида азиз инсонлар эканлиги уқтирилади. Яна бир фарқ – Ибн Сино қисса охирида фалсафий тимсолларни, ботиний, сир-асрорли маъноларни тушунмаган одамлар ҳақида улар бизни масхара қилади, дейди. Билмаслар билганларнинг устидан кулиши дунёнинг тескарилигидандир.

Ибн Сино рисоласидан Ҳаззолий рисоласининг яна бир фарқи шундаки, кейинги асарда жуда кўп ўринларда қушлар ҳолатини изоҳлаш учун Қуръон оятлари келтирилади. Ҳикоянинг сўнги қисмларида фикр мантиқида зиддият сезилади, эҳтимол, бу матн камчилигидир. Аммо, Ҳаззолийнинг бу рисоласи Ибн Сино рисоласи каби чуқур фалсафий руҳда ва тасаввуфий маънолар хазинасидан иборат. Журнал саҳифаларида бундай нодир асарларнинг тез-тез эълон қилиниши халқимизнинг маънавий оламида бойитади.

**Маҳкам МАҲМУД**

### ИБН СИНО ВА ҒАЗЗОЛИЙ: АНЪАНА ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Мусулмон дунёси адабиётида рамзийлик анъанаси Қуръони каримга бориб тақалади. Ҳали тасаввуф адабиёти ўз тақомилига етмасдан, яъни Х асрдаёқ Ибн Синонинг асарлари Қуръони карим услубида мажозий тил билан ёзилишининг ўзи мусулмон Шарқи адабиётида образли фикрлаш ва сўзлашнинг ўрни нечоғлик аҳамиятли бўлганлигини кўрсатиб беради. Бироқ Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли Тирик”) ва “Тайр қиссаси” (“Қуш қиссаси”), “Саломон ва Ибсол” каби фалсафий қиссалари зоҳиран шарқона қиссалар эса-да, ботинан юнон фалсафий тафаккури таъсирида эди. Юнон фалсафасини жуда эрта ўрганганлигини у таржимаи ҳолида ҳам таъкидлайди. Ибн Синонинг шундай асарларидан бири “Тайр қиссаси” (“Қуш қиссаси”), деб номланади.

Қушлар тимсоли бошқа кўпгина халқлардаги сингари туркий халқлар мифологиясида ҳам илоҳий олам билан мулоқот қилувчи восита сифатида ифодаланган. Одам ўлганидан кейин ёки уйқусида руҳи қушга айланиб учиб кетиши ҳақидаги тасаввурлар халқ одатлари ва фольклорда, эртақларда ўз аксини топган. Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг энг қадимги анимистик тасаввурларига қараганда, одамнинг жони қуш ёки чивин кўринишига иниш хусусиятига эга эмиш. Бу каби тасаввурлар ёзма адабиётга таъсир қилмай қолмади, албатта.

Ибн Сино “Тайр” қиссасида мана шу каби халқ фольклори мотивларидан таъсирланган ҳолда инсонларнинг руҳларини қушлар шаклида тасвирлайди. Бу ифода унинг тиббиётдаги билимларига ҳам асосланган бўлиши мумкин. Зеро, замонавий тиббиёт ҳам инсон руҳининг ўлимдан кейин қуш каби парвоз қилиши фикрини илгари суради. (Бу ҳақда Р.Моудининг “Ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида мулоҳазалар” китобига қаранг. – Тошкент: Меҳнат, 1992.)

Бизнингча, ушбу қиссанинг тўлиқ ва аниқ изоҳини Ибн Синонинг диний, илмий ва фалсафий қарашларидан излаш керак. Демак, юнон фалсафасининг Ибн Сино илмий дунёқарашига таъсиридан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин: қиссадаги қушлар – инсонларнинг руҳлари, уларнинг Подшоҳ олдида бориши – Тангри сари сафари ёки кўнгил (қуши)нинг Роббисига илтижоси десак, тўғрироқ бўлади. Асар сюжетидаги қушларнинг сафари Қуръони каримдаги “Ал-Исро” сураси ва меърож ҳақидаги ҳадислар асосида яратилган. Ундаги қушлар ошиб ўтган водийлар – пайғамбаримиз меърож кечаси босиб ўтган осмоннинг саккизта қаватига ишорадир. Ундан кейинги серўт, серсув водий – жаннатга, кейинги икки сарой – малакут ва жабарут оламларига муқояса қилинади. Бу оламлар бевосита юнон фалсафаси, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, неоплатончи Плотин таълимотига бориб тақалади. Унинг таълимотига биноан, олам Бирликдан – Илоҳий Ибтидодан, унинг тошиб, ўз чегарасидан чиқиб кетишидан пайдо бўлган. Ундан кейин ақл, сўнг эса руҳ яралган. Худди мана шу оламлар билан боғлиқ фикрлар Форобий орқали мусулмон Шарқи фалсафасига кириб келган ва юқоридаги тартибда ўзгаришга учраган. Водийда донлаб юрган қушлар эса фаришталар оламидаги малаклар тасвиридир. Ниҳоят, қушлар – кишилар подшоҳ ҳузурига – Тангри даргоҳига етиб борадилар. Ундан оёқларидаги тузоқдан халос бўлиш йўлини сўрайдилар. Шунда подшоҳ оёғингиздаги тузоқни уни қўйган овчидан бошқа еча олмайди, дейди ва овчига элчи жўнатади. Асардаги овчидан мурод бу дунё, ундаги тузоқ – дунёвий орзу-ҳаваслар, элчи эса – ақл тимсолидир. Яъни ўзлигини маълум маънода англаган кишилар дунёвий орзу-ҳаваслардан бизни қутқар, деб Тангрига илтижо қиладилар. Уларга жавобан Тангри Ақлни юборади. Бу асар ўз маъно-мазмунини билан ақл ва мантиқни аввалги ўринга қўйиб, рационалликни оқласа-да, услуб жиҳатидан шарқоналиги сабаб тасаввуф адабиётининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Тасаввуф адабиётининг бу даврдаги вакили, Ибн Синонинг кичик замондоши Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийдир. Уни тасаввуф оламида ҳам ислоҳотчи сифатида билишади. Сабаби, у тасаввуф фалсафасини ислом динининг калом ва тафсир илмлари билан яқинлаштирди. Бу ҳақда нафосатшунос олим Абдулла Шернинг қуйидаги фикри ўринлидир: “... Тасаввуф назариясини фалсафа даражасига кўтарган аллома Ҳужжат ул-ислом Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолийдир... у сўфийлик ғояларини тарғиб қилар экан, уларни шариат аҳкомлари билан уйғунлаштириб юборишга ҳаракат қиларди”. (Шер Абдулла. Тасаввуф, Ғаззолий ва ғўзаллик фалсафаси. // Соғлом авлод. – Тошкент, 2002. – №2. – Б.12-21).



Ғаззолийнинг илмий асарларида образли фикрлаш, тимсоллар тили билан сўзлаш унсурларини кўплаб учратишимиз мумкин. Имом Ғаззолий Ибн Синонинг “Тайр қиссаси”га раддия-жавоб тарзида битган “Рисолат ут-тайр” асари ҳам шу услубда ёзилган.

Адабиётшунос олим Ш.Шариповнинг фикрича, “... унинг (Ғаззолийнинг – таъкид бизники – З.М.) “Рисолат ут-тайр” асари ўз ғоявий мазмуни билан ва фалсафий концепцияси жиҳатидан Ибн Синонинг шу номли рисоласида илгари сурган фикрларига зид бўлиб, унга раддия сифатида вужудга келган,” (Шарипов Ш. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.15). Ш.Шариповнинг бу фикрида жон бор. Зеро, ҳар иккала асар сюжетига назар ташлайдиган бўлсак, бу фарқни яққол кўраемиз. “Тайр қиссаси”да қушлар овчидан қочадилар ва тасодифан подшоҳ даргоҳига бориб, Уни учратадилар. Подшоҳдан ҳам улар ўзлари учун керакли нарсани – овчи тузоғи қолдиғидан қандай қутулишни сўрайдилар. Ғаззолийнинг асарида эса қушлар подшоҳнинг ўзини талаб қилиб борадилар. Демак, Ғаззолий бу асарда тасаввуфий фикрни – қушлар – инсонларнинг руҳлари ўз подшоҳи (Оллоҳ)га интилиши керак, Уни излаб, тасаввуф водийлари узра сафар қилмоқлари лозим, деган фикрни илгари суради.

Ибн Сино “Тайр қиссаси”ни қамоқда шогирдларига юборган нома таркибида битган. У бу рисоаларни фақат шогирдлари ва яқин кишилари учун ёзган бўлиб, уни омма тушунишни зарур, деб ҳисобламаган. Ибн Синонинг бу фалсафий рисоаларида рамзий тимсоллар, асосан, муаллиф фикрини “ёмон кўздан” яшириш учун хизмат қилади. Имом Ғаззолийнинг асарларида эса тимсоллар, аскинча, ўқувчининг асарни яхшироқ тушуниши учун хизмат қилган. Биз таҳлил қилган рисолада Ғаззолий Ибн Сино асарининг сюжети ва образларини мутлақо янги ғояга хизмат қилдирди – тасаввуфий қисса яратди. Бироқ бу қиссалар орасида яна бир ўхшашлик бор эди, у ҳам бўлса – ҳар икки файласуфнинг рамзий қиссаларида бадиийлик омили иккинчи даражали ҳисобланади, яъни у асарда етакчилик қилмайди. Образлар фақат муаллифнинг фикрини баён этиш учун хизмат қилди. Яъни бу асарлар бадиий-фалсафий асарлар эмас, балки фалсафий-бадиий рисоалардир.

Тасаввуф оламида “Ишроқ шайхи Яҳё Сухравардий” яъни “Нурни алқовчи олим” деб ном олган (1153-1191) эронлик тасаввуф олими ҳам Ибн Синонинг “Тайр” қиссасини форсчага таржима қилади. Ушбу қиссанинг форсча шарҳи деб қараладиган мазкур асар ҳам рамзий услубда битилган бўлса-да, ҳамон тўлиқ бадиий асар шаклига кўтарилмаган эди.

“Тайр” туркумидаги қиссаларни илк марта юксак бадиият пардаларида куйлаган ижодкор улуғ форс шоири ва мутафаккири Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурийдир. У қушларни бир мақсад билан – қушлар подшоси Семурғга интилган ҳолда маълум бир жойга – Қоф тоғи сари йўллайди. Уларга муносиб йўлбошчи – Сулаймоннинг Билқийсга юборган элчиси Худхудни лойиқ кўради. Йўлдаги машаққатлар, қушларнинг турфа характерлари ва уларнинг йўлбошчиси Худхуднинг бу йўлдаги қатъияти, сабр-бардошини тасвирлайди. Энг муҳими, юқорида зикр этилган ҳикоятни қолипловчи ҳикоят тарзида қолдирган Фаридиддин Аттор ҳикоят ичида ҳикоят услудидан фойдаланган ҳолда асарга юздан ортиқ ҳикоятлар киритиб, ушбу фалсафий қиссани юксак бадиий-тасаввуфий дoston даражасига олиб чиқади. Дoston сўнггида етти водий аро ўзларини поклаб, камолотга эришган ўттиз қуш Семурғ ўзлари эканликларини англаб етадилар. Атторнинг ушбу асари ўзининг улуғвор ғоя ва мазмуни, бадиий ва фалсафий қудрати билан нафақат оддий китобхонларнинг, балки кўпгина улуғ ижодкорларнинг юракларига чўғ ташлайди. Улкан шоир Гулшаҳрий унга жавобан биринчи марта туркий тилда “Мантиқ ут-тайр” достонини битади. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони эса бундай жавобларнинг энг мукаммали саналади.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА,**  
**филология фанлари номзоди**

## ИЖОДХОЧАДА ЁИР СОАТ



## ЗАМОН, ШОИР ВА ҒАЗАЛ

*(Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири  
Абдулла Орипов билан суҳбат)*

“Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат”, дейилади Ҳадисда. Халқимиз азал-азалдан шеърятга ошно, шеърнинг қадрини асрлар давомида юксақларга кўтарган закий халқ. Шу аснода халқимиз ичидан ҳам шеърят оламининг забардаст вакиллари етишиб чиққан. Мана шундай шоирлардан бири – Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов бўлади. Шоир билан суҳбатимиз, асосан, ғазал жанри хусусида борди.

**Сувон Мелиев:** Абдулла ака, суҳбатимиз мавзуси ғазалларингиз доирасида. Шогирдим Н.Шаропованинг ҳимоя қиладиган мавзуси ҳам шунга яқин. Сиз ўз вақтида ғазал жанрига ҳам кўп бор мурожаат қилгансиз. Бугун-чи?

**Абдулла Орипов:** Ҳа, бугунги кунда ҳам янги ғазаллар ёзаяман. Ранглар ва оҳанглар туркумини тўплаб китоб қилмоқчиман. Ғазал туркумини “Сен томон эсгай шамол”, деб номладим. Ҳозир сизга ўқиб бермоқчи бўлган ғазални яқинда ёздим:

*Сочларинг ёймай туриб, тушган қоронғу тун эмас.  
Тишларингни кўрмайин тонг ҳам оқарган кун эмас.*

*Тунда ой, кундуз қуёш навбат била боққай сенга,  
Мендайин собит эмасдур, мендайин мафтун эмас.*

*Жон фидо этмак сенинг васлинг учун бўлмиш кафил,  
Ошиқ эрмас ул фидоким, қатлидан мамнун эмас.*

*Мен сени жоним дедим, жоним ўзинг фаҳм айлагил,  
Сен ўзинг ҳам қийналурсан, битта мен Мажнун эмас.*

*Севги деб оҳлар чекиб ғавғо солурлар эрта-кеч,  
Ҳеч бири мендек забун ё мен каби маҳзун эмас.*

*Икки чашми жоласига боқмангиз ҳайрон бўлиб,  
Асли улдир икки дарё, Сир эмас, Жайҳун эмас.*

*Қайси ёқдан чиқди Қайс деб айблamanг Абдуллани,  
Англамассиз, англамассиз, чунки сиз дилхун эмас.*

Маълум бир кўникма, санъат тарбиясини олиб, болаликдан арузни эгаллаш мумкин. Ёш болани пианино чалишга ўргатгандай, арузга ҳам ўргатиш мумкин. Лекин унинг қалбини,

тафаккури, идрокини ўргатиш – қийин масала. Буни Шайхзодалар жуда яхши билган, лекин унинг кўчасидан ўтмагани учун ёзмаган. Шунга қарамай, Навоий ғазалларини у кишидай тушунадигани йўқ. Халқона йўллардаги оҳанга Миртемир ғазаллари тушган.

Ғазални жуда пухта ўрганиб, қалами равон бўлиб ёзишни Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжон яхши билганлар. Ҳ.Олимжоннинг бир-иккита ғазали бор. Ғафур ака турли экспромтлар, ҳазил-хузиллар билан бетакрор ғазаллар ёзган. “Навоийнинг қабри қошида” мухаммаслари аруз вазнига яхши тушган. Шекспирона руҳ Шайхзодаларда ҳукмронлик қилди.

Туркий тилларда арузнинг ҳақиқий аслига, талабига жавоб бериб ёзиладиган учта тил бор. Улар форс-араб сўзлари кўп кириб келган, муқим, ўтроқ халқларнинг тили. Бири ўзбек, бири озарбайжон, бири уйғур.

Чўлпон домла классик адабиётни яхши билиб, ўқиб, англаган. “Бир хил, бир хил, бир хил. Ҳамма нарса бир кетаверса, бўлмайди”, деган. Чўлпон туркий шеърятда аруз баҳрларини ҳаётга яқинлаштирди. Чўлпоннинг оҳангларида янги арузнинг, янги замоннинг оҳанглари, туйғулари, тимсол, рамзлари бошқача англашилган, қоғозга тушган. Бунинг энг катта намунаси “Қаландар ишқи”дир:

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

*Карашма денгизин кўрдим, на нозли тўлқини бордир,  
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.*

*Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулға сотдим-ку...*

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Булар – тўла аруз, тўла ғазал. Лекин унинг янги, мутлақо янги даври. Тараққиётнинг ўзи. Ўзининг ғояларини “Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку”, деб фақат Чўлпон айтолари. Чўлпон ҳам юлдуз. Октябрь инқилоби қўймади чақнашига. Ботиб кетди. У ёққа шўнғиб. Бармоқда ёза бошласа ҳам, арузни ҳамма жойда қўллаган. Бармоқдаги уринишларида ҳам, қуйма оҳангдорликда ҳам арузга риоя қилган. Вазнларидаги туроқларни бўлсангиз, худди арузнинг туроқлари келиб чиқади. Уни бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди. “Филолун”га тушмайди унинг таржимаси. Мен ўзим шунга “қадам вазни” деб ном қўйиб олганман. “Аёл” шеъримни оёқ такти билан вазнга солиб, юриб ёзганман.

**Наргиза Шаропова:** *Абдулла ака, халқимизнинг юрагидан жой олган шеърларингиз орасида ғазаллар ҳам анчагина. Сизнинг назарингизда, бугунги кун ўзбек ғазалчилиги қай даражада? Навоий, Бобурлар издошлари бўла оладиган ғазалнависларимиз борми?*

**Абдулла Орипов:** Арузда машқ қилганларни биламан. Ҳеч бир асоссиз XIV-XV аср оҳангига қараб кетишади. Араб, форс тилидаги сўзларни қалаштириб ташлашади. Мен ўйлайманки, уларни таҳлил қилишнинг кераги йўқ. Уларни қадимги ўзбек адабиётида булҳаваслар, дейишган.

**Сувон Мелиев:** *Абдулла ака шўро даврида ўгай бўлиб юришса ҳам бир неча шоирлар арузда ижод қилишди. Шуларга қандай қарайсиз?*

**Абдулла Орипов:** Навоий ҳам арузда ёзган, Ҳабибий ҳам. Солиштириб бўладиган гап эмас-да. Ҳаммасини маҳорат, санъаткорлик ҳал қилиб келган. Навоий байларида образлилиқ, ранг-баранглиқ, теранлик кучли. Навоий изидан юриш осонмас, шундай бўлса ҳам, арузда ёзишди: баъзан яхши, баъзан мундайроқ. Чамамда, бунинг давр билан боғлиқ нозик жойи бўлса керак. Икки хил маъно берадиган чуқур гапларни ёзиш ўша даврда кўрқинчли эди.

**Наргиза Шаропова:** *Абдулла ака, сизнинг ғазалларингизда услуб, оҳанг бошқача. Бунинг боиси нимада?*

**Абдулла Орипов:** Бунинг сабаби, балки менинг табиатимда фикрлашга мойиллик кучлироқ бўлганидир. Биров дард дейди, биров изтироб, дейди. Лекин, шунга қарамай, юк кўтармаган беҳуда сатрларни кўп ёздик. Бир куни Миртемир: “Китобларим

ёнидан ўтаётганимда, кўзимни чирт юмиб ўтаман”, деган эди. “Мен қандай ўтаман?” десам: “Сен кўзингни пирпиратиб ўтасан”, деган.

**Наргиза Шаропова:** “Аён бўлғай” радифли ғазалингизнинг ёзилишига нима сабаб бўлган? Унда кўпроқ ижтимоий руҳ устунлик қиладими ёки фалсафийми?

**Абдулла Орипов:** Ижтимоий руҳни Навоийнинг ўзидан ахтариб кўрадиган бўлсак, шеърят тақозосига кўра айтиптими ёки образлилик учунми, фарқлаш керак. Масалан, бегона байт бор ғазалда. Умумий руҳидан келиб чиқадиган ижтимоийлик. Баъзан анъанавийлик талабида ёзилганлари ҳам бўлади.

**Наргиза Шаропова:** Лирик Абдулла, аслида, ким? Ғазалларингизда нима кучли: тақлидми, таъсирми?

**Абдулла Орипов:** Мен ёввойироқ ўсган мева дарахтига ўхшайман. Иссиқхонада ўсмаганман... Шароит тақозо қилмаган. Таъсирланиш бор, буни рад қилмайман. Тақлид йўқ. Болалигимда ёд олган шеърларни ҳозир ҳам ёддан айтиб юраман. Масалан, Шевченко мисраларини. У Қозоғистон томонларга, Сирдарё қўш оролига сургун қилинган. Шу ёқларда ўлган.

Пушкин, Лермонтов шеърларини мен ҳозир ҳам сўрасангиз, ёддан айтиб кетавераман. Улар менинг руҳиятимга яқин. Руҳимда ғалаён қўзғайди, юпанч беради. Шунинг учун плакат шеърларни ёмон кўраман. Лекин ўзим ҳам ёзганман бир пайтлар. Ёзмасам, бўлмасди. Шу гал ёзаман, бўлди, деб иккинчи куни яна қилганман. Шуларнинг ўзи ҳам йиғилиб, тўплам бўлиб қолади. Олдин ҳам айтганман: таъсирланишнинг ҳаётда икки хил йўли бор. Биринчиси, бевосита воқеликнинг ўзидан таъсирланиш бўлса, иккинчиси, фикрдан таъсирланиш. Муסיқа, пейзаж, расомлик шунга киради. Кейин китоб ўқиш орқали буюк асарлардан, китобдан, шеърдан таъсирланиш. Мухаммаслар бекор ёзилмайди-да. Шунчаки ёзилса, билинги, у мухаммас эмас. Шоир юраги жиз этган бўлса, мен ҳам қалб-кўримни қўшай деб ёзса, ўша мухаммас бўлади. Бу – фикр, тафаккур, идрок томонидан таъсирланиш. Энди табиат, борлиқ, жамиятдан таъсирланиш – йўқотишлар, мағлубиятлар ёки катта зафарлар... Булар бир халқ учун унутилмас кун бўлиши мумкин, бошқа халқ учун бу оддий кун бўлиши мумкин. Бедилда иккита дунё бор, дейилади. Менимча, учта дунё бор: бири – кўриб турган дунё, иккинчиси – у дунё, учинчи дунё – шеърят дунёси. У бу ёқдан ҳам, у ёқдан ҳам хабардордир. У ёқдан хабардорлик – ҳиссий хабардорлик деб шарҳлаган бўлардим.

**Наргиза Шаропова:** Навоийда инсон муаммоси кучли, Бобурда Ватан соғинчи. Сизнинг ғазалларингиздан Машраб нидоси ҳам келиб туради, Фурқатники ҳам, Навоийники ҳам, Бобурники ҳам...

**Абдулла Орипов:** Энди, буни таъсир деб тушуниш мумкин. Столимнинг устида уларнинг ижод намуналари туради. Ҳар кун, ҳеч бўлмаса, битта ғазалини таҳлил қиламан. Улардаги дард билан санъат ҳайратга солади мени. Фикримча, Навоийгача бўлган даврнинг ғазалчилиги – ўзи битта қоя. Навоий бирданига ўртага Помирдай чиқиб қолди. Ундан кейин яна пастга қараб сахро бошланди. Бобур яна катта бир тоғ сингари ўртага чиқди. Арузда оригиналликни, бировнинг овозини англаб олиш жуда қийин. Чунки ритм бир хил, вазн бир хил. Масалан, Ҳабибий билан Чархийни фарқлаш мушкулроқ. Лекин Чустийни таниса бўлади. Ранглари ўзгача. Буни ким ёзганини хабардор одам танийди. Бобурни дарров танийсиз. Фурқатни ҳам.

**Наргиза Шаропова:** Ғазалдаги бегона байтга муносабатингиз қанақа?

**Абдулла Орипов:** Аслида, ҳар бир ғазалдан бегона байт излаш – тўғрима. Агар шуни шоир қўлласа, бегона байт киритилса, айбга буюрилмайди. Ҳатто безаги ҳисобланади. Ҳам безак, орада бир хўрсиник. Бегона байт шеърни очиб юборади. Маҳдудликни енгади. Шеърга қанот бағишлайди.

**Наргиза Шаропова:** “Бул ажаб” деб бошланувчи ғазалингизда фосиқларга Яссавий хокидан тумор тақинг, дегансиз. Уни қандай изоҳлайсиз? Фосиқ ва Яссавий хокидан ясалган туморлар қарама-қарши тушунчалар эмасми? Уларга қандай қилиб Яссавий хокидан ясалган туморлар ярашади?

**Абдулла Орипов:** Яссавий деганда, биринчи галда нафсдан халос бўлиш тушунилади. У ерда – дунё, бойлик, дегани. Шу балодан қутуламан десанг, тумор қилиб ол, дегани. Фосиқлар – ахлоқсиз одамлар. Ўша пайтда матбуотда чиқиши мумкин бўлмаган бир сўз бор эди. Мен бу ерда навбатчи сўзни қўйганман. “Фосиқ” сўзининг

аслини ҳеч хаёлимга келтиролмаяман. Ўша замонда одамларнинг кўнглига тегиб кетадиган гап эди. Шунинг учун ўзгартирган эдим шу сўзни. Қўлимга қалам олганимга ҳам 65 йил бўлибди. Шоир, ёзувчи эл-юртини қанча билса, олим ҳам ундан кам билмаслиги керак. Ҳар соҳадан хабардор бўлиши керак, кўп муқоёса қилади у. Бошқа соҳа илмларидан хабардор бўлган яхши-да. Лекин ҳаммасининг тагида “маҳорат” ётади.

**Наргиза Шаропова:** *“Бу кун” радифли ғазалингиздаги “Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун”, дегансиз. “Беишқ” сўзини қандай изоҳлайсиз? Ишқ саҳросида қандай қилиб беишқ қолишингиз мумкин?*

**Абдулла Орипов:** Биринчидан, у 60-йилларда ёзилган. Ғазалда буни қўллашингиз мумкин. Ғазалнинг ўзига хос даргоҳи бор. Масалан, ота-она билан яшаб ҳам, ота-онасизман, дейди. Буни ғазал қабул қилаверади. Ишқ бор, лекин унинг ўзи менга эгалик қилмаяпти, демоқчи бўлганман.

**Наргиза Шаропова:** *“Бу кун”да “Иблис ила кўкда ҳам машғул эрур Оллоҳ бу кун”, деган мисра бор...*

**Абдулла Орипов:** Тириклик ҳам ярим ҳикмат. Умрни Оллоҳ берган. Инсонни муқаррам қилган. Нега энди шундай деган саволлар чиқади? Хайём, Навоийда ҳам талайгина бундай фикрлар. Ниманики сўзда берилса, ҳар доим ҳам шаккокликка кирарвермайди. Унинг меҳнатига қараш керак. Унинг тагида илтижо борми, киноя борми, унга қараш керак, изоҳи бўлиши керак. Бир нарсани орзу қиламан: адабиёт, шеърят оммавий маданиятга айланиб, умрбоқий нарсанинг иккинчи нарса билан фарқини билладиган қавм, уч-тўрттагина авлод илмда, шеърятда изсиз йўқолиб кетмаса, дейман.

**Наргиза Шаропова:** *Сақланиб қолармикан?*

**Абдулла Орипов:** Сақланиб қолса керак, чунки халқимиз кўп нарсани кўрган. Ҳозир кўпроқ моддий томонга эътибор кучайди. Навоийда ҳам, Бобур даврида ҳам бор эди бу. Истеъдод, илм, тажрибани қадрлаган жамият ҳеч қачон хор бўлмайди. Акси бўлса, оқибати аянчли.

**Наргиза Шаропова:** *“Инсон жамият маҳсули сифатида эмас, балки табиат маҳсули сифатида ҳам ғоят мураккаб зотдир”, – деганингиздек, инсонни кўпроқ жамият маҳсули сифатида тасвирлаганмисиз ёки табиат маҳсули сифатидами? Қайси вазнда ҳар иккиси бир пайтда ифодаланади?*

**Абдулла Орипов:** Аслини олганда, жонзот ҳам табиат маҳсули-ку. Олий маҳсули – инсон. Лекин уни бузиб турган – нафс. Бунга Навоий ҳам, ундан олдин Яссавий ҳам қарши чиққан, Толстой бир умр курашган. Комилликнинг биринчи шарт – нафсни йиғиштириб олиш. Ҳиссиётнинг нафслари ҳам бор: ичиқоралик, кўролмаслик. Бу ҳам нафсининг жуда ёмон кўринишлари. Шунинг учун кўпроқ китоб ўқиш, яшилар суҳбатида бўлиш, одамнинг Жайхундек нафсини тутиб туради. Масалан, Темур бобо ҳам, Чингизхон ҳам жангари. Лекин Темур бобо кўп нарсалар қурган, Чингизхон, аксинча, бузган. Масалан, оилада тўрт фарзанд бўлса, ҳаммаси ҳам бир хил бўлмайди. Навоийнинг табиатини инжиқ, дейишган. Сабаби бўлган-да. Шу даражадаки, Навоий бир кун қуш бўлиб учиб кетсам, дейди. Чунки атрофдагилар унга ёт бўлган. Ундаги назокат буларда бўлмаган. Мен бирорта ёзганимни бир кун келиб аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаган эмасман. Лабзақда Маҳкам Маҳмудов билан ижарада турар эдик. Бир кун “Муножотни куйлаб”, деган шеър ёздим. Қофия бутунлигига ҳам қарамадим. Ташлаб юбордим. Уни Маҳкамбой олиб, текислаб қўйган экан. Икки кундан кейин Абдулла Қаҳҳор қатнашган мушоира бўлди. Ҳеч нарса ёзганим йўқ эди. Шунда Маҳкам Маҳмудов асраб қўйган шеъримни берди “шунингизни ўқинг”, деб. Ўқисам, бомбадай портлаб кетди.

**Наргиза Шаропова:** *“Этгали” радифли ғазалингизнинг 3-байтини талмеҳ сифатида нега айнан Ҳофиздан олгансиз?*

*Ногаҳоний саҳни боғдан ҳайқариб чиқди Ҳофиз,  
Ул деди, ёйди пари кокиллари дор этгали.*

**Абдулла Орипов:** Ҳофиз Шерозийни кўп ўқиб, ўрганганман. Эҳтимол, шундай бўлса керак.

**Наргиза Шаропова:** *Ҳофизда ҳам бегона байт борми?*

**Абдулла Орипов:** Анчагина. Унда бўлсин-да бегона байт.

**Наргиза Шаропова:** *Демак, Машраб бекорга Офоқхўжа эшон ҳузурида Ҳофиздан байт ўқимаган экан-да?*

**Абдулла Орипов:** Шеърни ҳал қиладиган мезон – руҳият, ҳатто ғоя эмас, руҳият. Шеъриятни шаклга боғлаб, оёқ-қўлига занжир солиб қўйишнинг ҳеч кераги йўқ. Масалан, қозоқнинг ўланида ҳам чегара йўқ.

**Наргиза Шаропова:** *“Нона”даги Абдулла ёрга мурожаат қилганми ёки илҳомгами? Бағритошсан, хаста айлаб, ҳам йироқ кетдинг нечун, Тибда дерлар: гоҳи дардга тош даво, бир келмадинг.*

Бу мисрани ирсולי масал дейиш керакми ёки ҳақиқатда шундайми?

**Абдулла Орипов:** Яхши англабсиз. Ибн Сино ҳақида “Ҳаким ва ажал” номли достон ёзганман. “Тиббиётда бир тош бор шуни кукун қилгин, ичсанг, дардга даво”, – дейди Ибн Сино. Минерал тошлардан дори қилган-да у киши. Ёки чаённи қайноқ қозонда қиздириб, кукунидан дори тайёрлаган. Бағритош, ўзинг хаста қилдинг, узоқ кетдинг, деб ғазалда айтади. Ғазални хоҳлаган томондан таҳлил қилиш мумкин. Лекин уни биринчи галда ҳис қилиш керак. Ғазал – одамнинг руҳий комилликка интизорлиги. Шундай экан, дунёга реал ёндашишни Фирдавсийдан, Ҳофиздан, айниқса, Навоидан ўрганиш керак.

*Яхши кишилар юксак ахлоқий етуклик ва юксак ахлоқий обрў билан ажралиб турадилар.*

**Ф.М.Достоевский**



## **АДАБИЁТ – ОЛДИНДА ЁНГАН ЧИРОҚ\***

(Сухбат)

**“Шарқ юлдузи” журнали таҳририяти саволлари:**

1. Бадиий асар тарбия воситасими? Яхши китоб эзгуликка, ёмони ёвузликка етаклашига ишонасизми?
2. Энг катта адабиёт юрагимизда яшайди. Демак, адабиёт ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг ичимизда. Лекин адабиётга “яқин” бўлганимиз ҳолда нега дунёда зулм бор? Нега бугун инсоният янги йўл қидирмоқда? “Йўлини йўқотган дунё”да адабиётнинг ўрни ва роли борми? Нега у, яъни адабиёт дунёнинг йўлини йўқотишига жим қараб тур(а)ди? Энди-чи, адабиёт дунёнинг равишига таъсир этиб, унинг янги, муносиб йўл топишига илҳомлантирувчи куч бўла оладими-йўқми?..
3. Битта асар жамиятга икки хил таъсир кўрсатадими? Нима учун?..
4. Хос ва омма диди ҳамда адабиёти ҳақида сиз нима деган бўлардингиз? Ҳаммага “ҳамма нарса”ни тақдим қилиш қандай оқибатларга олиб келади? Маънавий иммунитетни ҳали етарлича шаклланмаган ёш авлодга қандай асарлар тавсия этиладию қандайлари йўқ?
5. Умидбахш ва тушкун адабиётнинг ўқувчи ва жамиятга таъсири масаласида нималар дея оласиз? Замонавий дунёнинг бугун қандай адабиётга эҳтиёжи бор?
6. Ўтмиш меросни ҳар бир замон ўз мезонлари чиғирғидан ўтказиб туриши керакми? Нима учун?
7. Инсон тирик экан, ҳар доим танлов қаршисида туради. Худди уч йўл бошидан чиқиб қолган эртақ қаҳрамони каби. Ҳар қанақа мулозаматни бир четга суриб қўйиб айтганда, тўғри танлов қилишда адабиётнинг роли борми-йўқми, бўлса, қай даражада?

\* “Адабиёт – олдинда ёнган чирок” номли баҳс-мунозаранинг илк мақоласи “Жаҳон адабиёти” журнаlining 2015 йил, 1-сонида эълон қилинди.



## Дилмурод ҚУРОНОВ

1960 йилда тугилган. Филология фанлари доктори, профессор. Андижон Давлат Тиллар педагогика институтини тамомлаган. Олимнинг “Рухий дунё таҳлили”, “Истиқлол дарди”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Чўлпон насри поэтикаси”, “Адабиёт надир?”, “Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари” (ҳаммуаллифликда), “Адабий жараёнда мом синдроми”, “Адабиётшунослик лугати” (ҳаммуаллифликда), “Завқимдан бир шингил” каби китоблари нашр этилган.

### МУҲИМИ – КИТОБХОНЛИК ДАРАЖАСИ ВА МАДАНИЯТИ

1. Бадий асар – тарбия воситаси десак, балки предмет кўламини бирмунча торайтиргандек бўлармиз-у, ammo тарбиявийлик адабиётнинг қон-қонига сингган хусусият экани бор гап. Ахир, кўҳна Шарқ бежиз уни “гўзал хулқлар” маъносини берувчи “адаб” сўзи билан атамаган-да! Зеро, адабий асарлар “панднома” ва ё “дидактик” унвонларига эга бўлса-бўлмаса, ҳамиша тарбия қилиб келган ва мудом шундай бўлади. Негаки, чинакам санъаткор ҳамиша эзгулик томонида, борлиқни шу мавқедан туриб акс эттиради ва баҳолайдики, асарнинг жон-жонига сингган эзгулик мутолаа давомида сездирмайгина ўқувчи қалбига инади. Шу тариқа тарбия акти содир бўлади, муаллифнинг “тарбия қилиш” ва ё ўқувчининг “тарбия олиш” мақсадини кўзлаган-кўзламаганидан қатъи назар.

Охирги жумлаларни ўқиб, беихтиёр ўқувчидан ўзиброқ ўз-ўзимга киноя қилмоққа шошдим: “Жўнгина экан-ку!”. Ҳа-да, саволларда қўйилган, ўта мураккаб туюлган муаммони “биринчи зарбдаёқ бўйнигача...” Йўғ-а, асло жўн туюлмасин, жўн демадим ҳам. Зеро, юқорида “чинакам санъаткор” дея таъкидлаганим, аслида, ғайр тоифа, яъни ўзга мавқеда турадиганлар ҳам бор деганидир. Бунинг ҳам ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Ахир, санъаткор ҳам инсон, инсонни эса Роббимиз фаришда билан ҳайвон ўртасида яратди, бас, ўй-ҳисларимизу амалларимиз шу икки қутб орасида тебранади. Айтайлик, қиссанавис бениҳоя гўзал ва соф ишқдан сўйлаётгани чоғ бир тойилса-ю, жажжигина эпизодни яланг ҳирс кўзи билан чизса... Илож қанча, авомга муҳаббатнинг маънавий-руҳий моҳиятидан кўра бу томони яқинроқ, шу боис ҳам, афсуски, ёдида кўпроқ ўша ҳирс-ла мойланган эпизод қолади. Демак, гап бориб яна ёзувчи масъулиятига тақалади. Яъни у эзгулик ходими эканини ёдда тутган ҳолда ўзини идора қилмоғи, ўз-ўзига цензор бўлмоғи даркор. Албатта, шу ўринда эътироз бўлиши табиий: “Унда энди-энди эришганимиз ижод эркинлиги нима бўлади?” Асли, эътироз ўринсиз: эркинлик, жумладан, ижод эркинлиги ҳам асло мутлақ бўлолмайди, мутлақ эркинлик ҳалокатлидир. Зеро, мутлақ эркинлик даъвосию адабиётда, аввало, ўзни ифодалаш воситасини кўриш сабаб Ғарбда шайтоний руҳга тўйинган битиклар дунёга келдики, оқибати, мана, бугун “кўҳна дунё” Лут қавмига эргашиб таназулга юз тутди. Ривоятда келишича, Дажжол ҳалокатга ногора-сурнай оҳанглари остида бошлармиш. Ажаб, йўл қанчалар ҳалокатли бўлса, чорлови шунчалар жозиб! Қаранг, овруполиклар неча замондан бери “эркак аёл тенглиги” дея “енг шимариб-енг шимариб” қилиб келаётган ишлар тенгсизликни йўқотибгина қолмай, бугун энди “эркак-аёл” тушунчаларининг ўзига-да дахл қилиб турибди-ку?! Тўғри, адабиёт инсоннинг ўзини, кўнгилни ифодалаш воситаси, бироқ бу кўнгилнинг борини айтавер, дегани эмас-да! Ахир, кўнгил фақат эзгулик макони эмас, унинг олис пучмоқларида чиқишга йўл тополмай бижғиб ётган майллар ҳам бисёр. Яъники, ижодкорнинг ўзи ихота қўймаса, улардан ўқувчини ким ҳимоя қилади?!

Мулоҳазаларим ўқувчига ишончсизлик ёки уни “ҳамиша ёзувчи етовида ва шу боис ҳимояга муҳтож”, деб билиш сифатида тушунилмасин. Зеро, улар ўқиш жараёнининг психологик хусусиятларидан келиб чиқади. Дейлик, ўқиш давомида ўқувчи асар ба-



дийи воқелигида яшайди, яъни персонажларнинг бошидан ё кўнглидан кечганларни кечириб кўради. Энг муҳими, ўқувчи бадиий воқеликдаги “умри”нинг ҳар лаҳзасида унинг яратувчиси – муаллиф нигоҳи, муносабатини туйиб туради ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда муносабатини шунга созлайди. Масалан, персонажнинг ўзгага зулм этиб ҳузурланаётгани тасвирланган ҳолат ўқувчи дилида мудроқ инстинктни кўзгаса, муаллиф муносабати уни қайтадан мудроққа солиб, унга нисбатан нафрат туғдиради. Аксинча, ёзувчи айни ҳолатни тасвирлаш чоғи инстинктга бўй бериб кўйса, ўқувчи дилидаги мудроқ инстинктни уйғотиб кўяди, холос.

Айтганларим адабий асар эзгулик томон ҳам, ёвузлик томон ҳам бирдек етаклай-вериши мумкинлиги, ижодкор масъулияти ҳақидаги гаплар бугун ғоят муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Дарвоқе, баъзи ижодкорлар “дилимга солганини ёзаман”, дея гўё ўзларидан масъулиятни соқит қилган бўладилар. Асли, бундай қараш илдизи ғоят қадим: Гесиод шоир музалар қулоғига шивирлаганни айтишади, деб уқтиради. Хўп, агарда шундай, яъни ижодкор шунчаки медиум – қулоғига шивирланган ё дилига солинганни етказувчигина бўлса ҳам, шивирки бор музалардан ва ё дилига солинганки нарса Раҳмондан бўлавермайди, ахир. Ҳолбуки, ҳақиқий санъат, жумладан, адабиётнинг раҳмоний бўлмоғи шартдир.

2. Албатта, оптимист бўлган яхши, лекин “адабиёт ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг ичимизда”, деган фикрга кўшила олмайман. Масалага реалроқ қарасак, адабиётга “яқин”лик ҳам орзуланганни мавжуд, дея тақдим этишдан бошқа нарса эмас. Йўқса, юз йил ўтиб ҳам Чўлпоннинг “Адабиёт ўқуйлик!” хитоби долзарб бўлармиди? Халқимизнинг бу кунги китобхонлик даражаси эътиборга олинса, адабиётнинг ижтимоий роли ҳақида гапириш ҳам асосли эмасдек. Китобхонлик маданияти, бадиий информацияни қабул қила олиш даражасини-ку, гапирмаёқ кўяйлик. Рост, кўпчилик учун “Уткан кунлар” ҳамон “Отабек деган йигит бўлади, марғилонлик Кумуш деган қизни яхши кўриб қолади...” дан бошқа эмас. Қизиқ ҳолат: бувиларимизга бувилари “Фарҳоду Ширин”, “Лайлову Мажнун”ларни ўқишни таъқиқлаган эканлар, “очилиб кетасан!” деб. Яъни бу борада ҳам жудай-ла илгарилаб кетмаган кўринамиз. Бас, аҳвол шу экан, “дунё равишини ўзгартириш” вазифаси адабиёт учун оғирлик қилмайдими?! Ҳолига қарамай, унга бу қадар оғир юк ортиш инсофдан бўладими?! Назаримда, бугун жамиятимизда китобхонлик даражаси ва маданиятини юксалтириш масалалари муҳимроқ, зеро, бу борада эришажак муваффақиятларнинг табиий ҳосиласи ўлароқ нариги муаммолар ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлиб боради.

3. Ҳа, ҳеч шубҳасиз... Шу ўринда бир воқеани эслашим ўринли кўринди. Йигирма йиллар нарида Тошкент сафаридан қайтаркан, ўзим тенги сергапгина шофёрга тўғри келдим. Адабиётчи эканимни билгач, айтган биринчи гапи ҳамон қулоғим остида (оҳанг жилвалари билан) жаранглайди:

– “Улуғбек хазинаси”ни зўр ёзган-да, Одил Ёқубовмиди?!.. Ҳалиги бор-у, Хуршидабонунинг “бегим... бегим...” дейишлари, воҳ...

Назаримда, шофёр йигит айни дамда ўша саҳнани илк бор ўқиган чоғдаги ҳолатни хаёлу кўнглидан қайта кечириётгандек, гўё қизнинг ўтли шивирлари ошиғига эмас, нақ унинг ўзига қаратилгандек... Қаранг-а, адиб талқинида ушбу саҳна – икки тақдирни боғлаган покиза муҳаббат намоёни, икки дил ва вужуд бирлашган лаҳза, гўзал туйғунинг энг юксак чўққиси; шофёр тенгдошим хаёлида эса шахватдан ўзгаси қолмаган. Шунга ўхшаш, кимдир Асадбекнинг тақдирдаги чигалликларни мушоҳада этади, ким эса унинг аъмолларига ич-ичидан ҳавас, хаёлида ё ҳақиқатда уларга тақлид қилади...

4. Сирасини айтганда, гап яна иҳоталаниш, чеклову таъқиқларга бориб тақалмоқда. Зеро, ҳамонки “тавсия этиладиган” ва “тавсия этилмайдиган” асарлар бўлар экан, ўз-ўзидан ўқувчиларнинг кейинчилари билан танишиш имконини чеклаш зарурати юзага келади. Шўро даври чекловларидан безган муҳитда ҳар қандай чекловга нисбатан салбий муносабат шакллангани ҳам, бирон-бир чеклов жорий этилсаёқ Фарбда “демократияга таҳдид”, “инсон ҳуқуқлари поймоли”, дея айюҳаннос солувчилар, ўзимизда бўлса, уларнинг ноғорасига ўйновчилар топиллиши ҳам бор гап. Қизиқ-да, дажжол ноғорасига шох ташлаб ўйнашдан аввал ота-бувамиздан қолган “бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур” нақли эсланса-ку, олам – гулистон. Ҳа-да, бир танангга ўйла: “Фойданигина маслак билган кас нечук “менинг ҳуқуқларим ҳимояси учун” бунчалар харажатманд бўляпти? Маслагидан кечганми ва ё бошқа фойдани кўзлайдимми?..” Шундай, бу нокас

“юртинг дарвозаларини очиб қўй, истаган еримни топтайин!” деёлмайди – “демократ” деган оти бор ахир, бас, не-не савдолардан қолган “эркинлик” отлиғ сийқа тангалари билан кўнгил дарвозаларини очтирмақ пайида бўлади, чунки руҳни булғай олса бўлди – измига олгани шу!.. Хуллас, бугунги дунё манзарасини кўз олдига келтириб, ундаги руҳимиз, маънавиятимиз, миллий ўзлигимизга таҳдидларни мушоҳада қилолганки, киши улардан ихоталанишга нафақат ҳақли, балки бурчли эканига иймон келтиради. Зеро, иймонли одам икки-уч бўғин наридаги авлодлари бугунги Ғарбдаги каби маънавий муҳитда яшашидан ор этади, бунга йўл қўйгудек бўлса, охирати куйиб кетишини теран англайди.

Ҳеч шубҳа йўқ, “иммунитети ҳали етарлича шаклланмаган ёш авлодга қандай асарлар тавсия этиш” тарзида масала қўйилганини кўрибоқ мийиғда куладиган, шу ҳақда бош қотирувчиларни ижтимоий тафаккури қолақ ёхуд шўро қолдиғи – “совок”лиқда айбловчилар ҳам етарлича топилади. Афсуски, дажжол хизматига руҳан ҳозир бу тоифа минг йиллар давомида масала айни шу тарз қўйилиб келганини билмайди ё билса-да назарга илмайди – кибрга берилган. Афлотун дегудек бўлсам, балки “Унинг ким бўлибди?!” дейишдан ҳам тоймас, шундай бўлса-да айтай, қарийб икки ярим минг йиллар аввал Афлотун савол қўйган: *“Болаларимизнинг дуч келган мифларни, қайсики – тайину нотайин каслар томонидан тўқилган, аксарияти биз улар улғайганларида онгида бўлиши керак, деб ҳисоблаган қарашларга зид келувчи мифларни тинглашлари, мурғак қалбларига сингдиришига осонгина йўл қўйиб бера оламизми?”* Файласуф бераётган саволнинг жавоби ўзи билан бўлса-да, у сўхбат равишини шундай олганки, шогирд хулоса ясайди: “Биз бунга асло йўл қўймаймиз!” Йўл қўймаслик учун эса иккита асосий чора кўрсатилади: 1) “миф яратувчиларни назоратга олишимиз керак: агар уларнинг асарлари яхши бўлса, қабул қиламиз, йўқса – рад этамиз”; 2) “тарбиячилар ва оналарни болаларга фақат тан олинган мифларни ҳикоя қилишга кўндирамиз”. Камина кун сайин амин бўляпманки, Афлотун айтмиш чораларни замонамизга мослаган ҳолда қўллаш зарурати етилиб бормоқда. Сабр, “яна цензурами?!” дея айюҳаннос солмай турун, ҳозирча махсус назоратчи идорани назарда тутмадим. Негаки, кўзланган мақсадга ношир ва муҳаррирлар масъулиятини ошириш билан ҳам эришса бўладиган кўринади. Дейлик, ноширларимиз ўзларини, аввало, зиёли, шундан сўнггина тадбиркор деб билсалар, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўладигандек. Яна, муҳаррирлар юксак маънавиятли, бадийи диди инжаю фаросатли бўлсалар-да, бемаза китобда “муҳаррири фалончи” қабилида ўз исми-шарифининг кўрсатилишидан ор қилсалар... Ниҳоят, бизга “адабиёт” дея тақдим этилган “нашр маҳсулот”ларини элақдан ўтказиб, хулосалари асосида нашриётлар фаолиятига жиддий таъсир қила оладиган тақдимотлар киритишга ҳақли бадийи кенгаш бўлса...

Хўп, “нимани тавсия этмаслик” масаласини-ку, шу тарз ҳал қилайлик ҳам, бундан да долзарб “нимани тавсия этиш” масаласи кўндаланг бўлади. Хўш, ўша “иммунитети ҳали етарлича шаклланмаган”ларга тавсия этгулик нимамиз бор? Борингики, бизлар ўқиб катта бўлган асарларнинг бир қисми эҳтиёжни қисман қондирар ҳам. Қолганиничи? Ахир, бугунги болалару ўсмирларнинг интеллектуал савияси шу ёшдаги бизлардан чандон баланд, бас, эҳтиёжлари ҳам шунга яраша эмасми?! Афсус, тан олиш керак, ҳозир шу эҳтиёжларни қондиришга қодир ёзувчи-шоирларимиз йўқ ҳисоби. Негаки, “болалар адабиёти”га бироз менсимайроқ қараш урф бўлган. Энди бу ҳолни тубдан ўзгартириш, ёш авлод тарбияси билан бевосита боғлиқ соҳа ривожига жиддий, балки давлат миқёсида эътибор қаратиш, амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур кўринади. Жумладан, соҳа мутахассислари иштирокида ёш хусусиятларига мос асарлар рўйхатлари тузилса; миллий адабиётимиз хазинасидаги сара дурдоналарни олиш билан бирга хорижий адабиётлардан сайлаб таржималар қилинса; ниҳоят, болаларимизга мўлжалланган китоблар оммавий тиражларда чоп этилсаю энг чекка кишлокларгача арзон нархларда етиб борса... ҳақиқий маънода адабиётга “яқин” бўлиш йўлидаги дадил одим, адабиёт макон тутмоғи учун миллионлаб қалблар эшигини очиб бермоқ ва зиммасидаги эзгу миссияни бажаришига пухта замин бўлур эди.

5. Ноумид – шайтон, дейдилар. Фикримча, буни “умидсизлик шайтондан” деб тушунган тўғрироқ бўлади. Умидсизликка тушганнинг шайтон қутқусига берилиши осонроқ, чунки, агарки у умидсиз экан, Раҳмонга ишончи дарз кетган, ундан йироқлашган. Менга қолса, тушкун асарлар асли дилларидаги умидсизликни енгилга чоғланган муаллифларнинг мағлубияти ҳосиласидир. Яъни, масалан, Камю асарлари ёзувчи дилини чулғанган абсурд туйғусини енгилга ҳаракат бўлгани каби, фақат, бу интилиш самара-

си турлича. Дейлик, “Қаландар ишқи”дек дилбар ғазалда Чўлпон умидсизликни енгиб ўтолмаган. Бироқ бунинг узрли ваҳжи бор: лирика оний кайфиятни чизади, яъни оннинг ўзи сингари кайфият ҳам ўткинчи. Шеърхон кўнгида ҳам шу оний кайфият кечиб ўтади ва ўздан кейин аксар (неқбин кишиларда) умид соғинчини қолдиради. Қолаверса, ҳаётида шу каби онлару уларни келтириб чиқарган омиллар нечоғли кўп бўлмасин, шоир дилидаги чўнг умид умидсизлик билан олишиб ва енгиб яшаган: тушкунликка бўй бераёзган кўнглига қарата “Кўнгил, сен бунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг?”, деб бошланувчи машҳур хитоби бунга далил. Энди ўйлаб боқинг: тушкун руҳга йирик эпик асар, дейлик, роман йўғрилган бўлса-чи? Табиийки, бу ижодқордаги оний кайфият ифодаси бўлмаганидек, ўқувчи дилида ҳам ўткинчи эмас, аксинча, у кўнгилни тамом эгаллаш пайида. Иммуниети паст кўнгил бунга қаршилик қилишга ожиз, оқибат шайтанат учун енгиб ўлжа бўлиб қолади.

Замонавий, яъники биров “глобал исиш”дан, бошқаси “кичик музлик даври”дан, тагин бирови “астероид билан муқаррар тўқнашув”дан башорат қилиб турган дунё, ҳеч шубҳасиз, умидбахш адабиётга эҳтиёжманд. Умид – башариятнинг олисдаги нурга тиккан кўзи, адабиёт эса киприк мисоли уни чанг-ғубордан асрашу томчидори каби ювиб равшанлантирмоққа масъулдир. Зеро, ўша нурни кўролмай қолиш хавфи қаршисида зикр этилган ваҳимали башоратлар сохта пўписачалик ҳам кўрқинч эмас.

6. Инсон ўтмиш меросига ҳамisha сайлаб муносабатда бўлади. Яъни у ўтмиш меросининг барини эмас, ундаги ўзи учун ижтимоий-шахсий аҳамият, қиймат касб этувчи нарсаларнигина қадрият санайди. Бевосита адабий меросга келсак, бунда қиймату аҳамият, биринчидан, асарда муҳрланган (кодланган) МАЪНО кўлами билан; иккинчидан, ўша кодлар (белгилар)нинг МАЪНОнинг янги қирраларини жилвалантириш ва ё янгиланган МАЪНОни ташишга қай даражада қобиллиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, гап инсон учун аҳамиятли (кўламидан қатъи назар) ва эзгу мазмунни гўзал шаклда ифодалаш ҳақида бормоқдаки, бадиий қадриятни сайлашнинг бош мезони шудир. Агар шу мезон қўйилар экан, биринчидан, бугун ўтмишда яратилган асарларнинг бари ҳам; иккинчидан, битта ижодкор, у нечоғли улкан истеъдод эканидан қатъи назар, яратган асарларнинг бари ҳам қадрият бўлмайди. Яъни, қиёс жоиз бўлса, адабий-бадиий қадрият мисоли тонналаб руда ичидан ажратиб олинган ёмби маъдандир. Албатта, оддий ўқувчида тонналаб рудани титкилашга на вақт, на тоқат ва на малака бор. Демак, меросимиздан дурдоналарни саралаб, гўзаллигию қийматини намойиш этган ҳолда кенг оммага тақдим этиш ва шу тариқа халқимизнинг бадиий бисотини кўпайтириш вазифаси бевосита мутахассислар зиммасига тушади. Фикримча, бу болада муваффақият қозонишнинг яна бир муҳим шarti – мактаб адабий таълимнинг айна шу асарларни ўрганиш асосига қурилишидир. Ҳар икки ҳолда ҳам, яъни тадқиқот ва таълимда белгиланган мезондан оғишмаслик, муносабат ва баҳода холислик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

7. Албатта, танловга жуда кўп омиллар, жумладан, адабиётнинг ҳам таъсири бор. Дейлик, тадбиркор қаршисида танлов имконияти юзага келди: манави ишга сармоя тиксанг, ўттиз фоиз фойда кўрасан, бунисига тиксанг – юз фоиз. Фақат кейингисида сағирлар ҳақида озроқ хиёнат бор... Ёки мана бунисига тик – юз эллик фоиз фойда кўрасан, фақат эл манфаатига озгина зид томони бор... Тез бойимоқ тиласанг, бунисига тик – уч юз фоиз фойда кўрасан, фақат ҳамюртларингга оғу тарқатишинг керак... Албатта, адабиёт танловнинг арифметик ё иқтисодий томонига таъсир қилмайди, бироқ унинг маънавий-ахлоқий томонини белгилашга жиддий таъсир қилади. Яъни агар тадбиркор мавжуд йўллардан кам фойда келтирса ҳам ҳалолани танласа, билинги, бунда бошқа маънавий-ахлоқий омиллар қатори адабиётнинг ҳам хизмати бор. Бу – адабиётнинг потенциалидаги инсонни маънан юксалтириш, жамият ҳаётини тозартириш, ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилиш, қисқаси – одамни ўзгартириш орқали оламни ўзгартира олиш имконига бир мисол, холос. Ушбу имкон рўёбга чиқиши ва тўла куч билан ишлаши учун эса, юқорида айтдик, китобхонлик даражаси ва маданиятини юксалтириш, адабий таълимни ислоҳ қилиш каби долзарб вазифаларни удалаш тақозо этилади.



### Назар ЭШОНҚУЛ

1962 йилда тугилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. “Уруш одамлари”, “Момо кўшиқ”, “Маймун етаклаган одам”, “Шамолни тутиб бўлмади”, “Гўрўғли” каби асарлари нашр этилган. Ф. К. Аниттининг “Ҳикоялар ва қиссалар”ини, А. Камюнинг “Эсселар”ини, Чеховнинг “Болохонали уй” ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилган.

## АДАБИЁТ – ТАРБИЯ ВОСИТАСИМИ?..

“Ҳа!”, адабиёт тарбия воситаси. Бундан тан олмасликни мен адабий бодилик, деб тушунаман. Тўғри, адабиёт муаллим ёки ота-она каби бевосита тарбия билан шуғулланмайди, аммо у туйғуни, дидни, эзулик ва ёвузлик ўртасидаги тасаввур чегарасини, кўнгил ва қалбни тарбиялайди. Шунинг учун у тарбия воситасидир. Инсониятнинг бугунги кўплаб фожиаси маълум маънода адабиётдан узоқлашиши ёки у билан қалбларини тарбияламай қўйгани билан боғлиқ экани дунё алломалари ўртасида таҳлил қилинган ва қилинапти. Санъат, жумладан, адабиёт тарбияламаган қалб ваҳшийликка, ёвузликка, тубанликка мойил қалбдир. Чунки адабиёт билан тўлган қалбга ёвузлик кириб олиши қийин кечади, кўнгил майли ёвузлик томонга ўтишдан олдин у ерда адабиёт бунёд этган қўрғонларни, қалъаларни бузиб ташлашига тўғри келади. Адабиёт билан тўйинган қалб, онг – пойдевори мустаҳкам бинога ўхшайди. У залотатга бошловчи кўплаб зилзилаларга дош бера олади. Адабиёт ва санъат тарбияламаган қалб “энг паст балли силкинишларга” дош беролмай, тўкилиб кетади. Бу – асрлар оша исботланган ҳақиқат. Адабиётнинг кишилик онгу тафаккурида, маънавий олами, маданий тараққиётида тутган ўрнидан хабари бор, калом санъатининг нима учун пайдо бўлгани-ю унинг бош вазифаси нималигини билганларга бу гапларни гапириб ўтириш ортиқчадай туюлиши мумкин. Аммо хавотир-савол бекорга қўйилгани йўқ, афтидан. XXI асрга келиб, адабиётнинг ҳаётда, ижтимоий муносабатларда, оммавий эътирофларда, тарбияда, “оломончилик диди ҳукмрон дидга айланган” (Ортега Гассет) паллада очилган шубҳа қилинаётгани туфайли бир оғиз “Ҳа!” деб қўйишнинг ўзи ҳам етарли эмасга ўхшайди. Тан олиш қанчалик оғир ва ачинарли бўлмасин, адабиёт бугунги кунда ўзининг эллик йил олдинги ўрнини бутунлай оломон дидига – Ҳерман Ҳессенинг 1943 йилда ёзилган “Бисер ўйини” романида тилга олинган оммавий маданият унсурларига бўшатиб бераётгани айтиш ҳақиқат. (Романдаги асосий воқеа 2200 йилда юз беради. Олис келажакнинг тарихчи ровийси ўз даврдан туриб, бош қахрамон Кнехт нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўтмиш – XX аср маданий ҳаёти ва жамиятини илмий, фалсафий-психологик таҳлил қилади. XX аср “фельтончилик”, бугунги тил билан айтилганда, оммавий маданият гуллаб-яшнаган давр. Бу даврда одамларни оломончилик кайфияти ўз чангалига олган. Асар ровийси бу кайфиятни “фельтончилик” маданияти, деб атайди. “Фельтон” немис тилида “кўнгилочар”, “эрмак” деган маъноларни беради. Одамлар юксак туйғулар, юксак мақсадлар қолиб, ҳаётларини эрмак ва кўнгилочар фаолият билан ўтказишади. Газеталар, оммавий матбуот, китоблар, асарлар, санъат намуналари ана шу мақсадда яратилади. Бу давр олимлари ҳам ҳақиқий илм билан эмас, “Фридрих Ницшенинг аёлларга муносабати”, “Россинининг севимли таоми”, “Бўйдоқ бўлишнинг ўзига хос фазилатлари” каби тадқиқотлар, тўғрироғи, олди-қочдилар билан шуғулланишади. Омма маиший ва эрмак маданиятга муккасидан кетган. Жамият эса уларни энг кераксиз, ҳаёт ва гўзалликка, инсоннинг моҳияти ва миссиясига зид ахборотлар билан манипуляция, муте қилиб туради. Бу давр одамлари бўш қолди дегунча ё олди-қочди ўқишади, ё турли шоулар, масхарабозликларни томоша қилишади, турли кроссвордлар, сканвордлар ва бошқа

эрмак ўйинлар билан машғул бўлишади, санъат асари деб томоша қиладиганлари, мусиқа деб эшитадиганлари – барчаси шунчаки эрмак, кўнгилхушлик, жазави, кун ўтказиш воситалари, холос. Бу ўйинларда инсонни маънан бойитадиган, уни тозалайдиган, уни бани олам уйғунлигига, руҳ ва жисм бирлиги – ваҳдат ул-вужудга ундайдиган ҳеч нарса йўқ. Одамлар ўзларини иқтисодий ва сиёсий бўҳронлардан чалғитиш учун, ичларидаги эртанги кун олдидаги хавотир ва қўрқувларини яшириш, ўзларини алдаш учун шундай фаолият билан машғул бўлишади. Ҳессе ровий тилидан бундай маданият ва жамият таназзулга маҳкум, деб хулоса чиқаради.) Мабодо шундай экан, бу хавотир ва савол ўз-ўзидан туғилгани йўқ. Йигирма йилча олдин Шукур Холмирзаев ҳам “Адабиёт ўладими?!” деган савол билан чиққанди. Гарчи ўша пайти ҳурматли адибимизнинг ўзи ҳам, шу баҳсда иштирок этганлар ҳам “Адабиёт ўлмайди!” деган ўта кўтаринки руҳдаги чиқишлар қилишган бўлса-да, адабиёт ўзининг таъсир ҳудудларини, қамров доирасини бутун дунёда ўтган йигирма йил ичида яна ҳам кўпроқ бой берди. Чинакам санъат асарлари, чинакам адабиёт тор доирадаги кишиларнинг кўнгил ишлари, ташвиш ва куйинишлари бўлиб қолаётганини кўриб турибмиз. Бугунги диднинг оломонлашуви ва муаммоларнинг глобаллашуви даврида адабиётга “тарбия воситаси” сифатида қаралаётгани йўқ. Чунки оломон бугун ўзининг кўнгил эрмагини, кўнгил эҳтиёжини бошқа воситалардан топиб олди – у бугун сериаллар, олди-қочдилар, шоулар, машшоқ ва масхарабозларнинг томошалари билан овора. Чинакам адабиётга эҳтиёж сезаётгани ҳам йўқ. Унинг диди, савияси, руҳи, тасаввурига шоу-бизнес, томошалар, шов-шувлар ва сериаллар “зеб” бераяпти, ўзига мослаштираяпти. Ҳессенинг башоратлари XXI асрга келиб ўзининг исботини топмоқда. Ачинарли бўлса ҳам бугун дунё адабий диди, бадиий манзараси шу ҳолатда.

Аслида, дидга, савияга, ҳақиқий адабиётга ҳамиша ҳам хуруж бўлиб турган. Айнан шу сабабли ҳам биз ёзилган ҳар бир асарни адабиёт, деб қабул қилолмаймиз. Адабиётнинг ўз қонунлари ва талаблари бор. Ана шу қонунга ва талабга бўйсунмаганлар адабиёт бўлолмайди. Шулардан энг биринчи талаб – адабиёт ҳамиша эзгулик тарафида бўлган ва эзгуликни ҳимоя қилган, руҳни эзгулик томон бошлаган. Ана шу бирламчи қоидага амал қилинмаган бўлса, бундай асарни адабиёт, деб бўлмайди. Тарихда ёзганларини адабий асар сифатида эътироф этишларини истаганлар хоҳлаганча топилади. Адабиётнинг бош вазифасига тўғри келмаганларни вақт, барибир, ўчириб ташлайверган. Аммо бу ерда адабиётни қабул қилиш ўқувчининг савиясига, ёшига ва идрокига боғлиқлигини инкор қилиб бўлмайди. Кафка билан Киплингни, Фолькнер билан Марк Твенни бир хил қабул қилиб бўлмайди. Кафка билан Фолькнер ўқувчидан маълум бир тайёргарликни, сиз айтмоқчи бўлган, “хослик”ни талаб қилади. Шу сабабли Кафка ва Фолькнерни мактаб ўқувчисига тавсия қилиш, агар у алоҳида қобилият эгаси бўлмаса, бола руҳиятини синдиришдан бошқа нарса эмас. Кафка, Фолькнер асарларидаги “эзгулик” ўзини идроки баланд ўқувчига намоён қила олади. Оддий асрга кўниккан ўқувчида нохуш таассурот, ҳатто тескари таъсир ўтказиши ҳам мумкин. Сиз айтган ёшлар ҳали дунё адабиёти оқимлари ва услубларининг фарқига бормай туриб, инкор таъсирга тушиб қолган ўқувчилар. Лекин бу ҳолат Кафканинг ҳам, Фолькнернинг ҳам айби эмас, балки уларни ҳазм қилолмаган, улар ҳақида тўлақонли билимга эга бўлмаган ўқувчиларнинг айбидир.

Шу сабабли кейинги уч юз йил ичида, ўша сиз айтган де Саддан тортиб, Казанову Мазохларнинг наҳс ва тубанликдан, инсонни таҳқирлашдан лаззат олиш ҳисси тўлиб тошган ёзмишларини “ижод намунаси”, деб тавсия қилишганини кўз олдимизга келтирсак, унда адабиётнинг бош вазифасига нисбатан ишончсизлик уйғониши табиийдек туюлади. Умуман, сўнги уч юз йилликда инсон табиат сирларини ўзлаштиргани, илм-фан тараққий этгани, дунё сирлари ва инсон анатомияси, руҳий-ботиний дунёси кашф этилгани сари адабиёт ва санъатнинг ҳам асл вазифасидан четлашиш, ётлашишни “ижод” деб даво қилиш ёки шарҳлашга интилишлар ҳам шунчалик қамровли ва кучли бўлди. Фаҳш, шаҳват, зўрлик мадҳ этиб ёзилган ёзишмаларни санъат асарлари, деб даъво қилганлар кўпайгани сари адабиётнинг ҳам бош ва азалий вазифаси атрофида шубҳа орта борди. Бугунги кунда бу хавотир фақат сизнинг саволларингизда эмас, бутун дунё адабиёти ва санъатида долзарб масала сифатида кун тартибга кўйилмоқда. Шунинг учун биз воқеликка, ҳаётга тик қарашимиз ва бор ҳақиқатни тан олишимиз керакка ўхшайди. Гап шундаки, агар “адабиёт керак

эмас, адабиётнинг вазифаси тугади”, деган тушкун кайфиятни ифодаласак ҳам ёки “адабиёт тугагани йўқ, у ҳали ҳам инсонни тарбиялашда, олдинга бошлашда давом этаяпти, маёқ бўлаяпти”, дея умид қилсак ҳам, жавобимиз бугунги сўз санъатининг ҳолатига тўлиқ ташҳис қўйолмайди.

Аслида эса, анча сийқа, жўн бўлса-да, бор гап шу – адабиёт тарбия воситаси. Буни инкор қилиш тафаккурни, онгни, маънавиятни, инсонийликни, сўзнинг муқаддаслигини, умуман, инсоннинг муқаддаслиги ва уни илоҳият билан боғлаб турувчи ришталарни тан олмаслик, рад этиш билан баробардир.

Менимча, бу саволга асл жавоб бизни, барибир, ижод ўзи нима деган савол билан рўбарў қилаверади. Чунки ҳақиқий адабиёт бу ижод маҳсулидир. Ижод маҳсули бўлмаган нарса адабиёт бўлолмайди. Шундай экан, “ижод” ўзи нима? Биз қай ҳолатда асарни ижод маҳсули, дея оламиз? Ижоднинг ҳунармандчиликдан фарқи нима?! Қунт қилинса, ҳунарни ўрганса, ўзлаштирсан бўлади. Бироқ ижодни ўзлаштириб, ўрганиб бўладими? Шу пайтгача “ўрганиб” ижодкор бўлганларни эшитганимиз йўқ. Ўрганиб олим бўлиши мумкин, бироқ ижодкор бўлолмайди. Ижодкорлик инсонда туғма бўлади. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Мабодо, ижодкорлик кишида туғма бўлар экан, унда ижод қай маънодадир илоҳий ҳодисадир. Фақат бундай қобилияти бор киши уни юзага чиқишига имконият бериши қолади, холос. Имконият эса билимлар, ўқиб-ўрганишлар, “99 фоиз меҳнат-машаққат” эвазига яратилади. Ижодкорлик асл Маънони ўқий олиш ва бошқаларга еткази олиш қобилияти деганидир. Маъно – эзгулик шоҳсупасининг сўнгги поғонасидир. Бу хил қобилият инсон вужудига руҳ билан бирга киради ва ҳаммиша яхлитликка, бутунликка, ўзагига, аслга қараб интилади, одамдан ҳам шуни талаб қилади. Айнан шунинг учун ҳам ижодкорлик – илоҳиятга дахлдорликдир.

Олам бутун эди, кейин парчаланди, зарраларга бўлиниб кетди. Зарраларга бўлиниш ҳамма фожианинг асоси бўлди. Дунё ана шу парчаланишнинг укубат ва бухронларини бошдан кечираяпти. Ижод эса зарраларни бутунликка томон ундайди, яхлитликка, бирикишга борадиган йўлларни кўрсатади, таҳлил қилади. Ана шу яхлитликка ундаши билан у яратган маҳсулотларнинг ҳаммаси тарбиявийдир. Яхлитлик ва уйғунликка ундамаган барча нарса тарбияга ҳам, инсонийликка ҳам зиддир.

Ижодкорлик илоҳий дахлдорлик, илоҳий уйғунликка борадиган йўл, илоҳий боғланиш, илоҳий англашиш, илоҳий гўзаллашиш, илоҳий гўзалликни тушунтириш, изоҳлаш, шарҳлаш, барча оламларни, табиат ва набототни, ҳайвонот ва мавжудотни руҳан бирлаштириб турадиган уйғунлик билан боғланиш, бирикишдир. Бу тушунча бизни фалак билан, ой-юлдузлар, кўзимизга кўриниб турган ва кўринмаётган бани олам – чумолидан тортиб, майса-шабнамлар билан боғлаб туради ва уларни бизга, бизни уларга яшаш учун, англаш учун, меъёр ва мувозанатни сақлаш, илоҳий ришталарни ҳис этиб туриш учун масъул қилиб қўяди. Мана шу масъулиятни англаш ва тан олишдан сўнггина ижодкорлик бошланади. Ижодкорлик ана шу оламий масъулиятни тушунтириб бериш, гўзаллик томон интилиш, гўзалликка, бирлашишга, яхлитликка йўл излаш дегани. Ҳар қандай ижод маҳсулотининг тағзаминида шу излаш ва изланиш туради. Мажозлар ҳам, образлар ҳам, бадиият ва поэтика ҳам ана шу жойда уйғунлашади, улуғлашади, гўзаллашади. Бу илоҳий вазифани тан олмаслик адабиётни бош вазифасидан чалғитаверади. Яхши ва ёмон, ёвузлик ва эзгуликка хизмат қилувчи китоб деган тушунчалар ана шу масъулият ҳиссидан келиб чиқиб баҳоланади, хулосаланади.

Ижоднинг моҳиятини англамасак ва ижоднинг илоҳийлигини тан олмасак, адабиётнинг вазифаси ҳақидаги барча жавобларимиз пуч ва шунчаки вайсақилик бўлиб қолаверади. Чунки худди фалсафанинг бош масаласи каби ижодкорлик, ижодни қандай тушуниш ва тушунтириш адабиётни тушунишнинг ҳам бирламчи масаласидир. Энг аввало, ижодни барчага хос бўлган таассуротдан, қизиқиш ва эҳтиросдан, майл ва истаклардан, ҳавас ва кўникмадан, ҳунар ва, А.Қаҳҳор айтганидек, “қосибчиликдан” фарқлай олишимиз зарур. Шундагина адабиётнинг, санъатнинг муқаддас вазифасини тасаввур қила оламиз ва нималар санъат бўлади, нималар бўлолмайди, деган саволга жавоб бера оламиз. Чунки ҳунар маҳсули моддийлик, ижод маҳсули эса руҳонийликка ўхшайди: бири – тирикчилик эҳтиёжини қондиради, иккинчиси – қалб, руҳ эҳтиёжини. Шу жиҳати билан у илоҳий ҳодисадир. Бугун бизга “ижод маҳсули” деб тавсия қилинаётган кўплаб маънавий маҳсулотлар, аслида, устаси фаранг бўлган саноатчилар

ва турли ҳунарларнинг маҳсулотларидир. Бугун ўзини ижод намуналари сифатида кўрсатаётган, бу намуналарни шов-шувлар билан эътироф эттираётган бутун бошли тижорат, реклама, манипуляция саноати ишлаяпти. Бу улкан индустрия де Садларни ҳам ортда қолдирмоқда. Бугун улар бутун бошли шаҳар аҳолисини киприк қоқмай, завқ билан қириб ташлайдиган суперқаҳрамонларни, фаҳшни гўзалликдан баҳра олиш деб талқин қиладиган ва фаҳрланадиганларни, одамларнинг чўнтақларини ўмаргани, одам ўлдиргани учун қаҳрамонлик сифатида талқин этилувчиларни яратмоқда, бу маҳсулотлар инсоният минглаб йиллар сайқал берган фазилатларни вайрон қилиш, путурдан кетказиш, инсонни моҳиятдан узиб қўйиш, санъатнинг асосий мазмуни бўлган гуманизмдан чекиниш билан шуғулланишяпти. Бу маҳсулотлар ҳам, бу қаҳрамонларнинг маънавий дунёси ҳам, аслида, ижоднинг тўб моҳиятига зид. Аммо улар бугунги замоннинг қаҳрамонлари сифатида талқин этилаяпти ва шу талқин биланоқ ижод ҳам, унинг илоҳий завқи ҳам оммавий тарзда инкор қилинмоқда. Эзгулик, шафқат, меҳру муҳаббат, гўзаллик, инсонпарварлик учун курашган қаҳрамонлар бугун эскилик қолдиғига айланиш арафасида турибди. Бу қаҳрамонларни ҳақиқий ижод яратаётгани йўқ, бадийлашган саноат яратяпти. Бошқача айтганда, турли манфаатларга хизмат қилаётган ижоддан холи “ҳунармандлар санъати” пайдо бўлаяпти. Бугун бу каби “қосибчилик” маҳсулоти бўлган китоблар ҳам тўлиб тошиб ётибди. Шу туйғайли ҳам сиз кўлингизга олган нашр “ёмон китоб” ёки “яхши китоб” бўлиши табиийдир. Ижод ёвузликка хизмат қилмайди, унинг илоҳий асоси бунга изн бермайди. Ўзининг бош миссиясидан ташқари ҳолатда ижод сунъийлашади, ўз қиёфасини, завқини йўқотади, оддий “қосибчиликка” айланади. Косиб эса ким пул тўласа, ўшанинг ковушини тикиб беради. Косибчиликни ҳар қандай қунти ва ҳафсаласи бор одам эгаллай олади, лекин ҳамма ҳам ижодкор бўлолмайди. Бугунги маънавий дунёнинг фожиаси ижод билан косибчиликнинг фарқига бормаётганидир, бошқача айтганда, косибчиликни ижод деб **қабул қилишаётганидир**. Ижод йўқ жойда воқелик ҳам, туйғулар ҳам, инсоннинг ўзи ҳам сунъийлашади, унда илоҳий-табиий завқ қолмайди. Бугунги глобал-оломончилик ижоддан кўра ҳунар маҳсулотлари билан тўйинмоқда. Бошқача айтганда, XX асрга келиб, табиий маҳсулотлардан кўра сунъийлашган, гибридлашган маҳсулотлар ошқозон эҳтиёжини қондираётгани каби сунъий санъат маҳсулотлари маънавий эҳтиёжни қондирмоқда. Сиз келтирган, гарчи у даҳоларга мансуб бўлса-да, лекин моҳияти билан ижоднинг бош миссиясига зид яратилган кўплаб асарлар ҳам шундай маҳсулотлардан бошқа нарса эмас. Сунъийлик ижодга хос эмас, шундай экан сунъийлик инсон манфаати ва интилиши меваси, табиийлик эса илоҳий неъматдир. Тирикликнинг парадоксини қаранг: тараққий этган мамлакатларнинг деярли барчасида табиий, экологик тоза маҳсулотларни топиш муаммо бўлиб бораяпти. Табиий маҳсулотларни бугун бир ҳовуч энг бадавлат кишилар истеъмол қила олади. Бошқаларнинг қурби, чўнтаги кўтармайди. Худди шунингдек, бугунги кунда бир ҳовуч, Ортега Гассет таъкидлаганидек, “жамиятнинг хос кишилари”гина ҳақиқий ижод маҳсулотини “истеъмол” қилмоқда. Ҳақиқий ижод маҳсулотини тушунишга кенг оломон “онг” чўнтагининг қурби етмаяпти. Оломон ҳали табиийлик билан сунъийлик, илоҳият билан залолатнинг маъносига тушунгани йўқ: буни фақат ижод маҳсулотлари тушунтиради, саноат маҳсулотлари эмас. Аслида ҳам санъат асарини азалдан фақат хос кишилар тушунган ва шарҳлаган, бошқаларга ҳам тушунтирган. Мана шундай кишиларгина тафаккурнинг, дид ва савиянинг, санъатнинг, ижодкорликнинг эртанги кунини белгилаб берган. Фақат шу хос кишиларгина ижодни илоҳийлик билан боғланиш, илоҳийликка қайтиш, илоҳийлик билан тўйиниш, инсонни олам ва фалак билан боғловчи ришта, деб қабул қилган. Ҳозир ҳам шундай. XX асрнинг дастлабки 70 йилига хос бўлган оммавий китобхонликдан келиб чиқиб, “адабий дид шу паллада тараққий этгани”, деган хулоса қилиб бўлмайди. Оммавийлик санъатнинг қадрини белгилайдиган омил эмас. Бугунги бадий индустрияси санъатни оммавийлигига қараб баҳо бериши унинг чинакам ижод маҳсули эканидан эмас, оломонга, унинг диди ва кайфиятига мослашиб, кўпроқ фойда олишни кўзлаётганини билдиради, холос. Омма диди қанчалик юксалмасин, ўзининг тирикчилик доирасидаги тасаввуридан баландга кўтариллолмайди. Навоийни ўз замонида ҳам, бугун ҳам фақат хос кишилар, кўнглида ижодий маҳсулотга эҳтиёжи бор кишилар тушунган, тушунади. Лекин бу ҳолат Навоий даҳосига заррача дахл қилолмайди. Ижод адабиётнинг илоҳиятга дахлдорлиги, илоҳият

билан боғланувчи, боғлаб турувчи маҳсулот эканини белгилайди. Такрор бўлса ҳам, айтиш керакки, ижодкорлик илоҳиятга дахлдорлик, илоҳиятни, ғайб ва кўз олдимиздаги мўъжизани англаш, ўзини шу илоҳиятни, шу мўъжизанинг бир қисми эканини ҳис этиш, ана шу ҳис этилганларни бошқаларга етказиш дегани. Мен фикримга диний-руҳонийона тус бермоқчи эмасман. Ижодкорликнинг асл моҳиятини тақводорлару диний тасаввурлар ҳам тушунтириб беролмайди. Тақводорлик ҳам буни англашга ожиз. Чунки ижод мутаассиблик, бадбинлик, худбинлик, динлар ўртасидаги чегаралар билан ҳам келишолмайди. Агар асар ҳақиқий ва биз тушунган ижод намунаси экан, у эскирмайди, йўқолмайди, бой берилмайди. Уни нечта киши ўқишдан қатъи назар, яшаб қолаверади. Инсоният адашиб-адашиб бўлса ҳам, барибир, бу маҳсулотларга эҳтиёж сезади, Камю айтмоқчи, дўзахда ҳам ижод инсонни ўз кўнглига қайтаради, орзу-истакларини қайтадан бунёд этади, унинг номини ва шарафини яна юксакликка олиб чиқади.

Ижодкор ўзини ўраб турган оламдан, ўзи яшаётган муҳитдан, атрофидаги одамлардан, ўзининг кўнглидан, руҳидан “ўқиган”ларини бошқаларга етказиш учун ёзади. Ҳар бир даврнинг ўз битиги бор. Уни ўқиш ва ёзиш ижодкорликдир. Кийимлар, қуроллар, бадий воситалар, шiorлар, одатлар, урфлар даврлар ўтиши билан эскиради, аммо эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуклик, улуғлик ва тубанлик, яъни дастлабки бадий асарлар мажозий тарзда таърифлаган “Раҳмон ва шайтон ўртасидаги кураш” мавзуси эскирмайди. Бу кураш жараёни шаклини, қиёфасини, исмини ўзгартириб, даврга мослашиб, давр талаб қилган ниқобларга, кўринишларга ўтиб туради, холос. Инсон кўнглида эзгуликка, гўзалликка, шафқатга, меҳрга, муҳаббатга озгина эҳтиёж турар экан ва буларга қарши хавф-хатар мавжуд экан, ижодкорга иш топилади. Фақат ижодий ифоданинг шакли ўзгариши мумкин, лекин моҳият ўзгармайди. Ҳатто виртуал олам ҳам, барибир, ижодга суянади, ундан куч-қувват олади. Агар ижодкорлик бўлмаса, виртуал олам фақат физик олам бўлиб қолади, тасаввурлар, мўъжизалар, илоҳий кечинмаларни туйиш ва завқ олами эмас. Инсон кўнглини ўзиники қилишни истаса, виртуал олам ҳам азалий қувват бўлган ижодга суянади, у билан ўзининг имкониятларини кенгайтиради, у билан битим тузади, шундай экан, келажакда ҳам, гарчи бизнинг тушунчамиздаги босма адабиётнинг шакли ўзгарса-да, янги даврнинг ўз қиёфасидаги адабиёти бўлади. Чунки адабиёт инсонга ўз танқидини, ўз илдизини, ўз моҳиятини эслатиб, боғлаб туради – бу илдиздан узилган тараққиёт эса муқаррар таназзулга қараб кетади. Қанчалар даҳо бўлмасин, қанчалар буюк саналмасин, шу масъулият унутилиб ёзилган ҳар қандай даҳонинг ёзганлари – адабиёт эмас. Шу сабабли мен Достоевскийни, Жойсни ва улар каби турли қутбга тааллуқли асарлар битганларни беҳад хурмат қиламан, уларнинг асарларини ҳар йили бир марта қараб, ўзим учун керакли нарсаларни оламан, аммо уларнинг мен тасаввур қилган адабиётдан ташқаридаги қарашларига, ёзганларига қўшилмайман. Мен учун адабиётдан ташқаридаги қарашларда Достоевский шунчаки босқинчи юрт вакили, империянинг маддоҳи ва мафкурачиси, холос. Шу нарса маълумки, бу улуғ адиб ҳақиқий адабиётга қайтганда, ҳақиқий гўзалликни мадҳ этганда, “Ака-ука Карамазовлар”, “Жинлар”, “Жиноят ва жазо”, “Телба” каби буюк асарларни яратган паллада адабиётдаги илоҳий яхлитликни кўра олган, илоҳий гўзалликни ҳис қилган, ана шу яхлитлик ва олабий гўзалликка таяниб, “Дунёни гўзаллик кутқаради!” деган, асло империянинг маддоҳи бўлган паллада эмас. Биз даҳо ва ижодкор Достоевский билан босқинлар эвазига ўзини қудратли қилиб олган мамлакат вакили бўлган, ўлжага кўз тиккан босқинчилар қаторида турган Достоевскийни фарқлашимиз керак. Начора, унинг – бошқа буюк истеъодларнинг қисмати буюклик билан бирга замон, давр худбинлиги, бадбинлиги қутбида ўзини намоён қилиб туради.

Ижод масъулияти унутиб ёзилган ва бизга адабиёт қиёфасида тақдим этилган битиклар кўп. Айнан шунинг учун ҳам китобни фарқлаб ўқиш керак. Бу зарур. Айниқса, болаларга, ҳали Ғарб тафаккур тарзи, адабий оқимлари ва услубларининг фарқига бормаганлар танлаб, саралаб ўқиши керак. Ғарб тафаккурининг қанчалар оҳанрабо бўлмасин, барча намуналари ҳамма учун бирдек ўқишли ва тушунарли эмас. Хусусан, мен Жойснинг сиз келтирган боби манзараларига умуман эътибор бермайман, мени бу саҳнадаги шахвоний майллар тасвири эмас, адибнинг инсон онгу шуурини қанчалар чуқур, маҳорат билан, табиий тасвирлаётгани, адибнинг устамонлиги қизиқтиради ва



мен Жойсга хос бўлган онг оқими ости тасвирларидаги эркин ифодага ва табиийликка маҳлиё бўламан. Албатта, кимдир шу саҳифалардаги сиз келтирган манзараларга эътиборни қаратар?! Шунинг учун ҳам Жойсни ўқишдан олдин уни ўқишга тайёргарлик керак. Дўкондан пичоқ сотиб олаётган харидорларнинг мақсади ҳар хил бўлади: кимдир оддий рўзғор учун, кимдир эса қотиллик учун, бошқа биров яна бошқа мақсад учун. Пичоқ – сотиб олаётган одамнинг барча мақсадига хизмат қила олади. Шунинг учун китоб ўқишдан мақсад ўзи нима? Китобдан одам ўзи излаган нарсасини топади. Мабодо шундай экан, **инсон қалбини забт этиш учун абадий курашнинг қутблари бўлган “Раҳмон” сўз орқали ўзининг қудратини, гўзаллигини, таъсирини намойиш этгани каби, “шайтон” ҳам сўз санъатидан ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринади.** Шунинг учун сўз санъати, маълум маънода, эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар, майл ва истаклар кураш тушадиган саҳна ҳамдир. Бу саҳнага ижод масъулиятдан келиб чиқиб баҳо бериш, фарқлаш мумкин. Шу сабабли ҳам китобларни саралаб ўқиш зарур ва шарт. Ёшга қараб, савияга қараб, тайёргарликка қараб. Кўпгина Ғарб мамлакатларининг мактаб дарсликларида, мутахассислик бўлмаган коллеж ва университетларда Кафка, Жойс, Фолькнер каби улуғ адиблар асарлари ўқитилмайди. Улар ҳақида умумий тушунча бериш билан чегараланади. Уларнинг асарлари ҳали тафаккур тарзи бу адиблар бадий услуби ва ҳаётга қарашларидан беҳабар бола, ёшлар руҳиятига салбий таъсир қилиши мумкинлиги инobatга олинган. Бу билан мазкур адиблар ижоди инкор қилинмаган, аксинча, тайёргарлиги йўқ ёшлар ихота қилинган. Бу тажриба барча миллатга хос. Ҳазрат Навоий Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини болалигида ўқиб, **мутаассир** бўлиб қолгани учун ота-онаси бу китобни ўқишни таъқиқ қилганини эслашнинг ўзи кифоя. Ҳамма ҳам ҳазрат Навоий каби Аттор фалсафасини болалиқдан тўғри англайвермайди. Аслида, Мансур Халложнинг “Аналҳақ” деган эътирофи ва унга берилган ҳукм тагида ҳам ана шу таъқиқни бузгани, хос кишилар тушуниши мумкин бўлган ҳақиқатни оммага ошкор қилгани учун жазо ётади. Бу тарихий воқеалик бизга абадий ибрат бўлиши керак. Хос кишилар тушунадиган масалаларни оммага ошкор қилиш – оммани жазавага тушириш дегани. Жазава эса шайтоний жунбушдир. Хос кишилар ва омма диди орасида фарқ ҳали йўқолгани йўқ, афсуски, бугунги оломончилик даврида йўқолиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Аксинча, оломончилик бугун ҳукмрон дидга, ҳукмрон савияга айланаяпти: чинакам санъат асари қолиб, оломон кайфиятига мос думбул, мўрт асарларни адабиёт деб тарғиб қилиш, дидни мослаштириш жараёни кенг миқёсда давом этаяпти. Бугун бу муҳорабага ҳақиқий санъат асарлари дош бераётгани йўқ. Бу – ачинарли ҳол. Лекин, барибир, умид бор. Дид бир куни чинакам мўъжизага, чинакам ҳайратга, илоҳий завққа – яъни чинакам ижодга ва ижодкорга муҳтож бўлади: муҳтожлик эҳтиёжни келтириб чиқаради. Эҳтиёж эса чинакам дидни, чинакам адабиётни туғиб беради...

# ЁДНОМА



## Иброҳим ҒАҒУРОВ

1937 йилда туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факультетини тамомлаган. Ношир, журналист, ёзувчи, таржимон. Э.Хемингуэй, Н.Ҳикмат, Ф.Достоевский, Э. По, У.Фолкнер, Г.Д.Мопассан, Ф.Ницше, Ч.Айтматов, Ж.Жойс каби жаҳон адаблари асарларини ҳамда ҳинд адабиёти дурдонаси “Панчатантра”ни ўзбек тилига ўғирган. Кейинги йилларда уч китобдан иборат адабий-бадиий “Ҳаё – халоскор”, “Мангу латофат”, “Паривашлар мажлиси” асарлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

## ЗУЛФИЯ СИЙМОСИ

Айни замонда, айни соатда, айни сонияда туғилган гўдакнинг шу замон ва сониядаги бутун дунёнинг ишларига дахлдорлиги бўлади. Чунки одамзод битта, толе ва қуёш битта. Ишонмасангиз, истаган вақтда осмонга қаранг: ҳаммаси кўриниб турибди. Ички кўзлар барини тўхтовсиз илғайди.

Ҳар биримизнинг ёруғ оламга келишимиздан кетишимизгача тасодифмикин? Тасодифлар қўшилиб, бирлашиб қонуниятга айланмасмикин?

Шоира Зулфиянинг дунёга келиши, шоир ва халқаро миқёсдаги жамоат арбоби бўлиб етилиши тасодифмикин?

Кўҳна Шошнинг энг қадимги ҳунармандлар ва зиёлилар ўчоғи – Ўқчилар маҳалласида катта файзиёб хонадонда қалин қора жингалак сочли қизалоқ туғилганда сана 1915 йил 1 март эди. Бундай жингалак қора сочли бола туғилганда атрофдаги барчанинг юзи ёришиб, қувончларидан лабларини йиғиштиролмай, баробар: “Кўзичоқ туғилди!” – дейдилар. Чақалоқнинг онаси Хадича ая бироз машаққат чеккан бўлса-да: “Вой, болам номи билан туғилди, сочларининг қўнғироқларини қаранг... Зулфизар бу, Зулфизар!” – деб жуда оҳангдор қилиб айтди. Унинг исмини Зулфия қўйдилар.

Биринчи жаҳон уруши авжга миниб борарди. Болқонда, Болтиқ бўйларида, Днепр, Днестр, Дон томонларда, Яқин Шарқда, Шомда, Африкада дунёни қайта бўлиш учун қаттол уруш борарди. Юз эллик миллиондан ортиқ одам унинг қомига тортилганди. Шошнинг кўҳна Ўқчи маҳалласи гарчи у қон дарё бўлиб оққан ерлардан жуда олисда эди, лекин бири-бирдан даҳшатли хабарлар келиб турарди. Улар ўша пайтларнинг жасоратли “Турон”, “Тараққий”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ойина” деган газета-журналларида босиларди. Беҳбудий каби улуғ тараққийпарварлар воқеа жойларидан ўз кўрган-кечирганларини баён қилардилар, авомнинг кўзларини очишга интилардилар. Зулфия туғилганда ўлкада ижтимоий фикр шаклланиш палласига кирганди. Зулфия таваллуд топган катта қўрғон хонадонда замон воқеалари қизғин муҳокама қилинарди, газеталар ўқиларди, карвонлар қабул қилинарди, зеро бу хонадон устахонасида тайёрланган темир-чўян-пўлат-тунука маҳсулотлар ўзининг сифати, пишиқлиги, узоқ хизмат қилиши билан доврў қозонганди. Жуда катта темирчилик устахонасида иш доим қизғин эди. Ишга яроқли барча хеш-ақраболар, маҳаллалик шоғирлар бунда сидқидилдан хизмат қилишарди. Зулфиянинг қулоғига Хадича ая айтган жонзур аллалар билан бирга устахонанинг даранглаган чақмоқ садолари ҳам тўхтамай кирган. Шу-

нинг учун “ўт”, “чақмоқ”, “аланга” ва барча ўт билан боғлиқ образлар, ташбеҳлар унинг учун туғма ва табиий. Машҳур Америка тилшуноси Ноам Чомский “Тил ва тафаккур” («Язык и мышление», М.: – 1972) китобида тилшуносликда янги ғояларни илгари сураркан, улар билан бирга янгидан-янги терминлар ва илмий тушунчаларни ҳам қўллади. Улар, чунончи, “врожденная умственная структура”, “врожденная идея”, “овладение знанием и поведением” (“туғма ақлий тузилма”, “туғма ғоя”, “билим ва хулқни эгаллаш”) сингари кишини тил фалсафаси билан боғлиқ тарзда жуда қаттиқ ўйлатади. Буларнинг тагига етиб бориш осон бўлмаса ҳам, улар ўз илмий жозибасига эга. Зулфияда шундай туғма ақлий тузилма тушунчаси билан аниқ изоҳланадиган бадиий ҳодисалар, туғма хусусиятга эга образлар ва фикрлаш тарзи оз эмас. Фалсафада рационализм ва сюррационализм йўналишининг отаси француз файласуфи Башляр бирон санъаткор ўз ижодида маълум бир стихияли образларга мунтазам ва кўп мурожаат этаётган бўлса, бу унинг юрагида комплекс ҳаракат қилаётганлигини билдиради. Шу комплекс топилса, бадиий асарни яхши тушуниш мумкин. Асар шу комплекс орқали яхлитлик касб этади. Агар комплекс бўлмаса, ўзақдан маҳрум асар ғайришуурга етиб бормайди ва совуқ уйдирма, сохта бўлиб туюлади. Башляр табиат асосидаги тўрт унсур – сув, ўт, ҳаво, тупроқни тасаввур гормонлари, деб атайди. Ушбу стихиялар онгда ўз динамика ҳаракатига эга. Улар образлар тўдалари (уюрлари)ни ҳаракатга солади. Улар борлиқни интим тарзда ўзлаштириш ва ўзгартиришга ёрдам беради, катта синтезни юзага чиқаради ва тасаввурни мунтазам тусга киритади. Шоирона ягоналик ва хаёл қуввати шулардан ҳосил бўлади. Зулфия нур тўла, учқун тўла муҳитда дунёга келди ва шулар бағрида ўсди, хаёллари шулардан қувватланди. У шу муҳитнинг туғма ғояларига бағирдош эди. Шунинг учун унинг ташбеҳлари нур, учқун, ўт-олов, чақмоқ... замирида туғилади. Зулфиянинг шеърӣ энергетик комплекслари шулар. Истаган шеърингизда булар бадиий оқим мақомида. Ҳаёт ва ижодда шахснинг ўрнига жуда катта аҳамият бериб қараган персоналистлар шароитни енгиб чиқиш, шароит тақозо этган шартларни енгиб ўтиш санъат шахсиятининг энг юксак фаоллигидир (Недонсел), дейишади. Зеро, Зулфиянинг фаоллиги – шеърӣят ва, ўз навбатида, шеърӣятнинг фаоллиги – шахсият. Унинг шеърӣятининг ҳар қаторида шеър яратувчи қиёфа туради, ҳар қаторда қиёфа шаклланади ва бу қиёфа ҳар дамда ҳаётӣ бутунлик сари ҳаракатланади. Бутунлик сари ҳаракат Зулфия ижодиётининг инсонӣ, бадиий фалсафасидир. Бутунликни, яъни одамнинг ўзини тўла одамдай ҳис қилиши ва тўла одамдай иш қилишини фалсафа дейиш мумкинми? Тўрт томондан ҳаёт чегараланганда бутунлик ҳисси бўладими? Бутунлик моддий, бутунлик жисмонӣ, бутунлик руҳонӣ, Зулфия шеърӣятда булар ғоялар комплексига айланиб улгурган. Шахс ғояси ижод ғояси билан чамбарчас боғланган. Ижод ғояси Зулфия борлигининг асоси: “Шеър бўлиб эл ичра юрман мен чақноқ”. Бутунликка тўсиқ бўлувчи, уни парчаловчи кучлар ҳам мудом мавжуд ва булар шеърӣятнинг мангу зиддиятларини юзага чиқаради. Йигирманчи йилларнинг боши ва биринчи ярмида хотин-қизлар билим юрти (дорилмуаллимот) деб аталган илк ўқув даргоҳларида оз сонли қизлар қаторида билим олган машҳур Ойдин Собировалар (ёзувчи, шоира, жамоат арбоби Ойдин) даврида ўзбек хотин-қизлари зулматдаги мазлумалар деб аталар ва уларнинг социалистик бахтиёрликка интилаётгани ва ҳатто эришгани ҳар қадамда қаттиқ таъкидланарди. Ойдин Собирова эркига эришган хотин-қизлар тимсолий каби тақдим, тарғиб ва ташвиқ қилинарди. Ойдин Собирова ҳам шу ижтимоий театр сахнасидаги ролни тўла қабул қилиб ўзлаштирган, уни муваффақият билан ўйнар ва бу ўзига ҳам жуда ярашар ва ёқарди. Зулфия 1931 йилда хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирганда, (билим юрти уларнинг ўқчи маҳалласида жойлашган эди), билим юртини битиргач ва то қирқинчи йилларнинг ярмигача, асосан, Ойдин Собированинг таъсирида бўлди ва унга шогирд эканлигидан фахрланарди. Лекин ўттизинчи йилларда энди йигирманчи йиллардан фарқли ўлароқ, Зулфия каби янғроқ қизлар зулматдан чиққан, мазлумалик паранжилари, паранжи-чачвон ичидаги қоқоқликлардан қутулган, бахтиёр нурли келажак сари дадил одим отаётган ҳисобланардилар. Зулфия шу давр ижодини эслашни ёқтирмайди, балки социалистик эрк ичида янги тусдаги эркисизлик занжирлари қўйилганлигини у ўта зукколик билан фаҳмлаб қолган эди. Ўша даврдаги фикрловчи шахсиятларнинг жуда кўп зиддиятлари, асосан, шундан – янги мафқуранинг мунофиқликларидан келиб чиқарди. Ва қанчалаб асл жонажон аёллар бунақа тараққиётни қабул қилишни истамаганликлари учун жазо

колонияларига тортилдилар, тақдирлари маҳв этилди. Зулфия Ойдин Собирова изидан бориб нашриётда ишлади, академия аспирантурасида ўқиди. 1932 йилда Зулфиянинг тақдирида бурилиш бошланди. У Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғафур Ғулом, Ойбек, Музайяна Алавия билан яқиндан танишди, илк шеърлари билан ёзувчилар давраларига кирди. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун адабиётда ҳайқириқ солган йиллар эди. Уларга эргашди. Улар тийрак ва ўта туйғун қизчанинг интилишларини бажонидил қўллаб-қувватладилар. Зулфиянинг заковати кучли эди. Қўллов унинг туғма талантини очди. 1914-1915 йиллар Турон-Туркистон диёрлари учун узоқ давом этган умидсизлик, тушкунлик, келажакни кўролмастик ва булардан ўзини батамом ожиз сезиш вақтлари тугаб, бир замонлар мислсиз улуғ ишларни рўёбга чиқарган диёр энди жаҳон уруши замонида яна ижтимоий бурилиш ясашга қодирдек кўринарди. Зулфия шундай мамлакат ҳаётида янгиланиш бошланадиган дамда дунёга келди. Бу туғилишда азал сирли маърифатнинг яна ҳам сирлироқ интилишлари зухур этмаган деб ким айтолади? Бехбудий, Алмай, Авлоний, Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори, Тавалло, Хислатнинг ўтли фарёдлари бу туғилишда инъикос этмаган деб ким ишонтиролади? Бу – мистика ёки метафизика эмас, бу тарих ва халқ ўзига керакли фарид зотларни айна ўз пайтида кечикмай яратишига яна бир далилдир. Халқнинг асаблари бундай тарихий онларда таранг тортилмаса, Зулфия сингари хотин-қизлар тақдирида янаги халқа, янги толе анжумани бошланармиди? Нега эса у сочлари тимқора жингалак зулфизар қиз бўлиб туғилди? Азамат ўғиллар изидан Исроил дегрезнинг улуғ хонадониди орзули қиз бўлиб туғилди. Ойдан, кундан туғилгандек бўлиб туғилди. Нега қизча 1932 йили чиққан илк китобчасини “Ҳаёт варақлари” деб атади? Рус тилидан кирган эмасми бу фикрлаш йўсини? Тил билиш орқали кўнги кўзи билан бирга фикрлаш кўзи ҳам кенг очилдими? Ўзини илк машқлари билан бирга айна ҳаёт билан чамбарчас боғладими? Кескин реалистик йўл танладими? У кейинроқ ёзган қисқагина таржима ҳолида ҳаёт варақларининг маъносини тушунтириб ўтгандай бўлди: “... асл устозим – ҳаётнинг ўзи эди”, деди. Ҳаёт эса кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар, фасллардан иборат ва ҳар бир даму соатнинг ўз варағи бор эди унинг назарида. Ва у бутун ижодий ҳаёти давомида бу варақлар образига доим мурожаат қилиб турди. Ҳатто сўнги “Хотирам синиқлари” асари ҳам қай бир тарзда варақлар билан чамбарчас боғланади-да, Зулфия ижодиётига мундарижа томондан бир бутунлик бағишлайди. Ушбу варақлар ҳаммадан ортиқроқ муаллим, ибрат ва законинг қони эди. У дегрезнинг қизи илк шеърларини, балки “Ҳаёт кўраси” деб атаганда маънолироқ бўлармиди? Яъни ҳаёт чўғлари алангаланадиган дегрез кўраси, рус тилида бунга горнило деган шоирона сўз билан юритишади. “Доим олов иси келарди отамдан. Отам пўлат қуювчи эдилар. Мен отамнинг чўғдай пўлатни истаган шаклга сола олганларини, ундан турли буюмлар ясаганларини, бундан роса ҳайратга тушганларимни ҳам кечагидай эслайман... отам... унинг қўлида жилмайиб тургандек қизғиш чўғ...” Ахир, бўлажак шоира отасининг ҳеч қачон ўчмайдиган кўрасидан тобланиб чиқмадими, кўзлари пўлат эритадиган чўғларнинг алангасидан юлдуздай порламадими ва ўзи йигирма тўрт ёш, ақли эса минг ёш Ҳамидни мафтун қилиб қўймадими? Зулфиянинг ярқироқ юлдузи ер юзига келиб тушгунча дегрезларнинг неча-неча авлодлари ҳаёт оташгоҳига келиб кетмади? Ўқчилар, дегрезлар, чўян қуювчиларнинг авлодлари машҳур эдилар кўҳна Шошу Ироқ диёрида! Узоқ кўз илғамас тарихдан машҳур кўҳна Шош камончилари! Ойболта, камон, шамшир, қозон усталари! Юз йил капкир урилганда ҳам тешилмас, сийқаланмасди уларнинг турмушбоп, рўзгорбоп қозонлари! Темир ғўлалари мумдай эрирди ва мулойим бўлиб қиличларга дўнарди! Тўрт унсурдан бири чўғ дунё яралиши ва қурилишида ҳаммиша фаол қатнашади. Сув ва ҳаводан чўғнинг кучи ортади ва тошларни эритади, Зулфия бобоси мулла Муслим ва отаси уста Исроилнинг кўрасида ловулаган чўғдай эди. Унинг жингалаклариди олам ва тирикликнинг сирлари уйнарди. Унинг Акмал Икромов кадрлари қаторида юксак лавозимларда жон куйдириб ишлаган акаси Нормат Исроилов суюкли сингисининг илк китобчасини қўлига олиб, шундай азамат бургутдай йигит тўлиқиб кетиб йиғлаб юборган эди. “Тўрт акам бор эди, бири биридан кўркам, кучли, мард йигитчалар... ерга урса, кўкка сапчийдиган акаларим... Ажойиб дўстлар эдик... Баъзан шеърларимга ўша шаффоф кунларимнинг парчалари оқиб киради. Лекин у бир томчи холос, балки болалигим, уни бегаган яқинларим ҳақида китоб ёзиш бахти менга насиб этар...” (Хулқар Олимжонова шоира бу орзули, армонли ишга тўқсонинчи йилларнинг бошларида қизгин киришган-

ликлари ва анча воқеаларни қоғозга туширганликларини айтадилар. Бу “Хотирам синиқлари” ёзилаётган пайтлар эди, шоира ниҳоят ўзининг узоқ орзу қилган энг суюкли ёзувига ўтирганди. Аммо у шиддатдан айрим парчаларгина қолди, шоира ўзи туғилиб вояга етган ота-она, аждодлар хонадонининг тафсилотларига ҳаёт экан, жуда оз тўхталган эди: “Мен эса ҳанузгача ёзмаганман, лекин ёзгим келади”, деган эди шоира буюк армон билан, ҳолбуки, “биз ажойиб дўстлар эдик”, дейди шоира. Улар ҳаммалари кўнғироқ сочли қувноқ ва тийрак қизча Зулфия сингилларини ғоят севишар, эркалатишар, доим унга мадад беришарди, биз бу ўринда шоиранинг туғишганлари – уста Исроил ҳамда чевар аёл Хадича аянинг фарзандлари ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтишни зарур, деб биламиз. Исмоил Исроилов. Ихтисосликлари ветеринар врач. Турли идоралар ва вилоятларда фаол ташкилотчилик ишларида фаолият олиб борган. Олти фарзанди бор. Тахминан 1898 йилларда туғилиб 80 ёшларида оламдан ўтган. Қодиржон Исроилов. Фарзанди Минавар аянинг ҳикоя қилиб беришларича, 1902 йилда туғилган. Олий таълим олган ва турли ҳукумат идораларида ишлаганлар. Сиёсий жараёнларнинг ўзгаришлари боис кейинчалик ота касби дегрезликни давом эттирган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент трамвай-троллейбус депосида хизмат қилган. 1992 йили оламдан ўтган. Минавар, Қайнар, Баҳодир, Ғайрат, Аҳмаджон, Каримжон сингари фарзандлари бўлган. Нормат Исроилов. Туғилган санаси 1905 (тахминан). Москвада олий таҳсил олган. Йирик сиёсий-жамоат арбоби бўлиб етишган. Репрессия қурбони бўлган. Аҳмаджон Исроилов. Москвада таҳсил олган. Шамоллаб оғриб Тошкентда ёш вафот этган. Бувиниса Исроилова. Чевар. Уйда дўппи ва кўйлақлар тикишарди. Оёқларига игна кириб, заҳарланиб ёш қазо қилган. Карим Исроилов. Педагогика институти талабаси. Нохуш фалокат натижасида ёш ҳалок бўлган. Зулфия Исроилова. 1915 йил 1 август. Улуғ шоира ва жамоат арбоби. Уста Муслим бобонинг Исроил, Ҳамдам (адиб Адҳам Ҳамдамнинг отаси), Файзи (адиб Илёс Муслимнинг отаси), Раҳматжон, Ҳури, Жўравой сингари фарзандлари бўлган. Бизга бу мухтасар маълумотларни олишда Минавар аянинг қизи куюнчак халқ таълими ходими Гулчеҳра Шоумарова лутфан ёрдамлашди. Гулчеҳра кўп вақтини Зулфия опанинг ёнида ўтказар, шоирага яқиндан кўмаклашарди. Опа уни суюб шеър ҳам бағишлаганди. Бу шеърнинг кўлёмаси сақланиб қолган. Гулчеҳранинг ижозати билан уни биринчи мартаба бу ерда келтириб ўтамыз:

*Гулчеҳрам, кийикниг кўзидек  
Кўзларинг кўзимга мудом жо.  
Қалбимни биласан ўзимдек,  
Даркормас илтимос, илтижо.*

*Тилингдан тўкилган шакар сўз  
Меҳрингдан яйрайди дилгинам.  
Илоҳим, сурмали қора кўз  
Кўёшин билмасин, қизгинам!*

*Дилларни хуш этар исминг бор,  
Донолик, одобинг – латофат.  
Вақт келиб бўлажак сенга ёр  
Йигит ҳам бахш этсин саодат.*

*Ўшанда кўзларинг менингмас,  
Севганинг қалбига бўлсин жо!  
Ўзинг-ла олиб бор қувонч, бахт,  
Кутмайин илтимос, илтижо!*

1983 йилда ёзилган бу шеър 20 ноябрь 1984 йилда Гулчеҳрага шоира томонидан кўлёммада тақдим этилган.

Дунё яралишида чўғнинг сифатлари кўп. Биттаси шуки, у доим ўз даврасига тортади. Жозибаси билан жамлайди. Яна бир сири: у чорлайди, бирлаштиради: ер зимистонлигида ҳаёт давом этаётганлигидан дарак беради. Ана энди шулардан ке-

йин Зулфиянинг бутун шеъриятида жамлаш, бирлаштириш, даврага чорлаш ғояси ниҳоятда кучли жарангланлигини ва бу юқорироқда айтганимиз туғма ғоя эканлигини англатади. Лоақал машхур “Мушоира”ни, лоақал “Қуёшли қалам”ни, лоақал “Хотирам синиқлари”ни эслайлик. Умуман, унинг қайси бир шеъри ва қайси бир сатри бу ғоялардан холи! Сабабини англагандирсиз: бу, ахир, ўша Исроил уста кўрасидаги чўғнинг шуълалари! Кўрадаги азалий чўғлардан эмасми бу:

*Ҳарорат не ўзи?  
Ҳарорат, ҳарорат  
минг йиллар...  
Безовта этган ҳис эмасми ҳарорат?*

Зеро, юракдаги ҳислар кўрадаги чўғлар каби эмасми Зулфия шеъриятида? Зулфия тақдирида бир эмас иккита жаҳон уруши акс этади. У кейинчалик фаолиятининг халқаро миқёсига кўра озодлик ва тенглик, адолатга интилган хотин-қизларнинг овозига айланди. Уни Осие кенгликларидида тимсол деб қабул қилдилар. Жом даштларида ҳар баҳорда лолалар чаман очилсалар, бу бесабаб эмас. Ер туғилганда бу ерларга анвойи лолалар уруғини ташлаган, лолалар макон топган, Зулфия педбилим даргоҳида ўқиб юрган. (Матбуот маълумотларига кўра, 1918 йилнинг июлида янги шўро мактаблари учун муаллимлар тайёрлайдиган педагогик курслар очилган. 1919 йилдан улар олти ойлик курсларга айланган. 1919 йилнинг феврилида туркий тиллар ўқитиладиган педкурс очилиб, унга Мунавварқори мудир тайинланган. Айти пайтда, хотин-қизлар педкурси ишга тушган, кейин шу асосда педбилим юрти ташкил бўлган. С.Жиянхонов ва М.Исломованинг китобчасида ёзилишича, (“Қутлуғ даргоҳ”, Тошкент – 2002) ўқув режалари ва дастурларини Мунавварқори тузган. 1920 йилдан булар инпросга айлантирилган. 1923 йилда инпросни ўзбек тилида еттита хотин-қиз битириб чиққан. Саодат Шамсиева, Жаҳон Обидова сингари илғор талантли аёллар шу инпросни биринчи битирувчилардан бўлганлар. 1930-1931 йилда таълим-тарбия техникумини 11 қиз ва уч йигит битирди. Бу ерда Тошпўлат Нормухамедов (Талас), Оқил Шарафиддинов, Зуфар Қодиров дарс берган, Зулфия 1931-1932 йилларда шу педбилим юртида ўқиди. Билим юртидан кўп машхур кишилар етишиб чиқди. Адиблардан Уйғун ва Рамз Бобожон ҳам шу даргоҳда ўқигандилар). Тошпўлат Саъдий ва Музайяна Алавиждан Навоийни ўрганаётган чоғларидаёқ тийрак қиз туйғунлик билан ўзини англашга ва бу орқали шахсиятини шеърда намоён этишга жазм этган эди. Зеро, у бир сўзли уста хунарманднинг қизи – ази узоқларни кўзлаганди. Унда ўзни намоён этмоқликнинг барча яшовчан куртаклари мавжуд ва жазм билан ўсишга интиларди. Сўфизода, Ҳамза, Чўлпон, Авлоний, Ойбек, Ғафур Фулом каби улуг ижтимоий овоз шоирлари тинмай хотин-қизларни озодлик, фаолликка чақирардилар. Ўзликни намоён этиш замоннинг ўтли шоирларидан эди. Бахтли дамларнинг қабариқ юлдузлари кулиб боқарди Зулфияга. “Бу йилларда менинг ҳаётимга яна бир қувонч тўлқини кирди. Бу – Ҳамид Олимжон эди... Ҳамид Олимжон менинг учун талабчан устоз, меҳрли дўст эди. Шеърларимни илк бор ҳаяжондан титраб унга ўқирдим. У аёвсиз таҳрир этарди. Йиллар ўтди, йилларнинг бири билан қўшилиб Ҳамид Олимжон ҳам ўтди... Сўнг ҳаётимга йўллар кириб келди...”

*Қуёшдан тўкилганман  
Ушлай оламан ўтми –*

дейди Зулфия. Туғма ғояларга ҳайратланмай иложинг йўқ. Бу ғоядан у сўнги дамгача воз кечмади: “Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман”, деди у охирида.

Зулфия хаёл билан қалин дўстлашган ва мудом хаёл дунёсига ғарқ эди. Савдосотик, бозор дунёси уни ҳеч қачон қизиқтирмаган, қачон бирон дўкон остонасига қадам қўйганлигини ҳам эсполмасди.

Зулфияни қийнаган, азобларга қўйган нарса: у ҳеч қачон ўтмиш юкларидан қутулолмасди, бу юкларнинг залвори доим елкаларини эзиб ётар ва бир зум ҳам ўз исканжасидан бўшатмасди. Ота-онадан айрилиш, азамат акаларининг доғи-ҳижрони, гўзал синглиси Бувинисанинг аламли ўлими, талаба укасининг ҳеч қутилмаган ҳалокати, айниқса, 1944 йилда суюкли умр ҳамдами Ҳамид Олимжоннинг фалокатга учрагани

ҳаётсевар аёлнинг қалбида ҳеч ўчмас чандиқлар қолдирди. Бу чандиқлар вақт ўтиб битгандай бўлса ҳам, тинимсиз оғрирди. Нега деганда, Зулфия уларнинг ҳаммаларини беҳад севарди, ҳаётини уларсиз тасаввур қилолмасди. Улар улкан севги ва меҳрга арзийдиган одамлар эдилар. Бу айрилиқлар азобини янада кучайтирарди. Зулфиянинг реал ҳижрон ва айрилиқ азоблари, дардлари ҳақида ёзганлари аллақачонлар унинг таржимаи ҳолининг интим доирасидан тошиб чиқиб кетган ва тор доирага мутлақо сиғмай қолган:

*Ҳижроннинг, фарёднинг дудларини тўқдим,  
Юрагим сўкилди бўлак ва бўлак...  
Йиғлаб келиб, йиғлаб кетар одамзод  
Либосимдай қора шеърларни ёздим...*

Ҳижрон юракдан чиқиб шеърга кўчиб, ижтимоий нарсага, ижтимоий ҳодисага айланди. Уруш ва урушдан кейинги йилларда миллионлаб юрак-бағри доғли аёлларнинг нола-фарёдларига ҳамоҳанглик топди. Зулфия ўз дардида уларнинг барчаларининг дардларини оловли сўзларда ифодалагандай бўлди. Зулфиянинг ўзи ҳам жумла-жаҳон дардли карвонига кўшилиб бораётиб умуминсоният дардини куйлаётганини билди, буни юракдан туйди, бу куйлар қалбининг жуда нозик чилвир торларига мангу эш бўлиб қолганлигини англади. Шу англамда ижтимоий инсон туғилди, ижтимоий инсон юзага чиқди. Ҳатто бутун инсониятнинг дард-аламга лиммо-лим шеър сўзини ҳисобга олганда ҳам, фавқуллоддалиги билан ажралиб турадиган ифодалар юрак қаърларидан отилиб чиқди:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг кўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!*

Бунда ҳижрондан ҳам каттароқ, буюкроқ бир нарса бор. Зулфия катта юрак ва катта ақл эгаси – шу нарсани топган ва фикр қудуғидан тортиб олган. Бу матонат, қатъият, садоқат, назокат, адолат – ҳаммаси бир бўлиб жамланган, инсоннинг борлиқ мазмунига айланган бир нарса. Унинг номи бор. Лекин бу номи – бир сўзни айтиш, топиб жойига қўйиш жуда қийин. Тинимсиз ўйлаш, Зулфия қаби тинимсиз хаёл оламига фарқ бўлишнинг натижаси қаби топилади у ягона сўз! Зулфия бу фавқуллодда порлоқ сўзларни айни ўттиз ёшга тўлганда, 1945 йилда ёзган. Бу сўзлар аҳд мақомига кўтарилди. Юксак аҳд-паймондай эшитилди ва аҳд-паймондай қабул қилинди. Кейин Зулфия то тўқсонинчи йилларнинг ўрталаригача нима ёзмасин, ҳар бир сатрининг ҳар бир сўзида бу қуёш сўзлар шуъла сочиб, ҳар бир сўзини ёритиб, ичидан ҳам, ташқарисидан ҳам маънодор ва мазмундор қилиб турди. Миллионлаб аёлларга далда бўлди бу сўзлар! Яна миллионлаган аёл зотига келажақда далда бўлажақ! Зулфиянинг қайси шеърини очиб қараманг, шу оҳанг, шу умидбахш матонат, тоқат ва ирода янграб туради. Шу улуғ сўзларни ёзиб, Зулфия беҳад хаёлчан бўлиб қолди. Шунда унинг лабларига нимтабассум кўнди. У ўлмайдиган ироданинг табассуми эди. Дардлар туғёнлари кўзёшлари бўлиб қуюлган чоғларда ҳам унинг лабидан бу нимтабассум аримади. Ирода агар одам шаклига кирса, шундай табассум қилади. Унинг беҳад хаёл дунёсига фарқ бўлганлигининг боиси шунда:

*Ажинлар из солган кенг пешонамни  
Истиқбол ҳаётбахш кўли силасин.  
Қатағон йиллари ютган жигарлар  
Доғини тортмоққа тоқат тиласин!  
Йиллар,*

*Нодир онлар,*

*Севги,*

*Ҳижроним,*

*Дилимни замзамлаб, кетмаган учиб...  
Бор бўлса бешми, ўн мухлис шеърхоним,  
Ёзмоқ – бахт қаламим учини ўпиб...*

Бу сатрларни Зулфия 1994 йилда ёзди. 45-йилда ёзилган юксак аҳдга бу сатрларни қиёс қилиб Зулфиянинг инсон ва ижодкор сифатида кимлиги ва шахсиятининг миқёсини англаймиз. Нима учун Тихоновдай, Ғафур Ғуломдай, Қайсин Қулиевдай, Расул Ҳамзатовдай, Индира Гандидай, Мустай Каримдай, Чингиз Айтматовдай буюк инсонлар унинг миссиясини ардоқлаганликларига тушуниб етамиз. Зулфия юқорида парча келтирилган шеърини “Иқрорга вақт етди”, деб атаган эди. Унинг иқрорлари ўйловчи, англовчи ақлларни ларзага солди.

Зулфия ҳаёт пўртаналарига ҳар дамда дуч келиб, сўнг ижтимоий таянч излади. Ўтганлар ёди ва шеър унга шундай таянч бўлди. Ҳамид Олижон унга шеърятнинг сир-асрорларинигина эмас, инсоний маърифат билан ҳам ошно қилди. Зулфия Ҳамид Олимжондан қатъият ва ирода билан яшашни ўрганди. Зулфиянинг феъл-атворида, азал зуваласида, қонида бу хусусиятлар бор эди, лекин Ҳамид Олимжон оҳанрабоси боис булар Зулфия жонида интизом тусига кирди. Билим юртида Зулфиянинг интизомига ҳавас қилишарди. Бу унга онаси Ҳадича аядан ўтиб келаётган туғма фазилат эди. Аммо фазилат Ҳамид Олимжон туфайли интизомли қатъият ва интизомли ҳодиса. У ранг-баранг шаклларга киради, қаҳрамонлик даражасига кўтарилади. Мен Зулфия шеърятинида майинликни учратмаганман. Менга Зулфия шеърятини бошдан оёқ қиррадор бўлиб туюлади. Бунда ҳар бир сўз, қофия, ибора, жумла қиррадор. Зулфия чақмоқ ташбеҳига тез-тез мурожаат этади. Нега? Чунки унинг шеъри интуитив тарзда қиррадорликка интилади. Чақмоқ қиррадор. Олмос қиррадор. Илдиз қиррадор. Булар қиррадор бўлмасайди, ҳаёт деган нарсани яратмасди. Зулфия шеърятинида қиррадорлик унинг шахсияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ташқи ондан кўра онгости ҳодисалари билан кўпроқ боғлиқ. Бу ҳатто Зулфиянинг бадиий таржималарида, Леся Украинка, Пушкин, Некрасовдан қилган таржималарида ҳам бадиий поэтик шакл сифатида кўзга ташланади. Қаердан бу қиррадорлик? У пўлат эритувчилар олис авлодларидан, Муслим бобо, Исроил дегрездан ўтиб келаётган, томирларда оқаётган туғма генетик боғланиш. Бадиий қиррадорлик охири 90-йилларда яратилган шеърлар ва айниқса, “Хотирам синиқлари”да ўзини тўла бадиият билан намоён этди. Мангу оғриқлар тилга кирди. Ана энди шу қиррадор қатъият ҳаётнинг барча катта-кичик воқеа-ҳодисаларини тартиб-низомга киритиб изга солди ва тўла ҳукмфармо бўлди. Билим юртида не не нурга йўғрилган хаёллар кучоғида юрган ўн етти яшар қизча “Ҳаёт varaқлари”да шуни орзу қилмаганмиди, алпқомат акаси Нормат китобчада олтмиш йил кейин келадиган воқеаларни кўриб кўзига қувонч ёшларини олмаганмиди? Интизомли қатъият, қиррадор интизом Зулфия сиймосида том камолга етмадими? Зулфиянинг интизоми илҳом яратарди. Бу ноёб, шуқуҳли, шеърят парвозидаги интизом эди, у шеърятда фалсафага, фалсафий ғояга айланганди.

Унинг сиймосида сўз билан ифодаланмаган, айтилмаган қимматлар чамаси, айтилган ва ифодаланганларидан беқиёс кўпроқ. Уни ўртаган, қийнаган, оғир изтироблар исканжасига солган ҳоллар – уни эркалаган, шарафлаган, ардоқлаган, шеърят гултожини бошига кийдирган ҳоллардан кўпроқ эди.

Шодиёнада қайғу, қайғуда шодиёна омухта эди. Ва бунга ўша замонада чора, даво, халос йўқ эди. У “бирлик, биродарлик бор ерда юксалиш бор”, деб ўтди. Ва охирида: “Асл устозим – ҳаётнинг ўзи эди”, деди ва бахтиёр, беғубор, инжудай болалигига қайтди. Яна ўн етти ёшдаги ўз “ҳаёт varaқлари”га тугал содиқ қолди. ҚАБАРИҚ ЮЛДУЗ БОЛАЛИГИНИНГ МУСАФФО ОСМОНИГА КЎТАРИЛДИ.

*Салом! – дейман хаёл бинафшасига, –  
Сенсиз кўнгул боғим қоларди ғариб!  
...Ҳеч маст бўлганмисиз соф нашъасига  
Бошин хиёл эгиб турса жилмайиб?...*



### Дамин ТЎРАЕВ

1946 йилда тугилган. Қарши Давлат педагогика институти-нинг тарих-филология факультетини тугатган. Филология фанлари доктори, профессор. “Ҳаёт ва сюжет”, “Ўзбек адабиётида реализм масалалари” (ҳаммуаллифликда), “Бадий талқин йўлларида”, “Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси”, “Давр ва ижод масъулияти”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Ҳаёт манзаралари” каби монографиялар ва ўқув қўлланмалари муаллифи.



## САДОҚАТ КҲЙЧИСИ

Зулфия шеърятини XX аср ўзбек адабиётида янги саҳифа очган, унинг бўй-бастини кўрсата олиш қудратига эга бўлган, китобхонга вафо ва садоқат, меҳр ва муҳаббатдан сабоқ берувчи шеърятдир. Бу шеърятнинг мавзу ва талқин доираси жуда катта қамровга эга бўлиб, биз унда ўз Ватанини севиш, ўзбек аёлининг шонли ҳаёт йўлини улўглаш, бани-башарда тинчлик-омонликни орзу қилганлар мушоираси билан бирга, муҳим ҳаётини муаммолар ва инсоний дарду кечинмалар тасвирини ҳам кўрамиз. Буларнинг барчаси шоира шеърятинидаги ғоявий юксаклик, дилбарлик ва покизалик, теран маъно-мазмунга эга бўлган хусусиятлар жараёнида юзага чиқади. Шеърятинидаги ана шундай ҳаётбахшлик ва ватанпарварлик фазилатлари, юртнинг маънавий ҳаётинидаги фидойилиги уни ўз халқининг садоқатли қизига ва шоирасига айлантирди.

Ҳаётни ўзининг юксак маънавияти ва аёлга хос назокатли нигоҳи билан кузатиб яшаган шоирамиз инсон ҳаётинида содир бўладиган севинчли ва ғамгин ҳолатларга рўбарў келди, ҳаёт синовлари ва тўфонлари олдида қадди букилмади, ўз тақдирини она халқи тақдири билан боғлиқликда ҳис қилди, унинг иззат-икромига муяссар бўлганлиги учун шукроналар келтирди:

*Ҳаёт китобимни бехос варақлаб...  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:  
Суйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Қўйдим,  
Иззат нима билдим,  
Шу-да бир яшаш!*

Шоира шеърятнинг барча жанрларида қалам тебратди. Бу ижод намуналарининг аксарияти китобхонлар томонидан адабиётимиздаги янгилик (ноёб ҳодиса) сифатида қабул қилинди ва илмий-адабий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Мен бу ўринда шоиранинг “Ҳижрон кунларида”, “Сени куйлайман, ҳаёт”, “Йиллар ва ўйлар”, “Шалола”, “Ўғлим, сира бўлмади уруш”, “Уни Фарҳод дер эдилар”, “Мушоира”

туркумлари ва дostonларини алоҳида қайд этгим келади.

Айтиш жоизки, шоира “Ҳижрон кунларида” туркумидаги шеърлари билан ўзбек шеърлятида янги йўналишга – инсон ҳаётининг фожиавий талқинига асос солди. Хусусан, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Кўрганмидинг кўзларимда ёш?”, “Урик гуллаганда” каби шеърларида лирик қаҳрамон руҳиятининг рангин ҳолатларини – ғам ва изтироб кечинмаларини ҳам, айрилиқ ва соғинчга тўлиб тошган дилгирик кайфиятларини ҳам, неки инсон зотига хос бўлган ҳис-туйғуларни ҳам, сабр-бардош ва жасоратни ҳам кўраимиз. Энг муҳими, бу шеърлардаги ҳижрон мотивлари китобхонни инсон тақдири билан боғлиқ бўлган ҳаёт мураккабликларини, унинг бардавомлилигини тушунишга ёрдам беради ва куч-қудрат бағишлайди:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекина алам,  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёнимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.*

Шоиранинг ҳижрон оҳанглари тасвирланган шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг фарёд ҳасратлари ифодаланган мисралари гўё китобхон қалбига Ҳамид Олимжон асарларидаги латиф туйғуларга лиммо-лим тўла тасвирларни кўчиради, кўз ўнгида шоир сиймосини гавдалантиради ва, айтиш мумкинки, шоир шеърларига ўзига хос янгича умр ато этади. Китобхон бу шеърларнинг интиҳосигача лирик қаҳрамон билан бирга бўлиб, жўшқин ҳиссиёт ва ўткир драматик тасвир таъсиридан, соғинч ва изтироблар гирдобидан чиқиб кета олмайди.

Шоира шеърларида “ҳаёт нафаси шовуллаб”, “инсонлар юраги ловуллаб” туриши, жаҳон халқлари билан қардошлик туйғулари, ижодкорнинг жамият ва халқ олдидаги масъулияти фалсафий ва жаҳоний талқинда берилиши ҳам ноёб истеъдоднинг бир хусусияти эди. Ана шундай хусусият фақат ва фақат Зулфияга хос шоирона ҳароратга бой мисралар: “Ўғлим, сира бўлмайди уруш”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Юртим харитаси – менинг юрагим”, “Мушоира” каби асарларининг ҳам мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Истиклол йилларида – умри поёнида яратилган асарлари шоира ижодининг ҳам, кейинги йиллар ўзбек шеърлятининг ҳам ноёб саҳифаси бўлиб қолди. Хусусан, “Шарқнинг ўзи она бўлган ҳамиша” (1993) номли достонида шоира ўз умри давомида халқининг ўзлигини, юртининг кўркини, ёзиб улгурмаган армонларини баён этар экан, ўзига хос бадий тафаккурда халқимизнинг бошқаларга қарам бўлмагани ва унинг фарзандлари салоҳиятининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини тарихимиздаги шонли саҳифаларга безанган ҳолда ўқувчи онги-шуурига етказди:

*Билинг:  
Комил,  
Фозил,  
Башар юлдузларига  
Шарқнинг ўзи ОНА бўлган ҳамиша!*

Эътиборли томони, дostonда умумбашар маданияти тараққиётидаги алломаларимизнинг тутган ўрни ва фазилатлари ҳар бир юртдошимизда фахрифтхор туйғуларини юзага чиқаришда лирик қаҳрамоннинг маънавий олами билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирланган.

Шоиранинг истиқлол йилларидаги баъзи шеърй лаҳзаларида лирик қаҳрамон қалбида собиқ тузумдаги “ҳамма қонунларнинг устидан чизиб” ташлаш исёнкорлиги юзага чиқса, баъзи мисраларида “Ахтариб топардим ҳар босган изим. Бекор ўтганига бахш этардим жон”, деган афсус-надоматлар етакчилик қилади. 1995 йилда ёзилган “Иқрорга вақт етди” номли шеърида шоира яна бир бор яшаб ўтган умрига назар ташлайди, истиқлол туфайли халқ ва мамлакат ҳаётида бўлаётган янгиланишлардан кўнгли қувончга тўлади, ажинлар из солган пешонасини истиқлолнинг ҳаётбахш қўли силашига иймон келтиради. Мазкур асарлардаги поэтик фикрлар “Хотирам синиқлари” (1995) достонида янада теран мазмун касб этади. “Хотирам синиқлари” –

адабиётимиздаги беназир бир бадиий олам. Бу асар ўзининг шаклу шамоили, мазмун-моҳияти, тасвир ва ифода усулига кўра ҳам дostonчилигимиз жанрида янгиликдир. Адабиётшунос Умарали Норматов таъбири билан айтганда, Зулфия опа бу дунёга ҳижрон туркумини ва “Хотирам синиқлари”ни яратиш учун келгандай туюлади. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, шоирамизга истиқлол даврида яшаш неъматини ато этди. “Хотирам синиқлари” Яратганнинг ана шу марҳаматига шоирамизнинг ижодий шукроналигидир.

Достон асосини шоира ҳаётига алоқадор воқеалар ташкил этади. Асарда нафақат шоира оиласининг, балки миллат бошига тушган қатағон даври мусибатининг илдизлари очиб берилади. Ижтимоий воқеаларнинг бадиий талқинида бугунги ўқувчи учун нотаниш бўлган кечаги кунимиз тарихига алоқадор ҳодисалар, сирли-синаотли ҳаёт тилсимлари очила боради. Бу тасвирлар орқали китобхон қатағон даври зулмидан шоира оиласи ҳам бенасиб қолмаганига гувоҳ бўлади. Муаллифнинг қалб исёни орқали биз қатағон даври қурбони Ака, муштипар Она, донишманд Отанинг қиёфалари, улар табиатига хос бўлган фазилатлар билан таниша борамиз. Уларнинг шоира шахсига нечоғлик яқинлиги миллий қадриятлар фонидида очиб берилиши эса тасвир жозибасини янада оширган. Маълумки, акалар ўзбеклар оиласида опа-сингилларнинг шаъни, паноҳи, суянган тоғи, йўқловчисидир. Шоиранинг йиллаб қалбида чўкиб ётган хотира синиқлари ҳуррият туфайли қалқиб юзага чиқади, ўз армонларини, йўқловларини ҳиссиёт-кечинмалари оғушида тўкиб солади.

*...Ака, кўзингизда оташ бор эди,  
Ака, жонингизда қуёш бор эди,  
Султонликка лойиқ келбат, лаёқат,  
Сардорники янглиғ бардош бор эди.*

Асарнинг бошқа мисраларидаги нолакор туйғуларда давр манзаралари шоиранинг мушфиқ Онаси ҳамда азоблар исканжасида қолганида ҳам, сабр-бардош билан яшаган Отаси қиёфаларида чизиб берилади.

Шоира шеърларининг деярли барчасида ҳаётнинг жонли тасвири гавдаланади. Чинакам шеърый асар катта ҳаётий муаммолар ва инсоний дардлар асосида туғилади. Юқорида тўхталганимиз “Ҳижрон кунларида” туркумидаги барча шеърларга ҳаётда содир бўлган мудҳиш воқеа – умр йўлдоши Ҳамид Олимжоннинг кутилмаганда автоҳалокатга учраб ҳалок бўлиши воқеаси асос бўлган. Ана шу воқеа шоира шеърларидаги мазмун-моҳиятни, оҳанг ва образлар талқинини ўзгартириб юборди:

*Бахтиёр севгини куйларди созим,  
Ўлим ханжарига теғди-ю синди.  
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим,  
Наҳот лириканинг ёлқини тинди?*

Шоиранинг иқдор бўлишича, унинг кўпгина шеърлари турли ҳолатларда – мажлисларда, йўлда, сафарга кетиш чоғларида туғилган. Чунки шеърый сюжетни юзага келтирувчи ижодий кайфият ижодкорда турли сабаблар билан содир бўлади. Шоиранинг айтишича, баъзи шеърлари мажлис залларида дунёга келган. Осмони мовий ранг ва шамоли гувуллаб турувчи апрель табиати, ҳали барг ёзмаган дарахтларнинг пушти ва оппоқ либоси шоиранинг кўзига чиройли кўриниб кетади-ю (буларнинг барчаси шеър сюжети учун ҳаётий материал – **Д.Т.**), салқин ва тоза шабада баҳри дилини очиб юборганини сезиб қолади, иш осон кўчади: сюжет яратувчи енгил руҳий кайфиятни қўлдан бой бермаслик учун ўз олдида қоғоз йўқлигидан бировнинг қўлёмасини олади-да, шеърни ёзиб тугатади. Унинг ёнида ўтирган бир киши: “Буни ҳозир ёздингизми?” – деб таажжубланади. Шоира унга “ҳа!” деб жавоб қайтаради ва шўхлиги тутиб: “Буюринг, яна нима ёзиб берай?” деб ҳазил-мутойиба қилади.


“Бу гапдан кейин, – деб ҳикоя қилади шоира, – ёнимда ўтирган киши менга жуда ҳам сиполик билан зимдан бир қараб қўйди-да, ўзидан маслаҳат сўраганимга астойдил ишониб, боягидек сиполик билан: “Вафодорлик ҳақида... ёзинг бўлмаса!” – деди. Гўё ўз маслаҳатини, бу мавзунинг мен учун ғоят аҳамиятли эканини қаттиқ таъкидламоқчи

бўлгандай, яна менга зимдан қараб кўйди. Қулоғимнинг тагига тарсаки тушгандай бўлиб кетди. Ҳалигина эсиб турган кўклам шабадаси ҳам... гуллаб турган шафтолининг пушти либоси ҳам бирпасда йўқолиб, шохи синган, куз шамолида дийдираб турган, ёш, яланғоч чинор нима учундир кўз ўнгимда пайдо бўлди. Ҳамид Олимжон ҳалок бўлган йили деразамиз остида худди ана шундай бир чинор бор эди”.

Кўриниб турибдики, ногаҳоний бир кайфият, шоиранинг қалб торини чертиб юборган кишининг гапига жавобан шеър туғилмоқда. Ўтмиш, хотира, шохи синган чинор (бу – шоиранинг мажозий тимсоли бўлиб, синган шох Ҳамид Олимжоннинг вафотига дардли бир ишорадир – Д.Т.) ҳаётий материаллардир. Ҳамид Олимжон сиймоси тасвирланган баъзи шеърларнинг сюжети ана шу материаллар асосида юзага келган. Агар шоиранинг қалбини: “О, дарахтнинг қалин кўланкасида ўтириб, жазирамадан жон сақлаш нақадар осон. Лекин шу дарахт катта бўлиб олгунча қанча машаққатларни бошидан кечирганини ҳеч ким ўйламайдими? Ҳали унинг ўзи ёш бўлиб тузукроқ япроқ ёзмаган, ўзи ҳам ҳали кўланкага зор бўлган чоғларида офтобда куйганини, ёки бўлмаса, шамолда қадди эгилганини, ёхуд муздек ёмғир остида дийдираб қалтираганини ким кўрибди?..” – деган изтиробли, дардли фикр эзмаганига ёш чинорча кўланка, вафодорлик, қисқаси, умр йўлдошидан ёш чоғида бева қолган шоиранинг ўзи ҳақидаги ва баъзи одамларнинг тошга айланган бағри ҳақидаги шеър туғилмаган бўлар эди.

Шу ўринда шоиранинг “Ўғлим, сира бўлмайти уруш” (1954) шеърининг туғилишига Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида ядро қуролининг портлаши натижасидаги мудҳиш воқеа, “Уни Фарҳод дер эдилар” асарининг туғилишида эса ўзбек саҳнасида Фарҳод ролини қойилмақом ижро этиб, ўз халқи маънавиятининг юксалишида фидойилик кўрсатган санъаткор Қобил қори Сиддиқовнинг фронтдаги Ватан учун жонини берган қаҳрамонлиги ижодий туртки берганлигини ҳам эсласак, унинг барча асарларига хос бўлган ҳаётийлик шоира ижодидаги бадиийликнинг асосий мезони эканлигини кўрсатади.

Зулфия Осиё ва Африка ёзувчиларининг Токиода бўлиб ўтган бир анжуманида сўзга чиқиб “Адабиёт – ҳаёт демақдир”, дея лутф қилган эди. Дарҳақиқат, шоира ўзи айтганидек, бир умр ана шу ҳаёт ичида яшади, “Шеър тинглаб, шеър тизиб – шеърларда қолди...”





## НАЪМ

### Абдугани СУЛАЙМОН

*1943 йилда тугилган. Шоир ва журналист. Журналистика факультетини тамомлаган. Унинг асарлари қозоқ, қирғиз, уйғур тилларида нашр этилган. Шоирнинг “Кўнглимдаги дарё” шеърӣ китоби ўзбек тилида чоп этилган.*



## ШҲРҲЛИКЛАР

\* \* \*

*Назар солгин, азиз умринг ўтмакда,  
Яхши-ёмон кунлар сени кутмакда.  
Умид маррасига етмоқ истасанг,  
Ғанимат бил дамни, йўлинг битмакда.*

\* \* \*

*Ҳаёт ҳангомасидан сабоқ ол ҳар дам,  
Илм ила ирфондан бўласан бардам.  
Донолар нақлига амал қилмасанг,  
Жафолар чиқадур кутмаган ердан.*

\* \* \*

*Бир-бирини одамзод сафарларда синайди,  
Мағлубият ичра, гоҳ зафарларда синайди.  
Синов дунё дейдилар – бежиз эмас бу ҳикмат,  
Эр йигит чин дўстини хатарларда синайди.*

\* \* \*

*Яхшидан айрилма, армон қилурсан,  
Ёмондан қутулиб, эҳсон қилурсан.  
Эзулик истасанг қадим дунёдан,  
Ишқ қушини жонда меҳмон қилурсан.*

\* \* \*

*Нигоҳингдан меҳр шуъласи тушар,  
Кўнглинг жаннат боғи билан топишар.  
Ҳасад ўти ёнса унда ногаҳон,  
Косовнинг ҳолати сенга ёпишар.*

\* \* \*

Синалган севгида шириндир ҳижрон,  
Синашмай севишган ошиқлар нодон.  
Бу телба дунёда таваккал яшаб,  
Кексайган чоғингда юрмагин гирён.

\* \* \*

Ҳаёт – ибратхона, сабоқ ол ҳар дам,  
Оз сўзла, кўп тингла, фикр айла мудом.  
Жаҳл отига зинҳор, минмагин, эй дўст,  
Толе сенга бўлғай, бир умр ҳамдам.

\* \* \*

Ҳар қандай эзгу иш ҳимматдан нишон,  
Бир томчи ёмғирда ҳосил намоён.  
Меҳнаткаш заҳмати – ҳаловат рамзи,  
Бир ҳовуч бугдойдан кўтарар хирмон.

\* \* \*

Оламда дўст қидирсанг, инсонларга ҳамроз бўл,  
Пок тут доимо қалбинг, саришта, сарафроз бўл.  
Ёмонликни маҳв айлаб, яхшиликни одат қил,  
Дарз кетган, ташвиш чеккан кўнгишларга пардоз бўл.

\* \* \*

Ботмоқда кун, қайта тонг ҳам отади,  
Туну кун умрингни ҳисоб этади.  
Қадрини билмаган қолур гафлатда,  
Азиз умрин гофилликка сотади.

\* \* \*

Ёшлик баҳорингнинг қадрига етгил,  
Меҳнат қил, мурувват илқидан тутгил.  
Эртага кексайиб, тутганда асо,  
Ёшлик хотироти мадордир буткул.

\* \* \*

Ҳамма билар бу ҳаётда бахт азиз,  
Ота, она, Ватан берган тахт азиз.  
Жудоликда соғинган кишинг билан  
Дийдорлашиб ўтказилган вақт азиз.

\* \* \*

Олам абадий, чексиз жонзот умри чоғлиқ,  
Кўз очиб юмгунчалик, лаҳзаларга у боғлиқ.  
Тақдир жарроҳи бир кун тиг уриши муқаррар,  
Минг дардга чора қилган Луқмон умри ўлчоғлиқ.

\* \* \*

Қуёш – кўкда Оллоҳ ёқиб қўйган бир чироқ,  
Селу тошиқин эл ризқини этолмас йироқ.  
Ожиз қулман, лек хаёлим кезар самони,  
Гулдурмомо – булутқарвон чалган кўнгироқ.

\* \* \*

Умр бамисоли шовуллаган сой,  
 Ҳар лаҳза қадрли, зинҳор берма бой.  
 Сахийлар савобга дохил бўлсалар,  
 Бахил бенасиба қолгай, ҳойнаҳой.

\* \* \*

Эзгулик бахи этар кўнгилга сурур,  
 Яхшиларга хосдир андиша, гурур.  
 Ким бундан бебаҳра иснодга қолур,  
 Унга бегонадир ёруғлик ва нур.

\* \* \*

Билсанг, ҳар шод ўтган дам ганиматдир,  
 Кўзингни қоплаган нам ганиматдир.  
 Шодликни суйганнинг шодлиги оний,  
 Ғам қадрин билганга ғам ганиматдир.

\* \* \*

Севганинг – ёрингдан гар кулса бахтинг,  
 Муҳаббат боғига қурилар тахтинг.  
 Манглайга битилса бевафо санам,  
 Ғамга мубталодир ақиданг, аҳдинг.

\* \* \*

Хайрли орзуларинг дуруст ниятсиз бўлмас,  
 Ният пок бўлмагунча кўнгил ҳам нурга тўлмас.  
 Барча йўқотишлардан иймонсиз қолган ёмон,  
 Ҳақ йўлдан адашганнинг ҳаргиз толеи қулмас.

\* \* \*

Бори олам аҳлини боқар бу замин,  
 Онадай меҳрини қоқар бу замин.  
 Насибаси битган ҳар бир жонзотни  
 Бирма-бир бағрига олар бу замин.

\* \* \*

Тилайман: яхшилар ёнимга тўлса,  
 Саховати элга доимо бўлса.  
 Менга насиб қилган бахтнинг қуши,  
 Розиман яхшилар бошига қўнса.

\* \* \*

Булутга бўйлашган қояга бир боқ,  
 Асоси ердадир – ер улуг шундоқ.  
 Само гумбазида кезган бургут ҳам  
 Ризқ-рўз учун ерга ташлайди нигоҳ.

# НАЗМ



## Ойгул СУЮНДИҚОВА

1957 йилда туғилган. Москва Адабиёт институтини битирган. “Уфқлар ёнганда”, “Умр куйлари”, “Мен туғилган юрт”, “Зумрад томчилар” каби китоблар муаллифи.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

## Манзума

1

Тупроқ босиб қолган, қумга кўмилган,  
Сув оқизиб кетган шаҳарлар қанча?  
Зилзила, кўчкилар бағрини тилган,  
Чўчиб уйғонишган саҳарлар қанча?

Тубсиз уммонларни кўчирган довул,  
Гирдобда айланган шитоблар қанча?  
Ҳайларимда чексиз ҳозирга довул  
Биз билмаган тарих, китоблар қанча?

Коинот бағрига сочилиб кетган  
Марварид юлдузлар сонсиз, саноқсиз.  
Улкан дарвозаси очилиб кетган  
Хаёллар бетизгин, йўллар адоқсиз.

Дунёнинг энг кўҳна кутубхонаси  
Эҳтимол, шу тупроқ, не-не жавоҳир?!  
Солномалар ёдлар Тўмарис саси,  
Зардушт ҳикматини тонглари соҳир.

Мўйноқ бўйларида нурафшон, тўкис  
Очилган китобдай денгизни кўрдим.  
Кенглик, тепаликлар, чўлларда текис  
Қуёш кўтарилган томон юз бурдим.

Кўклам ҳидларида борлиқ сархуш чоғ  
Саҳро гулларининг топилмас тенги.  
Ойдин шуълаларда битар Қоратоғ  
Ажиб афсоналар янгидан-янги.



*Устюрт – тенгсиз ўлка, уфққа қадар  
Заррин қумликларда ястанган кентдай.  
Барханлар қаърида ўтмиш бекадар,  
Сукунат эрийди оқ тотли қанддай.*

*Тўртқўл, азим Қиёт – ёрқин қасида,  
Жаранглаб кетади ҳофиз хониши.  
Жилвагар лаҳзалар силсиласида  
Қўнғирот ёқларда шафақ ёниши.*

*Эликқалъалару Тупроққалъалар,  
Азиз зиёратгоҳ, қадамжоларинг.  
Аму тўлқинлари каби зебу зар  
Сочар анбиёлар, авлиёларинг.*

## 2

*Таърифинг тугатиб бўлмайди асло,  
Одамлар хушбахтдир, хуширўй, ораста.  
Юрагида орзу, умид, гул дунё,  
Нукус қалъасини айландим аста.*

*Кўча, хиёбонлар, бинолар обод,  
Боши майдон улугвор, муҳташам, яшнар.  
Илло, инсон қалби ҳамиша озод,  
Эркака, саодатга ташинадир-ташина.*

*Мўъжиза китоблар ибтидосидур  
Еру само илми инсонга азал.  
Донишларинг сўзи мисли тоза дур,  
Шоир қаламида муҳаббат гўзал.*

*Ёш-ёш ниҳолларинг кўркам боғларга  
Ярашиб турибди келбатли, мағрур.  
Далалар, сўқмоқлар, қумуш тоғларга  
Фасллар ҳовучлаб сочқилайди нур.*

*Тупроғи беминнат, барака, ҳосил,  
Ризқи – пахта тоғи, шоли хирмони.  
Одат яшаб келар бу элда асил  
Тонгни уйғотишар – борми армони?!*

*Ўтмиш ва келажак сара-сарадир,  
Мен билан юзлашди бир зум, бир қатим.  
Тоғу тош, боғ, саҳро, дарё, дарадир –  
Улкан қорақалпоқ ерлари қадим.*

*Ипак кашталарда узоқдан-узоқ  
Жилоланар мозий йўллари сим-сим.  
Ишқ дафтари аро варағи оппоқ  
Ранглар ловуллайди, гуллари тилсим.*

*Оналар ардоқли, оталар қўрғон,  
Келинлари сулув, қизлар дилобар.  
Ғурури кўксиди ҳар жасур ўғлон  
Шу халққа суянчиқ то танда жон бор.*

*Муқаддас онасан – Қорақалпоғистон:  
Дўмбира, чанқовуз, қўшиқ, ўланга.  
Қушлар чарх уради тилида достон,  
Осмони безубор сендай Ватанга.*

Қуёш нурларини кўзимга суртиб,  
Мен яна келаман жамолингдан лол.  
Сафарлар елкамга нозик юк ортиб,  
Йўлларга тўшайди ҳислар безавол.

## 3

Орол сувларида чўмилган тупроқ,  
Аждодлар изидан қадам-бақадам.  
Ўркач қумликларга бамисли урпоқ  
Сочилди ўйларим, очилди олам.

Қирлар адирларда ёнбошлайди тун,  
Бу – шундай сеҳрки, чексиз хаёлот.  
Ёғилар самовий шуъладор сукун,  
Денгиз жимирайди, биз ҳам коинот.

Бир бўлаги каби, бир жони каби,  
Орол, фусункорсан осуда чоғинг.  
Асрлар шавкатин кўтарган қалбинг,  
Сувларинг ювгандай замонлар доғин.

Шовдираб-шовдираб ўйноқлар тўлқин  
Кундузлари отаи, тунлари асов.  
Кўнглим, субҳидамда ҳаволан, силкин,  
Онанг ҳузурига боргандай яёв,

Яёв бор Оролга. Қизимай туриб  
Барханлар, тўқайлар шовулламасдан;  
Шамоллар қирғоққа бошини уриб,  
Чағалай тилидан куй қуламасдан.

Ягона денгизи она юртимнинг,  
Аму, Сирдарёлар – туғишган сингил.  
Асрлар садоси янграйди минг-минг,  
Қаърида гавҳарлар бемисл, мил-мил.

Қудратли, шиддатли овоз келади –  
Денгиз! Денгиздан сўнг уфқ ҳам йўқдай.  
Қирғоқда фасллар пардоз қилади,  
Шу денгиздан гўзал қўшиқ ҳам йўқдай.

Балиқлар сузади – тилла балиқлар,  
Кўрсанг, сув тубида нималар гуллар?!  
Кемаларни бир-бир отиб, итқитар  
Сувости ё кўндан келган довуллар.

Ҳеч ким балиқлардан чуқурроқ, аъло  
Билмаган бу сувлар ранги, тотини.  
Шу боис суюмли, азиз, бебаҳо  
Ватан деб аташган денгиз отини.

Турфа жонзот, дарахт, элат, гул-гиёҳ,  
Бешиксан тилларга мунаввар, Орол!  
Тўлқинларинг – мовий қуримас сиёҳ,  
Тарихинг битади музаффар Орол!




## ЎҚИТИШНИ ҲАҚИДА

**Бахтиёр НАЗАРОВ**

*1945 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тамомлаган.*

*Филология фанлари доктори, академик. Олим “Ўзбек адабий танқидчилиги”, “Ҳаётийлик – безавол меъзон” каби монографиялар ҳамда “Ўзбек адабиёти танқидчилик тарихи” каби бир қатор дарсликлар муаллифи. Шунингдек, 400 га яқин илмий-танқидий мақолалари республика матбуоти ҳамда хорижда эълон қилинган.*



## АМИР ТЕМУР ТАСВИРОТ ВА ТААССУРОТ ДУНЁСИДА

Соҳибқирон Амир Темур ким эканини таърифлаш кўп ҳам зарур эмас. Уни жаҳон билади. Лекин тарих ва тамаддун билан қизиқувчи бирор киши йўқки, у ҳақда янада теран, аниқ ва чуқурроқ билимга эга бўлишни истамасин. Айниқса, унинг жонли, ҳаётий сиймоси билан яқинроқ ошно бўлишни хоҳламасин. Шу вақтгача бу даҳо ҳақида ўнлаб тилларда юзлаб, эҳтимол, минглаб тарихий битиклар, мақола ва тадқиқотлар, турли жанрларда бадиий асарлар ёзилди. Улар ичида холис ният билан яратилганлари оз эмас. Бироқ баъзилари етарлича аниқ манбаларга эга бўлмади туриб, айримлари бориб турган ноҳолилик ва ғарзгўйлик туфайли қанчадан-қанча намуналари эса, мафкуравий тушовда яратилгани сабаб, бу улғу зот ва у билан боғлиқ тарих кўпдан-кўп ҳолларда бир ёқлама ва ҳатто бузиб кўрсатилди, нотўғри талқин этилди, маҳоратдаги ноқисликлар боис бадиий жиҳатдан теран ва тўлақонли акс эттирилмади.

Хорижда имкон қадар одил фикрлар айтилган замонларда шўро даври бирор илиқ гап айтиш имконини бермади.

Истиқлол Амир Темурни наинки ўзбек халқи, балки, умуман, жаҳон халқларига қайтариб берди. Мураккаб, тўзонли ва тўфонли тарих сарҳадларида ётган маълумотларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиш, ҳақиқат ва уйдирмалар юзини ғуборлардан тозалаш имкониятлари очилди. Янги замон, ўз навбатида, муаррих олимлар ва адиблар олдида янги-янги вазифалар қўйди.

Янги вазифалар Амир Темур хотирасини кўқларга кўтариш эмас, у ҳақдаги уйдирмаларга чидаб, томошабин ва кузатиб турувчи ҳам эмас, балки камчиликларни яширмаган ҳолда Соҳибқироннинг ҳаққоний қиёфасини бор буюклигию қудрати, заковатию салобатига мос равишда тиклаш ва шуларга муносиб равишда ёритишни тақозо этди.

Бу – деярли олти юз йилдан буён тарих фани ҳам, бадиий адабиёт ҳам амалга оширмай (ёки ошира олмай) келаётган ишни уйдирлаш лозим, деган гап эди.

Шу маънода, Амир Темурга адолатли муносабат, бу фақат ўзбек халқининг буюк тарихига, унинг улғу фарзандларидан бири сиймосига муносабатнинг ўзгариши ва адолатнинг тикланишигина эмас, балки айни вақтда, жаҳон тарихи ва тамаддунидаги муҳим ҳодисалар тизими чашмнигор нуқталар ҳамда уларни ҳаракатга келтирган буюк сиймолардан бирига бўлган муносабатдаги адолатни тиклашдан иборат бениҳоя мураккаб ва айни вақтда, шарафли вазифа эди.

Кристофер Марлодан тортиб, Гёте ва бошқа кўплаб сўз санъаткорлари Соҳибқирон ҳақида бадиий асар яратганларига қарамай, уларнинг кўпида Амир Темур образи бирёклама, чекланган ҳолда кўрсатилди. Фитрат ва Ойбек шўро зуғуми остида бўлганлари боис бу улуғ сиймо образининг айрим қирраларинигина ёритишга улгурдилар, холос. Уларнинг бу борадаги бор дардлари ичларида қолиб кетди.

Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Нурали Қобул, Бўрибой Аҳмедов, Асрор Самад, Хуршид Даврон, Тўра Мирзонинг турли жанр ва йўналишдаги асарлари ўтмиш, бугун ва келажакни бирлаштириб турувчи миллатнинг Амир Темурдек қудрат рамзи бўлган ёғдуларига маҳтал китобхонлар қалбида ўзига хос акс-садолар берди.

Лекин Мустақилликка эришган ўзбек халқи ва катта миқёслардаги одил китобхон севимли қаҳрамони сиймоси алоҳида ва айрим қирраларда акс эттирилувчи асарлардан ташқари, барча қирралари ва мураккаблиги билан атрофлича ва чуқур, қалби ва зақоси ўзига муносиб қудрат кенгликлари дунёсида намоён бўлувчи маҳобатли асарга интиқ эди. Бундай асар жаҳон тамаддунида муҳим роль ўйнаган даҳо фарзандлари бисёр бир халқнинг ўтмишда ким бўлганини кўрсатишдан, ҳозирги ўзбек халқи кимларнинг вориси эканини ёритишдан ташқари, унинг бугунги уйғонишлари ва Мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун, келажак сари ташланаётган ва ташланажак қадамларнинг ҳозирги нишончаларини тарихан қарор топтириш ва бардавом эттириш учун зарур эди. Миллат олдидаги, балки ундан ҳам кенгроқ миқёс адабиёт олдидаги ана шу тарихий миссияни адо этиш журъати Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алига насиб этди.

Насиб этганда ҳам, бу улуғ шахс ҳаёти ва қисмати, фарзандлари, оиласи, замондош ва даврадошлари, муҳолифларию дўстлари даври; муҳити, юртдошлари, орзумидлари, феъл-атвори, ютуқ ва камчиликлари; адолати, бунёдкорлиги, раиятпарварлиги; марказлашган давлат ҳамда улуғ салтанат барпо этишдаги даҳоси ва жасоратлари, айниқса, жонли бир инсон сифатидаги қиёфаси атрофлича қамраб олинган – “Улуғ салтанат” номли тўрт китобдан иборат роман-эпопеяни яратиш насиб этди.

Бу миқёсдаги асар ўзбек адабиёти тарихигина эмас, Амир Темур сиймоси ёритилиши жиҳатидан ҳам, умуман, жаҳон адабиётида илк бор амалга оширилди.

Табиийки, адиб роман-эпопеяни ёзишга киришгунча Амир Темурга дахлдор – баъзида у чексиз улуғланган, гоҳида қораланиб, ер билан яқсон этишга ҳаракат қилинган, айрим ҳолларда эса бир-бирига зид, қарама-қарши маълумотларга тўла манбаларни, тадқиқотларни, тарихнинг мураккаб қатламларини ўрганиб чиқди. Улар ҳақида ўзи ўнлаб мақолалар ёзди. Узоқ йиллар Тошкентдаги халқаро Амир Темур фондини бошқариш мобайнида у билан боғлиқ осори-атиқалардан тортиб, музей экспонатларигача танишиб борди. Маълум муддат АҚШ университетларида дарс берар экан, қатор халқаро илмий анжуманларда у ҳақда маърузалар ўқиди. Масалан, Амир Темур ҳақидаги мақолаларидан бири АҚШда “Сентрал Эйша монитор” журналида инглиз тилида чоп этилди (1996 йил, 3-сон). Куюнчаклик билан Фарбнинг ўнлаб улкан тарихий қомусларида бу буюк сиймо ҳақида кўпдан-кўп янглиш ва хато маълумотлар бериб келинаётганини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берди. Бир сўз билан айтганда, тетралогияга тайёргарлик ва уни ёзиш учун йигирма йилдан ортиқроқ умрини сарфлади. Бу ўринда “вақт” сўзи ўрнига “умр” сўзини ишлатаётганим сабаби, ҳаётининг шу босқичида адиб умрини, айтиш мумкинки, буткул Соҳибқирон Амир Темурга бағишлади. Бамисоли унинг муборак номи билан нафас олди.

Агар Темурбек сиймоси батамом қатағон бўлган шўро давридаёқ бу образни муайян даражада ёритишга журъат этиб, Шарқ меъморлари қисмати акс эттирилган “Гумбаздаги нур” достонини инобатга оладиган бўлсак ва шундан буён Соҳибқирон шахсига дахлдор неки топганию кўргани, эшитганию ўқиганларини жамлаб, саралаб юрганини назарга олсак, Муҳаммад Али бу сиймога алоқадор муаммолар билан салкам ярим асрдан буён гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор қизиқиб, шуғулланиб келган, деб хулоса чиқарсак, муболага бўлмайди. Бу изланишлар Истиклол даврига келиб, “Улуғ салтанат” шаклида дунё юзини кўрди.

Ўзбек китобхонларига маълум бу каби айрим маълумотларга мулоҳазаларим давомида яна дуч келишингиз мумкинлигини қисқача изоҳлаб ўтишга тўғри келади. Гап шундаки, тетралогия яхлит, тугал ҳолда ўқувчилар қўлига етди. У ўзбекзабон бўлмаган китобхонларни ҳам қизиқтириши, шубҳасиз. Асарнинг айрим жилдлари хорижий тил-

ларга ўгирила бошланди ҳам. Романга Шарқ билан бирга қатор Ғарб мамлакатлари ҳам қизиқиш билдирмоқдалар. Шундай экан, эпопеянинг юзага келиш тарихи, сабаб ва айрим хосликларига эътиборингизни қаратиш ўринли кўринади.

Юқори савияли асарни ўқиш кўп қийинчилик туғдирмайди. Аммо асар яратилишига сарфланган зеҳн ва иқтидор кучини, ундаги тароват сабабларини кўнгилдагидек англамоқ учун ёзувчининг ўзини ҳам ўқий олиш муҳим.

Адибнинг айрим илмий-публицистик мақолалари, бошқа қатор асарлари “Улуғ салтанат”нинг асосий бадиий концепцияси, асар поэтикаси, образлар тизими ва, айниқса, композицияси тетралогия қоғозга тушишидан анча йиллар аввал пишиб, етилиб борганидан дарак беради.

Чунончи, ҳали биринчи китоб юзага келишидан кўп йиллар бурун ёзилган “Соҳибқирон ташрифи” номли ҳикояда Қутлуғ Туркон оқа, Амирнинг пири Мир Сайид Барака, сафдошлари Суюрғатмиш, Жоку барлос, Сайфиддин некўз, Давлатшоҳ бахши, Аббос баҳодир каби персонажларга дуч келамизки, уларнинг деяри барчаси вақти етиб, ҳар тўрт романда фаол қаҳрамонларга айланажак образларнинг эскизлари эди. “Аллоҳ берган омад Турон юртини тикламақдур”, дейди ҳикояда Амир Темур. Бу ва шунга яқин Темурбек сиймосида намоён бўлувчи миллат, Ватан ва динга фидойилик, бунёдкорлик, раиятпарварлик ҳамда марказлашган давлат қуришдан иборат мақсад ва ғоялар туриши шу ҳикояда жанр доирасида бўй кўрсатиб, кейин бутун роман-эпопея бўйлаб кенг сатҳда ривож топади.

“Соҳибқирон ташрифи” ҳикояси, умуман, келгусида яратилажак катта асарнинг бамисоли дастлабки бичимидек таассурот қолдиради.

Тўрт жилддан иборат эпопеянинг ҳар бир китоби Соҳибқироннинг ўғиллари номи билан: “Жаҳонгир Мирзо”, “Умаршайх Мирзо”, “Мироншоҳ Мирзо” ва “Шоҳрух Мирзо”, деб аталган.

Китобхон бу асарларнинг ҳар бирида Соҳибқирон фарзандларининг қисмати, толеи, муҳаббати, орзу-армонлари, феъл-атвори, қисқаси, темурийзодалар образи билан яқиндан танишади. Бу қаҳрамонлар ва бошқа персонажларни бутун эпопея бўйлаб Амир Темур образи бирлаштириб, яхлитлаштириб туради.

Шунга ҳам эътибор бермоқ жоизки, ёзувчи Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳрух Мирзоларнинг биронтасини бир китоб доирасида кўрсатиш мумкин бўлган мукамал эпик образ даражасига кўтармайди, яъни уларни кенг, атрофлича, чуқур тасвирламайди. Чунки уларни бу даражада тасвирлашни мақсад қилиб қўймайди. Бу қаҳрамонлар эпопеяда ёзувчи мақсади даражаси ва доирасида тасвирланадилар. Ҳолбуки, адиб уларнинг ҳар бирини ҳар бир китоб доирасида мукамалроқ, чуқурроқ тасвирлаши мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Нима учун? Бу – мазкур қаҳрамонлар тасвири учун тарихий материал етишмаганидан эмас, албатта. Адиб бундай йўл тутишининг асосий сабаби бор. Асосий сабаб, ёзувчининг бош мақсадида. Бош мақсад эса, Соҳибқирон Амир Темурни, унинг закоси ва даҳоси билан алоқадорликдаги жараёнларни, замонни, фарзандларни, яқинларни ва улар билан боғлиқ муаммоларни кўрсатишдан иборатдир. Асосий мақсад – Амир Темур ва у асос солган салтанатни кўрсатишдан иборат. Шунинг учун адиб эътиборини алоҳида, махсус ва чуқур равишда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳрух Мирзоларнинг образларини яратишга қаратмайди. Улар билан чалғиб қолмасликка ҳаракат қилади. Улар тасвирига Амир Темур салтанатида эгаллаган мавқеларига муносиб равишда ўрин ажратиш билан чекланади.

Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин: хўш, Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳрух Мирзолар мукамал равишда тасвирланмас экан, уларни китоб номига чиқариш шартмиди? Бу – ўринли савол. Худди мана шу нуқтада ёзувчининг тетралогиядек улкан асар композициясини яратишдаги ўзига хос маҳоратига, ўзига хос тутган йўлига рўбарў бўламиз.

Бутун эпопея мобайнида китобхон диққатини ушлаб туриш, ўқувчи эътиборини янги-янги қизиқишларга жалб эта бориш, етиб келинмаган, яширин янгиликларга ўқувчини чорлай билиш – бўладиган иш эмас. Бу ниҳоятда мураккаб бадиий жараёндир. Манаман деган эпопеяларда ҳам, шу нуқтаи назардан, ўқувчида бирмунча зериктиш ва “совиш”лар бўлиб туриши сир эмас.

Шу боис китобхонни зериктириб қўймаслик, муталаадаги эҳтиросни тушириб юбормаслик учун катта полотнодаги асар ёзган адиблар образлар тасвиридаги теранлик ва

чукурлик, сюжетдаги қизиқарлиликдан ташқари, уларни китобхонга инъом этишга оид композицион қурилиш ва тузилишдаги жозобага алоҳида эътибор берадилар. Шундай экан, композициядаги муваффақият, умуман, асар муваффақиятини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бўлиб чиқади.

Тетралогиянинг ҳар бир китоби Соҳибқирон ўғилларидан бирининг номи билан аталишида ёзувчининг ўзига хос композицион “сири” ҳам яширин. Ҳар бир китобда ўқувчи унинг номидан келиб чиқиб, шу қаҳрамонни чуқурроқ ва теранроқ излай-излай, унга янада яқинлашиш умидида асарни ўқиб қўйганини сезмай қолади. Ўқувчи ҳар бир асарни ўқиш жараёнида шу китобга номи қўйилган қаҳрамондан ташқари, у билан чамбарчас боғлиқ – асосан, эпопеянинг меҳварини ташкил этувчи бош қаҳрамон ва унга туташ бошқа персонажлар ҳамда воқеаларга сингиб кетаверади. Бу композицион йўл, бир тарафдан, ўқувчининг асарга ўзи сезмаган равишда қизиқишини янада кучайтирса, иккинчи томондан, уни эпопеяга қўйилган умумий номда ўз ифодасини топган етакчи бадиий-ғоявий марказга пайвандлаб, бош қаҳрамон дунёсидаги меҳвар томон етаклайверади ва пировардида, Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар ана шу қасрнинг Соҳибқирон қалбидаги тўрт устун бўлгани англаб етилади. Машҳур роман-эпопеяларнинг аксар муаллифлари бадиий адабиётнинг бу юксак жанри типига қаҳрамон ва бошқа кўплаб поэтик унсурлардаги янгиликлардан ташқари, айниқса, композицияда номён бўлувчи ўз янгиликларини олиб киришга алоҳида эътибор берадилар. Фикримизча, Муҳаммад Али ҳам “Улуғ салтанат” билан улкан бадиий полотнонинг роман-эпопея турига композиция масаласида ўзига хос янгилик олиб киради.

Ўқувчи ҳар тўрт китоб номидаги ёзувчи мақсади даражасида акс эттирилган қаҳрамонлар билан таниша бориб, пировардида, эпопеянинг умумий номида ўз ифодасини топган салтанат ва унинг бунёдкори образини топиши бизга Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”идаги Семурғни излай-излай, ниҳоят, излаганлари ўзларидан иборат эканини англаб етиш жараёни жо бўлган композицион тузилишни ёдга солгандек бўлади.

Бундан ташқари роман-эпопеянинг тўрт китобдан ташкил топиши, уларга Соҳибқироннинг тўрт ўғли номи қўйилиши, умр ва табиатнинг тўрт фаслдан иборат экани, умуман, тўрт рақамида тажассум топувчи тетралогия ниҳоясида берилган ёзувчи дунёқарашидаги фалсафий мушоҳадалар “Улуғ салтанат” композицияси, шакли ва мундарижаси хусусидаги тасаввур ва тушунчаларимизга тугал яхлитлик бағишлаб туради.

Роман-эпопея томирига сингиб кетган ва асар эпилогда ифодасини топган тўрт рақамидаги фалсафий мақсадга ёзувчи тетралогия ёзишга киришувдан ўн йил чамаси аввалги мақолаларидан бирида дуч келишимиз адибнинг асар тузилишига узоқ йиллар мобайнида тайёрланиб борганини кўрсатади.

Муҳаммад Али Соҳибқирон ҳақидаги асарга тайёргарлик асносида наинки муҳим тарихий манбалар ва масалалар, балки ўрни келганда, ҳатто унга дахлдор бир сўзга ҳам баъзан алоҳида эътибор беришга интилади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари аввалида хорижлик ва ўзбекистонлик бир гуруҳ киночилар Амир Темур ҳақида кўп қисмли бадиий фильм яратиш тараддудига тушадилар. Бошқалар қатори асар матнини ўқишга жалб этилган Муҳаммад Али сценарий ниҳоятда саёз ва баъзи йўналишлари хато эканини ўнлаб далиллар асосида исботлаб беришдан ташқари, ундаги икки сўзга алоҳида аҳамият қаратади. Сценарийда Соҳибқирон табиатини ёритишда “олов” ва “шамол” сўзларига урғу берилибди. Уларнинг бири моҳиятан “ёндирмоқ”, иккинчиси эса “совурмоқ” маъноларини билдириб, Соҳибқироннинг ҳақиқий тарихий қиёфаси учун зиддир, деб хулоса чиқаради Муҳаммад Али.

Амир Темур шахсига нисбатан ишора қилинганда бундай сўзлар эмас, бунёдкор, раиятпарвар, адолатпарвар, ҳақгўй деган маъноларни ифодаловчи сўзлар унга тарихан мос келади, деб хулоса чиқарган эди адиб. Ва мана шу қарашлар тахминан ўн йилдан сўнг чоп этила бошлаган “Жаҳонгир Мирзо” романи томирларига сингиб кетганини ва, умуман, кейинги китобларда ҳам “Улуғ салтанат” бадиий концепциясининг етакчи йўналишларига айланганини кўраимиз.

“Улуғ салтанат”га 1370-1405 йиллар оралиғидаги тарихий давр асос қилиб олинади, сўнги китоб хотимаси ундан тўрт йил ўтгандан кейинги шароитларда Шохрух Мирзо ҳокимияти замонидаги манзаралар тасвири билан яқунланади.

Бу моҳиятан, Амир Темур ўтиши билан унинг салтанати тугамагани, балки бардавом эканига ва эпикнинг модерн тарзидаги бадиий талқинлари замирида бу салтанатнинг илғор ва тараққийпарвар аънаналари ҳозирги – шу кунги ҳаётимиз билан туташиб кетишига ишорадир.

Таъкидлаш жоизки, эпопея “Улуғ салтанат” деб номланса-да, ёзувчининг мақсади Темурбек асос солган салтанатнинг қудратию довуғини, унинг оламшумул аҳамиятию шон-шавкати, Амирнинг лашкарбошилиқ шухратию ҳарбий юришлари ва улардаги ғалабаларни тасвирлашдан иборат эмас. Бу масалаларнинг муҳим нуқталарини ўрни-ўрни билан ёритган ҳолда асосий эътибор, шуларга асос бўлган бош қаҳрамон – Соҳибқирон Амир Темур образини, унинг сафдошларини ҳамда шаклланишида муҳим роль ўйнаган айрим замондошларини, фарзандлар, оила аъзолари ва яқинларини, мухолифларни, дўстларни ва қатор темурийзодалар қиёфасини давр ва замон, муҳит ва муаммолар билан узвий бирликда тасвирлашдан иборатдир.

Нима учун ёзувчи Темурбекнинг болалиги ва ёшлигини ҳам унинг бошқа босқичлардаги ҳаёти каби атрофлича тасвирламайди? Бунга алоҳида бир жилд ажратилиши ҳам мумкин эди-ку, шунда биз бош қаҳрамон образи билан унинг 25 ёшидан бошлаб эмас, умуман, ёшлигидан ва бутун умри мобайнидаги қиёфаси билан танишган бўлар эдик, деган мушоҳада уйғониши мумкин.

Бунинг сабабини икки нуқтаи назар билан изоҳлаш мумкин. Биринчиси шуки, адиб бош қаҳрамонини болалигидан то умрининг охиригача тасвирлашни мақсад қилиб қўйган эмас. Унинг асосий мақсади, Амир Темур ҳаётининг тарих буюк Амир Темур деб билган даврини, яъни мамлакатни мўғул босқинчиларидан озод қилиш учун курашга кирган, юрт бошини бирлаштириб, марказлашган давлатга асос солган ва уни мустаҳкамлаш учун кураш олиб борилган даврдаги қиёфасини тасвирлашдир. Иккинчи сабаб, ёзувчининг навбатдаги – бошқа бир ижодий лузуми (принципи)га бориб боғланади.

Роман-эпопеяда лирик ҳамда лирик-романтик услуб муҳим ўрин тутса-да, унинг асосини реалистик услуб ташкил этади, дейиш мумкин. Бунинг далили сифатида шуни айтиш жоизки, Темурбекнинг 25 ёшларгача бўлган ҳаёти ҳақида тарих ҳақиқий ва асл, дейлик, Соҳибқироннинг ўзи ва темурийзодалар назаридан ўтган манбаларга эга эмас. Борларининг аксари тўқима, уйдирма ва ривоят характеридадир. Ёзувчи, ўқилдизини асл манбалар асосига қурилган тарихий ҳақиқат ташкил этувчи роман-эпопеяга бош қаҳрамоннинг шундай – тарихан аниқ маълумотлар билан тасдиқланмовчи болалиқ ва ёшлиқ даврини тасвирламаганининг сабаби шунда. Алишер Навоийнинг муҳаббати ҳақидаги аниқ тарихий маълумотларга эга бўлмагани учун буюк адибимиз Ойбек ҳам “Навоий” романида шундай йўл тутган эди. Яъни асарга унинг ёруғ, ўтли йўналишларидан бирини ташкил этиши мумкин бўлган шоир ва унинг севгилисидан линиясини киритмади. Адиб бош қаҳрамон севгиси ва севгилисига оид манзаралар йўқлиги асарни ўқишли қилишга жиддий соя ташлаши мумкинлигидан ҳайиқмаган, усиз ҳам асар жозибаси ва романнинг бош реалистик кучини сақлаб қолишга эришган эди.

Ҳозирги учқур ва тезкор, вақт ниҳоятда тиғиз, бадиий адабиётга ихлос йилдан-йилга камайиб бораётган замонда тетралогия ёзиш шартмиди, унинг ўқувчилари топилаармикин, деган иштибоҳ ҳам бўлиши мумкин.

Қисқа муддат ичида тўрт китобдан иборат бу асарнинг иккинчи бор нашр этилаётгани бундай шубҳага асос йўқ эканини кўрсатади. Ҳозиргача жаҳон миқёсида ҳамда Мустақилликдан сўнг кўллаб ўзбек адиблари томонидан бу улуғ сиймо ва темурийзодалар шахси, тарихининг муайян қирраларигина ёритилганини, ушбу эпопея эса, бадиий адабиёт тарихида бу сиймо ва уни қўршаган муҳит, давр, муаммолар бу қадар кенг бир яхлитликда, чуқур акс эттирилаётганини, иккинчи бир томондан, Амир Темурдек сиймо ва у билан боғлиқ тарих тасвири наинки тўрт, балки ундан ҳам кўп жилдли эпопеяларда яратилишга муносиб эканини ва тарихда яратилаётган бундай илк бадиий асар ишқибозлари Ўзбекистондан ташқари жаҳоннинг кўпдан-кўп мамлакатларида топиладигани эмас, балки оз эмаслигини назарда тутсак, фикримизча, юқоридагидек шубҳага ўрин қолмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Асосий гап асарнинг ҳажми ва саноғи эмас, унинг бадиий миқёси ва даражасида. “Улуғ салтанат” бу борадаги талаблар синовидан ўта оладиган асардир. Дангаса китобхон ҳамма замонларда топилганидек, ҳажмидан қатъи назар, ҳар қандай ҳақиқий, етук бадиий асарнинг фидойи ўқувчилари барча замонларда топилади.

Бунинг устига, Муҳаммад Али “Улуғ салтанат”ни атайлаб чўзиб, тўрт китоб қилмаганини, балки, аксинча, Соҳибқирон ва темурийзодалар ҳаёти, тарихига оид деяри қирқ йиллик давр кечинмаларини лирик ва эпик тасвир қиёмларида бадиий зарурат билан ўрин алмаштирган ҳолда ниҳоятда ихчам ва сиқик тасвирлашга интилганини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Бунинг тасдиғи учун бир мисол келтириш билан кифояланиш мумкин, деб ўйлайман. Темурийлар даври тарихининг кичик ва қисқа даврига оид бир муҳим муаммо ҳамда унга алоқадор қаҳрамонлар дунёси ва дунёқарашини тасвирлашнинг ўзигаёқ адиб икки жилдлик “Сарбадорлар” романини бағишлагани, тўрт китобдан иборат “Улуғ салтанат”да ёзувчи лирик ва эпик тасвирнинг анчагина сиқик ва ихчам услубини қўллади, дейиш муболаға эмаслигига асос бўла олади.

“Сарбадорлар” романи эсланар экан, шоир Муҳаммад Алининг носир сифатида бўй кўрсатиши билан алоқадор бир ноёб ҳодиса ҳақида икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади.

Бадиий ижодда ажиб парадокслар учраб туриши маълум. “Мен шеърни, шеъриятни умуман хуш кўрмайман”, деган экан Л.Н.Толстой қайси бир ўринда.

Л.Н.Толстойдек даҳо санъаткорнинг насрдан шеъриятга ўтиши мумкинлигини тасаввур этиш у ёқда турсин, уни ҳатто хушламагани ажаб ҳодиса эмасми? Не-не қалам усталарини биламиз: айримлари шеъриятдан насрга, қай бирлари насрдан шеъриятга ўтиб турган. Бу жараённинг ўзига хос сир-асрорлари, сабаблари бор, албатта. Лекин бу жараённинг муҳим бир қонунияти мавжуд. Тажриба қуйидан юқорига, соддадан мураккабга қараб боради. Дейлик, насрга ўтиш кичикроқ жанр, хусусан, ҳикоядан бошланиб, сўнг қиссада давом эттирилади. Тегишли тажриба орттирилгач, романга ўтилади.

Муҳаммад Али ижодида эса, бу қонуният бузилади. Насрга ўтиш жараёни салкам фавқулудда равишда рўй берди. Шеъриятда катта тажриба орттирган шоир насрга ўтар экан, бу йўналишдаги иқтидорини ҳикоя ёки қиссада синаб кўрмай туриб, бирданига роман жанрига қўл урди. Бунинг устига, дастлабки журъат учун насрдаги катта жанрнинг дилогия шаклини танлади. Романнинг замонавий эмас, тарихий турига мурожаат этди. Устига устак, ўзбек адабиётида шу вақтгача қўл урилмай келаётган мураккаб муаммо, давр ва қаҳрамонлар тақдирини бадиий акс эттирди.

Икки жилддан иборат “Сарбадорлар” романи шу тариқа пайдо бўлди ва китобхонлар томонидан ҳам, танқидчилар томонидан ҳам илиқ қарши олинди. Чиндан ҳам ноёб дейишга арзигулик ҳодиса эмасми?

Тўғри, жаҳон адабиётининг нодир эпик намуналаридан бири “Рамаяна”ни ўзбек тилига ўгириш, “Машраб”, “Гумбаздаги нур” каби дostonлар орқали ўзбек халқи тарихидаги муайян босқич ва қаҳрамонларни бадиий гавдалантириш ҳамда “Боқий дунё” шеърий романи билан тарих, давр ва замондошларни кенг, эпик планда акс эттириш борасида Муҳаммад Али салмоқлигина тажриба орттирганди. Лекин уларнинг бари шеърий шаклга дахлдор тажрибалар эди. Насрнинг, яна денг, эпик шаклдаги катта насрнинг мураккаб талаблари ва қонуниятлари бўлиши барчамизга аён.

Адиб “Сарбадорлар”да ўз олдига қўйган мақсадга эришди ва катта насрнинг дастлабки катта имтиҳонидан муваффақият билан ўта олди. “Улуғ салтанат”ни ёзишга у ана шундай ижодий муваффақиятлар оғушида кириб келди...

“Улуғ салтанат”нинг ўзига қайтайлик.

Асарнинг ҳар тўрт китобда муаллиф усталик билан қўллаган яна бир композицион ва услубий ўзига хослик борки, у компас табиатини ёдга солади.

Компаснинг муқим, турғун ҳолатидаги кўрсаткич белги (стрелка)си мудом шимол томонга ишора қилганидек, “Улуғ салтанат”даги воқеалар, асосий ва етакчи қаҳрамонлар келажак сари силжиб борадилар. Бироқ компас вазифаси фақат шимолгина эмас, вақти-вақти билан уни қўлда тутган киши йўналишидаги ўзгаришларга монанд дунёнинг бошқа турли томонларини кўрсатганидек, роман-эпопеядаги воқеалар, образлардаги ўзгариш, бойиш, янгиланиш ва ҳоказолар фақат ёзувчи истаги билангина эмас, асардаги бадиият талабларидан келиб чиқиб, бадиий мантиқлар асосида турли томонларга гоҳ ўтмиш, гоҳ келажак, гоҳ бугун ҳамда турли жуғрофий томонларга ўзгариб туради. Композициянинг бундай қурилишини ишга солишда, услубни бу тарзда намоён этишда муаллиф учқур хотира ва хаёл, шу ондаги севинч ва соғинч, абадий орзу ва армон, зоҳирий шодлик ва азоб туйғулари ифодасидан бисёр, баракали фойдаланади.



Бу шунчаки юзага келган йўсин бўлмай, адиб томонидан обдан ўйлаб амалга оширилган йўлдир. Яъни бу ёзувчининг асосий мақсади, улкан тарихий воқеалар, жангу жадаллар, салтанат қудратию турли мамлакатлар забт этилишини кўрсатиш эмас, уларни муайян маънода бадиий фонга ўтказиб, асосий эътибор шу фондаги мақсадни ҳаракатга келтиришдир. Инсон – Соҳибқирон ҳамда унинг атрофидагиларни, узоқ-яқинда у билан муносабатда бўлган кишилар қалбини, уларнинг ички дунёсини тасвирлаш адибнинг асосий мақсади бўлганини кўрсатади.

Бу ўринда ёзувчи Амир Темури ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар; Сароймулкхоним, Мир Саййид барака, Муҳаммад Султон, Халил Султон, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим ва бошқа ўнлаб образлар тасвирида – уларни ҳаёл ва хотира, қувонч ва азоб, орзу ва армон воситасида кўрсатишда “онг оқими” усулини унумли қўллайди. Бадииятдаги “онг оқими” дейилганда, биз кўпинча ва дарҳол Ғарб модернизми, хусусан, Кафка, Пруст, Жойс, Фолкнерларни ёдга оламиз. “Онги оқими”нинг ўзига хос миллий, адабиётдаги ўзбекона кўринишлари бўлиши мумкинлигига “Улуғ салтанат”нинг тўрттала китобини ўқиб, ишонч ҳосил қиламиз. Бу ўринда, айниқса, Амир Темурнинг ўнлаб ички монологлари ўрнининг бадиий кўркемлиги, фалсафий теранлиги билан ажралиб туришини таъкидлаш керак.

Манбалар далолат беришича, Амир Темури – Оллоҳ ягона экан, инсониятни ҳам ягона подшоҳ бошқармоғи керак, деган нуқтаи назарда бўлган. Ҳозир бундай қараш қораланади, шухратпарастлик сифатида баҳоланиши мумкин, баҳоланган ҳам. Лекин бу – тарихан, Амир Темури сиймосида шухратпарастлик эмас, Амир дунёқарашидagi нуқталардан бири эди. Муҳаммад Али Соҳибқирон дунёқарашидagi бу фикрни улуғламайди ҳам, рад этмайди ҳам. Амир бундай қарашда бўлганини, бир жиҳатдан йўл-йўлакай эътироф этади, иккинчи бир жиҳатдан, асарнинг бадиий қатларига сездирмайгина сингдириб юборади. Бундай муносабат, асосийси, бош қаҳрамоннинг тўлақонли, реал тарихий образини яратишда асқотади. Ҳозирги кунга Соҳибқирон дунёқарашидagi бу фикр тўғри келмайди, деб адиб бу нуқтага эътибор бермаганида ёхуд, дейлик, қаҳрамон табиатидаги бу иқлим яшириб ўтилганида нима бўларди? Амир Темури қиёфасидagi қудрат нуқталардан бири нурсизланарди, холос. Зеро, биз Темурбек сиймосига буткул бугунги кун нуқтаи назаридан эмас, унинг ўз даври нуқтаи назаридан ҳам муносабатда бўлмоғимиз лозим. Муҳаммад Али тетралогиянинг барча китобларида шу принципда бўлади. Бу ҳол бош қаҳрамонни, айниқса, идеаллаштиришга йўл қўймаслиги жиҳатидан ҳам муҳимдир. Кези келганда таъкидлаш жоизки, адиб Соҳибқирон Амир Темурни идеаллаштиришга йўл қўймасликка алоҳида эътибор беради. Адиб қаҳрамон табиати ҳамда қатор темурийзодалар, шаҳзодалар феъл-атворидаги камчиликлар, хатоларни кўрсатишни унутмаганига тетралогиянинг ҳар тўрт китобида гувоҳ бўламиз. Ёдингизда бўлса, улкан рус адиби Алексей Толстой Петр I ҳақидаги тарихий романида буюк рус реформаторининг камчилигию шухратини бор қиёфаси билан ҳаққоний тасвирлаган, лекин Иван Грозний ҳақидаги драматик асаридида шоҳ образини бирмунча идеаллаштиришга йўл қўйган эди. Муҳаммад Али ўзигача катта жанрларда ижод этган бу каби машҳур адиблар тажрибасидан юқоридаги каби масалаларда тегишли хулосалар чиқара олди.

Ёзувчи Муҳаммад Али “Жаҳонгир Мирзо”, “Умаршайх Мирзо”, “Мироншоҳ Мирзо”, “Шохрух Мирзо” романларининг ҳар бирида Соҳибқирон ва уни қуршаган қаҳрамонлар образини шу тариқа нуқрадек-нуқрадек маълумотларни асарга олиб киришгина эмас, уларни ўз қарашлари ва тасвиридаги бадиий нурлар орқали тўйинтириб боради.

Темурибек ҳамда у билан алоқадор шахслар, воқеаларга доир аниқ тарихий ҳақиқатлардан чуқур хабардор бўлмаган китобхонга бош қаҳрамон образидagi ижобий бўёқлар бирмунча қуюқлаштириб юборилгандек таассурот қолдириши мумкин. Масалан, айрим ғанимларнинг такрор-такрор кечирилавериши ва феълдаги шунга яқин хусусиятлар тасвири ҳақида шундай дейиш мумкин. Лекин Амир Темури феъл-атвори тарихан ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, адиб нима қилсин? Бу феъл-атвор кўплаб аниқ тарихий манбаларда, шунингдек, “Тузуқлар”да ҳам эътироф этилган. Шибирғон волиси Зиндачашм Опардий тўрт-беш марта, Тўхтамишхон ҳам бир неча марта хиёнат қилишига қарамай, Амир Темури уларни кечирган ва ноиложликдан кейингина қурол-аслаҳани ишга солган. Шу маънода, бадиий тўқимада ҳам, реаллиқни сақлашда ҳам ёзувчи тарихий ҳақиқатдан узоқлашмасликка ҳаракат қилганини таъкидламоқ лозим.

Бироқ шу ўринда бир масала келиб чиқади. Қаҳрамон феъл-атвори ва воқеалардаги айрим маълумотлар нечоғлик тарихий манбаларга асосланган бўлмасин, нечоғлик гўзал ва муҳим бўлмасин, ёзувчи уларга керагидан ортиқ даражада бисёр урғу беравермасин, бошқа барча атрибутларда бўлгани каби бу масалада ҳам бадиийлик меъёрини сақлаши зарур кўринади. Акс ҳолда, ҳатто ҳаётий ва тарихий ҳақиқат ҳам китобхонда бўёқнинг керагидан ортиқроқ даражада қуюқлашуви бўлиб туюлади. Ахир, гўзал чехрага ҳам бўёқнинг меъёрдан ортиқ даражада ишлатилиши ҳуснга тўғри таъсир этмаслиги мумкин. Демак, бадиий асарда аниқ тарихий ва ҳаётий фактлар тасвирланганда ҳам тарихий ва ҳаётий ҳақиқат бадиий ҳақиқатни босиб кетмаслиги керак.

“Улуғ салтанат”ни ўқиш давомида сиз Соҳибқирон Амир Темурдан ташқари аёллари: Сароймулкхоним, Туман оқа, Дилшод оқа, Улжой Туркон оқа, Тўкал хоним, Турмиш оқа, Чўлпонмулк оқа; ўғиллари: Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шохрух Мирзолар; қизлари: Оқа бегим хоним, Султонбахт бегим, набиралари: Муҳаммад Султон, Халил Султон; эгачиси Қутлуғ Туркон оқа; язнаси – Амир Довуд дуғлат, пири Мир Саййид Барака; даврадош, биродар лашкарбошилари: Амир Жоку Барлос, Амир Сайфиддин неқўз, Амир Сулаймоншоҳ, Аббос Баҳодир, Шайх Нуриддин Баҳодир; ғанимга айланган дўстлари: Амир Ҳусайн, Тўхтамишхон ҳамда бошқа турли-туман тахлитдаги қаҳрамонлар дунёси билан танишамиз. Уларнинг аксари тўрттала романда иштирок этадилар. Роман-эпопеяни ўқиш мобайнида улар хонадонингизга йиллар давомида кириб-чикиб юрган фарзандларингиз, қариндош-уруғларингиз, таниш-билишларингиз, гоҳ яқин, гоҳ узоқ бўлиб юрган кишиларингиздек бўлиб қоладилар. Тўғри, уларнинг барчаси ҳам индивидуал қиёфа жиҳатидан доим ҳам ёдингизда сақланиб қолавермаслиги мумкин. Бироқ булар ва улардан ташқари, деярли ярим аср мобайнида ҳаракатда бўлган яна юзлаб персонажларнинг шарт-шароитлар таъсири ва хронотоп бирлиги; дунёқараш ва феъл-атвордаги муттасил янгиланишлар, силжишлар, ўзгаришлар замирида тасвирланиши, муаллифнинг жиддий ютуғидир.

“Дунё аҳлини бахтли қилмоққа бел боғлаган Соҳибқирон ўз фарзандларини бахтли эта олдим – мана шундай инсоний муаммолар диққатимни ўзига жалб қилди, буни тадқиқ этиш тарихнинг эмас, адабиётнинг вазифасига киради”, дейди Муҳаммад Али суҳбатлардан бирида. Бу фикр замирига шошилмай, чуқурроқ кириб борсак, унинг замирида жуда катта фалсафий маъно жо эканини англаймиз. Бу фикр бизни яна бир бор эпопеянинг тўрт китоби нима учун Соҳибқирон фарзандлари номи билан аталиши сабабининг бир учидан воқиф этгандек бўлади.

Асарни ўқиб, ёзувчи мана шу улкан муродга ета олганининг гувоҳига айланамиз.

Ёзувчи тўрт китоб мобайнида тарихий жараёнларни акс эттириш, қаҳрамонларини тасвирлаш билангина кифояланмайди, шулар замирида уларни бадиий таҳлил этади. Бу таҳлил нозик китобхон тахайюлини асарнинг ҳужайралари билан боғлаган равишда умуман, ҳаётнинг, яшамоқ сир-синаотларининг, дунёда шу вақтгача бирор инсон на қўли билан ушлаш, на кўзи билан кўришга муяссар бўлмаган “бахт” деган тушунчанинг, турли-туман маънолардаги азоб-уқубатлар моҳиятию умр қандай бўлмасин, ўткинчи экани ва шунга қарамай, инсон зоти учун мудом мўътабар бўлиб қолавериш ҳақидаги йй-хаёлларга йўллайди.

Ёзувчи тарихий жараёнлар, қаҳрамон ички дунёсигина эмас, баъзан ҳатто, алоҳида бир сўз, бир исм бадиий таҳлиliga ҳам эътибор берганини кўрсатиш учун кичик бир мисол келтириш ўринли.

Манбаларда Жаҳонгир Мирзо онасининг исми Нурмиш, баъзан “Нурмушк” тарзида ёзилади. Биринчисидаги маънони ўқиш мушкулроқ. Иккинчи шаклдаги ёзувда маъно бирмунча аниқлашади. “Мушк”нинг, яъни ўтмишимиздаги машҳур мушки анбарнинг нури.

Адиб асарига тарихий қаҳрамон образини киритар экан, унинг исмига ижодий муносабатда бўлади. Котиблар, чамаси, сўз бошидаги “то” ҳарфини “нун” тарзида янглиш ўқиган бўлишлари мумкин, дейди адиб суҳбатларидан бирида ва бу исмнинг асоси “Турсун”, “Турди”га дахлдор бўлиб, аслида, “Турмиш” маъносида қўллангандир балки, деган фикрни айтади. Балки шундайдир, эҳтимол, “Турмуш”, “Ҳаёт” маъносидадир, майли, ҳозир, асосий гап бу ҳақда эмас. Асосий гап, ёзувчининг ўз қаҳрамонлари тақдири, сажиясигина эмас, уларнинг, ҳатто исмини ҳам бадиий таҳлил этишида. Қаҳрамоннинг ўзи билан бир қаторда, кези келганда, унинг исмини ҳам ҳаётга, турмушга яқинлаштиришга ҳаракат қилганида.

“Улуғ салтанат”нинг ҳар тўрт китобидаги бадиий бўёқлар жаҳон адабиётидаги мумтоз роман-эпопеялар тажрибасидан ўтган тасвирнинг романтик, реалистик ва мифологик усуллари уйғунлигига; тарихан аввалги босқичда ижод этган машҳур адиблар қатори замондош устоз ёзувчиларнинг маҳорат мактаби ҳамда ўзимизнинг буюк достонларимиз анъаналаридан тортиб, шу кунги ёзма адабиётимизда намоён бўлаётган модерн тасвир усулларига тутшиб кетади.

Жумладан, Темурбекнинг Хонўғлон лақабли оти талқинида, бир тарафдан, Алпомишнинг Бойчиборига яқинлик сезилса-да, тасвирда, аслида, Чингиз Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари”сидаги жонивор тимсолида инсондаги меҳрнинг чексизлигига ишора таъсири кўпроқ намоён бўлади. Ёки “Гўрўғлон ва Онабўри” эртаги тасвиридаги мифологизмнинг реалистик тасвир мақсадига бўйсундирилишида ҳам Чингиз Айтматовнинг Тошчайнар ва Акбаралар тасвирига юкланган бадиий принципларнинг ишга тушишини кузатамиз. Гап бу ерда мифологизмлардан фойдаланишдаги ўхшашликда эмас, балки бош образлар талқинида, улар руҳияти ва ички дунёси ҳамда характерини очишга бўйсундирилган ижодий принципларнинг яқинлигида. Зеро, Муҳаммад Али Темурбекнинг Хонўғлонга чексиз меҳрини шунчаки тасвирлабгина қўяётгани йўқ. Унинг бу тасвир замирига “яширган” бошқа, катта мақсади ҳам бор. У бениҳоя меҳр қўйган, йигитлик шон-шавкати ва ғурури билан яхши кўрган Хонўғлони Тўхтамишга ҳада этиб юборади. Тарихан маълумки, йигитнинг отга меҳри, садоқатини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Темурбекдек йигитларнинг султони шундай қилибдими, демак, унинг Тўхтамишхонга оталарча меҳр-муруввати бўлакча. Ана шу даражада ўзига яқин деб билгани Тўхтамишхон эса, келиб-келиб, кимга-кимгаки, Амир Темурга хиёнат қилади. Хиёнат қилганда ҳам, номардларча унинг салтанатига тажовуз этади. Амир Темур эса бу қилмишни кўра била-туриб, уни кечириб учун журъат-жасорат топа олади.

Кўраяспизми, битта отга муносабатда ёзувчи ўз қаҳрамони табиатидаги нечоғлик буюк хислатларни очиш томон силжиб бормоқда. Қаҳрамон образини чизишдаги бундай маҳорат ва бадиий мантиқ китобхондаги сеҳрланишни ортттиради. Аксар қаҳрамонлар образини эътироф эмас, шу тарзда таҳлил ва тасвир орқали кўрсатиш тетралогиянинг кўпдан-кўп саҳифаларини безаб туради.

Тошкент шаҳрининг марказидаги майдонлардан бирида буюк Амир Темурга ўрнатилган маҳобатли ҳайкал қад ростлаб турибди. Ўрнатилажак бу ҳайкал лойиҳаси муҳокама қилинганида Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: **“Соҳибқироннинг юзидан нур ёғилиб туриши керак. Эрталабми, кечқурунми, кун чиқиши, ё ботишидами, унинг чеҳрасида нур бўлиши керак”**.<sup>1</sup>

Амир Темур сиймоси акс эттирилган асар ҳайкал бўладими, шеър, достон, роман ёхуд тасвирий санъат асарими, қатъи назар, бу Соҳибқирон шахсига нисбатан ниҳоятда топиб айтилган улуғ фикрдир. Зеро, Амир Темурнинг инсоният учун, ўзбек халқи ва Ватани учун амалга оширган ишлари ҳам, ўзи ҳам нур билан йўғрилган эди. Шундай экан, унинг сиймосини акс эттириш мақсад қилиб қўйилган ҳар қандай асардан, авваламбор, нур таралиб турмоғи зарур.

Ёзувчи Муҳаммад Али қаламига мансуб “Улуғ салтанат”да ажиб нур бор. Кўҳна мозий ва Соҳибқирон сиймосида тажассум топган бу нурларни адиб маҳорати бугунги кун билан туташтиради. “Улуғ салтанат”ни ўқиш туфайли орттирган маънавий бойлигимиздан таралгувчи нур кўнглимизни ва йўлимизни ёритиб туради...

<sup>1</sup> “Амир Темур – фаҳримиз-ғуруримиз”, – Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 137-бет.

## НАЗМ

**Ўроз ХАЙДАР**

1957 йил туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг география факультети қуруқлик гидрологияси бўлимини тугатган. “Кўёш ўтови”, “Куйловчи тошлар”, “Рухафзо”, “Фалак фаввораси”, “101 сонет”, “Аксиома”, “Оқ соя”, “Кечиккан фасл” (сайланма) ва бошқа қатор шеърый, “Икки ўлим”, “Эн” номли насрий китоблари чоп этилган. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти “Посбон” газетаси бош муҳаррири.

## ХАКНИНГ КЎЗЎСИДА ХАР НЕКИ АЁН

**СЕВГИ**

Кабутардек ялангоч бу тош  
Ўз ичига қараб учади.  
**Имант ЗИЕДОНИС**

Севилмак – олий шон, белгисиз белги,  
Севилмаслик – жоду, маҳлиёликдир.  
Дўзах гулига-да, нур тутар севги,  
Нурларнинг оҳанги жонга моликдир.

Кетасан кетгунча, оёқ етгунча,  
Бошингда учгунча, қўлларинг – қанот.  
Кетасан, кетасан, нурда йитгунча,  
Осмон пойингга-да тўшайди банот.

Ортингдан югурар дарёлар, тоғлар,  
Замин ҳам қалбингга қушдай учади.  
Кўёшнинг кўксига қорайган доғлар  
Девор шувозигдай жимжит кўчади.

Янги сайёрасан коинот аро –  
Севги сайёраси – жаннат гўшаси.  
Озод бир инсонсан – ишққа фуқаро,  
Сенга бегонадир фано гуссаси.

Маҳдудлик – бегона, риё – бегона,  
Расолик қалбингга илдиздир, ўқдир.  
Сен бугун дунёда шоҳсан – ягона,  
Муҳаббат бўлмаса ҳеч нарса йўқдир.

\* \* \*

Бугун хизматингда тоғ ҳам, дарё ҳам,  
Буюргил, пуркайди атрини гуллар.  
Қуёш чодирини тикади хуррам,  
Ушқиргил, дум ташилаб қочади йўллар.

Қўлинг чўз, юлдузга тегар бемалол,  
Ойни доирадек чалишинг мумкин.  
Бугун топажакдир қаршингда, алҳол,  
Сендан ўз эркини тиланса мўмин.

Бахт қуши лол-караҳт, тўкади патин,  
Худди туғилгандай қадр кечаси.  
Мана, қолдирмоқда янги кун хатин –  
Бугун топажак деб ҳамма қибласин.

### СИР

Баъзи бир қўйчивон бўридан баттар,  
Сурувига қўйинг қўшилса агар.

Сўраб-суриштирмай тамгалаб қўйгай,  
Эни<sup>1</sup> биздандир деб даъво ҳам қилгай.

Сенинг ўзмирилигинг баҳоси бир чўп,  
Қутулиб бўлибсан, демай кўр-чи, хўп.

Мабодо, сурувинг қўшилса борми,  
Ўзингни ос, кўрсанг дарахтми, дорми.

Яшамакни истаб қолдингми бу пайт,  
Туяни кўрсанг ҳам, кўрмадим деб айт.

Танимаганга ол, сурувинг таниб,  
Сўнгра юрмайдирсан ёниб, ўртаниб.

Қўйларим бир-бирин еб қўйибди де,  
Фалакнинг ишига йўяқол буни.

Ёлғиз тасалли шул, қулоқ солгил бир,  
Одамзод умри ҳам байтулҳазандир.

Магар ҳис этмасанг ўзингни одам,  
Ҳеч кимга айтмагил кимлигингни ҳам.

### РУҲСИЗЛИҚДА

Бир сўз айтинг овутмоқ учун,  
Бу сўз бўлсин тош каби қаттиқ.  
Лек момиқдек мулоийм тегсин,  
Ўртамасин юракни оғриқ.

Товуш берсин ҳар бир ҳужайра,  
Қиш ўртаси очилган гулдай.  
Илдизларин ўзи юлқиб-да,  
Бирор дарахт боқмасин тулдай.

Куч тополсин чумоли ҳатто,  
Ишорани зимдан уқмоққа.  
Ўт ичида қолган ерни то,  
Ўт ичидан судраб чиқмоққа.

\* \* \*

У ўзини севар, севмас ўзгани,  
Ҳатто хотинидан рашиқ қилар ўзин.  
Оғринар дўстига қўлин чўзгани,  
Қоғозга ўрайди ҳар айтар сўзин.

Ўзининг раҳмини егани-еган,  
Қучоқ оча билмас аёлига-да.  
Мен ишқдан баландман дегани-деган,  
Қолса ҳам севгининг уволига-да.

Ўзини кўзгуга солгиси келса,  
Икки кўзин чиппа юмиб олади.  
Билади – кўзгуда акс этар соя,  
Соясидан ўзин таниб қолади.

### ГИНА

Чолу кампир хушхон суҳбат қурарди,  
Ҳар гапдан ер сапчиб, девор нурарди.

Қайданам ечилди чолнинг қалб тили,  
Зайнабга тутганин айтди ишқ гулин.

Кампири тўмрайди, чол бурди гапни:  
– Ёшлик – бебошлик-да, чойдан қуй, қани?

Кампир оловланди: – Астароқ бақир,  
Чой ичгинг келдим, Зайнабни чақир.

Чол-чи дудуқланди: – Ҳазиллашувдим,  
Тилимдаги ўша шайтонни қувдим.

Қалбга дарз тушганди аллақачоноқ,  
Тугунни тугунлаб уйганча қовоқ,

Тўнғичиникига йўл олди кампир,  
Чол тилин чайнаб дер: – Бу сенга камдир.

Элик йил айтмаган сирни айтдинг-а,  
Қайданам ёшликка бир зум қайтдинг-а?

Ишқдаги сирингни сир тутиб ҳар дам,  
Айтма экан зинҳор-базинҳор ҳеч ҳам.

<sup>1</sup>Эн – чорва моли қулоғига қўйиладиган белги.

\* \* \*

*Бир кун икки кўр йигит севиб қопти бир қизни,  
Бири дермиш хўмрайиб: – Ҳинатаверма кўзни.*

*Кўзингни ўйиб олғум, унга қарасанг, номард,  
Юриб кўр-чи бир қадам, ўрага тушинг, албат!*

*Иккинчиси нолирмиш: – Ишқдан кўзинг кўр бўпти,  
Қармоғимда ўйнатғум, жигимга тегма, хўпми?*


*Асонгни тортиб олсам, қани, унда нетасан,  
Йўлингни тополмасдан, қуппа-қундуз йитасан?!*

\* \* \*

*Номағлумман дема, мағлумсан азал,  
Мағлум бўлгай шаклинг ноаниқликда.  
Оғу дея ичсанг, оғудир асал,  
Қушман десанг, озод учгайсан кўкда.*

*Лутфингда аёндир бору йўқлигинг,  
Қарамлиг қилсанг ҳам парда ортидан.  
Қуёшдан марҳамат қутмагил, лекин,  
Мақбара қурсанг ҳам ернинг остидан.*

*Ҳақнинг кўзгусида ҳар неки аён,  
Осмоннинг қудрати жамдир жимликда.  
Авайлаб ўзингни бекитма шоён,  
Мағлум бўл ва лекин номағлумликда.*



*Истеъдодли ва меҳнатга муҳаббатли одам учун ҳеч қандай  
тўсиқ йўқ.*

*Л.Бетховен*



## НАЗМ

### **Зокиржон МАМАЖОНОВ**

1972 йилда туғилган. Андижон Давлат университети филология факультетида ўқиган. 1999 йилда Шаҳрисабзда бўлиб ўтган ижодкор ўқитувчилар анжумани иштирокчиси.

Шеърлари матбуот саҳифаларида ҳамда “Талаба таронаси”, “Инсон ва шам”, “Муборак дамлар” тўпламларида эълон қилинган. Илк шеърий тўплами “Согинч” номи билан нашр этилган. Ҳозирда Андижон Давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.



## ДУНЁНИНГ ДАРДИГА ДУНДИ ДАРДЛАРИМ

\* \* \*

Дунёда дўстман деб лоф урган сероб,  
Ёрнинг ишқидан ҳам кўнгил тўлмайди.  
Дўстим азоб берди, ёр қилди хароб,  
Ўзингдан ўзгаси чин дўст бўлмайди.

Ўғлим деб, қизим деб, яшар одамзод,  
Бироқ ўғлимиз ҳам ўғлин ўйлайди.  
Қизимиз қизим дер, бу кўҳна одат,  
Ўзингдан ўзгаси чин дўст бўлмайди.

Буюк зот саналур – падарбузруквор,  
Ўйлаймиз: “Отамиз ҳеч ҳам ўлмайди”.  
Бир кун ташлаб кетар йиғлатиб зор-зор,  
Ўзингдан ўзгаси чин дўст бўлмайди.

Онамнинг дуоси доим паноҳим,  
Онанинг меҳридай меҳр бўлмайди.  
Бироқ, Сен раҳмону раҳим – Оллоҳим,  
Ўзингдан ўзгаси чин дўст бўлмайди.

Ўзингдан ўзгаси чин дўст бўлмайди.

\* \* \*

Дилимни ўртайди ажиб бир согинч,  
Юрагим сиқилар, ҳаво етмайди.  
Ҳижрон азоблари тинч қўймайди, тинч,  
Сизни эсламасам, куним ўтмайди.

Бундан минг йил аввал учраган туйғу:  
Ҳамон азоблайди, ҳамон кетмайди.  
Кунимда ҳаловат, тунда йўқ уйқу,  
Сизни эсламасам, куним ўтмайди.

Сиз жуда гўзалсиз, сиз – моҳитобсиз,  
Дийдорингиз кўз олдимдан кетмайди.  
Мушитдай юрагимга – улкан азобсиз,  
Сизни эсламасам, куним ўтмайди.

Дилимни ўртайди ажиб бир согинч,  
Юрагим сиқилар, ҳаво етмайди.  
Ҳижрон азоблари тинч қўймайди, тинч,  
Сизни эсламасам, куним ўтмайди.

\* \* \*

Тушларимга ташириф буюрган чоғинг,  
Васлингдан бошларим кўкка етади.  
Субҳидам ўғирлаб ўтли нигоҳинг,  
Шамоллар – шайтонлар олиб кетади.

Сендай парирўйдан айрилган оним,  
Кўзимни кўзингмас, илонлар чақар.  
Ҳижронга эргашиб кетади жоним,  
Тушларимдан эса, қон сизиб чиқар.  
Сен

гўзал эмассан,  
барибир,  
қуёш!

\* \* \*

Муҳаббатнинг мақтовлари тўйдирди-я,  
Тақдир мени ўзга ёрга суйдирди-я.  
Шодлигимдан бошим кўкка етган куни  
Бармогимни тилло узук куйдирди-я.

Бу дунёда ишқнинг турфа хилин кўрдим,  
Фаҳшнинг севги сўзин айтган тилин кўрдим.  
Қайсар Қайсни саҳроларда адаштирган  
Муҳаббатнинг доим вайрон дилин кўрдим.

Тилло узук куйдирди-ей бармогимни,  
Ғам-аламлар қуршаб олди ҳар ёғимни.  
Хаёлимда ҳар лаҳзада ҳузурингга  
Ҳали-ҳамон тарк этмадим бормогимни.



\* \* \*

*Дун дунё дардлари дардимга дўнди,  
Дунёнинг дардига дўнди дардларим.  
Ададсиз армоним – юлдузим сўнди,  
Энг сўнги умидим узди бандларин.*

*Йилларга алданиб, йишлар андалиб,  
Мен каби кўзидан қонлар томади.  
Бўм-бўш юрагимни ногора қилиб,  
Оламнинг оҳларин куйга солади.*

*Дун дунё дардлари дардимга дўнди.*

### **ТЎРТЛИКЛАР**

*Дўст каби дўст бўлгин, дўст бўлсанг, эй дўст,  
Мен эт, сен нўст бўлгин, дўст бўлсанг, эй дўст!  
Қувонсам қувонгин, дард чексам йишга,  
Бекаму кўст бўлгин, дўст бўлсанг, эй дўст!*

\* \* \*

*Бу дунё бозордур, чин харидор бўл,  
Дийдор талаб бўлсанг, тунлар бедор бўл.  
Дардни сотиб олгил, бедардликдан қўрқ,  
Доим фақир, мискин, гариб, бемор бўл.*

\* \* \*

*Йўл олис, йўл яқин, йўл... Ҳақ билгуси,  
Умримиз озми ё мўл, Ҳақ билгуси.  
Ношукур, нокасмиз, билимсиз, нодон,  
Фосиқмиз ё гумроҳ, ё гўл, Ҳақ билгуси.*

\* \* \*

*Бадарга севгимнинг севгисин излаб,  
Оҳу кўзларингга кўзим тушиган он,  
Нотавон кўнглимни янчиб, эзгилаб,  
Юрагим от қўйиб, чопар сен томон.*

### **ТУЮҚНАМО**

*Ҳамма дўстлар ўтар чин дўст, чин дўст ўзи,  
Ҳамма дўстдан ўтар чин дўст, чин дўст ўзи.  
Ҳамма дўстни дема чин дўст, чин дўст ўзи,  
Ҳамма дўстдан ўзи чин дўст, чин дўст ўзи.*

\* \* \*

*Лайли бирдур, Мажнун кўп, англамадим, қайси Қайссан,  
Ҳар ким бўлсин суюкли Лайлисининг Қайси, Қайссан?  
Нотавонмас, сохтамас, чин ошиқсан, биламан,  
Сўрса, айтгум: “Ҳақиқийси қайси Қайс?” “Сан?”*

## НАЗМ

**Хурсандбек ТЎЛИБОВ**

1985 йилда туғилган. Бердақ номидаги ҚДУнинг ўзбек филологияси факультетини битирган. Ажсиниёз номидаги НДПИ магистратура бўлимида таҳсил олган. Алишер Навоий номидаги СамДУ аспиранти. Ижодий ишлари “Амударё ҳақиқати”, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” газета-журналларида эълон қилинган. Ўттизга яқин илмий-публицистик мақолалар муаллифи. “Адабий тафаккурдаги эврилишлар”, “Исажон Султон ижодий портретида чизгилар” номли рисоалари чоп қилинган.

## ЮЛДУЗЛАРДАН СЎРАЙМАН СЕНИ

### САВОЛ

Тақдир бешафқатми ёки мен ўзим,  
Йиллар сўрогидан кўнгиллар зада?  
Тап-тақир саҳрода қолдим севгим,  
Имкон йўқ, мадор йўқ қадам ташлашга.

Борлиқ хазон бўлди, не учун билмам,  
Хотирам қаърида ишқнинг видоси.  
Ҳаётда сен учун яшайман, десам,  
Юракка ким солди бундай савдони?

Қашқирлар макони, атрофимда жам,  
Кимдир мазах қилар, кимдир юпатар.  
Бу ёруғ оламда муҳаббат, десам,  
Ғанимлар қўлимга огу тутқазар.

Тун ҳам ботиб кетди, борлиқ зулумот,  
Сингиб кетаяпман билмам қайларга?  
Ёлғиз саҳро экан билсам коинот,  
Айтаман ичимда сирим Оллоҳга.

Кузми бу? Баҳорми бир бутун борлиқ,  
Сариқ япроқларда ойнинг сурати.  
Билсанг, дилимдаги оғирдир оғриқ,  
Шуми севган дилнинг мангу қисмати?

Ҳаёт бешафқатми азизим, ҳаёт,  
Шодлик не эканин кўрмай кетурман?  
Яшар юрагида ишқ бор барҳаёт  
Ва сенсиз мунгли куй бўлиб ўтурман.

\* \* \*

Тун дедим, зулматга ташилама, эй дил,  
Мени зулмат домидан ўзинг қутқаргил.

Йўлимни ёритгин, шафқат қил менга,  
Оҳимни эшитгил, ҳайрат бер менга.

Келишдан не мақсад? Кетишдан не наф?  
Сенинг дунёнг сирли, мен-чи, ҳар тараф.

Меҳрибон волидам меҳридан бергил,  
Согиндим, ёнимга согиниб келгил.

Ё сенсиз дунёдан савоб кутай мен,  
Савоблар ичра бир жавоб кутай мен.

Куйларим бор эди жонимни ёққан,  
Сўзларим бор эди зулматдан қочган.

Не дейман борлиққа сочилган сирлар,  
Хурсандинг дардига борми шериклар?

### СЕНИНГ ЁДИНГ ҲАҚИДА СЎЗЛАР...

Биламан:  
тугадим,  
тўхтадим.  
Сенинг ёдинг билан ўсмоғим бордир.

Сенсизлик –  
ёлғизлик,  
чарчадим.  
Ҳар бир нигоҳингда тўхфа – озордир.

Қайрилиб,  
қизиқиб  
боқмайсан.  
Негадир ўзимни паст урдим?

Севгилим,  
согиндим  
билмайсан.  
Куз келмай, соб бўлдим, букилдим.

Ўзимга,  
сўзимга  
қайтдингми?  
Ҳеч қурса бир сўзга таинаман.

Согиндим,  
согинчинг  
айтдингми?  
Мен сени кутаман, кутаман.

\* \* \*

“Ўқсиб-ўқсиб ахтараман нур”,  
Юлдузлардан сўрайми сени?  
Кимсаки бор беролмас ҳузур,  
Беадоғ ўй қийнайди мени.

Баҳор келди. Юлдузим баҳор,  
Сенга бошлар йўллар гуллайди.  
Фанимлардан етмоқда озор,  
Тангрим билар, ҳеч ким билмайди.

Орзу нима, недир саодат,  
Неча кунки ғам ботди кўзга?  
Ишқи борлиқ, қайда адолат,  
Етолмасман юлдузим кузга.

Эзиламан кунлар ўтмасди,  
Сен ёдимга тушасан шу он.  
Қийналишим одам билмасди,  
Бир вужудда қадримиз арзон.

Сен – маъносан, овунч малҳами,  
Сен – дунёнинг сирисан дилдор.  
Йиғлай-йиғлай ахтариб сени  
Рухим кўкда кезар умидвор.

“Ўқсиб-ўқсиб ахтараман нур”,  
Ўтиб кетган сониялардан.  
Қимса борки беролмас ҳузур,  
Ўсиб кетдим мағлубликлардан.

Дўстим ўзинг, најот фариштам,  
Дунё – армон, дунё – ёлғизлик.  
Юрагимда юрак ўзингсан,  
Мени қийнар доим сенсизлик.

### ТУРФАЛИК

Инсон қисматининг кўчалари кўп,  
Яхшию ёмону қилчалари кўп.

Бир кунда дунёни айланиб қайтар,  
Инсонлик шарафи сайланиб қайтар.

Баҳорга сир очган кимлар қолмади,  
Саратон изиллаб, сўзлар ёнмади?

Бир йўлда талашар бир кўнгил учун,  
Бир кўнгил талашар бир йўллар учун.

Қай тўпроқ Ватан дер, таниб таъмини,  
Ерга топширадир озриқ вазнини.

Кимнинг хатосидан кимдир унадир,  
Қарасанг, дунёмиз ҳам турфа-турфадир.


Айтишар нолаю оҳдан бир шингил,  
Фақат юракларда улғаяр кўнгил.

Замоннинг дардини ортмоқлайди ким,  
Яхшини юксакка чорлайди билим.

Турфалик бор, асли, табиатда шон,  
Шундан нусха олиб яшайди инсон.

Лек кўнгил турфалик тўнин кийса ҳам,  
Унга ярашади кўнгил деган ном.

## ШЕЪРИЯТ – ТАҲЛИЛ КЎЗГҮСИДА



### Нурбой ЖАББОРОВ

1966 йили туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. Филология фанлари доктори, профессор. Ғазолий, Огаҳий, Фурқат асарларини тадқиқ қилиб, қўлёзма манбалар асосида илмий изоҳлар билан нашр эттирган. Олий ўқув yurtлари учун “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслигини ёзишда қатнашган. “Маърифат надир?” рисоласи ҳамда ўзбек мумтоз, миллий уйғониш ва замонавий адабиёт муаммоларига доир 400 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабон мақолалар муаллифи.

## ЗУЛФИҚОР РУҲ ОРЗУСИ

Муайян ижодий концепциясига эга бўлган шоир ёки адибгина адабиёт оламида муносиб эътироф қозона олади. Ижодий концепция, ўз навбатида, ижодкорнинг адабий-эстетик идеалида тўлақонли намоён бўлади. Жумладан, чинакам шоир шеъриятга фақат ўзигагина хос талаблар асосида ёндашади; ижодда қатъий мезонларга таянади, ундан заррача ҳам огишмайди; юсак идеалларни куйлайди; шеърияти ва шахси мутаносиб келади. Шавкат Раҳмон ана шундай шоирлардан.

У шеърият, адабиёт оламига ўтган асрнинг 70-йилларида – мураккаб ва зиддиятли бир даврда кириб келди. Кўнгил кўзи, тафаккури очиқ одамларга, ижодкорларга осон бўлмагани аён ўша кезлари. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи сингари забардаст шоирлар туфайли миллий шеърият яшасинчилик кайфиятидан халос бўлиб, асл илдиэларига – инсон моҳиятини, миллат руҳиятини инкишоф этиш йўлига қайтган эди ўша даврда. Ҳақиқий шеъриятдан баҳрамандлик, фақат бугина эмас, Худо берган туғма истеъдоди боис Шавкат Раҳмон ўзининг шахс ва ижодкор сифатидаги йўлини аниқ белгилаб ола билди. 1975 йили ёзган бир шеъридаги мана бу мисралар ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Кўзингизни очинг, қўрқманг,  
Зиёдан қамашсин, оғрисин, майли,  
Майлига, яшамак бўлсин қийинроқ  
Очиқлиги туфайли...*

*Қийнанг, ўз ҳолига қўйманг юракни  
Яшамаслик учун юраксиз...*

Муқаддас ҳислар чўкиб бораётган, гўзал туйғулар, орзулар қадрсизланган истибдод замони эди у давр. Шоирнинг тили “кескир сўзлардан”, нозиктаъб дили изтиробдан қонагани сабабини тушуниш мумкин. Қалбларини зулмат босган, бир-бирини алдаб, бир-бирининг мотамидан шод кимсалар ҳоли унга азоб берди. Ўсишдан тўхтаган, дидига оламни мослаган, келажак ташвиши бир ёқда қолиб, ўзининг ташвишин ростлаган кишилар аҳволига ачинди. Унинг фикрича: “*Чидамак мумкинмас, мумкинмас сира, Ҳамоқат ҳайқирса, боқилса ўғри. Фаҳш юрса, менман, деб тоза, бокира, Тўғрилиги учун қийналса тўғри*”. Кимсалар бўғизларида мумдек қотиб кетган сасларни, улуғвор бошларини минг йиллаб кўтаролмай ётган касларни кўрганда шунинг учун ҳам қалби

ҳасратларга тўлди. Жамики тирик зотнинг ўз табиатига хиёнат қилмаслигини хоҳлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ичдаги хоинни – нафсу ҳавони, ҳирсу ҳасадни, буғзу адоватни ўлдирмоқ зарурлигини англади, англитишга уринди. Оламни кўнгил кўзи билан кўришга ундади, одамларни жаҳолат макрига алданиб қолишдан эҳтиёт бўлишга чақирди. Хаёлларни чакмоқ каби ёритувчи лаҳзаларга интилди.

*Содиқ қолдим табиатимга,  
яшамадим юз хил турланиб –*

деган сўзлари унинг “шахсияти шеърига кўчганидан” (Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон таъбири) далолат беради. Унинг шеърятга талаби ҳам ана шу шахсиятдан келиб чиққанини кузатиш мумкин:

*Шоирнинг йўли бу – дунёнинг йўли,  
У башар қалбида ловиллаган оҳ –*

деб ёзган эди у бир шеърда. Дарҳақиқат, ижоднинг табиати асли шундай. Фақат ўзини, ўз нафсинигина ўйлаган худбин шунинг учун ҳам ҳақиқий ижодкор даражасига кўтарила олмайди. Ўзгалар дарди бутун кўлами билан ҳис этилган ондан бошланади ҳақиқий ижод. Чин шоир шу боис ҳазрат Алишер Навоий йўлини тутди: “...ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмайди” (Хондамир таъбири).

Ижодкор ҳамма қатори бўлишга ҳақли эмас. Табиийки, бошқа одамларга хос кўпгина хусусиятлар унга ҳам хос. Фарқи, у ўз манфаатинигина ўйлай олмайди. Ўзгалар дардини ҳам ўзиникидек қабул қилади. Наинки қабул қилади, гўзал бадий шаклда, таъсирчан сўзлар воситасида назмга солади. “Башар фожиасини, миллат фожиасини ўз фожиаси билиб ўртанган шоир ҳақиқий шеър бахтига муяссар бўлади. Шеър ёзиш ўлим билан юзма-юз туриб гаплашган билан баробардир” – ўзи белгиллаган ана шундай мезонларда туриб ижод қилди Шавкат Раҳмон. Қуйидаги мисралар шеърятнинг ана шу юксак талабидан келиб чиққанлиги билан аҳамиятлидир:

*Шеърят,  
халажруҳ паризод,  
учдингми кичкина дунёга,  
кўндингми кундалик ёвғонга...*

*Энтикиб сўйлайсан шамолга:  
орзулар чечаги сўлди, деб,  
бурди йўқ кимсалар қўлида  
бағри қон,  
бағри қон бўлди, деб.*

Кичкина дунёга учишга, кундалик ёвғонга кўнишга шеърятнинг ҳаққи йўқ. У заминнинг дардини осмоний руҳда куйламоғи керак. Муҳиблар қалбида гўзал туйғуларни уйғотмоғи, орзулар чечагини гуллатмоғи зарур. Бу чечак бурди йўқ кимсалар қўлида поймол этилиб сўлса, бағри қонга тўлса, шеърятнинг ҳам парвози сўнади. Бундай ҳолда (Худо асрасин) ижодкор шеърятдек пок бир поэтик воқелик олдида мулзам бўлади, табиийки, унинг кўзига қарай олмайди. Мана бу мисраларда ана шу оғир дарднинг, ана шу чўнг изтиробнинг образли тасвири берилган:

*Оғирдир кўзингга қарамоқ,  
кўзларинг,  
ўлдирар кўзларинг...*

Сўз – инсонга ато этилган неъматларнинг энг улуғи. Олам яралишининг боиси ҳам, одамзод ҳаётига маъни бағишлаб турган ҳам – сўз. Айрим неъматлардан айрилса, инсон кўп нарса йўқотмаслиги мумкин, мабодо, сўздан жудо бўлса, ҳамма нарсасини бой беради; ҳаётида маъни қолмайди. Шунинг учун ҳам сўзга бўлган эътибор юксак даражада бўлмоғи шарт. Сўз аҳлининг мартабаси шу боисдан ҳам чандон баланд. Модомики шундай экан, ижод аҳли сўзларнинг сараларини сайламоққа масъул. Шавкат Раҳмоннинг:

*Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,  
сайладим сўзларнинг  
сараларини... –*

дейиши сабаби ҳам сўз деган неъматнинг нечоғлиқ улуғлигини теран ҳис

этганлиқдан. Унинг “нондай зарур, қиличдай кескир сўзлар” излаши боиси ҳам шунда. Шоирликни у шунинг учун ҳам “жасорат сўзининг таржимаси”, деб билади.

Ижод, ижодкор ва сўз масъулияти ҳақида фикр юритилар экан, муҳим бир жиҳатни таъкидлаш керак: китобхонга чақмоқдек таъсир этиши учун сўз ҳақиқат оловидан тафт олмоғи зарур. Асарларида шоирнинг “ўз қалби, қиёфаси, аъмоли ва ботини акс этмоғи” (Баҳодир Карим таъбири) лозим. Ана шу шарт бажарилмас экан, сўз аталмиш беқиёс неъмат исроф қилинган бўлади; бундай асардан на жамиятга фойда етади, на унинг муаллифига. Чинакам ижодкор буни эътибордан соқит қила олмайди. Шавкат Раҳмон – ҳақиқатпараст шоир. Мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Энди ишлаш керак бу кенгликларда,  
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,  
токим буюк тоғлар салтанатида  
эзилган бошларни қиличлар кессин.*

“Қасам” шеърдан олинган бу сатрлар шоирнинг собит эътиқодидан, қатъиятидан дарак беради. Ижодкорнинг ижодкорлиги шундаки, у ҳамма биладиган, ўрганган ҳақиқатларни такрорлашдан тийилади. Дунёга ўзгача нигоҳ, теран назар билан қарайди. “Эгилган бошни қилич кесмас”, бу – халқимизнинг машҳур мақоли. Мустабид тузумнинг ададсиз жабридан, ўзи мансур бўлган миллатнинг аянчли қисматида изтиробда бўлган ижодкор бу нақлни ўзгартирмоқ истади. Бу буюк тоғлар салтанатида, яъни бир замонлар дунёнинг катта қисмига ўз ҳукмини ўтказган, тараққиётнинг юксак даражасига эришган, муаззам тарихга эга заминда миллатнинг ақлли бошлари ўзига адолатсизликни шиор қилган, ўзгалар юртига эгалик қилиш илинжида бўлган, ҳавойи нафсининг қулига айланган тубанлар олдида эгилмаслигини хоҳлайди. “Эгилган бошларни қиличлар кессин”, деган кескин хулоса замирида ана шу моҳият мужассам.

Истибод замонида яшар экан, Шавкат Раҳмон озод руҳли барча ижодкорлар сингари она халқининг оғир қисматида ачинди; унинг дардига малҳам излади. Шеърлари азбаройи шоирлигини кўз-кўз қилиш, истеъдодини ўзгаларга намойиш этиш учун ёзилган эмас. Аксинча, у миллатнинг фожиасини юракдан ҳис этди, унинг ёруғ кунларга етишмоғини орзу қилди – туйғулари шеър ўлароқ қуйилиб келди. “Шоирлик касб эмас, – деб ёзган эди у, – шеър ҳам ботмон-ботмон ёзилавермайди, ёзилиш сабаби бор, яради-соати бор. Шеър буюк севинчдан ёки буюк фожиадан дунёга келади, танҳоликда яралади, танҳоликда ўқилади”.

*Сўзларни қайрайлик,  
дўстлар, жўралар,  
ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:  
яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин  
болакайлар учун очайлик....*

“Ёш ўзбек шоирларига” шеърда у навқирон истеъдодларга қалб даъватларини ифодалади. Шунчаки рангсиз, таъсир кучидан маҳрум сўзлардан на миллатга, на ижод аҳлига наф етмаслигини уқтирмоқ истади. Сўзларни қайраш – ана шу муддао ифодаси. Ғафлат – инсоннинг ўсишдан, жамиятнинг тараққиётдан маҳрум қолиши белгиси. Шоирнинг: “Ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик”, дея хитоб қилиши сабаби шунда. Яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларини очиш – ижоддан кўзланган бош мақсад. Бусиз бадий асарнинг бирон-бир аҳамияти қолмаган бўлар эди. Зеро, адабиёт одамларнинг ҳиссиётига, руҳиятига, шуурига таъсир этмоғи, жамиятнинг маънавий юксалишига қанот бағишламоғи зарур. Акс ҳолда, у зиммасидаги вазифани бажармаган бўлади. Мана бу поэтик хулосада ана шу теран моҳиятнинг бетакрор талқини кузатилади:

*Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,  
ўткир сўз қолмаса...  
ҳеч нарса қолмас.*

Шавкат Раҳмон миллат ўзи орзу қилган истиқлолга эришган даврда, таассуфки, оғир хасталикни бошдан кечирди. Вужудидаги беморлик унинг эмин-эркин ижод қилишига имкон бермади. Ҳақсевар бир шоир сифатида замондошларининг диёнатли, орли аждодларга муносиб бўлишини, сохта шуҳрат, таъма ҳақида хаёл сурмаслигини истади. Халқлар ўз ўтмишларидан инжуларни зарралаб-зарралаб терган пайтида биз шамолда ногоҳ очилиб қолган жавоҳирларни ҳам қайта кўмганимиздан, буюк Турон кенгликларида ҳадсиз хазина ер остида ётганидан ачинди. Бу маънавий хазина

юксак бир оламга туташ зина эканини эслатиб, буюк тарихимиздан кенгроқ миқёсда фойдаланишимиз зарурлиги ҳақида куйиниб ёзди. Ижодкорнинг ҳар дақиқани ғазаб билан, севги билан тўлдириб, дунёдаги барча қора нарсани ёруғ лаҳзаларда ўлдириб яшамоқ ҳақидаги образли фикрлари замирида бир олам маъно бор. Мана бу бадий умумлашма эса, ўқувчи қалбига титроқ солади: “Мен ўзи қандай яшайман, ҳаёт тарзим виждон ва ҳаққониятга уйғунми?!” сингари саволлар шеърият муҳиби кўнглида беихтиёр ғалаён кўтарилишига сабаб бўлади:

*Токим  
Бош кўтариб қарай қуёшга,  
Токим кўзларимда ёнсин ҳақиқат,  
Токим тош мисоли тегмасин бошга  
Мен яшай олмаган  
Ҳар бир дақиқа...*

Шавкат Раҳмон шеъриятида қуёш, нур, тоғ, вақт, дарахт сингари тимсоллар кўп қўлланган. Бу тимсолларнинг ҳар бири замирида теран моҳият мужассам. Жумладан, “қуннинг ўткир пичоғи”, “қуёш тиғин ўткир зарби”, “қуёш каби пориллаб турган сўз”, “ўзга сайёралардан ёруғ саломлар айтгани ҳолда бизни зулматга ташлаб кетадиган нур”, “буюк тоғларнинг чўккан боши”, “ердан ўсиб чиққан тирик тоғлар”, “сабру иродадан тўралган тоғлар”, “оппоқ кўйлагини ечиб, яшил гулли кўйлагин кийган вақт”, “бири – бекорчиликдан, бири – жаҳолатдан, бири – тўқликдан вақтни ўлдириб, қора қонига бўяганлар”, “гоҳ кундузни, гоҳ тунни кийиб, тинимсиз айланаётган фурсат”, “шоҳларида сўзлар пишган дарахт”, “сабр дарахтидай ўсган одамлар” сингари ташбеҳга, метафорага бой, образли тафаккур маҳсули бўлган мисралар бунинг исботидир. Теран моҳият ва бетакрор бадийнинг ана шундай уйғунлиги шоир назмининг барҳаётлигини таъминлаб келаётир.

*Зулфиқор руҳ керак,  
керак чин ёғду,  
чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин...*

“Зулфиқор” сўзи кескир, ўткир маъноларини ифодалайди. Бу сўз миллат тарихи, аждодлар эътиқоди билан боғлиқ чуқур мазмунни ўзида мужассам этади. Шавкат Раҳмон зулфиқор руҳ, чин ёғду ва чин ишқ ёлқинлари миллатнинг, унга мансуб ҳар бир шахснинг ҳаётий аъмолига айланишини орзу қилди. Моҳиятан, бу орзу ижодкорнинг бадий-эстетик идеалини, ҳаётий аъмолини белгилайди. Қатъий ижодий концепцияга таяниб ёзилган ана шундай асарлар, шубҳасиз, миллий адабиётни юксалтиради.



## МУАВЗАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

### **Шайх Фаридуудин АТТОР**

Улуғ мутасаввиф шоир Шайх Фаридуудин Аттoр тахминан 1148-51-йилларда Нишопурда туғилган. Аттoрликни касб этгани учун Аттoр тахаллусини олган. Шоирдан бир девон, “Асрорнома”, “Илоҳийнома”, “Мантиқ ут-тайр”, “Жавҳар уз-зот”, “Тазкират ул-авлиё” каби кўплаб улуғ сўфий шоирлар ижодига катта таъсир ўтказган тасаввуфий асарлари мерос бўлиб қолган. Аттoр 1219 йилда вафот этган.

### БИР АЁЛ ШАҲЗОДАГА ОШИҚ БЎЛГАНИ

#### **(“Илоҳийнома” асаридан парча)**

*Бор эрди бир ажиб шаҳзода, барно,  
Мунаввар хуснига ой эрди шайдо.*

*Уни ким кўрса, қувнаб бул шарафдин,  
Кўзини узмас эрди ул тарафдин.*

*Бу янглиг гавҳари офоқ эди, бас,  
Ки офоқ оҳ чекиб, ушшоқ эди, бас.*

*Ики қоши камон эрди ажойиб,  
Ки жон султони эшигида ҳожиб.*

*Кўзу мижгонини ким кўргай эрди,  
Муқаррарки, анга жон бергай эрди.*

*Қоши ёйини кимса кўрса бир бор,  
Бўларди жонини бермакка тайёр.*

*Тиш эрмас оғзида дур эрди яккаш,  
Ики лаъли ёнарди мисли оташ.*

*Хати ҳам қоши янглиг кўркаш эрди,  
Боқиб ошиқ, адо мен сенга, дерди.*

*Занахдонига ҳайрон эрди барча,  
Етолмай, кўнгли вайрон эрди барча...*

*Бор эрди бир аёл, чун бўлди ошиқ,  
Ки ошиқ бўлмашиди андин ортиқ.*



Ёниб ул ишқ аро саргашта бўлди,  
Куйиб, жону тани отаида бўлди.

Сошиб кул, тутди кул устида маскан,  
Кул эрди унга чун маъвойи гушан.

Куну тун йиғлар эрди, оҳ чекарди,  
Кўзидин қон тўкиб, эвоҳ чекарди.

Агар дашту далога чиқса ул моҳ,  
Аёл ҳам йўлга тушгайди ҳамоно.

Оти олдида тўпдек чарх урарди,  
Ўзи тўп эрса, сочи чавгон эрди.

Боқарди қайрилиб ул ой юзига  
Ва кўз ёшин тўкар эрди изига.

Таёқ ерди дамодам юз човушдин,  
Ва лекин нолимасди хўрланишдин.

Томошага чиқар эрди халойиқ,  
Кўрингиз, дердилар, не телба ошиқ.

Ҳама мардум анга чун лолу ҳайрон,  
Аёл шўрлик эса саргашта, сарсон.

Ва охир ҳаддидин чун ошди бул иш,  
Ва шаҳзода дилига тушиди ташвиш.

Деди: Ота, толиқдим можсародин,  
Халос этгил мени бу бедаводин.

Эшитди подшоҳ, амр айлади бот,  
Деди: Майдонни шайлаб, келтиринг от.

Сочидин ул аёлни отга бойланг  
Ва судраб, жисмини чилпора айланг.

Этинг ул шумни андоқ пора-пора,  
Унинг дардига жоиз бўйла чора.

Суринг, маст фил каби от судрасин то,  
Бу ишдин бор раият бўлсин огоҳ.

Шаҳу шаҳзода майдон сори юрди,  
Халойиқ тўпланиб, майдонда эрди.

Аёлнинг дардидин хунбор эди эл,  
Алар кўз ёшидин гулзор эди ер.

Сипоҳийлар аёл сочидин ушлаб,  
Чу элтмоқ бўлдилар от сори судраб,

Аёл шўрлик ҳамон юзланди шоҳга,  
Эшит арзимни деб, бўзланди шоҳга.

Мениким ўлдирарсен қақшатиб зор,  
Эшит, эй подшоҳ, бир ҳожатим бор..

Деди шоҳ: Гар десанг, қўй, олма жоним,  
Бу бўлмас, чун этибман қасди жонинг.

Сочимдин судрама деб, сўрмагил ҳам,  
Бу янглиг истадим қонингни тўксам.

Десанг гар: Бир нафас бергил омоним,  
Омонинг бергали йўқ бир замоним,

Ва шаҳзода била ўлтирмагайсен,  
Юзини этма орзу, кўрмагайсен...

Аёл дедик: Мен жон истамасмен,  
Омонлик бир замон ҳам истамасмен.

Демам: Отлар туёғи остида то  
Мени хор айлабон ўлдирма, асло!

Менинг жонимда бир орзу, ҳавасдир,  
У тўрт ҳожатга асло ўхшамасдир.

Чу истармен, муяссар бўлса буткул...  
Деди шоҳ: Сўйла менга, не эмиш ул?

У тўрт ҳожатдин ўзга не эса, сен  
Баралла айтавер, вожиб этармен.

Аёл дедик: Отга судратиб зор,  
Гар ўлдирмоқ тиларсен бўйла ночор,

Менга, эй подшоҳ, бир ҳиммат айла,  
Сочимни севгилим отига бойла.

Унинг оти оёғи остида жон  
Берар бўлсам, дилимда қолмас армон.

Унинг йўлида ўлмоқ менга пеша,  
Унинг кўйида қолгаймен ҳамиша.

Мени ўлдирса ёр, шукрона этгум,  
Муҳаббат шавқидин осмонга етгум.

Аёлмен, менда мардлик ончунон йўқ,  
Дилим хун, ўйлаким, жисмида жон йўқ.

Аёлни ўлдириб, жондин жудо эт,  
Вале, шул ҳожатин унга раво эт.

Бу сўздин шоҳ дили юмшаб, ёришди,  
Кўзидин оқди ёши, ерга тушиди.


Кечирди, қўшу айвонга жўнатди,  
Бағишлаб жонни, жононга жўнатди...

Аё, мард, бўлса бизга иштиёқинг,  
Аёллардин ўқи севги сабогинг.

Аёлдин кам эсанг ёки муханнас,  
Келиб, шу қиссани ҳам тингла бир пас...

**Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири  
Жамол КАМОЛ таржумаси**

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГҮСИДА



### **Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

*1961 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. “Товушсиз қадам”, “Теракка яқин юлдуз”, “Икки нур”, “Давсаман”, “Тинч гуллайдиган дарахт”, “Кундуз сарҳадлари”, “Соялар суҳбати” номли шеърый китоблари нашр қилинган. Германия Федератив Республикасида “Ich habe ein Selbst vergessen” (“Мен ўзимни унутдим”) номли шеърлар тўплами босилган.*

## **КОПЕТТОҒ Ортидаги СЕҲРИ ДИЁР**

Мен Москвага ёки Санкт-Петербургга саёхат қилмаганман. Тушимда бир гал Германияга бориб келганман, холос... Европани кўриш мен учун улкан орзу ҳисобланади. Эронга – яқин жойга борганман. Феруза шаҳарчасига... Дарвоқе, мазкур шаҳарча ўтган асрнинг қирқинчи йилларигача Эронга қараган, Сталин қайси бир шаҳарни форсларга бериш эвазига Ферузани собиқ СССРга қўшиб олган...

Эронга боришни жўшқин ўрус шоири, ўша сочлари жингалак, мовий кўз Сергей Есенин қанчалар орзу қилган! Озарбайжонга бориб, “Форс тароналари” отлиғ дурдона туркумини битган. Биз бу туркумини Эркин Воҳидов таржимасида, айнаи ўсмирлик чоғларимизда ўқиганмиз. Ёдламасак ҳам, идрокимизга ўрнашган айрим мисралар...

Копеттоғ чўққиларига тикиламиз. Устоз Матназар Абдулҳаким (Оллоҳ охиратини обод қилсин!): – Шу тоғ ортида Эрон бор, дейди. “Қара, шарқироқ сувларни кўр, асрий дарахтларни кўр, тоза ҳавони кўр... Тепаликларга чиқсанг ҳам ҳеч чарчамайсан – мусаффолик қувват беради юракка”.

Ёдга тушар Есениннинг мисралари:

**Ажойбсан, гўзалсан, Эрон,  
Лолаларинг бамисли чироқ,  
Улар менга олис бепоён  
Бир ўлкани эслатар ҳар чоқ,  
Ажойбсан, гўзалсан, Эрон!**

Тоғ ортидаги ғаройиб мамлакат... Ҳар қаричда битта тоғ....

Европалик шоирларни биламан, танийман. Америкалик шоирларни биламан, танийман. Аммо нега ўз илдизимиздан воқиф эмасмиз?! Ўзбек шеърояти форсий-туркий адабиёт тупроқларида униб, равнақ топган, деб ёзади америкалик олима. Боболарим – Шайх Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Мирзо Бедил айнан форс тилида қалам тебратганлар. Ҳаттоки, Огаҳийнинг форсий ғазаллари мавжуд. Аммо нега биз бу кунги форс шоирларини деярлик билмаймиз, танимаймиз. Копеттоғдан ўтиш шу қадар мушкул эканми?

Яқинда менга шоир, таржимон дўстим Жаъфар Муҳаммад ўзи таржима қилиб, нашр эттирган “Қирқ чироқ” баёзини тортиқ этди. Замоनावий Эрон шоирлари битикларига кўз югуртирар эканман, худди олтин топган қашшоқ одам янглиғ шодландим. Шеърлар қоронғи кўнглимда чироқ ёққан каби бўлди.

Америка, Колумбия, Янги Зеландия, Германия, Польша, Швеция, Чили, Эквадор, Коста-Рика, Греция, Аргентина, Бразилия, Финляндия, Россия, Чехия, Франция сингари ўнлаб мамлакатларда истиқомат қилиб, шеър битаётган шоирларнинг ажойиб мисралари ёдимда... Булар яратган шеъриятни заррача камситмаган ҳолда, шуни айтишим мумкинки, форс замонавий шеърияти миллий бўёқ, шеър руҳининг ғоят устун экани билан ажралиб туради.

Ўрта асрларда Эрон ва унинг ён-теварагидаги мамлакатлар цивилизация ўчоғига айланган, бутун дунёнинг кўзлари Осиёга қараган эди. XIX-XX асрларда мазкур ўчоқ Европага, ундан Америкага кўчди. Куч-қудрат, техника, илму фан жиҳатидан юксалган минтақалар аввалги ўчоқ чўғларини камситдилар. Бундан шеърият ҳам истисно бўлмади. Жаҳонни лол айлаган назмимиз Европа урҳоси остида қолди. Ана эндиги саъй-ҳаракат ўша кўланкалардан чиқишга қаратилади.

Бизнинг шеъриятимиз дунёнинг энг илғор юртлари назмидан қолишмаслиги айна ҳақиқат. Боиси, биз Алишер Навоий, Бедилу Машраб сингари улуғларнинг ворисларимиз.

**Асотирий Эрон қушлари –**

**Саъвалару**

**Булбуллариға**

**Хабар етказинг:**

**Гул –**

**Фалакнинг у чеккасиғача**

**Тўшалган гилам... – деб ёзади Мансур Авжий.<sup>1</sup>**

Қандай ёқимли, чиройли, нафис мисралар! Жуда кўп асрлардан бери аруз вазнига садоқат изҳор қилиб келаётган форс шеърияти шаклан европалашмоқда... Балки бундай эмасдир, балки олис мозийдаги шаклларга қайтилаётгандир?!

Биз жуда кўп нарсаларни унутдик, унутяпмиз. Ана ўша унутилиш ўрнида маломат тошлари пайдо бўлади. Чиройли, кўркли, хуснли ташбеҳларнинг тевақларида бақироқлар товуши эшитилади. Бу товуш аксариятни чалғитади, аксариятни тошбағир қилиб қўяди.

Европа буғуларининг шохидан ясалган қадаҳда ўз шаробларимизни ичаётган бўлсак, хўш, нима бўпти?!

“Қирқ чироқ”ни ўқимаганимга қадар мен Эрон шоирларини консерватор бўлсалар керак, деб ўйлаганман. Хато ўйлаган эканман. Форс шоирларининг ҳурфикрлиги менга ёқди. Уларнинг айримлари фоний дунёни тарк этгандир, эҳтимол, айна вақтда ҳаёт эканлари билан шахсан танишгим келди.

**Деразалар тагида туриб**

**шеърлар ўқигум.**

**Ҳар бир ола қарғага**

**бир арча бергум.**

**Илонга айтгум:**

**Қурбақалар нақадар гўзал!**

**Яраштиргум,**

**ошно қилгум,**

**йўл босгум,**

**нур егум,**

**севгум!**

Сухроб Сипехрий “Йўл-йўлакай салом” сарлавҳали шеърда шоирлик миссияси ҳақида сўз очади. Айниқса:

**Ҳар қандай тўсиқни ўртадан кўтаргум.**

**Қароқчиларга айтгум:**

**Табассум юкланган карвон келмоқда! –** сатрлари шоирнинг шунчаки оддий, сеҳрсиз банда эмаслигини изоҳлайди ва бу изоҳ шеър аввалидан охиригача бўртиб турибди. Яна бир шеърда дейдики:

**Денгизлар ортида бордир бир шаҳар**

**Унда нур сочувчи куёш кўлами**

<sup>1</sup>“Қирқ чироқ”. Форс тилидан Жаъфар Мухаммад таржимаси. – Тошкент, 2012. 53-бет. Мақоладаги бошқа шеърлар ҳам шу китобдан олинди.

**Азонда очилган кўзларга тенгдир.  
Шоирлар сув, ақл ва нурнинг  
ворисидирлар.**

Сипехрийнинг поэтик лафзи унчалик мураккаб эмас, аммо шеър руҳини англамак учун, аввало, европача тасвир усулларини ўрганиб чиқиш жоиз. Дейлик, шеърият руҳида тарбияланиб, шу руҳдан йироққа кета олмаган; бармоқ вазнига, ташбеҳларсиз, имо-ишорасиз шеъриятга кўниккан ўқувчи бундай шеърларга кўзи тушса, пешонаси тиришади. Лекин гап бундаям эмас! Кунимиздаги форс, Ўрта Осиё халқлари шеъриятидаги очиклик, эркин мулоҳаза юритиш тутуми уларга ёқимсиз туюлиши ҳам мумкин. Боиси, қафас темирлари йил ошиб исийди.

Сипехрий “ақл” сўзини нега “сув” ва “нур” орасига жойлаштирибди? Сув ҳам, нур ҳам ОЗОДЛИК рамзи. Ақл – Совуқ ақлдан ҳам шу мақомдаги Озодлик хаёлларини талаб этмаяптими шоир?

Қайсар Аминпур эса романтик хаёлларни, яъни рўёни қаттиқ сир сақлашни ўқувчига маслаҳат беради. Қуръондан иқтибос келтириб, мулоҳазаларини далиллайди: “(Отаси) айтди: “Эй ўғлим! Тушингни биродарларингга сўзлаб бермагин! Акс ҳолда, сенга қаттиқ мақр қилишади”. (“Юсуф” сураси, 5-оят.)

**Қайсар даъвати шундай:  
Фарзандим!  
Мусаффо рўёларингни  
Бундан сўнг  
Ҳеч кимга этмагин ошкор!  
Ҳаттоки, жигаринг бўлса ҳам улар.**

**Худо кўрсатмасин,  
Тушингни яна  
Қудуққа солсалар.**

Европа, Америка шоирлари шеър битарканлар, гўёки озодликдан ғашлангандек бўладилар. Боиси, озодлик ҳам бир кунмас бир кун одамнинг жонига тегади: тўсиқ қолмаган жойда ҳаракат сусаяди. Эрон шоирларида эса бунинг тескарисини кўраимиз. Улар озодликка талпинарканлар, тўсиқлардан зада бўладилар, уларнинг битикларида воқеликка нисбатан Исён юз очади. Исмоил Хўий ўша ҳаракат тасвирини чизади:

**Биз  
Хом куйганлар  
“Юракдаги пинҳон оташдан”  
Ўзимиз  
Ва душман кўзи учун  
Бор-йўғи, бир тутун тутатдик.**

Форс шоирлари ижодига хос хусусият – символ қуюқлиги бизга XIX аср француз шеъриятидаги тимсол образларни эслатиб юборади. Шамол, Дарё, Қуёш, Гул, Қуш, Япроқ, Нур, Сув, Тупроқ, Осмон образлари мен ўқиётган “Қирқ чироқ” баёзининг барча муаллифларига бирдек тегишлидир. Меҳди Ахавон Солис ашёлардаги муштарак руҳни қуйидагича ифода этади:

**Бўшлиққа лим тўлиб  
Лаҳзалар анҳори оқмоқда.**

**Тушда сувни, сувда тошни кўргувчи  
Ташна кўзадек  
Танийман: дўст ким-у, ким менга душман.**

Муҳаммад Мухторийнинг ифодаси эса қуйидагича:

**Кўзларим осмонда,  
Қалбим тупроқда  
Яратилдим мен.**

**Хаёлим  
Бугдойзорнинг ариқчасида**

**Оқиб кетди.  
Қоя ва дарахт билан  
Сухбатим бошланди,  
Қуёш ва экинзор билан  
Ёлғиз қолган ҳам эдимки,  
Бош кўтарди ўроқ бир четдан.**

Бу ўроқ, биз, ўзбекистонликларга жудаям таниш. Чунки Мовароуннаҳр ва Хуросон тарафларни бирлаштириб, ягона салтанат тузган Темурийлар қуёши ботганидан сўнг кучсизландик, Россияга қарам бўлдик. Бу орадаги тарих – кучсизлар, қувватсизлар тарихи. XX асрнинг ўн бешинчи йилларида, бундан юз йилча муқаддам назм майдонига чиқиб сўз айтмоққа киришган Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари мард ўзбек шоирлари ана ўша ўроққа рўбарў келган эдилар.

Ўзбекнинг янги шеърияти озод тафаккурдан ранг олиши муқаррарлигини Фитрату Чўлпон исбот қилиб кетган эдилар. Шеъриятдаги шовқин уларнинг амаллари бўлмади.

Шеър – санъатнинг бир тури. Шеърни англамак учун санъат қоидаларини англамак керак. Образни тушунмасанг – шеърни тушунмайсан... Шакл эса иккиламчи унсур. Бугунги кунда шеър ўқийдиганлардан шеър ёзаётганлар сафи кўпайиб бораётганининг сабаби – ҳақиқий китобларнинг муомаладан четга чиқиб кетганлиги. Сўз қадрсизланиши савия ўтмаслиги билан изоҳланади. “ЙЎҚ!” – деган инкорни айтмаяпмиз.

Сийқаси чиққан ўхшатишлар, оҳори тўкилган образлар, сақичдек чайналган ва чайналаётган мавзулар чарчатмасидан аввал ўқувчига адабиёт оламидаги синалган йўлларни кўрсатиб қўймоғимиз даркор. Дейлик, минглаб шеър шайдолари чин шоирлар асарларидан баҳраманд бўлишса, адабий шовқин-суронларнинг олди олинади.


Ўзлатнишинликни бас қилмоғимиз лозим. Ҳаттоки, консерватор адабиёт сифатида кўрилаётган туркман шеъриятида ҳам ёввойи оҳангларга дуч келасан. Зотан, форс замонавий шеъриятдан туркманларнинг таъсирланмаслиги мумкин бўлмаган ҳолат.

Бу кунги шоирлар ўзининг муқаддас миссиясини адо этмоқдалар. Уларнинг овозлари кўп асрларга етажак. Уларнинг асарлари тоза ва сирли. Худди Худо неъматлари каби. Худонинг улуғвор сифати Сайид Али Мирафзалий мисраларига яширинган:

**Чўлдан келганман  
Кўзларим  
Қумдан қолган хотиралар билан  
Тўлган.  
Булутим бўлгин,  
Юрагимни жумбушга келтиргин.  
Бизнинг шавқимиз  
Тупроқ ичида пинҳон.  
Эй, ёмғир!  
Қаерда бўлсанг ҳам,  
Нигоҳинг яшил!**

1989 йилда, устоз Матназар Абдулҳаким билан Ашхабодни кезиб, оёғимиз Феруза шаҳарчаси сари тортганида шу ёки шунга яқин туйғулар бизга ҳамроҳ бўлган эди. Ҳавоси мусаффо Феруза шаҳарчасини сайр қиларканмиз, Копеттоғ чўққиларига қарар эдик: Эронга бориш бизга насиб этармикан? Устоз Эронга сафар қилди. Мен эса... орадан йигирма тўрт йил ўтиб, “Қирқ чироқ” мутолааси боис хаёлан Эронга бордим. Шу афсонавий юрт булбулларининг сирли, сеҳрли, жозибали мисралари менга Эроннинг Осмонини, Дарахтини, Сувини, Тошини, Чангини... кўрсатдилар. Дарвоқе, бу сафарга сабабчи бўлган дўстим Жаъфар Муҳаммадга ташаккур айтаман.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК



Ойдин ТУРДИЕВА

## ЗАМОНАВИЙ ЭРОН НАСРИНИНГ МОДЕРНИСТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

### Аннотация

Мазкур мақола Эрон замонавий ҳикоянавислиги тарихи, ундаги янги тамойиллар масаласига бағишланган бўлиб, унда XX аср охири ва XXI аср бошлари адабиёти намуналари таҳлил қилинади.

### Аннотация

Данная статья посвящена истории новеллистики и анализу новых тенденций современного персидского рассказа. В частности, в ней рассматриваются произведения авторов конца XX – начала XXI века.

### Annotation

This article analyzes the history and new trends of modern Persian short story. In particular, it addresses the works of writers of the late twentieth century and the beginning of the XX.

**Таянч сўзлар:** Эрон насри, ҳикоя, реализм, модернизм, сюрреализм, характер, аёллар образи.

Асрлар мобайнида форс адабиёти ўзининг катта шуҳрат қозонган беназир шеърятни билан дунёга машҳур бўлиб келди. Маълумки, мумтоз форс назмий адабиёти жуда ривожланган бўлиб, унинг намуналари жимжимадор ташбеҳу муболагаларга бой ҳамда ўзига хос мураккаб санъатларни қамраб олган. Форс адабиётида шеърят билан бир қаторда бадий наср ҳам ривожланиб борди.

Умуман олганда, Эронда ҳикоянавислик тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Ҳозирги замон форс ҳикоянавислиги, (яъни янги типдаги ҳикоя жанри назарда тутилмоқда – О.Т.) деярли юз йиллик тарихга эга бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлса-да, илк насрий асарлар бундан анча илгари юзага келган.<sup>1</sup>

IX–X асрлардан бизгача (қисман) етиб келган энг қадимий насрий асар Абу Мансур ал-Мауммарийнинг “Шоҳнома” сидир.

Шарқ оламида ўша даврларда ҳам, ҳозирги кунга келиб ҳам катта шуҳрат қозонган насрий асарлардан Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин”, Низомийнинг “Панж ганж”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари, Низомул Мулкнинг мамлакатни бошқариш илмини ўз ичига олган “Сиёсатнома” асари, тарихий воқеалар содда, жозибали тилда ҳикоя қилинган “Тарихи Байҳақий” ва бошқа кўпгина шу каби асарлар ўзида бадий унсурларни ҳам мужассамлаштириб, Эрон ҳикоянавислиги тарихи негизининг бир қисмини ташкил қилади.

XIX аср ўрталарига қадар форс бадий насри панднома ҳикоятлар, тарихий-қаҳрамонлик, фантастик асарлар, этаклар шаклида ифодалаб келинди. Бу жанрларнинг айримлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган ва замонавий форс бадий насрининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Эрон адабиётига янги типдаги ҳикоя жанрининг кириб келиши Европа адабиётидан

<sup>1</sup> Фуломризо Муродий Савмаъсройи “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”//Сино 2011, 41-42-сонлар. 65-бет.

бўлган таъсир билан ҳам белгиланади. Буни Эрон олимларидан доктор Ҳамид Абдуллоҳиён,<sup>2</sup> Муҳаммад Ҳуқуқий,<sup>3</sup> Жамол Мирсодиқий,<sup>4</sup> Муҳаммад Қосимзода<sup>5</sup> кабилар ўзларининг назарий асарларида таъкидлаб ўтганлар.

Эронда замонавий ҳикоя жанрининг асосчиси Муҳаммадали Жамолзода бўлиб, у олти ҳикояни ўз ичига олган “Бор экан-да, йўқ экан” (1914-1921 йиллар оралиғида ёзилган) тўпламини ёзган ва халқ орасида катта шов-шувга сабаб бўлган. Эронликлар янги ҳикоя жанри билан танишар эканлар, уларни қадимий ҳикоятлар билан ўхшашлиги боис жуда яхши кутиб олдилар. Балки шунинг учун ҳам сал олдинроқ роман билан ошно бўлган эронликлар Жамолзоданинг ҳикояларини Абдураҳим Толибов ва Зайналобидин Мароғайининг романларидан кўра анча илиқ кутиб олдилар. Жамолзоданинг ҳикоялари қаҳрамонлари, одатда, оддий, бесавод, тўпори халқ вакиллари эдилар.

Шу тарзда форс адабиётида янги типдаги ҳикоя жанри вужудга келди ҳамда халқ оғзаки ижоди, қадимги ва мумтоз форс адабий мероси, Европа ва адабиёти ривожланган бошқа минтақалар ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда шаклланиб борди.

Ижодкор ёзувчилар тезкор ва ҳозиржавоб ҳикоя жанрига қўл уриб, хилма-хил ҳикоялар ёза бошладилар. Ҳикоя тилининг гўзаллиги, латофати ва соддалиги билан эса ўз ихлосмандларини топа борди. Ҳикоянавислик, мумтоз адабий шаклларни ўзгартиришдан ташқари, асар тилини соддалаштиришда, халқ тилига яқинлаштиришда ҳам муносиб таъсир кўрсатди. Ёзган асари халқ ҳаёти ойнаси бўлишини истаган ёзувчи ўз мақсадини халқ тушунадиган тилда ёзишга интилар экан, буни бошқа восита орқали баён эта олмас эди ҳам.

Ҳикоянависликда ХХ аср биринчи ярмида воқеликни тасвирлаш методига келсак, энг аввало, реалистик йўналишнинг устунлиги аниқ кўринади. Ҳикоянависликда у олдин маърифий тус олди, сўнг унда танқидий реализм услуби чегарасида ижод қилиш бошланди.

Маърифатчилик реализми ижтимоий нотенгликка қарши чиқиб, танқидий реализмга замин ҳозирлади. Маърифатчилик реализмининг кейинги давр реалистик йўналишлар ривожиди, айниқса, реалистик форс ҳикояларининг вужудга келиши ва ривожланишида аҳамияти беқиёсдир. Хусусан, янги типдаги илк форсча ҳикоялар муаллифи Муҳаммадали Жамолзоданинг “Қурбоналининг дил дардлари” ҳикоясида маърифатпарварлик реализмидан танқидий реализм томон силжишлар кўзга ташланади. Бу ҳикояда рационализм мафкураси, яъни Яратганнинг ишларига ақлий таҳлил нуқтаи назаридан қараш етакчилик қилади. Ҳикоя ўзини ҳудожўй қилиб кўрсатган риёкор одамларни фош қилади. Адиб қаҳрамонларни ўз тили орқали фош қилдириш услубидан самарали фойдаланган. Ҳикояда Саййиди Шухадо маддоҳи – Қурбоналининг ҳақиқий табиати очиб берилади. Ёзувчининг услуби анъанавий услубга яқин. Бу унинг жумлалар тузишида, сўз санъатлари – талмех, риторика, мажоз, у ёки бу шоир шеърларидан мисоллар, диний иборалар ишлатишида аниқ билинади.

ХХ асрнинг 20-йилларида ҳикоянавислик ривожига ҳақида сўз борганда, бу давр сиёсий ҳолати ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас, чунки 1925 йилда Ризошоҳ мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатди ва янги Паҳлавийлар сулоласига асос солди. Демократик ҳаракатлар иштирокчилари қаттиқ таъқиб остига олинди, партиялар фаолиятининг ман қилиниши ҳақида буйруқлар чиқарилди. Матбуотга қаттиқ цензура ўрнатилди. Буларнинг барчаси 20-30-йиллар адабиётида акс этмай қолмади. Илғор фикрли ёзувчилар асарларининг наشري таъқиқлаб қўйилгани адабиётга катта зарар етказди.

30-40-йилларга келиб эса форс адабиётида катта ўзгаришлар кузатила бошлади, истеъдодли ёзувчилар гуруҳи вужудга келди. Улар орасида Бўзўрг Алавий, Жалол Ол-Аҳмад, Муҳаммад Масъуд Деҳотий, Муҳаммад Ҳижозий, Содик Чубак, Беҳозин ва албатта, Содик Ҳидоят бор эди.

Ҳикоя жанри эса замонавий адабиётда ўз ўрнини топди, тез суръатлар билан ривожланиб борди, эътиборга тушди, хилма-хиллашди ва тубдан ўзгарди.

<sup>2</sup> Доктор Ҳамид Абдуллоҳиён. Замонавий наср солномаси. Техрон. 2000.

<sup>3</sup> Муҳаммад Ҳуқуқий. Эрон адабиёти тарихи ва замонавий адабиётига бир назар. Техрон. 1998.

<sup>4</sup> Жамол Мирсодиқий. Насрий адабиёт. Қисса. Романс. Ҳикоя ва роман. Техрон. 1997.

<sup>5</sup> Муҳаммад Қосимзода. Замонавий Эрон ёзувчилари. Техрон. 2004.

40-50-йилларга келиб ҳам насрда ҳикоя жанри етакчилик қилди, чунки ҳикоя ҳозиржавоб, лўнда, ҳаёт воқеаларини тез инъикос этадиган жанр эди.

40-50-йилларда ижод этган адиблар ҳикояларининг мавзулар кўлами ниҳоятда хилма-хил эди. Бу даврда жуда кўп учрайдиган мавзулар қаторига ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, эзилган Эрон аёлининг дарди, оғир қисмати ва шу кабиларни киритиш мумкин. Аввалгидек, Эрон зиёлилари тақдири, деҳқончилик соҳасидаги оғир аҳвол, деҳқоннинг машаққатли ҳаёти, оддий хизматчиларнинг ҳаёти, ҳоким табақанинг зўравонлиги, уларнинг текин даромад ва сиёсий мавқега бўлган интилиши, ўз ёвуз мақсадига эришиш йўлидаги ёлғончилиги ва порахўрлиги каби масалалар, мавзулар доирасини қамраб олган янги туркум ҳикояларнинг пайдо бўлиши билан характерланади.

Эроннинг 60-70-йиллар адабий тараққиётини таҳлил қилар эканмиз, анъанавий ислом дини тасаввурлари билан мамлакат капиталистик шаклларининг тўқнашуви маънавий тартибсизликни келтириб чиқарганининг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, миллий онг ва миллий мафқуранинг ўсиши баробарида, ўтмиш, қадимги Эрон тарихи ва маданиятига ва хусусан, ислом дини, унинг ижтимоий-маънавий функциясига қизиқиш кучайди.<sup>6</sup> Анъаналарни қайтадан “кашф этиш” Ғарб маданиятига бўлган талқинни сезиларли даражада ўзгартирди. Ғарб тараққиётига нисбатан 50-60-йилларда яққол сезилиб турган чуқур ҳурмат эндиликда танқидий муносабат касб эта бошлади. Бу тенденция 70-йиллар бошига келиб ёзувчилар ижодида янада ёрқинроқ акс эта бошлади.

Айнан шу даврга келиб модернистик унсурлар қўлланган, мифлар (афсоналар) асосида яратилган ҳикоялар, шу билан бирга, инсон ва унинг тақдири, кўнгли тадқиқиға йўналтирилган мавзудаги ҳикояларнинг кириб келганини кўриш мумкин.

1979 йилдаги Эрон ислом инқилобининг турли соҳаларга, жумладан, адабиёт соҳасига таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, содир бўлган инқилоблар таъсири нафақат сиёсий-ижтимоий соҳаларда, балки маданий ва адабий соҳаларда ҳам намоён бўла бошлайди. Бу ҳолат бора-бора янги-янги адабий қарашлар ва адабий мактабларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Форс замонавий ҳикоянавислиги қадимий эпик анъаналардан кўплаб элементларни мерос қилиб олган. Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш, қадимги ва мумтоз сюжетларга, аллегорик образларга мурожаат, мунозара жанри, воқеликни рамзлар орқали ифодалаш, ҳажвиёт, дидактик адабиёт каби анъаналарнинг замонавий адабиётда акс этиб келаётгани бунинг яққол далилидир. Бироқ ҳозирги замон адиблари қадимги шакл ва анъаналарга замонавий талабларга жавоб бера оладиган янгича мазмун ва янгича шакл бахш этиб, мазкур адабий анъаналардан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Форс ҳикоянавислиги 80-йилларга келиб сифат жиҳатидан янги кўриниш касб эта бошлади. 80-йилларда адиблар ижодида янги мавзулар, шаклий-услубий изланишлар, воқеликни янгича тасвирлашга интилиш тамойиллари кучайганлиги эътироф этилади. Реализмнинг замонавий форс насрида, хусусан, ҳикоячилигида устунлигини эътироф этган ҳолда, модернистик йўналишларнинг ҳам айрим ижодкорлар томонидан кенг қўлланиб келинаётганини таъкидлаш жоиз.

Ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантиқий билишдан интуитив билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи ҳис-туйғуларга ўзгача эътибор берилиши, яхлит олганда, реализм мавқеида турган қатор замонавий адиб ва адибалар Розия Тужжор, Важиҳе Сомоний, Фируз Занузи Жалолийлар ижодий йўсинига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Реалистик ҳикоялар билан бир қаторда, сюрреалистик манзаралар билан ажралиб турадиган модернистик йўналишдаги ҳикоялар муаллифи ҳозирги замон Эрон адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Розия Тужжордир. Асосан, ҳикоя жанрида қалам тебратиб келаётган адибнинг бир неча ҳикоялар тўплами дунё юзини кўрган, айрим ҳикоялари эса турли тилларга таржима қилинган. Улар “Шиша аёл”, “Етти тугун”, “Наргислар”, “Ватанга саёҳат”, “Сабр тоши”, “Акация кўчаси”, “Хайрли тун”, “Шуъла

<sup>6</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – М.: 1990. Стр.145.



ва тун” каби бадиий асарлардан иборат. Адибанинг ҳикоялари воқеаларга бой эмас, балки инсоннинг, айниқса, аёлларнинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборатдир.

Розия Тужжор ўзига хос бир услубда ёзадики, унинг ёзганлари фалсафий мушоҳадалар билан бойлиги, тил ва услуб гўзаллиги ҳамда ижтимоий муаммоларнинг ўртага қўйилиши жиҳатидан бошқа ёзувчиларнинг асарларидан ажралиб туради. Розия Тужжор ҳикоялари қаҳрамонларининг аксарияти аёллардир. Масалан, дом-дараксиз йўқолган ўғлининг урушдан қайтишини кутаётган она, ўз ёрини урушдан қайтишини кутаётган янги келин, эрининг бефарқлигидан жабр чекаётган аёл ва шу қабилар. Бу унинг оилавий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан тўқнаш келган аёллар дардларидан огоҳлигини билдиради. Унинг асарлари қаҳрамонлари бўлмиш аёллар ўзида мавжуд шароитлардан қочиш ёки қутулишга уринмайдилар. Адиба кулранг тусдаги, мушкулотларга тўла дунёни кўради, уни тасвирлайди ва асарини шундай тушкун руҳда яқунлайди. Бу унинг ижодига хос бўлган яна бир хусусиятлардан биридир.

Р.Тужжор ҳам реалист, ҳам сюрреалист ёзувчидир. У сюрреалист ёзувчи сифатида кўпроқ қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ва ботиний ҳолатларини тасвирлайди. Р.Тужжорнинг ёзувчилар маҳорати ва услуби ҳақида гапирганда, унинг ўз асарларида шоирона услуб турларидан фойдаланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу шоирона услуб ўқувчини ўзига жалб қилади ва асарларида жилваланган унсурларни ўқувчи осон илғаб олади. Унинг қаламига мансуб “Ҳам олма, ҳам юлдуз” тўплами йигирма иккита ҳикоядан иборат. Шулардан ўн еттитада аёллар марказий ўринни эгаллайди ва фақат бешта ҳикоядагина эркаклар бош қаҳрамон сифатида гавдаланганлар, бироқ уларда ҳам олдинги ҳикояларда бўлгани каби аёллар иштироки сезилиб туради. Аёллар бевосита ёки билвосита эркаклар тақдирига дахлдордирлар.

“Ҳам олма, ҳам юлдуз” тўпламидан жой олган “Сариқларнинг тўкилиши, яшилларнинг ўсиши” ҳикояси беморларни даволайдиган доктор аёл ҳақида. Бировларни даволашга ўрганган аёл ўзи ёмон касалга чалинганлигини билади ва аввалига руҳий инқирозга учрайди. Ҳикоя сюрреалистик услубда ёзилган. Қаҳрамон ҳолати аниқ таҳлиллар ўрнига жонли сезимлар орқали кўрсатилади. Ички изтироблари билан ташқи совуққонлиги бир-бирига зид тарзда гавдаланади. Доктор аёл алаҳсирайди, унга ҳамма нарса сариқ бўлиб кўринади: сариқ ранг касаллик рамзи, сариқ гуллар, сариқ барглар. Ўз кўзларида касалнинг қиёфасини кўради, жисмидан жой олган касаллик билан сўзлашади.

Ҳикояда психологик ҳолатларга кўп эътибор берилган. Қаҳрамон аёл ўзини доим тушда юргандек, ярим уйқуда, чалажон аҳволда сезади. Кейин эса сариқ гулларни юлиб ташлайди, нимаики сариқ бўлса, ҳаммасини кўздан йўқотади. Сариқ нарсалар ўрнини ям-яшил ўт-ўланлар эгаллай бошлайди. Дарёга тушади, ёмғир остида қолади, анча тинчланиб, қалбида яна умид учқунлари пайдо бўлади. Қаҳрамоннинг деразадан дарёга тушиши, сув юзасида юриб кетиши, яна деразадан қайтиб ишхонасига қайтиши, аслида, унинг руҳиятида содир бўлаётган жараёнлар. Яъни адиба тахайюл эркинлигига йўл бериб, ғайриоддий, фантастик элементларни қўллаган. Аҳамият бериб қаралса, унда сюжет умуман йўқ. Доктор аёлнинг дераза орқали хонадан чиқиб дарёга тушиб қайтишидан бошқа ҳаракат йўқ. Ҳикояда қаҳрамоннинг ички фикрлари, онг оқими, ўзи ва касаллиги билан курашиши, фикрлари ва ассоциациялари (тасаввурлари) баён этилган.

“Апельсинзоргача етти қадам ранж” ҳикояси мажозий, сюрреалистик унсурларга бой. Асрлар давомида аёлга битилган қисмат ҳақидаги ҳикоя. Аёл доимо эркак билан боғлиқ, у билан бирга, яхши онларда ҳам, ёмон кунларда ҳам. Эркак ҳам зулм ўтказувчи, ҳам халоскор. Бу иккиси – аёл ва эркак ўртасида доимо азалий ришта бор. Бу ҳикоя оддий сюжетли бир воқеани баён этувчи ҳикоя эмас, балки фалсафий-ахлоқий маъноларга, мулоҳазаларга тўла ҳикоя ҳисобланади. Бу ҳикоя қаҳрамони аёл ва унинг эри. Қаҳрамон аёл бир неча даврларда яшайди. Ёзувчи барча ҳикояларида бўлгани каби мазкур ҳикоясида ҳам ўзига хос образлар топадики, биз ҳеч қайси адибларда бундай образларни учратмаймиз. Ҳар бир ранж аёлнинг яшаган бир неча даврини англатади.

Биринчи ранж унинг ибтидоий жамоа тузуми давридаги ғордаги ҳаёти билан боғлиқ. Иккинчи ранжда ўтовдаги кўчманчилар ҳаёти ва шу ҳаётдаги аёлнинг ўрни, учинчи ранжда қамалга олинган ўрта асрлар шаҳри, унда асир олинган аёл тақдири, тўртинчи ранж кўп хотинли оиладаги тўртинчи хотин тақдири, бешинчи ранж боласи

эри томонидан тортиб олинган аёл тақдири, олтинчи ранж оғир меҳнатдан томирлари чиқиб кетган аёл, еттинчи ранжда аёлнинг ҳозирги кундаги тақдири, ўрни, қисмати тасвирланган. Мана шу даврларда яшаб ўтган аёлнинг ҳар бир лаҳзаси эркак билан боғлиқ. У ҳамиша заиф, ҳимояга ва эътиборга муҳтож инсон сифатида гавдаланади. Ҳикояда сюрреалистик лавҳаларга катта ўрин ажратилган.

Р.Тужжор билан замондош, 80-йиллардан ўз ижодий фаолиятини бошлаган Фируз Занузи Жалолий инқилобдан кейинги давр Эрон адабиётининг энг истеъдодли ёзувчиларидан бири ҳисобланади. Унинг “Лаънати соат” асари модернистик ҳикоя бўлиб, мистика, психоанализ, онг оқими каби элементларни ўзида мужассамлаштирган. Мистик ҳикоя ғайритабиий, сирли олам. Номаяълум касал билан оғриган зиёли киши Сокит қадимги буюмлар сотиладиган дўконга киради. Дўкон эгаси уни Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романи қаҳрамони Раскольниковга ўхшатади. Касал киши докторни излаб кетади. Қаҳрамоннинг танасини ҳар куни соат тўртда кучли оғриқ эгаллайди ва бу ҳол уч йилдан бери давом этиб келаётган бўлади. Докторнинг олдига кетаётганда, йўлда – телефон будкасида бир ғалати кишини учратади. У телефонда докторга кўнғироқ қилиши керак, бироқ будкадаги одам бунга йўл қўймайди. Сокит билан кўпол муомалада бўлади ва охири унга тарсаки туширади. Йиқилиб тушган Сокит ўрнидан турганида ғалати одам кўздан ғойиб бўлган эди. Бу вақтда соат тўрт бўлган эди, лекин беморнинг танасида оғриқ турмайди. Сокит ғойиб бўлган кишини қидира бошлайди. Қадимий буюмлар – дўкон эгаси – Раскольников – жиноят ва жазо – номаяълум киши – оғриқнинг тўхташи ўртасида қандайдир сирли алоқа бор.

Ижодий эркинлик нафақат ғоявий-мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам ўз ифодасини топди. Форс адабиётида жуда қисқа “жажжи ҳикоя” шакли оммалашди. Ҳикоячада кенг сюжет бўлмайди. У ҳодисалар ва вазиятларни тасвирлайдиган ҳикоядан фарқли равишда фақат вазият ва аҳвол ҳақида хабар беради. Ҳикояча кўп ҳолларда ягона вазият ва ёки ягона шахсда марказлашган ва унинг хусусиятларини таҳлил этади.

Бу шаклнинг чиройли намуналари ҳам серқирра ижодкор Розия Тужжор қаламига мансубдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, янги типдаги ҳикоя жанри форс адабиёти тарихида салкам бир асрлик йўлни босиб ўтди. Шу давр мобайнида ҳикоя мураккаб босқичлардан ўтди. Илк даврларда маърифий тус олган мазкур жанр, кейинчалик танқидий тус ола бошлади. Унинг мавзулар кўлами эса ниҳоятда бой. XX асрнинг охириги ўнйилликларида ҳикоянавислик ривожига жадал суръатлар билан ўсиб борди. Бу ҳолат бир томондан айрим ёзувчилар ижодида анъаналар ва қадриятларга хос хусусиятларни ўзлаштириб, замонавий ҳикоялар яратишларида намоён бўлган бўлса, иккинчи томондан, шу адиблар қўллаётган методларда намоён бўлди. XX асрнинг 80-90-йилларида замонавий адиблар томонидан реалистик метод билан бир қаторда, модернистик методнинг кенг қўлланилиши кузатила бошланди. Бу даврга (80-90-йиллар) келиб, адабиёт майдонига истеъдодли ёзувчилар гуруҳи кириб келди. Ҳикоянавислик эса янги-янги мавзулар, янги шакллар билан бойиди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғуломризо Муродий Савмаъсройи “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”// Сино 2011, 41-42-сонлар.
2. Доктор Ҳамид Абдуллоҳиён. Замонавий наср солномаси. Техрон. 2000. (Форс тилида)
3. Муҳаммад Ҳуқуқий. Эрон адабиёти тарихи ва замонавий адабиётига бир назар. Техрон. 1998. (Форс тилида)
4. Жамол Мирсодиқий. Насрий адабиёт. Қисса. Романс. Ҳикоя ва роман. Техрон. 1997. (Форс тилида)
5. Муҳаммад Қосимзода. Замонавий Эрон ёзувчилари. Техрон. 2004. (Форс тилида)
6. Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – М.: 1990.
7. Розия Тужжор. Ҳам олма ҳам юлдуз. Техрон. 2007. (Форс тилида)

Саъдулло ҚУРОНОВ

# ОЙБЕК ЛИРИКАСИДА БАДИИЙ СИНТЕЗ

## Аннотация

Мақолада Ойбекнинг пейзаж лирикаси бадиий синтез тамойиллари асосида тадқиқ этилган. Ойбек шеърларининг вариантлари ва қўлёзма шакллари ўзаро таққосланиб, сўз воситасида визуал образлар яратишда рангтасвир санъатида хос ифодавий хусусиятларнинг аҳамияти очиб берилган.

## Аннотация

В статье анализируется пейзажная лирика Айбека в аспекте художественного синтеза. Путем сопоставления различных вариантов и рукописей стихотворений поэта раскрыта роль выразительных средств живописи при создании словесных визуальных образов.

## Annotation

This paper analyzes the landscape poetry Aybek in terms of the use of methods and techniques to recreate the visual artistic images. The article analyzes the verses that blend together techniques of visual and verbal art.

**Таянч сўзлар:** бадиий синтез, шеърят, рангтасвир, миниатюра, эстетик нигоҳ, визуал санъатлар, мусаввир, нопластик образ, тасвир, тасвиф.

Тил универсал фикрлаш ва ифодалаш воситаси эканлиги боис ҳар бир санъат турининг ўз “тили” ҳақида гапириш имконига эгамиз. Мусаввир ранглар тилида, бастакор ноталар тилида, шоир эса сўз воситасида ижод қилади. Аслида, умумсанъат тушунчаси замирида ҳам инсоният санъат асосидагина туювчи универсал тил ётади. Санъатдаги бадиий синтез масаласини ўрганиш ижод онларида санъаткорнинг атайлаб ёки интуитив тарзда ўша универсал тил имкониятларидан фойдаланиш жараёнининг нозик жиҳатларини тадқиқ этишни кўзда тутуди. Яъни бўёқлар воситасида сурат солаётган мусаввирнинг ўз асарига шеърятдаги каби лирик ҳис-туйғуларни сингдириб юбориши ёки, аксинча, шоирнинг тасвирий ифодага интилиши айти шу масаланинг айрим қирраларидир.

Мусаввир томонидан чизилган манзара рангтасвирга хос бадиий ифода шакл (ва усул)лари воситасида реципиентга муайян туйғу-фикрларни етказди. Зеро, мусаввир табиат манзарасини қалбидан ўтказиб, ўз ҳис-туйғуларини бўёқларга қориштириб ижод қилади. Айти дамда, у одамларга табиатни худди ўзи кўрганидай, ҳис этганидай кўрсатишга интилади. Бу борада рангтасвир санъати имкониятлари жуда кенг ва муттасил бойиб боради. Унинг бу борадаги ютуқларидан бошқа санъат турларида, хусусан, бадиий адабиётда ҳам кенг фойдаланилган ва фойдаланилмоқда. Яъни адабиётда ҳам объектни сўз воситасида худди мусаввир чизганидай тасвирлаш, фикр-туйғуларни кўпроқ кўримли (визуал) образлар билан ифодалашга интилишнинг кучайгани бунинг яққол далилидир.

Мумтоз адабиёт ва у билан параллель равишда ривожланиб келган мумтоз миниатюра санъатларидан фарқли ҳолда, замонавий ўзбек адабиётида ҳам, тасвирий санъатида ҳам объектни жонли, айти дамда, реалистик тасвирлаш тамойили кучайди. Энди ижодкор борлиқни мумтоз санъатлардаги каби шартли унсурлар асосидагина кўрмай, балки объектнинг мавжуд ҳолида гўзаллик ва ҳикмат кўришга интилади, яъни эстетик нигоҳнинг мўлжалли қайта созланади. Ўтган аср аввалида замонавий рангтасвир, театр ва кинематографиянинг ифода шакллари ўзаро уйғун ҳолда санъатнинг янги бир босқичига асос солди десак, муболаға бўлмас. Чунки аҳамияти кундан кунга ортиб бораётган визуал санъатларнинг таъсири бадиий адабиётни, хусусан, шеърятни ҳам четлаб ўтмайди. Энди шоир ўқувчининг эстетик эҳтиёжига монанд шеърда тасвирийликка, ҳис-туйғуларини визуал образлар асосида улашишга

интилади. Замонавий ўзбек шеърятининг рангтасвир билан синтезидаги дастлабки ёрқин намуналарни Ойбек ижодида кузатиш мумкин:

Ботди куёш – қиз,  
Ёнди узоқда  
Атлас этаги.<sup>1</sup>

Ойбек табиатни шунчаки чизмаган. Бир қарашда бу ўринда “чизмоқ” сўзини қўллаш эриш туюлади. Боиси, шеър мисраларида манзара деталлаштирилмаган. Шоир яратган манзара реал ҳаётдаги кўринишидан бирмунча фарқ қилиб, унга ижодкорнинг реал манзарадан олган таассуротлари йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Чунки бу шеърни ўқиб онгимизда гаудаланадиган манзара турли тасвирий деталлар воситасида эмас, балки яхлит таассуротлар асосида намоён бўлаётганини ҳис қиламиз. Шеъринг парчада гўзал манзара – куннинг ботиши лаҳзалари тасвирланади. Келинг, ўша гўзал манзарани реал ҳаётдаги кўринишини эслайлик: ботаётган куёш қизғиш тусга кирган. Уфқ чизиги бўйлаб унинг фақат ярмигина бизга кўринади. Атрофидаги булутлар эса қизилга мойил, аммо турли рангларда товланади. Бутун уфқ бўйлаб ўша қизил ранг, қизиллик ҳукмрон... Агар образли қилиб ифодалашга эҳтиёж туғилса, бу худди атласдан либос кийган қизил юзли қизни ёдга солади. Ойбек эса манзарани биз каби деталлар асосида чизиб ўтирмайди. У ўзида реал манзара уйғотган илк таассуротни қаламга олади ва ўқувчини ҳам манзарани шундай кўришга ундайди. Шеърхон манзарани кузатиш асносида муайян таассурот ҳосил қилмайди, аксинча, таассуротлар асосида яхлит манзарани кўради. Шеърни ўқиркансиз, реал кўринишдан озроқ фарқланувчи, кўпроқ таъсирлантирувчи манзара кўз олдингизда намоён бўла бошлайди. Худди шундай тасвирий шоирнинг “Кечқурун”, “Қиш кечаси”, “Ялта кечаси”, “Ёз кечаси”, “Денгизда оқшом”, “Наъматак” ва бошқа кўплаб шеърларида ҳам кузатишимиз мумкин:

Сувларда секин ўйнар,  
Олтин қайиқчалардек,  
Қуёш алангалари...

Фуруб ёнғини қоплар,  
Само юзи анордек,  
Булутлар атлас каби...

Уфқлар қулочига  
Сигмаган буюк денгиз  
Чайқалар секингина.

Сувлар куёш сочига  
Ўралашиб тинимсиз  
Ўпар қирғоқни аста...

Ойбекнинг “Денгизда оқшом” шеъри 1930 йилнинг октябрь ойлари Сочида ёзилган. Демак, шеър бевосита денгиз қаршисида битилган бўлиши мумкин. Бу шеър ҳам шоирнинг кўплаб асарлари қатори тўлалигича манзара тасвирига бағишланади. Шоирга манзаранинг ҳар бир унсури ниманидир эслатади: “олтин қайиқча”, “само юзи анордек”, “атлас булутлар”, “уфқлар қулочи”, “куёш сочи”, “ўпар қирғоқни” каби образлар ана шу таассуротларнинг маҳсулидир. Эътибор қилсангиз, кичик ташбеҳлар асосида табиатнинг бутун кўриниши намоён бўлмоқда. Бу ўринда шоир поэтик нигоҳининг ўткирлиги, тасвирлаш маҳорати шунчаки гўзал ташбеҳлар топа билганидагина эмас, биринчи навбатда, ўша ташбеҳларнинг визуал (кўримли) эканидир. Ойбек денгизни шундай тасвирлайди, ўқувчи манзарани худди кўзлари билан кўриб тургандай завқлана бошлайди.

Адабиёт – сўз санъати демак. Унинг ҳар қандай ифодавий имконияти сўз билан чегараланади. Айни дамда, сўзнинг ифодавий имконияти чексиз эканлигини таъкидламоқ зарур. Юқорида айтиб ўтганимиздай, ижодкор сўз воситасида ҳам ўқувчига мусаввирлардай тасвир асосида таъсир ўтказиш имкониятига эга. Яъни мусиқа ва тасвирий санъатнинг ифодавий имкониятларидан кенг фойдаланиши мумкин. Шоир бадиий ифодада бошқа санъат турлари имкониятига мурожаат этаркан, муайян сўз, жумланинг бадиий-тасвирий имкониятига жиддий аҳамият қаратади.

<sup>1</sup> Бу ва бундан кейинги мисоллар куйидаги манбадан олинди: Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 19 томлик. – Тошкент: Фан, 1975. Т. 1. – Б.195.

Мусаввир томошабинни лол қолдириш мақсадида рангларни маҳорат билан тан-ласа, Ойбек ўқувчи учун сўзларни маржондек теради. Агар Ойбекнинг эълон қилинган шеърлари билан шу шеърларнинг қўлёзма ва бошқа тўпламлардаги вариантлари таққослаб кўрилса, таҳрир жараёнида сўзнинг лексик хусусиятига, тасвирий кўламига катта эътибор қаратилганини сезиш қийин эмас. Шоирнинг “Оғочликларда” номли шеъри унинг “Мукамал асарлар тўплами”да қуйидаги мисралар билан бошланади:

Баҳор – қуёшнинг олтин кулгуси  
Яшил япроқларда **яшнаб** ўйнайди.<sup>2</sup>

Ойбекнинг мазкур асари қўлёзмаси билан танишганда, шоирнинг кичик стилистик таҳририга, аммо шеърдаги катта ифодавий-тасвирий янгиланишга гувоҳ бўламиз:

Баҳор – қуёшининг олтин кулгуси  
Яшил япроқларда **секин** ўйнайди.<sup>3</sup>

Ойбек тасвирдаги ғализликни сезган ҳолда қўлёзмадаги “секин” сўзини “яшнаб”га алиштиради. Албатта, баҳор янгиланиш, яшариш фасли. Ўқувчи баҳорий еллар ҳирпиратиб турган ям-яшил япроқларда ёрқин нурларнинг **секин** ҳаракатини асло тасаввур қилолмасди. Аслида, бундай ўхшатиш куз фасли тасвирларига мос келарди. Шеърда “секин” сўзининг “яшнаб”га ўзгартирилиши эса тасвирнинг тўқис ва жонли бўлишини таъминлайди.

Юқоридагига яқинроқ мисолни Ойбекнинг “Яна куз” шеърда учратамиз. Бу сафар-ги таҳрир тасвирдаги кузга хос характерни кучайтиради:

Оғочлардан япроқлар  
**Шитирлашиб** тўкилар...<sup>4</sup>

Иккинчи мисра қўлёзмада “**Шилдираб** тўкилар”... шаклида учрайди. Аввало, **шилдираб** сўзи маъно нозикликлари билан кўпроқ сувга, яйраб оқаётган сувга нисбат беради. Ҳазонрезги эса, онгимизда “**шитирлаш**” билан, шуни ифодаловчи “**шитирламоқ**” сўзи билан муҳрланган.

“Самарқанд оқшоми” номли шеърнинг илк мисралари қўлёзмада қуйидагича келади:

Ётоғига бош қўяр  
**Қуёш узокда.**<sup>5</sup>

Таҳрирдан сўнг у мана бу шаклга келган:

Ётоғига бош қўяр  
**Қуёш – олтин қиз.**<sup>6</sup>

Қўлёзма вариантыда тасвирдан кўра оддий тавсиф устун, яъни қуёш ботаётгани ҳақида оддий хабар берилди (бамисоли қуёш ботаётгани ҳақидаги радиорепортаж). Бунинг ўзи манзарани жонли кўриш учун ўқувчига жуда камлик қилади. Қуёшнинг олтин қизга менгзалиши эса уфқдаги олтин ранг ва сирти қизлар юзидай қизил қуёш тасвирини ёрқин ифодалайди. Бу ўринда ҳам шоир таассурот асосида тасаввуримизда манзарани жонлантириш учун етарли шароит яратган. Натижада, ўқувчи манзарани тўлиқ, айни дамда, гўзал бадиий жилолари билан кашф этишга муяссар бўлади.

Ойбек ўз шеърлари билан табиатнинг бутун гўзаллигини, шу гўзаллик инсонга бериши мумкин бўлган завқни кўрсатиб беришга уринаётгандай гўё. Унинг бу ижодий ниятини рўёбга чиқаришга рангтасвирга хос ифода воситалари ёрдам беради. Сўз воситасида визуал образлар яратишга мойиллик шоирнинг хорижий адабиётлардан, рангтасвирдан илҳомлангани билан изоҳланади. Ойбекнинг бу йўлдаги тажрибалари шеърятимизнинг ифода имкониятларини кенгайтиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. – Тошкент: Фан, 1975.
2. Дмитриев Н. Изображения и слово.– М.: Искусство, 1962.
3. Божович В. И. Традиции и взаимодействие искусств. – М.: Наука, 1987.
4. Пигарев К. Русская литература и изобразительное искусство. – М.: Наука, 1966.

<sup>2</sup> Шу асар. Б. 133.

<sup>3</sup> Шу асар. Б. 378.

<sup>4</sup> Шу асар. Б. 79.

<sup>5</sup> Шу асар. Б. 379.

<sup>6</sup> Шу асар. Б. 146.

# ЁШЛАР ДАФНАРИДАН



## Гўзалхон ЭРГАШЕВА

1993 йилда туғилган.  
Ҳозирда Ўзбекистон  
Миллий университети-  
нинг ўзбек филологияси  
йўналиши магистран-  
ти. “Олис учган тур-  
налар” номли биринчи  
китоби чоп этилган.

## ОҚШОМНИНГ БАҒРИГА СИНИП ХАЁЛЛАР

Гўзалхон ЭРГАШЕВА

### ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

Янги йил, менга не атаганинг бор,  
Куруқ қўймайсанми мени бу сафар?  
Бўлди, алданмайман, алданиб бўлдим,  
Энди фикрим теран, сўзларим дангал.

Солланиб мовий кўз арчалар ўтса,  
Муз каби юраги парчалар ўтса.  
Рухимни кўтаргин, қандай чидайман  
Декабрь юракка санчилиб ўтса?

Янги йил – кўзимга ёруғдек инар,  
Оқ қорлар юзимга озғиқдек инар.  
Изгири тошларни қамчилаб келса,  
Балогат кезимга доврўғдек инар.

Дарахтлар қўлида карнай, чилдирма,  
Унинг оҳангига мафтун, селдирман.  
Мени қорбўронлар қилиб ташлади,  
Янги йил, сен совга қилган йигирма.

### “ЎТКАН КУНЛАР”НИ ЎҚИБ

О, мени пойтахтга юборди қишлоқ,  
Ё бахтга, ё дардга юборди қишлоқ.  
Яшил рўмолини қўлимга бериб,  
Кумушига ҳамдардга юборди қишлоқ.

Маъюс эркаланган ҳарир рўмоли,  
Қирқта маъбудага оят ўқиган.  
Балки Отабекка ёқмоқлик учун,  
Кумуш толалардан ўзи тўқиган.

*Кўксим тўлиб борди – кўзим тўла ёш,  
Бу ширин дийдорнинг хуш ҳавасими?  
Довонда тўсатдан учратиб қолдим  
Қумушойнинг қумуш аравасини.*

*На қуёш айтади, на бирор кўча,  
Сўрасам, қадим Шош сокин, мискиндир?!  
Ёмғирлар дод солиб, йиғлаган кеча  
Мени таъқиб қилиб боради кимдир.*

*Қумушни кўрмаган Отабеклар кўп,  
Зайнаблар ётибди тўлиб бу ёқда.  
Учратолмадим Қумуш опамни,  
Қайтиб кетгандирлар, балки қишлоққа.*

### **ОЛОВ ДАРАХТ**

*Боқсам, кипригимга илашар олов,  
Мушт урсам, қалтирар тананг муштимдан.  
Ана, бир чеккада турибди қулиб  
Куз, қилар ишини қилиб устингдан.*

*Шамоллар чалгитар алдамчи, худбин,  
Олтин баргларингга қилади хужум.  
Томирларинг билан қарши турасан,  
Уларни ҳеч кимга бермаслик учун.*

*Ўзингда дунёнинг оғир ҳасрати,  
Кимлар дил дардини айтмаган сенга?  
Кўксидаги ўтни ўчирмоқ учун  
Ёки юрак босиб қайтмаган сенга.*

*Балки шундан яшил япроқлар – сариқ,  
Оламни ёндириб ташлашга шайсан.  
Илдизларинг қизир, ичинг қизийди,  
Ҳар қуни осмонга алангалайсан.*

*Ўзим келдим – мана, дардинг олгани,  
Сен менга бунчалар қарама ҳорғин.  
Менга шион барча туйғуларингни  
Ва барин устимдан тўкиб юборгин.*

**Фарғона**

Сардорбек НОРҚУЛОВ

## ЎЗБЕКИСТОН



**Сардорбек  
НОРҚУЛОВ**

1990 йилда туғилган.  
Қариши Маданият  
коллежсини битирган.  
Ҳозирда Косон ту-  
манидаги 43-умумий  
ўрта таълим макта-  
бида ишламоқда.

*Ўзбекистон – ягона Ватан,  
Қамашитирар кўзни чиройинг.  
Мафтункордир ҳаёт сен билан,  
Хурсанд ўтар ҳар битта ойинг.*

*Мен – болангман мард ва меҳнаткаш,  
Олмос юрак, ботир темир тан.  
Сен – онамсан, гамхўр ва дардкаш,  
Меҳри дарё, бепоён Ватан.*

*Менлигимни англаган ўзинг,  
Не истасам бермоққа шайсан.  
Муҳаббатим уммонлардан кенг,  
Жоним аро мангу яшайсан.*

## ОЛИЙ МУҲАББАТ

*Кўп бора орттириб, ҳар хил дўст, улфат,  
Баъзида сирдошсиз қолганман танҳо.  
Гоҳида бошимга тушганда кулфат,  
Тор бўлиб кўринган кўзимга дунё.  
Шунда, мен ўзингга талпиндим фақат,  
Эй олий муҳаббат, олий муҳаббат!*

*Тонгда бинафшанинг лабидан ўпиб,  
Тунда гул баргида ётди капалак.  
Бир кунда туғилиб, бир кунда ўлиб,  
Ишқнинг шаробини тотди капалак.  
Бундай пок туйғуга ҳомийсан абад,  
Эй олий муҳаббат, олий муҳаббат!*

*Сен борсан, абадий қуёш нур сочар,  
Оламда қандайдир тароват бордир.  
Сен борсан, гўзаллик эшигин очар,  
Юракда эҳтирос, ҳарорат бордир.  
Қалбимнинг қатига чизилган суврат,  
Эй олий муҳаббат, олий муҳаббат!*

*Сен мени чақирдинг, баҳор айёми,  
Завқланиб қарадим, тўрт томонимга.  
Шодликка айланди – дунёнинг гами,  
Бир гўзал ёр бўлиб келдинг ёнимга,  
Дилларни дилларга боғлаган хилқат,  
Эй олий муҳаббат, олий муҳаббат!*

Қашиқадарё



**Зулфира НЎЪМОНОВА****МЕҲР**

Тоғларга тош керак, боғларга ниҳол,  
Дарёга сув даркор, саҳрога-чи, қум.  
Гар қуёш бўлмаса, ҳаттоки, фалак  
Кўздан ёшин тўкиб, йиғлайди юм-юм.

Оймомо бўлмаса, тунлар қоронғу,  
Қиш ҳам зерикарли ёғмаса гар қор.  
Қир-адирни безаб лолақизгалдоқ  
Оловдек ёнмаса, бекордир баҳор.

Баъзан самодаги турфа жилвали  
Гўзал камалакни деймиз, биз сеҳр.  
Лек, инсонга бундай сеҳрдан кўра,  
Дунёда зарурдир заррача меҳр.

**ҲАЁТ ДЕНГИЗИ**

Поёни кўринмас улкан денгизда,  
Меҳр қайиғида бир қиз келади.  
Силайди сочларин майин шаббода,  
Борлиқ огушида қушдай елади.

Шу маҳал атрофни солиб ларзага,  
Бирдан пайдо бўлар шафқатсиз бўрон.  
Ғарқ қилмоқчи бўлиб қизни денгизга,  
Ўзича чираниб қилади сурон.

Ногоҳ, сезиб қолиб жўшқин тўлқинлар  
Қизни манзилига қўяди элтиб.  
Денгиз ҳам чайқалар мамнун, оҳиста,  
Бераҳм бўронни мағлублар этиб.

**ОҚШОМ**

Осмоннинг ортига беркинар қуёш,  
Шодликдан эғнида оловранг либос.  
Хайрлашар, қўлин силкитиб менга,  
Юзда кулгилари кулгичига мос.

Ўзгаради борлиқ сония ичра,  
Кўзлар қиргоғидан тошиб саволлар.  
Қалб сўроқ кетидан кетиб борар пайт,  
Оқшиомнинг бағрига сингир хаёлар.

**Андижон****Зулфира НЎЪМОНОВА**

1997 йилда туғилган.  
Ҳозирда Пахтабод  
Енгил саноат коллежи-  
нинг иккинчи босқич  
ўқувчиси.

## Зумрад МАШАРИПОВА



**Зумрад  
МАШАРИПОВА**

1990 йилда туғилган.  
Ҳозирда Урганч Давлат университетининг филология ва санъат факультети талабаси.

\* \* \*

Айт, юрагим, нега йиғлайсан,  
Раҳминг келиб, куйдингми менга?  
Ўз-ўзингни бекор тиглама,  
Ахир, шафқат қилмадим сенга.

Қунда шу ҳол, паришонхотир,  
Ҳеч бўлмаса сен қулгин, етар.  
Мени эзар, қийнар хавотир,  
Нима қилсам, ҳасратинг кетар?

Ҳамма айб ўзимда, кечир,  
Ҳақ сўзингни илмадим кўзга.  
Не қилайин ёлғизим, ахир,  
Тушунмайди ўзингдан ўзга?

Қўйгин мени, овулма дилим,  
Тўкиламан ёмғирдай ҳозир.  
Менинг бундай йиғлоқилигим,  
Ўйламадим келар деб оғир.

Магар қулсам, сен кулар бўлсанг,  
Мен қуламан бўлгин хотиржам.  
Ҳасратлардан сарғайсанг, сўлсанг,  
Кечирмайман сени кўнгилчам.

\* \* \*

Қаро қисмат кўзларимнинг қорачиги,  
Синовида, сийловида қовриламан.  
Умр – эҳсон, вақт – ўткинчи жон аччиги,  
Бир кун мен ҳам шамолларга совриламан.

Увол қилмам, ўзимни хом хаёлларга,  
Тўкилсам гар чин бахтимга тўкиламан.  
Ачинаман менга кўнгли малолларга,  
Муҳаббатнинг даргоҳида йиқиламан.

Эгдирмагин гул кўнглимни ёмонларга,  
Оловларга отма ожиз юрагимни.  
Рўбарў қил фақат яхши инсонларга,  
Кимга йўқдир, кимга бордир керагимни.

Кимлар мендан безор бўлса, мен ҳам безор,  
Жонгинамга жондошларга берай жоним.  
Яхши кунда, ёмон кунда ёнимда бор,  
Беҳад шуқур кўндир дўсту қадрдоним.

Хоразм

**Жаҳонгир НАМОЗОВ****УМИДИМ УЧҚУНИ**

Қалбимда оловдек ёнасан,  
Ёнасан, меҳримга қонасан,  
Тунлари бедор – уйғонасан,  
Умидим учқуни – умидим!

Гўдакдек билмайсан риёни,  
Элимга таратгин зиёни,  
Кезасан ҳали кенг дунёни,  
Умидим учқуни – умидим!

Осмоним ёритган ҳилолим,  
Покиза ниятим – зилолим,  
Мақсаду муродим, иқболим,  
Умидим учқуни – умидим!

**КАПАЛАК**

Сен – парисан, сен – малак,  
Етолмай жоним ҳалак,  
Сен-ла гўзал ер, фалак,  
Капалакжон, капалак.

Тикандан гул излама,  
Бўлди энди бўзлама,  
Юрак – бағрим тузлама,  
Капалакжон, капалак.

Яйра, яшна қир-адир,  
Қўрсатай сенга қадр,  
Уни қийнама қодир,  
Капалакжон, капалак.

Дардларига мен сирдош,  
Меҳринг аяма қуёш,  
Чаманимда у йўлдош,  
Капалакжон, капалак.

**ҚИШЛОҚ БОЛАСИ**

Бир кун нурга тўлар қалбим хонаси,  
Бир кун гулга тўлар дил қошонаси,  
Синмайин жаранглар дил таронаси,  
Қир-адирлар суйган, суюк лоласи –  
Мен – ўша қишлоқ боласи.

Кечалар осмонга термилиб ётган,  
Тонглари мисоли эртакдай отган,  
Бувиси тинмайин нақллар айтган,  
Қир-адирлар суйган, суюк лоласи –  
Мен – ўша қишлоқ боласи.

Узун-узун дарёлар нақадар гўзал,  
Баланд-баланд тоғлар тик келар азал,  
Яшамоқ мароқли, дунёдир гўзал,  
Қир-адирлар суйган, суюк лоласи –  
Мен – ўша қишлоқ боласи.

**Наманган****Жаҳонгир  
НАМОЗОВ**

1997 йилда туғилган.  
Ҳозирда Поп тумани-  
даги Транспорт ва алоқа  
коллежининг учинчи  
босқич ўқувчиси.

## ШАҲҚ АДАБИЁТИ МАНЗАРАСИ



### Рюноскэ АКУТАГАВА

1892 йилда туғилган. “Чол” номли биринчи ҳикояси Токио университетида таълим олаётган кезлари талабалар нашр этадиган “Сенситё” (“Янги оқим”) журналида чоп этилади. Ўрта аср Япония тарихи мавзусидаги ҳикоялари (“Расёмон дарвозалари”, “Бурун”, “Жўзах азоби” ва б.) уни адабиёт оламига танитди. Ёзувчининг “Батат бўтқаси”, “Чангалзорда”, “Мандаринлар”, “Тентакнинг ҳаёти”, “Тишли гилдирак”, “Қадим дўстимга мактуб” каби асарлари янги япон адабиётининг сара асарлари дея эътироф этилган. У 1927 йилда вафот этган. 1935 йилда Японияда Рюноскэ Акутагава номидаги адабий мукофот таъсис этилган.

## ЛОЙХЎРАК ОВИ

### Ҳикоя

Бу 1880 йилнинг май ойида, оқшом чоғи юз берганди.

Охирги марта бундан икки йил бурун Ясная Полянада меҳмон бўлиб кетган Иван Тургенев ҳозир уй соҳиби граф Толстой билан бирга Варонка ортидаги ўрмонга лойхўрак ови учун отланди. Бу икки ёзувчига Толстойнинг хотини ҳамда болалари ҳамроҳ бўлишди. Варонкача йўл буғдойзор оралаб ўтганди. Оқшомолди кўтарилган енгил шамол буғдойзор узра ўйнаб, димоққа ер исини келтирарди.

Толстой милтигини елкасига осганча олдинда борар, вақти-вақти билан ортига ўгирилиб, Софья Андреевна билан бирга келаётган Тургеневга сўз қотарди. “Ота ва болалар” асарининг муаллифи улуғ ёзувчига ҳайратга тўла кўзлари ила боқар, унинг саволларига севиниб, мулойимлик билан жавоб қайтарар, ҳирқироқ овозда кулар, бу кулги унинг елкаларини силкитиб-силкитиб қўярди. Толстойнинг бироз тундлиги билан солиштирганда унинг сўзлаши илтифотли ҳамда ўта назокатли эди.

Йўл ям-яшил тепаликка етганда уларнинг ёнига (кўринишидан ака-ука бўлса керак) икки бола чопиб келди. Толстойни кўриб, иккиси ҳам тўхтади-да, таъзим қилди. Сўнгра шу заҳоти яланг товонларини ялтиратганча тепалик томон югуриб кетишди. Толстойнинг болаларидан бири уларнинг ортидан нимадир деб қичқирди, бироқ улар ҳеч нима эшитмагандай чопиб кетишди ва дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлишди.

– Қишлоқ болалари жуда ажойиб! – деди Толстой ботаётган қуёш томон юзини бураркан. – Баъзан бу чурвақаларни эшитиб, биз ҳали ҳам англаб етмаган содда халқ тилини ўрганаман.

Тургенев Толстойга қаради, энди унинг нигоҳи аввалгидек ҳайратга тўла эмасди. Авваллари Толстойнинг ҳар бир сўзи уни ёш боладек қувонтирарди. Бугун эса у Толстойга истехзо билан қаради.

– Яқинда бу болаларга дарс бераётганимда, – давом этди Толстой. – Улардан бири дарсхонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. “Қаерга?” дея сўрадим мен. У эса “Бўрни тишлаб кўрмоқчиман”, деди. У бўрни “олиб кўрмоқчиман”, “бўлиб кўрмоқчиман” демади, айнан тишлаб кўрмоқчиман, деди. Улар чиндан ҳам бўрни тишлаб кўришади.

Биз катталар буни қаёқдан ҳам билардик? Дарҳақиқат, фақат рус болаларигина шундай дея олади. Ҳа, шундай сўзларни эшитганимда мен ўзимнинг Россияда яшаётганимни ич-ичимдан ҳис этаман.

Тургенев худди буғдойзорларни биринчи марта кўриб тургандек атрофга аланглади.

– Ҳа, Францияда ҳатто болалар ҳам папирос чекишдан тортинишмайди.

– Айтгандек, шу кунларда сиз чекишни бутунлай ташлаган кўринасиз? – меҳмонни ноқулай аҳволдан қутқариш учун атай сўзга аралашди Толстая хоним.

– Ҳа, мен чекишни бутунлай ташладим: Парижда хонимлар сиздан тамаки иси келпти деб, ўпгани рухсат этишмади.

Бу сафар Толстой истеҳзоли қилди. Бу вақтда улар жарликдан ўтиб, ов учун мўлжалланган жойга етиб келишганди. Бу ер ўрмон ёқасидаги дарёга туташ ботқоқлик эди. Толстой Тургеневга қулай жойни қолдириб, ўзи юз қадамча нарига кетди. Толстая хоним Тургеневнинг ёнида қолди, болалар эса ҳар тарафга чошиб кетишди.

Осмон ҳамон шафақ рангида, дарахтларнинг кўкка бўй чўзган учлари хира тортган, шохлардаги муаттар япроқлар ғужум бўлиб қолганди. Тургенев қўлида милтиғи билан турар, унинг ўткир нигоҳлари гўё дарахт япроқларини тешгудек бўлиб тикилар, дамбадам қоронғи ўрмон ичкарасидан енгил эсган шамолнинг шитирлаши эшитиларди.

– Тоғ чумчуқлари сайраяпти, шекилли, – деди Толстая хоним гўё ўзи билан ўзи сўзлашгандек бошини бир томонга эгиб.

Сукунат ичида ярим соат ўтди. Осмон мусаффо, у ер-бу ерда қайинларнинг танаси оқариб кўринарди. Энди тоғ чумчуқларининг ўрнига аҳён-аҳёнда мусичаларнинг сайраши қулоққа чалинарди. Оқшом қоронғилиги ўрмон узра ёйилиб борарди.

Бирдан ўрмон тарафдан ўқ овози янгради. Болалар худди шуни кутиб тургандек итларининг ортидан югуриб, ўлжани излай кетишди.

– Эрингиз мендан ўзиб кетди, – деди Тургенев кулиб Толстая хонимга қараркан.

Толстойнинг иккинчи ўғли Илья қалин ўтлар орасидан ўтиб, онаси томон шошиб келаркан, Толстойнинг лойхўрак отганлигини айтди. Тургенев сўзга аралашди:

– Уни ким топди?

– Дора! Итнинг лақаби шундай. Дора топганда лойхўрак ҳали тирик эди!

Сўнгра бола онаси томонга ўгирилиб, соғлом, қип-қизил юзида ҳаяжон акс этганча Дора лойхўракни қандай қилиб топганлигини батафсил ҳикоя қила кетди.

Тургеневнинг хаёлида “Овчининг кундалиги” ёки шунга ўхшаш сарлавҳа қўйилган бирор-бир ҳикоя ёзиш фикри милт этди. Илья кетгач, атрофга яна аввалгидек сукунат чўқди.

Қоронғи ўрмон қаъридан яшил баргларнинг баҳорий ифори ва ернинг зах иси келарди. Аҳён-аҳён олисларда қандайдир қушнинг саси қулоққа чалинарди.

– Бу нима?

– Қизилтўш, – дарҳол жавоб берди Тургенев.

Бирдан қуш овози тинди. Тун қоронғисида тик этган товуш эшитилмасди. Ҳатто ҳаводаги енгил шамол ҳам тик қотган, осмон жонсиз ўрмонни секин-аста ўз қоронғилигига ўраб борарди. Бирдан ғамгин сайраганча юқоридан зарғалдоқ учиб ўтди. Қарийб бир соат чўзилган сукунатни отилган ўқ овози бузди.

– Кўриниб турибдики, Лев Николаевич лойхўрак овида ҳам мени доғда қолдиряпти, – деди Тургенев елкаларини қисиб, мийиғида кулганча.

Болаларнинг қадам товуши, Доранинг акиллаши – буларнинг бари тинган вақтда осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар хира нур соча бошлаган эди. Ўрмоннинг кўз илғагудек кенгликлари қоронғи сукунатга чўмган, бирорта шох-шабба қимир этмас, йигирма дақиқа, ярим соат... вақт чўзилгандан чўзилар, намчил ҳавода аллақаёқлардан тушиб келган оқиш туман оёқ остида ўралашарди. Бироқ лойхўракдан дарак йўқ эди.

– Бугун нима бўлган ўзи? – дея шивирлади Толстая хоним. Унинг овозида ҳамдардлик зоҳир эди. – Бундай ҳол камдан-кам бўларди.

– Эшитинг-а, булбул сайраяпти! – Тургенев суҳбат мавзусини атай бошқа томонга бурди.

Қоронғи ўрмон қаъридан чиндан ҳам булбулнинг сайроқи куйи эшитиларди. Уларнинг иккиси ҳам бир нафас жим қолиб, ўз хаёлларига берилганча булбул куйини

эшитишди. Бирдан... (Тургеневнинг ўз ибораси билан айтганда: “Бирдан ва фақат овчилар тушунар мени”) бирдан ўтлар орасидан чуғурлаганча лойхўрак учиб чиқди. У қанотларини кенг ёйганча шохлар орасидан учиб ўтди-ю, тун қоронғилигига яширинди. Шу онда Тургенев милтиғини қўлга олиб, тепкини босди. Тутун иси тарқаб, олов сачради ва бутун ўрмонга ўқ овози янгради.

– Нишонга тегдими? – баланд овозда сўради Толстой унга яқинлашаркан.

– Ҳа, тегди! Шундай учиб тушди ўзи ҳам!

Болалар итни етаклаганча Тургеневнинг атрофида ўралашарди.

– Бора қолинглар, ўлжани изланглар, – буюрди Толстой уларга.

Болалар итни олдиларига солиб, ҳамма ёқни излай кетишди. Аммо қанча уринишмасин, уриб туширилган лойхўрак топилмади. Дора жон-жаҳди билан ер искар, фақат аҳён-аҳёнда тўхтаб, норози ғингширди. Ниҳоят, Тургенев билан Толстой ҳам ёрдамга келишди. Бироқ атрофда лойхўракнинг пати ҳам кўринмасди.

– Балки сиз уни отолмагандирсиз? – сўради йигирма дақиқаларча излагач, хафсаласи пир бўлиб Толстой.

– Ахир, кўз ўнгимда ерга қулади-ку! – Тургенев шундай деб, майсалар устини синчиклаб кўздан кечирди.

– Балки, ўқ унинг қанотига теккандир. Ерга йиқилгану қочиб қолгандир.

– Йўқ, ўқ унинг қанотига тегмади. Мен унга аниқ теккиздим!

Толстой қалин қошларини чимираган, саросима ичра деди:

– У ҳолда ит уни топган бўларди, чунки Дора отилган ўлжани аниқ топади.

– Ўлдирганимдан кейин ўлдирдим дейман-да! – деди асабийлашган Тургенев милтиғини маҳкам ушлаб. – Ахир, ўлганми-ўлмаганми, бунинг фарқини ёш бола ҳам билади. Мен аниқ кўрдим!

Толстой Тургеневга истехзо билан қараб “У ҳолда, ит-чи?” деб сўради.

– Унисини билмадим. Мен фақат кўрганимни айтяпман. Ахир ерга қулади!

Тургенев Толстойнинг кўзларидаги истехзони кўрди-ю, бирдан даҳшатли овозда кичкирди:

– Ахир, айтяпман-ку, ерга қулади!

Шу вақт икки қария ёзувчининг баҳсига гўё ҳеч гап бўлмагандек Толстая хоним аралашди:

– У ҳолда Дора ўлжани тополмабди.

Софья Андреевна овчилар томон жилмайиб яқинлашаркан, эртага тонгдаёқ болаларни ўлжани яна бир бор излаб кўришга юбораман, баҳсни ҳозироқ тўхтатиб, ҳаммамиз уйга қайтайлик, деди. Тургенев шу заҳоти рози бўлди.

– Ҳа, эртагаёқ болалардан сўраб, ҳаммасини билиб оламиз.

– Ҳа, эртага билиб олармиз, – деди Толстой заҳарханда қилиб.

У норози қиёфада Тургеневга орқасини ўгирганча, тез-тез одим ташлаб юриб кетди...

\* \* \*

Бу кеч Тургенев ўз ётоғига чамаси соат ўн бирларда кирди. Ниҳоят, ёлғиз қоларкан, курсига чўкиб, атрофга ўйчан назар солди. Тургенев учун Толстойнинг иш кабинети ўрнидаги хона ажратилганди. Хонадаги улкан китоб жавонлари, бюст, портретлар, деворга осилган кийик шохи – буларнинг барчаси шам ёруғида тунд, зерикарли, шавқу завқдан холи кўринари. Аммо Тургеневни бу оқшом ёлғиз қолганлиги хафа қилмади.

У оқшомни уй соҳибининг оила аъзолари билан дастурхон атрофида ўтказди. Тургенев хушчақчақлик билан ҳазил қилар, кулар, бироқ Толстой қовоғини солганча жим ўтирар, деярли суҳбатга аралашмасди. Тургеневга бу оғир ботар, шунинг учун у оила аъзоларига хушмуомалалик билан илтифот этаркан, уй соҳибининг тунд қиёфасига атай парво қилмасди. Ҳар гал Тургенев бирор ҳазил гап ташлаганда дастурхон атрофида кулги кўтарилар, айниқса, болаларга Гамбург ҳайвонот боғидаги филнинг ўкиришини қойилмақом қилиб ўхшатиб берганда ёки Париждаги кўча болаларига тақлид қилганда кулги баралла янграрди. Лекин дастурхон атрофида хурсандчилик бўлгани сари Тургеневнинг кўнгли хижил тортиб борарди.

Суҳбат мавзуси француз адабиётига бурилганда Тургенев ортиқ тоқат қила олмай Толстой томон ўгирилди ва ундан бепарво оҳангда сўради:

– Эшитган бўлсангиз керак, Францияда қандайдир ёш бир ёзувчи ҳақида гапиришяпти?

– Йўқ, хабарим йўқ. Ким экан у?

– Де Мопассан. Ги Де Мопассан. Ниҳоятда зеҳни ўткир ёзувчи. Айтгандай, мен ўзим билан унинг “La maison Tellier”<sup>1</sup> ҳикоялар тўпламини олиб келганман. Агар вақтингиз бўлса, ўқиб кўринг.

– Де Мопассан?

Толстой меҳмонига шубҳа аралаш қаради. Бироқ таклиф этилган китобни ўқиб чиқадими, йўқми, бу ҳақда оғиз очмади. Тургенев болалигида катта ёшли болалар унга озор берганини эслади. Ҳозир ҳам худди ўшандай оғриқ унинг томоғига тикилганди.

– Ҳа, янги ёзувчи денг... Бизда ҳам шунақаси пайдо бўлган, – деди Толстая хоним меҳмонни ноқулай аҳволдан чиқариш учун ва ўша ёзувчининг ўзлариникида меҳмон бўлганини айта кетди:

– Бир ой бурун оқшом пайти уйимизга одмигина кийинган бир киши кириб келиб, дарҳол Лев Николаевични кўришим керак, деди. Уни Толстой ҳузурига олиб киришганларида у Лев Николаевичга қараб нима деди денг! “Келтирингиз менга дарҳол шўр балиқ ва бир қадаҳ арақ, токи бўлсин кайфимиз тарақ!” Бу қофияли гапи билан у ҳаммининг оғзини очириб қўйди. Ҳаммадан ҳам қизиғи, билсак, у анча-мунча машҳур ёш ёзувчилардан экан.

– Ҳа, бу Гаршин эди.

Бу номни эшитган Тургенев Толстойни яна суҳбатга тортишга уринди, чунки Толстойнинг индамай ўтириши уни хуноб қилганди. Энди эса унга яхши баҳона топилган, сабаби қачонлардир унинг ўзи Гаршиннинг асарларини Толстойга тавсия этганди.

– Наҳотки, Гаршин бўлса? Менимча, унинг ҳикоялари ёмон эмас. Билмадим, ўқиб кўрган бўлсангиз керак. Бироқ...

– Менимча ҳам ёмон эмас.

Ҳа, Толстой шунчаки бепарво, қуруққина қилиб жавоб берганди.

...Тургенев ўрнидан турди. Хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юраркан, оппоқ сочларини силкитиб бошини чайқади. Шам ёруғида унинг девордаги сояси гоҳ узаяр, гоҳ қисқарар, у қўлларини орқага қилганча хона бўйлаб юраркан, кўзларини полнинг яланғоч тахта-сидан узмасди.

Тургеневнинг кўз олдидан Толстой билан дўстлашган вақтлардаги, қарийб йигирма йил олдинги ёрқин хотиралар сузиб ўтди. Унинг кўз ўнгида, ўша вақтлар офицер бўлиб, бир неча кун кайфдан боши оғриб, Петербургдаги уйига уни тез-тез йўқлаб бориб турган, қачонлардир Некрасовнинг меҳмонхонасида юзингда кўзинг борми демай, Жорж Сандни танқид қилган, бир вақтлар “Икки гусар”ни ёзиб тугатгач, у билан бирга ўрмонда сайр қиларкан, бир зум тўхтаб, ёзги булутларнинг гўзаллигига мафтун бўлган, ва ниҳоят, Фетнинг уйида мушт ўқталганча бир-бирларига энг ҳақоратли сўзларни ёғдирган ўша Толстой гавдаланди. У бу хотираларнинг қай бирини эсламасин, қайсар, ўжар Толстойни, бошқалардаги самимиятни тан олмайдиган, бошқаларнинг самимиятига ҳамиша шубҳа билан қаровчи инсон эканлигини кўрарди. У наинки бошқаларнинг худди ўзи каби қилган аъмолига, балки кайфу сафосига ҳам шубҳа билан қарар, у бошқаларни ўзини кечиргандек кечира олмас, чунки бошқалар ҳам худди унинг сингари ёзги булутларнинг чиройини ҳис этишга ишонмасди. У Жорж Санднинг худди ўзидек самимийлигига ишонмаганлиги учун уни ёмон кўрарди. Ҳа, Тургенев борасида ҳам худди шундай. Ҳа, у Тургеневнинг ўша лойхўракни отганлигига ишонмаяпти.

Тургенев чуқур хўрсинди ва токча ёнига келиб тўхтади. Токчадаги бюстни хонадаги шамнинг олис ёғдуси хира ёритиб турарди. Бу Лев Толстойнинг катта акаси Николайнинг бюсти эди. Ҳа, унга ҳам қадрдон бўлиб қолган Николайнинг оламдан ўтганига йигирма йилдан ошибди. Қани эди, Толстой жилла қурса, акасидек инсон қалбини тушуна олганда эди!

Тургенев кўзларини хира ёритилган бюстга тикканча, баҳор оқшомининг ўткинчи лаҳзаларига ҳам парво қилмай, токча олдида узоқ туриб қолди...

\* \* \*

<sup>1</sup> “Телье муассасаси” (франц.)

Эртаси куни Тургенев тонгданоқ емакхона вазифасини ўтовчи каттакон залга кириб келди. Зал деворларига сулола аждодларининг суратлари осилган бўлиб, ана шу суратлардан бирининг остида Толстой келган хатларни кўздан кечириб ўтирарди. Емакхонада ундан бўлак бирор киши йўқ эди. Кекса ёзувчилар саломлашишди. Тургенев Толстойнинг юзида хайрихоҳлик аломатларини излар, ҳозир ҳам у билан ярашишга тайёр эди! Бироқ Толстой бетоқатлик билан бир-икки оғиз сўз айтганча миқ этмай хатларни кўздан кечираверди. Тургенев ҳам стулни яқин суриб, истар-истамас газета ўқишга киришди. Бир неча вақт нимқоронғи залда самоварнинг виқирлаб қайнашидан бўлак овоз эшитилмади.

– Тунни яхши ўтказдингизми? – деди Толстой хатларни бир четга суриб Тургеневга юзланаркан ниманидир эслашга урингандай.

– Яхши.

Тургенев Толстойнинг яна бирор гап айтишини кутиб, газетадан бошини кўтарди. Бироқ уй соҳиби ўзига самовардан кумуш финжонга чой қуяркан, бир оғиз ҳам сўз демади. Тургенев худди кеча оқшомдагидек Толстойнинг норози қиёфасига қарашга оғрина бошлади. Унинг юраги тобора хижил бўлиб тоқатсизланаркан, қани энди, ҳеч бўлмаса, Толстойнинг хотини кела қолса, деб ўйлар, лекин негадир ҳамма ёқ жимжит эди. Орадан беш, ўн дақиқа ўтди. Тургенев ортиқ тоқат қилолмай, газетани нари суриб ўрнидан турди. Бир вақт эшик ортидан оёқ товушлари, болаларнинг шовқин-сурони эшитилди. Шу ондаёқ эшик ланг очилиб, ғала-ғовур кўтарганча болалар кириб келишди.

– Дада, топилди!

Ҳаммадан олдинда турган Илья ниманидир қўлида баланд кўтарганча силкитарди.

– Уни биринчи бўлиб мен кўрдим! – деди онасига ўхшаб кетадиган Татьяна акасига гал бермай.

– У қулаётиб қайин шохига илиниб қолган бўлса керак, – деди ниҳоят Толстойнинг тўнғич ўғли Сергей.

Толстой ҳайрат билан болаларига қараб қолди. Ниҳоят, кечаги лойхўракнинг топилганини кўриб, унинг серсоқол юзи яшнаб кетди.

– Ҳа, дарахт шохига илиниб қолган. Шунинг учун ит уни тополмаган...

У ўрнидан туриб, болалар орасида турган Тургеневнинг ёнига келди ва унга бақувват қўлларини узатди.

– Иван Сергеевич, мен ҳам энди хотиржам тортдим. Менинг ёлғон гапирадиган ода-тим йўқ. Агар бу қуш ерга қулаганда эди, Дора уни албатта топган бўларди.

Тургенев қизарганча Толстойнинг қўлини сиқди. Ким топилди? Лойхўракми ёки “Анна Каренина”нинг муаллифими? Иван Сергеевичнинг қалби шу қадар қувончга тўлдиди, у бу саволга жавоб топа олмади.

– Мен ҳам бир сўзли одамман. Қаранг, ахир мен уни отмадимми? Ахир, у ўқ янграган пайтдаёқ қулаганди.

Икки кекса ёзувчи бир-бирига қараб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди.

**Рус тилидан Ойгул Асилбек қизи таржимаси**





### Шодмон ОТАБЕК

*1946 йилда тугилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Япроқдаги нур”, “Одамийлик синовлари”, “Энг бахтли кун”, “Қорбўрон”, “Ширмонбулоқ оқиомлари” каби китоблари чоп этилган. Л.Толстой, В.Шукин, М.Зошченко асарларини ўзбек тилига ўзгирган.*



## ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

### САДРИДДИН АЙНИЙ БИР КУНИ...

#### Беҳуда чапак

Ўқув юртларидан бирида устоз Айний билан учрашув бўлади. Учрашув самимий, жонли ўтади. Домлалар, талабалар ўзбек ва тожик адабиёти равнақиға салмоқли ҳисса қўшган машҳур ёзувчи ҳақида дил сўзларини айтадилар. Ниҳоят, адибнинг ўзига сўз берилади. Соддагина, қишлоқча кийинган адиб секин юриб келиб минбарга чиқади. Шошилмай сўз бошлади:

– Сиз каби озод, меҳнаткаш, илмга чанқоқ толиби илмлар билан учрашиб турганимдан мамнунман.

Қарсақлар янграйди.

– Мени шундай юксак мартабаларга етказган халқим олдида бир умр қарздорман.

Қарсақлар.

Шу тариқа адибнинг ҳар бир гапидан кейин қарсақ чалинаверади. Қарсақни ҳайъатда ўтирган тепакал, лунжлари осилган бир одам бошлаб берар, бошқалар тинганда ҳам у яна биров чапак чалиб турарди.

Адиб сўзида давом этади:

– Бахтли замонда яшаб, ижод қилдим. Романлар, қиссалар ёздим.

Қарсақлар.

– Академик бўлдим.

Қарсақлар.

– Фанлар академиясига президент бўлдим.

Қарсақлар.

Чапакни ҳамон ўша тепакал одам бошлаб берарди.

– Мен бундан ўттиз йилча бурун мана шу Регистонда юз берган тарихий воқеаларнинг тирик гувоҳиман.

Қарсақлар.

– Худди ана ўша Регистонда амир мени етмиш беш таёқ урдирган.

Ҳалиги тепакал одати бўйича яна чапак чалиб юборади. Бундан энсаси қотган устоз ўша одамга қараб шундай дейди:

– Лекин ҳеч қачон беҳуда чапак чалмадим!

Залда гуррос кулги кўтарилади.

### “Тасанно”

Айний домла шўро раҳбарларининг миллий меросга, табаррук қадамжоларга эътиборсизлиги, гоҳо шафқатсизлигидан қаттиқ азият чекиб юрган. Бу борада улар билан кўп тортишган. Кунлардан бир кун устоз Абу Али ибн Сино туғилган қишлоққа келиб, машҳур табиб дафн этилган тепаликни аниқламоқчи бўлади. Шунда бу ердаги вайроналарни кўриб тутоқиб кетади. Вилоят раҳбарига иддао қилади:

– Биз минг йил аввал ўтган Ибн Сионинг ҳокжойини излаб юрибмиз. Ахир яқиндагина ўтган Мушфиқийнинг қабри бузиб ташланибди-ку! Бу қандоқ разолат? Ҳазрати Нуробод қабристони бузилгани етмасмиди? Мадрасаи Хўржун қани? Ҳовузи Гавкушон қани? Саройи Баррас-чи?.. Қанчадан-қанча мадрасалар, мачитлар аёвсиз яксон қилинди. Эсиз... Бухорои шарифнинг бойқушхонадан фарқи қолмабди-ку!

Устознинг куйиниб айтган сўзларини оғриниб тинглаган раҳбар эътироз билдиради:

– Садриддин Саидмуродович! Намунча ўтмишни қўмсамасангиз? Сиз ўша ўзимиз билган пролетар ёзувчисимисиз ёки?..

– Э, бизни пролетар ёзувчиси қилган ўша замонга минг...“тасанно”!

Устоз бу сўзни алам устида айтган, аслида ўша замонга “Минг лаънат!” демоқчи эди...

### “Чужит”ни билмаса-да...

Ўтган асрнинг 30-йилларида Самарқанд шаҳрида ижодкор зиёлиларнинг йиғини бўлади. Анжуманда таниқли олимлар, раҳбарлар қатнашади. Рус олимларидан бири сюжет ва композиция масаласи юзасидан катта маъруза ўқийди. Ўрис тилида қилинган маърузадан ҳеч нарса тушунмаган Айний домла сўзга чиқиб, шундай дейди.

– Муҳтарам олимимизнинг маърузаларини яхши илғай олмадим. Чужит, чужит (сюжет) дейилди, аммо мен “Дохунда” ва “Қуллар” романимни чужитни билмай ёзганман.

### ВОСИТ САЪДУЛЛА БИР КУНИ...

#### Шоирнинг тутун қайтаргани

Анджонлик заҳматкаш шоир Восит Саъдулланинг ҳазил-мутойибалари, лутфлари ўзига хос, тагдор эди. Кунлардан бир кун Ғафур Ғулом “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси таҳририятида ходимлар билан гурунглашиб ўтирган эди, хонага ашаддий кашанда Восит ака сигаретини бурқситиб кириб қолади.

– Ҳа, Восит, ҳали ҳам тутаб юрибсанми? – дейди Ғафур ака Восит аканинг тажанглигига ҳам ишора қилиб.

– Ҳа, ёнаётганлар менинг тутунимда яхшироқ кўринади, – дея тагдор жавоб қилади Восит ака.

### ЎТКИР ҲОШИМОВ БИР КУНИ...

#### Одамлар нима дейди?..

Ўткир Ҳошимовнинг уйда ўтказиладиган бир маросимга тайёргарлик кўриларди. Ёрдамчилар орасида ёш қаламкаш Мурод Тиллаев ҳам бор эди. Устоз ва шогирд қозон олиб келиш учун қўшни маҳаллага боришади. Зил-замбил қозонни терга ботганча кўтариб келишаётганда Муроджон ногоҳ устознинг “Одамлар нима деркин?” деган қиссасини эспайди-ю ўзича сўз ўйини қилиб, шундай гап қотади:

– Ўткир ака, одамлар бизни кўрса нима деркин?

– Нимаям дерди? Қозон керак экан, кўтариб кетишяпти дейди-да.

– Йўқ, ундай демайди-да.

– Хўш, нима дейди бўлмаса?

– Кўринишдан туппа-тузук зиёли, бойвачча йигитлар битта мошина ёллашга қурумсоқлик қилишибди, демайдими?

– Э, тўғри айтасиз, қўйинг бу савилни бир четга! – Ўткир ака шоша-пиша қозонни йўлак четига тўнтариб, қўлларини қоқади. – Кетдик!

Илдам юриб кетаётган устознинг ортидан кулимсираб қараб турган Муроджон кутилмаганда яна шундай деди:

- Шошманг, устоз!
- Хўш, яна нима дейсиз?
- Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Одамлар бошқача дейиши ҳам мумкин-да.
- Нима демоқчисиз ўзи, сизни тушунолмай қолдим-ку, Муроджон?!
- Бердисини айтишга қўйинг-да, устоз. Бу ерда сизни ҳар қадамда танишади. Одамлар бизни кўриб, “Қаранглар, Ўткир Ҳошимовдек таниқли, машҳур ёзувчи бировга иш буюрмасдан, камтарлик қилиб, ўзи қозон кўтариб кетяпти” демайдимиз?
- Ўткир ака кулимсираб яна қозонга энгашади.
- Гапингизда жон бор, қани кўтардик!

### Дастхат

Ўткир Ҳошимов кўчада машинасини ҳайдаб кетаётган эди, чорраҳада ДАН ходими кизил таёғини кўтариб, тўхтатади.

Машҳур адиб шошиброқ турган эди, тезроқ қутулиш учун машинадан янги чоп этилган китобини олиб, дастхат битиш учун сўрайди:

- Укажон, исмингиз нимаиди?

ДАН ходими таниқли ёзувчига, унинг қўлидаги таниш китобга ажабланиб қарайди, сўнг ийманибгина дейди:

- Ўткир ака, кечирасиз, бу китобингизни ўтган ҳафтада ҳам ёзиб берувдингиз...
- Э, дарвоқе...

### НЕЪМАТ АМИНОВ БИР КУНИ...

#### Қийин иш

“Муштум” журнали таҳририятида бўлаётган қандайдир тадбирга Неъмат ака таниқли қорақалпоқ шоири Ибройим Юсуповни бошлаб келади.

Дастурхондаги ноз-неъматларга ҳавасланиб қараган шоир ўзича шундай гап қотади:

- Неъматжон, одамларни кулдириш ҳам осон иш эмас!
- Тўғри айтасиз, тўйдириш ҳам қийин! – дейди сатирик ҳозиржавоблик билан.

#### Афандининг эшаги

Кунлардан бир кун Неъмат ака дўстлари билан Тожикистонга сафар қилади. Машҳур сатирик ёзувчини мезбонларга ўзбекларнинг Насриддин Афандиси деб таништиришади. Шунда даврадагилардан бири луқма ташлайди:

- Агар Афанди бўлсалар, бу кишимнинг эшаклари йўқ-ку?!

Неъмат ака шартта жавоб беради:

– Бухородаги машҳур Лабиҳовуз хиёбонида Хўжа Насриддинга ҳайкал ўрнатиляпти. Ҳайкалтарош Шапиро эшагимдан нусха кўчирмоқчи экан, илтимос қилувди, эшагимни унга қолдириб келдим.



## УНАЧИМАС МЕНИ БОФИМ



### **Робиддин ИСХОҚОВ**

1927 йилда туғилган. Фарғона Давлат педагогика институтини тамомлаган. “Кўшиқ йўлдош юрган йўлимда”, “Ойга ремонт тушармиш”, “Хайқиреқ”, “Юз газал”, “Кувноқ лаҳзалар”, “Ўнгор нафаси” каби қатор китоблари чоп этилган.

1989 йилда вафот этган.

## КЕНГЛИКЛАРДА ОФИЮҚ ШОНИ ОТАР

### **КЕНГЛИКЛАР**

Кенгликларга парвоз қил қалбим,  
Кенгликларда кенг дунё ётар.  
Кенгликларга парвоз қил қалбим,  
Кенгликларда оппоқ тонг отар.

Олатовнинг чўққисидан то  
Оролқум чўлида кезар хаёлим.  
Шу кичик қалбимга, жо бўлур дунё,  
Титраган дунёнинг посбони элим.

### **АЙТИЛМАГАН СЎЗ**

Чарос кўздан сочилар ёгду,  
Чарос кўздан сочилар инжу.  
Ошиқ мактуб, юзида томчи  
Тўлгонади, тўлгоқда туйғу.

Оқшомда ой уқалаб кўзин  
Бўса олар зилол япроқдан.  
Сув юзида чайқалиб тўлқин  
Меҳр излар ёниқ дудоқдан.

Оқаради оқшом рўмоли,  
Соғинч кўзда намли киприклар.  
Айтилмаган сўздир томчиси,  
Кўз губорин ювмоқда улар.

**ШАМОЛ**

Шамол, менинг ҳазилкашим,  
Сочларимни этар пахмоқ.  
Баъзан туртса кўкрагимдан,  
Кўзларимда чақнар чақмоқ.

Суриб борар қумлоқларга,  
Қамишзорда беллашамиз.  
Мен кесганда бир қамишини –  
Икки учин талашамиз.

**УЧАРЛАР**

Учар бор –  
Учмоқ истайди,  
Оёқлари тегмагай ерга.  
Елга учиб кетса,  
ким ҳам истайди,  
Изламанг, бевазн ел билан бирга.

**КҶНГИЛ**

Кўнгил ишиша дейдилар, баъзан,  
Оғир сўздан синади чил-чил.  
Дўстга озор бермоқ, ҳаммадан  
Оғир экан, дўстим, уйлагил.

Бир сўз қадри олтиндан зиёд,  
Бир сўз билан кўтарилар дил.  
Юракдаги иссиқ сўзингни  
Меҳр қутган дўстга улашигил.

**УМРИМ**

Умрим –  
тоғ чашмасин сачратқисидир,  
Сингиб борар майсага, тошга.  
Қум оралаб, ўтиб заминни –  
Ошиқ бўлган ой –  
қаламқошга.

Гуллатмаса тошни, қумлоқни,  
Сайратмаса қушларни тонгда.  
Бундай умр –  
бир ўткинчидир,  
аждодлар хоки бор,  
авлодлар ҳаққи бор Ватанда!

**ҚИШ ЭСКИЗИ**

Оқ рўмол ичида сулув кенг дала,  
Оппоқ дастурхонда дарахт – бир ваза.  
Нозик новдалардан чумчуқ бир йўла  
“Гурр-р” этиб уфққа учгайдир тоза.

Новдалар силкинди, тўкилди оқ пар,  
Ерга тўзгиб кетди бир тўп капалак.  
Мажнунтол кокилин ерга ташлар зил,  
Гўё тол бошида гоз тўплангандек.

Сув юзи новвотдай ялтирар, ажиб,  
Кўёш нури тегиб синади чил-чил.  
Коинот гардиши толмас ун элаб,  
Олам оппоқ, оппоқ, оппоқ дил!

**МАНЗАРА**

Ҳаво яна бўзрайди қирда,  
Ғарб уфқида қуюқ бир туман.  
Майса қулоқ чиқарди ердан,  
Тупроқ ҳиди ёқимли чунон.

Ёмғир қуйди, тоғ тўши яшинаб,  
Кўм-кўк гилам очди гулларин.  
Сабо эсиб, қир, адир оша  
Димоқларга сочар бўйларин.

Асалари бол ишқида тез  
Учиб қолар адирга, қирга.  
Баҳор келиб, бол сепдими ё,  
Бағри баҳор шу она ерга?!

**СУВ**

Сув –  
ойна, боқардик иккимиз ёниб,  
Сувратимиз учрашиб сувда.  
Ҳарсангни гарқ этса,  
шаффоф тўлқинлар,  
титраб кетар эдик қўрқувда.

Лаҳзалар, сув каби тиниқ, мусаффо,  
Бизнинг хотирадан ўчмас умрбод.  
Чақалоқ йиғласа, чўчиймиз, гоҳо  
Қулса, шалолани эслаймиз бот-бот.

**ДУНЁ**

Соат милларида кўз очар дунё,  
Ҳар нафасда –  
йўл босар аср.  
Газ қувур ётқизиб, тиклаймиз бино,  
Дунё –  
худди очилмас қаср.

Биз билан ишлайди дунё,  
воажаб,  
Ўтиб кетди умр дея шошамиз.  
Не-не қурувчини ўтказиб дунё,  
Яна уфқ яногин этади қирмиз.

## БҲЛОҚ ҚҲЗ ОҲДИ



### **Зиёну<sup>р</sup> ҲАЙДАРОВА**

1995 йилда туғилган. Ҳозирда Андижон тиббиёт коллежининг фармацевтика факультети талабаси. Унинг “Бир камлиги ёлгон дунёнинг” шеърий тўплами нашр қилинган.

## ОЛИСДАҒИ МАНЗИЛ

### **БИР КАМЛИГИ ЁЛҒОН ДУНЁНИНГ**

Севган ёринг сени ойим, деб турса,  
Ўзинг чиройларга бойим, деб турса,  
Ҳаётдаги топган борим, деб турса,  
Бугун бир камлиги ёлгон дунёнинг.

Дўстларинг кўп бўлса, йиқилсанг, тиргак,  
Қоқилганда ортингдан қилмаса эрмак,  
Бир кам дунё деб, айтмангиз эртак,  
Чунки бир камлиги ёлгон дунёнинг.

Бошимизга ҳумо қушлари кўнди,  
Обод, эркин фарзандимиз Ватаннинг.  
Бугун қалбларимиз гайратга тўлди,  
Энди бир камлиги ёлгон дунёнинг.

Қалбинг жўшиб бугун шеърлар ёзолсанг,  
Дарёларинг топса кабир саҳрони.  
Ёр-ла муҳаббатда мангу қололсанг,  
Бугун бир камлиги ёлгон дунёнинг.

Яхшилардан кўприк қолса дунёда,  
Сахийлигу поклик қолса дунёда,  
Ёмонлардан йўқлик қолса дунёда,  
Ишон, бир камлиги ёлгон дунёнинг.

Фарзандим деб бошинг силаса доим,  
Азиз боласидек кўрса гар Ватан,  
Отанг дилбандим деб бахтинг тиласа,  
Ишон, бир камлиги ёлгон дунёнинг.

*Бахт изламанг, олисдаги манзилдан,  
Бахту иқбол оёғимиз остида.  
Ишқни туйинг, шамол эсган тонглардан,  
Бир кам дунё – ёмонларнинг юртида.*

### **ЕТТИ ҚАВАТ ЕР УСТИДА ЯГОНА ЮРТИМ**

*Олисларга кетган ўғлонин  
Болам дея, чорлаб турар юрт,  
Дўстлик билан ўрар қўрғонин  
Қишида қуёш порлаб турар юрт.*

*Тупрогининг ўрнин босмас зар,  
Тинчлик тугин кўтарган юрт бу.  
Муствақиллик қўшигин куйлар,  
Кўҳна тарих кўрган юртдир бу.*

*Қўшинисининг тинчи бузилса,  
Ўз жонидек куйган Ватаним.  
Кўкка учиб кетган қўшини ҳам  
Ўз дўстидек суйган Ватаним.*

*Яна сендек жаннатмакон юрт,  
Яна сендек гўша қайда бор?  
Саҳросида кулиб турар гул,  
Баҳраиндек сувлари зилол.*

*Алп ўғлоним йўқ деб ўксима,  
Қучоғингда Бобурларинг кўп.  
Ибн Сино дарсини олган  
Барчинойлар, Тўмарислар кўп.*

*Осиёнинг минбарларида  
Маҳзиянгни куйлар фарзандинг.  
Америка, Лондонларда ҳам  
Юртим, сени ўйлар фарзандинг.*

*Сенда не бор айт, эрка ўлкам,  
Соғинтириб дилни тортгувчи.  
Боласини жоним деб суйиб,  
Аёлларин кафтда тутгувчи.*

*Етти ёшида Қуръон ёдлатиб,  
Навоийсин улгайтирган юрт.  
Адраслари доғруғ таратиб  
Европани шайдо қилган юрт.*

*Қароғингда қайғу кўрмайин,  
Мингта жоним бўлса берсам кам.  
Бир нарсани Ҳақдан сўрайин,  
Халқим, кўзинг ҳеч бўлмасин нам.*

*Қуёшларда соя бўлайин,  
Гулларингни асраб тургувчи.  
Ёки тилсиз қоя бўлайин,  
Сирларингни сақлаб бергувчи.*

*Юртим, гўзал байрамларингда  
Бинафшадек очилиб яшай.  
Қучоғингда бўлсам-да яна  
Мен бағрингга шошилиб яшай.*

*Губорингни ювмоқлик учун,  
Кел, мен сенга дарё бўламан.  
Менинг халқим, ишонгин менга,  
Жалолиддин, Кубро бўламан.*

*Йироқларда бўлсам, элтсин шамолнинг,  
Чорла болам дея, учиб бораман.  
Танда жоним менинг, ўлсам-да, бир кун  
Юртим, тупрогингни қучиб қоламан!*

\* \* \*

*Нозик гунчалардан сен гул яратиб,  
Ажиб чаманлардан берурсан асал.  
Қизил атиргулдан ифор таратиб,  
Оллоҳ, неъматларинг бунчалар гўзал!*

*Қишида соғинамиз гўзал баҳоринг,  
Табиатнинг қонуни ўзгармас азал.  
Дилларни яшинатар чағми зилолинг  
Оллоҳ, неъматларинг бунчалар гўзал!*

*Дилни эритгувчи ширин сўз – гўзал,  
Онажон деб боққан қаро кўз – гўзал.  
Дунёнинг борлиги – чексиз қудратинг  
Оллоҳ, неъматларинг бунчалар гўзал!*

*Қалбга меҳр улашгувчи асл боймикан  
Гўзал, ҳур малаклар қизмас, оймикан?  
Биз яралган макон, жаннат жоймикан  
Оллоҳ, неъматларинг бунчалар гўзал!*

*Агар сен хоҳласанг митти бир ниҳол,  
Бир кун келиб, албат, чинор бўлади.  
Неъматинг қадрлаган бандаларингни  
Покиза қалбига иймон тўлади.*

*Ишкомларни безатади узумлар  
Кўкда юлдузингдан маржон тузилар.  
Амринг билан кунлар тундан узилар  
Оллоҳ, неъматларинг бунчалар гўзал!*

*Етти қават осмон бино этибсан,  
Мўъжизангни кўриб бўлар ақлим лол.  
Айтгин, куттирмасин чиқишин ҳилол  
Оллоҳ, неъматларинг бунчалар гўзал!*



(1862-1910 йиллар)

**1862 йил 8 октябрь.** Яна кундаликка ёзиш. Мен бу зерикарли одатни турмушга чиқишдан олдин ташлаб юборгандим. Мен одатда сиқилган пайтларда кундалик ёзаман, ҳозир ҳам худди шундай. Мен у билан, яъни турмуш ўртоғим билан икки ҳафта бахтиёр яшадим. Менинг сирдошим ҳам, кундалигим ҳам у эди. Мен ундан ҳеч нарса ни яширмасдим. Бироқ кеча у менга: “Сенинг туйғуларингга ишонмайман”, деб айтди. Мен даҳшатдан донг қотиб қолдим. Менимча, мен ўз ҳисларимни тўла ифодалаб беролмайман. Назаримда, шу сабаб менга ишонмаса керак. Мен авваллари бўлғуси турмуш ўртоғимни соф, очиққўнгил, ҳамиша кўз ўнгимда бўлади, ёлғиз ўзимни севади, биз у билан ҳеч қачон уришиб қолмаймиз, деб хаёл қилардим ва бу хаёллар гарчанд болаларча бўлса-да, ҳали ҳам мени тарк этмаган. Балки мен қачонлардир шу хаёлларимга эргашиб, П.ни севишга урингандирман. Энди бу хаёллардан воз кечмоқ керак, негадир бу менинг қўлимдан келмаяпти. Эримнинг ўтмиши мени шу қадар даҳшатга соладики, назаримда, у билан ҳеч қачон ярашмасам керак. Мен бўлажак фарзандларимда, эримнинг ўтмишидаги ярамас иллатларни, ундаги чидаб бўлмас нуқсонларни эмас, ўша софликни, ўша покликни кўришни истайман. У турфа хил яхши-ёмон ҳисларга тўла бўлган ўтмишини, ўша борлигини, Худо билади, кимлар ёки нималарга сарф этилган ёшлигини энди сира меники бўла олмаслигини, менга бегона эканлигини тушунмайди. У яна мен унга борлиғимни бахшида этганимни, мендаги соф покизалик исроф этилмаганини, фақат болалик хотираларимгина уники эмаслигини англамайди. Ўша хотираларим, илк туйғуларим ҳам унга бахшида эди, бироқ у бу хотираларни йўқ қилди. Нима учун, ахир, уларда бирор ёмон гап йўқ эди-ку?! У вақтини, кучини сарф этиб эришганларини, меникидек туйғулари олис-олисларда қолиб кетганини айтади. Тўғри, менинг ҳам ўтмишимда турли воқеалар бўлган, лекин уникачилик эмас. У мени қийнаб ҳузур қилади. У мени ҳам оқ-қорани танишим учун ўша ботқоқлардан ўтишимни истади. У менинг изтироб чекмай, осонлик билан бахтга эришганимга хусумат қилади. Энди унинг худбинлиги дастидан йиғлаб ўтирмайман, кўзёшимни кўришни ҳам истамайман. Майли, менга ҳамиша ҳамма нарса осон, енгил бўлган, деб ўйлайверсин. Кеча бобомниқидан уни кўриш учун атай от устида келдим, уни кўрган онимдаёқ мени аллақандай куч, аллақандай ҳис



чулғади. Мен шу лаҳзаларда уни нақадар севишимни ҳис этдим, ёнига боргим келди, аммо ҳозир унга яқинлашсам, ҳафсалам пир бўлишини, бу унга худди тилёғламалиқдай кўринишини англадим. Негадир мен очиқ айтмайман, айта олмайман ҳам. Менда шу қадар аҳмоқона худбинлик борки, агар кимнингдир ўзимга нисбатан салгина ишончсизлигини ёки тушунмаслигини ҳис этсам, тўнимни тескари кийиб оламан. Нафратим ортгандан ортиб бормоқда: ахир, у нима қилмоқда?! Ахир, шу кетишда унинг ҳам, ўзимнинг ҳам ҳаётимни ғурбатга айлантираман-ку! Унинг қайғули нигоҳларини кўриб ўзимнинг ҳам раҳмим келади. Ўша лаҳзада мен уни ўлардек севганимдан ўлдириб қўйган бўлардим, бироқ ишонмайди, барибир, ишонмайди, деган ўй тинчлик бермасди. Бугун шуни ҳис қилдимки, иккимиз ҳам ўз-ўзимизча бошқа оламлар ясаб олганмиз. Дарҳақиқат, муносабатларимиз менга тубан бўлиб туюлади. Мен ҳам унинг севгисига ишонмайман, у мени ўпаркан, шунчаки майлга бериляпти, деб ўйлайман. Шу тариқа у норози бўлса ҳам, илк соф ҳисларинг ҳақоратлангандай, топталгандай бўлади. Тўғри, мен ҳам майлга берилганман, бироқ фақат тасаввурларимда, у эса худди ҳозир мени севиб турганидек қачонлардир гўзал аёлларни севган, улар билан ишрат қилган. Шунинг учун менинг эмас, унинг ўтмиши жирканч. Нима ҳам қила олардим?! Агар инсон ростмана инсон бўлиш учун дастлаб иблис бўлиши керак бўлса, билмадим. Эримнинг шундай одамлар тоифасига кириши мен учун оғир, дарҳақиқат, оғир. У эса менинг севгимга ишонмайди, ахир, ҳатто бирор лаҳза бўлмасин ўтмишимга боқиб, унга турмушга чиққанимдан ачиндимми ёки уни ёмон кўриб, севганимдан пушаймон бўлдимми? Асло! Наҳотки, унга менинг кўзёш тўкиб ўтиришим, ажралиб кетишимизга сабаб бўлаётган ўртамиздаги чигал муносабатларни ўйлаб сиқилишим ёқса?! Мени тобора эговлаб, азоб беришига тоқат қилолмайман. У эса ўзича олийжаноб, раҳмдил, ҳар қандай тубанликдан нафратланади, унга тоқат қила олмайди. Авваллари унда бор фазилатларни ардоқлардим, қалбим билан севардим, ҳозир эса бу ҳислар совиб, тугаб қолгандай.

**9 октябрь.** Кеча ярашиб олдик. Анча энгил тортдим, ҳатто жуда хурсандман. Боягина отда сайр қилдик. Бугун оғир туш кўрдим, ҳатто нима кўрганимни ҳам эслай олмайман, шунданми, дилим хира. Онам ёдимга тушди, кўнглим бузилди. Умуман олганда, ҳаётим яхши, бироқ ўтмишни қайтариб бўлармиди... Ҳаётда бахтли кунларим кўп бўлган. Ҳозирча эса эримнинг кайфияти чоғ, менга ишонади, кўз тегмасин. Тўғри, назаримда, мен унга тўла бахт бера олмаяпман. Гўё мен оғир уйқудаман-у, негадир уйғониб кета олмаяпман, агар бу лоҳасликдан чиқиб кетолсам эди, бутунлай бошқача одамга айланардим. Бунинг учун нима қилиш кераклигини билмайман. Агар шундай бўлса, у менинг ҳисларимни кўрган бўларди, мен унга, уни қанчалар севишимни айтган, уни аввалгидек бахтли қилган бўлардим. Тезроқ, тезроқ бу лоҳасликдан халос бўлиш керак, тезроқ уйғониш керак. Мен бу лоҳасликка ёзда Покровскийга борган вақтимда чалиндим. Мен дам-бадам энгил тортардим, бироқ Москвага келганимда яна ўша мудроқлик мени чулғаб олди ва ўшандан буён ҳамон уйғонганим йўқ. Мени қандайдир оғир ҳислар ўзига тартади, назаримда, яқинда ўладигандайман. Айниқса, ҳозир турмушга чиққан пайтда бу жуда ғалати. Мен унинг ухлаётганини эшитиб, ёлғизлигимдан даҳшатга тушаман. Баъзан у мени ёнига яқин қўймайди, бу эса кўнглимга оғир ботади.

**11 октябрь.** Даҳшат! Даҳшатнинг ўзгинаси! Тобора ўзимни йўқотиб боряпман. Эрим бетоб, кайфияти йўқ, назаримда, менга кўнгилсиз. Худога нима ёзгандим, шунақа бўлишини ўйлаганмидим, умуман, менинг бахт-саодатим ҳақида биров ўйлайдими? Мен на ўзимни, на уни бахтиёр этаман. Баъзан ўйлаб қоласан, ўзингни ҳам, бировни ҳам бахтсиз қилиб яшашнинг нима ҳожати бор?! Ҳа, бу ўй мени кўпдан азобга солмоқда. У кундан-кун мендан совиб, узоқлашиб бормоқда. Мен эса унга аксинча, кундан-кун қаттиқроқ боғланиб қолмоқдаман. Агар у мендан узоқлашиб кетса, бунга мутлақо тоқат қила олмайман. У эса ўта самимий: кўнгли йўқми, иккиюзлаmacherлик қилмайди, севадими, бас, буни бутун ҳатти-ҳаракатида кўрсатади. Қизлик уйимни соғиндим, қандай бахтли эдим! Ҳозир эса кўнглингга қил ҳам сиғмайди, ҳамма сендан норози, қайинхолам ҳам (Ергольская) қандайдир бегонасираган, эримнинг-ку, мутлақо мен билан иши йўқ. Онагинам, жонажоним, синглим Таня, қандай яхши эди у кунлар! Бечора Лизани эса тинмай қийнардим, нега уларни тарк этдим?! Ҳозир-чи, аламимдан ёзғириб, сиқилиб ўтирибман. Лёвочка (Толстой) эса қандай олийжаноб, назаримда, ҳаммасига ўзим айбдордайман. Мен унга тушкун кайфиятда кўринишни истамайман, бу каби аҳмоқона инжиқликлар эркакларнинг жонига тегишини ҳам яхши биламан. Ҳаммаси ўтиб кетади, ҳаммаси жойига тушади, деб ўйлайсан, аммо ҳеч нарса ўтиб кетмаслигини, аксинча,

кундан-кун аҳволинг ёмонлашиб бораётганини сезасан. Отам ўз хатида: “Эринг сени қаттиқ севади”, деб ёзади. Ҳа, тўғри, севарди, энди эса йўқ, буни ҳеч ким англамайди. Сезишимча, унда менга нисбатан фақат майл, эҳтирос бўлган, эҳтироснинг эса умри қисқа. Ҳа, бу эҳтироси учун у кўп афсусланади, чунки севмаган кишинг билан бир умр яшаш азоб. Ҳамма учун азиз, қадрли бир инсоннинг умрини барбод этаманми?! Мен худбинлик қилиб унга турмушга чиқдим. У мен ҳақимда: “Ҳа, мен бу аёлни севмоқчи эдим, аммо ортиқ сева олмайман”, деб ўйласа керак.

Бахтли кунларим туш каби ўтди-кетди. Кўрасан, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, деб менга уқтирмоқчидек бўлишади. Турмуш ташвишлари сабаб ҳаётга бўлган аввалги иштиёқим, қизиқишларим сўнгандай. Эртадан кечгача оғир хаёлларга берилиб, қўл қовуштириб индамайгина ўтирсам, дейман. Қўлим ҳеч ишга бормайди. Нима ҳам қилардим, шу даҳмаза чепчикни<sup>1</sup> тикиб?! Ўтириб мусиқа чалгим келганди, юқоридаги роял банд, пастдаги фортепиано эса бузуқ. У бугун ўзининг Никольскийга жўнаб кетишини, менинг эса уйда қолишим кераклигини айтди. Унга мендан қутилишига имкон беришим керак эди, бироқ мен ундай қилолмадим, чунки кучим етмади. Ҳозир у юқорида, Сленова<sup>2</sup> билан роял чалмоқда. Бечора, мендан қутулиш учун ўзига эрмак излайди.

**13 ноябрь.** Ёқимсиз сон, ёқимсиз сана. Хаёлимга келган биринчи фикр шу бўлди. У билан суҳбатлашган пайтларим энгил тортаман. Уни фақат ўзимники деб биламан, худбинларча энгил тортаман. Тўғриси, мен нима билан овунишни билмайман. У эса жуда истеъдодли ва ақлли. Менда униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Сирасини айтганда, фақат севги билангина яшаб бўлмайди, ахир. Аммо мен шу қадар нотавонманки, эртадан кечгача уни ўйлайман. У бетоб бўлиб қолса, “ўлиб қолса-чи”, деб ёмон хаёлларга бораман. У қувонганда эса “қани энди, бу ҳол ҳеч тугамаса...” деб орзиқаман. Ўзим ҳам қувонаман, ортиқ ҳеч нимани ўйламайман. Агар у уйда бўлмаса ёхуд бирор нима билан машғул бўлса, яна у ҳақида ўйлайман, “келмаяптимики?” деб қулоқ соламан, юзидаги ҳар битта ифодани кузатаман. Балки мендаги бу ҳол ҳомиладорлигим туфайлидир. Мен ҳозир ёмон аҳволдаман, шунинг учун унга малол келмоқдаман. Рўзгор ишлари билан ўралашиб кетиш осон, бироқ олдин шу юмушларга иштиёқ, қизиқиш керак. Кейин хўжалик юритиш, фортепиано чалиш, айрим яхши нарсаларни ҳисобга олмаганда, бир талай олди-қочди китоблар ўқиш ва бодринг тузлаш каби ишлар кўнгилга сиғади. Мен буларнинг ҳаммаси ўз вақти-соати билан бўлишини, қизликдаги эрка ҳаётим унутилиб, қишлоқда яшашга кўникишим кераклигини яхши биламан. Ҳаммага мазах бўлиб, сиқилишни истамайман. Ишонаманки, бундай бўлмайди. Эрим менга кўпроқ эътибор беришини истайман! Қизиқ, мен уни борлигим билан севаман, аммо унинг эътиборини кам ҳис қиламан. Баъзан шундай ёруғ лаҳзалар бўладикки, тирикликнинг, яшашнинг нақадар бахт эканлигини ҳис қиламан, англайман. Зиммамда нечоғлик масъулият борлигини кўраман. Шу масъулият, шу бурчнинг борлигига шуқр ҳам қиламан, аммо ўша лаҳзалар ўтиб кетгач, яна бари ёдимдан чиқади. Ҳали ўша яхши кунлар келишини, батамом мен билан қолишини биламан, уларни интизорлик билан кутаман. Ҳали ҳаммаси ўз изига тушади, турмуш ғилдираги айланадию мени ўз домига олади. Ўшанда мен ҳам ғайрат ила ҳаётга шўнғийман. Тавба, бу нарсаларни мен худди байрам ёки ёзнинг келишидек кутяпман. Ҳозир Москвага бориш ҳам, кутаётган фарзандим ҳам менда ҳеч қандай ҳаяжон: на шодлик, на хафалик уйғотмаяпти. Бу тушкунликдан халос этадиган, руҳимни тетиклаштирадиган бирор чора топсам эди...

Мен кўпдан буён ибодат қилмай кўйдим. Авваллари мени ибодат қилишнинг ҳатто зоҳирий томонлари ҳам қизиқтирарди. Мен болалигимда ҳаммадан яшириниб, эшикни ичкаридан беркитганча санам қаршисига шам ёқарканман, тиз чўкканча соатлаб ибодат қилардим. Ҳозир буларнинг барчаси менга кулгили ва аҳмоқона бўлиб кўринади, аммо уларни эслаш жуда мароқли. Турмушга чиққанингдан сўнг ҳамма нарса жиддий, қизлик ҳаётингдаги ҳисларинг ёқимли, ажралиш оғир, ортга қайтишга эса йўл йўқ. Йиллар ўтиб, мен ўзимга бадастир оилавий ҳаёт яратаман ва бу турмушга яна чин дилдан кўникаман. Чунки бунда мен учун ота-онамдан, ака-укаларимдан ҳам қадрлироқ болаларим, турмуш ўртоғим бўлади. Ҳозир эса ўтмиш, келажак ва бугун ўртасида саргардонман. Эрим жуда меҳрибон, у менга ҳозирги тушкунлигимдан халос бўлишим учун

<sup>1</sup> Исик бош кийим.

<sup>2</sup> Толстая у билан яқин дугона бўлган, бироқ у 1752 йилнинг 12 октябрида синглисига юборган хатида: “Биласан, аввалдан жуда рашкчман. Сленованинг эрим билан роял чалиши, у билан суҳбатлашиши, унга ёқиши менинг қаҳримни келтиради. Яқшанба куни у жўнаб кетади, мен бундан жуда хурсандман”, деб ёзади.

гамхўрлик қилади. Майли, ўзим бир амалларман. Қизиқ, мен ҳамон ўша-ўшаман, бироқ мен ҳозир қиз бола эмас, аёлман. Ҳа, бунга сабр қилиш керак.

Балки Москвага борсам, руҳим анча тетиклашар, балки шунда ўтмишни унутиб, бугунни ҳис этарман. Чунки ҳамма гап ўзимда, ўзимни қандай тутишимда. Фақат у менинг инжиқликларимга сабр қилса бас, ҳозирги оғир пайтда бироз тоқат қилса кифоя.

Мана, ҳозир ҳам ёлғиз ўтирибман. Атрофга қарасанг, юрагинг сиқилади. Ёлғизлик ҳаддан зиёд оғир. Мен бунга сира кўникаманман. Қизлик уйимда ҳаёт қайнарди, бу ерда эса унингсиз атроф ўлик сукунат. У ҳаммиша ёлғиз, ёлғизликка кўникиб кетган, менга ўхшаб яқинларидан эмас, ишдан таскин топади. Балки мен ҳам кўникарман. Тавба, гўё ҳамма ўлиб кетгандек, энди ҳеч қачон ўйин-кулги овози эшитилмайдигандек, ҳаммаёқ жимжит. Унингсиз ёлғиз қолишни истамасам, баъзан у мenden койинади. У бу борада адолатсизлик қилади. Тўғри, у буни тушунмайди, чунки ота-онасидан жуда эрта айрилган. Мен унга яхши бўлиши учун кўлимдан келган барча ишни қиламан, чунки у жуда олийжаноб. У мenden кўра олийжаноб, балки мен шунинг учун ҳам уни севарман, менинг ундан бўлак ҳеч кимим йўқ.

Зерикишимнинг сабаби, мен жуда нотавонман, ўзимда яшашга куч топа олмайман. Шунданми, ғала-ғовур ҳаётга кўникаманман, бу ерда эса сукунат, ўлик сукунат. Кўникаман, ахир, инсон ҳамма нарсага кўникади. Насиб қилса, мен ҳам бола-чақага тўла ғала-ғовурли рўзгор бутлайман, ўзим, эрим, болаларим учун яшайман, фарзандларимни улғайтираман, ахир, бунинг учун бирмунча қадам ташладим.

**1863 йил 17 январь. Москва.** У ҳаммани яхши кўради, бу эса менинг ғазабимни кўзгайди. У фақат мени, ёлғиз мени севишини истайман. Бундоқ ўйлаб қарасам, мен яна инжиқлик қиляпман. У олийжаноб, оқкўнгил, ўйлаб кўрсам, менинг алам ва аччиғланишим сабаби – инжиқлигим. У фақат мени десин, фақат мен учун яшасин дейиш бу – худбинлик. Турган гапки, мен худбинликни ўзимга касб қилиб олганман. Мен кимни ёхуд нимани эмас, фақат Лёвочкани севаман. Бироқ бу ҳам тўғри эмас, чунки у менга эътиборсиз бўлган пайтларда машғул бўлиш учун нимагадир қизиқишим керак. Ахир, у ҳам ўз ишини, машғулотларини севади-ку! Ҳаётда бу каби кўнгил совишлар бўлиши мумкин. Муносабатларимиз ҳақида Лёвочкадан кўра кўпроқ бош қотиришим ҳам бекорчилигимдан, шунинг учун ҳам бу муносабатлардан кўп нарсани ўрганаман. Бирор мақсад билан эмас, шунчаки ғайриихтиёрий ўрганаман. Қани эди, бу ўрганганларимни амалда ҳам қўллай олсам. Майли, ҳамма нарса вақти-соати билан.

Тезроқ Ясная Полянага кетақолсак эди. У ерда у фақат мен учун, мен билан яшарди. Сирасини айтганда, қайинхолам, мен ва у! Бошқа кимсанинг хожати ҳам йўқ. Бу ҳаёт менга жуда ёқди. Ўлсам ҳам, уни ҳеч нарсага алмашмайман. Бу турмуш, бу ҳаёт учун ҳар нимага тайёрман. Бора-бора ҳаётим яна ҳам гўзалроқ бўлади ва мен жуда бахтиёр бўламан.

Уйда агар Лёвочка хоҳласа, меҳмон кутишимиз ҳам мумкин. У ёқда бирор кимни топиш амри маҳол, ўзим ҳам одамови бўлиб қолганман. Ҳа, майли, агар у хоҳласа, меҳмондўст ҳам бўламан. Муҳими, у зерикмаса, хурсанд бўлса бўлган. Шунда у мени яна ҳам кўпроқ севади, менга эса бундан ортиқ ҳеч нарса керакмас.

Сирасини айтганда, уришмасдан яшаш ҳам қийин, менинг эса уришиш ниятим йўқ, бўлмаса, у: “Яна жанжалми?” деб хуноб бўлади. Ҳамма бало менинг рашкчилигимда. У бунга йўл қўймаслиги керак, мен эса бироз оғирроқ бўлганим маъқул. У мени ўзи билан бирор ёққа олиб боргиси келмайди. Аёллар кўйлагининг кенг этаклари, шляпалар уни диққинафас қилади. Мен эса унингсиз ҳеч қаёққа боргим келмайди. Ўрганиб қолсанг ҳам ёмон экан, унинг сенсииз ҳам яшай олишини билиш оғир.

Уни кун бўйи кутдим, келмагач, яна ёзишга ўтирдим. Ҳаётда ёлғиз яшайдиган одамлар қандай кўникаркин, ёлғиз қолиш бу – даҳшатнинг ўзи! Биз бугун лекцияга бормаслигимиз аниқ, балки мен унинг жонига теккандирман. Бу ўй менга ҳеч тинчлик бермайди, мен худди унга малол келгандек ўзимни айбдор ҳис қиламан.

Негадир онамга шу кунларда қаттиқ ўрганиб қолганман ва бу мени хийла хавотирга солмоқда, чунки бирга яшашимизнинг сира иложи йўқ. Синглим Таняни эса худди катта одамлардек юқоридан туриб яхши кўраман. Тавба, бундай ҳуқуқни менга ким берди?! Улар билан хайрлашиш ниҳоятда оғир. Лёвочка буни тушунмайди, мен ҳам бирор нима деб эътироз билдирмайман. Қайинхоламни жуда соғиндим, кеча Лёвочка билан у ҳақида гаплашдик. У жуда адолатли аёл, мен унинг олдида уятлиман. Мен унга меҳрибонлик қилишим лозим, чунки у Лёвочкага энагалик қилган. Насиб қилса, менинг болаларимни ҳам катта қилади. Бировга меҳрибонлик қилиш яхши, бунинг учун

сендан миннатдор бўлишади. Фақат носамимий бўлиб кўринишдан ва тилёғламалик қилишдан қўрқаман. Сирасини айтганда, кексайиб қолган камсуқум аёлга ғамхўрлик қилишнинг ҳеч қандай носамимий ери йўқ.

Мен тобора бирёқлама бўлиб қолаётгандайман. Мени фақат ўзимнинг турмуш ҳаётимдан бўлак ҳеч нима қизиқтирмайди. Соат уч бўлди. Нега у ваъда бериб, сўзининг устидан чиқмайди? Майли, бадастир эмаслиги ҳам яхши, ҳар ҳолда, майдагап эмас. Менга унинг серзардалиги ёқмайди, жаҳлдор, асабий, кўзидан нари бўлмасанг, нақ ба-лога қоласан. Бироқ ўзига келгач, ҳаммасини унутади, кек сақламайди.

**3 март.** Яна ёлғиз қолдим ва ёзишга тутиндим. Яна ўша бир хил гап. Бироқ бу сафар ёлғизлигимдан хафа эмасман, кўникдим, шекилли. Менга у севади, албатта севади, деган ширин хаёл ҳамроҳ. Уйга келгач, менга яқин келиб бирор нима сўрайди ёки ўзи нимадир ҳақида гапиради, дея ўй сураман. Мен учун ёруғ оламда яшашдан ўзга бахт йўқ! Унинг қундалиқларини ўқиб, жуда қувондим. Унинг хаёлида ижод ва мен, ортиқ бошқа нарса эмас! Кеча ҳам, бугун ҳам нимадир ҳақида ўйламоқда, халал беришдан қўрқаман. У ижод қиляпти. Унинг: “Кўнгилни қолдиришдан, халал беришдан ўзгасига ярамайди”, деб ўйлашидан жуда қўрқаман.

Мен унинг ижод қилаётганидан мамнунман. Бугун черковга бормоқчи эдим, бироқ фикримдан қайтиб, уйда ибодат қилдим. Турмушга чиққанимдан буён “хўжа кўрсин”га қилинадиган ҳар хил маросимлардан кўнглим қолган. Бирор эрмак топиб бўлса ҳам, рўзғор ишлари билан банд бўлгим келади. Уқувсизлигимданми, ҳозирча ишни нимадан бошлашни билмайман, ўзимни нимадир билан банд қилиб кўрсатиб, бошқаларни ҳам, ўзимни ҳам алдаш ўта жирканч! Кимга, нима учун ўзимни кўрсатишим керак?! Баъзан менга нима қилишим, фойдали ишларга вақтимни қандай сарф қилишим кераклиги аёндек кўринади, аммо вақт ўтгач, хаёлларинг тарқаб кетади. Шунчаки яшаш, ҳаётингни, масъулиятингни, сенга ортиқ ҳеч нарса керак эмаслигини ҳис этиш жуда фараҳли туюлади. Агар ҳозир ғамгин бўлганимда ҳам, “Ҳаётдан нима истайсан?” деб сўрасалар, тўғриси, нима деб жавоб беришни билмаган бўлардим.

Қайинхоламга бўлган муносабатим носамимий, бу мени изтиробга солади. Унинг кексалик инжиқликлари мени қуюшқондан чиқариб, асабийлаштирмоқда, бу жуда ёмон. У тез-тез хафа бўлади, носамимийлик қилади. Ҳа, агар уйинг чароғон бўлса, қалбинг ҳам чароғон бўлади, деб бежиз айтишмаган. Мен тобора ҳамма нарсага: авваллари ёзғирганларим, уйимизга тез-тез келиб турувчи талабаларга ҳам, камбағалларга ҳам, қайинхоламга ҳам кўникиб боряпман. Буларнинг ҳаммаси Лёвочканинг кучли таъсири остида ва мен бу таъсирдан жуда бахтиёрман!

**24 апрель.** Лёвочка кексайиб қолган ёхуд жуда бахтсиз. Наҳотки, уни хўжалик юри-тиш, узумзорга қарашдан бошқа нарсалар қизиқтирмаса?! Овқатланиш, ухлаш, бироз суҳбатлашишни айтмаса, у узукун хўжалик ишлари билан юраверади, юраверади. Мен эса ёлғизликдан зерикканим-зериккан. Унинг менга бўлган муҳаббати, ғайришуурий тарзда қўлимни ўпиши ва менга ёмонлик эмас, яхшилик қилаётганлиги чегараланади. Бугун ҳаво кайфиятни кўтарадиган даражада соз, менинг эса негадир кўнглим ғаш. Илгарилари Татьяна билан бирга баҳордан, ёздан бирдай завқ олардик. Уйларимиз, ҳисларимиз бир хиллигидан, заводлару аппаратларни қанча туриши ҳақидаги зерикарли суҳбатлардан йироқлигимиздан бахтиёр эдик. Танянинг уйимизга келаётганлигидан жуда хурсандман. Умуман олганда, мен ёш, қувноқ кишиларни ёқтираман, айниқса, Таняга ўхшаганларни.

Лёвани олдида негадир ўзимни ноқулай ҳис қилмоқдаман. Буни ўйласам, ўз-ўзимдан уяламан, виждоним қийналади. Нега? Виждоним тоза, унинг олдида айбдор эмасман. Мен буларни фақат шундай ҳис қилаётганим учун ёзьяпман. У буларни ўқиши мумкинлигини ўйласам, ичимни ит тимдалайди. Мен уни қаттиқ севишдан, буни унга кўрсатишдан, унинг кўнглини қолдиришдан қўрқаман. Агар мендан “нима истайсан?” деб сўрашса, нима деб жавоб беришни-да билмайман.

**9 май.** Соат ўн иккида келаман деганди, икки бўлди, бирор нима бўлмадимикан? Менга азоб бериш шунчалик роҳатлими унга? Ахир, мунғайиб турган итга ҳам раҳминг келади-ку! Онаминг турмушга чиққан вақтдаги илк йиллари гўё худди меникига ўхшаш бўлган экан. У бояқишга мендан ҳам оғир бўлган: отам бемор кўришга ёки қарта ўйнашга тез-тез кетиб турган. Лёва эса ҳаммиша хўжалик юмушлари билан банд. Мен ўша-ўша ёлғиз, сиқилган, ҳомиладор, бетоб аҳволдаман, киши бошидан ўтказмагунча ҳеч нарсани била олмас экан. Турмушга чиқиш ҳам, ёшлик ҳам бахтиёрлик эмас, ғурбатнинг ўзи. Ахир, фақатгина тикиш-бичиш, фортепиано чалиш бўлмайди-ку, устига

ушак, эримнинг мендан кўнгли қолдимикан, энди қўл-оёғим боғлиқ, ҳеч қаёққа боролмайман, деб ўйлаш – бу даҳшат! Онам ёшим ўтиб, болалар улғайиб, уларнинг ҳаёти изга тушгач, ҳаловат топдим, дейди. Дарҳақиқат, худди шундай. Мен ярамас ва эрка инсонман, бироқ ҳозир ёзғириб, сиқилиб ўтиришим, уни соат ўн иккидан бери кўрқув ва хавотир билан кўзим тўрт бўлиб кутишимдан. У шунақанги ёмон инсонки, бечора кишиларга нисбатан ҳар қандай одамда ҳам бўладиган шафқат ҳисси унда йўқ.

**6 июнь.** Бир тўда ёшлар меҳмон бўлиб келди, тинчимизни бузишди, начора?! Негадир уларнинг шашти паст, балки ҳавонинг совуқлиги таъсир қилгандир? Уларнинг ташрифи кутганимдек кўнглимни кўтармади, аксинча, мени шошириб қўйди. Улар менда зерикарли таассурот қолдиришди.

Мен Лёвани борлигим билан севаман, аммо ўзимни ундан паст кўришим ғазабимни келтиради. Мен унга мутеъман, унинг муҳаббатини нечоғлиқ қадрлашим Худогагина аён. У ё менинг севишимни билиб, кўнгли тўқ, ёки муҳаббатимга муҳтож эмас. Назаримда, куз келадию ҳаммаси тугайди, бироқ ниманинг тугагини ўзим ҳам билмайман. Куз ортидан келадиған қишнинг қандай ўтишини, умуман, қишнинг келишини тасаввур ҳам қила олмайман. Гўё қариб қолган кампирлардек ҳеч нарса мени қувонтираётганлиги, ёқмаётганлиги дилимни хира қилади. Бу ёшимда қариб қолиш эса даҳшат. Меҳмонлар билан аравада сайр қилишни хоҳламадим, чунки у: “Иккаламиз энди қариб қолдик, уйда ўтирганимиз маъқул”, деди. Мен, гўё менга биров севишни таъқиқлаётгандек у билан бирга қолишимни ўйлаб қувондим. Бироқ меҳмонлар сайрга, Лёва ишига кетди, мен эса бир ўзим сўппайиб қолдим. Ич-ичимдан ғазабим келган вақтда ҳатто унга сайр қилишга экипажим йўқлигини, мен ҳақимда сира қайғурмаслигини айтиб, маломат қилгим келади. Мени уйда бир уюм китоблар билан қолдириб, мен ҳақимда заррача ўйламаслигини юзига солгим келади. Ғазабим босилгач эса, чиндан ҳам, иши бошидан ошиб ётганини, менга вақт ажрата олмаётганлигини, рўзғор, тирикчилик одамнинг қўл-оёғини боғлаб қўйишини ўйлайман. Устига ушак, оч-яланғоч камбағалларнинг дийдиёси, аллақандай Анатолнинг бало-қазодек ёпишиб олганлиги... Нима бўлганда ҳам, Лёвочка олиёжаноб, мен уни бор-йўғим билан севаман.

**14 июль.** Ҳаммаси кутилганидек бўлди. Кўзим ёриди! Анча-мунча қийналдим, оёққа турдим. Боламдан, яна айниқса, эримдан доимий хавотирланганча аста-секин ҳаёт оғушига кириб бормоқдаман. Назаримда, елкамга оғир бир юк қулади, бу оғирлик мени ҳеч қачон тарк этмайди. Менимча, бу оилам олдидаги масъулиятни бажара олмайман, деган кўрқув ҳисси бўлса керак. Мен гўё унинг олдида айбдордек, ўзимни жуда ноқулай ҳис қилмоқдаман. Назаримда, мен унинг бўйнига осилган тошман, кўзига аҳмоқ бўлиб кўринаман. Тавба, яна эски қўшиғимни бошладим. Мен ўзимга ўхшамай қолгандайман, чунки кўзи ёриган аёлга қилинадиған сийқа ғамхўрликдан ва эримга бўлган ғайритабиий муҳаббатимдан кўрқаман, мен бу кўрқувни ёлғон, аҳмоқона уялиш ҳисси билан ниқоблайман. Баъзан бу ҳисларни турмуш ўртоғингни, болаларингни севишга лойиқлигинг, деб айтишадик-ку, дея ўзимни овутаман. Баъзан бу каби нарсаларни ўргана олмайман. Яхши она, яхши умр йўлдош бўла олмасам керак, деб ўйлайман. Она бўлишнинг қудрати нимада? Ўзимнинг ҳам она бўлганлигим аввалгидек ғалати эмас, табиий туюлмоқда. Мен Лёванинг зурриёдига онаман, шунинг учун ҳам уни севаман!

Лёванинг руҳий аҳволи мени ташвишга солмоқда, унинг ўткир ҳиссиёти, бой тасаввурлари биров сўнгандай, мен унинг камолотидан, буюклигидан қандай завқланардим! Худо гувоҳ, унинг бу жиҳатдан ҳам бахтли бўлиши учун боримни аямаган бўлардим!

**31 июль.** У мен билан қуруқ, ўта расмий муомалада. Ростини, ўлгудек алам қилмоқда. Қовоғидан қор ёғади. Нега? Ким айбдор? Бахтга қарши, муносабатларимиз кескин. У шу қадар кўрқинчлики, уззукун кўзига кўринмасликка ҳаракат қиламан. У ухлайман ёки чўмилгани кетдим деса, ичимда Худога шукр, дейман. Юрагим сиқилганча ўғлимнинг олдида ўтирарканман, бахтли кунларимизни Худо кўп кўрди, деб ўйлайман. Ҳаммаси батамом тугагандай. Сабр қилиш керак. Ўтган бахтли кунларимга ҳам шукр қиламан. Мен уни жуда қаттиқ севгандим, барчаси учун ундан розиман.

Унинг кундаликларини ўқидим. Гўзал бетакрор онлар кўзимга хунук бўлиб кўринди. “Бу тўққиз ой ҳаётимдаги энг ёмон кунлар бўлди, ўнинчи ой ҳақида гапирмасам ҳам бўлади”. У: “Нега уйландим?” деб кўнглидан неча бор ўтказди экан?! Неча бор: “Қани менинг аввалги пайтларим”, деб такрорлади экан?!

**2 август.** Унинг кундалигидан ўзим ҳақдаги қуйидагиларни ўқиб қолдим: “Осмонга тикилиб ўтирибман, Софья Андреевна кета қолса, яхши бўларди...” Даҳшат! Ичимни ит

тирнамоқда! Бу ҳақда оғиз очмасликка ўз-ўзимга сўз бердим.

**3 август.** Кўпдан бери ўйлаганларим тўғри чиққаниданми, у билан суҳбатлашиб бироз енгил тортдим. У менга болани ҳам, ўзингни ҳам мажруҳ қилма, дейди. Ҳеч ким бунга эътироз билдираётгани йўқ, аммо жисмонан ҳолсизликка қарши нима ҳам қила олардим? У менга нисбатан адолатсизлик қилаётганини бор вужудим билан ҳис қилмоқдаман. Одамга қайта-қайта азоб беришнинг нима ҳожати бор? Ғазабим қайнади, тоза ҳавода бола билан сайр қилиш ҳам кўнглимга сиғмади. У мени ўз аёллик бурчимни бажармай, бетобликдан изтироб чекаётганим учун ер юзидан улоқтириб ташлагиси келгандек, мен ҳам уни қайғурмай, хотиржам ёзиб ўтирганлиги учун кўргани кўзим йўқ! Мана, эрларнинг асл башараси қандай бўлади, ҳеч бунақа бўлади деб ўйламаган эдим! Шу лаҳзаларда уни ҳеч қачон яхши кўрмайдигандайман! Ахир, ҳар лаҳза нишини санчиб турадиган чивинни ким ҳам яхши кўрарди?! Болага қарашга кучим етади, бироқ рўзгор ишларини ҳозирча қила олмайман. Албатта, қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, аммо Лёва учун эмас! У менга азоб беришдан бошқани билмайди! Наҳотки, соғайиб кетишим учун бироз сабр қилиш шунчалик қийин бўлса? Ахир, мен сабр қиламан-ку, яна ўн карра ортиқ сабр қиламан. Ғазабланганлигим учун ҳам буларни ёзгим келди.

Ёмғир ёға бошлади, шамоллаб қолмаса эди! Жаҳл отидан тушдим, ғазабим босилди. Мен уни яхши кўраман! Эй Худо, уни ўзинг асра!

“Соня, азизам, мени кечир, олдинда айбдорлигимни биламан. Баъзан шундай кунлар бўладики, ўз ихтиёрингчамас, енгиб бўлмас ташқи бир куч таъсирида яшаётгандай бўласан. Бу кунларда мен шундай онларни кечирдим. Мен ўз иллатларимни яхши биламан, руҳиятимнинг ўндан бир қисмидагина соф туйғулар, олийжаноблик бор, деб ўйлайман. Мен қўполлик ва тошбағирлик қилдим. Яна кимга дегин, ҳаётимга бахт олиб кирган, ёлғиз мени севувчи бир хилқатга. Соня, мен буни унутиб, кечириб бўлмаслигини биламан, мен сени яхши тушунаман, ўзимнинг тубанлигимни ҳам биламан. Соня, жонгинам, мен айбдорман, мен разил одамман, бироқ қалбимнинг тубида бир яхши одам ҳам борки, у баъзан ухлаб қолади. Сен уни сев ва ҳеч қачон маломат қилма, Соня” (Лев Толстойнинг қайдлари).

Бу сўзларни менга Лёвочка ёзганди, кечирим сўраганди, бироқ кейин феъли айниб уларни ўчириб ташлаганди. У вақтлари мен бетоб эдим, кўрагим оғриб Серёжани эмиза олмасдим, бу эса унинг зардасини қайнатарди. Наҳотки, мен боламини эмизишни хоҳламасам, ахир, бу менинг олий истагим-ку! Мен унинг икки оғиз ширин сўзига, афсусланишига, ачинишига зор эдим, бироқ бу сатрларни ўқиб улгурмасимданоқ у мени булардан маҳрум қилди.

**22 сентябрь.** Эртага турмуш қурганимга бир йил бўлади. Бир йил олдин бахтли бўлишга умид қилгандим, энди эса бахтдан насибам қолмади. Шу пайтгача ҳазил деб ўйлагандим, сира ҳазиллашаётгани йўқ. Урушга кетармиш, бу нимаси?! Енгилтакликдан ўзга нарса эмас! Тўғрироғи, беқарорлик. Билмадим, назаримда, у билибми, билмайми, доимо мени бахтиқаро қилишга уринади. Бугун бўлмаса, эртага бола билан бир ўзинг бева бўлиб қолишни ўйлаб яшаш даҳшат! Ёки унинг учун ҳамма нарса ҳазил, ўйинчоқ, хаёлий бир истакми? Бугун биттаси ёқиб қолди, уйландинг, болали бўлдинг, эртага урушга боргинг кебқолди, ташлайсану кетасан! Нима, энди боламнинг ўлимини истайми?! Йўқ, бунга тоқат қилиб бўлмайди! Мен унинг ватанпарварлигига, ўттиз беш ёшида қилаётган ҳою-ҳавасларига сира ишонмайман. Ахир, фарзандлар ҳам ватаннинг бир бўлаги, рус халқининг бир парчаси. От устида ўйноқлаб, урушга мафтун бўлиш, ҳар томондан учаётган ўқларни томоша қилиш учун уларни ташлаб кетиш яхши эмас! У ўзининг беқарорлиги, гўдак табиатлилиги билан ҳафсаламни пир қилмоқда. Даҳолик оиладан устун эмиш! У менга ўз истакларини нима деб изоҳласа, изоҳлайверсин! Қаёқданам унга турмушга чиқдим, туйғуларимни топтаб нима қилардим?! Ўзимнинг ҳам айбим борлигини биламан. У эса жаҳл қилади. Айбим уни севганим, ўлимини тиламай, ундан айрилишни истамаганимми?! Жаҳл қилса, қилаверсин! Кейин унутиш осон бўлиши учун ундан кўнглим қолишини хоҳлардим. Майли, у ҳам мени ўзидан узоқлаштираверсин, кўникаман. Бир йил бахтли яшадим, энди у ўзига янги эрмак топди, бундай хаёт менинг ҳам жонимга тегди. Энди унинг болалари бўлмайди, мен болаларимни отаси ташлаб кетиши учун туғмоқчи эмасман. Қандай истибдод! Мен шуни истайман! Сенинг гапиришга ҳақинг йўқ!

Уруш-ку, бошлангани йўқ. У ҳозирча шу ерда. Дард устига чипқон, кутасан, сиқиласан. Ҳаммаси бир йўла тамом бўлса эди... Ҳамма бало шундаки, севасан!

Уни кузатаман: сўниқ, зерикарли. Қараб юрагинг эзилади.

**17 октябрь.** Мен ўзимни уни тўла тушунишга қобил эмасдек ҳис қиламан, унинг ўй-хаёлларини, хатти-ҳаракатини, ўтмишини, бугунини рашк билан таъқиб қиламан. Мен унинг бутун борлиғини қамраб олишни, менга ҳам Александринга қилган самимий муносабатда бўлишини хоҳлайман. Биламан, буниг сира иложи йўқ. Буниг учун мен ўзимни ҳақоратлангандек ҳис қилмайман, аксинча, ёшлигимни, бебошлигимни, уни тушуниш учун етарли даражада шоиртабиат эмаслигимни ҳам яхши биламан. Александриндек бўлиш учун туғма қобилиятдан ташқари, ёшинг анча катта, бефарзанд, унинг устига, турмушга чиқмаган бўлишинг керак. Уларнинг аввалгидек ёзишмалари менга ҳақоратдек туюлмади, фақат Александрин Лёванинг хотини бола-чақа, рўзғор ташвишидан бошқа нарсага арзимайди, деб ўйлашидан кўрқаман. Қанчалик рашкчилигимга қарамай, унинг ҳаётидан Александринни ўчириш имконсиз, бунга ҳожат ҳам йўқ, чунки у Лёвага мен бера олмайдиган нарсаларни берган, унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

Лёва унга ёзган хатларини атай жўнатмаган. Мен Лёва унга авваллари мен эшитмаган нарсаларни ёзгани учун, айнан у ёзгани учун йиғладим. “Мен фақат ўзим ҳақимдагина биламан. Сизга шуни айтаманки, хотинимнинг бунга дахли йўқ”.

Мен Александрин билан яқиндан танишишни истардим. Қизиқ, у мени Лёвага муносиб деб билармикан? Ахир, у Лёвани ҳаммадан яхши тушунган, яқиндан билган. Мен стол устидан унинг Лёвага ёзган хатларини топиб олдим. Хатларни ўқиб, унинг Лёвага бўлган муносабати ҳақида ўйладим. Унинг битта хати менга жуда ёқди. Ўзимни гўё Лёванинг хатидан беҳабар кўрсатиб, унга бир неча марта хат ёзишга тутиндим, лекин журъатим етмади. Александрин менга жуда ёқади, унга қизиқиб қолганман. Лёванинг унга ёзган хатини ўқиганимдан буён у ҳақида ўйлайман. Мен ҳам уни яхши кўриб қолган бўлардим.

Мен Лёвани жонимдан ортиқ севаман, унга бўлган муҳаббатим, ғамхўрлигим тобора ортиб бораётганини ҳис этяпман. Бугун кайфиятим жуда яхши, руҳим осуда. Балки бу унинг севгисини ҳис қилиб турганимдандир.

Мен уни руҳияти ҳўкиб, бутунлай тушкунликка тушиб қолади, деб ўйламайман. Ундаги оний руҳий ҳаловатсизликлар, ўз-ўзидан қониқмаслик ҳисси ўтиб кетишини сабрсизлик билан кутаман. Унинг руҳан тетиклиги, ижодга нисбатан завқ-шавқи мени қувонтиради, баъзан ташвишга ҳам солади. Айнан шу ижодий меҳнат унинг мен учун азиз бўлган умрини қисқартиради.<sup>3</sup>

**1865 йил 16 март.** Бош оғриғи қаттиқ безовта қилмоқда, болаларим ҳам бетоб. Серёжа иситмалаяпти, нима қилишга ҳайронман. Лёвочка эрталаб кетганича йўқ – қаёққа кетган билмайман. Кеча синглим Танядан хат олдим, у бизникига келишини айтиб, нарсаларини юборибди. Мен тез орада уни кўришимни ўйлаб қувондим, унинг буюмлари орасида ўзимнинг қизлик кийимларимни кўриб бошқача бўлиб кетдим. Туладан Серёжанинг ўғли ўлди, деган хабар келди. Бояқишга жуда ачиндим, кўз ёшларимни тийиб туролмадим.<sup>4</sup> Бирор нима билан машғул бўлай десам, бош оғриғим халал бермоқда

**24 март.** Бугун иситмам тушди, руҳим ҳам анча тетик, фақат бош оғриғи безовта қилмоқда. Болалар ҳам ҳали бутунлай соғайгани йўқ. Левочка доктор чақиргани Тулага кетди. У билан муносабатларимиз яхши. Яна аввалгидай қувнок ва хотиржамман, орамизда ҳеч қандай рашк, шубҳа, жанжал йўқ. Ҳаво очик, ирмоқлар тўлиб-тошган. Баҳор. Мен эса тўрт девор орасидаман. Левочка ҳозирча оғилхонадаги ишлар билан банд, романни давом эттиришга унчалик ҳафсала қилаётгани йўқ. Эртадан кечгача ўйлагани ўйлаган, қачон ёзиб тугатади – билмайман. У баъзан ижодий режалари, қарашларини мен билан ўртоқлашади – мен ўзимда йўқ қувониб кетаман. Ҳамиша уни тушунишга ҳаракат қилганман. Охири бахайр бўлсин, бу ҳақида ёзмаганим маъқул.

**16 июль.** Бугун болаларимнинг энагаси билан жанжаллашиб қолдим. Кечириб бўлмас хато, виждоним қийналмоқда. У жуда яхши аёл. Айбимни ювмоқчи бўлиб, кечирим сўрадим. Майли, кўнгли бўшлиқ қилмаган маъқул, барибир, сени тушунишмайди.

<sup>3</sup> Александрин – Лев Николаевич Толстойнинг холаваччаси. Толстой у билан 1853 йилда танишган. Уларнинг қарийб қирк етти йил давом этган ўзаро ёзишмаларида Толстойнинг Александринга ёзган ижодий режалари, қарашлари руҳий кечинмаларидан иборат турфа хил мазмундаги хатлар акс этади. Толстойнинг ўзи бу хатларни “менинг энг яхши таржимаи ҳолим”, деб эътироф этган. У умрининг сўнгги йилларида ушбу хатларни қайтадан ўкиб чиқаркан, куйидаги сўзларни таъкидлайди: “Ортга – узоқ ва қоронғи ҳаётимга назар ташласам, Александрин ҳақидаги хотирларим ёруғ, нури чизикдай из қолдиради. 1753 йилнинг 17 октябрида Александринга ёзган хатида Толстой: “Столим устида сизга аталган тўрт саҳифалик хат ётибди, бироқ уни сизга жўнатомайман”, деб ёзади.

<sup>4</sup> Сергей Николаевич – Лев Толстойнинг акаси.

Бизниқига Фет<sup>5</sup> оиласи билан меҳмонга келди. Менга унинг ўзи олифтароқ, хотини эса аксинча, содда, кўнгилчан бўлиб кўринди.

Қизим Таня бироз бетоб эди, ундан қаттиқ хавотирландим. Ҳозир аҳволи анча яхши. У биром ширин, кўзлари кулиб турган жажжи қизалоқ. Ўғлим Серёжа, бетоблиқданми, тез-тез инжиқлик қилмоқда, бироқ у меҳрибон, ақлли бола.

Қаттиқ гулдироган момақалди роқ мени кўрқитиб юборди.

Лева романидаги уруш саҳналарини ўқимоқда. Менга романлардаги уруш тасвири ёқмайди.

Қаёқданам энага билан жанжаллашиб қолдим-а! Мен худди онамга ўхшайман. Ўзимда онамнинг менга ёқмайдиган жиҳатларини кўриб, ёқа ушлайман. Унинг: “Мен жуда яхши аёлман, шунинг учун камчиликларимни кечирса бўлади”, деган сўзлари курақда турмайди. Мен чиндан ҳам яхши аёл бўлишни, камчиликларимни кўра билишни истайман. Хатоларим учун мени нафақат бошқалар, инчунин, ўз-ўзимни ҳеч қачон кечирмасликни хоҳлайман. Насиб қилса, шундай бўлади ҳам.

**1865 йил 12 март.** Олти ҳафталарча Москвада туриб, еттинчи март куни қайтдик. Ясная Полянадаги уй ўша-ўша сокин, осуда, бироз зерикарлилигини айтмаса, кишига хушнудлик беради. Москвада вақтимиз чоғ ўтди, ўзимникиларга шу қадар боғланиб қолдимки, чамамда, улар ҳам болаларимга қаттиқ ўрганиб қолишди. Қизим Таня чаққон, зийрак, ёқимтой, анча кўзга кўриниб қолди. Серёжанинг эса бўйлари чўзилиб қолган, аввалгидек мулойим эмас, жиддий, бироқ меҳрибон. Мен болаларимга қаттиққўллик қила олмасликдан кўрқаман, лекин барибир, улардан кўнглим тўқ ва жуда бахтиёрман. Лёвочка билан орамиз яхши эмас. Москвада ўзимни тутолмай П.га нисбатан қилган кўполлигим муносабатларимизга путур етказди. Мен қуюшқондан чиқдим, виждоним қийналмоқда, лекин турмушга чиққанимдан буён эримнинг олдида виждоним пок, кўнглимда заррача ғубор йўқ. Лёвочка менга қаттиқ дашном берди, шунисиға ҳам хурсандман. Чунки у мени қадрлайди, рашк қилади, буёғига энди эҳтиёткор бўлишим керак. Кутилмагандаги жанжал кўнгилни хира қилади.

Москвада ҳамма нарса одатдагидек, эрталабдан болаларга карета жўнатиш, кечгача ота-онамникида меҳмон бўлиш, Лёванинг ҳайкалтарошлик ва гимнастика машғулотларига қатнаши...

Танишлардан Перфиловлар, Бошиловлар, Гарчиковлар билан учрашдим, Оболенскийлар оиласи билан танишдим. Концертга тушдим, мумтоз мусиқага ошуфта бўлдим.

Москвада менга ҳамма нарса ёқимли, қадрдон бўлиб қолди. Ҳатто уйимиздаги диққинафас меҳмонхона, ётоқхона ҳам, ҳатто Лёва деворларига катта қизил от суратини ёпиштириб қўйган машғулотхона ҳам мен учун жуда севимли. Чунки у ерда Лёва билан суҳбатлашиб, оқшомни бирга ўтказардик.

**19 июль.** Биз янги ишбошқарувчи ёлладик. У хотини билан бирга келди. Аёл ёш, қиройли, бунинг устига, ниғилист ҳам экан. У Лёва билан адабиёт, турли маслақлару ғоялар ҳақида узундан-узоқ, қизғин суҳбатлашди. Жуда узоқ ва ноўрин суҳбат. Албатта, бу шакарғуфторлик Лёва учун серхушомад, мен учун эса қийноқнинг баайни ўзи. Лёва оила, яқин муносабатларга бошқаларни аралаштирмаслик керак, деб уқтирарди. Қани эди, айтганларига ўзи ҳам амал қилса! Мен, албатта, норозилигимни кўрсатмасликка ҳаракат қиляпман, бироқ энди тинчим бузиладиганга ўхшайди.

Учинчи фарзандимиз Илюша туғилгандан буён Лёва иккимиз бошқа-бошқа хоналарда ётибмиз, лекин бу бизнинг эр-хотин эканлигимизга, бугунги норозилигимни унга тўкиб солишимга тўсиқ бўла олмайди.

Болаларимдан жуда бахтиёрман, кўрсам, кўзим қувнайди. Уларга қараб, бундан ортиқ бахт сўраш ҳам гуноҳ бўлса керак, деб ўйлайман. Қанчалар севаман уларни! Фақат Лёвочканинг баъзан ўз бурчини унутиб қўйиши ачинарли. Қизиқ, нима сабабдан у боя, агар аёл ниҳоятда оқила бўлса, эри унга заррача озор етказишдан кўрқади, деб лоф урди? Гуё аёл кишининг бахти фақат шунга қараб қолгандай. Агар эр ўз кўнглида хотинига бўлган туйғуларига бир лаҳза шубҳада қолса, бу ҳам катта бахтсизлик. Лёвочканинг Мария Ивановнага қилган ваъзхонлиги беҳуда.

Соат алламаҳал бўлди. Уйқум келмаяпти, кўнглим ғаш, ишбошқарувчининг ниғилист хотини бошимга бало бўлмасайди!

**12 ноябрь.** Лёва Таня билан Москвага жўнаб кетди. Танянинг бетоблиги мени қаттиқ

<sup>5</sup> Афанасий Фет – шоир, Толстойнинг дўсти.



ташвишга солмоқда. Тузалиб кетишига умид йўқлигини билганим сайин унга ўрганиб қолганимни ҳис этяпман. Менимча, у Диаковлар билан Италияга даволангани кетса керак. Куз бўйи унинг касаллигини пайқамабман. Сентябрь бошлангандан буён шу уч ҳафта ичи биз шу қадар бахтиёр эдикки, мусибатнинг бирдан келиши, хаёлимизнинг бир четига ҳам келмади. Мен кундаликни анча вақтларгача ташлаб қўйган пайтларимда бахтиёр, хушнуд ўтган кунларимни қайд этмаганимга афсусланаман.

Шу уч ҳафта ичида бизникида Диаковлар, Таня, қизлари билан Машенька меҳмон бўлишди. Биз ўзаро дилдан, очиқ, самимий дўстлашиб қолдик. Менимча, бунақа муносабатлар камдан-кам бўлса керак. Мен ўша 17 сентябрь оқшомини, кўнгилни жунбишга келтирувчи мусиқа оҳангини, Лёвочканинг ёқимли, меҳрибон нигоҳини, айвондаги фонуслар ва шамлар ёғдусида ўтган базми, оппоқ оқшом либосидаги шўх-шодон қизларни, айниқса, ҳамма ерда ҳозир-нозир бўлиб, ҳамманинг кўнглини топишга уриниб, елиб-югураётган Лёвочканинг қадрдон, хушчақчақ чехрасини кувониб эслайман. Жиддий, тунд бўлишимга қарамай, маза қилиб рақсга тушганимга ўзим ҳам ҳайрон қолгандим. Ўшанда ҳаво очиқ, ҳаммамиз бахтиёр эдик. Меҳмонларни кузатгач, бир ойларча Таня бизникида қолди, шунда унинг бетоб эканлигини билдик. Балки ёнимда Лёва йўқлигига, унга юрагим баттар ачимоқда. Умуман, менга Лёвасиз ҳамма нарса файзсиз, ҳувиллаб қолгандай туюлади. Менимча, турмуш ўртоғинг билан руҳан яқин бўлмасанг, яшаш қийин. Биз ҳаддан зиёд бахтиёрмиз, муносабатларимиз, болаларимиз, ҳаётимиз – ҳаммаси кўнгилдагидек. Лёва йўқлигида болаларимнинг ёнидан бир қадам ҳам жилмайман. Улар ухлашади, туришади, овқатланишади, яна ухлашади. Уларнинг ҳар битта қилиқларини, феълу хўйларини кузатаман, ўрганаман.

Ҳозир Лёвочканинг романини кўчириш билан бандман, романни олдиндан ўқиб чиққаним йўқ. Бу иш менга ифтихор, лаззат бағишлайди. Лёванинг романини қайта кўчирарканман, ҳиссиётлар, қарашлар, туйғуларнинг бутун бир оламини руҳан бошимдан кечиряпман. Унинг фикрлари, истеъдодидан бўлак ҳеч нарса ҳақида ортиқ ўйламай қўйдим, ё мен ҳаддан зиёд ўзгардим, ёки роман жуда яхши ёзилган, яна ким билади, дейсиз. Мен романни тезроқ кўчириш, тезроқ илғаб олиш мақсадида баъзан шошилиб, баъзан эса унинг фикрларини, туйғуларини ҳис қилиш, маъносини англаш учун секин, шошилмасдан ўқияпман. Биз кўпинча роман ҳақида суҳбатлашганимизда у негадир менинг мулоҳазаларимга ишониб, диққат билан кулоқ солади. Мен бундан жуда ғурурланиб кетаман...

**Рус тилидан Ойгул Асилбек қизи таржимаси**



## ТАРЖИМОНДАН

Софья Андреевна Толстая 1913 йилда ўз замондошларига: “Ёшлик йиллариданоқ даҳо ва буюк инсоннинг хотини бўлишдек оғир масъулиятни заиф елкаларида кўтарган аёлни келажак авлод маломат қилмайди, деб умид қиламан”, дея мурожаат этаркан, у Лев Толстойдек буюк даҳо билан қарийб ярим аср бирга умр кечирганди. У ўзининг чекига тушган бу қисматни дарҳол англамади: 1862 йилнинг сентябрь ойида ўн саккиз ёшли Соня Берс, ўша вақтларда рус адабиётида унча-мунча донг таратган Лев Толстойга турмушга чиқиб, графиня Толстая номини оларкан, ўзининг тақдири бошқаларникига сира ўхшамаганлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. У чиндан ҳам ўша вақтларда нафақат турмуш ўртоғининг ҳаёти, балки келажак авлод ва адабиёт олдида масъул эканлигини билмасди. Софья Андреевна турмуш ташвишларига кўмилган оддий аёллардан эмасди: у оқила, ўзига хос табиатга эга, тиниб-тинчимас, қобилиятли аёл эди. У ҳар томонлама Толстойга муносиб, адабиётни ўтқир ҳис этувчи, табиатан ижодкор шахс эди. Унинг Москва университетидеги имтиҳонда уй мураббияси мақомини олиш олдидан ёзган “Муסיқа” номли иншоси энг яхши иншо, дея тан олинган. Унинг турмушга чиқишдан олдин ёқиб юборган “Наташа” номли қиссасини Толстой “анча ҳаётини ва ҳаққоний тасвирлар кўп”, дея мақтаган.<sup>1</sup>

Толстая қадимги ва замонавий рус адабиётидан яхши хабардор бўлган, шеърини қадрлаган. Айниқса, Фет ва Тютчев шеърларини севиб ўқиган. Ўзи ҳам шеърлар ёзиб турган. 1904 йилда “Шеърлий даврлар” туркуми остида уларни чоп эттирган. У, шунингдек, Эпиктет, Платон, Суқрот, Шопенгауэр ва Спиноза каби файласуфларнинг асарларини катта қизиқиш билан ўрганган. Унинг тасвирий санъатга ҳам иштиёқи катта бўлган. У кексайган чоғларида Мольберт асарларини соатлаб томоша қилишни яхши кўрарди. Рассом Геншен Зон 1904 йилнинг 12 июлида акасига ёзган хатида шундай дейди: “Баҳорда бизникига Софья Андреевна келди. У жуда қобилиятли, чунки умрида бирор марта рассомлик билан шуғулланган бўлмаса ҳам, мойбўёқда Лев Николаевичнинг суратини қуйиб қўйгандек ўхшатиб чизди”. Толстая билан танишган Бунин эса уни ўта қобилиятли, оқила аёл, дея эътироф этади: “Толстойлар хонадони билан кўпдан яқинлигим боис шахсий кузатувларимга таяниб шуни айтишим лозимки, – дейди рассом Пастернак, – Софья Андреевна ўз доирасидаги кўплаб зодагон аёлларга нисбатан беқиёс улкан шахсдир. У санъат асарларини нозик ҳис этиши ва жонқуярлиги билан Лев Николаевичнинг том маънодаги жуфтдир. У, дарҳақиқат, катта қалб эгаси”.<sup>2</sup>

Софья Андреевнанинг энг яқин сирдоши, энг катта асари бу унинг кундаликлари дир. У айрим узилишлар билан бўлса-да, ушбу кундаликни қарийб ярим аср давомида юритади. Кундаликнинг илк саҳифалари 1862 йилнинг 8 октябрида, у Толстойга турмушга чиққандан икки ҳафта ўтиб ёзилган бўлса, унинг сўнгги саҳифалари 1910 йилнинг 9 ноябрида Толстой вафотидан сўнг яқунланади. У кундаликнинг илк саҳифаларига ўз ҳиссиётларини тўқиб соларкан, қисмат унга буюрган вазифани адо қилишга киришганини ўзи ҳам билмасди. Шу тариқа, у ниҳоятда улкан ва муҳим асарга қўл урди.

У Лев Толстойга турмушга чиққан пайтлариданоқ эри бошқаларга ўхшамаслигини, ўзидан ҳар томонлама устунлигини, унинг ўзига хос, сирли, етиб бўлмас олами бор эканлигини ҳис этди ва айнан унинг шу оламга бегоналиги уни кундалик ёзишга, овунишга, ундан юпанч излашга ундади.

Уларнинг оилавий ҳаётидаги дастлабки йиллар барчани қизиқтириши табиий, бироқ кундаликдаги бу йилларга оид маълумотлар бир ёқлама ва оилавий ҳаёт ҳақида тўла тасаввур бермайди. Чунки уларнинг бахтиёрликда, хурсандчиликда ўтган кўплаб кунлари кундаликда қайд этилмайди. Кундаликни ўқиб бораркансиз, бу ҳол, айниқса, турмушнинг илк йилларида ва 1920 йиллардаги Толстойнинг асаб хасталиги туфайли узлуксиз жанжалларда, Толстойнинг уйдан кетиб қолиши ва унинг вафот этиши билан боғлиқ воқеаларда сезилади. Нима бўлганда ҳам, ушбу кундалик буюк ёзувчининг оилавий, маиший, ижодий ҳаётини акс эттиради. У ўқувчига Толстойнинг ҳаёти, ижоди, уни ўраб турган олам ҳақида ўзига хос тасаввур беради.

<sup>1</sup> Толстой. Мукамал асарлар. – М.: “Художественная литература”. 1978, 48-жилд, 41-бет.

<sup>2</sup> Пастернак. Турли йиллардаги ёзишмалар. – М.: 1971. 201-бет.



## МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

### Қодиркул РЎЗМАТЗОДА

*1953 йилда тугилган. Фарғона Давлат педагогика институтини (ҳозирги Фарғона Давлат университети)ни тамомлаган. Олим “Хувайдо тасаввуфий таълимотининг халқимиз маънавиятида тутган ўрни” мавзусида илмий изланишлар олиб борапти. Хувайдонинг девони, “Роҳати дил. Иброҳим Адҳам” асарларини ҳозирги ўзбек ёзувига ўзгирган. Миллий тараққиётимиз ва фалсафанинг долзарб муаммоларига оид юздан ортиқ илмий, илмий-публицистик мақолалар муаллифи.*



## ХУВАЙДОНИНГ БАДИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ

*(шоир ва мутафаккир таваллудининг 310 йиллиги олдидан)*

Миллий мустақиллик ва янгича ижтимоий-фалсафий тафаккур шарофати билан қайтадан кашф этилаётган халқимиз маънавиятининг азим ва ҳаётбахш сарчашмаларидан бири Хожамназар Ғойибназар ўғли Хувайдонинг бой ва серқирра бадиий-фалсафий мероси, олижаноб инсоний фазилатлари ва илғор ғояларидир.

Бизга XVIII аср тасаввуф адабиёти ва фалсафасининг йирик намояндаси Хожамназар Хувайдонинг таржимаи ҳоли, у мансуб бўлган ижтимоий-маданий муҳит, қанча умр кўрганлиги, оилавий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида, афсуски, жуда оз маълумот етиб келган. Яқин вақтларгача тадқиқотчилар Хувайдонинг 1907 йили Тошкентда В.М.Ильин литографиясида чоп этилган “Китоби эшон Хувайдои Чимёний маа Роҳати дил фий ал хошия” девонига илова қилинган Носеҳ Чимёнийнинг Хувайдо вафотига бағишлаб ёзган “Тарихи вафоти ҳазрат эшон Хувайдо “наввараллоҳу таоло марқадаху маржааху” асарига ҳамда шоирнинг “Роҳати дил” достонига ўзи ҳақида берган маълумотларига асосланар эдилар.

Бироқ ана шу ҳужжатларнинг бирортасида Хувайдонинг Қўқон мадрасаларидан бирида таҳсил кўрганлиги ёки отаси Чимёнда қурган мадрасада мударрислик қилганлиги ҳақида маълумот учрамайди. Афсуски, кўп тадқиқотчилар Хувайдо сингари истеъдодли шоир катта билим ва бадиий маҳоратга эга бўлиш учун Қўқон мадрасаларидан бирида таҳсил кўрган бўлса керак, деган тахминларини ўқувчига ҳақиқат сифатида тақдим этадиларки, бу илмийлик ва холислик талабларига зиддир.

Хувайдонинг таржимаи ҳолига оид маълумотларнинг оз қисми етиб келганлиги сабабларини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин: аввало, Хувайдо хонлик пойтахти Қўқондан анча олис бўлган Чимён қишлоғида туғилиб, вояга етди ва ижод қилди. У вақтда илмий кишилар жуда оз бўлиб, Хувайдони тушунадиган, қадрлайдиган зиёлилар санокли бўлган (Хувайдо девонига киритилган ғазалларида ана шунга ишоралар бор); иккинчидан, ижтимоий-сиёсий парокандаликлар, адолатсизлик ва зулм кучайган бир шароитда илмсизлик ва жаҳолат илм аҳлига нисбатан лоқайдликни, илм-маърифатнинг қадрсизланишини кучайтирган; учинчидан, Хувайдо вафотидан сўнг унинг валийлик кароматлари ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар яратилган. Ана шундай ривоятлардан бирида айтилишича, Хувайдо Чимёнда хор-зор бўлган, одамлар

маломатидан безиб, қўшни Миндон қишлоғига борган, у ерда қадр-қиммат ва обрў топгач, миндонликларни “бир донинг минг дон бўлсин”, деб дуо қилган.

Миндонликларнинг ҳозиргача чимёнликларга қараганда тўқ, фаровон ҳаёт кечириётганликларининг, қишлоқнинг номи “Миндон” эканлигининг сабаби ана шунда эмиш. Бунга ўхшаш жуда кўплаб ривоятлар улғу мутасаввиф-шоирнинг оғир ва мураккаб ҳаёти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Тўртинчидан, собиқ шўро тузуми даврида, оммавий қатағон йилларида руҳонийларга ва динга қарши кураш шароитида жуда кўплаб диний китоблар йўқ қилинди. Бу аянчли қисмат Ҳувайдо ҳақидаги асарларни ҳам четлаб ўтмаган.

Миллий мустақиллик йилларида Ҳувайдонинг ҳаёти, ижодий фаолиятига бағишланган жуда кўплаб илмий мақола ва тўпламларда шоирнинг таржимаи ҳоли, исми, касб-кори, туғилган ва вафот этган жойига оид турлича ва ҳатто бир-бирига зид қарашлар хусусида қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Тарих фанлари доктори, тасаввуфшунос Икромиддин Остонақуловнинг ёзишича, “Кунлардан бир кун Офоқхўжа (раҳматуллоҳи алайҳи) ўз муридига: “Сен фарзанд кўрсанг, отини Хўжаназар қўй, менинг назарим андадур”, деб хушxabар бердилар. Орадан 5-6 йил ўтиб, Ғойибназар ўғил кўриб, исмини Хўжаназар қўяди. У пайтда Ғойибназар Ўшда яшар эди. Кейинчалик у Фарғонанинг Чимён қишлоғига кўчиб келиб, мадраса ва хонақоҳ очиб, мударрислик билан машғул бўлган. Ҳувайдо таълим-тарбияни ўз отасидан олган. Сўнг Қўқон мадрасаларида таҳсил олиб, ўз қишлоғига қайтиб, мударрислик қилган, шеърый ижод билан машғул бўлиб, ғазаллар битган”.<sup>1</sup>

Бундан англашиладики, Хўжаназар Ғойибназар эшон хонадонидида Ўшда туғилган, кейинчалик ота-онаси билан бирга Чимёнга кўчиб келишган. Ҳолбуки, Ҳувайдо “Роҳати дил” достонининг “Сабаби назми китоб” бобида ўзининг насл-насаби, туғилган жойи ҳақида қуйидаги аниқ маълумотни беради:

*Каминанинг оти Хожамназардур,  
Атосининг оти Ғойибназардур.  
Насабда Ўшийу мавлуди Чимён  
Ғарибу хоксору дил паришон.*<sup>2</sup>

Бундан ташқари, И.Остонақулов Ҳидоятуллоҳ шайх Юсуф ўғлининг исмини бир жойда “Офоқхожа”, бошқа жойда эса “Офоқхўжа” деб ёзадикки, бу ҳам қатор англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Зеро, биз миллий мустақиллик йилларидагина диний-тасаввуфий тушунчаларнинг нозик маъно ва мазмунини бир-биридан фарқлай бошладик. Ҳолбуки, 1981 йили Москвада чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “хожа” ва “хўжа” сўзлари бирмаъноли тушунчалар сифатида талқин этилган эди.<sup>3</sup>

“Хожа” – форс-тожикча сўз бўлиб, “эга, бошлиқ, хўжайин” маъноларини англатади. Тасаввуфий истилоҳда – тариқат бошлиғи, раҳнамози маъносида қўлланади. Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган Хожагон тариқати силсиласига мансуб бўлган сўфийларнинг исмлари хожа сўзи билан шарафланган: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор, Офоқхожа ва ҳоказолар.

“Хўжа” – Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган ва ўзларини Муҳаммад алайҳиссалом ва чорёр (тўрт дўст)нинг авлоди деб ҳисоблайдиган, хонликлар даврида алоҳида имтиёзларга эга бўлган этник гуруҳ номини ифода этган. Хўжаларни иккинчи ном билан “сайидлар” деб ҳам атаганлар.

Шу сабабдан ҳам миллий мустақиллигимизга қадар тарихий-илмий асарларда бир маъноли тушунча сифатида қўлланган ва қатор англашилмовчиликларга сабаб бўлган “хожа” ва “хўжа” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш илмийлик талабидир.

Адабиётшунос Нусратулло Жумахўжа Ҳувайдонинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий мақоласида шундай деб ёзади: “Ҳувайдонинг отаси Ғойибназар Эрназар ўғли 1104 хижрий йилларда бир гуруҳ марғилонлик қариндошлари билан Чимёнга кўчиб

<sup>1</sup> Авлиёлар султони. Туронлик валийлар (Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Икромиддин Остонақулов). – Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2004. Б. 192-193.

<sup>2</sup> Ҳувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам (табдил қилувчи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қодирқул Рўзматзода). – Т.: “Наврўз”, 2011. Б. 35.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-т. – М.: 1981. Б. 328, 345.

келган. Ҳувайдо шу оилада, шу масканда таваллуд топган.

...Ғойибназар Чимёнда нуфузли мактабдор эшон эди. У Қашқарда шуҳрат қозонган Офоқ Хўжа муридларидан бўлиб, пирига ихлос ва ҳурматининг рамзи сифатида ўғлига Хўжаназар исмини берган. Ҳувайдо шоирнинг адабий таҳаллуси.<sup>4</sup>

Аминжон Маматовнинг ёзишича, “шоирнинг исми баъзи манбаларда Хўжаназар деб кўрсатилади. Унинг манзил-макони ҳақидаги мисраларга эътибор берилса ҳамда отаси Офоқхожа эшонга мурид бўлганлиги назарга олинса, Хўжамназар исми ҳақиқатга мос келади.<sup>5</sup>

Ҳувайдо таваллудининг 300 йиллиги арафасида Чимён қишлоғидан топилган Ҳувайдонинг чимёнлик чевараси Фаҳриддин эшон Хокий (1935-1919) қаламига мансуб кўлёзма девон ва унга киритилган “Насабномайи эшон Ҳувайдо куддиса сиррихул азиз” асари ҳамда Хокий томонидан кўчирилган Сўфи Оллоҳёр ва Ҳувайдо кўлёзма девонига киритилган Ҳувайдонинг шажарасига оид маълумотлар Хожамназар Ҳувайдонинг таржимаи ҳоли, насл-насабига доир бир-бирига зид қарашларга аниқлик киритишда муҳим манба ҳисобланади.

Хокий маснавий шаклида ёзилган ва жами 76 мисрадан иборат бўлган мазкур асарида Ҳувайдо, унинг насл-насаби ҳақида қуйидаги қимматли маълумотларни беради: “Ер юзидаги етти шарафли шаҳарлардан бири бўлган Ўш шаҳрида дин аҳли Қул Сулаймон Шайхни ҳам шоир, ҳам марди Худо деб биладилар. Унинг ўғли Тўлак Мухаммад сўфи, унинг ўғли, яъни учинчи авлод Эрназар эди. Унинг ўғли Ғойибназар Оллоҳнинг содиқ ошиғи ва ҳудожўй кишилардан бири бўлиб, тариқат рамзини англагач, ўзига муносиб пир излаб, доимо хазин (ғамгин) эди. Ниҳоят, одамлардан Қошғарда Офоқхожа исмли ғавсул аъзам, қутби Ҳақ, Ҳақ ошиқларининг шайхи борлигини билди. Сўнг Ўш аҳли, ёру биродарлари билан хайрлашиб, Чин (Хитой) сари йўл олди. У ҳазрати Офоқ даргоҳида 30 йил хизмат қилди, тариқат илмини эгаллагач, пирдан рухсат ва ижозатлар олиб, Фарғона юртига – Офоқ Хожанинги ўғли Хожам Пошшо (Хожа Ҳасан Мухйиддин)ни излаб, унинг ҳузурига келди. У зотни Марғилон шаҳридан топди. Бошидан ўтган ҳамма ишларни унга сўзлади. Ғойибназар Хожам Пошшо ҳузурига эканлигида чимёнлик бир киши Ғойибназарга ихлос қилиб, қизини берди. Улар Чимённинг Қўриқ деган жойида (5-10 оила яшарди) ўзларига чимдан уй қурдилар. Шундан кейин подшо дафтарига қишлоқ номини “Чимён” деб ёздилар. Ғойибназар эшон ҳижрий 1104 йили (милодий 1693) йили бир мустақкам ибодатхона барпо этдилар. Бу – Чимёндаги биринчи масжид эди. Унинг ўғли ҳазрат Хожамназар (Ҳувайдо) иккинчи бинони барпо этдилар:

*Ҳазрати Хожамназар давлат қарин  
Шеъриси бўлди Ҳувайдо деб лақаб.  
Манзили маъвосидур ушбу замин  
Асли зоди Ўшу мавлид Чимён  
То охир умрдур мунда макин.<sup>6</sup>*

Ҳувайдонинг юқорида номи тилга олинган девонининг 174-175- саҳифасида Ҳувайдо таваллуд топиши билан боғлиқ қуйидаги муҳим маълумот берилган (бу маълумот девонни нашр этишга азму қарор қилган Ҳувайдонинг ўшлик чевараси Салоҳиддин Соқиб (1838-1910) томонидан тузилган бўлса, ажаб эмас). Унда шундай дейилади: “Офтоби тобон, фалаки ҳидоят, меҳтари воҳид, дурахшон сипеҳри, жалолат ва сарвари Ҳидоятulloҳ Хожам, яъни жаноби ҳазрати Офоқ Хожам нафаси мутабарруқлари эшони Ҳувайдо оталари Ғойибназар сўфийга жорий бўлиб, байт:

*Сенинг наслиндин асло қутбу авлод ўлмасун канда,*

*Чароғинг ўчмасун оламда то рўзи жазо сўфим –* деб ҳолоти истиғроқда жорий бўлиб, сандин фарзанд таваллуд қилса, отини **Хожамназар** қўй, мани назрим андадур, деб илтифоти бағоят қилиб, ул жаноб ўғуллари ҳазрати Хожам пошшони назар ва нафасларини топиб, Ҳувайдо лақаб бўлиб, ҳумоюн хосият файзи иноятларини топкон сабабдин файзи суҳанни Оллоҳ таоло ато қилди”.

<sup>4</sup> Жумахўжа Н. Ҳувайдо. – “Маърифат” газ., 1994 йил 29 июнь.

<sup>5</sup> Маматов А. Покиза дил – маъвойи дўст. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газ., 2005 йил 1 июль. № 27 (3804).

<sup>6</sup> Ҳувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам. – Т.: “Наврўз”, 2011. Б.251.

Хувайдо сўфий Ғойибназар эшон хонадониди вояга етди. Аввало, отасидан ислом дини асосларини, фикҳ илмини, ҳол илмини чуқур ўрганди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи:

*Ҳам ўқуб илму адаб, бўлдум “Ақойид”хони ишқ,  
Мушкилоту илми фикҳдин сўрсалар бердим жавоб<sup>7</sup> –*

деб ёзди. “Ақойид” иймон ҳақидаги илм бўлиб, шоир бу ерда илоҳий ишқ илмини, яъни тасаввуфни назарда тутяпти. Тасаввуф тарихидан маълумки, сўфийлар илоҳиёт назариясини ўзлаштириш, бунинг учун мадраса илмини эгаллаш ҳақида қайғурган эмаслар. Тариқат йўлига кириш учун толиб (сўфий)дан биринчи навбатда фикҳ илмини чуқур ва пухта билиш талаб этилган. Буни илми қол, яъни зоҳирий фикҳ, дейилган. Илми ҳол эса тасаввуф илми бўлиб, мурид ўз пири назорати остида тавҳид каломини зикр қилиш орқали эгаллаган. Бинобарин, Хожамназарнинг отасидан тасаввуф илмини эгаллаганлиги, ўзи мустақил равишда бадий ижод сирларини кашф этганлиги шубҳасиздир.

Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари шаклланишида, жамият ҳаётида рўй берган муҳим ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий таназул асоратлари, бир томондан, зулм ва адолатсизликлар, тож-тахт урушларининг авж олиши, иккинчи томондан, жамият тақдири учун масъул бўлган илм-маърифат аҳлларининг молу дунёга ҳирс қўйиши, одамлар ўртасида риёкорлик, ёлғончилик, таъмагрилик, манманлик, кибр, ҳасадгўйлик сингари иллатларнинг кучайиши, учинчидан, жаҳолатга қарши жаҳолат билан курашишнинг аянчли оқибатлари кучли таъсир кўрсатган.

Маълумки, Хувайдо Бобораҳим Машрабнинг кичик замондоши, бир хил тарихий муҳитда яшаб ижод қилган мутафаккир эди. Бироқ Хувайдо жамият дуч келган оғир ва мураккаб муаммоларни ҳал этишда Бобораҳим Машраб йўлидан бормади. Балки Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр йўлини – сунний тасаввуф йўлини танлади.

Хувайдо шахсининг шаклланиши XVIII асрда Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётида қадриятлар тизимининг ўзгариши, жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг аста-секин Туркистонга кириб келиши, диний эътиқоднинг кучсизланиши, оқ зулм ва адолатсизликларнинг авж олиши даврига тўғри келди.

Хувайдо Баҳоуддин Нақшбанд ғояларидан илҳомланди, бутун фаолияти давомида нақшбандия ғояларини одамлар ўртасида кенг тарғиб этишга интилди. Замондошларини ҳалол меҳнат, пок ният билан яшашга, қалб (жон уйи)ни поклашга, Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига амал қилишга, ақлли, донишманд ва билимдон бўлишга ундади. Илмсизлик, нодонлик ва жаҳолатни барча кулфат ва бахтсизликларнинг бош сабабчиси, деб билди. Ўзи учун Иброҳим Адҳамни идеал шахс ҳисоблади. У каби мард, олийҳиммат, фақир, камтарин, ҳалол бўлишни орзу қилди.

Носеҳнинг гувоҳлик беришича, Хувайдо доимо шариат ҳукмларига бўйсунуб, унга жону дили билан амал қилар, йўлда учраган ҳар бир мўмин-мусулмонга худди Ҳизр ва Илёс алайҳиссаломни кўргандек илтифот кўрсатар ва уларни дўст тутарди. Ҳар куни саҳарларда Худога ёлбориб, Ундан мақсадига етиш йўлини осон қилишини сўрар, ҳиммат отига миниб, шайтон лашкарлари билан жанг қиларди. У доимо Оллоҳнинг розилигини тилаб, худди Иброҳим Адҳам сингари озу кўпга парво қилмас, шогирдлари билан суҳбат қураб, фикру ёди дабистон (мактаб)да илм толибларига илм беришда эди.

Хувайдонинг ҳаёти, ижодий фаолияти, тасаввуфий қарашларига оид маълумотларни унинг девонига киритилган ғазалларидан, “Роҳати дил”, “Иброҳим Адҳам” қиссаларидан олишимиз мумкин. Зеро, машҳур немис олими Зигмунд Фрейднинг руҳий таҳлил назариясига кўра, ҳар бир ижодкорнинг асарларида унинг бошқалардан сир сақлайдиган истак, майл, орзу, умид ва мақсадлари ўз ифодасини топади.

Хувайдо яшаган даврнинг нақадар оғир, уқубатли эканлиги шоирнинг қуйидаги мисраларида ўз ифодасини топди:

*Қаю кун келдим жаҳонда бўлмадим шод, эй кўнгул,  
Бўлмадим зиндони ғамдин ҳаргиз озод, эй кўнгул.*

<sup>7</sup> Хожаназар Хувайдо. Девон. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005. Б. 255. Мақолада Хувайдо шеърларидан мисол келтирилган ўринлар мазкур девондан олинди.

Шоир бу мисраларни, шубҳасиз, ёши улғайиб, илм маърифатда камолга эришган даврида қоралар экан, илмсизлик, жаҳолат, зулм ва адолатсизлик, молу дунёга ҳирс қўйиш одатий ҳолга айланган уқубатли дамларда ўз дардини, руҳий изтироб ва кечин-маларини тушуна оладиган садоқатли дўст топа олмаганлигини баён этади:

*Юрогим ғуссага тўлди, кишим йўқ айтгали ҳолим,  
Нетай, дард айтгудек бир дардманд одам тополмасман.  
Куларлар қаҳқаҳа айлаб, нечук беғам кишилардур,  
Куларга бир замоне хотири беғам тополмасман...  
Жароҳат бўлди бағрим тиғи ҳасрат бирла, ман найлай,  
Юруб излаб табиблардин анга малҳам тополмасман.  
Мусибатхонадур дунё, нечук одам бўлур беғам,  
Ўзимни, эй Ҳувайдо, лаҳзае беғам тополмасман.  
Ёки  
Дариғо, топмадим бир дардманди,  
Анису ҳамдаму ёри мувофиқ.*

Мутафаккир-шоир “дард” деганда, шубҳасиз, жамият ривожига тўсқинлик қилаётган, одамларни қийнаётган ижтимоий муаммоларни назарда тутди. Кундалик тирикчилик ташвиши, молу дунё ҳирси билан яшайдиган, ҳаётнинг маъносини еб-ичиш, бола-чақа боқишдан иборат деб биладиган авом учун халқ ва жамият муаммолари бегонадир.

Ҳувайдо руҳоний оилада вояга етган, диний ва тасаввуфий ғоялар руҳида тарбияланган ижодкор сифатида ўзини жамият ва халқ тақдири учун масъул, деб билди. Аҳли хослар қалбида Оллоҳга бўлган илоҳий ишқ дардини аланга олдириш, нафсни ўлдириш, бу дунёнинг ўткинчи ва бевафо эканлигини эслатиш, оддий авом онгида эса иймон-эътиқодни мустаҳкамлаш орқали ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишга умид боғлади. Шу боисдан ҳам унинг бутун ижодий фаолиятида илоҳий ишқ ва диний маърифатни тарғиб қилиш, комил инсон шахсини шакллантириш етакчи ўрин эгаллади.

Ҳувайдо девонига кирган ғазалларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у араб ва форсий тилда битилган пайғамбарлар тарихини, ислом дини тарихини, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётини жуда чуқур билган. Шунингдек, тасаввуфнинг Ўрта Осиёда кенг тарқалган ҳожагон, маломатия, яссавия, нақшбандия, кубровия, қодирия, қаландария тариқатларидан яхши хабардор бўлган. Ўз асарларида ислом тасаввуфи буюк шайхларининг илғор ғояларини уйғунлаштиришга, замондошлари қалбида илоҳий ишқни кучайтиришга, бунинг учун эса ислом динини бидъат ва ярамас одатлардан тозалашга интилди. Бу эса мутасаввиф шоирнинг турли маломатлардан изтироб чекишига, одамлар ва ҳатто қавму қариндошларининг ундан юз ўгиришига сабаб бўлади. Бу ҳақда шоир изтироб билан:

*Тушғали ишқинг сани қилдим ҳама бирла низоъ,  
Бир йўли қилдим жаҳонни мулку молидин видоъ.*

\*\*\*

*Ишқ келди, кетти ақлим, қочти мандин жумла эл,  
Йўқтурур дард айтгудек бир ёри аҳбобим менинг.*

\*\*\*

*Сани ишқингда, эй дилбар, ажаб афсоналар бўлдум,  
Халойиққа бўлиб кулгу, баса афсоналар бўлдум.*

*Қилур таъна кўриб ҳар ким мани ҳолимга, эй моҳим,  
Бу элни оғзида ҳар гўшада афсоналар бўлдум.*

*Ҳама қавму қариндошим мани кўрса қилур номус,  
Баридин юз ўгирдим, бир йўли бегоналар бўлдум, – деб ёзди.*

Ҳувайдо диний-тасаввуфий қарашларининг шаклланиши жамиятда зулм, адолат-

сизлик, илмсизлик ва жаҳолат авж олган, тасаввуф ғоялари ўз таъсирини йўқота бошлаган, бунинг оқибатида, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, кадр-қиммат, инсоф-диёнат йўқолган ғоят мураккаб даврга тўғри келди.

У худди ҳозиқ табиб сингари иш кўрди: замондошларини Оллоҳнинг йўлига, яъни тасаввуф йўлига киришга даъват этишдан олдин ўзининг бу йўлга киришдаги изтироб, иккиликни, машаққат ва уқубатларини рўй-рост баён этди. Чунки ишқ дардини ўзидан илгари ўтган барча буюк сўфийлар сингари бутун дардларнинг (ижтимоий муаммоларнинг) давоси деб билди. Шоир илоҳий йўлга киришнинг уқубатлари ҳақида шундай деб ёзди:

*Худони йўлига кирмак деманглар кори осондур,  
Азиз жондин кечиб, бош йўнамоғлиқ кори мардондур.  
Ажаб поёни йўқ йўлдур, арода кўп хатарлар бор,  
Анинг учун ҳама солиқ бу йўл устида қолгондур.*

Оллоҳ ошиқларининг мислсиз балолар, уқубатларга гирифтор бўлишлари табиий ҳолдир. Хувайдо ишқ ўтида ўртанишни шарафли қисмат деб билди:

*Нигоро, икки оламда санингдек дилрабо йўқтур,  
Фироқинг ўтида мандек асири мубтало йўқтур.  
Балоларга дучор ўлдим висолинг излабон тун-кун,  
Манингдек эл аросида гирифтори бало йўқтур.*

Тасаввуф тарихида сўфийларнинг узлатга чекиниш орқали илоҳий руҳдан файз, илҳом ва рағбат олиш ҳоллари кўп бўлган. Бироқ бундай узлатнишинлик шуҳратпарастликни келтириб чиқара бошлагач, Абдуҳолиқ Фиждувоний ўз тариқатида “хилват дар анжуман ба зоҳир ба халқ ба ботин ба Ҳақ” (анжуманда зоҳиран халқ билан, аммо ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш) ғоясини илгари сурди. Бироқ Хувайдо яшаган даврга келиб, тасаввуфнинг қатъий талаб ва қоидалари анча кучсизланди. Хувайдонинг таъкидлашича, замонанинг пок кишилари, мардларининг чўпча қадри қолмагач, ўткинчи ва алдамчи молу дунёга меҳр қўйган кишилар кадр топа бошлагач, шоир узлатнишинликни, яъни одамлар йўқ жойларга бош олиб чиқиб кетишни орзу қилди:

*Бу замона мардларини чўпча қадри бўлмади,  
Бўлдилар моли палид жўйони номард эътибор.  
Молдин ўтмак, жондин ўтмак кори ҳар номард эмас,  
Дунёни тарк айлагон ишқ йўлида мард эътибор.  
Ёки  
Ичим тўлди ғаму ишққа, бўлибман турфа дилғири,  
Ғаҳи ҳиммат қилурман, бош олиб Руму Яман кетсам.  
Маломат бир сари, ғам бир сари жонимни ўртайдур,  
Кетибдур тоқатим эмди ўзимни ғамга ўргатсам.*

Хувайдо асарларида Ҳизр алайҳиссаломнинг номи кўп учрайди. Боиси унинг Ҳизр алайҳиссаломдан тасаввуф илмини ўрганганлиги, унинг руҳидан илоҳий файз ва тарбия олганлигида эди.

Хувайдонинг таъкидлашича, нафс, орзу-ҳавас, бола-чақа ва дунёга меҳр бор экан, инсон гуноҳсиз яшай олмайди. Гуноҳларнинг ажри эса надомат ва тавба қилишдир. Илми қол (шариат илми) ва илми ҳол (тасаввуф илми)ни чуқур эгаллаган Хувайдонинг Оллоҳ ризолиги йўлида сидқидилдан қиладиган тоат ва ибодатларидан қониқмаслигининг боиси ҳам шунда эди.

Хувайдо ердаги ҳаётдан узилиб, самовий ҳаёлот оламида, мистик оламда яшамади, дунёвийлик ва илоҳийликни бир-бирига қарши қўймади, балки замондошларини бу дунёнинг нозу неъматларидан юз ўгирмасликка, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган азиз умрни қадрлашга, ана шу неъматлар учун Яратганга шукрона айтишга, фақат савобли ва хайрли ишлар қилишга, Оллоҳнинг номини ҳамиша хушнудлик билан тилда ва қалбда зикр қилишга даъват этди.

50-60 ёш – инсон ҳаётининг тажрибаларини сарҳисоб қилиб, ўтган умрни тафтиш



этиш, ҳаётда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тавба қилиб, маънавий комиллик мезонларини белгилаш даври ҳисобланади. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган улуғ мутафаккирларнинг аксарияти ана шу ёшда ўз ҳаётига танқидий баҳо берганлар, маънавий ганж излаш, ўзларидан яхши ном қолдириш учун эзгу ва савобли ишлар қилишга аҳд қилганлар. Ана шу ибратли қисмат Ҳувайдонини ҳам четлаб ўтмаган:

*Эллик-олтмиш яшадим, бир яхши тоат қилмадим,  
Қилғоним бўлди гунаҳ, бир дам ибодат қилмадим.*

\*\*\*

*...Эллик яшаб, олтмишга етиб, зарра амал йўқ,  
Ўлмак хуш эрур мангаки, дунёга тўйибман...*

\*\*\*

*Яшаб эллик, Ҳувайдо, келмаса яхши амал сандин,  
Бу янглиғ юрғаниндин ўлғанинғдур хўбтар эмди...*

\*\*\*

*Ҳувайдо, сан яшаб эллик, нетай, бир қилмадинг тоат,  
Сафар зодини қилғил, эмди айёми тараб кетти.*

Донишмандлар кексаликни инсон умрининг қиш фаслига ўхшатадилар. Табиатдаги ҳар бир фаслнинг ўз зийнати ва файзи бўлгани сингари кексалик ҳам, Ҳувайдонинг тавсифича, эзгу ва хайрли ишларни ниҳоясига етказиш учун Оллоҳ томонидан бериладиган имкониятдир. Ҳувайдо ўз замондошларини ғафлатдан халос бўлишга ва савобли ишлар қилишга ундади:

*Қариликдан асар қилди, миёним ерга ҳам бўлди,  
Илигимга асо тегди, қулоғим ҳам асам бўлди.  
Қариб, ерга қариб бўлдим, кўнғил ҳарғиз қаримайдур,  
Кучим етмас ҳунар қилсам, юрогим тўла ғам бўлди.  
Йиғитликда азизу аллом эдим, қимматбаҳо сўзлик,  
Ушалди гавҳари ақлим, сўзимни қадрим кам бўлди.  
Йиғитлик ўтти айёми, қарилик хуфтани келди,  
Ҳануз ётармусан ғофил, қўп эмди, субҳидам бўлди.*

Миллий истиқлол шарофати билан Ҳувайдо меросини чуқур ўрганиш, унинг асарларини кўп нусхада чоп этиш, халқимизни улуғ мутасаввиф меросидан баҳраманд этиш, шоирнинг мақбарасини барпо этиш имконияти вужудга келди. Мамлакатимиз олимлари Ҳувайдо меросини ўрганишга бағишланган қатор асарларини эълон қиляптилар. Жумладан, 2013 йили Тошкентнинг “Наврўз” нашриётида профессор Ҳайдар Алиқулов таҳрири остида Ҳувайдонинг “Роҳати дил”, Иброҳим Адҳам” дostonи чоп этилди. Ҳувайдо тасаввуфий, ахлоқий, бадий-эстетик ғоялари, комил инсон шахсини шакллантириш концепциясига доир туркум мақолалар чоп этилди. Бу йил республикамиз адабиёт ва илм аҳли Ҳувайдо таваллудининг 310 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, улуғ аждодларимиз маънавиятининг азим ва туганмас сарчашмаларидан халқимизни баҳраманд этиш орқалигина маънавий ҳаётимизда дуч келган муаммоларни оқилона ҳал этишимиз ва тараққиётнинг кенг йўлига чиқишимиз шубҳасиздир.

## САНЪАТШУНОСЛИК



### Элеонора ҒАНИЕВА

*1987 йилда тузилган. Тошкент Давлат маданият институтини тамомлаган. Айни дамда, Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг кино ва телевидение бўлимида тадқиқотчи ходим бўлиб фаолият олиб бормоқда. Мақолалари республиканинг турли нашрларида эълон қилинган.*

## ЭКРАНГА ЧИҚҚАН АСАРЛАР

Ўзбек кинематографияси томонидан яратилган юзлаб фильмлар ҳали-ҳалигача халқ эътиборига, меҳрига сазовор бўлиб, миллионлаб телетомошабинларнинг қалбини забт этиб келмоқда.

Маълумки, фильмлар инсоният маданий мероси ичидан энг яхшилари – сайқал топган намуналарини тарқатиш, ташвиқ қилиш каби улкан ижтимоий вазифани бажаради. Ватанимизда экранлаштирилган фильмларга санъатнинг бир тури сифатида эътибор қаратилгани ҳолда улар томошабин учун яхшигина эстетик ва ахлоқий манба сифатида тўлиқ таҳлил қилиб чиқилмаган.

Тасаввур қилиб кўринг, биз умримиз давомида қанча китоб ўқиймиз ва уларни қай даражада атрофлича эслаб қоламиз? Улар, албатта, биз истаганимизчалик хотирамизда яхлит тиклана олмайди. Адабиёт ва кинематографиянинг бирдамлиги эса адабий образларга ҳаёт бағишлаб, уларни эсда қоладиган ва яна ҳам ишонарли даражага олиб чиқади. Бу эса қисқа муддат ичида бутун бошли бир китобни ўзлаштириб олиш имконини беради.

Ушбу тадқиқотда биз асосий эътиборни экранлаштирилган фильмларни санаб ўтиш ва уларнинг моҳиятини очиб бериш билан эмас, балки фильмлар яратиш, айниқса, телетомошабинлар меҳрига сазовор бўлган фильмлар яратиш бўйича тўпланган тажрибаларни ривожлантириш ҳамда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган фильмлар яратиш муаммоларига қаратмоқчимиз. Бунинг учун таҳлил манбаи сифатида телевидение орқали энг кўп намоиш этиладиган фильмларни тадқиқот манбаи қилиб олдик.

Ўзбек кинематографиясида биринчи бўлиб экранга чиққан фильм – Л.Соловьев ва В.Витковичлар сценарийси асосида Я.Протазанов томонидан яратилган “Насриддин Бухорода” фильми ҳисобланади (1943). Ушбу фильм Ўрта Осиё халқларининг халқ оғзаки ижоди намуналаридаги образ асосида яратилган қатор фильмларнинг (“Насриддиннинг саргузаштлари” (“Ўзбекфильм”), “Насриддин Хўжандда”, “Насриддиннинг ўн икки қабри”, “Насриддиннинг биринчи севгиси” (“Тожиқфильм”)<sup>1</sup> дастлабкиси эди.

70 йиллигини қаршилаган “Насриддин Бухорода” фильми ҳали-ҳанузгача ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Бунинг сабаби, сценарий муаллифлари, режиссёр ва бош роль ижрочиси (Л.Свердлов) томонидан ўша даврдаги ўзбек халқининг урф-одатлари,

<sup>1</sup> Х. И. Акбаров. Адабиёт ва Ўрта Осиё республикалари кинематографиясининг ривожланиши: фил. фан. док. илмий дар. учун автореф. Тошкент, 1983. 21 б.

анъаналари ҳамда турмуш тарзи чуқур ўрганилганлигидир.

Узоқ йиллар давомида бу фильмнинг омма эътиборида бўлишига яна бир сабаб, унинг жанри ҳисобланади. Комедия жанри ҳар доим, ҳар қандай телетомошабинни ўзига жалб қила оладиган универсал жанр бўлиб келган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, комедия жанри ҳозир ҳам телетомошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинади.

1945 йилда иккинчи фильм – “Тоҳир ва Зухра” кинофильми яратилди. Бу сафар ҳам С.Абдулла ва А.Спешновлар фольклорга мурожаат қилишиб, халқ оғзаки ижодини фильмга асос қилиб олишди. Натижада, ватанимиз кинематографияси асосчиси Наби Ғаниев раҳбарлиги остида фаолият олиб борган юқори савиядаги актёрлар ансамбли иштирок этган, ўзбек киноси классикаси қаторидан жой олган, томошабинлар томонидан меҳр билан қабул қилинган яна битта фильм пайдо бўлди.

Я.Протазанов ва В.Витковичларнинг ижодидан қониқиш ҳосил қилган Н.Ғаниев Хўжа Насриддин мавзусини давом эттирди. Натижада, 1946 йилда “Насриддиннинг саргузаштлари” фильми дунёга келди. Бу сафар биз саҳнада келажакка ишонч билан боқадиган, хушчақчақ, ҳаракатчан Афанди ўрнига халқ оғзаки ижодида кенг учрайдиган севимли характерни кўрамыз. “У камбағал бўлиши билан бирга файласуф, узоқни кўра билувчи сиёсатчи, нозиктаъб руҳшунос сифатида намоён бўлади. Бу Насриддиннинг очкўз Оғабекни қишлоқдаги кўлга эгалик қилиш мақсадидан маҳрум қилишда ўз аксини топади”.<sup>2</sup>

Бахтга қарши, 40-йиллар ўзбек кинематографияси учун оғир синовлар даври бўлди. Мамлакатимизда кўнгилочар фильмлар ишлаб чиқариш кескин қисқартирилди. Киностудиялар ёпилиб, режиссёрлар ишсиз қолди. “Бу, умуман олганда, ҳокимиятнинг киносанъат устидан очикчасига тазйиқи бўлиб, 50-йилларда яна бу жанрга қайта рухсат берилганда бу иллат фильмларда ўз аксини топмай қолмади”.<sup>3</sup>

Орттирилган бутун тажрибаси ҳамда киносанъат олдидаги хизматлари ер билан яқсон қилинган ўзбек кинематографияси муқобил манбаларга, жумладан, адабий, мусиқий ва саҳна санъатларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Оқибатда, 50-йилларда ўзбек киноси янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Кинематография усталари узоқ муддатли турғунлик давридан сўнг қизиқарли мавзулар топиш мақсадида чет элларда, шу билан бирга, ўзимизда яратилган адабий асарларга мурожаат қилишди. Натижада, Л.Файзиёвнинг “Қутлуғ қон” (1956), Х.Ахмарнинг “Ганг дарёсининг қизи” (1961), Ш.Аббосовнинг “Тошкент – нон шаҳри” (1967), Й.Аъзамовнинг “Ўткан кунлар” каби ёрқин киноасарлари юзага келади.

Ойбек романи асосида саҳналаштирилган “Қутлуғ қон” фильми XX аср бошидаги ўзбек деҳқонларининг аянчли турмуши ҳақида бўлиб, воқеалар ва унинг қаҳрамонлари “синфий кураш муносабатлари асосида яратилиб, очикчасига сиёсийлаштирилади”.<sup>4</sup> Юксак истеъдод эгалари томонидан яратилган ушбу фильм ҳозирги кунга қадар телетомошабинлар қизиқишидан четда қолмаган.

Р.Тагорнинг “Ҳалокат” романи асосида суратга олинган “Ганг дарёсининг қизи” (сценарий муаллифи А.Гинзбург) фильмида қадимги даврдаги инсонлар овозлиги ва бахтига монелик қиладиган ҳар хил хурофотлар ҳақида сўз боради. Келин билан куёвнинг тўйгача бир-бирлари билан кўришишларини таъқиқловчи эски анъаналар ҳар хил келишмовчилик ва тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлган. Бундай анъаналар ўзбек халқи тарихида ҳам мавжуд бўлганлиги сабабли бу мавзу М.Абзаловнинг “Чимилдиқ” (1999), Й.Аъзамовнинг “Ўткан кунлар” (1969) фильмлари орқали экранга олиб чиқилган.

Р.Тагор ўз романида хурофотга тўла бундай анъаналарни ота-оналарининг хоҳиши билан унаштириб қўйилган Ромеш ва Сумила ҳамда бир-бирларини яхши кўрадиган Налинакха ва Камолалар орқали акс эттиради. Ганг дарёсида қайиқларда сузиб юрган асар қаҳрамонлари тўсатдан туриб қолган довул домига тушиб қолишади. Довул Ромеш билан Камолани қирғоққа итқитиб ташлаб, Сумила ҳаётига зомин бўлади. Аввалдан ўзаро таниш бўлмаган Ромеш билан Камола бир-биримизга унаштирилганмиз,

<sup>2</sup> Х. Абул-Қосимова. Ўзбекистон кинотомоша тизимида кинонинг ўрни. XX асрда Ўзбекистон бадиий маданияти тизимида томоша санъати китоби. — Тошкент, 2008. 1. т. 186-б.

<sup>3</sup> Ўша асар. 187-б.

<sup>4</sup> Ўша асар. 189-б.

деб ўйлашади. Зийрак Ромеш тез орада Камоланинг қайлиғи эмаслигини сезиб қолиб, ўзи севган қиз Хемнолини билан топишиш мақсадида ундан қутулиш ҳаракатига тушади. Тасодифан ҳақиқатнинг тагига етиб қолган Камола эса эри деб ўйлаган одамнинг уйини ўз хоҳиши билан тарк этиб, ўз бахтини излашга тушади. Жасоратли қиз Камола кўплаб қийинчиликларни бошидан кечириб, ниҳоят, ўз ҳақиқий севгисини топади.

Фильм устида ишлаган ижодий жамоа ва актёрлар гуруҳи фильмга ҳинд романчилиги кайфиятини сингдиришдан ташқари, ҳинд фильмларига хос бўлган кайфиятни ҳам кирита олишган. Натижада, ўша даврларда бизда ҳинд фильмларига иштиёқманд томошабинлар кўп бўлганлиги сабабли бу фильм томошабинлар томонидан жуда яхши қабул қилинди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳинд кинематографиясига иштиёқмандлик кайфияти ҳали-ҳанузгача мавжуд бўлиб, бунга телеканалларимизда тез-тез намойиш этиладиган кўплаб ҳинд фильмларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбек кинематография тарихида катта муваффақиятга эришган фильмлардан яна бири бу – рус ёзувчиси А.Неверов қиссаси асосида саҳналаштирилган Ш.Аббосовнинг “Тошкент – нон шаҳри” фильмидир. 1921 йилда Поволжье ўлкасида юзага келган очарчиликни акс эттирган, ўз юртидагиларга оз бўлса ҳам нон топиб келиш мақсадида узоқ Тошкентга йўл олган ёш бола Миша Додоновнинг характери шаклланишини ифода этиб берган бу фильм ҳар томонлама мукамал ишланган. Ш.Аббосовнинг кучли режиссёрлик истеъдодини, А.Михаил-Кончаловскийнинг драматургик қобилиятини, В.Воробейнинг туғма актёрлик истеъдодини ўзида мужассамлаштира олган ушбу фильм барча замонларда долзарб бўла оладиган бадиий қиймат ва экрандаги доимий барқарорликни таъминлаб берди.

А.Қодирийнинг машҳур “Ўткан кунлар” романи асосида шу ном билан экран юзини кўрган фильм оқоридаги киноасар каби ўзбек киносанъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Иқтидорли ўзбек романнависининг асарлари жами тўрт марта саҳналаштирилди: икки марта – “Ўткан кунлар” (Й.Аъзамов 1969; М.Абзалов 1999) ва икки марта – “Меҳробдан чаён” (Й.Аъзамовнинг “Зулматни тарк этиб” фильми (1973) ва М.Муҳаммедовнинг “Меҳробдан чаён” телесериали 1998). Бироқ улардан фақат биринчи марта ва муваффақиятли ишланганларигина узоқ вақт давомида омма эътиборида бўлиб келмоқда.

1969 йилда экранлаштирилган фильмда Отабек ва Кумушнинг тақдири орқали романда акс эттирилган давр ҳам моҳирона тарзда акс эттирилди. Бахтга қарши, 1998 йилда яратилган фильмда романнинг сиёсий мавзуси томошабинларни ўзига тортадиган романтик лавҳалар билан мувофиқлаштирилмади. Романнинг сиёсий ва ижтимоий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилишган фильм ижодкорларининг асосий хатоси мана шунда бўлган бўлса керак.

“70-йилларда ўзбек киносанъатида замонавийлик мавзуси алоҳида ўрин тутди. Саҳналаштирилган фильмларда ҳис-туйғуни шакллантириш, инсон-фуқарони шакллантириш, шахснинг руҳий вояга етишини тарғиб қилиш мавзусига алоҳида эътибор қаратилди”.<sup>5</sup> Бу давр фильмлари орасидан бирор сифатли ишланган фильмни ажратиб кўрсатиш қийин. Улар орасидан Д.Салимовнинг Ғ.Фуломнинг “Шум бола” асари асосида суратга олган фильмини таъкидлаб ўтиш мумкин. Роман бош қаҳрамони – болакай уйдан қочиб кетиб, ҳар хил мушкул вазият ва тўсиқларга дуч келади. Натижада, у оқил ўсмир бўлиб етишади. Экранны юзини кўрган “Шум бола” ҳозирги кунга қадар телевидение орқали ёш авлод тарбиясида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

80-йиллар ўзбек кинематографияси кўплаб янги фильмлар билан бойиб, бу даврда яратилган фильмлар шу пайтга қадар яратилган барча фильмларнинг учдан бир қисмини ташкил қилди. Бироқ сифат жиҳатдан катта муваффақиятларга эришилмади. Бу давр фильмларидан фақат М.Абзалов томонидан яратилган, С.Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” (1984) пьесаси асосида суратга олинган шу номли фильм томошабинлар меҳрига сазовор бўлди. Бу фильмнинг халқимиз томонидан ижобий қабул қилинишига сабаб – ёш авлод билан кекса авлод вакилларининг дунёқарашлари ўртасидаги тўқнашувнинг моҳирона тарзда комедия жанрида акс эттирилгани бўлди.

<sup>5</sup> Ҳамроева Р. Экранда адабий асарлар // San'at. – 2010. – № 4. [Электрон шаклда] URL: [http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/4-10/rokiya\\_hamraeva.shtml](http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/4-10/rokiya_hamraeva.shtml) (сана: 02. 06. 2014)

“Фильм ёш ўзбек кинорежиссёри И.Эргашев томонидан Ш.Бошбеков пьесаси асосида яратилган “Темир хотин” (1990) фильми каби улкан муваффақият қозонди”.<sup>6</sup>

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг боши – ўтиш даврида фильмларимизда тушкунлик, руҳий эзгинлик, тез ўзгараётган дунёда ўз ўрнини топишга бўлган ҳаракат кайфияти устун бўлди. Кинематографистларнинг янги авлоди – Ю.Розиқов, З.Мусоқов, А.Шаҳобиддинов, Ё.Тўйчиев, Ҳ.Насимовлар синалган адабий манбаларга мурожаат қилишди. Ҳ.Фуллом қиссаси асосида Ҳ.Насимов томонидан яратилган “Ёдгор” (2003) фильми ҳамда Чўлпон қиссаси асосида А.Шаҳобиддинов ва Ё.Тўйчиевлар томонидан суратга олинган “Қордаги лола” (2003) фильмида ўтган аср бошларидаги воқеалар ёритилди.

Т.Мурод романи асосида Ш.Аббосов (сценарий муаллифлари Ш.Аббосов ва М.Тўйчиев) томонидан суратга олинган “Отамдан қолган далалар” фильми ҳам тарихий фильмлар қаторини тўлдириб, шўро тузумининг пайдо бўлиш, ривожланиш ва парчаланиш давлари давомида яшаган тўрт авлод вакиллари тарихини акс эттирган. Фильмда аёллар тақдирига алоҳида аҳамият берилиб “уларнинг тақдирларида халқимизнинг турли давлари ўз аксини топади. Вақт, тузум уларни аямайди... уларнинг ҳаётларини барбод қилади”.<sup>7</sup>

Бадий адабиёт – Ўзбекистон кинематографияси ривожига улкан ҳисса қўшди. Фильмларимиз фонди такорланмас киноасарлар билан бойиди. Бироқ адабий асар ўзида кинематография кинорежиссёрларини таъқиб қилиб юрадиган сирли бир хавфни сақлайдики, бу хавф уларни таъқиб қилиб юрадиган адабий матнни кинематографияга кўчиришда ўз аксини топади. Бундай ҳолатларда саҳналаштирилаётган асарнинг ижтимоий омилларини чуқур англай билиш ва тўғри талқин қилиш (муаллифнинг адабий асарини “тўғриламаслик”, уни нотўғри талқин қилмаслик) лозим.

Кўпинча бу омил экранлаштирилаётган фильм тақдирини ҳал қилиб беради. Бахтимизга миллий кинематографиямиздаги экранлаштирилган кўплаб асарлар бундай таъқибдан холи бўлдилар.

Бугунги кунга келиб, ўзбек адабиётининг кўплаб асарлари экранлаштирилган бўлишига қарамасдан, бир салбий ҳолат устида тўхтабмасдан ўта олмаймиз. Бу – кинематографистларимизнинг Алишер Навоийнинг “Хамса”, Бобурнинг “Бобурнома” асарларини эътибордан четда қолдираётганликларидир. Бунинг объектив сабаблари тушунарли. Бироқ бундай улкан миқёсдаги лойиҳалар учун молиявий ажратмалар етарли эмаслиги, бюджет томонидан маблағ ажратилган тақдирда ҳам бундай кенг қамровли фильмлар учун камлик қилиши, оқибатда бу фильмнинг сифатига, унинг бадиий ва эстетик томонларига ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Биз бундай вазиятдан чиқиш учун чет эл кинематографияси тажрибасини тавсия қилган бўлар эдик. Мисол учун, Шекспирнинг шу номли асари асосида саҳналаштирилган “Йўқ жойдан машмаша” («Много шума из ничего», реж. ва сцен. Жосс Уидон, 2012) ва “Кориолан” (реж. Рэйф Файнс, сцен. Жон Логан, 2010) фильмлари тархий воқеалар ҳозирги даврга кўчирилиб тасвирланган. Бундай ёндашув билан бирданга бир неча мақсадга эришиш мумкин: киножараённи фаоллаштириш, ёшлар эътиборини аждодларимиз томонидан қолдирилган маданий меросимизга қаратиш ва, асосийси, маблағни тежаш.

<sup>6</sup> Ўша манба.

<sup>7</sup> Х. Абул-Қосимова. Ўзбекистоннинг янги давр киносанъати. XX асрда Ўзбекистон бадиий маданияти тизимида томоша санъати китоби. — Тошкент, 2009. 2. т. 124-б.

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ

## МАНЗАРАЛАРИ

**Борис ПАСТЕРНАК**

1890 йилда туғилган. XX асрнинг энг донгдор шоирларидан бири. Унинг биринчи шеърий тўплами “Булутдаги эгизак” 1914 йилда нашр этилган. “Тўсиқлар оша” тўплами авангард шеъриятнинг энг яхши намуналари деб баҳоланган. Шоирнинг “Ҳаёт – менинг синглим”, “Тўлқинлар”, “Иккинчи туғилиш” шеърий тўпламлари, “Муҳофаза ёрлиги” насрий асарлар тўплами ва бошқа қатор китоблари чоп этилган. “Доктор Живаго” романи учун Борис Пастернак Нобель мукофотиغا сазовор бўлган.

## ҚАДИМИЙ МУЮЛИШ

**ЯГОНА КУН**

Қаҳратон қиш – оғир палласи,  
Қуёш дарвозасин эслайман.  
Ва ҳар бири бетакрор эди,  
Такрорлайман яна қайта ман.

Барчалари бешикаст занжир,  
Богландилар бурунма-бурун –  
Ҳамоно, кун гар ягонадир,  
Бизнинг-ча, тўхтаган бир қурун.

Хотирда ҳар бири, ҳаммаси:  
Яқинлашар қишинг намчиси,  
Йўлақлар нам, томлардан оқар,  
Қуёш эритган муз томчиси.

Меҳрибон, зўё тушдагидек,  
Ҳар бир ўтган онлар ўзгача.  
Дарахтлар буй чўзар, беҳолдек  
Иссиқдан терлайди тунгача.

Ярим уйқу – ялқовлик мили,  
Айланади қуёш қадоғи.  
Давом этар аср кунлари,  
Ва сигмас бағрига адоғи.

## ТУШ

Куз ойнадай ранг олар жило,  
Сен дўсту, лек у тамасхўрлар.  
Кўкда лочин қанотли, билло,  
Кўнгилларда кишанбанд тўрлар.

Фурсат кетди, қартайиб сўнди,  
Ахир, ромлар кумуш нишона.  
Богдан шафақ ойнага урди  
Сентябрь қонли кўзёши-ла.

Фурсат кетди, ҳатто соврилди,  
Муз сингари чирсиллаб-эриб.  
Сен қайтдинг, бир овоз қайтди,  
О, туш жомдек акс-садо бериб.

Мен уйғондим. Зим-зиё куздек.  
Отади тонг. Шамол йўрғалар.  
Тарнов ичра ёмғир замбарак,  
Кўкка қайин гўё ўрғалар.

## ҲАВЗА УЗРА

Гўё зарҳал манқалдон зирҳли,  
Кўнгиллар богда тўкилар аста.  
Ортимдан, изма-из шамдори  
Жилвали жагонга пайваста.

Э, қандайин эътимоддир бу,  
Кечада мен дайди сасига.  
Қаердадир бўзарган терак  
Осилади ой марзасига.

Ҳавза узра ботин сукунат,  
Денгиз бесас шивирлар оҳ-оҳ.  
Осиғлиқ кўприк ила боғот,  
Гўё қучар самони, ногоҳ...

## ЗАМҲАРИР

Куёши туман ортида – совуқ тонг,  
Бурқиб турар ўт узра тутун.  
Мен-да, гўё жонсиз суратдек,  
Наҳот, унга бепарводир мен?

Ҳамоно, у зубор ичрадир,  
Порлар кўлда майса сингари.  
Дарахтлар беҳолдек кўринар,  
Олис соҳил бўйидан нари.

Ўткинчилар кечроқ билишар.  
Туман ичра қалқигай ғоч-ғоч.  
Аёз қоплар эт-да, шилвирар,  
Ул қизарар шундоқ яланғоч.

Кетаяпсан қиров сўқмоқдан,  
Чиптадай тўшама гўёки бот-бот  
Ҳансирар-да, бўғриқар замин,  
Етмас тоқат, тўнгандир, наҳот?!

## ОЛТИН КУЗ

Куз. Нақадар афсонавий кўшиқ,  
Имкон сари кашшофлик барча.  
Сўқмоқлидир ўрмонли йўлак,  
Сўқилмоқ-чун кенг сувлик ичра.  
Кўргазма узрадир бир тасвир:  
Йўлак, йўлак, йўлакдир йўлак.  
Зарриштадек турар беназир:  
Қайрағоч, шумтолу тоғтерак.  
Худди кўклам келинчагидай  
Олтин узук тақар дарахтлар.  
Қайин боши ҳарир рўмолдай,  
Никоҳ либос гўё шаффофдир.  
Мафтун гўё замин чамбарак,  
Чуқур сой-ла пайваста япроқ.  
Қушовдадир заъфарон заранг,  
Дераза ромлари мисли ялтироқ.  
Сентябрь эрур дарахтзорлар-ла,  
Жуфт-жуфт турар – ҳаёт зарнош.  
О, пўстлоқлар кунботар ёна,  
Каҳрабодек қолдирар кўзёши.  
Бир нораво қадам – жарликдир,  
Чун ҳеч кимса билмагай шоён.  
Хатарлидир бир одим содир,  
Оёқ ости хазонрез аён.  
Ҳайқирадир хиёбон туби,  
Акс-садо қайтарар бўшлиқ.  
Шафақгундир олча елими,  
Акланар қаҳрабо илиқ.  
Куз. Қадимий муюлиш яна,  
Кўҳна китоб, кийим, яроғдир,  
Кўлэмадир, нишон ганжина,  
Варақлайди бир-бир замҳарир.

Рус тилидан

Манзар АБДУЛХАЙР таржимаси

## МУҚОВАМИЗДА

Ўзбек рангтасвир санъатида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия сиймосининг яратилиши ҳақида кўп ёзиш мумкин. Зулфия ижоди, унинг эл аро қозонган ҳурмати ва ҳаёт йўли мусаввирларни бетакрор картиналар яратишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Рассомларнинг ҳар бири шоиранинг сурати ва сийратини ўзича талқин этган. Рассом Анвар Назиров ҳам Зулфия мавзусига қўл урган бўлиб, унинг асари ўзбек рангтасвир санъатида муносиб ўрин тутди.

Анвар Назиров кенг қамровли ижодкор эди. У рангтасвир, китоб графикаси, портрет, саҳна декорацияси, плакат санъати йўналишида баракали ижод қилган, хусусан, портретчи рассом сифатида кўпгина асарлар яратган. А.Назирова талқинидаги Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Нодира, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Зулфия ва Ҳамид Олимжон портретлари халқимиз маънавий бойлигининг ажралмас бўлагига айланган.

Зулфия ва Ҳамид Олимжон портретининг яратилиши шоира ва мусаввирнинг узоқ давом этган ижодий мулоқоти маҳсулидир. Қуйида эълон қилинаётган мактуб ушбу суратнинг яратилиш жараёнида кечган мулоқотдан дарак беради. Уни бизга рассомнинг ўғли Мурод Назиров тақдим қилди. Мурод аканинг ҳикоя қилишича, Зулфия рассомнинг уйида бир неча маротаба меҳмон бўлган, мусаввирнинг оила аъзолари хотирида Зулфия заковатли ва ҳайратангиз оддий аёл сифатида қолган. А.Назировнинг рафиқаси ёзган мўъжаз дастурхон тепасида унутилмас суҳбатлар кечар, Раиса оянинг пазанда қўллари теккан бирон-бир пишириқ эса бу меҳмондорчиликка ўзига хос файз бағишлар эди.

*Ҳурматли ва иззатли Анвар Назиров!*

*Сизнинг санъат макони бўлган уйингизда бир неча он бўлиб, мен учун бениҳоя қиммат киши – Ҳамид Олимжоннинг Сиз яратган тимсоли билан ҳамсуҳбат бўлгандан бери ҳаёлим ўша ерда қолди. Бу қимматли, ноёб учрашув учун, гўзал ҳарорат учун Сизга ташаккур. Бу учрашув ҳақидаги хотиротлар ҳаёлимни қаттиқ банд этиб, фикрларимни тезлаштирди ва баъзи фикрларни изҳор этишга журъат этаман.*

*Менинг назаримда, энг муҳими, бу ёшлар учун бу майдон, бу дунё торлик қилаётгандай. Атроф кенг, уфқлар узоқ, бу ёқлар хиёл майинроқ ва осмон баланд бўлиши керакдай. Гуллар ҳам нафисроқ, табиат ёшроқ, ўрик гуллари ҳам майин ва кўпроқ бўлиши дурустдай.*

*Менинг назаримда, баҳорга чиққан қаҳрамонларингизнинг либослари ҳам уларнинг туйғуларидай нафисроқ, кайфларига уйғун бир даражада бўлиши мумкиндир.*

*Менинг назаримда аёл қўлидаги гул жуда кўпдай, баҳорнинг ним рангли нафис гуллари эмас, баҳор чечакларидай, жуда кўп хил гуллардан ясалган гулдаста, менимча бир турли гулдан кичик нозик гулдаста ёки уч-тўрт лола ёки бир гулли новдача бўлиши ёки енгил ҳарир дуррача тутилган бўлиши мумкин.*

*Умуман, бу асарда Ҳурлик, Ёшлик, Гўзаллик, Шодлик кулф уриб турмоғи керак, умуман, юқоридагиларни истисно қилганда, шундай чиққан ҳам.*

*Кечирасиз, балки бу асарни, худди биз каби нақ ёнда туриб эмас, узоқроқдан томоша қилиш керакдир?*

*Сиз, ҳурматли Анвар Назирович, бу асарни бир ҳафтада ёки бир кунда яратмаганингиздай, бир йил, икки йил учун ҳам ижод этмагансиз. Бу асар келажак авлод учун, умумхалқимиз маданияти учун қолиб, яшаб кетадиган бўлиши керак. Бу икки ёш ҳам Сизнинг санъатингиз тўғрисида келажак авлод ичида яшаб, ҳурмат этишлари керак.*

*Шунинг учун мен ҳаёлимга, фикримга келган мулоҳазаларимни Сиз билан баҳам кўришга журъат этдим.*

*Мен учун махсус нусха ҳақида бир ўйлаб кўрсак. Бу катталикда уйга тўғри келмас керак. Ҳар ҳолда, маълум масофадан қараш керак санъат асарига. Бизнинг уйлар унча катта эмас. Вақтингиз бўлиб бир шаҳарга келганда учраша олсак, ҳамма хусусда сўзлашиб, келишиб олармиз.*

*Раиса хонимга салом айтинг.*

**Камоли эҳтиром билан Зулфия.  
19 март 1980 йил**